# МУНДАРИЖА

## ЎЧМАС СИЙМОЛАР

З.М.ИСЛОМОВ. УВАЙС ҚАРАНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ........................................ 3

А.ҒУЛОМОВ. МАҲМУД ИБН ЗАЙД ЛОМИШИЙ – ФАРҒОНАЛИК МУТАКАЛЛИМ ОЛИМ....................................... 6

## МАНБАШУНОСЛИК

Д.Р.КАРИМОВА. ЎЗБЕК АЛЛОМАЛАРИНИНГ БОЛА ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ФИҚҲИЙ АСАРЛАРИ .............................. 9

Д.МУРАТОВ. МУСТАДРАК ВА МУСТАХРАЖ ТУРИДАГИ АСАРЛАР ................................................................................... 14

М.ИСМОИЛОВ. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИ ЎРГАНИШДА ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ ....................................................... 18

А.А.АКМАЛХОНОВ. «МИФТАҲУ-Л-УЛУМ» АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА, ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ НАШРЛАРИ................................................................................. 22

Н.К.ТУРАБОЕВ. “МУХТАСАРУЛ ҚУДУРИЙ” –АБУЛҲУСАЙН ҚУДУРИЙНИНГ ШОҲ АСАРИ ..................................................... 29

З.ФАХРИДДИНОВ. “ТАҲСИЛ НАЗОИРУ-Л-ҚУРЪОН” АСАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ....................... 33

Ж.А.БЎРИЕВ. ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДА ДИНИЙ МОТИВЛАР.................................. 38

Л.А.ХАИТОВ. ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИДА СОҒЛОМ ҚАЛБ МАСАЛАСИ ................................................................... 42

## ИСЛОМШУНОСЛИК

Б.А.АХМЕДОВ. МУТААССИБ ОҚИМЛАРНИНГ ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИГА ЗИД ҚАРАШЛАРИ................................................. 48

С.М.РАХМОНОВ. НАҚШБАНДИЯ ВА МАВЛАВИЯ ТАРИҚАТЛАРИДА ИНСОН КАМОЛОТИ МАСАЛАСИ ........ 53

Б.МУХТАРОВ. АБУ ЛАЙС САМАРҚАНДИЙНИНГ МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.. 58

Д.ЗАКИРОВА. ИСЛОМДАГИ ТАҚИҚЛАР: АҚИДАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ОРАСИДАГИ ЁНДАШУВЛАР........................ 64

## ТИЛШУНОСЛИК

S.RUSTAMIY. AYRIM LAFZIY SAN’ATLAR TAVSIFI ............... 68

Б.Б.ПИРМУҲАМЕДОВ. ИБОДАТГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ЎЗГАРИШИ (ЗАМАХШАРИЙНИНГ «РАБИЙ›У-Л-АБРОР» АСАРИ АСОСИДА) ................................................ 74

X.NURIDDINOV. АРАБ ТИЛИДА МАЙЛ ШАКЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАХЛИЛИ ........................................................................ 78

Islom tafakkuri
илмий-маърифий, диний-маданий, ахборот нашри

**Муассислар:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

**Бош муҳаррир:**
Рустам ҚОСИМОВ

**Нашр учун масъул:**
Иродахон ГАФУРОВА

**Таҳрир ҳайъати:**
Шуҳрат ЁВҚОЧЕВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Зоҳидуллоҳ МУНАВВАРОВ
Нурислом ТЎХЛИЕВ
Аҳаджон ҲАСАНОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**
Усмонхон АЛИМОВ
Абдуғофур АҲМЕДОВ
Дилшод ЭШНАЕВ
Неъматулло МУХАМЕДОВ

**Муҳаррир:**
Мўминжон ХЎЖАЕВ

**Рус ва инглиз тили муҳаррири:**
Разия МАТИБАЕВА

**Бадиий муҳаррир:**
Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

**Чоп этиш учун масъул:**
Илҳом АШУРМАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами – 0968.
Йилда ўн иккита сонгача нашр этилади.
Нашр кўрсаткичи – 1323.
ISSN 2181-9572

**Таҳририят манзили:**
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Тел./факс: (+99871) 244-00-91
E-mail: islomtafakkuri@iiau.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 10.02.2021 йилдаги 02-07/862-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ислом тафаккури» журналидан олингани кўрсатилиши шарт.
Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари, Қуръони карим оятлари ва ҳадислар берилаётгани сабабли уни ножоиз жойларга ташламанг.

Босишга 25.03.2021 йилда рухсат берилди.
Қоғоз бичими 60х84 1/8. Офсет усулида босилди. Шартли 32,6 б.т. Буюртма:
Адади 100 дона.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР


Ў.ШАКАРОВ. РАҲБАР АХЛОҚИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....82

А.Б.ШАЛДАРБЕКОВА, М.Ж.СПАНОВ. НЕЗАВИСИМЫЙ КАЗАХСТАН И ЕГО МЕСТО В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ ........88

М.НАЗИРОВ, М.ЕРГАШБОЕВ. ИНСОН КАПИТАЛИ – УЧИНЧИ РЕНЕСАНСНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ ........................................ 94

M.E.AXMEDOVA. MAHALLA VA OILALARDA MA'NAVIY-AXLOQIY MUHITNI TAKOMILLASHTIRISH TIZIMI.............................................................97

Ж.СОБИРОВ. ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.......................................102

M.B.KADIROV. FACTORS DETERMINING THE DEVELOPMENT OF THE GLOBAL PARADIGM OF CIVIL SOCIETY.............106

Г.АЗИМОВА. ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА ЎРНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ................ 110

M.NAZIROV, J.ASQAROV. AFGHAN FACTOR IN THE FORMATION OF A STABLE POLITICAL ENVIRONMENT IN CENTRAL ASIA............................................ 114

С.Ҳ.СУЛТАНОВ. ЖАМИЯТДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ ....................................... 118

Ж.М.ИБРАГИМОВ, М.М.ХОЛМУРОДОВ. АМИР ТЕМУР ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ ............................122


## МОЗИЙГА БИР НАЗАР


Г.Н.НАВРЎЗОВА. ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ МУҲАММАД ПОРСО ҲАҚИДА ..........................................................127

Н.ТУРСУНОВ, О.НАЗАРОВ. НАВРЎЗ БАЙРАМИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТОМОНИДАН НИШОНЛАНИШИ ТАРИХИ ..................132

Z.ZINATULLAYEV. ТУРК ҲОҚОНЛИГИ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ДИНЛАР ВА УЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ.............................139

Z.T.RUSTAMOV. БОЛШЕВИКЛАРНИНГ ХХ АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА ИСЛОМ ДИНИГА ҚАРШИ КУРАШИ...144


## ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ


А.А.ХУДОЯРОВ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ ..............................................151


## АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ


Б.И.СОИПОВ. ДИНИЙ ВА СИЁСИЙ МЕЗОНЛАРНИНГ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ВА ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ .......156

С.Қ.ИСОҚУЛОВ. ШАХСНИНГ АХБОРОТ ТАҲДИДЛАРИДАН ПСИХОЛОГИК ЎЗ-ЎЗИНИ ҲИМОЯЛАШИ ............................162

А.А.МАХКАМОВ. ШАХСНИ ҚУЛОҚ ЧАНОҒИ ТАСВИРИ АСОСИДА ТАНИБ ОЛИШДА БАҲОЛАРНИ ҲИСОБЛАШ АЛГОРИТМЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ......................................166

Т.С.ЖУМАЕВ. ШАХСНИ ТАНИБ ОЛИШ МАСАЛАСИДА ТАСВИРДАГИ ОБЪЕКТ БЕЛГИЛАРИНИ АЖРАТИШ АЛГОРИТМЛАРИ.......................................172

А.И.ДАДАМУХАМЕДОВ. МАЪЛУМОТЛАРНИ РЕПЛИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ (ДИНИЙ МУАССАСАЛАР МИСОЛИДА)..............................................175

**Зоҳиджон Маҳмудович ИСЛОМОВ,**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси,*
*Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,*
*филология фанлари доктори, профессор*
*zohidiy@yandex.ru*

# УВАЙС ҚАРАНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

# IMPORTANCE OF UVAIS QARANI'S VIEWS IN UPBRINGING OF THE NEXT GENERATION

# РОЛЬ ВЗГЛЯДОВ УВАЙСА КАРАНИ В ВОСПИТАНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ

***Аннотация.*** *Султон Увайс Қараний "Икки жаҳон қуёши", "Яман юлдузи", "Тобеийларнинг энг афзали" сифатларига сазовор бўлган зоҳидлик, тақво ва парҳезкорлик билан машҳур бўлган буюк тобеийлардан ҳисобланади. У хокисор бўлган, ўзини жуда ҳам камтар тутган, маънавий ҳаёти бошқаларникидан тубдан фарқ қилган, маънан бақувват, иродаси мустаҳкам, комил инсон бўлган. Увайс Қараний Аллоҳ таолони таниган инсонга кумуш ва олтиннинг қадри бўлмаслиги, доимо инсонларни яхшиликка буюриб, ёмонликлардан қайтариш зарурлиги, ҳар қанча қийинчилик ва машаққат бўлмасин ҳақни сўзлаш лозимлигини таъкидлаган.*

***Калит сўзлар:*** *Султон Увайс Қараний, "Яман юлдузи", тобеъий, камтар, зуҳд, тақво, яхшилик.*

***Annotation.*** *Sultan Uvais Qarani was famous as "the Sun of the two World", "the Star of Yemen", "Distinguished one of Tabiuns". Also he was distinguished and great tabiun who was famous for his good qualities.He was an ordinary and modest man and his spiritual life differed from others. Also he was a perfect man with strong spirituality and will power. Uvais Qarani states that silver and gold had no price for those who had known Allah. He also said that it was necessary to call people for good things and to prevent them from bad things and to say the truth in spite of any difficulties.*

***Key words***: *Sultan Uvais Qarani, "the Star of Yemen", tabiun, modest, zuhd, taqwa, goodness.*

***Аннотация.*** *Султан Увайс Карани - один из великих последователей, известный своим аскетизмом, благочестием, получивший титулы «Солнца двух миров», «Звезда Йемена» и «Лучший из последователей». Он был смиренным, очень скромным, его духовная жизнь отличалась от других, он был духовно сильным, волевым и совершенным. Увайс Карани подчеркивал, что человек, знающий Аллаха, не имеет ценности ни в серебре, ни в золоте, что он всегда должен направлять людей на добро и отворачивать их от зла, и что он должен говорить правду, как бы тяжело и трудно это ни было.*

***Ключевые слова:*** *Султан Увайс Карани, «Звезда Йемена», последователь, скромный, строгость, благочестие, доброта.*

Мустақиллик йилларида юртимизда ислом динига, хусусан, аждодлар ҳаёти ва илмий-маънавий меросига бўлган юксак эътибор натижаси ўларок унутилаёзган қадриятлар қайта тикланди, буюк алломаларимизнинг номлари ва асарлари илмий муомалага киритилди, азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжолари зиёратчилар билан гавжум бўладиган обод гўшаларга айлантирилди. Давлатимизда ушбу қадамжоларга катта эътибор қаратилиши натижасида ушбу ҳудудлар бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатлари ҳамда ички сайёҳларни ўзига жалб қиладиган гўзал ва муҳташам зиёратгоҳларга, халқимизнинг миллий қадриятлари бешигига айлана бошлади.

Юртимиз шуҳратини дунёга танитган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд каби юзлаб буюк алломаларимизнинг қўним топган муборак мақбалари улғайиб келаётган ёш авлодларга ибрат намунаси, шонли тарихимизнинг нодир ёдгорликлари сифатида қайтадан кўз очмоқда. Мана шундай буюк зотлардан бири Султон Увайс Қараний саналади. Увайс Қараний ва унинг мақбарасига қаратилган эътиборни алоҳида таъкидлаш лозим. Юртимизда Увайс Қаранийнинг иккита рамзий мақбара – қадамжоси мавжуд. Бири Қорақалпоғистон Республикасида, иккинчиси эса Наманган вилоятида жойлашган. Бугунги кунда мазкур икки қадамжо ҳам миллий меъморчилик анъаналари ҳамда замонавий технологиялар асосида қайта тиклаaниб, ободонлаштирилиши ҳам юртимизда бу борада амалга оширилган ишларнинг самараси ҳисобланади.

Увайс Қараний ислом тарихининг жуда ҳурматли, тарбия борасида ибрат қилиб

кўрсатишга муносиб шахсиятлардан бири. У киши тахминан 594 йил Ямандаги Мурод қабиласининг шўбаси бўлган Қарн деб номланувчи уруғининг Омир хонадонида таваллуд топган [1:13-14]. У муҳадрамлардан бўлиб, бу атама жоҳилият ва рисолат даврида яшаган, аммо Муҳаммад (с.а.в.)ни кўришга муваффақ бўлолмаган кишиларга нисбатан ишлатилади. Султон Увайс гарчи Пайғамбар (а.с.)ни кўрмаган бўлса ҳам у зотдан маънавий таълим олиш бахтига мушарраф бўлиб, ўзидан кейинги суфийларга бу йўл мерос бўлиб қолишига сабаб бўлди. Ул зот оналарининг хизматларида бўлганлиги боис Пайғамбар (а.с.) билан учраша олмаганлар, ёлғиз онасини қаровчисиз ташлаб кета олмаганидан адабиётларда ғойибона ишқидан воз кечган ошиқ сифатида тавсифланган. Шу жиҳатдан Увайс Қараний фарзандларга онанинг хизматини қилиб унинг розилигини олиш, унга эҳтиром кўрсатишнинг юксак намунаси ҳисобланади.

Ислом оламида Увайс Қаранийни “Икки жаҳон қуёши”, “Яман юлдузи”, “Тобеийларнинг энг афзали” каби сифатлар билан улуғлаганлар. Фаридуддин Аттор ўзининг “Тазкирату-л-авлиё” номли асарида уни “Тобеийлар қибласи”, “Арбаъинлар пешвоси”, “Пинҳон офтоб”, “Раҳмон ҳамнафаси”, “Яман юлдузи” номлари билан таърифлайди [2:27].

Имом Заҳабий (673/1274-749/1348) ўзининг “Сияр аълам ан-нубала” номли асарида Увайс Қараний ҳақида маълумот келтиради ва “У киши зоҳид пешво, ўз замонида тобеъийлар раҳнамоси, Аллоҳнинг тақводор авлиёларидан ҳамда мухлис бандаларидан эди” деб сифатлайди.

Имом Ҳоким (ваф. 405/1014) ҳам “Мустадрак” асарига Увайс Қаранийнинг маноқиблари ҳақида алоҳида боб киритади ва у киши ҳақида “Увайс ушбу умматнинг обидидир”, деб таъриф беради.

Тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов ўзининг “Тасаввуф” номли китобидаУвайс Қараний ҳақида “Куфа, Бағдод, Басра шаҳарларида таркидунё қилган зоҳидлар кўп эди, айтиш керакки, уларнинг обрў-эътибори ҳам халқ орасида катта бўлган. Чунончи, Увайс Қараний, Ҳасан Басрий каби йирик суфийлар аслида зоҳид кишилар эдилар, шунинг учун у зотларнинг номи шайхлар ва суфийлар ҳақидаги тазкираларда зоҳид сифатида тилга олинади, баъзи муаллифлар эса уларни суфийлар қаторига қўшмаганлар”, деган маълумотнома келтиради [3:9].

Алишер Навоийнинг тасаввуф таълимоти, унинг тарихий ривожи, руҳият оламининг буюк авлиёларига бағишланган “Насоимул муҳаббат” асари бу соҳага оид мукаммал асарлардан саналади. Навоий ушбу асарида Султон Увайс Қаранийни илк суфий сифатида зикр этади ва у ҳақидаги маълумот билан бошлайди. Жумладан шундай ёзади: “Аллоҳнин расули (саллалоҳу алайҳи ва саллам) ийтдилар: Увайс Қараний эҳсони ва меҳрибонлиги билан тобеийларнинг яхшисидур”. Гоҳ-гоҳ Хожаи олам саллалоҳу алайҳи ва саллам муборак юзин Яман сори қилиб дер эрдиким: Мен Раҳмоннинг нафасини Яман томонидан туймоқдаман. Бировнинг васфиким, анинг вассофи Хожаи коинот бўлғай ва нафаси нафаси Раҳмон бўлғай, васф қилмоқ ғоят беадаблиғ бўлғай. Ҳам Хожаи Коинот саллалоҳу алайҳи ва саллам буюрубтуркм, тонгла қиёмат куни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло етмиш минг фаришта Увайс сурати била яратқай. То ул аларнинг орасида аросатқа кириб, беҳиштга борғай, то ҳеч ким маълум қилмағай Тенгридин ўзгаки, ул қайси биридурки, ул дунёда барча халқ кўзидин ёшурун Тенгри таолоға куллук қилур эрди. Қиёматда дағи Тенгри таоло ани барча номаҳрам кўзидин маҳфуз тутқай. Нақлдуркм, Ҳазрат Рисолат саллалоҳу алайҳи ва саллам оламдин ўтарда, асҳоб разияллоҳу таоло анҳум сўрабтурларки, “Сизнинг мураққаъ кимга ҳаволадур?”. Дебдурларки: “Увайс Қаранийға берсунлар ва десунларки, менинг умматимни дуо қилсун!”. Ҳазратдин сўнгра Форуқ ва Муртазо асҳоб разияллоҳу таоло анҳумо Кўфаға бориб, Яман элидин сўруб, Қаранда Увайсни топдиларким, тева боқиб юрур эрди. Мураққаъни топшуруб, уммат учун дуо истидъо қилдилар ва бу маънида сўз кўпдур. Шарҳи била билайин деган киши «Тазкират ул-авлиё»ни ўқисун [4:39-40].

Увайс Қараний ҳаёт йўлини ўрганиш, унинг қарашлари ёшлар тарбиясида нақадар катта аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Чунончи, У зотнинг оддий ҳаёт кечиришга интилишлари, камтарликлари, тақволари, оналарига кўрсатган юксак эҳтиромлари, хизматлари ва уни ибодат даражасида бажарганликлари аксарият инсонларнинг қўлидан келмаган.

Увайс Қаранийнинг юксак сифатларидан яна бири тамаъдан сақланишлари эди. У киши тақво ва ўта эҳтиёткорликларидан ҳатто ҳадяларни ҳам қайтарар эдилар. Кийинишда ҳам ғоят соддаликка амал қилганлар. Жун ва дағал матодан кийим кийиб, ялангаёқ юриш у кишининг одатий ҳаёт тарзига айланган эди.

Увайс Қаранийнинг яна бир юксак фазилатларидан бири ғафлат ҳамда нафснинг кирдикорларидан юз ўгиришидир. Шу боис “Аллоҳим, уйқучи кўздан ва тўймайдиган қориндан паноҳ сўрайман”, деб мудом дуо қилиб юрганлар. Увайс ҳазратлари Расулуллоҳнинг ҳаётларини ўзлари учун намуна қилган эдилар. У киши ҳаётида давомида тонгга қадар ибодат билан машғул бўлишлари кўплаб ривоят қилинади.

Султон Увайснинг юқоридаги сифатлари, тақволари, Аллоҳ ва ўзларининг ўрталаридаги чиройли муносабат туфайли Яратган у кишига қайтарилмас дуо ижобатини берган эди. Бу борада Пайғамбаримиздан қилинган ривоятда: ”Ким уни учратса, ҳаққига истиғфор айтишини сўрасин”, деганлар. У киши ўз фазлларини омманинг назаридан яширишга уриниб келганлар. Халқ орасида у кишининг фазилатлари ошкор бўлгач, камтарлик асносида ўз маконларидан бош олиб чўлу саҳрога чиқиб кетганлар.

Назр ибн Шумайлдан ривоят қилинади: “Увайс Қараний бирон егулик топса, уни ювиб ярмини ўзига олиб қолар, қолганини садақа қилиб юборар эди”. Бундан кўринадики саҳийлик, очиққўллик, камбағаллар ҳолидан хабар олиш Увайс Қараний учун ҳар кунги одат тусига айланган эди. Тақводор ва зоҳид кишилар, улуғ авлиё зотларда бўлиши керак бўлган сифатларнинг мавжудлиги унинг шахсиятини янада кўкларга кўтарган. Юқоридаги сифат Увайснинг муҳаддислар наздида ҳам ишончли ровий сифатида тан олиниши, ундан ривоят қилинган ҳадислар ишончли саналишига сабаб бўлган. Шу сабабли Султон Увайс Қаранийдан қатор ҳадислар ривоят қилинган.

Бугунги кунда аксар ёшларда ота-онага ва катталарга ҳурмат, уларнинг ҳаётий синовлардан ўтган насиҳатларига қулоқ тутиш ва уларга амал қилишни янада юксалтириш муҳим аҳамият касб этиб турган даврда Увайс Қаранийнинг ҳаёти давомида онасига қилган муносабати ва эҳтироми, саховатпешалиги, камтаринлиги, сабру қаноатини билиш ва унга амал қилиш муҳим. Буюк зот ўз оналарини рози қилиш йўлида ҳатто, Муҳаммад алайҳис саломдек Зотни кўргани бора олмаганлари ёшлар учун катта сабоқ сифатида намоён бўлади. Бу борада Буюк Алишер Навоий

Оналар оёғи остидадур,<br>Равзаи жаннати жинон боғи.<br>Равза боғин истар эрсанг,<br>Бўл онанинг оёғин туфроғи [5:593], дея таъкидлаган.

Шу ўринда “Жаннат оналар оёғи остидадур” мазмунидаги ҳадис ҳаётий амалий тасдиғини топганини яққол кўриш мумкин. Ота-онага эҳтиром, уларнинг кўнгилларини олиш, розиликларини топиш нақадар улуғ фазилат. Бунинг ортида Яратганнинг ризоси мавжуд бўлиб, бунинг баробарида дуолари ижобат кишига айланишларининг сабаби ҳам эҳтимол шудир.

Бугунги кунда ёшлар тарбиясини комилликка етказишда юртимизда туғилиб дунё илми-фани, маданиятига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз асарлари, айниқса уларнинг тарбиявий ўгит-насиҳатларини ўрганиш муҳим. Бу борада Увайс Қаранийнинг ҳаёт йўли, ибрат намунаси ўларок унинг ота-онага ҳурмат, Ватанга муҳаббат, илмга чанқоқлик, ростгўйлик, ҳалоллик, камтарлик ва бошқа кўплаб асл инсоний фазилатлари билан ўзларини комил инсон сифатида тарбияланишларига яқиндан ёрдам беради.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Абдулбори Муҳаммад Довуд. Увайс Қараний. –Қоҳира. Дор ал-Аҳмадий ли-н-нашр, 1999. –Б. 13-14.
2. Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. –Б. 27.
3. Комилов Н. Тасаввуф.Тошкент.2009.-Б.9.
4. Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат мин шамойимил футувват. Тошкент.2017. -Б.39-40.
5. Алишер Навоий. Арбаъин. Асарлар тўплами. Ж.10.Тошкент.2011.-Б.593.

**Абдулло ҒУЛОМОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг мустақил тадқиқотчиси*
*abulfotih1991@gmail.com*

# МАҲМУД ИБН ЗАЙД ЛОМИШИЙ – ФАРҒОНАЛИК МУТАКАЛЛИМ ОЛИМ

# МАХМУД ИБН ЗАЙД ЛАМИШИ – ФЕРГАНСКИЙ УЧЕНЫЙ МУТАКАЛЛИМ

# MAHMUD B. ZAYD AL- LÂMISHI – FARGONAL MUTAKALLIM SCIENTIST

**Аннотация.** *Маҳмуд ибн Зайд Ломиший ҳижрий V аср охири-VI аср бошида Самарқандда фаолият юритган ҳанафий-мотуридий олим ҳисобланади. У мутакаллим ва усулий олим сифатида танилган. Ломиший асарлари Усмонли ва Салжуқий мадрасаларида дарслик сифатида ўқитилган. Мазкур олим ҳаёти ва илмий фаолиятига доир маълумотлар унчалик кўп эмас.*

***Калит сўзлар:*** *Ломиший, калом илми, ҳанафий-мотуридий, мутакаллим ва фақиҳ, ат-Тамҳид.*

**Аннотация.** *Махмуд ибн Зайд Ламиши - ученый-ханафи-мотуриди, работавший в Самарканде в конце V - начале VI веков хиджры. Он известен как мутакаллим и методист. Произведения Ламиши преподавались как учебники в медресе Османской империи и Сельджуков. Однако о жизни и научной деятельности этого ученого известно очень мало.*

***Ключевые слова:*** *Ламиши, калам илми, ханафи-мотуриди, мутакаллим и факих, ат-тамхид.*

**Abstract.** *Mahmud b. Zayd al- Lâmishi, lived in Semerkand at the end of the 5th century and at the beginning of the 6th century (AH), a member of Hanafi-Mâturidi tradition was a theologian and jurist. His works related to theology, law and method of law were read in madrasahs in the periods of Ottoman and Seljukids. Although we don't know much information about him and his scholarly activities it is known that his thoughts of theological and law are in the frame of school of maturidism. Our work's goal is to introduce Lâmishi and his period.*

***Key Words:*** *Lâmishi, Hanafi- Mâturidî, theologian and Jurist, method of law, at-Tamhid.*

Ўзбекистон замини кишилик жамияти маданиятининг бешикларидан ҳисобланади. Юртимиз ҳудудида яратилган маданият намуналари дунё тамаддуни ривожида салмоқли ўрин эгаллайди. Ислом динининг Марказий Осиёга кириб келиши ва маҳаллий аҳолининг ислом динини қабул қилиши юртимиз аҳолисининг маданий тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Мазкур даврда исломий илмлар ривожи қатори дунёвий фанлар тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган буюк мутафаккир аждодларимиз яшаб фаолият юритди.

Мустақиллик йилларида маънавий-диний қадриятларни тиклаш ва миллий ўзликни англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу жумладан, ислом динининг маърифий асосларини, аждодларимизнинг бемисл илмий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Фарғона диёрида туғилиб, Самарқандда фаолият юритган Абус-Сано Маҳмуд ибн Зайд Ломиший ана шундай уламолардан бири бўлиб, у ўз даврининг фақиҳ, мутакаллим олими сифатида танилган.

Маҳмуд ибн Зайд Ломиший мотуридия таълимоти ва ҳанафий фиқҳининг машҳур вакилларидан бири сифатида эътироф этилса-да, олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти борасидаги маълумотлар табақот туркумидаги китобларда жуда ҳам кам учрайди.

Алломага берилган "Ломиший" нисбаси Фарғона водийсида жойлашган "Ломиш" қишлоғи номи билан боғлиқ [4:8]. Ломиший нисбаси билан яна икки шахс ҳам тарих китобларида келтириб ўтилган. Улардан бири Ҳусайн ибн Али ибн Абулқосим Ломиший бўлиб, Абдулҳай Лакнавий ўзининг "ал-Фавоид ал-баҳия" асарида у кишининг 441/1049 йилда Ломишда туғилгани, 515/1121 йилда Бағдодга сафар қилгани, мунозара илмида етук олим сифатида эътироф этилгани, 522/1128 йилда Самарқандда вафот этганини келтириб ўтган [3].

Ломиший нисбаси берилган иккинчи олим эса, Абу Абдуллоҳ Боласоғуний Ломиший номи билан танилган Муҳаммад ибн Мусо ибн Абдуллоҳ саналади. Мазкур олим Шомда қозилик қилган. Ҳанафий мазҳаби, мотуридия ақидасини маҳкам тутгани ва адашган

тоифаларга қарши туриши билан танилган. 506/1142 йилда Шомда вафот этганлар. Олимнинг яшаган даври ва фаолият олиб борган ҳудуди Маҳмуд Ломишийдан фарқли бўлгани боис улар ҳақидаги маълумотлар тарих китобларда алоҳида зикр этилган ва қориштириб юборилмаган. Аммо Али ибн Абулқосим Ломиший ва Маҳмуд Ломиший айни бир даврда ва бир худудда яшаб, фаолият олиб борганлиги сабаб улар ҳақидаги маълумотлар ўзаро қоришиб кетган. Бундай ҳолатларни Абулқосим Ломиший вафот этган санани Маҳмуд Ломишийга нисбат берилган асарларнинг қўлёзма нусхаларида ёзилганида, шунингдек, Маҳмуд Ломишийга тегишли иборалар Абулқосим Ломишийнинг “Воқеъот ал-фатаво”, “Усул ал-фиқҳ” каби асарларида учрашида кузатиш мумкин.

Ҳанафий мазҳаби олимлари таржимаи ҳоларига оид табақот китобларида Ломиший ва унинг илмий мероси ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. Жумладан, Қураший (ваф.775/1334 й.) “Жавоҳир ал-мудия фи тобақот ал-ҳанафия” асарида Ломишийни “Маҳмуд ибн Зайд Ломиший” исми билан зикр қилиб, унинг 40 саҳифалик усулул-фиқҳ илмига оид “Муқаддима” номли асари борлигини келтиради [1:437].

Ломиший ҳақида келтирилган яна бир манба Ҳожи Халифанинг “Кашф аз-зунун” асари бўлиб, унда олимнинг исми “Имом Бадруддин Маҳмуд ибн Зайд Ломиший” шаклида зикр этилади. Аммо Ломишийнинг ҳаёти, вафот этган йили, асарлари борасидаги маълумотлар зикр этилмаган.

Ибн Қутлубуғо ҳам “Тож ат-тарожим” асарида Маҳмуд ибн Зайд Ломишийнинг қирқ саҳифалик усул ал-фиққга оид асари мавжудлигини келтириб ўтиш билан чекланган [2:290].

Замонавий тадқиқотларда ҳам Ломиший ҳақидаги маълумотлар юқоридагилар билан чекланган. Олим ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида мавжуд асарларининг қўлёзма нусхаларидаги маълумотларга асосланиб хулоса қилиш мумкин. Чунончи, олимнинг Абу Ҳасан Али ибн Аҳмад Абдулаълам томонидан кўчирилган “Китоб фи усул ал-фиқҳ” асари қўлёзмасида мазкур асар 534/1140 йилда ёзилгани қайд этилган. Олимнинг мазкур даврда ҳаёт эканлиги ҳисобга олинса, унинг яшаган даврини ҳижрий V аср охири ҳамда VI аср биринчи ярми билан чегаралаш мумкин.

Ломишийнинг бизгача қуйидаги асарлари етиб келган:

***“Ат-Тамҳид ли қоваид ат-тавҳид” ёки “Усул ад-дин” номли асари.*** Мазкур асар калом илмига оид бўлиб, унинг бир нечта қўлёзма нусхалари дунё фондларида сақланмоқда.

Жумладан, асарнинг қўлёзма нусхаларидан бири Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг “Лолали” бўлимида №3658/4 рақам остидаги манбанинг 138-171 саҳифаларида сақланади. Мазкур манба 1164/1750 йилда ёзилган. Ким томонидан ёзилгани номаълум. Манбада асар номи “Китоб ат-тамҳид ли қоваид ат-тавҳид” деб қайд этилган.

Сулаймония кутубхонасининг “Арзинжон” бўлимида №159/5 рақам остида сақланаётган манбанинг 205-220 саҳифаларида асарнинг яна бир нусхаси мавжуд. Мазкур манба Муҳаммад ибн Ҳожи Али томонидан 1135/1722 йилда кўчирилган. Асар номи “Ақида фи усул ад-дин ли Имам Аллома Шайхулислом Ломиший” шаклида ёзилган.

Истанбулдаги Боязид кутубхонасида BDK-7930 рақам остида асарнинг “Ақидатул-Ломиший” номи билан яна бир нусхаси сақланади. 46 варақдан иборат мазкур нусха мажмуанинг дастлабки саҳифаларидан ўрин олган. Манбанинг сўнгги саҳифасида 761/1360 йилда кўчирилганлиги қайд этилган.

Истанбулдаги Миллий кутубхона фондининг A. 4316 архив рақами ва №236 қўлёзма рақами остида асарнинг 4-қўлёзмаси мавжуд. Мазкур қўлёзма асарлар мажмуаси бўлиб, унинг 6b-25a саҳифаларида “Ақида фи усул ад-дин ли Имам Аллома Шайхулислом Ломиший” номи билан қайд этилган. Мазкур манба 1124/1711 йилда Малатя шаҳрида кўчирилган.

“Ат-Тамҳид” асарининг яна бир қўлёзмаси Сулаймония кутубхонаси “Ҳожи Салим оға” бўлими №587 рақам остида қайд этилган. Ушбу қўлёзма нусхаси Иброҳим ибн Маҳмуд Исфароний тарафидан 761/1360 йилда кўчирилган. Асар номи “Китоб ат-тамҳид

маъа шарҳи фи мавадиъ ат-тажрид" шаклида берилган. Қўлёзманинг ҳар бир саҳифасида қисқа шарҳлар берилган ўринлар мавжуд. Аммо бу шарҳлар қачон ва ким томонидан ёзилгани қайд этилмаган.

"Ат-Тамҳид" асари Абдулмажид Туркий томонидан тадқиқ этилиб, асарнинг "Лолали" ва "Арзинжон" нусхалари асосида 1995 йилда араб тилидаги замонавий нашри амалга оширилган [13]. Шунингдек, 2007 йил Байрутда Аҳмад Фарид Мизядий томонидан ҳам "ат-Тамҳид" асарининг араб тилидаги замонавий нашри чоп этилган.

***"Усул ал-фиқҳ" асари.*** Маҳмуд Ломишийнинг мазкур асари қўлёзмалари ҳозирда Туркия, Буюк Британия ва Марокаш каби давлатларда мавжуд. Жумладан, Марокашнинг Фес шаҳрида жойлашган Қоровиййин кутубхонасида №633 рақам остида сақланади. Мазкур манба 156 саҳифадан иборат бўлиб, 762/1361 йилда Малик Ваҳҳоб Халифа Мансур томонидан кутубхонага вақф қилинган. Шунингдек, манбанинг илк саҳифасида Амир ал-муъминин Абу Аббос Мансур биллоҳ томонидан 1001/1592 йилда кутубхонага вақф этилганлиги ҳақидаги ёзувлар ҳам мавжуд. Кутубхона каталогида ва манбада асар муаллифи Абулқосим Ҳусайн ибн Али Ломиший номи билан қайд этилган.

Асарнинг 2-нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонаси Жоруллоҳ Афанди бўлимида №438 рақам остида сақланади. Ушбу манба 730/1329 йилда Бағдод шаҳридаги Имом Аъзам қабри яқинида жойлашган мадрасада Жаъфар ибн Мўмин Самарқандий томонидан кўчирилган. Қўлёзма 78 варақдан иборат.

Асарнинг Лондон нусхаси қўлёзмалар ичида энг қадимийси бўлиб, Британия музейининг Шарқ ва Араб қўлёзмалари бўлимида Or.13, -Or. 18 рақами остида сақланади. Мазкур манба асарлар мажмуаси ҳисобланиб, унинг 54a-97b саҳифаларида "Усул ал-фиқҳ" ўрин олган. Қўлёзма Абу Ҳасан Али ибн Аҳмад Абдулаълам томонидан кўчирилган. Унда асар муаллифи Маҳмуд ибн Зайд Ломиший эканлиги ва мазкур асар 534/1140 йил муҳаррам ойининг 9-кунида ёзиб тугалланганлиги қайд этилган.

"Усул ал-фиқҳ" асари ҳам тадқиқотчи Абдулмажид Туркий томонидан асарнинг Фес ва Лондон нусхалари асосида тадқиқ этилиб, 1995 йилда Байрутда араб тилида нашр этилган [13].

***"Кашф ал-алфоз" асари.*** Ушбу асар фиқҳ ва калом илмига оид баъзи тушунчалар изоҳига бағишланган кичик ҳажмли рисола бўлиб, Мисрнинг Искандария шаҳридаги Ал-мактаба ал-баладия кутубхонасида №B1345 рақам остида сақланади [10]. Мазкур қўлёзма муаллифи "Абул-маҳомид Бадруддин Маҳмуд ибн Зайд Ломиший Ҳанафий" шаклида келтириб ўтилган. Ушбу рисола Мустафо Чалабий томонидан таҳқиқ этилган. Чалабийнинг фикрича, мазкур қўлёзма ҳижрий 7-8 асрга оид бўлиб, қўлёзма 813/1410 йилда вақф этилгани ҳақидаги ёзувлар мавжуд.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Маҳмуд ибн Зайд Ломиший калом илми ўз тараққиётининг энг юқори босқичига кўтарилган даврда фаолият юритди. У буюк мутакаллим Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимотини ёйишда жонбозлик кўрсатди. "Китаб фи усул ал-фиқҳ", "ат-Тамҳид ли қоваид ат-тавҳид" каби асарлари билан ҳанафий мазҳаби фиқҳи ва мотуридия таълимоти ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Хусусан, алломанинг калом илмига оид асарида динда муҳим ўрин эгаллайдиган ақидавий масалалар Қуръон ва суннат асосида баён қилиниб, ҳар қандай даврда учраши мумкин бўлган адашган фирқа ва тоифаларга раддиялар берилган. Тўққиз аср илгари яшаб ўтган аждодимизнинг илмий мероси нафақат ўз даври учун, балки ғоялар кураши авж олган ҳозирги давр учун ҳам ғоят аҳамиятлидир.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ


1. Абдулфаттоҳ Муҳаммад Ҳалавий. Муҳйиддин Ибн Муҳаммад Абдулқодир Ҳанафийнинг «Жавоҳир ал-мудийя фи табақот ал-ҳанафийя» асари тадқиқи. – Ар-Риёд: Дор ал-улум, 1993. – Ж 4. – 686 б.
2. Абулфидо Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо Судуний. Тож ат-тарожим. – Байрут: Дор ал-қалам, 1992. – 568 б.
3. Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-исломийя, 1896. – Ж 1. – 262 б.
4. Ёқут Ҳамавий. Муъжамул-булдон. – Байрут: Дор содир, 1977. – Ж 5. – 461 б.
5. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Ат-Тамҳид ли қоваид ат-тавҳид. Истанбул. Сулаймония кутубхонаси, Лолали бўлими. № 3658/4.

6. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Ақида усул ад-дин. Истанбул. Сулаймония кутубхонаси, Арзинжон бўлими. № 159/5.
7. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Китаб ат-тамҳид маъа шарҳи фи маваъид ат-тажрид. Истанбул. Сулаймония кутубхонаси, Ҳожи Салим Оғо бўлими, № 587.
8. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Ақоид ал-Ломиший. Истанбул. Боязид кутубхонаси. BDK-7930.
9. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Ақоид фи усул ад-дин. Истанбул. Миллий кутубхонаси. № A4316.
10. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Кашф ал-алфоз. Искандирия. Мактаба ал-баладайя кутубхонаси. № 1345.
11. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Китаб усул ал-фиқҳ. Истанбул. Сулаймония кутубхонаси, Жоруллоҳ Афанди бўлими. № 438.
12. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Усул ал-фиқҳ. Лондон. Британия музейи. Or.13-Or.18.
13. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Ат-Тамҳид ли қоваид ат-тавҳид. Абдулмажид Туркий таҳқиқи остида. – Байрут: Дор ғарб ал-исламий, 1995. – 261 б.
14. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Ат-Тамҳид ли қоваид ат-тавҳид. Аҳмад Фарид Мизиядий таҳқиқи остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2007. – 160 б.
15. Уватов У. Сайфиев Х. Абу Муин Насафий ҳаёти ва илмий мероси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – 264 б.

**Дилафруз Равшановна КАРИМОВА**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*
*Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси*
*доцент в.б., юридик фанлар доктори*
*afruza@ro.ru*

# ЎЗБЕК АЛЛОМАЛАРИНИНГ БОЛА ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ФИҚҲИЙ АСАРЛАРИ

# ИСТОРИЧЕСКИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ УЗБЕКСКИХ УЧЕНЫХ ПО ПРАВАМ РЕБЕНКА

# HISTORICAL WORKS OF UZBEK SCIENTISTS ON THE RIGHTS OF A CHILD

***Аннотация:*** *Мақолада қадимда Ўзбекистон ҳудудида яшаб ижод этган олимларнинг бола ҳуқуқларига оид асарлари ўрганилган. Бола ҳуқуқларига оид тарихий асарларнинг моҳияти ва аҳамияти очиб берилган. Бола ҳуқуқларига доир Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг «Жомиъ аҳком ас-сиғор» номли муҳим асари кенг ёритилган. Бундан ташқари Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя», Мақсудхўжа ибн Мансурхўжанинг «Мажмаъ ул-Мақсуд», Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг «ал-Муҳит» ва бошқа мавзуга доир асарлар таҳлил қилинган.*

***Таянч иборалар.*** *Бола, ҳуқуқ, Ўзбекистон, фиқҳий асарлар, бола ҳуқуқига оид манбалар тарихи, «Жомиъ аҳком ас-сиғор», «Ҳидоя», «Мажмаъ ул-Мақсуд», «ал-Муҳит».*

***Аннотация.*** *В статье проведён анализ различных исторических источников прав ребенка в составе норм шариата, которые с правовой точки зрения регулировали социально-юридические отношения на территории Узбекистана на протяжении нескольких веков. В статье также исследованы основные источники формирования понятия «ребенок» и его прав в исламской теологии на основе исламской правовой мысли в древнем Узбекистане. Исследованы такие источники как «Жомиъ ахком ас-сигор» «Хидоя», «Мажмаъ ул-Максуд», «ал-Мухит» и другие.*

***Ключевые слова.*** *Ребенок, право, Узбекистан, исламское право, исторические-правовые источники по правам ребенка, «Жомиъ ахком ас-сигор», «Хидоя», «Мажмаъ ул-Максуд», «аль-Мухит».*

***Abstract.*** *The article analyzes various historical sources of children's rights as part of the Sharia norms, which, from a legal point of view, regulated social and legal relations on the territory of Uzbekistan for several centuries. The article also investigates the main sources of the formation of the concept of "child" and his rights in Islamic theology on the basis of Islamic legal thought in ancient Uzbekistan. Sources such as "Zhomi akhkom as-sigor", "Khidoya", "Mazhma ul-Makhsud", "al-Mukhit" and others have been investigated.*

***Keywords.*** *Child, law, Uzbekistan, Islamic law, historical and legal sources on the rights of the child, "Zhomi akom as-sikor", "Khidoya", "Mazhma ul-Makhsud", "al-Mukhit".*

## КИРИШ

Ўрта Осиё ҳудудида яшайдиган кўплаб халқларнинг анъанавий ҳуқуқий ва маънавий хулқ-атвор қоидалари асрлар мобайнида ислом дини ва шариат аҳкомлари таъсирида шаклланган. Ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келиши ва тарқалиши бевосита араб истилолари ва араблар кўп асрлик ҳукмронлигининг ўрнатилиши билан боғлиқ. Ўзбекистон ҳудудидаги ерларнинг араблар томонидан истило қилиниши тугаллангандан сўнг, араблар билан бирга уларнинг тили, дини ва ислом ҳуқуқи кириб келиб, диний ва ҳуқуқий тизимда туб ўзгаришлар юз берди. Араблар ҳукмронлиги ўрнатилгач, ўлкада мусулмон дини ва унинг асосида шаклланган ислом ҳуқуқи қарор топди. Албатта, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, араблар маданияти ва ҳуқуқи Мовароуннаҳрда юксак даражадаги ҳуқуқ ва маданият тамаддунига дуч келади. Жумладан, маҳаллий туркларнинг ўз қонунлари, юқори даражада шаклланган одат ҳуқуқлари, ўзига хос ҳуқуқ тизими мавжуд эди. Ана шундай бир шароитда ислом ҳуқуқини мавжуд шароитга мослаб ривожлантиришга эҳтиёж катта бўлган. Ислом динининг кириб келиши ва Мовароуннаҳрда етишиб чиққан буюк алломалар мана шу ҳуқуқий тарқоқликка барҳам бериб, ислом ҳуқуқшунослиги ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ислом динининг муҳим хусусиятларидан бири – уни қабул қилган халқ вакилларига ислом ақоидларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва мусулмон маънавий дунёсига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятини берганидадир. Батамом ўзга маданий анъаналарга эга бўлган халқлар мусулмон дунёсининг маънавий ҳаётига қўшилгач, исломга ўз диний-аҳлоқий тасаввурлари, ҳуқуқий нормалари ва одатларини олиб кирдилар.

Диннинг халқимиз тарихида, миллий дунёқараши ва ўзига хос шарқона анъаналари шаклланишида тутган ўрни беқиёсдир. Ватандошларимиз ал-Бухорий, ат-Термизийларни мусулмон оламида билмаган инсон йўқ. Хоразмлик аз-Замахшарий кўп йиллар Макка шаҳрида истиқомат қилиб, «Жоруллоҳ», яъни «Аллоҳга яқин киши» деган мўътабар номни олган [11:228]. Ўрта Осиё ислом илми ва маданияти, ислом ҳуқуқи назария ва амалиётининг ривожида беқиёс ўринга эга. Ислом оламида Абу Наср ал-Фаробий, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий каби олиму-уламолар ҳамда Хожи Аҳмад Яссавий, Имом ал-Бухорий, ал-Марғиноний, Ас-Саманий, Аз-Замахшарий каби кўплаб алломаларнинг илмий меросларидан бугунги кунгача катта қизиқиш ва ҳурмат билан фойдаланиб келинмоқда. Шу сабабли, минтақада ислом ренессанси яққол ва ўзига хос тарзда намоён бўлади [7:4]. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Мустақиллигимиз туфайли ўзлигимизни англаётган, маънавий қадриятларимиз қайта тикланаётган ҳозирги пайтда ота-боболаримиз дини, имони, виждони бўлиб келган ислом дини ўзига хос, ўзбекона тусга эга. Мустақилликка эришгач, маънавий тикланиш масаласи давлат ички сиёсатининг негизини ташкил қилди.

Маълумки, қадимдан юртимизда кенг тарқалган ислом ҳуқуқи нафақат диний ҳуқуқий масалаларни, балки халқимизнинг турмуш тарзини қамраб олган. Шу боис ислом ҳуқуқи ўз даврида машҳур ҳуқуқшунослар, олимлар томонидан ўрганилиб, бу борада кўплаб асарлар яратилган. Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби намояндалари ёзган нодир асарлар туфайли у юксак тараққиёт босқичига кўтарилган. Ислом ҳуқуқини ўрганиш Чор Россияси даврида ҳам давом этган. Аммо у пайтдаги тадқиқотлар моҳиятан ислом ҳуқуқини барча қирраларини борича тадқиқ қилиш эмас, балки Туркистон ўлкасини мустамлакага айлантириш чораларини излаш йўлида қилинган ҳаракатлардан иборат эди. Шу мақсадда ислом ҳуқуқининг манфаатли

томонлари очиб берилиб, қолган қисмлари ўрганилмай қолган ёки нотўғри талқин қилинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнгги тадқиқот ва илмий асарларда эса исломга бўлган ёндашув ўзгарди ва унинг илмий, бирламчи манбалар асосида ўрганишга шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро дипломатия университети каби нуфузли ўқув юртларида ислом ҳуқуқи бўйича дарслар бериб борилмоқда. Бой илмий-тарихий меросимиз ўрганилиб, фиқҳ илмига доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тарихга назар ташласак, Ўрта Осиёга ислом дини кириб келгандан сўнг, жамиятда янги ҳуқуқий муносабатлар шаклланди ва мавжуд ҳуқуқий нормалар сезиларли даражада ривожланди. Ислом ҳуқуқи манбаларида, қолаверса, оламга машҳур уламолар ва фиқҳшунос (ислом ҳуқуқи бўйича мутахассис) олимлар асарларида жамиятдаги ҳуқуқий муносабатлар, ислом ҳуқуқининг тизими, моҳияти, унинг манбалари ва ривожланиш босқичлари мукаммал ўрганилиб, нодир асарлар яратилган. Турли даврларда яшаб, ижод қилган фиқҳшунос олимлар бу илмни мукаммаллаштириш борасида ўз даври аҳолисининг фиқҳий масалалар юзасидан пайдо бўлган муаммоларини ҳал қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ҳолда илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан, ислом ҳуқуқида бола ҳуқуқлари оид масалалар ҳам олимлар томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. «Ислом динида бола ва бола ҳуқуқларига алоҳида эътбор қаратилган. Айтиш мумкинки, болаликка оид масалалар ислом ҳуқуқининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади», дейди Аҳмад ал-Таййиб [1:3]. XII асрда яшаб ижод этган улуғ ватандошимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг шогирди, кўп сонли фиқҳий асарлар муаллифи Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг «Жомиъ аҳком ас-сиғор» асарини ислом ҳуқуқи йўналишида битилган ноёб асарлар сирасига киритиш мумкин. Буюк фиқҳшунос олим Мажддуддин ал-Уструшанийнинг асарлари бугунги кунда нафақат мамлакатимизда балки, хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Мажддуддин ал-Уструшанийнинг «Жомиъ аҳком ас-сиғор» асари бугунги кундаги долзарб мавзу бола ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларига бағишланган бўлиб, ислом ҳуқуқида бола ҳуқуқларига бағишланган тарихий нодир манба ҳисобланади. Узоқ асрлар синовидан ўтган ушбу асар ота-она ва вояга етмаган фарзандларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифаларини таниш ва танитишда ажойиб дурдона сифатида қадрлидир. Тадқиқотчи олим М.Атаевнинг таъкидлашича, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича цивилизациялар тарихида Мажддуддин ал-Уструшанийнинг 625/1228 йилда ёзиб тугатган «Жомиъ аҳком ас-сиғор» асари мазкур йўналишдаги энг биринчи ҳуқуқий манбадир. Ушбу асар ҳақида олим А.Х. Саидов шундай дейди: «Бу фиқҳшунос олимнинг дунё тамаддунидаги ўрни ғоятда бетакрор. Чунки у инсоният тарихида бола ҳуқуқларига оид махсус яратилган дастлабки ва ягона илмий-ҳуқуқий асар– «Жомиъ аҳком ас-сиғор»нинг муаллифи саналади. Европалик олимлар мазкур китобни «бола ҳуқуқларига оид инсоният тарихидаги ягона конституция» деб атайдилар" [9:5].

Мусулмон оламида Мажддуддин ал-Уструшанийдан кейин болалар ҳақ-ҳуқуқларига таaллуқли фиқҳий асар деярли ёзилмади. Шу нуқтаи назардан қаралганда алломанинг «Жомиъ аҳком ас-сиғор» асари болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари масаласига доир ёзилган ягона фиқҳий асар, деган хулосага келиш мумкин. Аммо болаларга таaллуқли масалаларни қамраб олган ҳадислар тўплами мавжуд бўлиб, у имом Шамсуддин Муҳаммад ибн Аби Бакр ибн ал-Қаййим ал-Жавзийя (691–751/1292–1350 й.) нинг «Туҳфат ал-мавдуд би аҳком ал-мавлуд» асаридир. Бу асар 17 бобдан иборат бўлиб, қиз болалардан ғазабланишнинг макруҳлиги, фарзанд хушхабарини етказиш, чақалоқ қулоғига азон ва иқомат айтиш, боланинг танглайини кўтариш, ақиқа ва унинг ҳукмлари ва бу хусусдаги ихтилофлар, бола сочини олиш ва соч оғирлигича садақа бериш, исм қўйиш вақти ва мажбурийлиги, болани хатна қилиш ва унинг ҳукмлари, қулоқ тешиш ҳукми, болаларга овқат едириш ва ейиш одоблари, эмизикли боланинг сўлагига доир ҳукмлар, болаларни ўпиш, уларга одоб ва илм бериш, болаларни

тарбиялашдаги бошқа фойдали масалаларни ўз ичига олган мухтасар асардир [11:9].

«Жомиъ аҳком ас-сиғор» асарининг ўзига хослиги шундаки, унда фиқҳга оид юздан ортиқ манбаларда тарқоқ ҳолда келган болаларга тааллуқли шаръий фатволар тўпланиб, тартиб асосида берилган. Бу асарни ёзишда Уструшаний ҳанафий мазҳабининг ўз давригача яшаган 120 дан ортиқ фақиҳларининг ҳукм ва фатволарини ўрганиб, ўз асарида мужассамлаштирганини кўрамиз. Шу жиҳатлари билан бу асар ҳозирги замон исломшунос ва ислом ҳуқуқи тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун муҳим манба ҳисобланиши билан бир қаторда замонавий ҳуқуқшунослик учун фойдали эканини алоҳида қайд этиш лозим.

«Жомиъ аҳком ас-сиғор» ислом ҳуқуқшунослигига оид қимматли манба бўлгани боис, унинг қўлёзма нусхалари дунёнинг турли мамлакатларига кенг тарқалган. Ушбу асар илк бора 1982 йил Ироқ Республикасида профессор ‘Абдулҳамид ‘Абдулхолиқ ал-Байзали томонидан нашр қилинган. Нашрни амалга оширишда АҚШнинг Принстон университети (№ 1704), Ироқнинг Бағдод шаҳридаги «Ироқ миллий музейи» (№ 9626/1) ва Марказий вақфлар (№ 3741/1, №7460/1) ҳамда Мовсул шаҳридаги «ал-Аҳмадийя» марказий вақф (№ 9/7) кутубхоналарида сақланаётган 5 та қўлёзмадан фойдаланилган [4:15]. «Жомиъ аҳком ас-сиғор»нинг ўн битта қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, жумладан чет эл кутубхоналарининг фондларида сақланаётган олти нусхаси илмий манбаларда яхши маълум. Аммо асарнинг Тошкентдаги № 6245, 9634, 10409, 8955 ва 12723/II рақамлар остида сақланаётган беш нусхаси илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келган. Шу боис асарнинг учинчи тузатилган ва тўлдирилган нашрини Тошкентда сақланаётган қўлёзма нусхалари ва Миср нашрини жалб этган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилиб, чоп қилинди [3:8].

«Жомиъ аҳком ас-сиғор» асарининг юқорида таъкидланган тузатилган ва тўлдирилган матни М.Атаев томонидан илмий ўрганилди. Асарда 1289 та фатволар келтирилган бўлиб, уларни шартли равишда ибодат, ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий қисмларга ажратилди.

1. Ибодат қисми асарда олтита масалани ўз ичига олади. Улар: покланиш, намоз, закот, рўза, ҳаж, жонлиқ сўйиш ва қурбонлик. Бу қисм 92 та фатводан иборат бўлиб, асарнинг 7,13 фоизини ташкил этади.

2. Ахлоқий қисм асарда олтита масалани ўз ичига олади. Улар: қасам ичиш, диндан қайтиш, қочган қулнинг ҳақи, сулҳ, гувоҳлик, қозининг бурч ва вазифалари. Бу қисм 120 та фатводан иборат бўлиб, асарнинг 9,31 фоизини ташкил қилади.

3. Ижтимоий қисм асарда олтита масалани ўз ичига олади. Улар: норасидаларнинг берган хабарлари, никоҳ, талоқ, мерос, шафелик, ташландиқ бола. Бу қисм 516 та фатводан иборат бўлиб, асарнинг 40,3 фоизини ташкил қилади.

4. Иқтисодий ва молиявий қисм асарда ўн олтита масалани ўз ичига олади. Улар: омонат қўйиш, совға-салом, савдо-сотиқ, ижара, улушни бўлиш, қўшма тижорат, қўшма деҳқончилик, ҳуқуқи чекланган қул, даъвони рад қилиш, вақф, васийлар, вакиллик, кафиллик, ҳавола, омонат. Бу қисм 346 та фатводан иборат бўлиб, асарнинг 26,84 фоизини ташкил қилади.

5. Ҳуқуқий қисм ўнта масалани ўз ичига олади. Улар: жазо ҳадлари, ўғрилик, макруҳ нарсаларга доир масалалар, талон-тарож қилиш, гаровга қўйиш, даъво қилиш, иқрор қилиш, жиноятлар, изн берилган қул, даъво ҳужжатлари масалаларидан иборат. Бу қисм 215 та фатводан иборат бўлиб, асарнинг 16,68 фоизини ташкил қилади [5:12].

Бундан ташқари, буюк алломалар Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя», Мақсудхўжа ибн Мансурхўжанинг «Мажмаъ ул-Мақсуд» асарларининг айрим қисмлари бола ҳуқуқларига оид масалаларга тўхталганига шоҳид бўламиз. Мамлакатимизда бола ҳуқуқларига алоқадор тарихий асарлар орасида Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг «ал-Муҳит» асари ҳам сезиларли ўринга эга. Гарчанд ушбу асар XI–XIII асрларда Мовароуннаҳрда амалда бўлган қозилик маҳкамалари ва улар фойдаланган ҳужжатлар тарихи, уларнинг ёзилиш тартиби бўйича маълумот берувчи манба бўлсада, унда вояга етмаганларга оид баъзи ҳуқуқий масалаларни учратиш мумкин. «Ал-Муҳит» асарида бир неча турдаги ҳукмий китоблардан намуналар келтирилган бўлиб, улардан бири вояга етмаган болалар ишларига тааллуқли масалалар бўйича тузилган ҳужжатдир. Унинг ҳам икки турдаги

кўриниши бўлган. Мазкур турдаги ҳукмий китобнинг биринчи шаклида отаси вафот этган вояга етмаган болага амакисини васий қилиб белгилаш бўйича кўрсатмалар ва васийлик шартлари кўрсатиб ўтилган[6:42]. Иккинчисида бирор қишлоқдан келиб тушган шикоятга кўра, етим қолган, вояга етган ва вояга етмаган икки боланинг ишлари бўйича туман қозисига вилоят қозисининг берган кўрсатмалари ифодаланган. Мазкур ҳужжатда, шунингдек, меросни тўғри ва адолатли шаклда тақсимлаш ва уларга васий тайинлаш ҳақидаги, қози буйруғи ҳамда болаларга тақсимланган мерос ва уларга васий белгилаш ишининг тартиби қайд қилиниб, тузилган ҳужжат тасдиқланиши учун вилоят қозисига жўнатилиши шартлиги кўрсатилган [2:54[а]].

XI–XII асрларда Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган буюк фақиҳлардан бири бўлган Алоуддин ас-Самарқандийнинг асарларида ҳам болаларга оид масалалар келтирилган. Алоуддин ас-Самарқандийнинг болаларга оид «Бола тарбия қилиш китоби», «Сут эмизиш китоби», «Фақиҳлар учун туҳфа» каби асарларида болаларга оид масалалар ислом дини нуқтаи назаридан ўрганилган. Жумладан, «Туҳфат ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар учун туҳфа») асарида муаллиф ҳомиланинг яшашга бўлган ҳуқуқи ҳақида тўхталиб ўтади [8:121].

Ўзбек халқи азалдан соғлом фарзанд тарбияси масаласига жиддий эътибор билан ёндашгани маълум. Кайковуснинг “Қобуснома”, Имом Бухорийнинг “ал-Адаб ал-муфрад”, Абу Лайс Самарқандий “Танбеҳул ғофилин” каби кўплаб беҳбаҳо маънавий меросимиз қадимдан болаларнинг одоб-аҳлоқли инсон бўлиб камол топишига ҳизмат қилган. Айни вақтда, юқорида мамлакатимиз тарихида таълим-тарбияга оид асарлардан ташқари, бола ҳуқуқларига бағишланган асарлар ҳам кўплигини гувоҳи бўлдик. Ушбу асарлар эса бола ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, уларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун замин яратган.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**


1. Children in Islam. Their Care, Upbringing and Protection. –Cairo: Al-Azhar University in cooperation with the UNICEF, 2005. – 123 p.
2. Ал-Муҳит. ЎзР ФА ШИ // Қўлёзма №8781.
3. Ал-Уструшаний Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн. Жомиъ аҳком ас-сиғор/ Муфтий Усмонхон Алимов ва Муслим Ризқи Ато таҳрири остида. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2010. – 496 б.
4. Атаев М. Имом Уструшаний. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2010. – 47 б.
5. Атаев М.Р. Маждуддин ал-Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фиқҳ илми тарихида тутган ўрни: Тар.фан. ном. ... дис. — Т.: «Тошкент ислом университети», 2011. – 202 б.
6. Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Ал-Муҳит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – 473 б.
7. Влияние ислама на политические процессы в Центральной Азии: учеб. пособие / А.В. Белоглазов. – Казань: Казан. ун-т, 2013. – 294 с.
8. Комилов М.М. Мовароуннаҳрда фиқҳ илмининг ривожи ва фақиҳ Алоуддин ас-Самарқандий. – Т.: «Истиқлол», 2006. – 207 б.
9. Саидов А.Х. Жиззах алломалари тазкираси// «Миллий тикланиш». - Тошкент, 2014. - №35(304).
10. Ҳасанов А., Комилов Н., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д, Зоҳидов Қ. Ислом тарихи/ Дарслик. –Т.: «Тошкент ислом университети», 2008. –228 б
11. Шамсуддин Муҳаммад ибн Аби Бакр ибн ал-Қаййим ал-Жавзиййа. Туҳфат ал-мавдуд би аҳком ал-мавлуд. – Қоҳира: Мактабат ал-қаййима, 1398 /1977 й. – 248 б.

**Дониёр МУРАТОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*
*Исломшунослик ва ислом цивилизациясини*
*ўрганиш ICESCO кафедраси*
*доценти, тарих фанлари номзоди*
*d.muratov@iiau.uz*

# МУСТАДРАК ВА МУСТАХРАЖ ТУРИДАГИ АСАРЛАР

# КНИГИ ПО МУСТАХРАЖ И МУСТАДРАК

# WORKS ON MUSTADRAK AND MUSTAHRAJ

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада асосий эътибор 3/9 асрдан кейин пайдо бўлган ҳадис тўпламларидан икки хили мустадрак ва мустахраж тўғрисида сўз юритилган. Бу мустадрак ва мустахраж турлар имом Бухорий, Термизий ва бошқа муҳаддисларнинг асарларига қўшимча тарзда ёзилган, бошқача қилиб айтганда муҳаддис ўзидан олдин ўтган олимнинг асарига тўлдириш сифатида таълиф этган китоблардир.*

***Калит сўзлар:*** *Мустадрак, мустахраж, ҳадис, муҳаддис, саҳиҳ, санад, сунан.*

***Аннотация:*** *В этой статье рассматриваются два вида сборников хадисов это Мустадрак и Мустахрадж которые появились после 3/9 века. Книги мустардрак и мустахрадж были написанные как дополнения к трудам Имама Бухари, Тирмизи и других ученых, иными словами данные книги мухаддисов дополненяют работу предшествовавшего ему ученого.*

***Ключевые слова:*** *Мустадрак, мустахраж, хадис, мухаддис, сахих, санад, сунан.*

***Annotation:*** *This article focuses on two types of hadith collections, Mustadrak and Mustahraj, which appeared after 3/9 centuries. These mustardrak and mustahraj types are books written in addition to the works of Imam Bukhari, Tirmidhi and other hadith scholars, in other words, the books described by the hadith scholar as a supplement to the work of a scholar who preceded him.*

***Key words:*** *Mustadrak, mustaxraj, hadith, muhaddis, sahih, sanad, sunan.*

Даврлар мобайнида муҳаддислар томонидан ҳадис асарлар ёзилган. Ҳадисларнинг санадларини аниқлаш, ишончлилик жиҳатларини кўрсатиш ва бошқа мақсадларда муҳаддислар турли услубларда ҳадис китобларини таълиф этганлар. Мазкур мақолада мустадрак ва мустахраж ҳадис тўпламлари ҳақида сўз юритилди.

Мустадрак сўзи араб тилида тўлдириш маъносини билдиради. Бир муҳаддис ўзидан олдинги муҳаддиснинг ўз шартларига кўра китобига киритмай қолдирган ҳадисларни тўплаб янги асар ёзишига айтилади [1:282]. Бошқача қилиб айтганда, муҳаддис ўз шарти асосида эмас, балки аввалги муҳаддиснинг шартига биноан ҳадислар жамлаган тўпламига мустадрак дейилади. Муҳаддислар одатда ўз китобларида Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган барча ҳадисларни жамлашни ният қилмаганлар, бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Муҳаддисларларнинг китобларида, уларнинг шартларига мувофиқ келадиган, аммо ёзилмаган ҳадислар жуда кўп.

Бу худди муҳаддис ўзидан олдин ўтган муҳаддиснинг асарини тўлдирганга ўхшайди, аммо бошқа асарни юзага келтирган бўлади. Ҳоким Найсабурий (вафа. 405/1014 й.) имом Бухорий ва имом Муслимнинг асарларига ёзган «Мустадрак»и бу борада таълиф этилган энг машҳур асар ҳисобланади. Бу асар Имом Бухорий ва Муслимнинг «Саҳиҳ»идаги каби бобларга бўлиниб таълиф этилган. Ҳокимнинг «Мустадрак»ида уч турли ҳадислар жамлаган [2:145]:

1. Икки имом ёки бирининг шартига асосан саҳиҳ бўлганлар;
2. Икки имом шартига биноан бўлмай, Ҳокимнинг шарти асосида саҳиҳ ҳадислар, бундай ҳадисларга «саҳиҳа ал-иснод» атамаси қўлланилган.
3. Саҳиҳ бўлмай алоҳида эътибор қаратилган ҳадислар жамланган.

Шунинг учун Ибн Ҳажар каби баъзи олимлар Ҳоким «Мустадрак»ида ҳадисларнинг саҳиҳлигига енгил қараган, деган фикрни билдирганлар [3:306]. Баъзи олимлар «Мустадрак» устида иш олиб бориб, унга мухтасар, мустахраж, фиҳрист, атроф каби асарларни ёзиб қолдиришган. Абу Зарр Ҳаравий номи билан танилган Ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Уфайр Ансорий (ваф. 434/1043 й.) ҳам «ал-Мустадрак ала ас-саҳиҳайн» асарини ёзишади. Имом Али ибн

Умар Абу Ҳасан Дорақутний (ваф. 385/995 й.) «ал-Илзомот» ёзган асар ҳам мустадрак каби бўлиб, икки имомнинг шарти асосида ёзилган. Муснад услубида тартибланган, дейди Каттоний [4:127].

Ҳокимнинг «ал-Мустадрак»ини Заҳабий талхис қилган, яъни қисқартирган. Ундаги ҳадисларни кучли таҳлил қилиб, баъзи ҳадислар заиф, баъзилари мункар, яна баъзилари эса, мавзу эканини айтган, улар юзга яқин ва уларни алоҳида жузга жамлаган. Ибн Жавзий «ал-Мавзуот»ида ундан олтмишга яқинини ҳадисларини келтирган. Ибн Ҳажар Асқалоний имом Ҳокимнинг «ал-Мустадрак»ида мункар, заиф ва мавзу ҳадисларнинг мавжудлиги айтган. Сабаби олим китобини тўлиқ таҳрирдан ўтказишга улгурмай вафот этганини, асарини бошқа муҳаддис уламоларга кўрсатиб, уларнинг изозатларини олмаганини, айтган.

Абу Саъд Молийний (ваф. 409/1018 й.) Ҳокимнинг асари ҳадислари ҳақида гапириб, унда икки Саҳиҳнинг шартларига мувофиқ ҳадислар йўқлигини айтади. Аммо имом Заҳабий (ваф. 748/1347 й.) унинг сўзларини инкор қилган.

Ҳофиз Абу Зар ибн Аҳмад Ҳаравий Ансорий (ваф. 434/1043 й.) ҳам «ал-Мустадрак ал ас-соҳиҳайн» асарини ёзган. Каттоний: «У Латиф мужаллад бўлиб, Дорикутний китобига мустахраж қилинганган ўхшайди», деган [5:146].

Имом Али ибн Умар Дорақутнийнинг (ваф. 385/995 й.) «Илзомот» асарида икки имом, яъни Бухорий ва Муслим ёки у иккисидан бирининг шартига мос ҳадисларни жамлаган.

Зиё Мақдисий номи билан танилган ҳофиз Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Аҳмад Саъдий Димашқий (ваф. 643/1245 й.) қаламига мансуб «ал-Мухтора» номли асар бўлиб, унинг иккинчи бир номи «ал-Аҳодис ал-мухтора мимма лам юхаррижҳу ал-Бухорий ва Муслим фи саҳиҳима» деб аталади. Бу асарда шаръий ҳукмларда эҳтиёж сезилган мақбул ҳадисларни келтиришни шарт қилиб қўйилган. Шу билан бирга бу ҳадислар икки саҳиҳ китобида келтирилмаган бўлиши керак.

Асарни муснад услубида, саҳобалар алифбо тартибида, фақат ашараи мубашшарани аввал келтирган ҳолда тузилган. Шунингдек, агар ушбу ҳадисни бошқа муҳаддислар келтирган бўлса, уларни ҳам кўрсатиб ўтган.

Ҳадис тўпламларининг яна бир тури мустахраж бўлиб, бу услубда ёзилган асарлар ҳам мустадракка ўхшаб кетади. Мустахраж сўзи араб тилида чиқариб олмоқ, топмоқ маъноларини билдиради. Бу турдаги китобларда мусанниф бошқа, ўзидан олдин ўтган муҳаддиснинг, масалан, имом Бухорийнинг «Саҳиҳ» китобидаги ҳадисларни ўзи топган иснод орқали келтиради. Бунда аввалги мусанниф билан мустахраж тузувчининг шайхи ёки ундан юқорида турган шайхи туташади ҳамда Бухорий қайсидир саҳобий йўли билан чиқарган ҳадисни ўша саҳобанинг ўз йўли билан чиқариш лозим бўлади. Бошқача қилиб айтганда, муҳаддисларининг бирортаси томонидан имом Бухорий ёки Муслимнинг саҳиҳлари ёки бошқа ҳадис китобларидан бирини олиб, китобнинг ёзилиш тартиби, ҳадис матнлари ёки санад йўлларини ўзгартирмаган ҳолда муаллиф ўзига хос алоҳида санадлар билан ривоят келтириши мустахраж бўлади. Аввалги муаллиф билан кейинги муаллифнинг санадлари турлича бўлса ҳам, охири битта шайхда ёки унинг юқорисида, ҳатто битта саҳобийда бирлашади. Шарти яқинроқ шайхда бирлашиш мумкин бўлганда, узоқроқ шайхни танламаслик лозим. Агар бу танлашда ҳадиснинг даражасини кўтариш имкони ва узри бўлса, у ҳолда узоқроқ шайхда бирлашиш ҳам мумкин.

Масалан, имом Муслим «Саҳиҳ»да: Бизга Абу Бакр ибн Абу Шайба, Зуҳайр ибн Ҳарб ва Ибн Нумайр ҳадис айтганлар, улар бизга Суфён Зиёд ибн Илоқадан ривоят қилган, Зиёд Жарир ибн Абдуллоҳнинг: «Пайғамбарга (с.а.в.) ҳар бир муслим учун самимий муносабатда бўлишга байъат бердим», деганини эшитган [6:45]. Муслим ривоятида ҳадис шундай келган. Ҳофиз Абу Авона Исфароиний «ал-Мустахраж ала саҳиҳ Муслим» асарида қуйидагича ривоят қилган: Исҳоқ ибн Сайёр бизга ҳадис айтган, у Убайдуллоҳ бизга ҳадис айтган, деган ва Убайдуллоҳ эса, Суфён бизга Зиёд ибн Илоқадан хабар берди, деди. Зиёд Жарирдан Муғийра ибн Шўъбанинг вафот этаётганида эшитганман, деди. Одамларга хитоб қилиб: «Шериги бўлмаган, ягона, Аллоҳга сакинат ва виқор ила тақво қилишингизни васият қиламан. Мен Расулуллоҳга (с.а.в.) исломда бу қўлим билан байъат қилганман. У киши

ҳар бир мусулмонга самимий муносабатда бўлишни шарт қилганлар, Каъбанинг Робби ҳаққи, мен сизларнинг барчангизга самимий муносабатдаман», деди. Аллоҳга истиғфот айтди, шаклида келган.

Ибн Носируддин Димашқийнинг (ваф. 842/1438 й.) фикри бўйича мустахражнинг фойдалари қуйидагиларда кўринади [7:117]:

1. Лафзларнинг зиёда бўлиши, Яъни бирида учраган сўзларнинг бошқасида бўлмаслиги;

2. Олий иснодни топиш;

3. Иснод йўллари кўпайиши билан кучли ҳисобланиши, Яъни ғарибликни кетказиш;

4. Ҳадисни икки шайх ёки бирига етказиш;

5. Ровийларни бир-бирига боғланган жойини кўрсатиш;

6. Ҳадис сўзларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни билиш;

7. Зиёда жойларини баён қилиш;

8. Бирида келтирилмаган жойларни келтириб ўтиш;

9. Хатоларни кўрсатиш;

10. Ровийлар эшитган нарсасини тушириб қолдирган жиҳатларини билиш.

Мустахраж бўйича ёзилган китоблар ичида қуйидагилар машҳур эканини айтиб ўтиш мумкин:

1. Бухорийнинг «Саҳиҳ»ига ёзилган мустахражлар [8:81-82]:

Аҳмад ибн Иброҳим ибн Исмоил Абу Бакр Исмоилий Журжоний Шофеий (ваф. 371/981 й.), Муҳаммад ибн Абу Ҳомид Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Қосим ибн Ғитриф ибн Жаҳм Абу Аҳмад Ғитрифий (ваф. 377/987 й.), Ибн Абу Зуҳл номи билан танилган Муҳаммад ибн Аббос ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Усайм Абу Абдуллоҳ Зиббий Усмий Ҳаравий (ваф. 378/988 й.), Ибн Мардувайҳ номи билан танилган Аҳмад ибн Мусо ибн Мардувайҳ Абу Бакр Исфаҳоний (ваф. 416/1025 й.), Аҳмад ибн Абдуллоҳ Абу Нуайм Исфаҳоний (ваф. 430/1039 й.) «ал-Мустахраж ала саҳиҳ ал-Бухорий» номли ўзларининг мустақил асарларини ёзишган.

2. Имом Муслимнинг «Саҳиҳ»ига ёзилган мустахражлар:

Аҳмад ибн Салама Абу Фазл Баззор Найсапурий (ваф. 286/899 й.), Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ражо Абу Бакр Исфароиний Найсапурий (ваф. 286/899 й.), Аҳмад ибн Ҳамдон ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Синон Ҳиярий Найсапурий (ваф. 311/923 й.), ҳофиз Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Язид Исфароиний Найсапурий Шофеий (ваф. 316/928 й. Бу олимнинг «Мустахраж»и «Саҳиҳ Абу Авона», «Муснад Абу Авона», «ал-Муснад ал-Мустахраж ала саҳиҳ Муслим» номлари билан ҳам юритилади. Ибн Ҳажар Асқалоний «Саҳиҳ Абу Авона» ҳақида: У «Саҳиҳ Муслим»га мустахраж ҳисобланади, иснод йўлларини кўпайтириб, матнларни камайтирган, деган), Мусо ибн Муҳаммад ибн Аббос Абу Имрон Жувайний Найсапурий (ваф. 323/935 й.), Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Абу Муҳаммад Тусий Балозурий воиз (ваф. 339/950 й.), Ибн Асбағ номи билан танилган Қосим ибн Асбағ ибн Муҳаммад ибн Юсуф Абу Муҳаммад Байёний Қуртубий Андалусий (ваф. 340/951 й.), Абу Валид Қазвиний номи билан тарнилган Ҳассон ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳорун Қураший Умавий Найсапурий Шофеий (ваф. 344/955 й.), Муҳаммад ибн Юсуф Абу Наср Тусий Шофеий (ваф. 344/955 й.), Абу Саид Ҳиярий номи билан танилган Аҳмад ибн Абу Бакр Муҳаммад Ибн Ҳофиз Кабир Абу Усмон Саид ибн Исмоил Ҳиярий Найсапурий (ваф. 353/964 й.), Аҳмад ибн Шокир Абу Ҳомид Шокирий Ҳаравий Шофеий (ваф. 355/966 й.), Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Закариё Абу Бакр Жавзиқий Шайбоний Найсапурий (ваф. 388/998 й.), Абу Нуайм Исфаҳонийлар (ваф. 430/1039 й.) «ал-Мустахраж ала саҳиҳ Муслим» номи остида ўз китобларини ёзганлар.

3. «Саҳиҳайн» га ёзилган мустахражлар:

Ибн Ахрам номи билан танилган Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Юсуф Абу Абдуллоҳ Шайбоний Найсапурий (ваф. 344/955 й.), Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Абу Али Мосаржисий (ваф. 365/976 й.), Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ғолиб Абу Бакр Барқоний Хоразмий Шофеий (ваф. 425/1034 й.), Ибн Манжуя номи билан танилган Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Абу Бакр Исфаҳоний (ваф. 428/1037 й.), Абу Нуайм Исфаҳоний (ваф. 430/1039 й.), Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Абу Зарр Ҳаравий Ансорий (ваф. 434/1043 й.), Абу Муҳаммад Халлол номи билан танилган Ҳасан ибн Абу Толиб Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Али Бағдодий (ваф. 439/1047 й.), Абу Масъуд Мулиҳий номи билан танилган Сулаймон ибн

Иброҳим Исфаҳонийнинг (ваф. 486/1093 й.) асарларини келтириш мумкин.

4. Имом Абу Довуднинг «Сунан»ига ёзилган мустахражлар: Ибн Фараж Қуртубий (ваф. 330/942 й.), ҳофиз Қосим ибн Асбағ (ваф. 340/951 й.) ва ҳофиз Абу Бакр Ибн Манжуя Исфаҳонийлар (ваф. 428/1037 й.) ҳар бири «ал-Мустахраж ала сунан Аби Довуд» номи остида асарлар ёзганлар [9:99-100].

5. Имом Термизийнинг «Сунан»ига Ҳасан ибн Али ибн Наср Хуросоний Абу Али Тусий (ваф. 312/924 й.), ҳофиз Абу Бакр Ибн Манжуя Исфаҳоний (ваф. 428/1037 й.) ҳар бири «ал-Мустахраж ала сунан ат-Термизий» номи остида асарлар ёзганлар.

Шунингдек, Абу Нуайм Исфаҳоний (ваф. 430/1039 й.) Ибн Хузайманинг «ат-Тавҳид» асарига, Ибн Жоруд (ваф. 307/919 й.) Ибн Хузайманинг «Саҳиҳ»ига мустахраж таълиф этганларини келтириш мумкин.

Мустахраж асарлари муаллифлари ўз китобларини ҳадисларнинг лафзида асли саҳиҳларга мувофиқ бўлишини назарда тутмаганлар. Улар ўз шайхларидан қандай талаффузда эшитган бўлсалар, шуни ёзганлар. Шу сабабли ҳам, асли саҳиҳ билан мустахраж ҳадисларининг гоҳ лафзида, гоҳ маъносида фарқ борлиги кўринади. Бир муҳаддис мустахраждан бирор ҳадисни нақл қилиб, кейин бу ҳадис саҳиҳда бор, дейиши мумкин эмас. Балки, бу ҳадиснинг муқобили икки Саҳиҳда бор дейиш лозим [11:]. Агар мустахраж муаллифи, ўзи ҳадисни ривоят қилиб, кейин: «Бу ҳадисни имом Бухорий ёки имом Муслим айни лафзда «Саҳиҳ»да келтирган , деган бўлса, у ҳолда мустахраждан олинган ҳадисни асл ривоятдан деб нисбат бериш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустадрак ва мустахраж асарлар муҳаддислар томонидан алоҳида ёзилиб, ҳадисларнинг санадларини кўрсатиш, ҳадис матнларини турлича эканини аниқлаш, бир иснод йўли билан ривоят қилинган ҳадисларни бошқа иснодлари ҳам бор эканини аниқлаш ва шу билан бирга мустадрак услубида эса, саҳиҳ ҳадисларнинг ададини кўрсатишдан иборат.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**


1. Ғоврий, Саййид Абдулможид. Ал-Важиз фи таъриф кутуб ал-ҳадис. – Байрут: Матбаа Райён, 2009. – Б. 282.
2. Муратов Д. Ҳадис тўпламларини қиёсий ўрганиш. – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. – Б. 145.
3. Ғоврий, Саййид Абдулможид. Мавсуа улум ал-ҳадис ва фунуниҳ. – Димашқ: Дор Ибн Касир, 2007. – Т. 2. – Б. 306.
4. Каттоний. Ар-Рисола ал-мустатрафа ли баён машҳур кутуб ас-сунна. – Қоҳира: ал-Қоҳира, 1992. – Б. 127.
5. Муратов Д. Ҳадис тўпламларини қиёсий ўрганиш. – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. – Б. 146.
6. Муслим. Саҳиҳ Муслим. – ар-Риёз: Дор ас-салом, 2000. – Б. 45.
7. Муратов Д. Ҳадис тўпламларини қиёсий ўрганиш. – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. – Б. 147.
8. Ғоврий, Саййид Абдулможид. Ал-Важиз фи таъриф кутуб ал-ҳадис. – Байрут: Матбаа Райён, 2009. – Б. 81-82.
9. Нуристоний, Муҳаммад. Ал-Мадхал ила Сунан ал-имам Аби Довуд. – ал-Кувайт: Мактаба шуун ал-фанния, 2008. – Б. 99-100.
10. Ҳазирий, Тоҳир Азҳар. Имом Термизийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарига кириш [матн] / таржимонлар С.Сиддиқов, Ж.Шодиев, У.Мирсодиқов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 52.
11. Muratov, Doniyor Mr (2019) “THE ROLE ON THE COMPANIONS IN THE SCIENCE OF HADITH,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4, Article 2. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/2.

**Масъудхон ИСМОИЛОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди*

# НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИ ЎРГАНИШДА ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

# THE IMPORTANCE OF KHWAJA MUHAMMAD PARSA'S SCHOLARLY LEGACY IN STUDYING NAQSHBANDI TEACHINGS IN

# ЗНАЧЕНИЕ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ ХАДЖИ МУХАММАДА ПАРСА В ИЗУЧЕНИИ НАКШБАНДИЙСКОГО ТАРИКАТА

*Мақолада Нақшбандия таълимотини ўз асарларида илмий жиҳатдан асослаб берган Хожа Муҳаммад Порсо қаламига мансуб қатор янги асарлар ҳақида дастлабки маълумотлар баён қилинган. Хожа Муҳаммад Порсо Бухорода туғилган, мадрасаларда ўқиб, Қуръон, ҳадис, калом каби турли диний илмларни чуқур ўрганиб, замонасининг забардаст олимлардан бири бўлиб етишган ва Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машҳур бўлган.*

***Калит сўзлар:*** *тасаввуф, Нақшбандия, қўлёзмалар, Хожа Муҳаммад Порсо, калом илми, араб ва форс адабиёти, география, биография, ҳадис илми, тафсир илми, фиқҳ, Қуръон илмлари.*

*The article provides introductory information on the new works written by Khwaja Muhammad Parsa, who had scholastically proved Naqshbandi teachings in his books. Khwaja Muhammad Parsa was born in Bukhara, attended madrasahs, obtained deep knowledge on such Islamic sciences as Quran, hadith, kalam etc. He became one of the greatest scholars of his time and the most reputable representative and preacher of naqshbandi tariqah in Central Asia after Bahauddin Naqshband.*

***Key words:*** *tasawwuf, Naqshbandiya, manuscripts, Khwaja Muhammad Parsa, science of kalam (ilm al-kalam), Arabic and Persian literature, geography, biography, science of hadith, science of tafsir, fiqh (Islamic jurisprudence), science of Holy Quran.*

*В статье описывается вводная информация о ряде новых книг, написанных Хаджой Мухаммад Порсо, который научно обосновал Накшбандийские учения в своих научных трудах. Хаджа Мухаммад Порсо родился в Бухаре, учился в медресе и глубоко освоил знания в области Корановедения, хадисоведения и науки калам. Он стал одним из выдающихся улемов своего времени и самым влиятельным представителем и проповедником накшбандийского тариката в Средней Азии после Бахауддина Накшбанда.*

***Ключевые слова:*** *тасаввуф, Накшбандия, рукописи, Хаджа Мухаммад Порсо, теология ислама (наука калам), арабская и персидская литература, география, биография, хадисоведение, толкование Корана, фикх (исламское право), наука Корана.*

Цивилизация марказларидан бўлмиш Ўзбекистон ҳудудида жаҳон қадриятлари даражасига молик моддий ва маънавий бойликлар жуда кўп бўлиб, уларни зиёрат қилишга дунё халқлари катта қизиқиш билдириб келадилар. Бу юртда қадимдан яратилиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган обидалар, қўлёзма асарлар халқимиз даҳосини кўз-кўз қилиб туради. Бундай нодир дурдоналар бу юртдан етишиб чиққан олимларнинг закосидан дарак беради.

Бугун Ўзбекистонда буюк алломалар ва уларнинг илмий меросларига алоҳида аҳамият кўрсатилиб, ёшларни уларнинг панд-у насиҳатлари, илм-маърифат, бағрикенглик руҳида тарбия қилишга катта урғу берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 5-устувор йўналиши "Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш" [1] деб белгиланиши бу соҳага қаратилаётган эътиборнинг ифодаси бўлса, аждодлар қолдирган илмий меросни ҳозирги замон тараққиёти ва руҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш, тадқиқ этиш бу йўналишнинг бир бўлагидир.

Хожагон-нақшбандия таълимоти ҳам ўзининг салкам 900 йиллик тарихи давомида ислом олами ва умуман, инсониятга улкан бир маънавий меросни тақдим этган. Ушбу тариқат етиштирган мутасаввифларнинг ибратли ҳаёти, дин ва дунё, олам ва одам, илм ва маърифат, ишқ ва муҳаббат ҳақидаги қарашлари, турли илмлар ва мавзуларга бағишланган илмий-адабий асарлари ислом тафаккури тарихида ўзига хос ўрин тутади.

Тасаввуф таълимотининг XIV аср охиридаги назариётчиларидан бири, Хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Муҳаммад Порсо номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорий (1349–1420) ҳам ана шундай улуғ сиймолардан бири ҳисобланади. Унинг илмий мероси бўйича номзодлик диссертацияси ёқланган [2], тўпламларда мақолалар эълон қилинган [3].

Тасаввуфий ёзма манбаларнинг таҳлилига оид ишларнинг баъзиларида ҳам муаммога қисман дахлдор маълумотлар учрайди. Бу жараёнда Н.Комилов, М.Баратов, О.Усмон, Б.Бобожонов, С.Сайфуллоҳ ва бошқа олимларнинг ишларини кейинги йилларда қилинган тадқиқотларга мисол тариқасида келтириш мумкин [4].

Хожа Муҳаммад Порсонинг Нақшбандия тариқати вакили бўлганлигини назарда тутиб, ушбу тариқат тарихига оид тадқиқотлар ва чоп этилган ишларни ҳам билвосита муаммонинг ўрганилиш тарихига киритиш мумкин. Жумладан, Ф.Кўпрулу, Ж.С.Тримингэм, Д.ДиУис, В.Нирша, Ҳ.Неъматов, Э.Каримов, Н.Ҳасанов, Ж.Неъматова, М.Ишмуҳамедовалар эълон қилган тадқиқотлар эътиборга молик [5].

Хожа Муҳаммад Порсо Бухорода туғилган, мадрасаларда ўқиб, Қуръон, ҳадис, калом каби турли диний илмларни чуқур ўрганиб, замонасининг забардаст кишилардан бири бўлиб етишган ва Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машҳур бўлди.

Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафоҳот ул-унс» номли асарида кўрсатишича, Муҳаммад Порсонинг тўлиқ исми Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорийдир. «Порсо» унинг лақаби бўлиб, бу лақабни унга Баҳоуддин Нақшбанд берган. «Рашаҳот» муаллифи бунинг тафсилотини қуйидагича баён қилади: «Муҳаммад Порсо кўчада мунтазир ҳолда турардилар. Ногоҳ ичкаридан Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг канизаклари чиқиб қолди. Ҳазрати Хожа канизакдан: «Кўчада турган ким?» — деб сўрадилар. «Бир порсо (диндор) йигит турибди», деди канизак. Ҳазрати Хожа ташқарига чиқиб, Хожа Муҳаммадни кўрдилар ва унга: «Сиз порсо экансиз», дедилар. Шу кундан бошлаб эл орасида у «Порсо» лақаби билан машҳур бўлиб кетди [6].

«Рашаҳот»да Хожа Муҳаммад Порсонинг қуйидаги ҳикояси келтирилади: «Ҳижоз йўлида Хожаи Бузруг (Баҳоуддин) касалга чалиндилар ва васиятлар қилдилар. Шу аснода дўстлар ҳузурида бу мажлисга юзланиб: «Хожагонлар хонадонининг халифаларидан бу заифга нимаики етган бўлса ва бу йўлда ниманики топган бўлса, бу омонатларнинг барини сенга топширдим. Бу омонатларнинг барини Ҳақ субҳонаҳу халқига етказ», дедилар. Ҳижоз сафаридан қайтганимизда эса дўстлар ҳузурида: «Бизда нимаики бўлса, сен ҳаммасини тўлиқ олдинг», дедилар. Ҳаётларининг охирида эса: «Бизнинг вужудга келишимизнинг сабаби Муҳаммад (Порсо)нинг зуҳури эди», дедилар».

Баҳоуддин Нақшбанд вафоти олдидан Хожа Муҳаммад Порсони ўз ўрнига тайин қилганлигини унинг яқинларидан бўлган Хожа Али Домод қуйидагича тавсифлайди: «Ҳазрати Хожа Баҳоуддин охирги беморликлари пайтида ҳозирги жасадлари ётган қабрни ковлашга буюрдилар. Қабрни ковлаб бўлиб, уларнинг ҳузурларига келдим. Ўзларидан сўнг иршод ишига кимни буюрар эканлар, деган фикр кўнглимдан ўтди. Улар тўсатдан менга ўгирилиб: «Ҳижоз йўлида айтган гапим гапдир, кимки бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин», дедилар».

Муршидлик мартабасига етган Хожа Муҳаммад Порсо тафсир, ҳадис, тасаввуф, калом, география, адабиёт, тарих, фиқҳ каби соҳаларда ҳам моҳир олим бўлиб, йигирмадан ортиқ асарлар ёзган. Улардан қирқтага яқин номдаги асар бизгача етиб келган [7].

Порсонинг асарлари салмоғи катталиги ва уларнинг нақшбандияни билишда сосий

бирламчи манбалардан эканлиги унинг илмий меросига алоҳида аҳамият бериш кераклигини кўрсатади. Зеро, ёзма мерос инсоният тарихидан хабар берувчи, маълум бир юртнинг цивилизациясига гувоҳлик берувчи қимматбаҳо мерослардан бўлиб, бу бебаҳо бойликни сақлашга ҳукуматлар, халқаро жамиятлар катта эътибор билан қарамоқдалар.

Дунё цивилизация маконларидан бўлмиш Ўзбекистонда ҳам бир неча қўлёзмалар хазиналари фаолият олиб бормоқда. Жаҳонга машҳур Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалари фондида Хожа Муҳаммад Порсо қаламига мансуб асарлар алоҳида ўрин тутади.

Порсонинг шариат ва тариқат масалаларига бағишланган ва унга катта шуҳрат келтирган асари «Фасл ул-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» («Дўстларга мувофиқ бўлишда оқ ила қорани ажратувчи китоб») номли асаридир. Илмий манбаларга бой бўлган бу китоб ислом уламолари орасида қўлланма сифатида фойдаланиб келинган. Асар бир неча марта чоп этилган [8].

“Фасл ул-хитоб” беш юзга яқин масалага бағишланган бўлиб, бу масалаларнинг ҳаммаси исломда баҳсли ҳисобланган ва Порсо бу масалаларни турли асарларга суянган ҳолда ечиб берган. «Фасл ул-хитоб» муаллифнинг асосий асарларидан биридир.

Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асари Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималарини шарҳлашга бағишланган. «Аз анфози қудсияи машойихи тариқат», «Фусули ситта», «Рисолаи кашфия», «Эътиқодот», «Ҳафтоду се фирқа», «Муқаддима ли-жомиъ ул-калим», «Мактуби Хожа Муҳаммад Порсо ба Мавлоно Зайнуддин», «Шарҳи фиқҳи Кайдоний», «Рисолаи кашфийя», «Рисола дар одоби мурид», «Мухтасар тарихи Макка» ва «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» рисолалари ҳам мазкур фондда фақат ягона нусхада мавжуддир.

Хожа Муҳаммад Порсонинг энг катта асарларидан бири «Таҳқиқот» бўлиб, у тасаввуф мавзусига бағишланган.

«Тафсири Хожа Муҳаммад Порсо» муаллифнинг ўз дастхатида битилган ягона нусхадаги нодир асардир [9]. Шунингдек, «Ал-ҳадис ул-арбаъун» ҳам ягона нусхада бўлиб, унда Хожа Муҳаммад Порсо ўз устодлари орқали ривоят қилган нодир 40 та ҳадис танлаб олинган ва форсий таржимаси берилган [10].

Булардан ташқари Хожа Муҳаммад Порсо қаламига мансуб асарлардан

«Рисола» 2 нусхада, «Рисолаи маҳбубия» 5 нусхада, «Рисолаи дар баёни баъзи аз калимоти Баҳоуддин Нақшбанд» 2 нусхада, «Рисолаи қудсийя васоё сулуки машойих» 12 нусхада, «Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор» 2 нусхада сақланади.

Хожа Муҳаммад Порсо илмий мероси борасида яқинда олинган маълумотлар унинг янги асарлари ҳамда маълум асарларининг бошқа нусхалари мавжудлигини тасдиқлади. Дунё кутубхоналари фондларида Порсонинг қаламига мансуб асарлардан яна 124 та нусха сақланиши аниқланди.

Масалан, ҳадис олимлари биографиясига бағишланган “Рисола фи силсилат ал-машойих ал-муҳаддисийн” асари, машҳур мутасаввиф Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг тасаввуфнинг назарий масалаларига бағишланган “Фусус ал-ҳикам” номли асарининг шарҳи, Ҳанафий мазҳаби фиқҳий масалаларга бағишланган “Ғурар ал-афкор шарҳу “Дурар ал-биҳор” ва “Маносик-и ҳаж” асари, усули фиқҳ масалаларидан баҳс этувчи “Рисола фил-интисор ли-соҳиб “ат-Тавзиҳ”, “Рисола фи усул ад-дин ва фурузиҳи ва важибатиҳи”, Қуръон илмларига доир “Рисола фи ал-мийм вуқуф ал-Қуръан”, “Лавозим ул-вақф” ва “Тафсир сурат ал-Фатиҳа”рисолалари шулар жумласидандир [11].

Янги нусхаси топилган “Манoқиби ҳазрати Хожа Баҳоуддин ан-Нақшбандий” рисоласи ҳамда “ал-Фусул ас-ситта” асари тасаввуфнинг назарий масалаларига бағишланган.

Географияга доир асари “Рисола фил-мазорот”, адабиётга оид “Муншаот”, “Таржума-и баъз-и аз “Наср ул-лаолий”, “Шарҳу ар-Рисола ар рамизат аш-шафия фил-аруз” асарлари ҳам алоҳида тадқиқотга муҳтож ва натижада Муҳаммад Порсонинг янги илмий қирралари кашф этилади.

“Қавл фил-ажвиба ҳазиҳи ал-асилат ал-мурсала мин Ҳирот ила Бухоро”, “Мактуб” дея номланган рисолалар Порсога ислом

дунёсининг турли бурчакларидан мурожжатлар келиб турганлигини англатади.

“Рисола фил эътиқод вал-амал вал-ахлоқ” ва шу мавзуда ёзилган асарлари бугунги глобаллашув даврида турли ўлкаларда тасаввуфни ўз билганича талқин этаётганларга илмий асосли кўрсатмалар сифатида муҳимдир.

Мазкур асарларнинг ҳаммасини яхшилаб ўрганиш, ахлоқ, эътиқод масалаларининг тасаввуфий жиҳатдан қандай бўлиши Порсонинг асарлари орқали талқин қилиш, унинг ҳаётига аниқлик киритиш кейинги тадқиқотлар мавзусидир.

Умуман, Хожа Муҳаммад Порсо илмий мероси ва қарашларини ўрганиш нафақат Нақшбандия тариқати асослари, балки умуман, тасаввуф таълимотининг асл моҳиятини янада чуқурроқ ўрганишимиз учун имкон беради. Унинг асарларини таҳлил ва тадқиқ этиш орқали тасаввуф таълимотининг фақатгина аниқ белгиланган расм-русумлар, урф-одатлар ва муайян ахлоқ-одоб қоидаларидан таркиб топган бир мажмуадан иборат бўлмаганлиги, аксинча, бу таълимот инсон, ҳаёт, жамият, дунё, охират, борлиқ, маърифат, ақл-идрок, тафаккур, ҳиссиёт, ишқ... каби минг йиллардан буён инсоният диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келаётган бир қатор муҳим масалалар ва муаммолар хусусида ҳам кўплаб қизиқарли ва ибратли фикрларни тақдим этганлигига яна бир карра амин бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, дунё цивилизация маконларидан бўлмиш Ўзбекистонда пайдо бўлган оламшумул Нақшбандия тариқати назариётчиси Хожа Муҳаммад Порсо (1349–1420) ислом тафаккури тарихида ўзига хос ўрин тутади. Хожа Муҳаммад Порсо Бухорода туғилган, мадрасаларда ўқиб, Қуръон, ҳадис, калом каби турли диний илмларни чуқур ўрганиб, замонасининг забардаст кишилардан бири бўлиб етишган ва Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машҳур бўлган.

Баҳоуддин Нақшбанд вафоти олдидан Хожа Муҳаммад Порсони ўз ўрнига тайин қилиб: «Ҳижоз йўлида айтган гапим гапдир, кимки бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин», деганлар.

Муршидлик мартабасига етган Хожа Муҳаммад Порсо тафсир, ҳадис, тасаввуф, калом, география, адабиёт, тарих, фиқҳ каби соҳаларда ҳам моҳир олим бўлиб, йигирмадан ортиқ асарлар ёзган. Унинг ибратли ҳаёти, дин ва дунё, олам ва одам, илм ва маърифат, ишқ ва муҳаббат ҳақидаги қарашлари, турли илмлар ва мавзуларга бағишланган илмий-адабий асарлари кейинги аср мутасаввифлари учун дастурул амал бўлган.

Хожа Муҳаммад Порсонинг ҳаёти ва илмий меросини яхши ўрганиб дунё халқларига тақдим қилсак ҳақиқий тасаввуфнинг моҳиятини англаш бўлади ва машҳур “Дил ба Ёру даст ба кор” шиорини ҳаётга тадбиқ қилиш орқали жамият ривожига, фан тараққиётига ҳисса қўшилган бўлади. Порсо ҳазратлари яшаган қадим Бухородаги манзилларни аниқлаб, қадамжоларини жамоатчиликка кўрсатсак, зиёратчилар учун катта янгилик бўлади ва зиёрат туризмини ривожланишига ҳисса қўшилади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. www.lex.uz сайти. Ўзбекистон Республикаси Президент ининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони: Тошкент ш. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.
2. Хидирова Н. Хожа Муҳаммад Порсо илмий мероси: Дисс. ... тарих. фан. номзод. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2004.
3. Бўриев О., Ҳасанов М. Хожа Муҳаммад Порсо // Маънавият юлдузлари. – Т., 2001. – Б. 200–204.
4. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ёзувчи, 1996; Усмон О. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Т.: Университет, 1993; Баратов М., Усмон О. Ўрта Осиёда тасаввуф оқимлари // Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995; Бабаджанов Б. Политическая деятельность шайхов Накшбандия в Мавараннахре (I пол. XVI в.): Дис. ... канд. ист. наук. – Т.: ИВ АН РУз, 1996; Шу муаллиф. Йасавийа и Накшбандийа в Мевераннахре: из истории взаимоотношений (сер.XV-XVIв.) // Учение Йасави: Туркестан, 1996. – С.75-96; Сайфуллоҳ С. Фатво ва тақво китоби. – Т.:Мовароуннаҳр, 2005.
5. Koprulu Fuad. Turk edebiyatinda ilk mutasavviflar. – Ankara,1991; Тримингэм Дж. С. Суфийские

ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф.Акимушкина. – М.: Наука, 1989.; ДиУис Д. Ахмад Йасави // Ислам на территории бывшей Российской империи / Энциклопедический словарь. Вып.№4. – М.: Восточная литература, 2003. – С.8-12; ДиУис Д. Йасавийа // Ислам на территории бывшей Российской империи / Энциклопедический словарь. Вып.№4. – М.: Восточная литература, 2003. – С.35-38; De Weese D. The Elipce of the Kubraviyah in Central Asia // Iranica Stadies. – 1988. vol. XXI. – №1-2. – p.45-84; Нирша В. Мировоззрение и суфийские концепции Абу Хафса Умара Шихабуддина Сухраварди: Дисс.... канд. филос. наук. – Т.: Институт философии и права АН РУз, 1990; Неъматов Ҳ. Аҳмад Яссавий ҳаётига оид баъзи саналар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. – №2; Каримов Э.Э. Суфийские тарикаты в Центральной Азии XII-XV в.в.: Дис. ... док. ист. наук. – Т.: Институт истории АН РУз, 1996; Ҳасанов Н.Д. Яссавий ва Ҳазиний: Дисс. ... филол. фан. номзод. – Т.: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти, 1999.; Неъматова Ж. Яссавийлик ва унинг ижтимоий-фалсафий фикр ривожидаги ўрни: Дисс. ... фал. фан. номзод. – Т.: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2001; Ишмуҳамедова М. Девони ҳикмат қўлёзмалари: Дисс. ... филол. фан. номзод. – Т.: ЎзР ФА Қўлёзмалар институти, 2001.

6. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот ъан айн ал-ҳаёт. — Т., 2003. — Б. 85.
7. Исмоилов М. Хожа Муҳаммад Порсонинг Шарқшунослик институтида сақланаётган асарлари /Имом Бухорий сабоқлари, 2019 й. №3. Б.33-34.
8. Фасл ул-хитоб. Тошкент: Ғ.Орифжонов матбаси (санасиз).
9. Хожа Муҳаммад Порсо. Тафсири Қуръон. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №2180. — 237 в.
10. Хожа Муҳаммад Порсо. ал-Ҳадис ал-арбаъун – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №8825/IV.
11. Қаранг: Истамбул шаҳридаги «Сулаймания» кутубхонаси, №297,7, №01366—002,42, №297,1, №00012—002, 3, №297,18, №00008—010, 5, №297,4, №02311—002, 11, №297,5, №00439, 367 в. №297,7, №00459—003, 25 в. №891,5, №00725—027, 75, в. 770—845. №01455 — 009, 6, в. 108—113.

**Акмалхон Аҳмад ўғли АКМАЛХОНОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти кафедраси ўқитувчиси, PhD.*
*akmalxon.973@gmail.com*

# «МИФТАҲУ-Л-УЛУМ» АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА, ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ НАШРЛАРИ

# РУКОВОДСТВО, КОПИИ И СОВРЕМЕННЫЕ ИЗДАНИЯ «МИФТАХУ-Л-УЛУМ»

# MANUSCRIPTS, LITHOGRAPHS AND MODERN EDITIONS OF THE WORK “MIFTAHU-L-ULUM”

***Аннотация:*** *Мазкур мақолада Абу Яъқуб Саккокий ва унинг ёзган қимматли илмий асарлари, хусусан, ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган «Мифтаҳу-л-улум» асарининг қўлёзма, тошбосма, замонавий нашрлари ҳақида бирламчи манбалар асосида маълумотлар берилган. Шунингдек, «Мифтаҳу-л-улум» асарига ёзилган шарҳларнинг хусусиятлари, наҳв ва сарф бўлимларининг бошқа соҳа адабиётларидан фарқли жиҳатлари, муаллифнинг ўзига хос ёндашувга эга эканлиги ҳам баён қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *Саккокий, «Мифтаҳу-л-улум», қўлёзма, шарҳ, замонавий нашр, грамматика, сарф, наҳв.*

***Аннотация:*** *В данной статье представлена информация об Абу Якубе Саккоки и его ценных научных трудах, в частности, рукописях, литографиях, современных изданиях «Мифтаху-л-улум», не утративших своей актуальности до сегодняшнего дня. Также указываются особенности и специфика комментариев к Мифтаху-л-улум, различие и особенности разделов по грамматике(нахв) и морфологии(сарф) от других книг и литератур, а также уникальный подход автора в изложении этих разделов.*

***Ключевые слова:*** *Саккоки, «Мифтаху-л-улум», рукопись, комментарий, современное издание, грамматика, сарф, нахв.*

***Abstract****: This article provides information about Abu Yakub Sakkoki and his valuable scientific works, in particular, manuscripts, lithographs, modern editions of “Miftahu-l-ulum”, which has not lost its relevance today.*

*It is also stated that the features of the commentaries on "Miftahu-l-ulum", the differences between the grammar and expenditure sections from other field literature, and the author's unique approach.*

***Key words:*** *Sakkoki, "Miftahu-l-ulum", manuscript, commentary, modern edition, grammar, sarf, nahv.*

Абу Яъқуб Саккокий XIII аср араб тилшунослигининг йирик вакилларидан бири ҳисобланади. Унинг тўлиқ исми Сирожиддин Абу Яъқуб Юсуф ибн Бакр ибн Муҳаммад ибн Али Саккокий Хоразмий Ҳанафий бўлиб, манбаларда у ҳақида маълумотлар оздир. Саккокий ва унинг ёзган асарлари ҳақида Зайнуддин Қосим Қутлубғо [11: 317], Жалолиддин Абдураҳман Суютий [13: 115], Абдулҳай ибн Аҳмад [14: 208], Муҳйиддин Абдулқодир [18: 622], Абдулҳай Лакнавий [17: 232], Умар Ридо Кухала [16: 149], Ёқут Ҳамавий Румий [20: 518 (1034- рақам)], Шавқи Дайф [15: 542-543], Исматилла Абдуллоҳ [5: 181] каби олимлар маълумотлар келтирган.

Саккокий Чингизхон ўғли Чиғатойхон даврида яшаб ижод қилган. Абу Яъқуб Қашғар, Бадахшон, Балх ва бошқа диёрларда фозилликлари билан машҳур бўлган. Мустафо ибн Абдуллоҳ (Ҳожа Ҳалифа тахаллуси билан машҳур): «Юсуф Саккокий 30 ёшидан кейин илм олишни бошлаган, унгача темирчилик билан шуғулланган. Саккокий ўз даврининг барча илмларини олишга ҳаракат қилди. Хоннинг вазири Саъд Амид фитнаси билан Саккокий умрининг охирги уч йилини қамоқда ўтказиб, шу қамоқхонада вафот этади», деб ёзган [19: 1862].

Муҳйиддин Вафо Ҳанафий: «Саккокийнинг устозлари: Садид Хайётий, Маҳмуд ибн Саид, Ҳарисий ва бошқалар. Саккокий буюк имом, шеър, аруз, баён, маъно илмлари ва араб тили грамматикасини ўта яхши билувчи олимлардандир. Унинг шогирди Мухтор ибн Маҳмуд Зоҳидийдир» деган маълумотларни қайд этади [18: 622].

Ғарб олимларидан Ж. Беарман, ТҲ. Бианкуис, Э. Босворслар [7: 655], Э. Ван Донзел, В. П. Ҳайнрихс (Heinrichs) [8: 318, 371], A.Р. Гиб, Ж.Ҳ. Крамерс, Ж. Шахт (Schacht) Саккокийни араб тилшунослигида ёрқин из қолдирган олим деб айтиш билан бир қаторда, араб тили услубиятида оид асар ёзганларнинг биринчиларидан эканлигини таъкидлайдилар [қаранг: 9: 594, 859, 1117].

Кес Верстегх, Мушира Эид, Манфред Воидич Саккокийни араб тили балоғати ва фасоҳати илмларига катта хизмат қилган олимлардан бири сифатида эътироф этганлар [10:81].

Машҳур немис шарқшуноси Карл Броккельман араб тилшунослигида муҳим ўрин тутган, катта ҳисса қўшган олимларни санаб, Маҳмуд Замахшарийдан кейинги ўринда Саккокийни келтирган [6:171].

Саккокий қуйидаги асарларни ёзган:

1. «Мифтаҳу-л-улум» (مفتاح العلوم). Бу алломанинг биринчи асари ҳисобланади. Аббосий ҳалифалардан Носириддин халифалиги даврида ёзилган. Асар ўз даврида ва кейинчалик ҳам машҳур бўлиб бир неча марта нашр қилинган.

2. «Шарҳу-л-жумал» (شرح الجمل). Абдулқоҳир Журжонийнинг «Жумал» асарига шарҳ сифатида ёзилган.

3. «Аттибян» номли асари (التبيان).

4. Форс тилида «Тилсим» асари (كتاب طلسيم).

5. «Мунозара илми ҳақида рисола» (رسالة في علم المناظرة). Ушбу асар «Фарзандга рисола» (الرسالة الولدية) тарзида, шогирди Муҳаммад Сочиқли Зодага атаб ёзилганлиги ҳақидаги маълумотни Карл Броккельман қайд этган [12: 267].

6. «Мусҳафу-з-заҳроти» асари (مصحف الزهرات).

Саккокий биринчи ва машҳур асари бўлган «Мифтаҳу-л-улум» ҳижрий 595 (милодий 1205 йил) йиллардан кейин ёзилган. Олим асарнинг ёзилиш сабаби ҳақида шундай деб ёзган: «Замонамнинг фозил аҳллари, фазлни камолотга етказган зотлар мендан мухтасар қилиб, уларга [бир асар] ёзиб беришимни қатъийлик билан сўрадилар. Бу каби гапларни эшитгач, бундан улар тўла хурсандчилик билан баҳраманд бўлишлари учун, ҳар бир заkий тушунадиган услубда таснифладим» [қаранг: MU, 1b]. Муаллифнинг мазкур маълумотидан асар юқори савияда ёзилганини билиб олиш мумкин. Асарнинг номланиши борасида: «Бу асарда жуда яхши билиб олиш керак бўлган илмларни жамлаб, «Мифтаҳу-л-улум»مفتاح العلوم (Илмлар калити) деб номладим», деб ёзган эди Саккокий [қаранг: MU, 2b].

Асар ёзилганидан кейин жуда машҳур бўлиб, мадрасаларда араб тилини ўрганиш бўйича асосий дарсликлардан бири сифатида

кенг фойдаланилган. Бу асарга эҳтиёж катта бўлганлиги сабабли ундан кўп сонли нусхалар кўчирилган.

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида «Мифтаҳу-л-улум»нинг бир дона қўлёзма нусхаси бўлиб, 7843-рақам остида сақланади. 7843-рақамли қўлёзма мужаллад бўлиб, унда тўртта асар жамланган. Бу асарларнинг тўртинчиси «Мифтаҳу-л-улум» ҳисобланади. Асар тўла сақланиб қолмаган. Сарф ва наҳв илмлари умуман мавжуд эмас. Қўлёзмада «Мифтаҳу-л-улум» асарининг учинчи қисми бўлган маъно ва баён илмлари берилган. «Маънолар илми» ҳам тўлиқ эмаслигини асар мисол билан бошланганидан билиб олиш мумкин (انما هذا لك لا لغيرك وانما لك هذا لا ذاك وانما يأخذ زيد لا عمرو – ҳақиқатда, бу сенга, сендан бошқага эмас; ва дарҳақиқат, сенга бу, сендан бошқага эмас; ва ростдан Зайд олади, Амр эмас. 329a). Мазкур қўлёзмада тўртинчи асарнинг сарф ва наҳв илмлари билан бир қаторда «маънолар илми»га кириш ҳисобланувчи муаллиф муқаддимаси ҳам тушиб қолган. Мавжуд қисмдаги фасл номлари қизил сиёҳли ёзув билан ажратилган. Асар мужалладнинг 329-варағидан мужаллад охиригача 502b варақкача бўлиб, охири тугалланган. Охирги жумла: «تمت الكتاب لأمر الدين يوسف بن ابي بكر بن محمد السكاكي الخوارزمي صاحب المفتاح جزاه الله تعالى خير الدارين» (Амриддин Юсуф ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад Саккокий Хоразмийнинг китоби тугалланди. «Мифтаҳ» соҳибини Аллоҳ таъало икки дунё яхшилиги билан мукофотласин). Кўчирилган сана, котиб исмлари қайд этилмаган.

Немис шарқшуноси Карл Броккельман «Мифтаҳу-л-улум» асарининг бошқа давлатларда мавжуд бўлган қуйидаги қўлёзма нусхаларини келтирган:

1. Германия, Берлин, Германия давлат кутубхонасида 7184; 7185; 7186- рақам остида сақланадиган нусхалар. Германия шарқшунослар жамияти кутубхонасида 93-рақам остида сақланадиган нусха.

2. Буюк Британия, Лондон, Британия кутубхонасида 294; 295; 296- рақам остида сақланадиган нусхалар. Лондонда Британия музейи араб қўлёзмалари бўлимида 550; 551; 981- рақам остида сақланадиган нусхалар.

3. Испания, Мадрид, Эскориал музейи араб қўлёзмалари бўлимида 205; 232-рақам остида сақланадиган нусхалар.

4. Ҳиндистон, Патна қўлёзмалар фондида 1674; 1675; 1676; Бандипур қўлёзмалар фондида 20/6142; 6143; 6144; Ромпур қўлёзмалар фондида 1/568; 87; 88; 89; 90-рақам остида сақланадиган нусхалар.

5. Ироқдаги Мосул марказий кутубхонасида 184; 247-рақам остида сақланадиган нусхалар [12: 249].

Тўлиқ сақланган қўлёзмалардан бири Анқара Миллий Кутубхонасида 26 Hk 192-рақам остида сақланаётган нусха ҳисобланади. У Эскишаҳар Халқ кутубхонаси бўлимида сақланади. Ўлчами 294.4x171.1мм. бўлиб, ҳар бир саҳифа 21 сатрни ташкил қилади. Жами 244 варақдан иборат. (Бу қўлёзма мақолада MU ишораси билан белгиланган). Қўлёзма қачон кўчирилгани қайд этилмаган. Асарнинг 1a варағида ҳаттотга ишора қилувчи қуйидаги маълумот сақланиб қолган. Мана у: هذه النسخة بخط الإمام الشيخ العلامة شمس الدين محمد بن سيد الناس اليعمري (Бу нусха Саййидиннас ўғли имом, шайх, аллома Шамсиддин Муҳаммаднинг хатида) [MU, 1a]. Нусха тўлиқ араб тилида, ёзуви куфийга ўхшаш бўлиб, кўп сўзларга ҳаракат қўйилган. Пойгир изчил қўйиб борилган.

Бу қўлёзма бошқа нусхалардан кўра тўлиқ ва яхши сақланиб қолганлиги, анчайин қадимий эканлиги сабабли илмий изланишга асос қилиб олинди. Шуни таъкидлаш жоизки, асарнинг кўп қўлёзмаларида биринчи ва иккинчи қисмлари мавжуд эмас. Бу қўлёзмада мазкур қисмлар тўла сақланиб қолган.

Мазкур қўлёзма нусханинг 1a варағида асар ва унинг муаллифига ишора қилувчи қуйидаги жумла сақланиб қолган. Бу: كتاب مفتاح العلوم عمله أستاذ الدنيا العلامة خذيا الزمان سلطان علماء التفسير ملك النحارير سراج الدين قدوة المخفتين أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد علي مد الله عليه ظلال رحمته («Мифтаҳу-л-улум» китоби. Бу [асар] ни ёзган дунё устози, аллома, замон туҳфаси, тафсир олимларининг султони, оқиллар подшоҳи, заифларнинг суянчиғи Сирожиддин Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр Муҳаммад Алидир (Аллоҳ унга раҳмат соясини узун қилсин) [MU, 1a].

Мазкур қўлёзмада сарф қисми 3a дан бошланиб, 30b варақнинг 5-сатригача давом этган. 30b варақнинг 6-сатридан наҳв бўлими бошланиб, 63a варақнинг 20-сатрида тугаган.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида «Мифтаҳу-л-улум» га ёзилган қуйидаги шарҳлар сақланмоқда. Булар:

6016-рақамли қўлёзма «Мифтаҳу-л-улум» асарининг учинчи қисми «маънолар илми» (علم المعاني) га ёзилган шарҳ. Шарҳ муаллифи Мир

Саййид Шариф бўлиб, у «Мифтаҳ шарҳи (شرح مفتاح)» деб номланган. Муаллифнинг тўлиқ исми Али ибн Муҳаммад ибн Али Шариф Ҳасаний Журжоний (1339-1413). Шарҳ мундарижаси асар бошида келтирилиб, саҳифа рақами қизил сиёҳ билан берилган. Аллоҳга ҳамд ва пайғамбар алайҳиссаломга саловотдан кейин шарҳ муаллифи «Мифтаҳу-л-улум» асарининг учинчи қисмини шарҳ қилаётганини, ундаги сирлар хазинасини баён қилишни мақсад қилганини айтган [шу манба, 1b]. «Мифтаҳу-л-улум» асаридан олинган иқтибосларни «Мусанниф айтган» (قال المصنف) бирикмаси билан берган. Қолган ўринларда «айтган» (قال) ёки «унинг гапи» (قوله) сўзлари билан келтирган. Шарҳ бошлашдан олдин Саййид Шариф Абу Яъқуб Саккокийнинг асар уч қисмдан ташкил топганлиги, биринчи қисмда сарф, иккинчи қисмда наҳв, учинчи қисмда маъно илмларини баён қилганлиги ҳақидаги жумлаларини келтирган [шу манба, 2a]. Шарҳ охиригача тўлиқ эмаслигини 160b вароққача мавжуд қисмидан, шу вароқдаги «унга» (عليه) пойгиридан билиб олиш мумкин. Шарҳ 238-вароқда «Сўзни гўзал ифодалаш илми» (علم البديع) билан тугалланганлигини мундарижадан билиб олиш мумкин. Шарҳнинг мавжуд қисмида ёзилган сана, ким томонидан кўчирилганлиги ҳақида маълумот учрамайди. Балки бу маълумотлар шарҳнинг охирида берилган, эҳтимол.

5831- рақамли қўлёзма «Мифтаҳу-л-улум» асарининг учинчи қисми «маънолар илми» (علم المعاني) га ёзилган шарҳ. Шарҳ муаллифи Мир Саййид Шариф бўлиб, у «Мифтаҳ шарҳи (شرح مفتاح)» деб номланган. Бу рақамли қўлёзма 6016-рақамли қўлёзманинг яна бир бошқа нусхаси ҳисобланиб, сатр сони 25 та (6016- рақамли қўлёзмада, ҳар бети 23 сатрли), мундарижа кўрсатилмаганлиги билангина фарқ қилади. Бу қўлёзма охиригача сақланган бўлиб, кўчириб бўлинган санаси 803 ҳижрий йил, Шаввол ойи ўрталарида тугаганлиги форс тилида қайд этилган. Лекин ҳаттот исми келтирилмаган.

5628-рақамли қўёзма «Мифтаҳу-л-улум» асарининг учинчи қисми «маънолар илми» (علم المعاني) га ёзилган шарҳ. Шарҳ муаллифи Саъдиддин Тафтазоний бўлиб, у «Мифтаҳу-л-улум» шарҳи (شرح مفتاح العلوم)» деб номланган. Муаллифнинг тўлиқ исми Абу Саид Масъуд ибн Умар ибн Муҳаммад Тафтазоний (1322–1390). Шарҳда «Мифтаҳу-л-улум» асари муаллифининг тўлиқ исми қайд этилган. Муҳим жиҳати, سراج الدين «диннинг чироғи» деб халқ томонидан берилган унвон қолган манбаларда учрамаган «маънолар чироғи» (سراج المعاني) шаклида келтирилган [шу манба 1b]. Қўлёзмада Саккокий жумласига ишора сифатида «унинг гапи» (قوله) сўзи баъзи ўринларда қизил сиёҳ билан берилган бўлса, аксарият ўринларда қора сиёҳ билан ёзилган. Шарҳ тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Шарҳ 1a варақдан 179b вароққача сақланган бўлиб, ёзилган сана, ҳаттот исми, мундарижа келтирилмаган. Шарҳ ҳажман катта бўлиб, ҳар саҳифада 27 сатрдан ёзилган.

6418-рақамли қўлёзма «Мифтаҳу-л-улум» асарининг учинчи қисми «маънолар илми» (علم المعاني) га ёзилган шарҳ. Шарҳ муаллифи Саъдиддин Тафтазоний бўлиб, у «Мифтаҳу-л-улум» шарҳи (شرح مفتاح العلوم)» деб номланган. 6418-рақамли қўлёзма 5628-рақамли қўлёзманинг нисбатан тўлиқроқ нусхаси ҳисобланади. Мазкур қўлёзманинг 235 вароғи сақланган. Шарҳ охиригача етиб келмаган. Шарҳ кўчириб бўлинган сана, ҳаттот исмлари келтирилмаган. Эҳтимол, мазкур маълумотлар шарҳнинг охирида қайд этилгандир.

8397-рақамли қўёзма «Мифтаҳу-л-улум» асарининг учинчи қисми «маънолар илми» (علم المعاني) га ёзилган шарҳ. Шарҳ муаллифи Мир Саййид Шариф бўлиб, у «Мифтаҳ шарҳи (شرح مفتاح)» деб номланган. Саккокийга ишора ҳисобланувчи жумлалар «унинг гапи» (قوله) сўзининг бўрттирилган қора сиёҳ билан қолган сўзлардан ажратилган. Мазкур рақамли қўлёзма 6016-рақамли қўлёзманинг яна бир нусхаси бўлиб, ундан сатр сони 16, қизил сиёҳ ишлатилмаганлиги билангина фарқ қилади. Мазкур шарҳнинг нусхаси тўлиқ эмас, 158 варақ сақланиб қолган. Шарҳ ёзиб бўлинган сана, ҳаттот исмлари келтирилмаган. Мазкур маълумотлар шарҳнинг охирида қайд этилган бўлиши мумкин.

9035-рақамли қўёзма «Мифтаҳу-л-улум» асарининг учинчи қисми «маънолар илми» (علم المعاني) га ёзилган шарҳ. Шарҳ муаллифи Саъдиддин Тафтазоний бўлиб, у «Мифтаҳу-л-улум» шарҳи (شرح مفتاح العلوم)» деб номланган. Мазкур қўлёзманинг боши сақланмаган бўлса-да, қолган қисми охиригача сақланган. Саккокийга ишора бўлган иқтибос «унинг сўзи» (قوله) сўзи билан берилган. Мазкур сўз қолган сўзлардан қизил сиёҳ билан ажратилган. Саҳифада сатр сони 21 та бўлиб, саҳифалар охирида пойгир изчил қўйилган. Шарҳнинг

охирги саҳифаси устида «ҳамма вароқлар 292» (جمع أوراق 292) ёзуви қизил сиёҳда сақланиб қолган. Шарҳнинг мазкур саҳифасида хаттотга ишора қилувчи «заиф банда қўлида» (على يد العبد الضعيف) ибораси келтрилган. Бу ибородан кейин ҳаттотнинг исми Аҳмад ибн Иброҳим Бакбазорий эканлиги келтирилган [шу манба: 269b]. Тугалланган сана тўлиқ келтирилган. У аср намози вақтида, шанба куни, Зулқаъда ойи, 882 ҳижрий йил.

Булардан ташқари Карл Броккельман қуйидаги асарга ёзилган шарҳларни келтирган. Булар:

Али ибн Муҳаммад ибн Али Насафий шарҳи. Бу шарҳ 1318 йили Хоразмда ёзилган бўлиб, Лондондаги Британия кутубхонасида 297- рақам остида, Жазоирда Жазоир марказий кутубхонасида 197- рақам остида сақланади.

Али ибн Умар Котибий шарҳи. Бу шарҳ Туркияда Сулаймония кутубхонасида 897- рақам остида сақланади.

Қутбиддин Маҳмуд ибн Масъуд Шерозий шарҳи. Бу шарҳ «Калитнинг калити (مفتاح المفتاح)» деб номланиб, Сулаймония кутубхонасида 898-899- рақам остида, Лондондаги Британия музейи араб қўлёзмалари бўлимида 550- рақам остида сақланади.

Абдукарим Рошидий шарҳи. Шарҳ 1400 йили тамомланган, у Жазоирда Жазоир марказий кутубхонасида 198- рақам остида сақланади.

Яҳё ибн Аҳмад Каший шарҳи. Бу шарҳ тахминан 1349 йилларда ёзилган бўлиб, Берлин, Германия давлат кутубхонасида 7240- рақам остида сақланади [12: 249-250].

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида «Мифтаҳу-л-улум» асарининг қуйидаги тошбосма нусхалари сақланади. Булар:

11657- рақамли тошбосма Мисрда, эски Хадор бозоридаги (بسوق الخضار القديم) Адабий Матбада (في المطبعة الأدبية) босилган. Босилган йили кўрсатилмаган. Ҳажми 319 варақ бўлиб, мундарижада мавзулар кўрсатилган. Сарф бўлими 2-варақдан 40-вараққача, наҳв бўлими 41-варақдан 85-вараққача. Шунингдек, бу тошбосма нусхаси хошиясида Жалолиддин Абдураҳмон Суютийнинг ўн тўрт илмни жамлаган «إتمام الدراية لقراء النقاية» (Нуқоя [тоза бўлиш] ўқувчилари учун тугалланган билим) асари келтирилган.

15182- рақамли тошбосма 11657- рақамли тошбосмадаги асар билан айни бир хил. Фақат 15182- рақамли тошбосма билан 15181- рақамли тошбосма жамланганлиги билан 11657- рақамли тошбосмадан фарқ қилади. 15181- рақамли тошбосмада Исмоил ибн Абу Бакр қаламига мансуб фиқҳ, тарих, наҳв, аруз, қофия илмлари ҳақидаги «كتاب عنوان الشريف الوافي» номли асари ҳам мавжуд. Икки тошбосма бир мужалладда жамланган.

12369-рақамли тошбосма Мисрда, Майманиййа матбасида босилган бўлиб, сарф бўлими 2-варақдан 33-вараққача давом этган. Наҳв бўлими 33-варақдан 70-вараққача бўлиб, учинчи бўлим билан бирга тошбосманинг тўла ҳажми 346 варақ. Босилган сана ҳижрий 1318 йили, Муҳаррам ойи. Бу тошбосма хошиясида ҳам Жалолиддин Абдураҳмон Суютийнинг ўн тўрт илмни жамлаган «إتمام الدراية لقراء النقاية» (Нуқоя [тоза бўлиш] ўқувчилари учун тугалланган билим) асари келтирилган.

«Мифтаҳу-л-улум» асари 1825 йили Калькутта, 1899 йил Истанбул, шу йилнинг ўзида ҳамда 1900 ва 1929 йилларда Қоҳирада (1929 йилдагиси Муҳаммад Комил Асютий таҳрири остида) босиб чиқарилган.

Ҳозирги кунимизгача ўз аҳамиятини йўқотмаган ушбу асар бир неча марта Туркия, Миср ва бошқа давлатларда нашр қилинган. «Мифтаҳу-л-улум»нинг замонавий нашрлари бир неча бўлиб, баъзилари таҳқиқлар асосида баъзиси эса таҳқиқ қилинмаган ҳолда нашр қилинган.

1980 йили Бағдодда Акром Усмон Юсуф муҳаққиқлигида батафсил шарҳ қилиб нашр этилди. 1983 йили Байрутда Наим Зарзур таҳрири остида нашр қилинди. Наим Зарзур амалга оширган нашр энг кўп тарқалган ҳисобланади. 2000 йили Байрутда чоп этилган мисрлик машҳур олим доктор Абдулҳамид Ҳиндовий таҳрири остида нашр қилинди. Шунингдек, Ҳамди Муҳаммад Қобил таҳқиқи асосида йили кўрсатилмаган нашрида эскирган сўзларнинг баъзиларининг маънолари берилиши билан қолган нашрлардан бирмунча фарқ қилади.

Доктор Абдулҳамид Ҳиндовий таҳқиқи остида чиққан нашри 64 Балоға, факсимиле 13272; 65 Балоға, факсимиле 15803; 66 Балоға, факсимиле 15804; 276 Балоға, факсимиле 175490 қўлёзма нусхаларига, Остонада (1318 ҳижрий, милодий 1897 йил), Қоҳирада (1318 ҳижрий, милодий 1897 йил) чиққан тошбосма нусхаларга асосланганлиги билан қолган замонавий нашрлардан афзал ҳисобланади.

Тадқиқотга асос қилиб олинган қўлёзма билан Наим Зарзур, Абдуҳамид Ҳиндовий, Ҳамди Муҳаммад Қобил томонидан таҳқиқ қилинган нашрлар қиёслаш учун олинди. Наим Зарзур таҳқиқи Sak.1983, Абдуҳамид Ҳиндовий таҳқиқи Sak.2000, Ҳамди Муҳаммад таҳқиқи Sak.2008 шартли қисқартмалар билан белгиланди.

MU қўлёзма қуйидаги анъанавий жумла билан бошланади, у: الرحيم وبالصلاة بسم الله الرحمان على نبيه محمد والتصلية (Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ва пайғамбари Муҳаммадга дуруд ва салом билан [бошлайман]) [MU, 1b]. Sak.1983 [шу манба, 5] ва Sak.2000 [шу манба, 35] нашрларда басмала билангина бошланган. Sak.2008 нашрида эса, басмаладан олдин қуйидаги оят келтирилган. У: كَذَٰلِكَ نُصَرِّفُ الآيَاتِ لِقَوْمٍ يَشْكُرُونَ – (Шукр қилувчи қавмлар учун оятларимизни шундай хилма-хил баён қиламиз. Аъроф сураси, 58-оят) [Sak.2000, 9]. Оят билан бошланган бу ҳолат қолган тошбосма нусхаларда ҳам кузатилмайди. Муҳаққиқ томонидан бунга ишора ҳам берилмаган.

MU қуйидагича бошланади:قال الأستاذ الإمام التفسير سراج البارع العلامة شيخ العرب والعجم سلطان علماء الدين أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد بن علي تغمده الله برحمته (Устоз, имом, таниқли аллома, араб ва ажам шайхи, тафсир уламолари султони, дин мунири Абу Яъқуб Юсуф ибн абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Али, Аллоҳ уни раҳмати билан қуршаб олсин, айтадики). Нашрлар эса, قال الأستاذ الإمام البارع العلامة سراج الدين أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر محمد بن علي السكاكي تغمده الله برحمته ورضوانه. (Устоз, имом, таниқли аллома, миллат ва дин мунири Абу Яъқуб Юсуф ибн абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Али Саккокий, Аллоҳ уни раҳмати ва ризолиги билан қуршаб олсин, айтдики) билан бошланади. Sak.1983, Sak.2000, Sak.2008 нашрларда дуо маъносидаги жумла تغمده الله ورضوانه برحمته (Аллоҳ уни раҳмати ва ризолиги билан қуршаб олсин) шаклида келган. Мазкур нашрларда شيخ العرب والعجم سلطان علماء التفسير (араб ва ажам шайхи, тафсир уламолари султони) бирикмаси келтирилмаган. Яна бир эътибор қаратадиган жиҳат қўлёзмада «Саккокий» нисбаси тушиб қолдирилган.

Саккокийнинг биринчи жумласи ҳамд ва наътдан иборат бўлиб, MU да қуйидагича келади: إن حق كلام أن تلهج به الألسنة، وأن لا يطوي منشوره على توالي الأزمنة، كلام لا يفرغ إلا في قالب الصدق و لا ينسج خبره إلا على منوال الحق، فبالحرى تلقيه بالقبول إذا ورد يقرع الأسماع، وتأبيه أن يعلق بذيل مؤداه ريبة إذا حسر عن وجهه القناع، وهو مدح الله تعالى وحمده بما هو له من الممادح أزلا وأبدا، و بما انخطر في سلكها من المحامد متجددا، ثم الصلاة و السلام على حبيبه محمد البشير النذير بالكتاب العربي المنير، الشاهد لصدق دعواه بكمال بلاغته، المعجز لدهماء المصاقع عن إيراد معارضته، إعجازا أخرس شقشقة كل منطق، أظلم طرق المعارضة فما وضح إليها وجه طريق، حتى أعرضوا عن المعارضة بالحروف، إلى المقارعة بالسيوف، وعن المقاولة باللسان، إلى المقاتلة بالسنان. بغيا منهم حسدان وعنادا ولددا، ثم على آله وأصحابه الأئمة الأعلام، أزمة الإسلام. (ҳамма талаффуз қиладиган гапнинг ҳақлиси, замонлар ўтиши билан ёйилиши унутилмайдиган, фақатгина сидқ билан тамомланадиган гап, ҳақни ифодаловчи дарак, энг муносиби қабули ҳақида ҳабар келганда қулоқларни лаззатлантирадиган, ўз мақсадининг охири боғланган бўлса ҳам фахрланадиган, шубҳасиз, юрак унинг юзидан ҳасратда бўлганда, тааллуқли бўлиб, шод қиладиган гап бу азалдан то абадгача бўлган, унга муносиб бўлган мақтовлар билан мадҳ қилинадиган Аллоҳга ҳамддир. Буларнинг бари энг мақталган йўлларга мансуб бўлган мақтовлардир. Бу мақтовлар соҳиби эса Аллоҳ таолодир. Нур таратувчи, арабий китоб билан огоҳлантирувчи, башорат айтувчи, тўла балоғат ила даъволарга содиқлик билан гувоҳлик берувчи, ўзининг эътирозлари билан ҳар томондан келган инсонлар жамоасини ожиз қолдирувчи, энг чиройли нутқ қилувчини ҳам чиройли сўзлаши билан тилсиз қилиб қўювчи, эътирозли йўлларнинг энг зулматлисини токи эътироз эгалари ўзларининг энг кичик эътирозларидан қайтгунларигача ойдинлик таратиб тўғри йўлга бошловчи, сўз, қилич билан ғолиб келувчи, жангларда нусрат топувчи, улардан (душманлардан) бойлик, ҳасад, саботлилик, қатъиятлилиги билан Муҳаммад Мустафога, оли байтларига, исломнинг асослари бўлган, пешқадамларнинг пеши бўлган асҳобларга салом ва саловотлар бўлсин) [MU, 1b].

Sak.1983, Sak.2000, Sak.2008 нашрларда грамматик қоидага кўра тушириб қолдириш хато ҳисобланувчи قال (айтди) феълини эргашган жумлага боғловчи إن юкламаси тушиб қолган. Грамматикага оид асар ёзаётган олим бундай хато қилиши кутилмайдиган ҳолат. Бу нашрлар асосланган қўлёзмаларда хаттот томонидан тушиб қолдирилган бўлиши мумкин, эҳтимол. Шунингдек, мазкур нашрларда حق (ҳақ, ҳақли) сўзи орттирма даражада أحق (энг ҳақлиси) тарзида келган. Қолган ўринларда бир хилликни кузатиш мумкин.

MU қўлёзмада 1b варақда 16- сатрида مجاله (ўз соҳасида) сўзида биринчи ва иккинчи ҳарфлар учиб кетган, 2а варақнинг 12-сатрида النظم (назм) сўзи қайта тикланганини таъмирланганидан билиб олиш мумкин. 2а варақнинг 12- сатридаги الحديث (ҳодиса) сўзи ўчиб кетган, ундан кейин келаётган وما бириктирувчи сўз қайта тикланган бўлиб, нашрларда فيما бириктирувчиси тарзида келган. 32а варақда мисол сифатида келтирилган сўзлар ўз изоҳи билан келган.

Sak.1983 [77-78], Sak.2000 [127-128], Sak.2008 [77] нашрларнинг аслиятида мисоллар изоҳлари билан келмаган. Sak.2008 нашрида муҳаққиқ томонидан айрим мисоллар изоҳланган.

Ўрта асрлар араб тилшунослигининг йирик намояндаларидан бири Абу Яъқуб Саккокийнинг «Мифтаҳу-л-улум» асари ўз даврининг йирик назарий тадқиқотларидан биридир. Асар ҳар жиҳатдан мукаммаллиги, тилшунослик ва адабиётшунослик масалаларининг қамраб олинганлиги билан аҳамиятлидир. Унинг сарф ва наҳв бўлими араб тилшунослиги учун ўта қимматли саналади. Шу сабабли асар кўплаб қўлёзма нусхаларда кўчирилган, жаҳоннинг турли мамлакатларига тарқалган. Ҳозирги кунда Туркиянинг ўзида асарнинг 40 дан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Бундан ташқари Германия, Буюк Британия, Испания, Ҳиндистон, Миср, Ироқ фондларида ҳам асарнинг қўлёзмалари мавжуд. Қўлёзмаларнинг кўпи ўрта асрларда кўчирилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Мифтаҳу-л-улум» асарининг араб тили грамматикасида асосий манбалардан бири бўлиб, XIII-XV юзйилликларнинг ўзида унга 25 та шарҳ ёзилган, унинг мухтасар нусхалари тузилиб, XVI юзйилликда унга икки манзума ёзилган. «Мифтаҳу-л-улум» асарининг илмий ва амалий аҳамияти унинг мавжуд қўлёзма нусхалари турли нашрларининг юзага келишига олиб келди. Асарнинг тошбосма нашрлари Калькутта, Истанбул, Қоҳирада амалга оширилган. Асарнинг Боғдод, Қоҳира, Байрутдаги замонавий нашрлари орасида 2000 йили Байрутда чоп этилган нашри асос қилиб олинган.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. MU – Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтаҳу-л-улум. Анқара Milli Kütüphanesi. Қўлёзма 26 Hk 192 рақам. – 244 в.
2. Sag.1983 - Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтаҳу-л-улум. Муҳаққиқ Наим Зарзур. – Байрут, 1983. – 621 б.
3. Sag.2000 - Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтаҳу-л-улум. Муҳаққиқ Абдуҳамид Ҳиндавий. – Байрут, 2000. – 828 б.
4. Sag.2008 - Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтаҳу-л-улум. Муҳаққиқ Ҳамди Муҳаммад Қобил. – Қоҳира. – 535 б.
5. Абдуллаев А. Марказий Осиёда ислом маданияти. – Тошкент, 2005. – 383 б.
6. Brockelmann C. Geschichte der Arabischen Literatur. – Leipzig, 1909. 265 s.
7. Bearman P. J., Bianquis Th., Bosworth C. E. // The encyclopaedia of islam. Valume 12. Suplement. – Leiden, 2004. 921 p.
8. Bosworth C. E., E. Van Donzel, Heinrichs W. P. // The encyclopaedia of islam. Valume 9. San-Sze. – Leiden, 1997. 946 p.
9. Gibb A., Kramers J. H., Schacht J. // The encyclopaedia of islam. Valume 1. A-B. – Leiden, 1986. 1422 p.
10. Mushira Eid, Alaa Elgibali, Manfred Woidich. Encyclopaedia of Arabic language and linguistics. Valume II. Eg-Lan. – Leiden, 2007. 432 p.
11. أبو الفداء زين الدين قاسم بن قطلوبغا السودوني. تاج التراجم. – دمشق. دار القلم. 1992. صفحة 568.
12. بروكلمان كارل. تاريخ الأدب العربي. نقله إلى العربية الدكتور عبد الجليل الفجار. – القاهرة. دار المعارف بمصر. الجزء الخامس. 1975. صفحة 369+20.
13. الحافظ جلال الدين عبد الرحمان السيوطي. بتحقيق محمد أبي الفضل إبراهيم. بغية الوعاة في طبقات اللغويين و النحاة. مطبعة عيسى البابي. 1965م. صفحة 607.
14. شهاب الدين أبو الفلاح عبد الحي بن أحمد الحنبلي الدمشقي. شذرات الذهب في أخبار من ذهب. – دمشق، دار ابن كثير. 1991م. الجزء التاسع. صفحة 839.
15. شوقي ضيف. تأريخ الأدب العربي. – القاهرة. دار المعارف. 1980. الجزؤ الخامس. صفحة 684.
16. عمر رضا كحالة. معجم المؤلفين. – بيروت، مؤسسة الرسالة. 1993. الجزء الرابع، صفحة 581.
17. محمد عبد الحي اللكنوي. الفوائد البهية في تراجم الحنفية. – القاهرة، دار الكتاب الإسلامي. صفحة 263.
18. محي الدين أبو محمد عبد القادر القرشي الحنفي. الجواهر المضية في طبقات الحنفية. – جيزة، هجر. 1993. الجزء الثالث. صفحة 776.
19. مصطفى بن عبد الله. كشف الظنون عن أسماء الكتب والفنون. – بيروت. دار إحياء التراث العربي. 1941. الجزء الثاني. صفحة 945- 2056.
20. ياقوت الحموي الرومي. معجم الأدباء إرشاد الأريب إلى معرفة الأديب. – بيروت. دار الغرب الإسلامي. 1993. الجزء الأول. صفحة 3541.

**Нодирбек Кабилович ТУРАБОЕВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти*
*ntoraboyev79@mail.ru*

# "МУХТАСАРУЛ ҚУДУРИЙ" – АБУЛҲУСАЙН ҚУДУРИЙНИНГ ШОҲ АСАРИ

# "МУХТАСАРУЛ КУДУРИ" – ШЕДЕВР АБУ АЛЬ-ХУСЕЙНА КУДУРИ

# "MUKHTASARUL QUDURI" - A MASTERPIECE ABU AL-HUSAYN QUDURI

***Аннотация:*** *Мазҳабга асос бўлган дастлабки фиқҳий китоблар минг йиллар олдин яратилган. Шундай асарлар бири Аҳмад бин Муҳаммад Абулҳусайн ал-Қудурийнинг "Мухтасар ал-Кудурий" асари бўлиб, ҳозирга қадар ҳанафий фиқҳидаги мўътабар манба сифатида қадрланади. Бу китоб мазҳаб имоми ва унинг буюк шогирдлари томонидан яратилган фатволарни мухтасар шаклда ўзида жамлаган. Кейинги даврларда ёзилган асарларнинг дунёга келишида пойдевор бўлди.*

***Калит сўзлар:*** *Мухтасар, "ихтисор" фиқҳ, мазҳаб, ҳадис, зоҳирур-ривоя, фатво, ибодат, муомалот, "ал-мутун ал-арбаъа", "ал-мутун ас-саласа" таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж.*

***Аннотация:*** *Первые книги по юриспруденции, составляющие основу мазхаб, были созданы тысячи лет назад. Одним из таких произведений является «Мухтасар аль-Кудури» Ахмада бин Мухаммада Абул Хусейна аль-Кудури, который до сих пор считается авторитетным источником в ханафитской юриспруденции. В этой книге кратко излагаются фетвы, созданные имамом мазхаба и его великими учениками. Это было основанием для рождения произведений, написанных в более поздние периоды.*

***Ключевые слова:*** *мухтасар, ихтистар, фикх, масхаб, хадис, захирур-ривоя, фатво, ибадат, муомалат, "ал-мутун ал-арбаъа", "ал-мутун ас-саласа", тахарат, намаз, закат, хаж.*

***Annotation:*** *The first books on jurisprudence, which form the basis of the madhhab, were written thousands of years ago. One of these works is "Mukhtasar al-Quduri" by Ahmad bin Muhammad Abul Hussein al-Quduri, which is still considered an authoritative source in Hanafi jurisprudence. This book summarizes the fatwas created by the imam of the madhhab and his great disciples. This was the basis for the birth of works written in later periods.*

***Key words:*** *muhtasar, ihtisor, fikh, mazhab, hadis, zohirin-rivoya, fatvo, ibodat, muomalat, al-mutun-al-arbaa, al-mutun-as-salasa, tahorat, namaz, zakot, ruza, haj*

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳаётнинг барча жабҳаларига эркинлик берилди, шу жумладан, диний эътиқод масалаларида ҳам, халқимиз ўзликни англаш, асл қадриятларни тиклаш йўлига қадам қўйди. Яқин даврлар ичида мамлакат аҳолиси, айниқса ёшларнинг исломий маърифатга қизиқиши ортиб бормоқда. Ҳар бир соҳада бўлгани каби бунда ҳам тўғри методологик ёндашув ва шу билан биргаликда, мазҳабларга бўлган муносабат маданиятини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Ҳеч кимга сир эмаски, айни даврда ёшлар ўртасида диний-эътиқодий масалаларда юз бераётган тушунмовчилик ва ихтилофлар турли кўринишдаги тарафкашликларни юзага келтирмоқда. Бу муаммоларни олдини олиш ва барҳам бериш долзарб масала бўлиб турибди. Бизнинг бу йўлда қиладиган ишимиз ислом таълимотини бузиб талқин қилиш каби оқибати оғир бўлган хатти-ҳаракатларни фош этиш ҳамда ҳанафий мазҳабининг қадимий ва замонавий нодир асарларини тадқиқ қилиш ва улардаги соф исломий таълимотларни жамиятда кенг ёйишдан иборатдир. Тарихда шундай асарлар яратилдики, улар нафақат муайян бир ўлкада шухрат топди, балки, бутун ислом оламида мўътабар манба сифати асрлар оша фойдаланиб келинмоқда. Мана шундай асарлардан бири "Мухтасарул Қудурий"дир.

Турли мазҳаблар фиқҳига оид биринчи фундаментал асарлар ҳижрий II аср бошларида - III аср охирларида пайдо бўлди. Ушбу китобларда турли масалалар баён қилинган бўлиб, улар, асосан, савол-жавоб шаклида тузилган. Ҳанафий мазҳабида шунга ўхшаш асарларнинг аввалгиси Имом Муҳаммаднинг "Усул" деб номланган туркум китоблари бўлиб, "Зоҳирур ривоя" деб ҳам аталади. Мазкур китоблар Имом Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг ижтиҳодлари асосида юзага келган фиқҳий масалаларни ўз ичига олган. Моликийлар шунга ўхшаш «Мудаввана» ва

шофеъийлар эса «Ал-Умм» деб номланган китобларига эгалар.

Кейинчалик, бўлимлар ва мавзулар бўйича сараланган асосий матнлар пайдо бўла бошлади, улар асосан мазҳаб имомларининг, баъзан эса унга қўшимча кейинги давр олимларининг фатволаридан иборат эди. Илм таҳсил қилувчиларнинг ёдлаб олишлари осон бўлиши учун, бундай китоблар иложи борича мухтасар шаклда баён қилинган эди. Бу “мухтасар” деган алоҳида услуб бўлиб шаклланди. Исломий илмларни ўрганишда унинг аҳамияти каттадир. Бунда муаллиф фуқаҳолар истинбот қилган ҳукмларни ҳеч қандай далилсиз, тўғридан-тўғри, тартибга мувофиқ ёзиб келтиради.

“Мухтасар” сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари луғат ва қомусий китобларда қандай келганлигини қисқача кўриб чиқамиз.

“Ан-наим” арабча-ўзбекча луғатида “ихтисор” ва “мухтасар” сўзларининг луғавий таърифи: “- اِخْتِصَارٌ 1) қисқартириш, қисқариш; 2) қисқалик, озлик, калталик, мухтасарлик; -مُخْتَصَرٌ 1) қисқартирилган, калта, қисқа; 2) қисқа баён этилган (ёзилган), мухтасар” [1:228].

“Ихтисор” нинг истилоҳий таърифи:

Уламоларнинг истилоҳларида “ихтисор” учун кўп маънолар келган. Уларнинг барчаси: “маънонинг тўлиқлиги ила лафзнинг лўндалиги” ибораси атрофида айланади. «اختصرت هذا الكتاب”: яъни, “китобнини яқинлаштирдим ва лафзларини озайтирдим ва қисқа гапирдим”. Ихтисор у - нарсани қисқартиришдир. Китобни мутасар қилиш, яъни, унинг масалаларини озайтириш билан бўлади. Гоҳида лафзларини озайтириш маъноларини сақлаш билан бўлади”.

VIII асрдан кейин яшаган ҳанафий мазҳабининг уламолари, алоҳида, «Ал-мутун ал-арбаъа» деб номланган тўртта китобни ажратиб кўрсатишган. Улар “Мухтор”, “Канз”, “Виқоя” ва “Мажмауль баҳрайн” асарларидир. Аммо кейинги олимлар “Ал-мутун ас-саласа” деб аталган учта китобга урғу беришди: “Виқоя”, “Канз” ва “Мухтасар ал-Кудурий”[2:107,108]. Бизнинг мазҳабимиз уламолари доимо ушбу беш асосий матн (“Қудурий”, “Мухтор”, “Канз”, “Виқоя”, “Мажмаул Баҳрайн”) га таяниб келганликларини кўрамиз. “Мухтасар ал-Кудурий” юқоридаги бешлик орасида энг қадимий китоб ҳисобланади. Унинг муаллифи Аҳмад бин Муҳаммад Абулҳусайн ал-Қудурий (вафоти 428/1037) бўлган. “Мухтасар ал-Кудурий” китоби 12000 га яқин масалаларни қамраб олган [3:1631]. Бошқа фиқҳий китоблар сингари, у мавзулар бўйича бўлимларга ажратилган.

Бу асар таҳорат китоби билан бошланади. Иккинчи китоб намозга бағишланган бўлиб, ўн тўққиз бобдан иборат. Навбатдаги китоб закотга оид бўлиб, унга ўнта боб киритилган. Шунингдек, асардан ҳаж, рўза, савдо-сотиқ, вақф, шаҳодат, қозининг одоби, васият, фароиз каби жами олтмиш учта китоб ўрин олган.

Асарнинг таркибий таҳлили унинг Ислом фиқҳи масалалари бўйича муфассал маълумот бера оладиган ноёб манба эканини кўрсатади. Шу сабабли асар яратилган давридан бошлабоқ кўплаб қўлёзма нусхаларда кўчирилган ва дунёнинг аксарият хазиналарига тарқалган.

“Мухтасарул Қудурий” ҳанафий фиқҳидаги мўътабар матнлар орасида ҳам ўзига хос ўринга эга. Мазҳабнинг асосий манбаси “Зоҳирур ривоя” бўладиган бўлса, Ҳоким Шаҳид (ваф.334ҳ) ундаги такрор келган масалаларни қисқартириб ўзининг “Ал-Кофий” деб номлаган китобига жамлади. Унга бир нечта шарҳлар битилди. Уларнинг орасида энг машҳури Абу Бакр Муҳаммад Сарахий (ваф.483ҳ) нинг “Ал-мабсут” китоби ҳисобланади. Ҳоким Шаҳиднинг “Ал-Кофий”сидан кейин ўша асрнинг ўзида (тўртинчи ҳижрий) бир нечта мухтасарлар юзага келди. Улардан бири Абу Жаъфар Таҳовийнинг (ваф. 321ҳ) “Мухтасар”идир. Яна бири Абулҳусайн Убайдуллоҳ Кархийнинг (ваф.340ҳ) “Мухтасар” асари. Ҳижрий бешинчи асрга келиб яна бир мухтасар дунё юзини кўрдики, унга суянишда юқорида ўтган Ҳоким Шаҳид ёзган “Ал-Кофий” ва имом Таҳовий ва имом Кархийларнинг мухтасарларидан баъзи жиҳатларига кўра устун бўлиб кетди. Бу Имом Қудурийнинг “Мухтасарул Қудурий” китоби эди. Бу асар яна “Ал-китоб” ва “Мухтасарул муборак” номлари билан ҳам машҳур. Аллома Абдулҳай Лакнавий “Умдатур риъоя” китобида юқорида зикри келган мухтасарларни мадҳ этиб шундай дейди: “ уларни Абу Жаъфар ат-Таҳовий, Кархий, Ҳоким Шаҳид ва Қудурий каби имомларнинг иқтидорлилари, илм, зуҳд, фиқҳ билан танилган ва ривояти ўта ишончли эканлиги билан машҳур бўлган фуқаҳоларнинг улуғлари таълиф этганлар ” [4:47].

“Мухтасарул Қудурий” қимматбаҳо китоб бўлиб, фуруъул фиқҳдаги матнларнинг

энг яхшиси ва фойдалисидир. Шунинг учун уламоларнинг улуғлари унга шарҳлар танбеҳотлар ва изоҳлар ёзишга бел боғладилар [5:5].

Бу асар ҳанафийларда кенг тарқалганлиги, кўпинча одамлар фиқҳни у китобдан ўрганиши ва амалда унга суянганликлари сабабли у “Ал-китоб” деб номланган [6:31].шунингдек, у “Мухтасарул муборак” номи билан ҳам машҳур. Бурҳониддин Марғиноний ушбу асарни кўрганда қаттиқ таъсирланган экан. Унинг ҳанафий мазҳабидаги мўътабар китобининг дунёга келишига “Мухтасарул Қудурий” асос бўлганлигини эътироф этиб шундай дейди: «Ёшлик чоғларимда фиқҳ илмининг барча турларини қамраб олган ҳажми кичик, режаси кенг бир китоб ҳақида ўйлаб юрар эдим. Иттифоқо, сафар вақтида Қудурий қаламига мансуб «Ал-Мухтасар» билан танишдим ва уни энг гўзал, қисқа, ажойиб асар деб топдим» [7:.22].

Абдуллоҳ Назир Аҳмад Мазий мухтасар жанрида ёзилган китобларни бир нечта турга бўлади.

**Биринчиси:** Асли мухтасар бўлган китоблар, масалан:

– Абу Шужоънинг (ваф.593ҳ) шофеъийликдаги мухтасари, у “Ал-ғоя ват тақриб” деб номланади;

– Имом Қудурийнинг ҳанафийликдаги “Мухтасар”и ва бошқалар.

**Иккинчиси:** Муайян асл китобга тобеъ бўлган мухтасар бўлиб, уни қисқартирилган ва масалаларини қамраб олган китобдир, масалан:

– Ан-Насафийнинг (ваф.710ҳ) ҳанафийликдаги “Канзуд дақоиқ” китоби бўлиб, уни ўзининг “Ал-вофий” асаридан қисқартириб олган;

– Содруш-шарийъа Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг (ваф.745ҳ) «Ниқоя» деб номланган мухтасари бўлиб, бу китобни ўзининг бобоси Маҳмуд ибн Содруш-шарийъанинг «Виқоятур-ривоя фий масоилил Ҳидоя» номли китобини мухтасар қилиш – қисқартириш ила юзага келтирган;

– Ал-Ҳажовийнинг (ваф.968ҳ) ҳанбалийликдаги “Зодул мустақниъ” китоби бўлиб, уни Ибни Қудоманинг (ваф.620ҳ) “Ал-муқниъ” асаридан қисқартирган.

**Учинчиси:** Бунда мухтасар бир қанча аслларга тобеъ бўлиб, улардан қисқартирилган бўлади ва уларнинг масалаларини ўз ичига олади ва уларнинг хулосаларини жамловчи бўлади. Гарчи бу китобларнинг баъзи соҳиблари уни мухтасар деб номламаган бўлсалар ҳам. Масалан:

– Мусилийнинг (ваф.683ҳ) “Ал-мухтор лил-фатво” асари;

– Ал-Марғинонийнинг (ваф.593ҳ) “Ал-Ҳидоя шарҳи бидоятул мубтадий” асари [8:135].

“Мухтасарул Қудурий” асари эса биринчи навдаги туркумга мансуб бўлиб, ёзилишида муайян китобни асос қилиб олинмаган. Муаллиф ҳам бу ҳақда ҳеч қандай маълумот қолдирмаган.

“Мухтасарул Қудурий” асарини бошқа матнлар билан илмий қиёс қилиб кўрган кишилар унинг лафзи қисқа ва маъноси кенг бўлиб, тушунишга осон, ёд олишга қулай эканлигини эътироф этганлар. Шу билан биргаликда, сўзларни ишлатишда далил бўлган ояти карима ва суннати набавиядаги калималардан табаррук қилиб кенг фойдаланган. Бу эса ўқувчининг зеҳнига далилларни осон келишига ёрдам беради. Бу туркумдаги китобларда далиллар баён қилинмайди. “Мухтасарул Қудурий”нинг бошқа мухтасарлардан яна битта фарқи шуки, мусанниф китобида баъзи ўринларда оят ва ҳадислардан далил келтиради. Китобни оят билан бошлайди. Кейин эса бир нечта ўринлардагина оят ва ҳадисдан далил келтиради. Ҳаммаси бўлиб икки ўринда оят ва учта ўринда ҳадисдан далиллар келтиради. Улар қуйидагилар:

“Таҳорат” китобининг бошланишида:

**قال الله تعالى : ﴿ يا أيها الذين آمنوا إذا قمتم إلى الصلاة فاغسلوا وجوهكم وأيديكم إلى المرافق وامسحوا برؤوسكم وأرجلكم إلى الكعبين ﴾**

Аллоҳ таоло: “Эй, имон келтирганлар, намозга турган вақтингизда юзларингизни ва қўлларингизни чиғаноқларигача ювинг, бошларингизга масҳ тортинг ва оёқларингизни тўпиқларигача (ювинг)” деган. “Моида” сураси 6-оят.

Кейинги оят “Закот” китобида:

**قال الله تعالى : ﴿ إنما الصدقات للفقراء والمساكين ﴾**

Аллоҳ таоло: “Албатта, садақалар фақирларга, мискинларга...” деган. “Тавба” сураси 60-оят.

Учта ҳадис ҳаммаси “Таҳорат” китобида келади.

**روى المغيرة بن شعبة [ أن النبي صلى الله عليه وسلم أتى سباطة قوم فبال وتوضأ ومسح على ناصيته وخفيه]**

Муғийра ибн Шуъба ривоят қилади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қавмнинг ҳожатхонасига келдилар ва бавл қилдилар кейин таҳорат олдилар ва бошига (олд қисмига) ва икки маҳсисига масҳ тортдилар.

**[أن النبي عليه الصلاة والسلام أمر بحفظ الماء من النجاسة فقال لا يبولن أحدكم في الماء الدائم ولا يغتسلن فيه من الجنابة ]**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сувни нажосатдан пок сақлашга амр қилдилар, бас, айтдилар: сизлардан бирортангиз оқмайдиган сувга бавл қилмасин ва унда жунубликдан покланмасин.

**[ قال عليه الصلاة والسلام : إذا استيقظ أحدكم من منامه فلا يغمسن يده في الإناء حتى يغسلها ثلاثا فإنه لا يدري أين باتت يده]**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: сизлардан бирортангиз уйқусидан туриб қўлларини уч марта ювмасдан туриб идишга солмасин, албатта у қўллари қаерда тунаганини билмайди.

Агар кичкина изланиш олиб борсак ушбу асарни ёзишда Имом Қудурий қайси китобларга таянганлигини билиб оламиз, қисман Абу Жаъфар ат-Таҳовийнинг (321/933) «Мухтасар» китобига ишора қилан.

Шунингдек, у катта эҳтимол билан Абулҳасан ал-Кархийнинг (340/951) «Мухтасар» асаридан ҳам фойдаланган, чунки Имом Кудурий ушбу китобга шарҳ ёзган, унинг бошида унинг шогирди Абу Али аш-Шошийнинг сўзларидан иқтибос келтирган (344 / 955): «Бу китобни ўрганганлар бизнинг мазҳабимизни ўзлаштирадилар ва бу китобни тушунганлар бу мазҳабни яхшироқ тушунадилар” [8:148]. Китобда ҳар бир масала “Зоҳирур ривоя” китобларига асосланган эканлигини шундан билиш мумкинки, иттифоқ қилинган масалаларда изоҳ берилмаган. Ихтилоф қилган масалаларда кимнинг қараши қандай эканлиги кўрсатиб ўтилган. Асосан, Имом Абу Ҳанифа ва икки шогирдига тегишли фатволарни айтиб ўтган бўлса, баъзи ўринларда учинчи шогирди имом Зуфарнинг муносабатини ҳам айтиб ўтади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, “Мухтасар ал-Қудурий” кўплаб кейинги китоблар учун манба бўлиб хизмат қилган. Масалан, «Туҳфатул Фууқаҳо» китобининг муаллифи Алоуддин ас-Самарқандий (539/1144) ўзининг китобини Қудурийда қайд этилмаган мавзуларни таҳлил қилиш учун ёзган бўлса, Бурҳонуддин Марғиноний (593/1197) эса Имом Муҳаммад аш-Шайбонийнинг “Жомеъус сағийр” ва Имом Қудурийнинг “Мухтасар ал-Қудурий” асарларидаги масалаларни ўзининг “Бидоятул мубтадий” китобида жамлаб, тушуниш учун қийин бўлган жойларига аниқлик киритиш учун уни шарҳлади ва натижада машҳур «Ҳидоя» китоби дунёга келди.

Шунингдек, Маҳмуд ибн Содруш-шарийъанинг (673/1274) «Виқоя» китоби “Ҳидоя” дан қисқартирилган матдир. Демак, юқорида айтиб ўтганимиздек, унга ҳам “Мухтасар ал-Қудурий” асос бўлган.

“Мажмаул Баҳрайн”. Ушбу китобнинг манбалари тўғрисида унинг муаллифи Музаффариддин Аҳмад ибн Али ибн Саълаб ибн ас-Саотий (693/1294) асарнинг бошида “Мухтасар ал-Қудурий” ва Абу Ҳафс Умар бин Муҳаммад Нас-Насафий (537/1132) нинг “Манзуматун Насафий” асарларига таяниб ёзганлигини эслаб ўтади. Мазкур китобда турли мазҳаб имомларининг фикрлари, хусусан, моликий ва шофеъий мазҳабларининг фикрлари ўртасидаги фарқлар берилган.

Юқоридагилардан аён бўладики, “Мухтасар ал-Қудурий” китоби Ҳанафий мазҳабининг кейинги барча китобларига катта таъсир кўрсатди. Уни ҳақли равишда Абу Ҳанифа мазҳабининг мўътабар китобларидан бири дейиш мумкин. Ҳанафий мазҳаби қарашларига кўра бирор ихтилофли масалага йўлиққанда фиқҳий матн китобларига мурожаат қилиш қоида ҳисобланади. Фиқҳий матн китоблари деганда, жами матн китоблари эмас, балки ҳозиқ имомлар, илму зуҳдда, фиқҳу ривоятда таниқли улуғ фақиҳларимиз таълиф қилган мухтасар матн китоблари назарда тутилади. Абу Жаъфар ат-Таҳовий, Абулҳасан ал-Кархий, Ҳоким аш-шаҳид ва ал-Қудурий сингари зотларнинг асарлари эътиборлидир. Кейинги давр уламолари эса 5 та матн китобини мўътабар санаганлар. Улар Бурҳон уш-шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий (ваф.747ҳ)нинг «Виқоя»си, Абул Баракот Ҳофизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий (ваф. 710ҳ.)нинг «Канз уд-дақойиқ»и, Абул Фазл Мажддуддин

Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Мусилий (ваф. 683ҳ) нинг «Мухтор»и, Музаффар уд-дин Аҳмад ибн Али Бағдодий (ваф. 694ҳ) нинг «Мажмаъ ул-баҳрайн»и ва Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кудурий (ваф. 428ҳ)нинг «Мухтасар» асаридир. Қадр, эътибор ва машҳурлик жиҳатидан «Виқоя», «Канз уд-дақойиқ» ва «Мухтасар ул-Кудурий» 3 та матн китоби сифатида эътироф этилади. Юқоридаги эътирофлардан кўринадики, матн китоблари орасида ҳам ишончли ва мўътабар китоб ҳисобланар экан. Ҳанафий мазҳабини ўрганиш юртимиз мусулмонлари учун долзарб масалалар қаторига кўтарилган. Шунинг учун ҳанафий олимларининг фатво тўпламлари, фиқҳий матн китобларини таржима қилиб ўзбек китобхонларини баҳраманд қилиш зарур. Жумладан, ишончлилиги ва фойдалилиги жиҳатидан юксак эътироф этилган “Мухтасарул Кудурий” асарини тадқиқ қилиб, бугунги кунда мавжуд мазҳабсизлик ғояларини тарғиб этаётган ва мазҳаб вакиллари фаолиятини нотўғри талқин қилаётганларга раддия беришдаги ўрни очиб бериш ва асарининг илмий-танқидий матни ва таржимасини яратиб илмий муомалага киритиш орқали исломий маърифат изловчиларнинг эҳтиёжларини қондириш жуда ҳам зарур.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Ан-наим, арабча-ўзбекча луғат,Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент 2003
2. Абдулҳай Лакнавий. Алфавоидул баҳия фи тарожимил ҳанафия», 1324 ҳ.
3. Котиб Чалабий «Кашфуз зунун», Байрут, “Дору иҳёут таросул арабий ”, Ж-2
4. Абдулҳай Лакнавий, Умдатур риъоя ала шарҳил виқоя, Байрут, 1971, Ж-1
5. Муҳаммад Сулаймон ал-Ҳиндий, Муътасаруз зарурий, Карачи, Мактабатул бушро, 2008
6. Қосим ибн Қутлубуғо, Ат-тасҳиҳ ват-таржиҳ, Байрут, Дорул кутубул илмийя, 2002
7. Бурҳониддин Марғиноний, Бидоятул мубтадий,Қоҳира, Матабаатул футуҳ, 1936
8. Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музий. Мухтасарул Кудурийнинг ҳанафий фиқҳидаги ўрни. Dr Muhammad Hamidullah Library, IIU, Islamabad. http://iri.iiu.edu.pk/



**Зафар ФАХРИДДИНОВ,**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO кафедраси таянч-докторанти*
z.fahriddinov@iiau.uz


# “ТАҲСИЛ НАЗОИРУ-Л-ҚУРЪОН” АСАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ

# CODICOLOGICAL ANALYSIS OF THE “TAHSIL NAZAIRU-L-QURAAN”

# КОДИКОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ “ТАХСИЛЬ НАЗАИР АЛЬ-КУР’АН”


***АННОТАЦИЯ:*** *Ушбу мақолада Ҳаким Термизийнинг “Таҳсил назоири-л-Қуръон” асарининг Мисрдаги Искандария шаҳрининг Баладия кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаси ва ундан кўчирилган Қоҳирада сақланаётган иккинчи қўлёзма нусхасининг ёзилган вақтлари, кўчирувчилари, тарихи, қўлёзмаларнинг ўзига хос хусусиятлари, қоғози, ўлчамлари ҳақида гап боради. Бундан ташқари қўлёзмаларнинг каталоглардаги тавсифлари ўртасидаги фарқлар ҳамда тадқиқотчилар томонидан қўлёзма ҳақида берилган маълумотлар ўртасидаги зиддиятлар таҳлил қилинган.*



***Калит сўзлар****: Термизий, қўлёзма, тавсиф, кодикология, тўплам, варақ, хаттот, котиб, нашр, лавҳа, ўлчам, лексикография*



***ANNOTATION:*** *This article discusses the time, copiers, history, peculiarities of manuscripts, papers and size of the manuscript of Hakim Tirmidhi’s “TahsilNazairi-l-Quraan” kept in the Baladiya Library in Alexandria, Egypt, and the second manuscript copied from it, which is kept in Cairo. In addition, the differences between the descriptions of the manuscripts in the catalogs and the discrepancies between the information provided by the researchers about the manuscript were analyzed.*



***Keywords:*** *Hakim Tirmidhi, manuscript, description, codicology, collection, sheet, calligrapher, secretary, publication, plate, size, lexicography*



***АННОТАЦИЯ:*** *В данной статье рассматри-вается рукопись «Тахсиль назоири-л-Кур’ан»*

*Хакима Термизи, хранящаяся в библиотеке Баладия в Александрии, Египет, и вторая копия второй рукописи, хранящаяся в Каире. Кроме того, были проанализированы различия между описаниями рукописей в каталогах и расхождения в информации, предоставленной исследователями о рукописи.*

***Ключевые слова:*** *Термизи, рукопись, описание, кодикология, сборник, лист, каллиграфия, секретарь, издание, лист, размер, лексикография.*

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий (ваф. 932 й.) ислом оламида самарали ва баракали ижод қилган олимлардан бири ҳисобланади. Зеро, у ҳадис, фиқҳ, тафсир, ақида, нафс тарбияси, ислом маърифати ва ахлоқи, луғат соҳаларида ҳам бирдек муваффақиятли асарлар битган. Шунингдек, у “Будувву-ш-шаън” номли автобиографик асарида ўзининг муайян муддат фалакиёт илмлари билан ҳам шуғуллангани қайд этган. Бундан кўринадики, Ҳаким Термизийни ўз даврининг қомусий олими сифатида эътироф этиш мумкин. Шу билан бирга Ҳаким Термизийнинг луғат илмига, араб тили луғатшунослигига қўшган ҳиссаси ҳам катта. Араб олими Ражо Музайян Ҳаким Термизийнинг луғат илмига қўшган ҳиссасини юксак баҳолаб, эътироф этишича, сўзларнинг илмий тадқиқига ҳам катта ҳисса қўшган ва бу хусусан, “Таҳсил назоири-л-Қуръон” ва “ал-Фуруқ ва манʻу-т-тародуф” асарларида яққол кўзга ташланади. Ушбу асарлар орасида “Таҳсил назоири-л-Қуръон”нинг қадимий қўлёзмаси борасидаги тадқиқиотлардаги маълумотлар турлича келиши била ажралиб туради.

Ҳаким Термизийга мансуб “Таҳсил назоири-л-Қуръон” асарининг ягона қўлёзма нусхаси Мисрнинг Искандария шаҳридаги Баладия кутубхонасида 3585ج/II рақам остида сақланади. Мазкур қўлёзма муаллифнинг бошқа асарлари билан бир жилдда бўлиб, ушбу тўпламдан унинг “ал-Масоилу-л-макнуна” (Яширин масалалар, 3585ج/I) ва “Китобу-р-радд ала-л-муаттила” (Муаттила фирқасига раддия, 3585ج/III) асарлари ҳам ўрин олган. Яъни, “Таҳсил назоири-л-Қуръон” асари тўпламда “ал-Масоилу-л-макнуна” ва “Китобу-р-радд ала-л-муаттила” асарларининг ўртасида жойлашган. “Таҳсил назоири-л-Қуръон”ни ушбу қўлёзма асосида нашрга тайёрлаган ва 1969 йилда чоп эттиган Ҳусний Зайдон гувоҳлик беришича, айни жойлашув асарнинг нисбатан бенуқсон сақланиб қолишига ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилган.

Ҳ.Зайдон қўлёзма ҳақида қуйидаги тавсифий маълумотларни ҳам бериб ўтади. Ушбу қўлёзма йирик ўлчамдаги 32 варақдан иборат бўлиб, тўпламнинг ўртасида 48-варағидан 79-варағигача бўлган оралиқни эгаллайди. Асар аниқ-тиниқ насх хатида ёзилган, аммо унда кўп имло хатолар мавжуд. Баъзи Қуръон оятларининг ёзилишида ҳам хатоликлар бор. Шунга қарамай, асар сўзларнинг тушиб қолиши ва бошқа нуқсонлардан деярли холи. Котиби Ибн ал-Адийм бўлиб, ҳ. 503/1110 м. йилда кўчирилган. Ушбу қўлёзманинг фотонусхаси Қоҳирадаги “Дору-л-кутуб ал-Мисрийя” кутубхонасида 3282ج рақами остида сақланмоқда. Шунингдек, Ҳ.Зайдон ушбу қўлёзмадан кўчирилган янги нусха ҳам борлигини айтиб ўтган [1:16].

Ҳ.Зайдон қадимий (3585ج) нусханинг ўлчамлари ва сатрлар миқдори ҳақида маълумот бериб ўтмагани боис, биз ушбу жилд – тўпламдаги бошқа асарларни нашрга тайёрлаган тадқиқотчиларнинг ишларига мурожаат қилишимизга тўғри келади. Ушбу тўплам таркибидан биринчи жой олган “ал-Масоилу-л-макнуна” асарини нашрга тайёрлаб, 1980-йилда чоп эттирган мисрлик олим Муҳаммад Жуюший нашрнинг муқаддимасида тўпламнинг сақлов рақамини “145 تصوف” деб келтирган ва ушбу нусха Ҳ.Зайдоннинг нашрига асос бўлганини таъкидлайди [2:37]. М.Жуюший ушбу маълумотни Ҳаким Термизийнинг илмий мероси атрофлича ёритилган бошқа бир тадқиқотида ҳам келтириб ўтган ҳамда унинг ягона нусхада сақланиб қолганини ҳам қайд этган [3:55]. Аммо М.Жуюшийнинг ушбу тўпламдаги “Таҳсил назоири-л-Қуръон”нинг таркибий тузилиши ва хусусиятлари ҳақида келтирган маълумотлари Ҳ.Зайдоннинг нашридан кескин фарқ қилади. М.Жуюший қўлёзманинг тавсифий хусусиятлар ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтган. Хусусан у котибнинг исмини Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Абу Жирод деб келтиради. Тўпламдаги ўзи тадқиқ қилган “ал-Масоилу-л-макнуна” асарининг ҳар бир бетида 21 сатр, ҳар сатрда 11тадан сўз бор, кўчирилган санаси ҳижрий 593 йили 17-жумоди-л-уло деб кўрсатган.

М.Жуюший қўлёзма ҳақида бошқа маълумот келтирмаган.

М.Жуюшийнинг тақдим этган маълумотлари етарли эмаслиги ва айрим жиҳатлари Ҳ.Зайдон келтирганларидан (сақлов рақами, кўчирилган вақти, котибнинг исми, асарнинг таркиби) фарқли экани боис, уларнинг ўзи билан кифояланиш қўшимча чалкашликларни юзага келтиради. 3585ج тўпламидан жой олган охирги асар – “Китобу-р-радд ала-л-муаттила” эса 2017-йилга қадар нашр этилмаган эди. Ушбу асарнинг илмий нашри Ҳусом Абу-р-Раҳаб ва Одил аз-Зарқий бошчилигидаги бир гуруҳ мисрлик тадқиқотчилар томонидан тайёрланган бўлиб, у ҳам айнан Искандария нусхасига асос сифатида таянган. Ушбу нашрда Искандариянинг Баладия кутубхонасидаги 3585ج рақамли нусха Ҳаким Термизийнинг учта асарини ўз ичига олиб, улар “ал-Масоил ал-Макнуна”, “Таҳсил назоири-л-Қуръон” ва ушбу китобимиз (“Китобу-р-радд ала-л-муаттила”). Ушбу тўплам варақларининг сони 125та. Китобимиз (“Китобу-р-радд ала-л-муаттила”) тўпламдаги энг охиргиси бўлиб, 45 варақдан ўрин олган. Сатрлари 22 қатор. Ўлчами 24x17 см. 80-варақдан бошланиб, 124-варақда тугайди. Йирик насх хатида ёзилган ва тиниш белгилари бор – кўчирувчи ҳар бир ҳадис охирига доирасимон тиниш белгилари қўйган... нусха кўчириш ҳижрий 593-йилнинг 17-жумоди-л-уло санасида Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Абу Жирода қўли билан ниҳоясига етказилгани келтириб ўтилган [4:50].

Юқорида келтирилган маълумотлар тўпламнинг сақлов рақами бўйича Ҳ.Зайдон келтирган рақам (3585ج) билан мувофиқ келгани ҳолда, М.Жуюший келтирган сақлов рақамига (145 تصوف) номувофиқ келади. Аммо, котибнинг исми ва кўчирилган вақти М.Жуюший келтиргани билан деярли бир хил. Ҳ.Зайдон котибнинг исмини Ибн ал-Адийм деб келтириб, кўчирилган вақтни ҳижрий 503 деб кўрсатган. Бу эса, “Таҳсил назоири-л-Қуръон” ўзи билан бир жилддаги икки асардан 90 йил илгари кўчирилган, деган хулосага олиб келади. Тўпламнинг бошидан жой олган “ал-Масоилу-л-макнуна” ва охиридан жой олган “Китобу-р-радд ала-л-муаттила” асарлари айнан битта вақтда (ҳ. 593 17/жумоди-л-уло) кўчириб тугатилиб, уларнинг ўртасидаги асар 90 йил аввал бошқа котиб томонидан кўчирилган бўлиши камёб ҳолат. Ушбу чалкашликлар “Китобу-р-радд ала-л-муаттила” нашрида келтирилган нусха кўчирувчи котиб ҳақидаги маълумот орқали қисман ўз ечимини топади:

“Тўпламнинг кўчирувчиси – қози, зоҳид Абу Ғоним Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Аҳмад ибн қози Абу-л-Фазл Ибн ал-Адийм ал-Уқайлий ал-Ҳалабий бўлиб, у мусанниф (Ҳаким Термизий) китобларининг кўпини кўчиргандир [4:49].

Юқорида келтирилган парчадан маълум бўладики, Ҳ.Зайдон котиб деб келтирган Ибн ал-Адийм билан Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ айнан бир шахс бўлиб, Ҳ.Зайдон котибнинг исми ўлароқ шажаранинг охирги қисмини, М.Жуюший эса бош қисмини олган. Ҳ.Абу-р-Раҳаб ва О.Зарқий бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи эса котибнинг тўлиқ исмини келтирганлар. Демак, айни тўпламнинг турли қисмларини турли даврларда нашрга тайёрлаган тадқиқотчилар айнан битта манбага таянганлар, деган хулосани айтиш мумкин.

Кейинги масала – М.Жуюшийнинг келтирган тартиб рақамидаги (145 تصوف) фарқ масаласи. “Таҳсил назоири-л-Қуръон”ни 1969-йилда нашр қилинган Ҳ.Зайдон ҳам, “Китобу-р-радд ала-л-муаттила”ни 2017-йилда нашр қилган тадқиқотчилар ҳам асос манбанинг сақлов рақамини 3585ج деб келтирганлар. Искандариянинг Баладия кутубхоанасининг энг янги каталогида ҳам қўлёзма тўпламнинг сақлов рақами айнан 3585ج деб келтирилган [5:333]. Ушбу зиддият сабаби М.Жуюший тўпламнинг каталогдаги тартиб рақамини сақлов рақамининг ўрнига ёзиб кетишига бориб тақалса керак. Чунки, Искандариянинг Баладия кутубхонаси каталогларида барча қўлёзмалар рақамлар ва ج (бу ўринда араб алифбосидаги “жим” ҳарфи “жилд” маъносида қўйилган) ҳарфи билан белгилаб чиқилган, М.Жуюший келтирган тартибдаги рақам ва мавзу билан эмас. Мавзулар бобларга қўйилган ва М.Жуюший келтирган рақам катта эҳтимол билан каталогдаги тасаввуфий асарлар бобидаги 145-тартиб рақам бўлиши керак.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида Ҳаким Термизийнинг учта асарини ўзи ичига олган ва таркибида “Таҳсил

назоири-л-Қуръон"нинг ягона нусхаси мавжуд қўлёзма тўпламнинг тавсифий хусусиятлари қуйидагилардан иборат дейиш мумкин:

– тўпламнинг умумий ҳажми 125 лавҳа[1] яъни варақдан иборат [4:50].

– тўпламдаги асарлар жойлашуви:

1) "ал-Масоилу-л-макнуна" 1-47 лавҳалар;

2) "Таҳсил назоири-л-Қуръон" 48-79 лавҳалар [1:16];

3) "Китобу-р-радд ала-л-муаттила" 80-124 лавҳалар [4:50];

– тўпламдан жой олган асарларнинг барчаси бир вақтда бир котиб томонидан ҳижрий-қамарий тақвимда 593-йилнинг 17-жумоди-л-уло санада кўчирилган бўлиб, бу милодий тақвимда 1197-йилнинг 13-апрелига тўғри келади. Котиби – Абу Ғоним Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Аҳмад ибн қози Абу-л-Фазл Ибн ал-Адийм ал-Уқайлий ал-Ҳалабийдир. "Таҳсил назоири-л-Қуръон"ни нашрга тайёрлаган Ҳ.Зайдон бу масалада котибни Ибн ал-Адийм, кўчирилган санани ҳ. 503/1110 м. деб кўрсатиб, чалкашликка йўл қўйган;

– тўплам тўлиғича аниқ насх хатида кўчирилган бўлиб, матн ҳар бир бетда 22 қатор. "Китобу-р-радд ала-л-муаттила"ноширлари ва Искандария кутубхонаси каталогида ҳам сатрлар сони айнан шундай кўрсатилган. М.Жуюший "ал-Масоилу-л-макнуна" нашрида нима сабабдан сатрлар сонини 21 қатор, деб бергани номаълум. Балки, у Ҳ.Зайдон келтириб ўтган янги нусхага таяниб шундай деган бўлиши мумкин. Ҳ.Зайдон эса қадимий нусханинг бу жиҳати ҳақида маълумот бермаган.

– тўпламнинг ўлчамлари Искандария кутубхонаси каталогида 24x15,5см [5:333], "Китобу-р-радд ала-л-муаттила" нашрида эса 24x17см [4:50], деб келтирилган. Бундай зиддият қўлёзма муқова билан ва муқовасиз ўлчанишининг натижасида ёки бошқа бир сабаб билан юзага келиши мумкин. Умумий кўрсаткичларда катта фарқ йўқ. Ҳ.Зайдон ва М.Жуюший ўз нашрларида бу тўғрисида маълумот келтириб ўтмаганлар.

– тўплам яхши сақланган, нуқсонсиз, намлик таъсири ўтган ва тешилган жойлари бор. Жилддан бўшаб, узилган, оқ қоғоз билан ямалган ва охирида кўчган жойлари ҳам мавжуд [5:333; 4:50].

Аввал айтиб ўтилганидек, Ҳ.Зайдон "Таҳсил назоири-л-Қуръон"нинг янги кўчирилган қўлёзмаси ҳам мавжуд бўлиб, у "Дору-л-кутуб ал-Мисрийя" кутубхонаси фондида 61591ب рақами остида сақланиши ҳақида ҳам маълумот келтириб ўтган. Унинг айтишича, ушбу қўлёзма нусханинг юзага келишига 3585ج/II Искандария нусхаси асос бўлган. Ҳ.Зайдоннинг таъкидлашича, ушбу нусха хатоларга тўла бўлиб, бунинг сабаби нусха кўчирувчининг матнни яхши тушунмаганига бориб тақалади. Шунга қарамай, ушбу янги қўлёзмада қадимий нусхадаги Қуръон оятларининг ёзилишида йўлга қўйилган айрим камчиликлар тўғрилаб кетилишига алоҳида эътибор қаратилган. Асар 80 саҳифадан (бет) жой олган бўлиб, Ҳар бир саҳифада 21 сатр, ўлчами 26x19 см[1/:16].

Ҳ.Зайдон қўлёзманинг "янги" эканини айтган ҳолда, унинг кўчирилган вақти ва котиби ҳақида маълумот бермайди. М.Жуюший ҳам бу нусха тўғрисида ҳеч қандай маълумот келтириб ўтмаган. "Китобу-р-радд ала-л-муаттила" ноширлари келтирган маълумотлар эса Ҳ.Зайдон келтирганидан бироз фарқли. Улар "Дору-л-кутуб ал-Мисрийя" кутубхонаси фондидаги 19370ب рақамли микрофильмдан фойдаланган бўлиб, унинг қўлёзмаси Искандария нусхасидан кўчирилганини айтишган. Варақлари сони 73-варақ, сатрлари 21 қатордан, ўлчами 22x13 см. Бир текис насх хатида кўчирилган ва тиниш белгилари бор. Оқ (бўш қолдирилган) ўринлари бор, уларнинг ёнига ҳошия сифатидан "асл нусхада оқ" деб ёзиб кетилган. Кўчириб тугатилган сана якшанба куни 12-жумоди-л-уло, ҳижрий 1355-йил. Бу сана милодий 1936-йил 30-августга тўғри келади. Котиби Маҳмуд Ҳамдий "Дору-л-кутуб ал-Мисрийя"нинг молияси асосида (буюртмасига кўра) кўчирган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳижрий 1355-йилнинг 12-жумоду-л-уло санаси 1936-йилнинг 30-июни, пайшанба кунига тўғри келар экан. Ҳижрий 1355 12-13 жумоду-с-соний санаси эса ҳақиқатан ҳам 1936-йилнинг 30-августи якшанба кунига мувофиқ келади. Бу ўринда мўлжал учун ҳафта куни аниқроқ экани

[1] Ушбу рақам "Таҳсил назоири-л-Қуръон"га қадар бўлган варақлар сонидан ва қўлёзманинг бенуқсон экани жиҳатидан келиб чиқади, аслида каталогда ва М.Жуюший тайёрлаган "ал-Масоилу-л-макнуна" нашрида ҳам ушбу асарнинг ҳажми келтириб ўтилмаган.

эҳтимолидан кўчирилган ой жумоду-л-уло эмас, жумоду-с-соний бўлиши керак.

Ушбу қўлёзманинг фотонусхаси Ўзбекистон халқаро ислом академияси Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар марказида сақланади. Унинг тавсифи ЎзР ФА томонидан тайёрланган ва нашр этилган "Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги"да келтириб ўтилган. Унга кўра қўлёзманинг кўчирилган йили 1355/1936, котиби Маҳмуд Ҳамдий. Ҳажми: 41 варақ (202а-242б). Сатрлар сони 21 қатор. Ўлчами 30x21[6:27].

Демак, иккинчи "янги" қўлёзма ҳам худди қадимий нусха каби учта асарни ўз ичига олган ва асарларнинг жойлашувини ҳам асл нусхадаги каби сақлаб қолинган. Сатрлар сони 22 қатордан 21 қаторга ўзгарган. Кўчирилган йили1355/1936. Котиб Маҳмуд Ҳамдий. Аммо ўлчамлар ва ҳажм борасида Ҳ.Зайдон бошқа (26x19, 80 бет), "Китобу-р-радд ала-л-муаттила"ноширлари бошқа (22x13, 73 варақ), ЎзР ФА эса бутунлай бошқа (30x21, 41 варақ) маълумотларни кўрсатиши яна зиддиятли ҳолатни юзага келтиради. Бу вазиятда Ҳ.Зайдон маълумотлари ишончлироқ дейиш мумкин ва бу қуйидаги таҳлилий хулосаларга таянади:

Ҳ.Зайдон "янги" нусханинг ўлчамларини батафсил келтирганидан, у бунга қатъий ишонч билан айтган. Ҳ.Зайдоннинг асарнинг ҳажмини 80 бет келтириши ЎзР ФА тавсифидаги 41 варaққа тўғри келади, чунки ҳар бир варақда иккитадан бет бўлиши ҳажман 80-81 бет бўлади. "Китобу-р-радд ала-л-муаттила" ноширлари ва ЎзР ФА ўлчам масаласида микрофильм ва фотонусханинг ўлчамларига таянганлар. Бу эса қўлёзма нусханинг ўлчами ҳақида аниқ тасаввурни бермайди. Шунинг учун ўлчам масаласида Ҳ.Зайдон келтирган маълумотларга таяниш тўғрироқ бўлади. Ушбу келтириб ўтилган маълумотлардан "Таҳсил назоири-л-Қуръон" асарининг ҳозирда жаҳон фондларида мавжуд қўлёзмалари ҳамда фотонусха ва микрофильмлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Тавсифий маълумотлар турли тадқиқотчилар томонидан турли фарқлар билан тақдим этилган бўлсада, улардаги умумий жиҳатлар қўлёзманинг хусусиятларини акс эттиради.

## АДАБИЁТЛАР:


1. Ҳаким Термизий. Таҳсил назоири-л-Қуръон. Нашрга тайёрловчи Ҳусний Зайдон. Қоҳира: Матбаату-с-саода, 1969.
2. Ҳаким Термизий. ал-Масоил ал-Макнуна. Нашрга тайёрловчи М.И. ал-Жуюший. Қоҳира: Дору-т-туроси-л-арабий, 1980.
3. ал-Жуюший, М.И. ал-Ҳаким ат-Термизий – диросатун ли-осориҳи ва афкориҳи. Қоҳира: Дору-н-наҳзати-л-арабийя, 1980.
4. Ҳаким Термизий.. ар-Радд ала-л-муаттила. Бир гуруҳ тадқиқотчилар нашрга тайёрлаган. Гиза: ар-Равза ли-н-нашр ва-т-тавзе‘, 2017.
5. Ҳаким Термизий. Будувв аш-шаън. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1980.
6. Фиҳрис махтутот баладийяти-л-Искандария (Искандария Баладияси қўлёзмалари каталоги). Искандария: ал-Ҳайъату-л-омма ли-мактабати-л-Искандарийя, 1998. – Б. 333.
7. Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги. Тошкент: Фан, 2018.
8. Уватов У., Усмонов И. Термизлик икки аллома. Тошкент: ТИУ НМБ, 2017.
9. Уватов У. Икки улуғ донишманд. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2017.
10. Усмонов И. Наводир ал-усул ҳикматлари. Тошкент: Фан, 2009.

**Жалолиддин Алиқулович БЎРИЕВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти*
*E-mail: jburiyev1977@mail.ru*

# ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДА ДИНИЙ МОТИВЛАР

# РЕЛИГИОЗНЫЕ МОТИВЫ В “QUTADG’U BILIG” ЮСУФА ХАС ХАДЖИБА

# RELIGIOUS MOTIVES IN “QUTADG’U BILIG” YUSUFA HAS HAJIBA

***Аннатоция.*** *“Қутадғу билиг” — XI аср сўз санъатининг нодир намунаси бўлиб, унда ўз даврининг илғор ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ахлоқий масалалари бадиий талқин қилинган. Асардаги диний мотивларни аниқлашга қаратилган ишимизда адиб эътиқод, ибодат, ахлоқ ва қадриятларга тегишли элементлардан фойдаланилганлиги кузатилади. “Қутадғу билиг”да, яъни “билим” маъносида, инсонга дунёда ва охиратда бахтли бўлиш йўлларини кўрсатадиган тавсиялар мавжуд.*

***Калит сўзлар:*** *Юсуф Хос Ҳожиб, Қутадғу билиг, элиг, қадриятлар, дин, диний мотив, оят, ҳадис.*

***Аннотация.*** *Qutadg’u bilig - редкий образец искусства речи XI века, в котором художественно осмыслялись передовые социально-политические, духовные и нравственные проблемы своего времени. В нашей работе, направленной на выявление религиозных мотивов в произведении, замечено, что писатель использовал элементы, связанные с верой, молитвой, моралью и ценностями. Qutadg’u bilig, что означает «знание», содержит советы, которые показывают человеку, как быть счастливым в этом мире и в будущем.*

***Ключевые слова:*** *Юсуф Хас Хаджиб, Qutadg’u bilig, ценности, религия, религиозный мотив, стих, хадис.*

***Annotation.*** *Qutadg’u bilig is a rare example of the art of speech of the 11th century, in which the advanced socio-political, spiritual and moral problems of their time were artistically interpreted. In our work aimed at identifying religious motives in the work, it is noticed that the writer used elements related to faith, prayer, morality and values. Qutadg’u bilig, which means «knowledge,» contains tips that show a person how to be happy in this world and in the future.*

***Key words:*** *Yusuf Has Hajib, Qutadg’u bilig, elig, values, religion, religious motive, verse, hadith.*

## Кириш

Бизгача етиб келган туркий бадиий адабиёт намуналарининг энг кўҳнаси ҳисоблан “Қутадғу билиг”, яъни “Саодатга элтувчи билим” асарида инсон учун дунёда ва охиратда бахтли бўлиш йўлларини кўрсатадиган тавсиялар мавжуд.

Унда дунёвий ва ирфоний (ботиний) маъно омухталаштирилган. Шу сабабли асарни илмий текширганда унинг икки жиҳатига – дунёвий ва ирфоний хусусиятларидан келиб чиқиб, улкан бир талқинни юзага чиқариш мумкин. Шу маънода миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги дея аталган методологиямизга асосан “Қутадғу билиг”ни талқин қилиш ниятидамиз.

Маънавий юксалишда қарашлар уйғунлашиб, жамият мувозанатини юзага келтиради. Инсоннинг инсонийлиги юксак маънавият билан ажралиб туради. “Қутадғу билиг”да шу каби масалалар баён қилинган.

Асардаги тўрт қаҳрамон идеал орзу тимсоли сифатида гавдаланади: Кунтуғди (чиққан кун)-адолат, Ойтўлди(тўлган ой)-бахт ва давлат. Ўгдулмиш (ақлга тўлган)-ақл, Ўзғурмиш (уйғонган)-қаноат тимсоли. Булар ўртасида бўлиб ўтадиган савол-жавоб, мунозаралар жараёнида авом халқдан тортиб Қорахонийлар салтанатиниг энг олий ҳокими - еллиггача бўлган оралиқдаги барча табақа ва тоифаларнинг ахлоқ-одоб, хатти-ҳаракат, муносабат чегаралари ҳақида баҳс боради.

Муаллиф ўз асарига «Қутадғу билиг» деб ном қўйгани ҳақида шундай дейди:

Китоб ати урдум “Қутадғу билиг”,
Қутадсу, ўқуғлиқа тусту элиг.
*Китоб отини “Қутадғу билиг”қуйдим,*
*Ўқувчига бахт келтирсин, қўлидан тутсин*
[1:450 б].

Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзига хос услубда айтган сўзлари эътиқод, ибодат, ахлоқ ҳамда қадриятларга бағишланган. Унинг таъсирчан байтлари бугунги кунда ҳам ўз жозибасини кўрсатмоқда.

Асар ислом динининг икки асосий манбаси – Қуръони карим ва ҳадиси шариф билан озиқланган, шунингдек туркий халқларнинг

юксак маданияти намуналари сингдирилгани аниқ кўриниб турибди.

“Қутадғу билиг” сиёсий, ижтимоий, психологик, тарбиявий ва ахлоқий жиҳатларда жуда бой таркибга эга. Асардаги диний мотивларни аниқлашга қаратилган ишимизда эътиқод, ибодат, ахлоқ ва қадриятларга тегишли элементлардан фойдаланилганлиги кузатилади. Шунингдек Юсуф Хос Ҳожиб асарда оят ва ҳадисларни айнан ўзини эмас, балки уларнинг маъноларини кенг ёйиб ифодалайди.

Тадқиқотимизга тегишли оят ва ҳадисларнинг матнлари киритилган. Натижада, “Қутадғу билиг”да ибодат, эътиқод ва ахлоқий қарашлар каби кўплаб мотивларнинг жой олгани тадқиқ этилди.

“Қутадғу билиг” асари бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Унинг мазмун жиҳатидан жуда бой манбага эга эканлиги тадқиқотчиларни асарни турли жиҳатлар билан текширишга ундайди. Улардан баъзилари асар тилини, бошқалари туркий халқлар маданияти, маъмурияти, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатларини ўрганишган.

Биз “Қутадғу билиг”даги Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг мазмуни акс этган байтларни ўрганиш, мазмунини баҳолаш ва очиб беришни мақсад қилдик. “Қутадғу билиг”да Аллоҳ тушунчаси одатда унинг эски туркий эквивалентларида (Худо, Иди, Баят, Уган) қўлланилган. Камдан кам, арабча “Раб” сўзи ишлатилган [2:965].

**1. Ҳар бир ишни Аллоҳнинг номи билан бошлаш ҳақидаги байтлар:**

Туркий халқлар Ислом динини қабул қилганидан сўнг ёзган асарларини одатда басмала билан бошлаганлар. “Қутадғу билиг”нинг асл матни ҳам шундай бошланади. Асарнинг дастлабки байтларидаги маънолар Фотиҳа сурасининг биринчи ва иккинчи оятлари мазмунига ўхшашдир. Асарнинг кейинги байтларида шунга ўхшаш яна бир нечта байтлар мавжуд.

Асарнинг биринчи қисмида ҳар бир нарсани яратувчиси, устун куч ва қудрат эгаси - Худога бўлган ишонч (ўзлик ва субут сифатлари) зикр этилган. Ушбу бўлимда муаллиф Аллоҳни улуғлайди унинг мавжудлиги ва бирлигини таъкидлайди. Бу бўлимда Аллоҳ таолони осмон ва бутун борлиқнинг яратувчиси ва барча тирик мавжудотларнинг ризқини берувчиси, деб таърифлайди.

“Қутадғу билиг”нинг асл матни шундай бошланади [2:16 б].

1 Bayat ati birle sozug bashladim
Toriutgen igidgen kegurgen idim
*Тангри номи билан сўзим бошладим,*
*Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир.*

120 Bayat ati birle sozug bashladim
Toriutgen igidgen kegurgen idim
*Худо номи билан сўзни бошладим,*
*Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир*

1328 Bayat ati birle sezin bashladi
Toriutgen igidgen kegurgen idi
*Сўзни Худо номи билан (яъни бисмиллони ёзиш) билан бошлади,*
*Яратган, парваришлаган, афв этган эга(м) дир.*

3149 Bayat ati birle sezin bashladi
Toriutgen igidgen kegurgen idi
*Худо оти билан сўзни бошлади,*
*Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир*

3652 Bayat ati birle sezin bashladi
Toriutgen igidgen kegurgen idi
*Худо оти билан сўзни бошлади,*
*Яратган, парваришлаган, кечирган, деди*

3813 Bayat ati birle sezin bashladi
Toriutgen igidgen kegurgen idi
*Худо оти билан (яъни бисмилло билан) сўзни бошлади:*
*Яратган, кечирган, парваришлаган - эгам.*

**Оятлар:**

Бу байтлар Қуръони Каримдан олинганлиги, “Фотиҳа” сурасининг илк ояти **“Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳийим”** (Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ила) бошланишини ва яна “**Бисмиллоҳ**” ояти фақат бир жойда – Намл сурасининг 30-оятида келганинг кўришимиз мумкин. **«Албатта, у Сулаймондандир ва албатта, унда: “Бисмиллаҳир 3.*роҳманир роҳийм.*»** ояти билан боғлиқ. Шунингдек, Ҳуд сураси *41-ояти* **(Нуҳ) деди: “Унга (кемага) мининглар! Унинг сузиши ҳам, тўхташи ҳам Аллоҳнинг исми биландир. Албатта, Раббим кечиримли ва раҳмлидир”** мазмуни бор.

Изоҳ: Бу оят бошқача тафсирни ҳам кўтаради. Масалан, **“Аллоҳнинг исми билан”** ибораси тепага қўшилса, **Аллоҳнинг исми**

**билан мининглар, деган маъно чиқади** [3:624].

**2. Аллоҳнинг “Бўл” амри мавжуд бўлган байтлар:**

Бутун борлиқнинг яратувчиси, азал ва абадийликнинг эгаси бўлган Аллоҳ бир нарсани истаса, “Бўл” деса ўша нарса бўлади.

3 Tiledi toruttu bu bolmush kamug’
Bir-ok bol tidi boldi qolmish kamug’
*У истади (ва) яратди, мажудод (шундай) вужуд бўлди,*
*Воҳид (Худо) “Бўл” деди, истаган ҳамма нарсалари бўлди.*

3662 Tilemish tileki bolur bol tise
Yoritur kazasin ne erse kese
*Бўл деса, тилаган тилаги бўлади,*
*Нимаики бўлса, (ўз) қазосини қатъий юритади.*

3817 Neku qulsa qulmish tileki bulur
Neku bol tise ol tilemish bolur
*Нимани истаса, истаган тилагига эришади,*
*Нимани бўл деса, у истагани бўлади.*

**Оятлар:**

Бу байтларнинг маъноси қуйидаги оятлардан олингани кўринади. **“Қачонки бирор нарсани ирода қилса, Унинг иши “Бўл” демоқликдир, холос. Бас, у нарса бўлур.”** (Ёсин сураси, 82-оят). **“Агар биз бир нарсанинг бўлишини ирода қилсак, унга «Бўл» демоғимиз кифоя. Бас, у нарса бўлур”.** (Наҳл сураси,40-оят)”.

**“У осмонлару ва ерни пайдо қилувчидир. Бирор ишни қилмоқчи бўлганида, унга «Бўл!» деса бўлаверадир.”** (Бақара сураси, 117-оят) [4:666].

**3. Жоҳиллардан узоқ юриш лозимлиги ҳақидаги байтлар:**

Билимли одамларни ҳамма жойда ҳурмат қилишади. Бунинг сабаби шундаки, бундай одамлар сўзлари ёки ҳаракатлари натижаларини билган ҳолда ҳаракат қилишади. Аммо нодонлар бундай эмас. Сиз улар билан кўп гаплашмаслигингиз керак:

179 Biligsiz karagu turur belgiilug
Yori ay biligsiz bilig al ulug
*Билимсиз аниқ шубҳасиз кўрдир,*
*Кел, эй нодон, билимдан ҳисса ол.*

200 Biligsiz bile hich sozim yok mening
E bilge ozim ush tapugji sening
*Билимсиз билан менинг ҳеч сўзим йўқ,*
*Эй доно,ўзим сенинг хизматингдадирман.*

2418 Ukushsuz kishi ol yimishsiz yig’ach
Yemishsiz yig’ach negu kilsun ach
*Зеҳнсиз киши мевасиз дарахтдир,*
*Мевасиз дарахтни оч нима қилади.*

4346 Biligsizni artuk yakin tutmagu
Yakin tatsa sheksuz kilur kilmagu
*Билимсизни ортиқча яқин тутмаслик керак,*
*Яқин тутсанг, шубҳасиз қилмайдиган (ишлар)ни қилади.*

4348 Biligsizke yakma ozungni tutun
Ozen tutguch er tirildi kutun
*Билимсизга яқинлашма, ўзингни тутгин,*
*Ўзини тутган киши бахтиёр яшайди.*

4349 Biligsiz kishidin yirak tur teze
Biligsiz sozi kilki barcha otun
*Билимсиз кишидан зинҳор узоқ тур,*
*Билимсизнинг хулқи мутлақо тубандир.*

**Оятлар:**

Бу байтларнинг маъноси Қуръони каримнинг қуйидаги оятлардан олингани кўринади. **“Кечиримли бўл, яхшиликка буюр ва жоҳиллардан юз ўгир”.** (Аъроф сураси, 199-оят).

**“Қачонки беҳуда нарса эшитсалар, ундан юз ўгириб: “Бизга ўз амалларимиз, сизга ўз амалларингиз, омон бўлинглар, биз жоҳилларни истамасмиз”, дедилар”.** (Қасос сураси, 55-оят) [4:664].

**4. Қандай инсонни дўст тушиш кераклиги ҳақидаги байтлар:**

869 Kali edguke bolsa isizishi
Isiz boldi kilki ol isiz tushi
*Агар яхшининг ёмондан жўраси бўлса,*
*Яхшининг қилиқлари ҳам ёмон жўра тенгида ёмон бўлур.*

870 Isiz me katilsa kor edgu bile
Kamug edgulukke bu buldi yula
*Яхши била туриб ёмон билан қўшилса,*
*Тамоми яхшиликлар учун бу бир йўл бўлади.*

871 Taki bir sebeb kor bu edgu isiz
Yakinlik yolindin tuzer tuzse iz
*Яна бир сабаб шуки, кўргин, яхши билан ёмон*
*Яқинлик туфайлигидан изини (йўлини) тўғрилайди.*

923 Ishin edgu bolsa negu kolsa kol
Ish edgu kerek ol uzung bulsa yo
*Ишинг эзгу бўлса, нима истаса қил,*
*Эзгу иш керакдир, ўзинг истасанг иста.*

3360 Katilsa karilsa tutup edgu ish
Ishi edgu bolsa kilur edgu ish
*(Кимки) яхши жўра(лар) тутиб аралашса, қоришса,*
*Иш(лар)и эзгу бўлса, эзгу иш(лар) қилади.*

**Ҳадислар:**

Ушбу байтларнинг маъноси олинган ҳадислар қуйидагилардир: Абдуллоҳ ибн Умар (р.а)дан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай дедилар: “Худонинг наздида дўстларнинг энг яхшиси дўстлар учун фойдалисидир”. (Термизий ривояти, хасан ҳадис).

Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай дедилар: “Киши дўстининг дини узрадир. Шунинг учун у ким билан дўст бўлишига эътиборли бўлсин!” Абу Ҳурайра (р.а.)дан Абу Довуд ривоят қилади.

Абу Мусо (р.а) ривоят қилади, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай дедилар: “Яхши дўсти билан ёмон дўст мисоли мушк сотувчи билан темирчи кабидир. Мушк сотувчининг мушки ҳидидан сен баҳраманд бўлурсан ёки уни сотиб олурсан. Темирчининг босқонидан чиққан учкун кийимингни куйдиради ёки унинг ҳидини ҳидлайсан”.

## Хулоса

Биз юқорида баён қилганларимиздан Юсуф Хос Ҳожибнинг ижоди ислом дини таълимоти ўртасидаги муштараклик ва ҳамоҳангликни таъминловчи энг асосий ғоя эканини кўрамиз.

Адибнинг инсонпарварлик, ҳурфикрлилик ва диний бағрикенглик ғояларига асосланган диний-тасаввуфий қарашларига асос бўлиб хизмат қилган оят ва ҳадисларни аниқлаш, айниқса, ҳозирги ислом оламида катта сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар юз бераётган бир даврда вужудга келаётган ақидавий муаммоларни ижобий ҳал этиш, диний мутаассиблик ва экстремизмнинг зарарли ғояларига қарши мафкуравий кураш олиб бориш, энг муҳими, ислом динининг асл моҳияти маърифат ва камолот эканлигини илмий нуқтаи назардан кўрсатиб беришда ҳам илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

“Қутадғу билиг” адабий маҳорат билан ёзилган асар борасида ҳам такрорланмас оригинал эканлигидан гувоҳлик беради. Бу нарсага эришиш учун улуғ адиб ҳар бир истефода қилган муайян оят ва ҳадис талқинига алоҳида эътибор қаратган ва шу тариқа тасвир ва баён мустақиллигини сақлаб қолишга эришган.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Усмон Хўжа, Юсуф Хос Ҳожиб, “Қутадғу билиг”дан танловлар, Декларация нашрлари, Туркия 2007.- 450 б.
2. Юсуф Хос Ҳожиб, “Қутадғу билиг”, Қ.Каримов, Тошкент, “Фан” 1971.-965 б.
3. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А. Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2006. -624 б.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз.– Т.: “Мовароуннаҳр”, 2005.-666 б.
5. Содиқов Қ. **Мангу Қумару**, *“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2010 йил 50-сонидан олинди.*
6. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан,1993. –96 б.
7. Qutadg’u bilig. J.26:Yusuf Xos Hojib. – Toshkent: G’.G’ulom nomidagi nashriyot uyi, 2018. – 556 b. (Adabiyot xrestomatiyasi).

**Хаитов Лазизбек Азаматович**
*Бухоро Давлат Университети таянч докторанти*
*falsafa.phd.1991@mail.ru*

# ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИДА СОҒЛОМ ҚАЛБ МАСАЛАСИ

# В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ХАКИМА ТЕРМИЗИ О ЗДОРОВОЙ ДУШЕ

# THE ISSUE OF HEALTHY HEART IN THE TREATISES OF HAKIM TERMIZI

***Аннотация***: *Мазкур мақолада тасаввуф фалсафасининг йирик назариётчиларидан бири мутасаввиф Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизийнинг (820-932) "Яширин масалалар", "Масоил ахли Сарахс", "Ал-имсол мин ал-китоб вас сунна", "Баёнул фарқ", "Маърифатул асрор" асарларида қалб, соғлом қалб масаласи таҳлил этилиб, мутасаввиф комил инсон учун соғлом қалб зарурлигини таъкидлаган.*

***Калит сўзлар:*** *қалб, соғлом қалб, нафс, зикр, маърифат, ақл, руҳият "Яширин масалалар", "Масоил ахли Сарахс", "Ал-имсол мин ал-китоб вас сунна", "Баён ул- фарқ", "Маърифатул асрор".*

***Аннотация***: *В статье проанализированы вопросы души, здоровой души согласно произведениям Абу Абдуллаха Мухаммада ибн Али ибн аль Хасана ибн Башира Хакима Термизи (820-932) "Скрытые вопросы", "Масаил ахли Сарахс", "Аль-имсол мин аль-китоб вас сунна", "Баян уль-фарк", «Маърифатул асрар» суфием акцентируется необходимость здорового сердца для человека.*

***Ключевые слова***: *сердце, здоровое сердце, нафс, зикр, просветительство, разум, духовность, "Скрытые вопросы", "Масаил ахли Сарахс", "Аль-имсол мин аль-китаб вас сунна", "Баян уль-фарк", "Маърифатул асрар".*

***Abstract:*** *The following article the analysis of heart, healthy heart as per treatises of Abu Abdullah Muhammad ibn Ali ibn Hasan ibn Bashir Hakim Termizi (820-932) "Hidden issues", "Masail ahli Sarakhs", "Al imsal min al-kitab vas sunna", "Bayan-ul farq", "Marifat ul-asrar" is conducted, the necessity of healthy heart is accentuated by the suifi scholar.*

***Keywords***: *heart, healthy heart, nafs, zikr, education, mind, spirituality, "Hidden issues", "Masail Ahli Sarakhs", "Al-imsal min al-kitab vas sunna", "Bayan ul-farq", "Marifat ul-asrar".*

Мустақиллик йилларида фалсафа фанида, айниқса инсон фалсафасини холисона ёндашув асосида ўрганишга киришилди. Инсон маънавияти ва руҳияти билан боғлиқ масалалар тадқиқоти бошланди. Тасаввуф фалсафасига доир илмий изланишларда инсон қалби масаласи муаммосини ўрганиш долзарб эканлиги аён бўлди. Бу масалага доир қатор мақола ва тадқиқотлар бўлган бўлсада, [5:96-100, 6:205-210, 7:75-90, 8:64-66] аммо ҳали ўрганилиши лозим бўлган масалалар жуда кўп. Айниқса Ҳаким Термизийга доир тадқиқотлар бўлсада, [13:10-13, 14:27-31, 15:36-38, 16:59-64,] унинг бу масаладаги фикри ҳали етарли ўрганилмаган.

Тасаввуф таълимотининг бир қатор намояндалари инсонни ҳар томонлама ўрганиб, унинг маънавий-руҳий покланиши, баркамоллиги ҳақида ўз қарашларини баён этганлар. Нажмиддин Кубро қалбни луғавий маънода бирор нарсанинг шакл ва маъно жиҳатидан ўртаси, истилоҳий маънода эса, чап кўкракнинг пастидаги гўшт парчаси, деб ҳисоблайди ва шу асосга кўра, у руҳнинг манбаи ҳисобланади. Ибн Арабий эса қалбни нафс билан руҳ орасида жой олган жавҳарга ўхшатади. [10:46] Ғаззолий инсонни англашда асосий тушунча қалб деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам, "қалб сезги орқали ҳис қилинмайдиган маъноларни идрок қилиши билан ўзга аъзолардан фарқлидир"[4:44], деб ёзади. Нақшбандия таълимотида қалб масаласи икки хил маънода ишлатилади: биринчиси-танада жойлашган бир парча гўшт парчаси, яъни юрак бўлса, иккинчиси-раббоний руҳ аталадиган латоиф қалбдир. [5:98] Ҳаким Термизий фикрича, қалб тана аъзоларига амирдир. [3:22]

Мутасаввифнинг "Баёнул фарқ", "Яширин масалалар"(ал-Масоил ал-макнуна), "Масоил аҳли сарахс", "Маърифатул асрор", "Ал -имсол мин ал- китоб вас сунна" каби асарларида асосий эътибор қалб, соғлом қалб, қалб поклиги масаласига қаратилиб, чуқур таҳлил этилган.

Ҳаким Термизий (820-932) "Яширин масалалар" (ал-Масоил ал-макнуна) асарида

баён этишича “Аллоҳ таоло одамзодни яратди ва унинг ичида бир парча гўштни барпо қилди ва ўзгариб турувчи бўлгани учун уни қалб деб атади. Ва шу қалбни аъзоларга амир қилди ва қалбнинг ичига Ўз маърифатини ва Ўзининг Зотига бўлган илмни қўйди. Қалб аъзоларни сақлаб туришга вакил қилинди. Банда эса қалбни сақлашга ва уни тутиб туришга вакил қилинди. Бу ишни бошқа ҳеч кимга юкламади.” [3:22]

Ҳаким Термизий “Масоил аҳли Сарахс” асарида тасаввуф таълимотининг асосий масалаларидан бири, инсон яхши деган номни олиши, яъни Аллоҳ ундан рози бўлиши учун нима қилиш керак деган масалани ёритишга ҳаракат қилган. Бунинг учун алломанинг фикрича, инсон аввало, ҳаётида жамият учун ва ўзи учун нима манфаатли ва нима зарар эканлигини билиб олиши, ўзида камчиликлар бўлса, уларни тузатиш учун ишни нимадан ва қандай бошлаш кераклигига эътибор қаратиши лозим. Инсонда биринчи навбатда, қалби соғлом бўлиши керак, деган хулосага келади.

Соғлом қалб тушунчаси нимани англатади? Соғлом қалбда Аллоҳга яқинлик ва унга муҳаббат бўлади. Аллоҳга бўлган муҳаббат нимада намоён бўлади? Ҳаким Термизий бу саволга “…ўз нафси билан курашиб, нафси ва етти аъзоларини: тил, қулоқ, кўз, қўл, оёқ, қорин ва жинсий аъзони ҳаром нарсалардан тийганда”,-деб жавоб беради. Инсоннинг ўзи учун ҳам, атрофдагилар учун ҳам нафсдаги калондимоғлик ва кибру ҳаво яхшилик келтирмайдиган иллатдир. Ундан фориғ бўлиш учун аввало, уни таниб олиш зарур. Ҳавойи нафсга таъриф берган аллома, уни енгил шамол эканлиги ҳақида сўз юритиб, инсон учун ҳаётда ҳам, охиратда ҳам машаққатлар сабабчиси бўлишини зикр қилади. Ҳаким Термизийнинг бу фикрларидан маълум бўладики, қалб соғлиги нафс поклиги билан уйғун ва ўзаро диалектик боғланган. Нафси аммора хукмрон бўлса, қалб бемор бўлади, ҳатто ўлиши мумкин, аммо нафс покланиши билан қалб ҳам соғлом бўлаверади. Пок нафс, мутмаина нафс қалб хотиржамлиги ва соғлом бўлишига сабаб бўлади.

Ҳаким Термизий “Баён ул- фарқ” асарида ёзишича, қалбнинг салоҳияти, тана аъзоларининг солиҳлиги билан уларнинг бузилиши эса, қалбнинг бузилиши билан боғлиқ. Қалб бамисоли чироқ бўлиб, чироқнинг салоҳияти нур билан бўлганидек, қалбнинг салоҳияти ҳам тақво нури ва соғлом эътиқод билан бўлади. Чунки қалб бу нурдан маҳрум бўлса, у худди жойида туриб ўчиб қолган чироққа ўхшаб қолади. Ҳар бир амал қалбдан эмас, балки нафсдан келса, у амалнинг охират учун қадри бўлмайди, ибодат бўлса, савоб бўлмайди. [12:317]

Ҳаким Термизийнинг “Сарахс ахли саволларига жавоб” асари ҳам ўз даврининг маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган қимматли манбалардан бири ҳисобланади. [2:30-94] Бу асарда хам қалб соғломлиги масаласи ёритилган. “Сарахс ахли саволларига жавоб” асарида комил инсоннинг шаҳват ғалаёнидан ўзини йироқ тутишга интилиши ва бу йўлда Аллоҳнинг ёрдамида нажот топишга ҳаракат қилиши масаласи етакчи ўрин тутади.

Ҳаким Термизий “Ал-имсол мин ал-китоб вас сунна” китобида, қалб ва нафсни худди камонга ўхшатади, камоннинг тепа қисми паст қисмидан кенгроқ бўлади. Агар камончи беэътибор бўлса, паст қисми кенгайиб, тепа қисми торайиб боради. Натижада ўқ камондан куч билан отилиб чиқмайди ва мўлжалга етиб бормайди. Қалб ҳам шундай, унинг хотиржамлиги, тўқлиги, сахийлиги ва кучга тўлиб турганлиги инсоннинг унга бўлган муносабатига боғлиқ. Тана аъзолари ва нафс ўзининг фақир, ночор, эҳтиёжманд, пайтида қалбдан куч олаверади. Натижада қалб ўзи кучини йўқотиб ожизланиб боради, сиқилиб қолади, унинг ўқи тўғри отилиб чиқмайди, ёй куч билан итарилмайди, нишонга етиб бормайди. [12:250]

Ҳаким Термизий фикрини давом эттириб ушбу асарида шундай ёзади: “Бир киши сўради: “Ўқ нимадир?” Деди:”Дилдан чиққан ниятдир. Ният қалбда бўлади, агар унга нафснинг илмоқлари ёпишиб аралашиб қолса, ният сусаяди. Натижада ҳаракат (амал) тўғри ва аниқ шаклда бажарилмайди”. [12:251] Бу фикрни таҳлил этганимизда, қалбни соғломлигини ният тушунчаси билан ўзаро диалектик алоқадорлигини гувоҳи бўламиз. Ниятнинг қандай бўлиши камондаги ўқнинг манзилга томон учиши билан қиёсланади. Ният пок бўлса мақсадга етиши, нафс билан боғлиқ бўлса, унинг асл мақсаддан оғиши мумкинлиги айтилмоқда. Маълум бўладики, қалбнинг соғломлиги ниятнинг нафс қутқусидан покланишига

боғлиқ экан. Буни Ҳаким Термизий қуйидаги мисоллар билан "Ал-имсол мин ал-китоб вас сунна" асарида изоҳлайди: [12:251] Деди: "Буни нимага ўхшатиш мумкин?" Шундай шарҳлади: "Бу киши молининг бир қисмини Аллоҳ йўлига садақа қилмоқчи бўлди. Бу соф ва содиқ қалбдан чиққан сидқидил ният эди. Сўнг ўзига деди: буларни қаерга сарфлай? Шунда нафси унга ўзидан қарздор бўлган кишига беришни кўнглига солди. Зеро, у шунда сенга тегишли қарзларини қайтаради. Ёки қўл остингдаги ўзингга тобе хизматчингга бер. (Яъни, берган нарсанг ўз атрофингда қолсин). Мана шу илмоқлар  "Аллоҳ йўлида" деб бошланган ниятга аралашиб, уни Аллоҳ йўлидан бошқа йўналишга буриб-дунё матоҳларига ўралаштириб қўяди. Қалб тўғри йўлидан гоҳ ўнг, гоҳ чапга, гоҳ тепага, гоҳ пастга оғади. Бу худди камоннинг тепасини пастга қилиб қўйганга ўхшайди. Агар нафс бу мақсадига бир марта эриша олса, унга одатланиб қолиб, кейинг сафарларда қалбнинг кучини сўриб олади. Сўнгра ўша киши молининг яна бир қисмини Аллоҳ йўлида инфоқ қилиш учун ажратди. Яна сўради: "Қаерга сарфлай?" Шунда нафси уни ўзига эргаштириб бу садақаси учун уни мақтайдиган тоифа одамларга нафақа қилишга оғдирди. Улар  уни: "У сахий ва қўли очиқ одам", деб атайдилар. Бу ҳолатда у тўғри йўлдан четлашиб, ўқи ҳали камондан чиқмасданоқ бекор бўлди, ерга тушди, мўлжалга етиб бормади.

Сўнгра яна бир дирҳам пул чиқариб, "Уни қаерга сарфлай?" деди. Энди бу сафар уни маъсият ишга сарфлаб қўйди. Бу амал камон ўқига ҳам ярамай қолди, камоннинг ўзи ҳам ишдан чиқди. Ипи узилди, ўқ қийшайди, мўлжал олинмаган. Бундан кўриниб турибдики, ният буюк Аллоҳдан бандасига берилган бир кароматдир. Арш остидан банда қалбига тушган хос бир атодир. [1:23] Унинг вазифаси яхши амални ният этган соҳибини ўз ниятида вафодор бўлишга ундашдир. Унинг зидди эса ниятни ўзгартириш ва унга бепарволикдир.  Демак, ниятнинг асли қалбнинг азму қарор қилишидир. Аммо қалбга ғайбдан келган нарса, бу Аллоҳ таолодан бандага берилган каромат бўлиб, уни Аллоҳ таоло розилигини топишга ундайди. Унинг иши аъзоларни Аллоҳ розилиги йўлида ишлатишдир. Ниятнинг зидди пуч орзудир.

Ҳаким Термизий "Масоил ахли Сарахс" китобида қалбнинг салоҳияти ва унинг давоси ҳамда фасоди ва дард-иллатини қуйидагича изохлайди: Қалбнинг солиҳ бўлиши ғам-ғуссалар билан, унинг давоси эса доимо Аллоҳнинг зикрида бўлиши билан. Унинг фасоди эса дунё хурсандчиликлари ва нафс шодонликлари билан. Унинг дард-иллати эса Аллоҳдан юз ўгириб, унинг зикридан тўсувчи беҳуда ишларга юз тутишдир. [12:255]  Нафс учун хурсандчилик худди балиқ учун сув кабидир. Балиқнинг ҳаёти сув билан. Агар у қуруқликка чиқиб қолса, яшай олмайди. Агар нафс ҳам дунё хурсандчиликларидан тўсилса, у сўлади, кучи кетиб заифлашади, тетиклигини йўқотиб сиқилади. Ғам-ғусса эса қалбда токи унга рўбарў келган нарсалардан ҳамда ифлосликлардан халос бўлгунча яшайди. Бу мисоллар билан қалбни саломатлигини балиқ ва сув билан қиёслаб, қалбнинг нафс истакларига берилишини, балиқнинг сувсиз қолган ҳолатига ўхшатади. Балиқ сувсиз қолса ўлганидек, қалб ҳам нафс истаклари қулига айланса, ўлиши мумкинлигини Ҳаким Термизий баён этмоқда.

Ҳаким Термизийнинг фикрича, агар қалб Аллоҳга етишса, Аллоҳ у қалбни тирилтиради. Агар қалбни тирилтирса, нафс ҳам, қалб ҳаёт кучи билан-Аллоҳ нури билан яшай бошлайди. Қалб шаҳват ва хурсандчилик гирдобида қолиб ўлиб бўлган эди. Бунинг учун қалб соҳиби уни ўз қўлига олиб, уни хурсандчиликлардан тўсса, Раббиси ундан рози бўлади. Зеро, у Аллоҳ учун ҳақиқий мужоҳада қилади.  Унга эшик очилгандан кейин у қалби билан Аллоҳнинг хузурига равона бўлади. Унга йўл ажри ато этилади. Унга етишганда эса унинг қалбини яқиндан ўз нури билан мунаввар этади, бу банда муқарраб бандага айланди. Нафси йўлида дунё матоҳларига хурсанд бўлиб юрган банда Аллоҳдан хурсанд бўлиш мақомига эришди. Аллоҳнинг хузурида мартабали кишига айланди. Агар бу банда Аллоҳнинг зикрида бардавом бўлмаса, қалби қотиб қолади, зеро, зикр Аллоҳнинг раҳматини ҳам қамраб олади. Аллоҳ таоло ўз Китобида ваъда берди: "Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этурман…" (Бақара, 152). [9:18] Агар қалбга раҳмат ёғилса, қалб юмшайди ва майинлашади, нафс ҳарорати ўчади. Қалбнинг қаттиқлиги, кўполлиги, кескинлигини кетказади. Ҳаким Термизий қалбни соғлом бўлиши учун зикр

тушунчасига эътибор бермоқдалар. Хўш, зикр нима? Зикр сўзининг луғавий маъноси-эсга олиш, эсда тутиш. Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар: "Зикрнинг афзали - Ло илоҳа иллаллоҳ". [11:56-57]

Зикр қилувчи қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим. Улар уч табақада бўлади:

Биринчи табақа–зикр билан машғул бўлганлар.

Иккинчи табақа-зикр уларни машғул этганлар

Учинчи табақа-зикр қилинаётган Зот уларни зикрдан машғул этганлардир. [1:27]

Зикр билан машғул табақанинг аломати: ҳар қачон кўзи билан бир нарсани кўрса ёки қулоғи билан бир нарсани эшитса, зикрдан чалғимайди.

Зикр уларни машғул этган табақанинг аломати: зикрдан ҳеч бир нарса уларни чалғитмайди, зикрларига ҳеч бир эваз истамайдилар.

Зикр қилинган зот уларни зикрдан машғул этган табақанинг аломати:уларнинг кўриниши одамларни зикрга ундайди. Агар бир-бирига зид ва қарама қарши бўлган нарсалар бўлса ҳам, уларнинг ўз зикри бўлади. Унинг ғафлати зикри тўхтаган вақтдир.

Аллоҳ таоло қалбни яратиб, унга ўз даргоҳидан бўлмиш руҳни киритди. [11:60] Қалбни эса руҳ учун макон қилиб қўйди. Демакки, руҳ илохий экан, унда илохий сир-асрорлар мавжуд ва у покланиши лозим.

Ҳаким Термизий "Масоил ахли Сарахс" асарида: банданинг қалбига мурожаат қилар эканлар, айтадиларки, қалб-Аллоҳнинг хазинаси. [12:263] Ҳеч бир махлуқ унга назар сола олмайди, хоҳ у фаришта ёки бирор кимса бўлсин. Кўксидаги турли фикрлар эса малакдан. Соғлом қалбга Аллох нури тушади.

"Агар банданинг қалбига нур тушса у очилиб-кенгайиб кетади", бунинг аломати бор. Ғурур (алдов) диёри (дунё)дан четланиш, мангулик диёрига инобат қилиш ва ўлим келишидан илгари унга тайёрланиш".

Албатта, банда қалбига етган нур билангина ғурур алдов диёридан четланди. Ўша туфайли нафснинг айблари, макру алдовлари, офатлари ва хароблигини кўради. Шунда қалбидан нафс таъсиридан бўлган зулм, риёю сумъа, мақтончоқлик, фахр, кибр, ҳасад каби нарсалар кетади. Чунки бу иллатлар асли дунёни улуғлаш ва қалбидаги ҳаловати ҳамда уни яхши кўришидан эди. Унинг бундай офатлардан нажот топиш сабаби эса, аввало, Аллоҳнинг раҳмати ва шундан сўнг мана шу нафс риёзати ва ундан шаҳватларни ман қилиши биландир.

Ҳаким Термизий айтадиларки: "Қалбларингизни таомнинг озлиги билан покланглар. Шунда у соф бўлади. Сўнг у юмшайди, нозик, мулойим бўлади, мустаҳкамланади ва иффатли бўлади". Қалблар софлиги Аллоҳ учун, мустаҳкамлиги динда, юмшоқлиги-биродарлар учун, иффати эса Аллоҳ таолонинг Зоти борасида.

Ҳаким Термизий бемор қалбингни муолажа қил, таърифлаганимдек, нафсни қулликдан озод қиласан. Агар бу амалга ошса, қалбинг ёмон хулқлардан халос бўлиб, соф бўлади. Қалбни гуноҳлар шаҳватини исташ, уларга интилишдан покла. Ўшанда яқийн пок жойни кўрмагунича унда қарор топмайди. Шунда қалблар тирилади ва мустаҳкам бўлади. Чунки бандасига яқин қилиш ва танлаб олиш Аллоҳ таолодандир. Ана шунда кўздан ғойиб бўлган охират ва малакут (Аллоҳнинг хос подшолик мулки) ишларини қалб кўзи билан кўриш мумкин бўлади. Яқийн бу худди қоронғу кечадаги яшин кабидир. Агар у чақнаса, бу зулматда сендан ғойиб бўлган барча нарсани, қудуқ, тик қоя ёки водийда бўлсин, кўзинг билан кўрасан (яъни чуқурликдамисан, баландликдамисан, кенгликдами, барини кўрасан. Чунки бу нур уларнинг барини қамраб олади).

Кимнинг қалби маърифат (нури) билан ёқланса, у сокин, Парвардигори ила хотиржам ва унинг сўзларига мустаҳкам ишончда бўлади. Қалб маърифатли бўлиб, соғломлашар экан.

Маърифатли бўлишда тушларнинг ҳам аҳамияти бор. Ҳаким Термизий туш кўриш ҳақида қуйидаги фикрни билдирдилар. Туш уч хил бўлади:

– биринчиси:нафс ва шайтондан бўлган туш. У билан алданмасин, зеро, бундай туш васвасадир;

– иккинчиси: фариштадан бўлган туш. Юсуф (алайҳиссалом ) кўрган туш каби;

– учинчиси: Аллоҳ таолодан бўлган туш. Ҳақ таоло ўзининг пайғамбарлари билан уларнинг тушларида сўзлашган. Улар тушларида кўрган нарса ўнгларида ўзгармай содир бўлади. [1:44]

Ҳаким Термизий маърифат ҳақида фикр юритиб, маърифатнинг бошланиши имондан

тил билан айтилган нарса ҳақиқатнинг кашф бўлиши ва зоҳирий суратда айтилган нарсани идрок этишдир. Маърифат бу завққа, кашфга асосланган имон ва илмнинг мавжудлигидир. Унинг иши танигани, билгани билан кифояланиш ва Ундан ўзгани танишдан бехожат бўлишдир. Бунда у ўз таниганидан ҳеч ажралмайди. Орифни ҳеч нарса ўзига асир қила олмайди. У бу дунё ва охиратда эмин-эркиндир. Маърифатнинг зидди маърифатсизликдир. Ҳаким Термизий орифнинг сифати ҳақида фикр билдирар эканлар, ориф орифлигини билмайди дейдилар. Орифликнинг аломати: қалб Аллоҳдан узилмайди. Маърифат аҳли уч ҳолатда бўлади: убудият, ҳуррият ва рубубият.

Мутасаввифнинг инсоннинг билишида унинг руҳияти, ақли ва қалби қандай роль ўйнаши ҳақидаги қарашлари кейинчалик тасаввуф аҳлининг тафаккурига катта таъсир кўрсатди. Агар илмга ўқиш, ўрганиш жараёнлари орқали эришилса, маърифатни Аллоҳ таоло ўзи суйган, танлаган бандаларигагина марҳамат қилади. Илмни ҳаётга татбиқ қилиш замони ва майдони (ҳудуди) бир қадар чегараланган бўлса, маърифатнинг эса чеки-чегараси бўлмайди. Руҳияти барча дунёвий, нафсоний мойилликлардан покиза, бутун нияти-ю, фикри-зикри билан Аллоҳга таважжуҳ қилган инсонларгагина маърифат насиб этади. Маърифатни нималар тақозо қилади? деган масалага Ҳаким Термизий қуйидагича изоҳ беради: “Маърифат Маъруф (Аллоҳ) билан беҳожатлик бўлиш, кифояланиш ва унга эргашишдир. Маърифатнинг 99 сифат ва белгиси бор. Ҳар бир сифат халқ орасида орифдаги маъруф нисбатини намоён этади. Маърифат улуғлик сифати билан бўлса, у сифат ўзига лозим бўлмаган ҳукм орқали Маъруфни мушоҳада этади. Халқ олдида у улуғ бўлади.” [1:84]

Ҳаким Термизий бу масаланинг изоҳини “Маърифат ва Аллоҳ билан софлик баёни” китобида ҳам баён этган. Унинг фикрича, бу соҳадаги илмлар уч асосга биноан бўлади: убудият, яъни бандалик илмига, ҳуррият илмига ва рубубият каби илоҳийлик илмига асосланган. [1:84] Убудият илми эгалик қилишни ва изтиробга тушишни тарк этишга асосланган. Ҳуррият илми унутишга асосланган. Рубубият илми истак ва иқтидорга асосланган. Маърифат аҳли учун энг аввалида зоҳир бўладиган нарса маърифат водийсида ўзлигини йўқотиш ва хайронликда қолиш маърифатнинг зоҳир бўлишидир. Унинг ўртаси лаззат топиш, охири эса фано ва ҳайрат. Ҳақдан ўзгасидан фано бўлиш ё ўзлигини инкор этиш ҳайратдир. Мутасаввиф Аллоҳни билган сари унинг сифатларини англаган ҳолда, ўзининг аслиятига қараб ҳаракатланиши ва ўз сифатларининг айрилишини эътироф этган.

Ҳаким Термизий маърифат аҳлининг илмлари ҳақида фикр билдирар эканлар, бундай илмлар уч хил бўлишини баён этганлар:

биринчиси: маърифат аҳлининг ғалаба вақтида айтадиган илмлари. Уни билиш ибрат, ишораси эза иззатдир; иккинчиси: маърифатдан баҳрамандлик тўхтаган вақтда айтадиган илмлари. Бу энг заиф илмдир; учинчиси: маърифатга эришган вақтда айтган илмлари бўлиб, маърифат аҳлига илмнинг аввали ва охирида ярайди.

Соғлом қалбга хос сифат таваккулдир. Ҳаким Термизий таваккул ҳақида фикр билдириб, таъкидлайдилар: унинг бошланиши қалбнинг Аллоҳ таолога тўла- тўкис суяниши. Бу икки хил бўлади: унинг борлигига таваккул қилиш; унинг сўзи, иш-ҳаракатда таваккул. Натижада у одамлардан ноумид бўлади, Аллоҳдан бошқадан унс топмайди. Таваккулнинг зидди Аллохдан ўзгага боғланиб қолишдир.

Ҳаким Термизий соғлом қалбга хос ҳикмат ҳақида ҳам фикр билдирган. Унинг фикрича, ҳикматнинг боғланиши қалбнинг Аллоҳ таоло сирларидан воқиф бўлиши. Унинг иши мурид қила олмайдиган бир амални мукаммал яхши бажаришга сўз билан ундаш ва чорлашдир. Ҳикмат- бу бир нарсани ўз ўрнига қўйиш. Унинг зидди-имкони йўқ нарсани гапириш, бўяб, ошириб сўзлаш.

Ҳаким Термизий соғлом қалбга хос қалб кўзи билан кўришни табсира тушунчаси билан айтади. Табсира, яъни қалб кўзи билан кўриш ҳақида: табсиранинг бошланиши нарсаларнинг йўл-йўриғи ва фазлини ақл билан англаш, идрок этишдир. Унинг аввали дин ва дунёга керакли бўлган илм ва аҳкомлардандир. Табсиранинг иши шакнинг завол топиши ва умуман шак-шубҳали нарсаларга кам мурожаат қилишдир. Табсиранинг зидди қалбнинг кўрлигидир. [1:59]

Ҳаким Термизий соғлом қалбга хос бўлган шукр ҳақида шундай деган: Қалбни

сокинлаштирувчи шукрнинг асли қалбнинг неъматларни берувчига боғланишидир. Шукр ризоликдан келиб чиқади. Унинг иши Аллоҳ таолонинг сенга шукр қилиш муҳаббатини ато этганидир. Шукрнинг зидди куфр ва норозилик.

Ҳаким Термизий соғлом қалбга хос офият ҳақида: офият асли қалбнинг нарсалардан пок бўлиши ва турли ашёлардан холи бўлишидир. Унинг кўриниши ризолик. Офиятнинг зидди-бало, ғам-андуҳ.

Ҳаким Термизий соғлом қалбга хос ҳаё ҳақида: ҳаёнинг асли Аллох таолони қалбда мудом улуғлашдир. Унинг иши синиқлик, аъзоларнинг гуноҳдан сақланиши ва васвасанинг барҳам топишидир. Ҳаёнинг зидди-истеҳзо, ҳаёсизлик ва масхаралаш.

Хулоса қилиб айтганимизда:

1. Ҳаким Термизий "Яширин масалалар", "Масоил ахли Сарахс" , "Ал-имсол мин ал-китоб вас сунна", "Баёнул фарқ", "Маърифатул асрор" асарларида қалб тушунчасини таҳлил этган.

2. Мутафаккир қалб инсон аъзоларининг амири, амр этишга муносиб эканлигини таъкидлаб, бунга сабаб унда илоҳий маърифат ва илоҳий илм жойлашганини асос қилиб кўрсатди.

3. Инсон айнан қалби билан бутун мавжудотларнинг энг улуғидир. Инсоннинг банда сифатидаги асосий иши қалбини пок сақлаши эканлигини, улуғ Ҳаким таъкидлади.

4. Ҳаким Термизий комил инсон учун соғлом қалб зарурлигини таъкидлаган.

5. Қалб соғломлиги нафс ҳолати билан диалектик боғланганлигини асослаб, улар алоқасини чироқ ва нур, камон ва ўқ, балиқ ва сув билан қиёслаган.

6. Қалб соғломлиги ниятнинг нафсдан поклиги ва улуғлигига боғлиқлигини таъкидлаган.

7. Соғлом қалб зикр амалиёти билан узвий боғланганлигини кўрсатган.

8.Соғлом қалб эгаси, маърифатли инсон бўлиб, орифлик даражасига юксалишини кўрсатган.

9. Соғлом қалбга таваккул, ҳикмат, қалб кўзи, шукр, офият ва ҳаё хослигини кўрсатган.

Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ҳаким Термизийнинг соғлом қалб ҳақидаги ғоялари бугунги ёш авлод тарбияси учун қимматбаҳо жавоҳирдир.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Абу Абдуллох Мухаммад ибн Али Хаким Термизий. Маърифатул асрор. (Сирлар маърифати). Таржимон: Абдулхамид Мухаммад Турсунов. Т.:"Мовароуннаҳр"2017.
2. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн алий ибн Ҳасан Ҳаким Термизий. Сарахс ахли сўраган масалалар. Таржимон: Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Тошкент.: "Hilol nashr"2019.
3. Ал-Хаким Ат-Термизий. Яширин масалалар (ал-Масоил ал-макнуна).Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти. 2019.
4. Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005.
5. Наврўзова Гулчеҳра. Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро: Фалсафа ва Ҳуқуқ институти нашриёти, 2009.
6. Наврўзова Гулчеҳра, Ғафуров Д. Махдуми Азам таълимотида инсон қалби масаласи. "Academia Science, Yoshlarning innovatsion faolligini oshirish, ma'naviyatini yuksaltirish va ilm-fan sohasidagi yutuqlari" mavzusidagi 2-sonli Respublika ilmiy-onlayn konferensiya materiallari to'plami. 25-iyul 2020 yil 4-qism.
7. Наврўзова Гулчехра, Юнусова Гуландом. Ўзликни англашда хотиранинг ўрни ва роли. (Абдулқодир Гилоний асарларининг фалсафий таҳлили).Toshkent.: "Chashm Print", 2013.
8. Наврўзова Гулчеҳра Абдухолиқ Ғиждувоний. (Монография). Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2020.
9. Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. Т.:Чўлпон.1992.
10. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро. 2000.
11. Хожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий. Тариқатга йўлланма. ( Нақшбандия таълимоти асосида). Тошкент- "Мовароуннахр". 2003-Б.60.
12. Хаким Термизий асарларидан сайланма. Орифлар тасаллиси. Таржимон: И.Усмонов ва бошқ.;Тошкент: Movarounnahr,2018.
13. Xaitov.L.A. Hakim At Termiziy scientific heritage in the Hadis theme . International Journal on Integrated Education, Indonesia. Volume 2, Issue V, Oct-Nov 2019.
14. Khaitov. L.A. The role of Hakim Termizi architectural complex in visiting tourism in Uzbekistan. Вопросы науки и образования. Москва.Научно-теоритический журнал. №9(93), 2020
15. Хаитов.Л.А. Ҳаким Термизий меросида инсон маънавияти масалалари. Имом Бухорий Сабоқлари маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. № 2,2020.
16. Хаитов.Л. Ҳаким Термизий - Нафс илмининг назариётчиси. "Ислом тафаккури" илмий-маърифий, диний-маданий, ахборот нашри. (4-son) 2020.

**Бурхон Абдурахмонович АХМЕДОВ,**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа доктори PhD*

# МУТААССИБ ОҚИМЛАРНИНГ ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИГА ЗИД ҚАРАШЛАРИ

# ПРОТИВОРЕЧИВЫЕ ВЗГЛЯДЫ ФАНАТИЧНЫХ ТЕЧЕНИЙ К ХАНАФИТСКОМУ МАЗХАБУ

# CONTRADICTIVE VIEWS OF FANATIC CURRENTS TO THE HANAFIT MAZHAB

**Аннотация:** *Ушбу мақолада мазҳабларнинг аҳамияти, такфир, имон ва куфр масалаларида журъатли бўлишнинг хатари ҳақида сўз боради. Шунингдек, ислом таълимотларини чуқур ўзлаштирмаган ёшларнинг турли бузғунчи фирқаларга аъзо бўлиб қолаётганлари, бунинг сабаби ва ечимлари таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *такфир, дорул-ҳарб, дорул-куфр, ақида, Аҳли сунна вал жамоа, ҳанафий.*

**Аннотация:** *В этой статье приводятся примеры о некоторых представителях течений, которые прочитав несколько книг считают себя «муджтахидами» и обвиняют людей в куфре за малейшие грехи, кроме этого о некоторых наших молодых людей, которые еще не изучив ислам глубоко, не получая достаточно знаний, слепо следуют им и вступают на их путь, а также даются ответы на актуальные вопросы как «Почему так происходит?», «В чем их ошибка», «Есть ли пути решения этих проблем» и т.д.*

**Ключевые слова:** *Такфир, дорул харб, дорул куфр, догматика, ханафи.*

**Annotation.** *This article provides examples of some representatives of the movements who, after reading several books, consider themselves "mujtahids" and accuse people of kufr for the slightest sins, besides this, about some of our young people who have not yet studied Islam deeply, not gaining enough knowledge. blindly follow them and step on their path, and also give answers to urgent questions such as "Why is this happening?", "What is their mistake", "Are there ways to solve these problems", etc.*

**Keywords:** *Takfir, dorul-harb, dorul-kufr, aqida, Ahl as-sunnah va al-jamaa, hanafi.*

Ҳозирги пайтда жаҳонда кечаётган глобал сиёсий жараёнлар, турли манфаатдор кучларнинг ўз мақсадлари йўлида олиб бораётган геосиёсий ўйинлари оқибатида мустақиллик йўлига ўтган ёш мамлакатларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги катта хатар остида қоляпти. Айниқса, халқаро сиёсатда дин омилидан фойдаланишга урғу берилаётгани бу хатарни янада кучайтирмоқда. Мухолифларнинг динимиз асл моҳиятини бузиб кўрсатиш билан ундан ўз манфаатлари ва қабиҳ режалари йўлида фойдаланишга уринишлари тобора авж олмоқда.

Ғарб давлатларининг оммавий ахборот машиналари тинимсиз равишда афкор оммага ислом динини бузғунчилик, қотиллик, ваҳшийлик, зўравонлик дини дея кўрсатишга ҳаракат қиляпти. Шу жиҳатдан ҳам жамият олдида одамларнинг динимиз қадриятлари билан "Исломни қайта тиклаш шиори" остида муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш зарурати туғилди.

Бу ғаразли ҳаракатлар таъсиридан минтақамиз ҳам четда қолаётгани йўқ. Кейинги пайтларда Марказий Осиё ҳудудида ҳам айрим диний-сиёсий ва экстремистик кучлар динни сиёсийлаштиришга, шу йўл билан одамлар, хусусан, ёшлар онгига таъсир ўтказишга зўр бериб интилишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам бу масалага алоҳида урғу берди: *"Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда"* [1].

Бундай қабиҳ хатти-ҳаракатларнинг мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигига рахна солиши, миллатлараро ва динлараро бирдамликка путур етказиши, одамларни бир-бирига қарши турли гуруҳларга бўлиб ташлаши,

улар орасида фитна ва бузғунчилик ғояларини ёйиши кундай равшан.

Бундай кенг миқёсли ва пухта ўйланган хуружларга қандай омилларни қарши қўйиш мумкин? Бунинг учун энг олдин одамларимизга ташқи бузғунчи кучларнинг дин омилидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳаракатларининг моҳиятини соф диний манбалар асосида очиб бериш керак. Ислом дини зўравонлик, қон тўкиш ёки бузғунчиликка тарғиб қилмаслиги, аксинча, бу дин тинчлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, эзгулик дини эканини кенг тушунтириш лозим бўлади. Аслида бу дин ҳар қандай зулм, қотиллик, бировнинг жонига ва молига озор етказишдан бутунлай холи, энг гўзал ва эзгу амалларни бажаришга чақирувчи соф диндир. Бу хусусда қуйидаги ҳадис мавжуд:

إن هذا الإنسان بنيان الله، ملعون من هدم بنيانه

“Албатта, бу инсон – Аллоҳнинг бунёди (махлуқи)дир. Аллоҳнинг бунёдини вайрон қилган кимса малъундир” [2:346].

Аммо бугунга келиб буюк аждодларимиз анъаналари унутилди, бир-икки китобни ўқиб олиб, ўзини “мужтаҳид” санайдиган, кишиларни бўлар-бўлмасга кофирга чиқарадиган оқим ва фирқаларнинг вакиллари пайдо бўлди. Бундай оқим ва фирқалар (масалан, “Ат-такфир вал-ҳижра”, “Ҳизбут-таҳрир”, ИШИД каби) имон ва куфр масалаларида ўта журъатли бўлиб кетишган. Исломни ҳали чуқур ўрганмаган, етарли билим олмаган баъзи ёшларимиз уларга кўр-кўрона эргашиб, залолат ва жоҳиллик йўлига кириб қолишяпти. Шу ўринда “Нега шундай бўляпти? Уларнинг хатоси нимада? Муаммонинг ечими борми?” деган саволлар туғилиши табиий. Ушбу мақолада ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Ислом дини инсонларни сўзларнинг энг гўзали ва фойдалисига эргашишга чақиради: **“Бас, (эй Муҳаммад) Менинг шундай бандаларимга хушхабар беринг, улар гапни тинглаб, сўнг унинг энг гўзалига эргашадилар. Айнан ўшалар Аллоҳ ҳидоят этган зотлардир ва айнан ўшаларгина ақл эгаларидир”** (Зумар, 17-18) [3:282].

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадиси шарифларда ҳам инсонлар яхши амаллар қилишга, ёмонликлардан қочишга чақирилади: **“Мусулмон — қўли ва тилидан ҳеч ким зиён кўрмаган киши. Муъмин — бошқаларнинг моли ва жонига тажовуз этмайдиган киши. Муҳожир — гуноҳ ва маъсиятларни тарк этган киши. Аллоҳ йўлида мужоҳид — нафсига қарши курашишга киришган киши”; “Умматим ҳеч қачон залолатда бирлашмайди”; “Инсонларга яхшиликни ўргатувчи кишига Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, осмон ва Ер аҳллари, ҳатто уялардаги чумолию денгиздаги балиқлар ҳам салавот айтади”** [4:282].

Динимизнинг бу кўрсатмаларидан чекиниб, адашган фирқаларга эргашиб кетган ёшларимиз жоҳилликлари, диннинг асл моҳиятини англаб етмаганлари оқибатида имон ва куфр масаласида бир неча хатоларга йўл қўйишади. Келинг, ана шу хатоларни кенгроқ кўриб чиқайлик:

Бизнингча, улар йўл қўяётган хатоларнинг биринчиси масалага енгил-елпи қараш, шошма-шошарлик қилишдир. Бирор шахс ёки бутун бошли жамиятни куфрда айблаш ёки кофирга чиқариш ўта қалтис иш бўлиб, бунга кўр-кўрона муносабатда бўлиш ярамайди. Чунки бунинг ортида куфрга чиқараётган ёки чиқарилаётганлардан бири учун даҳшатли оқибат ётибди. Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: **“Киши ўз биродарига: “Эй кофир!” деса,** (куфр) **иккисидан бирига қайтади”.**

Ҳадисдан кўриниб турибди, ўзгани кофирга чиқариш оддий ҳақорат сўзи эмас, аксинча, ўз охиратини бой бериб қўйиш эҳтимолини туғдирадиган хатарли масаладир. Шунинг учун ҳам ҳанафий мазҳаби уламолари бошқа мазҳабларнинг олимларидан кўра такфир (куфрда айблаш, кофирга чиқариш) масаласига кўпроқ аҳамият беришган. Бу ҳақда ёзилган асарларнинг биринчиси мисрлик олим, 768/1367 йили вафот этган Муҳаммад ибн Исмоил ибн Маҳмуд Бадр Рашид Рашидий раҳматуллоҳи алайҳ қаламига мансуб.

Унинг “Куфр сўзлар” номли асарига биринчи бўлиб ҳанафий олимлардан аллома Мулла Али Қори раҳматуллоҳи алайҳ муфассал шарҳ ёзган. Куфр динда билиш зарур бўлган нарсалардан бирини инкор

қилиш билан бўлади [5:69]. Хатоларнинг иккинчиси Аллоҳ буюрмаган ишларга вақтни беҳуда сарфлашдир. Мусулмон кишининг дунё ва охиратда ўзига наф берадиган амаллар билан шуғулланиши мақсадга мувофиқдир. Қироат илми олимларидан Имом Шотибий раҳматуллоҳи алайҳ бундай дейди: “Шариатда эътироф этилган илм, яъни Аллоҳ ва Унинг расули мақтаган илм — амал қилишга ундовчи илм бўлиб, у ўз эгасини хоҳиш ва истакларга эргашувчи эмас, балки илмига мувофиқ юрувчи қилади”.

“Такфир” эса ҳеч кимга фойда бермайдиган, аксинча, зарарига ҳужжат бўладиган манфаатсиз ишлардандир. Ахир, Аллоҳ таоло бизларни бирор шахс ёки жамиятнинг камчиликларини излашга, уни кофирга чиқариш учун умр бўйи ҳужжат тўплашга буюрмаган-ку! Бу ҳақиқатни ҳар ким ақида илми устозларидан аниқлаб олса бўлади. Ачинарлиси, бу каби ишлар билан шуғулланиб юрган ёшларнинг кўпи имоннинг энг муҳим масалалари, намоз, рўза, закот каби ибодатнинг асосий шартлари борасида етарли илмга эга эмаслар. Улар ҳатто Қуръоннинг энг қисқа сураларини тажвид қоидаларига биноан ўқиёлмайди, ҳадиснинг асл матнларига “тишлари ўтмайди”.

Учинчи хато бундай нозик масалаларга ҳали уларнинг шартларини мукаммал равишда ўзлаштирмай туриб киришиб кетишдадир. “Куфр” сўзи, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, исталган пайтда, дуч келган одамга қарата айтиб юбориладиган сўз эмас. Буни имонли мусулмонга нисбатан қўллаш енгилтаклик, калтабинлик ва жоҳилликдан бошқа нарса эмас. Ислом тарихида бундай ишга илк бор қўл урган хаворижларни Ҳазрат Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳу: *“Бундай нодон ёшлар Қуръон ўқиса, тиловатлари бўғзидан нарига ўтмайди”,* дея сифатлаганлар. Мана шу гап барча замонларда хаворижларга эргашувчиларнинг Қуръон оятлари ва ҳукмларини чуқур идрок эта олмасликларига ишорадир.

Исломда “Ал-яқину ла язулу биш-шакки” (Аниқ нарса шак-шубҳа билан йўқ бўлмайди) деган қоида бор. Масалан, бир мусулмоннинг таҳорати шак-шубҳалар билан бузилмайди, шундай экан, қандай қилиб гумон-тахминлар билан унинг бутун имони ва мусулмонлик сифатига тил теккизиш мумкин? Бу қоидага кўра, унинг жони ҳам, моли ҳам бошқаларга ҳаромдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видо ҳажжида: **“Ушбу шаҳарда** (Маккада)**, ушбу ойдаги** (Зулҳижжа) **бугунги кун** (Арафа) **ҳурматлангани** (ҳаромлиги) **каби қонларингиз, молларингиз ва ор-номусларингизга тажовуз қилиш ҳам бир-бирларингизга ҳаромдир. Эшитганлар эшитмаганларга етказсин”,** — деганлар. (Имом Муслим ривояти).

Шундай бўлгач, “такфирчи алломалар” қайси ҳужжатга кўра мусулмонларни кофирга чиқариб, уларни қатл этишга фатво беришяпти экан?! Бу хусусда қуйидаги ҳадиснинг мазмунига эътибор берайлик! ***“Кимки, ўз мусулмон биродарига қараб ўткир*** **(пичоққа ўхшаган)** ***нарса билан*** **(гарчанд ҳазл қилмоқ билан бўлса ҳам)** ***ишора қилса, то уша нарсани қўлидан ташламгунча Малоикалар уни лаънатлайди”*** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Биз бу мулоҳазаларимиз билан исломда умуман “куфр”, “такфир” деган тушунчалар йўқ, демоқчи эмасмиз. Чунки баъзи оят ва ҳадисларда у ёки бу амал куфр деб аталгани ислом ақидаларидан бир оз хабари бор кишига яхши маълум.

Лекин мусулмонлар бу борада жиддий фарқли томонлар борлигини яхши англаб олишлари керак. Бу ҳам бўлса, бирор амални “куфр” дейиш билан ўша амални содир этган муайян шахсни кофирга чиқариш ўртасида катта фарқ бор.

Фикримизни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадислар билан далиллашимиз мумкин. Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда келтирилади: **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида Абдуллоҳ исмли киши келтирилиб, ичкилик туфайли дарра урилди. Сўнг яна бир куни келтирилиб, яна дарра уришга буюрилди. Шунда тўпланганлар ичидан бир киши: «Эй Аллоҳ, уни даргоҳингдан** (раҳматингдан) **йироқ қил,** (бу гуноҳ учун) **жуда кўп келтирилди”,** — деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Уни лаънатлама, чунки мен унинг Аллоҳни ва Расулини севишини биламан” - дедилар”.** (Имом Бухорий ривояти). Бу хусусда қуйидаги ҳадис ҳам сўзимизни исботидир албатта: *“Мўъминни дашном (*ҳақорат*) қилиш*

*фосиқлик ва у билан муқотала* (уриш) *қилиш куфрдир".* (Имом Бухорий ва Имом муслим ривояти).

Мазкур ҳадисдан маълум бўладики, мусулмон кишини бирор гуноҳи ёки билмасдан қилган хатолари учун кофирга чиқариш ёки кўпчилик аҳолиси мусулмон бўлган ўлкаларни "куфр диёри" деб аташ ислом ақидасига мутлақо зиддир. Буюк мазҳаббошимиз Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ақидага оид "Фиқҳи акбар" китобида баён этилган қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: *"Бирор мусулмонни қилган гуноҳи туфайли кофирга чиқармаймиз, гарчи у гуноҳи кабира бўлса ҳам. Башарти уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса, ундан имон исмини ҳам олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атайверамиз. Уни фосиқ мўмин деб аташ мумкин, фақат кофир деб эмас"*

Шунингдек, мазкур масалага нисбатан ҳанафий мазҳабига мувофиқ ва муносиб ёзилган асарлардан бўлган «Ақидаи Таҳовий» ва унинг шарҳида бундай фикрларни келтирилган: *"Ва Модомики Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган нарсани эътироф қилар эканлар, У киши соллаллоҳу алайҳи васаллам барча айтган ва хабар қилган нарсаларини тасдиқлар эканлар, аҳли қибламизни мўминлар, мусулмонлар деб номлаймиз"* [6:220].

Яъни аҳли қибла деб ўзини мусулмон деб билиб, қибла (Каъба)га юзланган кишини айтилади. Агарчанд аҳли ҳаво ва аҳли маъсиятдан бўлса ҳам модомеки, Пайғамбар (алайҳиссалом келтирган нарса(Қуръон ва суннат)ни инкор этмаса).

*"Аҳли қиблалардан бирортасини гуноҳ туфайли, модомики ўшани ҳалол ҳисобламаса, кофир қилмаймиз. "Имон бўлса, гуноҳ уни содир қилган одамга зарар қилмайди", деймиз"* [7:226].

Имон билан дунёдан ўтган киши Аллоҳнинг ихтиёридадур. Хоҳласа барчасини кечиради ва агар хоҳласа гуноҳига яраша азоб қилади ва оқибат дўзахдан чиқади). Бу масъала "Хавориж" ва "Муътазила"ларнинг эътиқодининг аксидир. Зеро, уларнинг фикрича *"гуноҳ қилган киши кофир бўлиб абадий дўзахда қолади"* дейишадики, бу фикр аҳли сунна вал жамоа уламолари наздида мутлақ мардуддир.

Абу Ҳурайра (разияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда ҳам бунда дейилган: *"Кимки, бу дунёда бирор кишига зулм қилган бўлса, албатта шу дунёнинг ўзида уни розий қилсин, Зеро қиёматда агар золимнинг яхшилик (савоб ишлар)и бўлса олиб мазлумга берилади. Ва агар золимнинг яхшиликлари бўлмаса унда мазлумнинг гуноҳларин олиб золимнинг бўйнига қўйилади...".* (Имом Бухорий ривояти). Боби "мазолим". Мазкур ҳадис мазмунидан маълум бўлишича агарчанд зулм динимизда мазамат қилинган амаллардан саналса ҳам, золим киши зулм қилган билан диндан чиқмаслиги ва унга қилган яхши амалларининг эвазига савоб берилар экан.

Эслатиб ўтмоқ лозимки, мақолада гап куфр ва имон фарқи ҳақида кетмоқда. Яъни ақидамизга кўра гуноҳ сабабли диндан чиқиш ё чиқмаслик ҳақида саҳиҳ манбалардан иқтибослар келтирилди. Бу дегани гуноҳ қилиш мумкин дегани эмас, Зеро, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек гуноҳ эгаси ё жамиятга албатта зарар қилади. Шунинг учун гуноҳни енгил санамасдан ундан ҳазар қимоқ вожиб амаллардандир!

Дорул-ҳарб ва дорул-ислом масаласига келадиган бўлсак мазҳабимизда мўътабар саналган **"Дуррул мухтор"** ва унинг шарҳи **"Раддул мухтор"**да бундай ёзилган: "Ислом диёри фақат мана бу учта шарт тўпланганидан кейингина куфр диёрига айланади:

- ширк аҳли ҳукмлари юритилиши билан (шу жойнинг ҳошиясида: "Мушрикларнинг ҳукми ошкор юритилиб, мусулмонларнинг ҳеч бир ҳукми юритилмаганидан кейин куфр мамлакати бўлади", дейилган). Демак, мусулмонларнинг ҳукми ҳам кофирларнинг ҳукми ҳам юритилган диёр куфр юрти саналмайди;
- Ислом диёри куфр мамлакатларига қўшилиб, бирлашиб қолса;
- мамлакатда бирор тинч ва хавфсиз мусулмон қолмаса.

Ушбу уч шартнинг ҳаммаси бир мамлакатда топилса, у жой куфр мамлакатига айланади. Агар биттаси ёки иккитаси топилиб, бошқаси топилмаса, ислом юрти бўлиб қолаверади. Ислом ҳукмлари деганда фақат сиёсий ҳукмлар эмас, жума ва ҳайит намозларини барпо қилиш, муфтий ва қози сайлаб, унга эргашишни буюриш, ҳаж сафарига шароит яратиб бериш каби ҳукмлар ҳам тушунилади. Зеро, дорул-ҳарб (куфр юрти) мусулмонларнинг жума ва

ҳайитларига ўхшаган ҳукмлар юритилиши билан ислом юртига айланади, гарчи у ерда кофирлар бўлса ҳам ва ислом мамлакатига қўшни бўлмаса ҳам.

Шайх Юсуф Қарзовий бир мусулмонни кофирга чиқариш хусусидаги саволга қуйидаги жавобни берган: “Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Унинг расули эканига қалби билан тасдиқлаган ҳолда гувоҳлик берса, у мусулмондир. Унга мусулмонларга қилинадиган муомала тўлалигича қилиниши керак” [8:287].

Бу далилларга инсоф билан ёндашадиган бўлсак, мамлакатимиз ислом диёри эканига, мусулмонларимизнинг бари мусулмон раҳбарлар қўл остида эканига асло шак-шубҳа қолмайди. Мамлакатимизда динимиз аксарият ҳукмларига амал қилинмоқда, юрт раҳбарлари ўзларининг мўмин эканларини баралла айтиш билан бирга, ўзгаларни исломда қолаверса мазҳабда собит туришга, бошқа динларга қўшилиб кетмасликка тарғиб қилиб туришибди. Демак, бу юртни жоҳилият даврига ўхшатиб “куфр диёри” дея аташга, халқини куфрда айблашга ҳеч қандай асос йўқлиги очиқ аён бўлиб турибди.

Турли бузғунчи оқимларнинг домига илиниб қолмаслик учун ёшларимиз қуйидагиларга эътибор қаратишлари лозим:

- диний-экстремистик руҳдаги сайтларга кирмаслик. Бундай сайтларнинг аломатлари: жойлаштирилган материалларда “ҳижрат” ва “жиҳод”га даъват қилиш, дунёвий ҳукумат ва тузумларни кофирликда айблаш, давлат мустақиллиги, Янги йил, Наврўз, 8 март каби байрамларни, туғилган кунни нишонлашни ҳаром деб эълон қилиш, Афғонистон, Покистон, Ироқ, Сурия каби мамлакатлардаги жангариларни мадҳ этиш. Шунингдек, Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб, Ибн Таймия, Носириддин Албоний, Саййид Қутб, Айман аз-Завоҳирий, Усома бин Лодин, Абдували қори, Обид қори, Рафиқ қори, Рашод қори каби ақидапараст шахсларнинг китоблари, фатволари, аудиомурожаатлари, савол-жавоб шаклидаги маърузалари мавжудлиги;

– ижтимоий тармоқлар, турли форумларда диний мавзуда илмоқли, нозик саволлар бериб суҳбатга чорлаётган шахслар билан мулоқотдан тийилиш, дунёвий жамиятни танқид қилиб, мутаасибона диний турмуш тарзини даъват қилаётган шахслар билан умуман алоқа қилмаслик;

– электрон почта орқали номаълум шахслардан келган диний мазмундаги даъват ва танишув ҳақидаги таклифларга жавоб бермаслик, юборилган электрон материалларни юклаб олмаслик;

– мобил телефонларга билиб-билмай мутассиблик руҳидаги нашидалар (қўшиқлар), маърузалар, суратлар, видеороликлар юклаб олмаслик ва тарқатмасик.

Бу ҳолат аксарият ҳолларда мактаб, коллеж ўқувчилари ва институт талабалари орасида кузатилади. Мутаассиблик ва ақидапарастлик руҳидаги маълумотларни билиб-билмай юклаб олиш, сақлаш ёки уни бошқа шахсларга тарқатиш эса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 184[2]-моддасига мувофиқ, шунингдек, Жиноят Кодексининг 244[1]-моддасига кўра *“Диний-экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзийбелгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш”* энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган;

– эҳтиёж туғилган диний мавзудаги маълумотларни фақат “uz” доменида расмий фаолият олиб бораётган давлат ва диний ташкилотлар сайтларидан олиш.

Юртимизда тинчлик, фаровонлик ва миллатлараро ўзаро тотувлик ҳукм сурмоқда. Бу бебаҳо неъматларнинг қадрига етиш барчамизнинг бурчимиздир. Бу тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Бу, авваламбор, Аллоҳ таолонинг бизга раво кўрган чексиз инояти бўлса, иккинчидан, ҳукуматимиз томонидан виж-

дон эркинлиги ва диний бағри кенгликни таъминлашда олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасидир.

Юқоридаги мулоҳаза ва далиллар, диний-экстремизм ва терроризмнинг нафақат умум эътироф этилган замонавий қонунлар, балки ислом дини асосларига ҳам зид эканини кўрсатади. Шундай экан, диний-экстремизм ва терроризмга қарши курашда барчамиз ўз масъулиятимизни ҳис этишимиз, огоҳ бўлишимиз, ватанимизнинг келажаги учун жавобгар эканимизни унутмаслигимиз лозим.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017.
2. Жамолуддин Зайлаъий. Тахриж ал-аҳадис ва ал-осор ал-воқиъа фи Тафсир ал-Кашшоф ли аз-Замахшарий. Ж.1. – Ар-Риёд: Исломий ишлар вазирлиги, 2003. 487 б.
3. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. –Т.: Шарқ. 2013. 335 б.
4. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. –Т.: Шарқ. 2013. 335 б.
5. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. / Таржимон: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ақидатут-таҳовия” шарҳининг талхийси. – Тошкент: “HILOL-NASHR” нашриёти, 2015. 446 б.
6. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. / Таржимон: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ақидатут-таҳовия” шарҳининг талхийси. – Тошкент: “HILOL-NASHR” нашриёти, 2015. 446 б.
7. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. / Таржимон: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ақидатут-таҳовия” шарҳининг талхийси. – Тошкент: “HILOL-NASHR” нашриёти, 2015. 446 б.
8. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. –Т.: Шарқ. 2013. 335 б.



**Суннатилло Мавлонович РАХМОНОВ**
*Самарқанд давлат чет тиллар институти (PhD) докторанти*


# НАҚШБАНДИЯ ВА МАВЛАВИЯ ТАРИҚАТЛАРИДА ИНСОН КАМОЛОТИ МАСАЛАСИ

# ВОПРОС СОВЕРШЕНСТВА ЧЕЛОВЕКА В ТАРИКАТАХ НАКШБАНДИИ И МАВЛАВИИ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ)

# THE QUESTION OF HUMAN PERFECTION IN THE TARIKATS OF NAKSHBANDIA AND MAVLAVIA (COMPARATIVE ANALYSIS)


***Аннотация:*** *Мазкур мақолада нақшбандия ва мавлавия тариқатларининг умумийлик томонлари акс эттирилган. Тасаввуфда ҳар хил тариқалар мавжуд. Нақшбандия тариқати ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан бошқа тариқатлардан ажралиб туради. Мавлавия тариқатига Жалолиддин Румий томонидан асос солинган. Тасаввуф – Жалолиддин Румий туфайли халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигига айланган бўлса, Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот ғоялари орқали комил инсонни тарбиялашга хизмат қилган. Мавлавия ва нақшбандия тариқатлари комил инсонни тарбиялашни тарғиб қилган ва умумбашарият тан олган тариқатлардир.*



***Калит сўзлар:*** *Тасаввуф, тариқат, зикр, махфий зикр, жаҳрий зикр, самоъ, нақшбандия, мавлавия.*



***Аннотация:*** *В данной статье отражены общие черты Накшбандия и Мавлавия. В суфизме есть разноетарикаты. По своему содержанию Накшбандия отличается от других тарикатов. Мавлавия была основана Джалалиддином Румиом. Суфизм стал бесценным духовным сокровищем нашего народа благодаря Джалалиддину Румий а Бахауддин Накшбанд служил воспитаны совершенного человека через идеи своего учения. Тарикаты Мавлавия и Накшбандия признаное человечством и пропогандируют воспитание совершенного человека.*



***Ключевые слова:*** *Суфизм, учения, зикр, тайный зикр, джахри зикр, само, накшбандия, мавлавия.*

***Abstract:*** *This article reflects the common features of Naqshbandiya and Mavlaviya. There are various tariqas in Sufism. In its content, Naqshbandiya differs from other tariqas. Mavlavia was founded by Jalaliddin Rumi. Sufism became an invaluable spiritual treasure of our people thanks to Jalaliddin Rumi, and Bahauddin Naqshband served to educate a perfect person through the ideas of his teaching. The Tariqats of Mavlavia and Naqshbandiya are recognized by humanity and promote the upbringing of a perfect person.*

***Key words:*** *Sufism, teachings, dhikr, secret dhikr, jahri dhikr, samo, nakshbandiya, mavlaviya.*

Кўҳна Мовароуннаҳр замини азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири саналган. Шундай юксак марраларни забт этмоқ учун аждодларимиз энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғини баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бойитишга бағишлаш орқали эришганлар. Улар бир эмас, иккита Ренессанс маърифатининг қаймоғидан баҳраманд бўлганлар. “Ислом маданиятининг олтин асри” деб эътироф этиладиган тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда, Марказий Осиё худудида ёнган илм машъаласи, ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур асос солган темурийлар салтанатида иккинчи Ренессанс даври сифатида қайта порлаган. Айнан ўша даврларда Марказий Осиёда тасаввуф ва тариқатларнинг фаолиятлари гуллаб яшанган.

Тасаввуф инсон камолоти тўғрисидаги таълимот бўлиб, комил инсон бўлиш учун аввало жисм ва нафс эхтиёжини енгиш талаб этилади. Дунёга, бойликка меҳр қўйиш инсонни нафсига қул қилиб қўяди. Тасаввуф йўлини тутган киши нафсни рад этади. Нафс барча разолат, ва маънавий ҳалокатнинг сабабчиси саналиб, инсонни тубанлик ботқоғига етакловчидир. Ушбу иллатларидан фориғ бўлишнинг бирдан-бир тўғри йўли нафс эхтиёжини енгиб ўтишдир. Нафс ва кўнгилни поклаш риёзат чекиш орқали амалга оширилади. Риёзат чекиш шунчаки, сабр-тоқатли бўлиш эмас балки, Ҳақ йўлида ўз олдига улуғ бир мақсадни қўйиб, унга етишиш учун ихтиёрий равишда барча кийинчиликларни зиммасига олиш ва мақсад сари интилишдир. Тасаввуф – бу илоҳиёт олами, инсон маънавияти, руҳияти, эхтиёжлари ва унинг Худога муносабати ҳақидаги фалсафий таълимотдир. Шу билан бирга тасаввуф инсон қалбига сайқал бериш илмидир.

Тасаввуф – одоб-ахлоқли, қалби ва руҳи пок, билимли, комил инсонларнинг тарбияланиб камолга етишига замин яратган. Бошқача сўз билан айтганда, инсоннинг руҳий-маънавий камолоти тасаввуфнинг асосий мақсади бўлиб, бу мақсад йўлида ҳар бир улуғ шайх ўз тартиб қоидаларини ишлаб чиққан ва шу асосда турли тариқат сулуклари шаклланган.

Тариқатлар ислом динининг руҳи саналади. Шариат ва бошқа илмларни ўрганиш йўллари турли-туман бўлганидек, тасаввуфда ҳам ҳар хил тариқалар мавжуд. Ҳар бир тариқат ўзига хос йўлдан ҳақиқатга эришади. Тасаввуфий тариқалар хилма-хил бўлса-да, уларнинг асосий мақсади битта, яъни Ҳаққа яқинлашишдир.

Тариқат амаллари шариат амалларини янада мукаммал бажаришга риоя қилишни ўз ичига олади. Тариқат ислом шариатига асосланган ибодатларни бажаришга қаратилган махсус маънавий йўлдир. Ўз-ўзидан маълумки, қанча кўп ибодат қилинса, шунча кўп савоб ҳосил бўлади. Ушбу таълимот ва вазифаларни муршиди комил муридларига ўргатади ва раҳнамолик қилади. Тариқат ота-онага, пиру устозга муҳаббатли бўлиш, Нажмиддин Кубро каби она Ватан учун жон фидо қилиш, Хожа Аҳрори Валий каби юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун бор куч ва имкониятини бахшида этишдир.

Нақшбандийлик тариқатининг буюк намоёндаси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) ислом динини ҳаёт, шахс ва оила билан, жамият равнақи билан боғлаб “Кам егил, кам ухла ва кам гапир” деб насиҳат қилганлар. Соҳибқирон Амир Темур ҳам бу шиорга амал қилиб, аркону давлатга, барча мулозимларга айтар сўзим шу бўлди: “Кам енглар – очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар – мукаммаликка эришасизлар, кам гапиринглар – доно бўласизлар”, – деб таъкидлаган. [2:25]

Тасаввуфдаги инсон камолотига ёрдам берадиган ва уни ғафлат уйқусидан уйғотиб ҳушёрлик, огоҳлик манзилига олиб чиқадиган асосий амалиётлардан бири зикрдир. Тариқатлардаги эътиқодларнинг бирида инсон руҳияти махфий зикрдан яъни, овоз чиқармай Аллоҳни ёд этишдан лаззат олса, бошқасида жаҳрий зикрдан яъни, баланд овозда мусиқа ва рақс орқали Аллоҳни ёд этишдан фойдаланилади.

Нақшбандия тариқатида Маҳмуд Анжир Фағнавий давридан то Баҳоуддин Нақшбандгача Хожагон тариқати вакиллари хуфя зикр билан бирга жаҳрия зикрни ҳам бажарганлар. [6:26-27]

Мавлавийлик тариқати Нақшбандийликдан фарқли ўлароқ самоъ зикрга асосланади. Мавлавийликда самоъ зикрнинг мусиқа билан ошкора ҳамда тасаввуфда айтиладиган “шатаҳот” (“жўш урмоқ” маъноларида) ҳолати кўринишлари акс эттирилади.

Мавлавия тариқатига 1240 йилда машҳур илоҳиётчи ва шоир Жалолиддин Румий (1207-1273) томонидан асос солинган. Жалолиддин Румийни кўпинча “Мавлоно” деб аташган ва тариқат номи ҳам шундан олинган. “Мавлоно” – атамаси устозларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатилган ва хурмат маъносида шахс номидан аввал айтилган. Дастлаб ушбу тариқат фаолияти Туркия ва Эрон ҳудудларига ёйилиб, шаҳар аҳолисининг ўрта ва қуйи қатламлари, кейинроқ юқори табақалари ҳам қўшилган.

Мавлавия тариқатида Мавлоно Жалолуддин Румий раҳматуллоҳи алайҳига нисбат берилган бўлиб, бу тариқат Онадўлида кенг тарқалган. У кишининг насаблари ота тарафдан Абу Бакр Сиддиққа, она тарафдан Мовароуннаҳрда ҳукм сурган Хоразмшоҳлар сулоласига бориб тақалади. У киши кўплаб сафарлардан кейин Султон Алоуддин Салжуқийнинг пойтахти Қўния шаҳрида узоқ вақт яшаб, ўша ерда вафот этиб, дафн қилинганлар. У киши шаръий илмларни кўзга кўринган ҳанафий фақиҳ бўлган ўз оталаридан олганлар. Мавлоно Жалолуддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи мударрис, воиз ва фақиҳ кейинчалик эса сўфийлик, шоирлик ва ҳакимлик билан шухрат қозонганлар. [9:6-7]

Нақбандия тариқатида “Кимнинг жаҳрия зикр қилишга ҳақ-ҳуқуқи бор?” – деган саволга Маҳмуд Анжир Фағнавий шундай жавоб берганлар: “Жаҳрий зикрни тили ёлғон ва тухматдан пок, ошқозони ҳаром овқатдан озод, қалби икки юзламачиликдан холи, ботини ўткинчи дунё икир-чикирлари ва беҳуда нарсаларига беришдан эркин бўлган сўфийгина бажариши мумкин”. Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг фикрича, ошкора ёки хуфя зикрдан мақсад бир хил – Ҳақ ва ҳақиқатга етишдир. Икки нав зикрда ҳам ҳикмат, масалаҳат, ҳолат зарурати мавжуд. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳияти орқали олган тарбияларига асосан зикри хуфияга амал қилган. Мир Кулол ҳам Аллоҳнинг иродасига бўйсуниб, Баҳоуддинга зикри хуфия талқинини ўргатган. [6:27]

Манбаларга кўра Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари жаҳрий зикр ва самоъ мажлисида ўтириб қолишга мажбур бўлганлар. Шунда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларидан ана шу зикри рақсу самоъ ҳақида сўралганда, “Инкор ҳам намекуним, ин кор ҳам намекуним!” яъни “Инкор ҳам қилмаймиз, бу ишни ҳам қилмаймиз!” деб таъкидлаганлар. [10] Ушбу маълумотлар “Рашаҳот” ва “Мактубот” каби манбаларда ҳам қайд этилган бўлиб, бу бугунги кунда айтилаётган диний бағрикенгликнинг асосидир.

Мавлавия тариқати вакиллари ташкил этилганидан кўп ўтмай сунний тариқат бўлса-да, ўзларининг маънавий силсила халқасини Али ибн Абу Толибга улайдилар ва жаҳонда кенг тарқалган ўн иккита мустақил тариқатлардан бири деб ҳисоблайдилар. [7:126]

Юқорида таъкидалаганимиздек, Нақшбандия амалиётининг асосий қисмини тариқат вакилининг қалби билан махфий зикр қилиши яъни Аллоҳ номини эслаши ташкил этса, Мавлавия тариқатида эса овоз чиқариб яъни, жаҳрий зикр қилиш афзал саналади.

Манбаларга кўра махфий зикрни ҳазрати Пайғамбаримиз ғорда Абу Бакрга ўргатганлар, овоз чиқариб зикр қилишни эса Ҳазрати Алига айтганлар. [1:173] Шунинг учун Нақшбандиянинг баъзи жамоаларида иккала зикр ҳам амалиётда бўлган бўлса, Мавлавия тариқатининг Али ибн Абу Толибга уланишига замин яратган.

Баҳоуддин Нақшбанд даврида зикри хуфиянинг жорий қилиши нақшбандийликнинг асосий шиорига яъни “Даст ба кору дил ба ёр”га тўлиқ мос келган. Зикри хуфиянинг устун томонлари шунда эдики, инсонлар меҳнат қилаётганда ҳам, ўтирганда-турганда ҳам, бир жойга тўпланмаган ҳолда ҳам, шовқин сурон кўтармасдан, рақсу самоъ қилмасдан зикри хуфия айтиши мумкин эди. Яъни доимий зикрда бўлиш имкониятига эга эдилар. Нақшбандия тариқатидаги ушбу қоида ҳам таълимотни омма орасида кенг тарқалишига сабаб бўлган.

Мавлавия тариқати вакиллари ўз мавлавияхона ва хонқоҳларига эга бўлиб, бу

ерда зикру самоъ (араб. — эслаш, ёдга олиш — тасаввуфда худони ёдга олиш билан боғлиқ “самоъ” маросими ва шу маросимда ижро этиладиган мусиқий шеърий туркум) билан шуғулланишган. Бошқа тариқатлардан фарқли ўлароқ, Мавлавияда жамоа бўлиб, мусиқа тинглаш, куйлаш ва қулоч ёзиб гир айланиб зикр тушиш маросимига алоҳида эътибор берилган. Мавлавия тариқати “гарди дарвишлар” номи билан ҳам машҳур бўлган.

Жалолиддин Румий самоъ пайтида мусиқани қўллар экан, инсон ҳиссиётларини моҳиятга қараб йўналтириш ва инсон қалбини эритиш учун мусиқадан “сўзсиз сўз” сифатида фойдаланган. Бу эса ўз навбатида Мавлавия тариқатида зикру самоъни юксак поғонага олиб чиқишга замин яратган.

*Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур*
*Айрилиқлардан шикоятлар қилур* [8:230].

Най тасаввуфда ошиқ яъни илоҳий ишқ ошиғининг рамзий образидир. Ориф ва оқил инсоннинг, ўзини илоҳий ишқ йўлига бағишлаган инсони комилнинг лутфи ниҳоятда ошиқона ва лазиз бўлиши керак. Ўзини тоза ҳаётидан айрилган найнинг “жудоликдан шикоятлар қилиши” ориф инсоннинг руҳи каби ҳамиша боқий руҳоният оламига интилиши кабидир.

Нақшбандия тариқати ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан янги тарбия усуллари яъни суҳбат таълими, яширин, ботиний зикр, “анжуман ичра хилват”ни тарғиб қилиши билан Мавлавия тариқати қоидаларига яқиндир. Яъни, Аллоҳга яқинлашишнинг бутунлай янги бўлган, сифат жиҳатдан аввалги тариқатлардан тубдан фарқ қиладиган ўн битта қоида, талаб ва усулларини ишлаб чиққанлиги ва Мавлавия ва Нақшбандия тариқатларидаги махфий ва жаҳрий зикрнинг қўлланишлари шулар жумласидандир.

Мавлавия тариқатида Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ҳақни таниш, нафсни тийиш, илм олиш ва меҳнатда бўлиш каби сўфиёна қарашлари ҳам айнан нақшбандийлик тариқати ғояларига ўхшашдир.

*Ҳаққа юзлан, ўзгасин тарк эт ҳамон,*
*Бўл ўзинг шул ворис мулки жаҳон.*

Сен жаҳон мулки яъни, охиратнинг соҳиби бўлай десанг, ёлғиз Ҳақ таолога сиғин, ўзгалардан сақлан. Чунки охиратда на дунё, мол-мулк, на оға-инииг сенга кўмак беришдан ожиздир. Ёлғиз Аллоҳгина марҳамат қилса, нажот топгувчисан. Зеро:

*Насли Одамнинг қаноти ақлидир,*
*Лек ақллар бир-биридан фарқлидир.*

Аллоҳ инсонни барча жонзотлардан кўра ақл-идрокли қилиб яратиб, уни улуғ ва шариф қилди. Ақл боис Одам оламни забт этади. Аммо ақл Ҳақни танишга талпингандагина хайрга, улуғлик мақомига етишади – деб, таъкидлайди Мавлоно. [3:125]

Жалолиддин Румийнинг фалсафий қарашларида Аллоҳ борлиқдан кўра беҳад олий моҳиятдир. У ҳар қандай инсоний Эзгулик ва Ёвузлик, Борлиқ ва Йўқликдан юксакроқдир. Унинг яратилган олам билан муносабати англаб бўлмайдиган сир, Аллоҳни билиш оддий ўткинчи инсонга хос эмас. Бундан кўриниб турибдики Румийнинг Аллоҳ тўғрисидаги тушунчаси жуда ҳам нафис ва ранг-баранг, уни фақат бир томонлама оддий пантеизм — борлиқ бирлиги (ваҳдат ул-вужуд) тарафдори деб ҳисоблаш мумкин эмас. [7:124]

Жалолиддин Румий машҳур илоҳиётчи, шоир ва мавлавия тариқатининг даҳоси саналади. Жалолиддин Румийнинг машҳур ғояси “Ҳақ ва оламни билишда қалбингни кўз қил”, шиоридир. Мавлавия тариқати қатъий марказлаштирилган тасаввуф йули бўлиб, Усмонли султонларнинг кўпчилиги ҳам айнан мавлавия тариқати билан алоқадор бўлганлар.

Жалолиддин Румий барча файласуфлар каби, инсон ўзгаришни ўзидан бошлаши кераклигини таъкидлайди. Мавлононинг фикрига кўра, инсон токи жамиятда яшар экан, халққа хизмат қилиши керак. Халққа хизматда бўлмаган одам Ҳаққа хизмат қилдим деб айта олмайди. Жалолиддин Румий илгари сурган ҳақпарварлик ғояси Нақшбандия тариқатидаги ҳақпарварлик ғоясига жуда яқиндир. Халқпарвар бўлмасдан туриб, худбинларча ёндашув орқали ҳақпарвар бўлиши мумкин эмас, фақат бу дунёдаги эзгу амалларгина, инсонни Ҳаққа яқинлаштиради, банда ўзини ўзгаларга яхшилик исташи орқалигина яхшиланиб боради.

Мавлоно Жалолиддин Румий қарашларида бирор бир мутаассиблик, ақидапарастлик намуналари кўзга ташланмайди. Румий

фалсафасининг чўққиси мазҳаблараро низоларда бағрикенглик (толерантлик) ғоясини илгари суришидадир. Инсон мазҳаблар ва динлар учун яратилмаган, аксинча, улар инсон учун яратилган.

Мавлоно Румий дунёга зийрак кўз билан назар солиб, инсонни қандай бўлса шундай ўрганади ва инсон қалби тўридаги энг нозик, яширин сирларни кўрсатиб беради. Румий инсонни тадқиқ этиш асносида унинг табиати ва интилишларини кузатади, қалб туғёнларини қидириб топади. Инсоннинг буюклиги билан бирга, нуқсонлари яъни нафси, ҳирси оқибатида келиб чиқадиган ёвузликларни таҳлил этиб, булардан қутилиш, покланиш йўлларини кўрсатади. Румий асарларида инсоннинг маънавий камолотга эришиш йўллари, маърифатли бўлиши, ва саодатга эришиши содда ҳаракатлар орқали баён этилган. Румий инсон камолоти учун курашчи шахс сифатида майдонга чиқиб, инсонни ўзлигини англашга, ёмонликдан нафратланишга ва яхшиликдан фахрланишга ўргатади. Румий инсонларни тўғриликка, софликка йўналтириши ва илм олишга ундаши билан бирга эзгулик ва покликни тарғиб қилган ва ўзи комилликнинг намунаси айланган.

*Яхшилик қил, замон яхшилик олсин,*
*Яхшилар бошига яхшилик солсин.*
*Мол-дунё барчадин, сендин ҳам қолур,*
*Яхшиси мол эмас, яхшилик қолсин* [8:232].

Мавлавия тариқати ҳозир Туркияда кенг тарқалган, Эронда ҳам бу тариқат тарафдорлари бўлган, лекин ўта кескин пантеистик қарашлари сабабли Эрон шоҳи томонидан қувғин қилинган. Мавлавия тариқати вакиллари баланд овоз билан ракс ва мусиқа орқали зикр қилганликлари сабабли Ғарбда уларни “чарх уриб айланувчилар” ёки раққос дарвешлар деб ҳам атаганлар. Шу билан бирга Мавлавия тариқати вакиллари доимо насронийлар ва яҳудийларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлганлар. [5:344]

Мавлавия тариқати вакилларининг ташқи кўринишларидаги фарқлари дарвешлик кулоҳи бўлиб, улар қалпоқ кийиб юришга одатланганлар. Жалолиддин Румий ҳаётлигида мавлавия тариқатининг издошлари нақшбандия тариқати каби куйи табақа вакиллари ва ҳунармандлардан иборат бўлган. Мавлавия тариқати Жалолиддин Румий вафотидан (1273) сўнг мустақил йўналиш сифатида кенгайиб борган.

Мавлавия тариқатидаги сўфиёна амалларининг оммавий тус олиши ва Румийнинг сўфиёна ёзилган “Маънавий маснавий”сининг шуҳрати натижасида халқ орасида машҳурликка эришган. Жалолиддин Румийнинг лирик шеърлар ва тўртликлардан иборат буюк асари ҳисобланмиш “Маънавий маснавий”да Қуръони Каримнинг ботиний маъноси акс этирилганлиги сабабли Абдураҳмон Жомий уни форс тилидаги Қуръон яъни Ҳаст Қуръон дар забон-и паҳлави деб атаган. [4:15]

Шу билан бирга Абдураҳмон Жомий Баҳоуддин Нақшбандни ҳам тавсифлаб “Ясриб-Мадина, Батҳо-Маккада урилган муқаддаслик муҳрини, охирги навбатда Бухорода урдилар. Ул муқаддаслик муҳри Шоҳи Нақшбанднинг дилидан ўзга баҳраманд бўлмади. Ул пок гавҳар, яъни Баҳоуддин ҳар ерда бўлавермайди, Унинг маъдани Бухоро тупроғидадир” –деб, таъкидлаган. Чунки Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўллари ва у киши яратган таълимот энг комил инсон, буюкларнинг буюги Муҳаммад (с.а.в.) суннатларига уйғундир. [6:76]

Юқорида таъкидлаганларимиздан шундай хулосага келиш мумкинки зикр хоҳ махфий бўлсин хоҳ жаҳрий зикр бўлсин у яратувчининг зоти ҳақида шундай диққат билан ўйлашки, зикр қилувчининг барча вужуди қалбига тобеъ бўлиб унинг изидан бормоғи лозим. Зикрдан мақсад кўнгилни ёмон туйғу ва мақсадлардан тозалаб, ҳар доим Аллоҳ ёди билан машғул бўлиш ва ҳаққа эришишдир. Тариқат аъзосининг ҳамиша дилида Аллоҳни сақлаб яширин зикр ҳолатида бўлиши унинг одобини билдирган.

Тасаввуф – Жалолиддин Румий туфайли халқ шеъриятига кириб бориб, унга инсонийлик ғояларини сингдириб, халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигига айланган бўлса, Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот асосидаги меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, илм-маърифатга интилиш ва бутун борлиққа муҳаббат ғоялари орқали комил инсонни тарбиялашга хизмат қилган.

Тасаввуф нақшбандийликда ўзининг ижтимоий, маънавий-мафкуравий хусусияти билан диний ва этник бағрикенгликни ифодалаган бўлса Мавлавийликда тасаввуф доирасига куй-қушиқ, мусиқа, ҳатто ракс

тушиш каби расм-русмларнинг киритилиши этник, тил, ижтимоий-иктисодий жиҳатдан турлича бўлган халқлар томонидан тасаввуф ғояларининг қабул қилиниши ва этномаданий жиҳатдан тасаввуфнинг кенг ёйилишига замин яратган.

Умуман олганда мавлавия ва накшбандия тариқатлари назарий жиҳатдан фақат зикрда фарқ қилсада, амалда комил инсонни тарбиялашни тарғиб қилган ва умумбашарият тан олган тариқатлардир.

Бугунги кунда ҳам тасаввуф ғояларининг ёшларнинг маънавий камолоти ва руҳан поклигини тарбиялашдаги аҳамияти ниҳоятда катта. Айникса, ҳозирги даврда давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган “ҳалоллик вакцинаси”ни яратиш ва коррупцияга қарши курашда тасаввуф таълимотининг ғоявий-руҳий таъсири бекиёсдир.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**


1. Абдуллоҳ Исматуллоҳ Ҳожи. Баҳоуддин Накшбанд. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар.Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 335.
2. Амир Темур ўгитлари. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 29.
3. Жалолиддин Румий. Най ноласи: Ҳикматлар. насрий матн муаллифи Хайрулло Қосим (Қосимов Хайрулло). - Т.:Yurist-media markazi, 2011 йил. -120 бет.
4. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. (Таржима шарҳи билан. Таржимон Асқар Маҳкам. Масъул муҳаррир Т.Маҳмудов.) – Т.: “Шарқ”, 1999. – 368 б.
5. И.П.Петрушевский. Ислам в Иране в VII—XV веках (курс лекций) / Отв. редактор В.И.Беляев. Л.: Издательство Ленинградского университета, 1966.— 400 с.
6. Наврўзова Г., Зойиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. Тошкент: Muharir nashryoti, 2018. – Б. 79.
7. Пўлатов Ҳ., Маматов М. Тасаввуф тарихидан лавҳалар. Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2011. Б. 320.
8. Радий Фиш. Жалолиддин Румий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2005. Б. – 240.
9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Тошкент: Sharq, 2012. – Б. 275.
10. Ҳамидуллоҳ Беруний. Зикр ҳақидаги кўрсатувга муносабат. https://ahlisunna.uz. 22.06.2018.



**Бекзодбек МУХТАРОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази катта ўқитувчиси abdulbosit.2014@mail.ru*


# АБУ ЛАЙС САМАРҚАНДИЙНИНГ МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

# ВКЛАД АБУ ЛАЙСА САМАРКАНДИ В ДОКТРИНУ МОТУРИДИ

# ABU LAYS SAMARKANDI’S CONTRIBUTION TO THE DOCTRINE OF MOTURIDI


***Аннотация**. Мовароуннаҳр ҳанафий уламоларидан бири аллома Абу Лайс Самарқандий ҳаёти ва илмий фаолияти тадқиқотчилар томонидан кенг тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотларда олимни машҳур фақиҳ ва муфассир сифатида берилган. Ушбу мақолада Абу Лайс Самарқандий илмий фаолиятининг калом илмига оид жиҳатларини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият берилган. Самарқандийни ҳанафий-мотуридий олимларидан бири сифатида мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси очиб берилган.*



***Калит сўзлар:** Самарқандий, фиқҳ, калом, ҳанафий-мотуридий, манба, рисола, имон, имон шартлари, тавҳид.*



***Аннотация.** Жизнь и научная деятельность одного из ханафитских ученых Мовароуннахра, ученого Абу Лайса Самарканди, широко изучается исследователями. В этих исследованиях ученый представлен как известный юрист и комментатор. В данной статье особое внимание уделяется изучению аспектов научной деятельности Абу Лайса Самарканди в области теологии. Раскрыт его вклад в развитие мотуридизма как одного из ученых ханафи-мотуриди.*



***Ключевые слова:** Самарканди, фикх, калам, ханафи-мотуриди, источник, трактат, вера, условия веры, монотеизм.*



***Annotation.** The life and scientific activity of one of the Hanafi scholars of Movarounnahr, the scholar Abu Lays Samarkandi, has been widely studied by researchers. In these studies, the scholar is presented as a famous jurist and commentator. This article pays*

*special attention to the study of the aspects of Abu Lays Samarkandi's scientific activity in theology. His contribution to the development of Moturidism as one of the Hanafi-Moturidi scholars was revealed.*

***Keywords:*** *Samarkandi, fiqh, kalam, hanafi-voturidi, source, treatise, faith, conditions of faith, monotheism.*

Абу Лайс куняси билан машҳур бўлган Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Хаттоб Самарқандий Тавзий Ҳанафий мовароуннаҳрлик етук фақиҳ ва тафсиру уламоларидан бири бўлган. Ҳанафий фиқҳи борасидаги хизматлари учун “Фақиҳ” ва ҳанафий-мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси учун “Имом ал-ҳуда” (“Тўғри йўлга чорловчи имом”) унвонлари билан танилган. Олимнинг туғилган йили борасида турли хил қарашлар мавжуд. Уларда 301/914-310/922 йиллар орасида Самарқандда туғилган, деган фикр устунроқ саналади [1:220]. Олимнинг вафот этган санаси ҳақида ҳам табақот китобларида 383/993, 373/983, 375/985, 376/986, 393/1003 ва 396/1006 йиллар зикр этилган. Тадқиқотларда олимнинг вафот этгани санаси сифатида Дowаний “Табақот ал-муфассирин” асарида 393/1003 йилнинг жумадул охир ойининг 11-куни, деб келтирилган маълумотга кўпроқ суянилган.

Самарқандий Мовароуннаҳрда ислом илмларининг калом, фиқҳ, ҳадис, тафсир, луғат ва тарих каби илм соҳалари ривожланган даврда яшади. Абу Лайс Самарқандда туғилиб, ушбу шаҳарда улғайди. Самарқанд фиқҳ ва калом мактаби вакилларидан илм ўрганиб, етук олим бўлиб танилди. У дастлаб отаси Муҳаммад ибн Иброҳим Тавзийдан таълим олади. Ундан сўнг эса замонасининг фақиҳлари Абу Жаъфар Ҳиндувоний, Халил ибн Аҳмад Қози Сажний, Муҳаммад ибн Фазл ва бошқа устозлардан ҳадис, калом ва тафсир илмларидан таҳсил олади [2:76]. Шунингдек, Балх, Бухоро, Бағдод каби шаҳарларга у ердаги уламолардан илм олиш учун сафарлар қилади.

Самарқандий устози Абу Жаъфар Ҳиндувоний орқали ҳанафий фақиҳлари шажарада, Абу Мансур Мотуридий орқали эса ҳанафий-мотуридий вакиллари шажарасида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Ушбу икки шажара эса билвосита мазҳаб асосчиси имом Абу Ҳанифага етиб боради.

Кўп йиллик риёзат ва илм йўлидаги заҳматлар натижаси ўлароқ Самарқандий фиқҳ, калом, ваъз, зуҳд ва тафсир борасида машҳур олим бўлиб танилди. Шундан сўнг Аллома устоз-шогирдлик анъанасини давом эттириб, умрининг охирига қадар кўплаб талабаларга устозлик қилди. Улар орасида Луқмон ибн Ҳаким Фарғоний, Абу Молик Наъим Хатиб, Муҳаммад ибн Абдураҳмон Зубайрий, Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад, Абу Абдуллоҳ Тоҳир ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср Ҳаддодий каби етук олимлар етиишб чиқди [8:79].

Абу Лайс араб тили билан бир қаторда форс тилини ҳам мукаммал билган. Икки тилда кўплаб асарлар таълиф этган. Шунингдек, олим ўзининг “Баҳр ал-улум” тафсирида оятлардаги сўзларнинг луғавий маънолари, жумлаларнинг фалсафий жиҳатларини ҳамда баъзи оятларнинг тиббий фойдаларини ҳам келтириб ўтган.

Самарқандийнинг тафсир, фиқҳ, усул ад-дин (калом), тасаввуф (зуҳд ва рақоиқ) илмларига оид китоблари маълум ва машҳур. Жумладан:

*Тафсир илмига оид “Баҳр ал-улум” (“Илмлар денгизи”) асари.* Ушбу асар “Тафсири Самарқандий”, “Тафсир Аби Лайс Самарқандий” ва “Тафсир ал-Қуръон” номлари билан машҳур [9]. Мазкур асарнинг “Баҳр ал-уълум” деб номланган замонавий нашрлари 1985-1986 йилларда Бағдодда ва 1993, 1997 йилларда Байрутда амалга оширилган [4,5,6]. Шунингдек, Алоуддин Али Яҳё Самарқандий (ваф. 860/1456 й.) томонидан ҳам “Баҳр ал-улум” номли тафсир ёзилгани маълум.

*Фиқҳ илмига оид асарлари:*

“Хизона ал-фиқҳ” (“Фиқҳ хазиналари”) асари. Бу асарда ҳанафий фиқҳига оид масалаларнинг мухтасар таърифи берилган. Унинг 1467 ва 1814 йилда кўчирилган икки қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Асар Салоҳиддин Ноҳий томонидан тадқиқ этилиб, 1965-1967 йилларда Бағдодда унинг замонавий нашри амалга оширилган.

“Уюн ал-масоил” (“Масалаларнинг кудуқлари”) асари. Бу асарда Самарқандий ҳанафий фиқҳига оид назарий масалаларни жамланган. Асарда Абу Ҳанифа ва у кишининг шогирдларидан бошлаб то олим яшаган даврга қадар бўлган вақт оралиғида яшаган ҳанафий уламолари томонидан келтириб ўтилган масалалар зикр этилган. Мазкур асар Абдураззоқ Қодирий томонидан 1960 йилда Ҳайдарободда, Салоҳиддин Ноҳий томонидан эса 1965-1967

йилларда Бағдодда нашр этилган[2]. Котиб Чалабий мазкур асарга Алоуддин Усмандий томонидан шарҳ ёзилганини таъкидлаган.

"Муқаддима Абу Лайс" ("Абу Лайс муқаддимаси") асари. Ушбу асар "Муқаддима фи ас-солат" ва "Муқаддима фи ал-фиқҳ" каби номлар билан аталади. Ушбу асар намоз ва унга тегишли масалаларни ўзида жамлаган. Баъзи ақидавий масалалар ҳам баён этилган. Асарга кейинги аср ҳанафий уламолари томонидан бир нечта шарҳ ва изоҳлар ёзилган. Жумладан, Ҳасан Тулунийнинг "Шарҳ муқаддима Аби Лайс фи ал-фиқҳ", Муслиҳуддин ибн Мустафо ибн Айдоғмушнинг "ат-Тавзиҳ аъла муқаддима ас-солат ли Аби Лайс ас-Самарқандий" номли шарҳлари, Тожиддин ибн Арабшоҳ томонидан амалга оширилган назмий баёни мавжуд. Асар 1962 йилда Варшавада Ананиаз Зажазковский томонидан, 1987 йилда Измирда Режеб Топарли томонидан нашр этилган.

"Ан-Навозил" ("Нозил бўлганлар") асари. Унинг "ал-Фатово", "ан-Навозил мин ал-фатово", "Фатово ан-навозил" ва "Муҳтарат ан-навозил" каби номлар билан ҳам аталгани маълум. Бу асар фатволар ҳақидаги китоб бўлиб, Мовароуннаҳрда фатво жанрида ёзилган илк манбалардан бири саналади. Кейинги аср олимлари ушбу асар асосида ўз фатво тўпламларини ёзишган. 1936 йилда Ҳайдарободда асарнинг араб тилидаги замонавий нашри амалга оширилган.

"Таъсис ан-назоир ал-фиқҳийя" ("Фиқҳ намуналарини таъсис этиш") асари. Ушбу асар ҳам олимнинг ҳанафий фуруъ ал-фиқҳ илмига оид асарларидан бири хисобланади.

"Ал-Мабсут" ("Батафсил баён этилган") асари. Фуруъ ал-фиқҳ илмига оид китоб. Ҳанафий фиқҳи тарихида 9 та "Мабсут" номли асарлар ёзилган. Жумладан, Имом Сарахсий, Шамсул аимма Ҳалвоний, Ҳохарзода Бухорий, Фахрулислом Паздавий, Носируддин Самарқандий каби фақиҳларнинг шу номдаги китоблари маълум.

"Ан-Наводир ал-муқайяда" ("Қайдланган ажиб нарсалар") асари. Самарқандий мазкур асарида ҳанафий фиқҳига оид нодир масалаларни жамлаган.

"Шарҳ ал-жомеъ ал-кабир" ("Катта тўплам шарҳи") ва "Шарҳ ал-жомеъ ас-сағир" ("Кичик тўплам шарҳи") асарлари. Ҳанафий мазҳаби асосчиларидан бири имом Муҳаммад ибн Хасан Шайбонийнинг "ал-Жомеъ ал-кабир" ва "ал-Жомеъ ас-сағир" асарларига ёзилган шарҳ.

"Муқаддима фи баён ал-кабоир вас-сағоир" ("Катта ва кичик амаллар баёни ҳақида муқаддима") асари. Тақабот китобларида Самарқандийнинг шу номда китоби мавжудлиги келтириб ўтилган.

"Фатово Аби Лайс" ("Абу Лайс фатволари") асари. Олим ушбу асарида ҳанафий фиқҳига оид фатволарни жамлаган.

"Мухталиф ар-ривоя" ("Ривоятлардаги қарама-қаршиликлар") асари. Мазкур асар мужтаҳидлар орасида мавжуд фарқли фиқҳий қонун-қоидалар ва ихтилофли масалаларни ўзида жамлаган. Ушбу асар хилоф илмига оид мўътабар манба бўлиб, Нажмуддин Насафийнинг "ал-Манзума" асари мазкур асарнинг шарҳи саналади. "Мухталиф ар-ривоя" асари Абдураҳмон ибн Муборак Фараж томонидан 2005 йил Ар-Риёзда нашр этилган [3].

*Тасаввуф илмига оид асарлари:*

"Танбеҳ ал-ғофилин" ("Ғофилларга огоҳлантириш") асари. Мазкур асар 94 бобдан иборат бўлиб, унда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўзлари ҳамда салафи солиҳларнинг ваъз-насиҳатлари жамланган. Китобда ақида, ибодат, одоб-ахлоқ, Қуръон ва рамазон ойининг фазилати, ота-онанинг ўз болалари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, боланинг ўз ота-онаси олдидаги мажбуриятлари, шароб ичишдан, ёлғон сўзлашдан, ҳасад қилишдан қайтариш, етимларга хайру саховат, раҳм-шафқатли бўлиш, касбнинг фазилатлари, ҳалол меҳнат қилиш каби боблар ёритилган. "Танбеҳ ал-ғофилин"нинг Бухоро амири Ҳайдар (1800–1826) топшириғи билан 1873 йил кўчирилган қўлёзмалари ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Асар 1886, 1189, 1892, 1894, 1897, 1901 йилларда Қоҳирада, 1869 йилда Калкуттада, 1887 йилда Бомбейда, 1983 йилда Байрутда, 1985 йилда эса Дамашқда қайта-қайта нашр этилган. Шунингдек, Ўзбекистонда асар бир неча марта ўзбек тилида нашр этилган.

"Бўстон ал-орифин" ("Орифлар бўстони") асари. Бу китоб ахлоқ ва тарбияга оид муҳим манба бўлиб, унда таълим-тарбияга оид кўп ривоятлар, тарихий воқеалар, ҳикоялар ва ҳадислар келтирилган. Асар 159 бобдан иборат бўлиб, унда илм ўрганиш, салом бериш, овқатланиш одоби, ичимликлар, табобат, илм ва

адаб фазилатлари каби боблар мавжуд. Мазкур китоб ҳам бир неча марта араб тилида нашр этилган. Жумладан, 1868 йилда Калькуттада, 1869, 1872, 1879 йилларда Истанбулда, 1872 йилда Булакда, 1985 йилда Дамашқда асарнинг араб тилидаги замонавий нашри амалга оширилган. Шунингдек, юртимизда ҳам асарнинг ўзбек тилидаги нашри амалга оширилиб, кенг жамоатчиликка етиб борган.

"Қуррот ал-уъюн ва мифроҳ ал-қалб ал-маҳзун" ("Кўзларнинг қувончи ва маҳзун қалбнинг шодлиги") асари. Мазкур асар Шаъронийнинг "Китоб мухтасар ат-тазкира" ("Қисқа тазкира ҳақида китоб") асарига ҳошия тарзда ёзилган [10:544-545].

*Усул ад-дин (калом) илмига оид асарлари:*

"Баён ақида ал-усул" ("Асосий ақида баёни") асари. Самарқандий ушбу асари калом илмига оид бўлиб, у яна "Усул ад-дин" ("Диннинг асоси") номи билан ҳам машҳур. Бунга калом илми мазкур даврда "усул ад-дин" номи билан номлангани ҳам сабаб бўлган. Мазкур асар Индонезия, Малайзия ва Африка минтақасида аҳли сунна вал жамоа ақидасини жамлаган манба сифатида кенг ёйилган. Асар ҳақидаги маълумотларни А.В.Жуйнболл 1881 йилда Лейденда чоп этган рисоласида айтиб ўтади.

"Асрор ал-ваҳий" ("Ваҳийнинг сир-асрорлари") асари.

"Рисола фи ал-маърифа ва иймон" ("Иймон ва маърифат (Аллоҳни таниш) ҳақида рисола") асари.

"Рисола фи ал-ҳикам" ("Ҳикматлар ҳақида рисола") асари.

"Қувват ан-нафс фи маърифа ал-аркон ал-хомс" ("Беш арконни билишда нафснинг қуввати") асари [11:563,568].

"Шарҳ ал-фиқҳ ал-акбар" ("Катта фиқҳнинг шарҳи") асари. Мазкур асар Абу Ҳанифанинг "ал-Фиқҳ ал-акбар" асарига ёзилган шарҳ хисобланади. Баъзи манбаларда "Шарҳ ал-фиқҳ ал-абсат" номи билан ҳам зикр этилган. Бунга Абу Ҳанифанинг шогирди Абу Мутиъ Балхий устозининг китобини шу номда зикр этгани сабаб бўлган. "Шарҳ ал-фиқҳ ал-акбар"да мотуридий мактаби вакилларига оид жумлалар учрасада, тадқиқотчи Ҳанс Даибер уни Абу Лайс Самарқандий қаламига мансуб эканлигини таъкидлаган.

"Уқубат аҳл ал-кабоир" ("Гуноҳи кабира аҳлининг оқибатлари") асари. Абу Лайс Самарқандийга нисбат берилган мазкур асар Мустафо Абдулкарим Ато томонидан 1983 йил Байрутда ва 1989 йил Бағдодда нашр этилган.

Юқорида зикр этилган асарлар сони ва мавзуларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Абу Лайс Самарқандий ўз даврининг ислом илмларида етук олимларидан бири бўлган. Олим қайси соҳада фаолият олиб бормасин, унинг қарашлари ва соҳага оид китоблари мазкур соҳа ривожига улкан ҳисса қўшган. Хусусан, фиқҳ илми борасида олим ҳанафий фақиҳлар табақасининг "Мужтаҳид ал-масоил" ("Масалалардаги мужтаҳид")лар табақасига мансуб бўлиб, ўз даврининг ижтимоий-диний ҳаётида мавжуд масалаларга ечим топа билган. Ҳанафий фиқҳига оид мухтасар китоб таълим этиш системасига асос солган, хилоф илми ва ундаги масалаларни баён этишда биринчилардан бўлиб асар таълиф этган. Шунингдек, мазҳаббошиларнинг ижтиҳодлари ва кейинги аср фақиҳларининг қарашларини бир соҳага жамлаган матн ёзиш услубини ҳанафий фақиҳлари орасида биринчи бўлиб ўзининг "ан-Навозил" асари орқали бошлаб берган.

Абу Лайс Самарқандийнинг калом илмидаги қарашлари Абу Ҳанифа ва унинг шогирдларининг ҳанафий ақидаси борасидаги таълимотларини давом эттирган ҳамда мотуридийлик таълимоти вакилларининг фикрлари билан ҳамоҳанг бўлган. Олимнинг калом илмига оид мероси ва уларда баён этилган масалалар моҳияти бунга яққол мисол бўлади.

Жумладан, Самарқандийнинг "Баён ақида ал-усул" ("Асосий ақида баёни") асари бизгача етиб келган бўлиб, мазкур асарда ҳанафий-мотуридий ақидаси очиб берилган. Ушбу асар кичик рисола кўринишида бўлиб, унинг муаллифи борасида турли хил қарашлар мавжуд. Жумладан, Броккелман, Счачт ва Фуат Сезгин каби тадқиқотчилар рисолани Абу Лайс Самарқандий қаламига мансуб деб, айтсалар, В.Жуйнболл ва Ф.Кернлар Лондондаги Британия музейида (№ 871 рақам остида) сақланаётган қўлёзма нусхасида рисола муаллифи Муҳаммад Самарқандий деб келтирилганини таъкидлайдилар. Шунга қарамасдан, бошқа кўплаб кутубхоналардаги нусхаларида рисола Абу Лайс Самарқандий томонидан айтилиб, ёзилгани келтирилган. Ушбу рисола қўлёзмаларида "Рисола усул ад-дин", "Ақида ал-усул" ва "Ақида" номлари билан зикр этилган.

Мазкур асар ўн олтита масалани ўз ичига олиб, унда имоннинг еттита шарти ва у билан боғлиқ масалалар савол-жавоб тарзида баён этилган кичик рисола саналади. Рисола “Шайх, имом, ажал, зоҳид Абу Лайс Муҳаммад ибн Абу Наср Иброҳим Самарқандий айтади: Сендан “Имон нима?” деб сўраса”, - сўзлари билан бошланади [7:1b]. Ундан сўнг Аллоҳга имон келтириш борасидаги масала келтирилиб, унда Аллоҳнинг “Воҳид”, “Фард”, “Самиъ”, “Басир”, “Холлақ” каби сифатлари баён этилган. Кейинги масалада фаришталарга имон келтириш ҳақида сўз боради. Унда фаришталарнинг мартабалари, фариштларнинг сақловчи, қўриқловчи, ёзиб борувчи, ваҳий олиб келувчи каби турлари зикр этилиб, улар Аллоҳ таолонинг хос махлуқотлари эканлиги, еб-ичиш ва шаҳватдан ҳоли, Аллоҳнинг зикри ва буйруқларини адо этиш билан машғул бўлиши айтилади. Уларга муҳаббатли бўлиш имон шартларидан бири бўлиб, баъзиларига имон келтириб, баъзиларини инкор этиш куфр саналиши таъкидланади.

Кейинги масала илоҳий китобларга имон келтиришга бағишланган. Унда Аллоҳ таоло ўз бандаларидан танлаган кишилари, яъни набийларига китоб нозил қилгани, уларда ҳеч қандай шак ва ноқизлик йўқлиги, Аллоҳнинг каломи эса қадим ва махлуқ эмаслиги ҳақидаги фикрлар келтириб ўтилган. Ким агар китобга ёки унинг бирор ояти ё сўзига шак келтирса, натижаси куфрга олиб келишидан огоҳлантирилган.

Самарқандий Аллоҳ таоло томонидан юборилган китоблар сони ҳақида тўхталиб, набийларга 104 китоб нозил қилингани, улардан 100 таси саҳифалардан иборат эканлигини айтади. Мавзу давомида Шис алайҳиссаломга 50 саҳифа, Идрис алайҳиссаломга 30 саҳифа, Иброҳим алайҳиссаломга 10 саҳифа, Мусо алайҳиссаломга 10 саҳифа, Таврот китобини Мусо алайҳиссаломга, Инжилни Исо алайҳиссаломга, Забурни Довуд алайҳиссаломга ҳамда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръонни нозил этилганини зикр этади [7:1b-2a].

Навбатдаги масала набийларга имон келтириш масаласи бўлиб, унда пайғамларнинг биринчиси Одам алайҳиссалом, охиргиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам экани, барча набийлар Аллоҳ таоло томонидан танланган, маълум бир ишларга амр қилинган, ягона Аллоҳга имон келтиришга чақирилгани, уларнинг ҳаммалари катта-кичик гуноҳлардан маъсум эканлиги, уларга муҳаббатли бўлиш имон шартларидан бири бўлиб, улардан баъзиларини ёки бирортасини инкор этиш куфр эканлиги каби масалалар батафсил баён этилган.

Самарқадий кейинги масалада Одам, Нуҳ, Мусо, Иброҳим, Исо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар янги шариат билан келгани ҳамда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган шариат аҳкомлари қолган барча шариатларни бекор қилишини таъкидлайди.

Набийларнинг сони навбатдаги масалада баён этилиб, у ҳақида: “Бизнинг наздимизда уларнинг адади 124 мингни ташкил этади”, - дейилган. Кейинги масалада эса 300 та набий ва 13 та расул юборилганлиги таъкидланган. “Биз учун уларни исмларини билиш ёки билмаслик шарт қилинганми?” деган саволга, Аллоҳ таолонинг **“Улардан кимнингдир қиссасини сенга айтдик ва улардан кимнингдир қиссасини сенга айтмадик”** (Ғофир сураси, 78-оят) сўзига мувофиқ Қуръони карим ва ҳадиси шарифда исмлари зикр этилган набийларни билиш ва исмлари зикр этилмаганлари билан машғул бўлмаслик лозимлиги баён этилган [7:2a].

Навбатдаги масала Қиёмат ва охират кунига имон келтириш ҳақидаги савол билан бошланади. Унинг жавоби эса Самарқандий: “Аллоҳ таоло қиёмат кунида жаннат ёки жаҳаннамдагилардан ташқари барча махлуқотларни халок қилади. Сўнгра бандаларнинг амалларини ҳисоб қилиш учун уларни қайта тирилтириб, бир жойга жамлайди. Улар адолат билан ҳисоб-китоб қилиниб, икки тоифага ажратилади. Мўминлар жаннатга кириб, у ерда абадий қоладилар. Кофирлар эса жаҳаннамга кириб, у ерда абадий қолади. Ким агар қиёмат қоим бўлиши ва у кунда содир бўладиган нарсалар ҳақида шак келтирса, куфр бўлади”, - дея таъкидлайди.

Қадарга имон келтириш қандай бўлади? деган саволга кейинги масалада жавоб берилган. Унда олим: “Аллоҳ махлуқотларни яратиб, уларни тўғри йўга йўллаган. Тақиқларни тарк этишга буюрган. Лавҳ ва қаламни яратиб, иккисига бандаларнинг амалларини ёзишни амр этган. Банданинг итоати Аллоҳ таолонинг азалий ризоси билан бўлади. Банданинг исёни

(итоатсизлиги) эса Аллоҳнинг қазоси ва қудрати билан юзага келади. Аммо унда Аллоҳнинг ризоси бўлмайди", - деб айтади [7:2b].

Кейинги масалада имонни жузъларга бўлиниши ёки бўлинмаслиги муҳокама этилади. Унда имон Аллоҳнинг ва инсонларнинг наздида жузъларга бўлинмаслиги, инсон қалб, руҳ ва жасаддан иборат бўлгани каби имон ҳам бўлинмас нарса экани келтирилган.

Навбатдаги масала ҳам имон борасида бўлиб, унда имоннинг асли нима эканлиги ҳақида сўз боради. Имонинг асли ҳақида Самарқандий: "Имон тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги)дан иборатдир", - деб таъкидлайди.

15-масалада намоз, рўза, закот, фаришталарга, китобларга, расулларга, яхши ва ёмон қадарга, улардан бошқа буйрук ва қайтариқларга муҳаббат қилиш ҳам имон саналадими? деган саволга олим "Имон бу тавҳид бўлиб, ундан бошқалари имоннинг шартлари хисобланади", - деб жавоб берган [7:3a].

Асардаги охирги масала ҳам имон ҳақида бўлиб, унда имон махлуқ ёки махлуқ эмаслиги борасидаги қарашлар баён этилган. Абу Лайс Самарқандий "Имон ҳидоят, тасдиқ ва иқрордан иборат. Ҳидоят махлуқ эмас. Аммо иқрор ва тасдиқ (бандаларнинг феъли билан содир бўлгани учун) махлуқ бўлади. Аллоҳ таоло **"Ҳолбуки, сизни ҳам, қилган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!"** (Соффот сураси, 96-ояти) деган", - дея таъкидлайди.

Юқорида келтирилган масалалардан аён бўладики, Абу Лайс Самарқандий мазкур рисоласида ҳанафий-мотуридий ақидасининг асоси бўлган имон ва унинг шартларини батафсил баён этган. Ундаги мавжуд масалалар нафақат ўз даври учун, балки кейинги асрларда юзага келган нотўғри қарашларни бартараф этиш, инсонларни тўғри эътиқодини саломат сақлаш ҳамда мусулмонларни турли ақидавий тоифаларга бўлинишдан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этган. Шу сабабли ҳам олимга "Имом ал-худа" – "Тўғри қўлга чорловчи" унвони берилган.

Самарқандий ҳаёти ва илмий фаолияти борасидаги тадқиқотларнинг аксарида олим фақиҳ сифатида тилга олинган. Аммо юқорида зикр этилган маълумотлардан маълум бўладики,



**Абу Лайс Самарқандийнинг "Баён ақида ал-усул" асари қўлёзмаси.**

Абу Лайс Самарқандий нафақат ҳанафий фақиҳи, шу билан бирга ҳанафий-мотуридий таълимотининг мутакаллим олими бўлган. Олимнинг фиқҳ борасида ёзган асарлари Мовароуннаҳр ҳанафий фиқҳ илми ривожига улкан ҳисса қўшган бўлса, унинг калом илмига оид маънавий мероси мотуридийлик таълимоти ривожида муҳим ўрин тутиб, аҳли сунна ақидасини мустаҳкамлаш ва инсонларни тўғри эътиқодда бўлишларини таъминлаган.

## АДАБИЁТЛАР


1. Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-исломийя, 1896. – Ж 1. – 262 б.
2. Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Самарқандий. Уъюн ал-масоил фи фуруъ ал-ҳанафийя. (Муҳаммад Ноҳий таҳқиқи остида). – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998. – 229 б.
3. Абу Лайс Самарқандий. Мухлатиф ар-ривоя. (Абдураҳмон ибн Муборак Фарач таҳқиқи остида). – Ар-Риёз: Мактаба ар-рушд, 2005. – 2221 б.
4. Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Самарқандий. Тафсири Самарқандий (Баҳр ал-улум). (Закариё Абдулмажид Нутий ва бошқалар таҳқиқи остида). – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1993. – Ж 1. – 600 б.
5. Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Самарқандий. Тафсири Самарқандий (Баҳр ал-улум). (Закариё Абдулмажид Нутий ва бошқалар таҳқиқи остида). – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1993. – Ж 2. – 552 б.
6. Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Самарқандий. Тафсири Самарқандий (Баҳр ал-улум). (Закариё Абдулмажид Нутий ва бошқалар таҳқиқи остида). – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1993. – Ж 3. – 536 б.
7. Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Самарқандий. Рисола усул ад-дин. Лондон: Британия музейи. Қўлёзма. №. 871. – В. 1b-3a.
8. Абулфидо Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо Судуний. Тож ат-тарожим. – Байрут: Дор ал-қалам, 1992. – 568 б.
9. Aydar, Hidayet. “Ebu’l-Leys Tefsiri Tercümesi Mukaddimesi: İstiâze Kısmının Değerlendirilmesi”. Bülent Ecevit Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi, 5/2 (2018): 167-193.
10. Муҳйиддин Ибн Муҳаммад Абдулқодир Ҳанафий. Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-ҳанафийя. – Ар-Риёз: Дор ал-улум, 1993. – Ж 3. – 686 б.
11. Ҳожи Халифа Мустафо бин Абдуллоҳ. Кашф аз-зунун ан асомия ал-кутуб вал фунун. – Байрут, Ливан: Дор иҳё ат-турос ал-арабий, 2008. – Ж 2. – 559 б.



**Дилфуза ЗАКИРОВА,**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO кафедраси мустақил тадқиқотчиси*
dilfuza_zakirova89@gmail.com


# ИСЛОМДАГИ ТАҚИҚЛАР: АҚИДАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ОРАСИДАГИ ЁНДАШУВЛАР

# BAN IN ISLAM: APPROACHES BETWEEN DOGMATIC SCHOOLS

# ЗАПРЕТЫ В ИСЛАМЕ: ПОДХОДЫ МЕЖДУ ДОГМАТИЧЕСКИМИ ШКОЛАМИ


***АННОТАЦИЯ.*** *Мақолада исломдаги ақидавий йўналишлар орасидаги ёндошувлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинди. Ислом таълимотига кўра, табиатдаги кичик ҳужайралардан тортиб, энг катта сайёраларгача ҳаммаси илоҳий қонуниятларга бўйсунади. Жамият таъсири бўлмаган муҳитда ҳам муайян мувозанат мавжуд. Мақолада исломда мавжуд диний тақиқларнинг ақидавий асослари, турли ақидавий йўналишларнинг бу борадаги ёндошувлари тадқиқ ва таҳлил қилинган.*



***Калит сўзлар:*** *инсон, яхши, ёмон, ақл, табиат, дин, муносабат, муътазила.*



***ANNOTATION.*** *The article reveals a scientific analysis of the approaches between doctrinal directions in Islam. According to Islamic teachings, everything from the smallest cells in nature to the largest planets is subject to the laws established by Allah. If there is a wild environment without human influence, you can definitely see uniqueness, balance and tone in it. The article examines how a person’s position in committing good and evil deeds is voluntary and ultimately accountable to the Creator for their choice.*



***Key words:*** *man, good, bad, mind, nature, religion, attitude, mutazila*



***АННОТАЦИЯ.*** *В статье научно проанализированы сходства между различными течениями в исламе. Согласно исламскому учению, от маленьких клеток в природе до самых больших планет, все подчиняются законам, установленным Аллахом. Если есть дикая среда без влияния человека, то, конечно, там можно увидеть специфику, баланс и тонус. В статье исследуется, как позиция человека в совершении добрых и злых поступков является*

*добровольной и в конечном итоге подотчетна Создателю за свой выбор.*

***Ключевые слова:*** *человек, хорошее, плохое, разум, природа, религия, отношение, мутазила.*

Динлардаги таъқиқлар ва чегаралар ҳам ўзига хос бир маъно ва мазмунга эга. Илоҳий динларнинг барчасида таъқиқлар мавжуд. Жумладан яҳудийлик ва христианликдаги “ўнта аҳд” номи билан танилган феълларнинг ярмидан кўпи таъқиқлардан иборат ва улар Европа халқлари орасида бир неча минг йиллардан бери муайян жамият ва дин вакиллари ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қоида сифатида амал қилиб келмоқда. Ислом динида ҳам таъқиқлар мавжуд бўлиб, улар асосан ҳаром сўзи билан ифодаланган.

Ислом монотеистик динлардан бири сифатида ўз таълимотларининг инсон табиатига айнан мос келишини уқтиради. Ислом таълимотига кўра, табиатдаги кичик ҳужайралардан тортиб, энг катта сайёраларгача ҳаммаси Аллоҳ томонидан ўрнатилган қонуниятларга бўйсунади. Агар инсон таъсири бўлмаган ёввойи бир муҳит бўлса у ерда албатта ўзига хос, мувозанат ва оҳангни кўриш мумкин. Бундай мувозанат барча мавжудотларда бор. Фақат инсонга ихтиёр (иродаи жузъия) берилганки, у ўзининг яхши ва ёмон ҳаракатларини қилишда ихтиёрий бўлиб, охир-оқибат ушбу танлови юзасидан Яратганнинг қошида ҳисобот беради.

Ислом динида таъқиқлашнинг фалсафий тамойиллари таҳлил қилинар экан яхшилик ва ёмонлик ҳамда уни аниқлаш манбаи, исломнинг асосий мақсадлари ва инсон манфаатлари тушунчалари ўрганилади. Бунда яхшилик ва ёмонлик (ҳусн ва қубҳ), шариат мақсадлари ва манфаат (маслаҳат) назариялари таҳлил қилинади. Биринчи назария билан ислом динида яхшилик ва ёмонлик мезони ва ҳаракатларни яхши ёки ёмон деб ҳисоблаш манбаи ўрганилса, иккинчи назарияда ҳаракатларга шаръий баҳо беришдан кўзланган мақсадлар аниқлаштирилади ва ислом нуқтаи назаридан инсон манфаати тушунчаси таҳлил қилинади. Ислом динида шариатдаги ҳукмлар инсонни Аллоҳ яратган экан, унга нима фойдали ва нима зарарли эканини у билади деган фалсафа негизида изоҳланади.

Иш ва ҳаракатларнинг ўзи яхши (ҳусн) ва ёмон (қубҳ) деган сифатга эгами ёки шариатда буюрилгани учун яхши, таъқиқлангани учун ёмон бўлганми деган савол мусулмон мутафаккирларини ўйлантирган. Калом илмида бир неча мактаб мавжуд бўлса ҳам, уларнинг асосийлари бу муътазилийлар, ашъарийлар ва мотуридийлардир. Уларнинг бу масалага ёндашувлари қуйида баён қилинади.

Муътазилийлар яхшилик ва ёмонлик феълларнинг ўзида мавжуд бўлган ҳақиқий хусусият деб билади. Бу қарашни аслида биринчи бўлиб Жаҳм ибн Сафвон илгари сурган [1:346] бўлса ҳам, бу қарашни кейинчалик муътазилилийлар қабул қилиб, уни ривожлантирганлар. Муътазилийлар яхшилик ва ёмонликнинг ҳақиқий эканлигида якдил бўлсалар ҳам тафсилотларида қарашларнинг фарқланишини кузатиш мумкин. Масалан Иброҳим Наззом (ваф. 231/845), Абулҳузайл Аллоф (ваф. 235/849), Абу Жаъфар Искофий (ваф. 240/854) ва Абу Али Жуббоий (ваф. 303/916) каби илк давр муътазилийлар яхшилик ва ёмонлик феълларнинг зотига оид бир хусусият деб ҳисоблашган.

Яхшилик ва ёмонлик феъллардаги ҳақиқий хусусият бўлганлиги боис уни ақл идрок эта олади ва бунда ақлнинг ўзи кифоя деган ғояни илгари суришган [10:54]. Уларга кўра, феълларда яхши ва ёмон хусусиятлар мавжуд бўлгани учун Аллоҳ уларни қилишга чақирган ёки уларни қилишни таъқиқлаган. Яхшилик яхшилик бўлгани учун буюрилган, ёмонлик эса ёмонлик бўлгани учун таъқиқланган. Диндаги буйруқ ва таъқиқлар яхшилик ва ёмонликни намоён қилиб беради, аммо бирор феълни яхши ёки ёмон қилмайди. Масалан, зинонинг ёмонлигини оқибатига қараб билиш мумкин. Динда зинонинг таъқиқланиши унинг таъқиқдан сўнг ёмон ҳисобланишига олиб келмаган, балки ўзи ёмон бўлгани учун таъқиқланган.

Аммо Абулқосим Каъбий (ваф. 319/931), Қози Абдулжаббор (ваф. 415/1025) ва Абулҳусайн Басрий (ваф. 436/1044) каби кейинги давр муътазилийларида қарашлар бироз ўзгаради. Жумладан, улар яхшилик ва ёмонликни феълларнинг зотига эмас, балки сифатига оид бир хусусият деб билишган. Шунга кўра, уйга кириш феъли рухсат билан кирилса яхши бўлиб, изнсиз кирса ёмон бўлади. Яна сажда ҳам агар Аллоҳга қилинса яхши,

аммо ундан бошқага қилинса ёмон бўлади [4:16]. Яъни ҳар бир ҳаракат ҳолатига қараб яхши ёки ёмон бўлиши мумкин. Яхшилик ва ёмонликни ҳолатига қараб ўзгаради деб ҳисоблайдиган муътазилийлар феълларни 3 гуруҳга ажратганлар:

1. Яхшилик ва ёмонлик деб ҳисобланмайдиган ҳолат. Бунда инсоннинг ихтиёри бўлмасдан қилинган ишлар кўзда тутилади. Масалан, уйқу ҳолатида қилинган феълларга уларнинг содир бўлганлигидан ташқари, яхшилик ва ёмонлик хусусиятлари бўлмайди.
2. Фақат ёмонлик бўлган феъллар.
3. Фақат яхшилик бўлган феъллар [5:6/10].

Бундан ташқари булар ақлнинг яхшилик ва ёмонликни белгилаб берувчи мезон деган фикрдан қайтиб, ақл фақат яхшилик ва ёмонликни идрок эта олади дейишган. Улар яхшилик ва ёмонликни идрок этишнинг уч хил даражасини кўрсатишади:

1. Бадиҳий шаклда идрок этиш. Бунда ҳаётдаги оддий ҳақиқатлар кўзда тутилиб, улар ҳар бир инсоннинг яхшилик ва ёмонлик эканлигини ақл юритиб ўтирмасдан била оладиган нарсалардир. Масалан, бирор неъмат эвазига шукроналик қилишнинг, чўкаётган инсонни қутқаришнинг ва фойдали тўғри сўзнинг яхши экани, шунингдек, нонкўрликнинг, чўкаётган инсонга ёрдам бермасликнинг ва зарарли ёлғоннинг ёмонлик эканини идрок этиш каби.
2. Бироз ақл юритиб идрок этиш. Чунки айрим феълларнинг яхши ёки ёмон эканини дарҳол билиш қийин. Шунинг учун бироз тафаккур орқали уларни билиш мумкин бўлади. Масалан, зарарли бўлган тўғри гапнинг ёмон эканини ва фойдали ёлғоннинг яхши эканини билиш каби.
3. Ваҳий орқали идрок этиш. Бунда масаланинг моҳиятини ақл билан идрок этиш мушкул бўлган ибодатлар каби масалалар кўзда тутилади. Чунки, ибодатларнинг асл моҳиятини, яхшилигини ақл тўлиқ идрок эта олмаслигини мумкин. Шунинг учун бундай масалада ваҳийга эргашилади. Шу сабабли ҳам пайғамбарлар келиб, динни тушунтирганлар [6:64/66].

Кўриб турганимиздек, иккинчи гуруҳ муътазилийлар ақлни ҳукм чиқарувчи сифатида кўришмаган. Учинчи қисмда ҳукмронлик ваҳий тарафда бўлса, биринчи ва иккинчи қисмда ақл томонидан идрок этилган билим дин томонидан қўллаб-қувватланади. Бу ерда диққат қилинадиган нарса шуки, муътазилийлар яхшилик ёмонликда ҳукмни белгилаб берувчи ақл эмас, балки Аллоҳ эканлигини кўрсатишидир. Ҳукмни Аллоҳ қўяди, ақл эса уни идрок этади. Буни улар билимни Аллоҳ инсон ақлига жойлаштиргани билан изоҳлашади. Жумладан шундай дейди:

“Мукаллафнинг зиммасидаги диний ва дунёвий мажбуриятлар бир бутун ҳолда ақлга жойлаштирилган. Фақат ақл мукаллафлар зиммасидаги барча қилиши ёки қилмаслиги керак бўлган нарсаларни батафсил билмайди” [6:31/32]. “Пайғамбарлар олиб келган ҳар бир нарса бутун ҳолда ақлга жойлаштирилган ҳукмларнинг тафсилотларидир. Илгари айтиб ўтганимиздек, манфаатнинг яхши эканлиги ва зарарнинг ёмон эканлиги ақлда мавжуд. Фақат биз ҳар бир жузъий феълларга “бу манфаатдир”, “бу зарардир” деган ҳукмни чиқариш имконига эга эмасмиз. Шунинг учун пайғамбарлар бу каби феълларнинг ҳолатини ўргатиш учун келганлар. Шунга кўра, пайғамбарлар илгари Аллоҳ томонидан ақлимизга жойлаштирилган ҳукмларни қўллаб-қувватламоқда ва тафсилотларини кўрсатиб бермоқда. Шунинг учун ҳам пайғамбарларнинг ҳолатлари табибларнинг ҳолатларига ўхшайди. Зеро, табибларнинг вазифаси “бу ўсимлик фойдалидир” ва “бу ўсимлик зарарлидир” шаклидаги ҳукмлари билан муайян ўсимликларнинг ҳолатларини баён қилиб бериш. Биз уларнинг ушбу баёнидан илгари инсон баданига зарарли бўлган нарсаларни бартараф қилиш лозим эканини ҳамда фойдали бўлган нарсаларни қилишнинг яхши эканини билар эдик” [4:62/64.].

Демак муътазилийлар бу масалада догматик рационалистлардан фарқли қарашга эга эканини кўрамиз. Чунки, файласуфларга кўра ақл фақат идрок этувчи эмас, балки ҳукмни юзага келтирадиган бир асосдир. Ваҳоланки, муътазилийлар бошқа мутакаллимлар каби ақлни ҳукмни ижод қилувчи деб эмас, балки идрок этувчи, баён қилувчи бир билиш манбаи сифатида кўришади.

Шу билан бирга, ақлнинг бадиҳий шаклда қабул қилган зотий ёки нисбий ҳукмларнинг тақозоси бўлган шаръий ҳукмларни беришни Аллоҳнинг зиммасидаги мажбурият деб билишади. Уларга кўра, Аллоҳ таоло ақл яхши

деб билган нарсаларни буюриши, уларни қилганларни мақтаб, уларга савоб бериши, шунингдек ақл ёмон деб билган нарсаларни таъқиқлаши, уларни қилганларни ёмонлаб, уларни жазолаши лозим. Чунки ақл яхши ёки ёмон деб билган нарсалар Аллоҳнинг наздида ҳам шундай ҳолатда деб билишади[2:863/864]. Яъни илоҳий амр ва таъқиқлар феълларданги зотий ва нисбий сифатларга мос эканлигини кўриш мумкин, бу эса ақлнинг ҳукмларини қўллаб-қувватламоқда. Қози Абдулжабборнниг: “Илоҳий таъқиқлар ёмон феълларнинг ёмон бўлишини тақозо қилмайди, балки намоён қилади. Илоҳий амрлар ҳам яхши феълларнинг яхши бўлишини тақозо қилмайди, балки намоён қилади” деган гапининг мазмуни ҳам шу эди [4:254.].

Мотуридийлар эса муътазилийлардан фарқли ўларок ўрта миёналик қарашни илгари суришган. Имом Мотуридийга кўра, яхши ва ёмонлик икки нуқтадан келиб чиқмоқда: инсон ақли ва инсон табиати. Ақл яхши ёки ёмон деб билган нарсалар билан инсон табиатининг яхши ёки ёмон деб билган нарсалари бир хил бўлиши ҳам мумкин, бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин[3:170]. Айрим нарсаларнинг яхши ёки ёмон эканлиги ақлда бадиҳий шаклда мавжуд. Ақл буларни идрок қилади, буюради ёки таъқиқлайди. Масалан, неъматга қаршилик сифатида раҳмат дейиш, тўғрилик ва адолатнинг яхши эканлиги, нонкўрлик, зулм ва ёлғоннинг ёмон эканлигини ақл идрок эта олади [3:178,181,217,218]. Ақлнинг яхши деб билган нарсаси ҳолатга қараб ўзгармайди [3:201,223,224.].

Инсон табиати эса, ақлдан бироз фарқланади. Ақл яхши деб билган нарсани инсон табиати ёмон деб билиши мумкин. Инсон табиатига кўра белгиланган яхшилик ва ёмонлик кўникма, қилмаслик ва бошқа ташқи омиллар тасирида ўзгариши мумкин [3:218,221,224]. Имом Мотуридий яхши ва ёмонларни моҳиятига кўра иккига ажратади: ўзи яхши ёки ёмон бўлган феъллар ва оқибати яхши ёки ёмон бўлган феъллар [3:201]. Мотуридийликка кўра, яхшилик ва ёмонлик ақл билан идрок этилади. Нарсалар ва феълларнинг ўзида яхшилик ва ёмонлик мавжуд. Ақл ҳам феъллардаги хусусиятлар, улардан ҳосил бўлган яхшилик ёки ёмонликларга қараб феълларнинг кўпчилигида яхшилик ёки ёмонликни идрок эта олади.

Демак, мотуридийлик таълимотига кўра, ақл яхши деб билган нарсасини буюриш ва ақл ёмон деб билган нарсаларни таъқиқлаш Аллоҳнинг зиммасидаги мажбурият эмас, балки унга муносиб бир ишдир. Шундай экан, соф ақл идрок этган яхшилик ва ёмонлик негизида мажбурият юзага келмайди. Балки шариатнинг кўрсатмаси ва Пайғамбарларнинг таълимотлари негизида гуноҳ ёки савоб белгиланади. Фақат бунда битта истисно бор: имон. Яъни мотуридийликка кўра, ақл яхши ва ёмонни идрок этса ҳам шариатда бу аниқ келмаган бўлса, инсон ўзича савоб ва гуноҳни белгилай олмайди.

## АДАБИЁТЛАР:


1. ан-Нашшор, Али Сомий. Нашъатул фикрил фалсафий фил ислом. Қоҳира: Дор ал-маориф, 1992. Ж.1.
2. Ибн ал-Малоҳимий Маҳмуд ибн Муҳаммад. ал-Муътамад фи усулид дин. Нашрга тайёрловчи: У.Маделунг. -Теҳрон: Муассаса-йи мутолаоти исломий, 1390.
3. Имом Мотуридий. Тавҳид. Нашрга тайёрловчи: Фатҳуллоҳ Хулайф. –Истанбул: 1979.
4. Қози Абдулжабор. Шарҳ усулил хамса. Нашрга тайёрловчи: Абдулкарим Усмон. -Қоҳира: Мактабатул усра, 2009.
5. Қози Абдулжаббор. ал-Муғний фи абвоб ат-тавҳид вал-адл. Нашрга тайёрловчи: Маҳмуд Қосим. Нашр йили ва жойи кўрсатилмаган. Ж.6.
6. Қози Абдулжаббор. ал-Муҳит фит таклиф. Нашрга тайёрловчи: Умар Саййид Азмий. -Қоҳира: аш-Шарикат ал-Мисрия. Нашр йили кўрсатилмаган.

**Salima RUSTAMIY**
*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi O‘zbek tili va mumtoz sharq adabiyoti kafedrasi dotsenti*
*filologiya fanlari doktori*
*s.rustamiy@iiau.uz*

# AYRIM LAFZIY SAN’ATLAR TAVSIFI

# О НЕКОТОРЫХ ФОНЕТИЧЕСКИХ ПРИЕМАХ РЕЧИ

# ABOUT SOME ENUNCIATIVE ARTS OF SPEECH

*Badiiy vositalar tilda mavjud bo‘lgan fonetik, morfologik, leksik va sintaktik xususiyatlardan kelib chiqib, tilshunoslik hodisalari asosida amalga oshadi. Tillarning o‘zaro umumiy xususiyatlari bo‘lgani kabi bir-biridan farq qiluvchi o‘ziga xos jihatlar ham mavjud. Shunga ko‘ra barcha tillar uchun xos bo‘lgan badiiy san’atlar bilan bir qatorda ayrim tillar uchun xos bo‘lmagan san’atlar ham bor. Mazkur maqolada arab tili uchun xos bo‘lgan lafziy san’atlar tavsiflangan.*

**Tayanch iboralar:** *balog‘at ilmi, badiiy san’atlar, kalom, lafziy san’atlar, saj’, tajnis, tarse’, tavze’, e’not.*

*Художественные приёмы образуются на основе языковых явлений на базе имеющихся в языке фонетических, морфологических, лексических и синтаксических особенностей. Между языками существует общие и отличительных друг от друга аспекты. Соответственно, наряду с художественными приёмами, которые существтвуют на всех языках, есть также приёмы, которое не харктерны для некоторых языков. В данной статье описываются фонетические приемы, которые характерны для арабского языка.*

**Ключевые слова**: *наука о баляга, художественные приемы, фраза, фонетические приемы, рифмованная фраза, tajnis, tarse’, tavze’, e’not.*

*Artistic techniques are formed on the basis of linguistic phenomena, thanks to the phonetic, morphological, lexical and syntactic features in the language. There are common and distinctive aspects between languages. Accordingly, along with literary arts that exist in all languages, there are exist techniques that are not typical for some languages. This article describes the enunciative arts that are typical for the Arabic language.*

**Keywords:** *science of balagha, literary arts, phrase, enunciative arts, rhymed phrase, tajnis, tarse’, tavze’, e’not.*

Badiiy nutqni anglashning muhim omillaridan biri uning lingvostilistik va lingvopoetik tahlilini amalga oshirishdir. Bunday tahlilning asosini badiiy vositalar tashkil qiladi. O‘rta asr olimlari nutq shakliga xizmat qiluvchi va ma’noga xizmat qiluvchi badiiy vositalarni ajratib ko‘rsatib berganlar va ularning mohiyatini aniq bayon qilganlar. Lekin balog’at ilmining maqsadi kalom tuzish masalasiga grammatik yondashuv bo‘lmagani uchun badiiy vositalarning gapdagi grammatik vazifalari alohida ko‘rsatilmagan.

Kalomga husn beruvchi badiiy vositalarning hosil bo‘lishi, albatta, tilda mavjud bo‘lgan fonetik, morfologik, leksik va sintaktik xususiyatlardan kelib chiqib, shu tilda ro‘y berishi mumkin bo‘lgan tilshunoslik hodisalari chegarasida amalga oshadi. Tillarning o‘zaro umumiy xususiyatlari bo‘lgani kabi bir-biridan farq qiluvchi o‘ziga xos jihatlar ham mavjud. Shunga ko‘ra barcha tillarda faol bo‘lgan badiiy san’atlar bilan bir qatorda ayrim tillar uchun faol bo‘lmagan san’atlar bor. Mazkur maqolada fonetik vositalarning arab tili uchun faol bo‘lgan turlari tavsifi amalga oshirilgan.

**Saj’.** Tovushdoshlikning o‘zi bir necha ko‘rinishlarga ega bo‘lib, bular nutqqa turli miqdor va darajada husn bag‘ishlaydi. Bularning eng husndori va eng ko‘p foydalaniladigani so‘z oxiridagi tovushdoshlik bo‘lib, bundan so‘z ustalari tomonidan nazmda qofiya va nasrda saj’ yasaladi [11:15]. Masalan: xalq bularning tovushdoshligini hisobga olib من جدّ وجد؛ الكذب داء و الصدق شفاء؛ لا تعمل الخير رياء و لا تتركه حياء kabi saj’li maqollarni yaratgan.

سَجْعٌ (saj’) so‘zi arabcha سَجَعَ (g‘uv-g‘uvlamoq (kaptarlarga nisbatan); qofiyali nasrda yozmoq) fe’lining masdaridir. Sakkokiy saj’ga shunday ta’rif beradi:السجع يكون في النثر ، كالقافية في الشعر كقولك ما أبعد ما فات ، وما أقرب ما هو آت (saj’ nasrda xuddi she’rdagi qofiya kabi bo‘ladi).

Balog‘at ilmida saj’ning hosil bo‘lishi uchun aynan tovushlar mutanosibligi zarur shart ekani hisobga olinib, badi’ ilmining lafziy san’atlari [18:308] qatorida o‘rganiladi. Chunki saj’da so‘zning tovush jihati e’tiborga olinadi, ma’nosi esa saj’ san’ati hosil qilishda ishtirok etmaydi, ammo ayni vaqtda ma’no e’tiboriga ko‘ra hosil bo‘luvchi tavriya, tiboq, muqobala, husnu-t-ta’lil va boshqa

san'atlardan biri yoki bir yo'la bir nechtasining hosil bo'lishida qatnashadi.

Saj' haqida Burhoniddin Atoulloh Mahmud Husayniy o'zining «Badoyi'u-s-sanoyi'» asarida «Arabiyat ahlining bir toifasi nazdida nasrg'a xosdur va bu toifa saj'ni nasr fosilalarining oxirg'i harfta muvofiqlig'idin iborat deb bilipturlar. Fosiladan murod ul so'zdirkim, aning tufaylidin kalom qarinlari, ya'ni bo'laklari bir-biridin ayrilib turg'ay. Bu san'atta, qaerda zikr etilmasun, oxirg'i harftin murod so'z o'zagidagi qofiya raviysi yanglig' amalda bo'lg'an oxirg'i harf yoki o'shul harfqa o'xshash o'zga bir harftur» deydi [1:62]. Bu ta'riflar saj' san'ati faqat so'zlardagi tovushlar mutanosibligi orqaligina amalga oshishini ko'rsatadi.

Atoulloh Husayniy «Miftoh» sohibi, saj', ya'ni nasr bo'laklari oxiridag'i so'zlar she'rdag'i qofiya kibidur deptur. Ravshan va mashhuri ham aning ushbu qavlidur» deb Abu Yoqub Yusuf as-Sakkokiyning ta'rifiga ishora qiladi va saj'ning ta'rifida ixtilof bo'lganidek, uning turlarini aniqlashda ham ixtilof borligini ta'kidlab shunday deydi: «Bir toyifa derkim, aning nav'lari uchdur: saj'-i mutavoziy, saj'-i mutarraf, tarsi'. Bu toifa tarsi'ni alohida san'at deb bilmaslar va ani nasrg'a xos deb bilurlar. Ikkinchi bir toifa derkim, tarsi' saj' nav'laridin emastur, ul alohida san'attur va aning uchinchi nav'i saj'i mutavozindur» [1:62].

Lekin ko'pchilik sharq filologlari saj'ni Atoulloh Xusayniy tasnifiga mos ravishda uch, ya'ni mutavoziy, mutarraf, mutavozin turlarga bo'ladilar. Jumladan, XV asrda yashagan Shayx Ahmad Taroziy badiiy san'atlarga bag'ishlangan «Fununu-l-balog'a» [2] asarida saj'ni nazmga nisbatan qo'llaydi va Husayniyy tasnifiga mos keluvchi saj'u-l-muvozana, ya'ni mutavozin, saj'u-l-mutavoziy va saj'u-t-tarafa, ya'ni mutarraf turlarga ajratadi.

**«Saj'-i mutavoziy ohangdosh raviydosh lafzdoshlikdan ibo-rat»** [10:99], ya'ni saj' hosil qilayotgan so'zlar ham vaznda, ham tovushlarda o'zaro mutanosiblikka ega bo'ladi. Masalan, «qalam» bilan «alam», «jur'at» bilan «sur'at» singari. Haririy maqomasidan misol:

طوحت بي طوايح الزمن إلى صنعاء اليمن (Zamon oqimi meni Yaman Sanasiga olib ketdi) [12:72].

تبا لك من خريج مارق و تلميذ سارق (Sendek itoatsiz shogirdga va o'g'ri o'quvchiga la'nat bo'lsin) [12:62].

Bu misollarda الزمن الزمن va سارق– مارق so'zlari saj'-i mutavoziy hosil qilgan.

**«Saj'-i mutarraf nobo'g'indosh raviydosh lafzdoshlikdan iborat, ya'ni so'zlar vaznda va tovushlar sonida farq qiladi, lekin oxirgi harflari o'zaro mos bo'ladi»** [10:99]. Masalan: «hol» bilan «ahvol», «nas» bilan «miras» kabi.

ان سلاح الناس كلهم الحديد و سلاحكم الادعية و التوحيد (Barcha odamlarning quroli temirdan, sizning qurolingiz esa da'vat etish va birlashishdir) [12:63].

Bu misolda الحديد bilan التوحيد so'zlari saj'-i mutarraf hosil qilgan.

**«Saj'-i mutavozin yangroqdosh ohangdosh lafzdoshlikdan iborat, ya'ni saj' hosil qilayotgan so'zlar vaznda mutanosib, lekin tovushda farqli bo'ladi»** [10:99]. Masalan: «nazm» bilan «nasr», «nosir» bilan «sodiq», «qallob» bilan «dallol» kabi.

تودى الناطق والصامت (Notiq ham, somit ham nobud bo'ldi) [12:63].

Bu misolda الناطق bilan الصامت so'zlari saj'-i mutavozin hosil qilgan.

Shuni ham ta'kidlash joizki, o'rta asrlardan boshlab hozirga qadar ko'pchilik ajam olimlari Sakkokiyning saj'ga bergan ta'rifini qabul qilgan bo'lsalar-da, unga o'z munosabatlarini bildirib, takomillashtirishga harakat qilganlar ham bor. Shuning uchun bu saj'ning ta'rifi masalasida xilma-xillik vujudga kelgan [Qarang: 13:13-15], masalan: «Saj' lug'atta qumrining sayrashini va islohda jumladagi so'zlarning vaznda bir xil bo'lishini ifodalaydi» (Husayin Voiz Koshifiy), «saj'... ikki jumla oxiridagi ikki so'zning tengligidan iborat» (G'iyosiddin bin Jaloliddin), «...so'zlovchi o'z gapida yo vaznda, yo harfiy raviyda, yoki har ikkisida bir-biriga o'xshagan so'z keltiradi» («Abduqahhor bin Ishoq») va h.k.; hozirgi Eron va Turkiya adabiyotshunoslari orasida, masalan: «...saj' hamvazn bo'lmagan, ammo qofiyalangan so'zlardan iboratdir» (Habibullo Omuzgor va b.), «...yozuvchi yoki so'zlovchi o'z gapida vazn yo so'nggi harfda, yo har ikkalasida mos so'zlarni keltiradilar» (Do'iy Javod), «Saj' kalomi mansurda ikki fosilaning oxirlarining harfi vohid uzra kelmisina derlar».

Saj'ning ta'rifi va turlari hamda xususiyatlarini sinchkovlik bilan tadqiq qilgan B. Sarimsoqov «Saj' o'z xususiyatlari jihatidan ma'noviy-lafziy san'at hisoblanadi. Chunki u muayyan asardagi mazmunni yorqin ifodalabgina qolmay, balki nozik so'z o'yinlari, ifodaning ohangdorligini

ta'minlashda ham muhim rol o'ynaydi» [13:12] fikri bilan saj'ga bo'lgan an'anaviy yondashuvni o'zgartiradi.

O'zbek arabshunosi M. Saydumarov [12] o'zining Haririy maqomalariga bag'ishlangan tadqiqotida saj' san'atining badiiy xususiyatlari, saj'ning tarkibi, uning badiiy-uslubiy xususiyatlarini tahlil qiladi.

B.Sarimsoqovning saj'ga munosabati, M.Saydumarovning saj'ga «tarkibi, uning badiiy-uslubiy xususiyatlari» jihatdan yondashuvi, bu san'at hozirgi zamon o'zbek adabiyotida «o'zbek folklori va yozma adabiyotidagi saj' quruq shakliy bezak bo'lmay, balki muhim g'oyaviy estetik vazifa bajaruvchi san'at hisoblanadi» [7:51] mezoniga asoslanganini ko'rish mumkin.

Lekin arab tilida saj' badiiylik hosil qilishda faqat fonetik vosita hisoblangan.

**Tajnis.** Tovushdoshlikni talab qiluvchi san'atlardan yana biri jinosdir.

الجناس (jinos) san'ati التجنيس (tajnis) deb ham yuritiladi. «Jinos»ning lug'aviy ma'nosi jinsdoshlikdir. Uning istilohdagi ta'rifi shunday:

الجناس أن يتشابه اللفظان في النطق و يختلف في المعنى

Badi' ilmida talaffuzda o'xshash bo'lib, ma'no jihatdan farq qiladigan ikki so'z jinosni tashkil qiladi, ya'ni bu tushunchaga «paronim va omonimlarga asoslangan badiiy tasvir vositalari mujassamlashgan» [14:52].

Jinos so'zlardagi tovushlarning mosligiga va imlosiga ko'ra bir necha turga bo'linadi. Uning «Talxisu-l-miftoh» [15:35b] asariga ko'ra quyidagi turlari mavjud:

الجناس التام (jinosu-t-tomm). Uالتجنيس التام (at-tajnisu-t-tomm» vaالتجنيس التصريح (at-tajnisu-t-tasrih) deb ham yuritiladi [10: 37]. Bunda ikki so'z to'rt jihatdan, ya'ni tovushlarning turi, shakli, soni va tartibiga ko'ra mos keladi, lekin ma'no jihatdan farq qiladi [18:265; 17:363]. Bu haqda Atoulloh Husayniyning yanada aniq ta'rifi bor, ya'ni tajnis-i-tommda turli ma'noli so'zlar talaffuz jihatdan to'la mos keladi, ya'ni ulardagi harflarning soni, turi va tartibi, shakli, qisqa unlilari va unlisiz undoshlari, undoshlarning ikkilanishi va yakkalanishi, unlilarning cho'ziq va qisqa talaffuzi bir xil bo'ladi [1:39, 294]. Bunday so'zlar tilshunoslik nuqtai nazaridan omonimlarga to'g'ri keladi. Omonimlar orqali jinosning mumosil, mustavfiy turlari hosil qilinadi.

المماثل (al-mumosil)da jinos hosil qilayotgan so'zlar bir xil so'z turkumiga xos, ya'ni yoki faqat ism, yoki faqat fe'l, yoki faqat harf bo'lishi kerak. «Talxisu-l-miftoh»da keltirilgan misol: ساعة (qiyomat kuni) - ساعة (vaqt).

المستوفي (al-mustavfiy) so'zlari ikki xil so'z turkumiga xos bo'lgan jinos. Masalan, يحيا «hayot» so'zining fe'li, يحيا ism:

وَسَمَّيْتُهُ يَحْيى لِيَحْيَا فَلَمْ يَكُنْ إلى رَدِّ أمْرِ اللهِ فِيهِ سَبيلُ [18:263].

(Alloh yo'lida hech qachon Uning amriga qarshi bormay yashasin deb uni Yahyo deb atadim).

جناس التركيب (jinosu-t-tarkib) lafzlardan biri birikmadan iborat bo'ladi. U quyidagi ikki turga bo'linadi:

المتشابه (al-mutashobih) har ikki lafz yozuvda bir xil shaklga ega bo'ladi. Masalan: ذاهبة - ذا هبة

المفروق (al-mafruq) har ikki lafz yozuvda turli shaklga ega bo'ladi. Masalan:

جاملنا - جام لنا (لا) so'zlari:

كلكم قد أخذ الجامَ ولا جامَ لنا ما الذي ضرَّ مدير الجام لو جَامَلَنا [16:97].

al-muharraf) lafzlarning qisqa unlilari)المحرف va unlisiz undoshlari, undoshlarning ikkilanishi va yakkalanishi, unlilarning cho'ziq va qisqa talaffuzi البُرْد - البَرْد :turlicha bo'ladi [1:39-40]. Masalan .

الناقص (an-noqis) so'zlardagi harflar soniga ko'ra farq qiladi. Bunday jinos uch turlidir:

1. So'z boshida bitta harf ortiq bo'ladi. Masalan: ساق مسقة so'zlaridagi kabi.

آنست من قلبي القساوة حين حللت ساوة.

(Men Savaga kelganimda yuragim siqilganini sezdim) [12:54].

Misolda قساوة so'zi ساوة so'ziga nisbatan [q] tovushining ortiqligi bilan farq qiladi.

2. So'z o'rtasida bitta harf ortiq bo'ladi. Masalan: جهد - جدّ;

Alloh taolo) [5] كان الله و لا مكان و هو الآن على ما كان bo'lgan, biror makon bo'lmagan, U hozir oldin ما كان - مكان .(qanday bo'lsa o'shandaydir

3. So'z oxirida bitta harf ortiq bo'ladi. Bu turni mutarraf deb ham ataydilar. Masalan: عواصٍ عواصم so'zlaridagi [m] kabi.

و شرر شر الحسود و انتياب النواب السود

(Yomon hasadning eng kuchlisi keldi, oq (yaxshilik) o'rniga qora (yomonlik) navbatni oldi) [12:61]. Bu misolda شرر va شر so'zlari mutarrafning uchinchi turini, حسود so'zi سود so'zlari birinchi turini hosil qilgan.

«Talxisu-l-miftoh»da noqis jinosning uchinchi turi haqida so'zning ortiq harflari bittadan ko'p bo'lsa, muzayyal deb atovchilar ham borligi aytib o'tilgan. Masalan: الجوانح - الجوى.

Atoulloh Husayniy tajnis-i-noqis haqida uni tajnis-i muxtalif va tajnis-i muharraf1:39] ] deb ham atalishini ta’kidlaydi va «Tal-xisu-l-miftoh» bo‘yicha muharraf jinosga mos keluvchi ta’rifni tajnis-i-noqis nomi bilan keltiradi. «Talxisu-l-miftoh»da noqis jinosga mos keluvchi ta’rif esa «Badoyi’u-s-sanoyi’»da tajnis-i-muzayyalga to‘g‘ri keladi. Bu ma’lumot ba’zi tasniflarda jinosning «noqis» va «muharraf» atamalari bir-biridan farqlanmaganini va olimlar o‘rtasida noqis, muharraf va muzayyal jinoslar ta’rif-larida chalkashliklar borligini ko‘rsatadi [1:39].

البمضارع (al-mudori’) jinos hosil qilayotgan lafzlardagi tovushlardan biri orasida farq bo‘ladi va bu farq qiluvchi tovushlarning maxraji o‘zaro yaqin bo‘lishi shart. Jinosning bu turida evfoniya [14:54; 8:340] hodisasi kuzatiladi. Mudori’ jinos farq qiluvchi tovushlarning so‘zdagi o‘rniga ko‘ra uch turli bo‘ladi: so‘z boshidagi farq, masalan: (دامس - طامس) ليل دامس و طريق طامس.

So‘z o‘rtasidagi farq, masalan: (ينهون - ينئون) هم ينهون عنه و ينئون عنه;

كَانَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَرَجَ مِنْ بَيْتِهِ قَالَ: «بِسْمِ اللهِ، تَوَكَّلْتُ عَلَى اللهِ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللهِ، اللهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَضِلَّ أَوْ أُضَلَّ، أَوْ أَزِلَّ أَوْ أُزَلَّ، أَوْ أَظْلِمَ أَوْ أُظْلَمَ، أَوْ أَجْهَلَ أَوْ يُجْهَلَ عَلَيَّ».

(Rasululloh (s.a.v.) uylaridan chiqayotgan vaqtda: «Allohga tavakkal qilib, Uning nomi bilan chiqaman. Gunohdan saqlanishga bo‘lgan quvvat ham, toat qilishga bo‘lgan toqat ham faqatgina Allohdandir. Ey Rabbim, adashishdan yoki adashtirilishdan yoki toyilishdan yoki toyiltirilishdan, zulm qilishdan yoki mazlum bo‘lishdan, johillik qilishdan yoki menga johillik qilinishidan O‘zingdan panoh so‘rayman», der edilar»). أَضِلَّ - أَزِلَّ so‘zlarida [ḍ] va [z] tovushlarining maxrajlari yaqin.

Hadisda keltirilgan duoda Rasululloh (s.a.v.) ning nutqlaridagi fasohat va balog‘atni ko‘rish mumkin.

[4]. أَرَى أُمَّ سَهْلٍ ما تزَالُ تَفَجَّعُ    تَلُومُ وما أدْرِي علاَمَ تَوَجَّعُ

(Past ketib, kasal qilishda, azob berishda davom etayotgan Ummu Sahlni ko‘ryapman, azoblayotgan alamni bilmayapman). وَجَّعُ - فَجَّعُ.

So‘z oxiridagi farq, masalan: الخيل - الخير.

ايها السادر في غلوايه    السادل في خيالاته.

(Ey, haddidan oshganini bilmagan,
Ey, qaysarlik to‘nini kiygan) [12:61].

Bu baytda سادر va السادل so‘zlari oxiridagi maxraji bir-biriga yaqin [r] va [l] tovushlari bilan mudori’ tajnis hosil qilgan.

اللاحق (al-lohiq) mudori’ kabi jinos hosil qilayotgan lafzlardagi tovushlardan biri orasida farq bo‘ladi. Lekin bu tovushlarning mahraji yaqin bo‘lmaydi. Bu turdagi jinos ham uch turli bo‘ladi:

so‘z boshidagi farq, masalan: همزة لمزة;

;تفرحون تمرحون :so‘z o‘rtasidagi farq, masalan

اللَّهُمَّ بِكَ أَصُولُ وَبِكَ أَحُولُ وَبِكَ أَسِيرُ (Allohim! Sening madading ila himmatlanaman, Sening madading ila gunohdan tiyilaman, Sening madading ila safarga chiqaman). أَصُولُ أَحُولُ so‘zlaridagi [ḥ] va [ṣ] tovushlarining maxrajlari uzoq.

so‘z oxiridagi farq, masalan: أمن - أمر

عَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم سُئِلَ أَيُّ الْحَجِّ أَفْضَلُ؟ قَالَ: الْعَجُّ وَالثَّجُّ.

(Abu Bakr Siddiq (r.a.)dan rivoyat qilinadi: «Nabiy (s.a.v.)dan qaysi haj afzaldir?» deb so‘radilar. U zot: «Baland ovozda talbiya aytilgani va qon oqizilgani», dedilar) الْعَجُّ va الثَّجُّ so‘zlari tajnis.

Ma’lum bo‘lganidek, jinosning mudori’ va lohiq turlari paronim so‘zlar vositasida hosil .qilinadi

التجنيس القلب (tajnis-i-qalb) Atoulloh Husayniy ma’lumotiga ko‘ra bu xil jinos tajnis-i-aks deb ham yuritiladi va ayrim olimlardan tashqari «Miftoh» sohibi, barcha arab arboblari va ajam shoirlari tajnis-i-qalbni tajnis turi deb hisoblamaydilar va uni xat san’ati hisoblanangan qalb san’atiga kiritadilar [1:45].

التجنيس المزدوج (tajnis-i-muzdavaj) **ketma-ket kelgan so‘zlar ham o‘zaro jinos hosil qiladi** [17:364]. Bu san’at juftlash san’ati bo‘lib, uning yana التزمين المزدوج «tazmin-i muzdavaj» va الإزدواج **«izdivoj» nomlari ham bor** [10:35]. U mukarrar, muraddad deb ham ataladi. Tajnis-i-muzdavaj ham to‘liq, ham to‘liq bo‘lmagan jinoslar orasida hosil bo‘ladi. Masalan, Abu Nuvas aytadi:

عبَّاسُ عبَّاسٌ إذا احتَدَم الوغى    و الفَضْلُ فَضْلٌ و الرَّبيعُ رَبيعُ[18,266] .

Jang alanga olsa bas, xo‘mrayib olar Abbos,)
al-Fazl (Ibnu-r-Rabi’) fazilatlidir, ar-Rabi’ ibn
(Yunus unib-o‘suvchidir

Bu misoldagi عباس so‘zlari o‘zaro, فضل so‘zlari o‘zaro va ربيع so‘zlari ham o‘zaro to‘liq izdivojni hosil qilgan.

Yana bir misol, Abu Tammom aytadi:

يمدُّونَ مِنْ أَيْدٍ عواصٍ عواصمٍ    تصُولُ بأسيافٍ قواضٍ قَواضِبِ.

Bu baytdagi عواص va عواصم so‘zlari o‘zaro, قواض va قواضب so‘zlari o‘zaro to‘liq bo‘lmagan izdivojni hosil qilgan.

Bu san'at arab balog'atida tajnis tarkibiga kiritilgan, boshqa adabiyotlarda alohida san'at hisoblanadi.

**Tarse'.** Tarse' (الترصيع) san'ati, arab olimlari fikricha, nazm yoki nasrdagi ikki bo'lak kalomning bir bo'lagidagi har bir lafz ikkinchi bo'lagidagi unga muqobil lafz bilan vaznda teng bo'ladi va oxirgi harfda mos yoki yaqin bo'ladi. «Al-Mu'jam al-vasit»da tarsi'ning إِنَّ إِلَيْنَا إِيَابَهُمْ ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا حِسَابَهُمْ [Albatta ularning qaytishi Bizgadir. So'ngra, albatta, ularning hisob-kitobi ham Bizdadir. (G'oshiya 88/25-26)] misoli bilan keltirilgan ta'rifi: التَّرْصِيعُ نوعٌ من أنواع البديع ، وهو أن تكون الألفاظُ مستوية الأوزان متفقة الأعجاز كقوله تعالى إِنَّ إِلَيْنَا إِيَابَهُمْ ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا حِسَابَهُمْ.

Bu misolda tarse': إِنَّ إِلَيْنَا إِنَّ عَلَيْنَا va إِيَابَهُمْ حِسَابَهُمْ.

Ajam shoirlarining fikricha, oxirgi harflar ham mos bo'lishi kerak.

Tarsi' lug'atta oltun, kumushga javohirni» o'rnatmoqni ayturlar. Va istiloh birla tarse' ul bo'lurkim, har kalimakim, avvalg'i misra'da kelur, so'ngg'i misra'ning har kalimasin o'z kalimalarining muqobalasinda kelturub, vazn birla muofiq va lafz birla muttafiq va oxir harf birla muttahid qilurlar [1:35], netokkim, Kalomi majidu furqoni hamidta kelibtur:

إِنَّ الأبرارَ لَفي نعيم و إِنَّ الفُجَّارَ لَفي جحيم

(Yaxshilar jannatiydurlar, buzuqlar do'zaxiy) [3:84].

Tarsi'da tovushlar mosligiga talab kuchli bo'ladi.

**Tavzi'.** Tavzi' (توضيع) «Tavze'» so'zi «ulashish», «tarqatish» ma'nolariga ega.

«Mazkur san'atda bir xil tovushni barcha so'zlarga ulashib chiqishni nazarda tutib «tavze'» deb ataganlar. Bu san'atni «tovushdoshlik» deb atasak bo'ladi» [9:8].

«Tavzi' shunday san'atki, bunda shoir yoki umuman so'zlovchi o'z fikrini ifodalash uchun yangroqdosh, ya'ni bir xil yangroq tovushga ega bo'lgan so'zlardan foydalanadi. Masalan, arabchada إن كنت كذوبا فكن ذكورا, turkiyda «Toqatim toq o'ldi to bo'ldim talabgoring sening» misraida «t» bilan boshlangan so'zlardan «Jahon jonon jamolingga tasadduq» misraida «j» bilan boshlangan so'zlardan foydalanib tavzi' vujudga keltirgan.

Hamma holatlarda ham mazkur san'atdan to'g'ri foydalanilgan, chunki yangroqdoshlik tufayli ma'noga zarar yetkazilmagan» [10:34].

**E'not.** E'not tovushdoshlikka asoslangan badiiy san'atlardan biridir. Bu atama arabcha أَعْنَتَ fe'lining masdari bo'lib, إعْناتٌ «qiyin holga solish», «qiynab qo'yish» ma'nolariga ega. Atoulloh Husayniy uning «tazyiq», «tashdid» va «iltizom-i luzum mo lo yalzam» deb ham yuritilishi va bu nomlarning eng so'nggisi mashhur ekanini ta'kidlab o'tadi [1:102].

E'not lafzda yanada ortiqroq go'zallik hosil qilish uchun qo'llanadi. Arab balog'ati olimlaridan «Miftohu-l-'ulum» («Ilmlar kali-ti») muallifi Abu Yoqub Yusuf Sakkokiy (555/1160-626/1229) va «Talxisu-l-Miftoh» («Miftoh»ga qisqartma») asari muallifi Jaloliddin Muhammad bin Abdurrahmon Qazviniyning (v.e. 739/1339) [1:102-103] fikriga ko'ra e'not saj' yoki qofiyada raviydan oldin zarur deb hisoblanmasa ham bir yoki bir necha maxsus harakat yoki muayyan harf keltirish bilan hosil qilinadi.

Rashid-i Vatvot shunday ta'rif beradi:

يكون بأن يتكلف الكاتب أو الشاعر شيئا ليزيّن به كلامه، و لا يكون هذا الشيء لازما، ويستقيم الكلام ويتم بدونه، كأن يلتزم في آخر الأسجاع أو آخر الأبيات حرفا قبل حرف الروي أو الرديف، بحيث إذا لم يلتزمه لم يكن هنا لك ضرر من ذلك، لأن غرضه من التزامه لم يكن إلا لتنميق الكلام وتزينه.[16:119]

(Bu shunday san'atki, uni kotib yoki shoir zarur bo'lmasa ham kalomni bezash uchun qo'llaydi. Kalom usiz ham tugal bo'ladi. U xuddi saj'ning oxiri va baytlar so'nggidagi raviy yoki radif tovush (harf)lardan oldin qo'yiladigan harflar kabi bo'ladi. Uni qo'llamasang ham zarari yo'q, chunki uni qo'llashdan maqsad kalomga zeb berishdan boshqa narsa emas).

Va davom etadi: كتاب, عتاب so'zlaridagi [t] va نقم, رقم so'zlaridagi [q]. صواب so'zining كتاب so'ziga qofiya qilinishi o'rinli, رقم va علم so'zlarida ham shunday. Lekin kalomni yanada go'zal va jozibali bo'lishi uchun [t] ga iltizom qilingan كتاب, عتاب va [q] ga iltizom qilingan نقم, رقم juftliklar tanlanadi.

Qur'ondan quyidagi misol keltiriladi: فَأَمَّا الْيَتِيمَ فَلَا تَقْهَرْ وَأَمَّا السَّائِلَ فَلَا تَنْهَرْ [Ammo yetimga qahr qilma. Va, ammo, «soil»ga zajr qilma (MS 93/9-10)]. Bu yerda تَقْهَرْ va تَنْهَرْ so'zlaridagi [h] e'notdir.

Fosihlar gapidan misol: وجهه وسيم وفضله جسيم (Yuzi go'zal, fazilati yuksak), وَسيم va جَسيم so'zlaridagi [s] e'not. Bu misolda raviy [m] tovush (harf)idir. Ayrim olimlar raviydan oldin kelgan ikki [a], [ī] va [s] ni iltizom qilingan desalar, boshqa toifalari [ī]ni iltizom deb hisoblamaganlar. Bu yerda [s] ning iltizomligi uning qofiya uchun shart emasligida va «وَسيم»ga «كريم» ham qofiya bo'la olishidadir. «جَسيم» va «وَسيم»ning qofiyasida

ehtiyojdan koʻra ortiq holat vujudga kelgan va bu har ikki soʻzda [s] larning mos kelganidadir.

Shuningdek, Atoulloh Husayniy aslida lozim boʻlmagan ketma-ket kelgan ikki harf orqali e'not hosil qilinishi mumkinligini ham ta'kidlaydi. Masalan: buni «hoyil» va «moyil», «zoyil» soʻzlarida qofiya uchun zarur boʻlmasa ham, raviydan oldin keltirilgan [o] va [y] tovush (harf) larida koʻrish mumkin.

U shunday deydi: «...raviy oldida (aslida) lozim boʻlmagʻan ikki harf iltizom qilinibdur va alar [o] va [y]dur, chunki agar «dil» va «qotil» soʻzlarin «moyil» va «zoyil» soʻzlari bila qofiya qilinsa, joyizdur» [1:103].

Atoulloh Husayniy e'not haqida ma'lumot berar ekan, Sharaf Romiyning boshqa olimlar kabi fikrini va uning quyidagi misollarini keltirib oʻtadi: «sharob», «shabob», «shitob»dagi [sh], «tashrif», «ta'rif», «tasrif»dagi [t] va [r] luzum mo lo yalzamdir [1:103].

E'not ayrim olimlar tomonidan «iltizom» deb ham yuritiladi. Lekin u baytda tovushning emas, balki soʻzning qofiyadan boshqa oʻrinlarda qaytarilishidan hosil boʻladi [10,53].

Ba'zi olimlar iltizomni alohida san'at hisoblaydilar.

E'not mumtoz shoirlar asarlarini bezab kelgan badiiy san'at turlaridan biri boʻlib, hosil qilishdagi oʻziga xos murakkabliklar uni tajnis kabi keng qoʻllanishiga monelik qiladi.

Yaqin va Oʻrta Sharq xalqlari ogʻzaki ijodi hamda adabiyotiga xos fonetik san'atlar fikrni ravon, ohangdor ifodalashda, oʻquvchi va tinglovchiga emotsional zavq berishda, tasvir va ayrim holatlarning yodda qolishini osonlashtirishda ahamiyati katta.

### ADABIYOTLAR ROʻYXATI:


1. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Форсчадан А.Рустамов таржимаси. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
2. Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. А.Ҳайитметов нашрга тайёрлаган. –Т.: Хазина, 1996. http://fikr.uz/blog/Sharq_mumtoz_poetikasi_Birinchi_kitob/15679.html
3. Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994 йил 18 март.
4. http://arabicmegalibrary.com/pages-6679-11-131.html
5. http://www.ahlalhdeeth.com/vb/showthread.php?t=210859
6. Исламов, З. М. (2014). Сочинение «золотые ожерелья» и его влияние на развитие литературы народов востока. Социосфера, (2), 66-68.
7. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги –Т.: Zarqalam, 2006.
8. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. –М.: Изд-во иностранной литературы, 1960.
9. Рустамов А. Қофия нима? –Т.: Фан, 1976.
10. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
11. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Т.: Ёш гвардия. 1987.
12. Сайдумаров М. Ҳаририй мақомалари. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
13. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Т.: Фан, 1978.
14. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» асарида поэтика. (Аруз, қофия, бадиият илми истилоҳлари тарихига оид). –Т., 2001.
15. تلخيص المفتاح. Oʻz R FA Alisher Navoiy nomidagi Davlat adabiyot muzeyi, № 514.
16. رشيد الدين وطواط. حدائق السحر في دقائق الشعر. ترجمة إبراهيم أمين الشواربي ، المركز القومي للترجمة ، القاهرة ، ط 2 ، 2009 م.
17. صلاح ساسه. المنجد في الإعراب و القواعد و البلاغة والعروض. دار الرائد للطباعة و النشر.
18. على جارم، مصطفى أمين. البلاغة الواضحة. البيان. المعاني. البديع. القاهرة. 1999.

**Баҳодир Баҳрамович ПИРМУҲАМЕДОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*
*Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси*
*катта ўқитувчиси*
*e-mail: bahodir2674@gmail.com*

# التغير الدلالي في ألفاظ العبادات
# في ضوء كتاب ربيع الأبرار للزمخشري

# ИБОДАТГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ЎЗГАРИШИ (Замахшарийнинг «Рабий»у-л-аброр» асари асосида)

# СЕМАНТИЧЕСКАЯ ВАРИАТИВНОСТЬ СЛОВ, СВЯЗАННЫХ С БОГОСЛУЖЕНИЕМ (На основе произведения Замахшари «Рабий»у-л-аброр»)

# SEMANTIC VARIABILITY OF WORDS RELATED TO PRAYER (Based on the work of Zamakhshari “Rabiy’u-l-abror”)

***Аннотация***. *Мазкур тадқиқотда Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабийъу-л-аброр” асарида учраган ибодатга таaллуқли баъзи сўзлар таҳлил қилинади. Унда сўзларнинг асл семантик маъносига қўшимча янги маъно касб этиши ҳамда диний матнларда махсус атамалар сифатида қўлланила бошлагани акс этади. Хусусан, “Рабийъу-л-аброр” асарининг “Дин, у билан боғлиқ, намоз, рўза, ҳаж, садақа ва бошқа ибодатлар ҳақида” бобида келган “ҳаж”, “закот”, “намоз”, “рўза” ва “таҳорат” каби диний атамаларнинг қиёсий-тарихий таҳлили амалга оширилиб, уларнинг семантик ўзгаришлари ва қай тарзда атама шаклига айлангани ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, уларнинг тафсир, фиқҳ ва тасаввуф илмларида қандай маъно акс эттиргани ва ўртадаги фарқли жиҳатлари Қуръон оятлари ва шариъат аҳкомлари мисолида кўрсатилади.*

*Калит сўзлар: тил, инсон, тафаккур, ислом дини, фиқҳ, тафсир, ҳадис, балоғат, луғат, тарих, мантиқ, семантик ўзгаришлар, лексик қатлам, “Рабийъу-л-аброр”.*

*Аннотация. В этом исследовании анализируются некоторые слова, относящиеся к богослужению, найденные в «Рабий’у-л-аброр» Махмуда Замахшари. Это отражает тот факт, что слова приобретают новые значения в дополнение к своим первоначальным семантическим значениям и начинают использоваться в качестве специальных терминов в религиозных текстах. В частности, в главе «О религии, ее связи, молитве, посте, паломничестве, закята и других актах поклонения» «Рабий»у-л-аброр» дан сравнительно-исторический анализ религиозных терминов и их семантика изменения, и как они стали формой термина. Это также показывает, как они отражены в науках тафсира, юриспруденции и (тасаффув) мистицизме, а различия между ними показаны в аятах Корана и нормах шариата.*

*Ключевые слова: язык, человек, мышление, ислам, юриспруденция, тафсир, хадис, стилистика, лексика, история, логика, семантические изменения, лексический слой, «Рабий»у-л-аброр».*

***Annotation.*** *This study analyzes some of the words related to prayer found in Rabiy’u-l-abror by Mahmoud Zamakhshari. This reflects the fact that words take on new meanings in addition to their original semantic meanings and are beginning to be used as special terms in religious texts. In particular, the chapter “On religion, its connection, prayer, fasting, pilgrimage, distribution of alms and other acts of worship” “Rabiy’u-l-abror” provides a comparative historical analysis of religious terms, such as, and their semantics. changes, and how they became a form of the term. It also shows how they are reflected in the sciences of tafsir, jurisprudence and mysticism, and the differences between them are shown in the verses of the Qur’an and the rules of Sharia.*

***Key words:*** *language, man, thinking, Islam, jurisprudence, tafsir, hadith, stylistics, vocabulary, history, logic, semantic changes, lexical layer, “Rabiy’u-l-abror”.*

**التغير الدلالي في ألفاظ العبادات**
**في ضوء كتاب ربيع الأبرار للزمخشري**

إن التغير الدلالي ظاهرة مهمة تحدث في اللغات القوية وتؤكد استمرار حياتها وشبابها، فإذا كانت اللغة هي وعاء الفكر الإنساني، فإن طبيعة هذا الفكر التغير تبعا لتغيرات طارئة على كل المجتمعات، كالتغيرات السياسية والثقافية والاقتصادية وغيرها من التغيرات التي تسير مع صيرورة الحياة، وأكثر ما تؤثر فيه تلك التغيرات هي اللغة، ومن شأن التطور اللغوي أن يشارك في تطور العلوم الأخرى المرتبطة بها، فاللغة هي الأداة الوحيدة التي تصل بها تلك العلوم، وليس أدل على ذلك من نشأة المصطلحات التي اهتم بها علماء الحديث والفقه والبلاغة، وكذلك أصحاب العلوم الدنيوية (1:51,52).

أصبح المصطلح نفسه علم له نظرياته وآلياته المستمدة من علوم اللغة، فالمصطلح في حد ذاته لغة مخصوصة لأهل العلم.

ويمثل المصطلح العلمي صورة من صور التغير الدلالي، أو بالأخص الانتقال الدلالي من المعنى الحقيقي أو المعجمي إلى المعنى الاصطلاحي(2:10).

وفي هذا المقال نظهر من خلال مجموعة من ألفاظ العبادات الوارة في كتاب ربيع الأبرار للزمخشري، كيف حدث الانتقال

التغير الثقافي الحادث بدخول الإسلام، وإذا تتبعنا هذه الكلمة في المعاجم سنجد أن:

قال صاحب المصباح: وَالزَّكَاءُ بِالْمَدِّ النَّمَاءُ وَالزِّيَادَةُ يُقَالُ زَكَا الزَّرْعُ وَالْأَرْضُ تَزْكُو زُكُوًّا مِنْ بَابِ قَعَدَ(8:254).

كما جاءت في اللغة بمعنى طهارة النفس،أي أن المعنى المذكور عند الزمخشري لم يتحدد إلا بعد دخول الإسلام وفرضها على المسلمين، والعلاقة بين المعنى اللغوي والمعنى الاصطلاحي الشرعي، بينها الدكتور حسن جبيل في معجمه الاشتقاقي المؤصل فقال:» «الزكاة: ما أخرجته من مالك (أي تبرعًا في المصارف الشرعية) لتطهره به «فمعناها يجمع الزيادة (القدر الذي يُخرج، والأصل فيه أن يكون فضلًا أي زائدًا عن الحاجة، وأيضاً فإن المال الأصلي يُبارَك - أي ينمو وبطول نفعُه - بإخراج زكاته)، كما يجمع الجودة، وهي أنها تطهّر المال وصاحبه من التبعة الدينية فيه. وكل كلمة (الزكاة) في القرآن هي بمعنى زكاة المال هذه، {وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ} [البقرة: 43] وسائر ما في القرآن من مفردات التركيب هو بمعنى طهارة النفس {قَدْ أَفْلَحَ مَنْ زَكَّاهَا} [الشمس: 9]. زكّى الله نفسه بالطاعة/ زكّى (هو) نفسه بطاعة الله وصالح الأعمال [قر 20/ 77] , {فَلَا تُزَكُّوا أَنْفُسَكُمْ} [النجم: 32]. (لا تنسبوها إلى الزكاء: الصلاح وزيادة الإيمان تمدُّحًا) {هُوَ أَعْلَمُ بِمَنِ اتَّقَى} [النجم: 32] {وَحَنَانًا مِنْ لَدُنَّا وَزَكَاةً وَكَانَ تَقِيًّا} [مريم: 13] الزكاة: التطهير والبركة والتنمية في وجوه الخير والبر. أي جعلناه مباركًا للناس يهديهم. وقيل المعنى زكيناه بحسن الثناء عليه كما تُزكّي الشهود إنسانًا. وقيل «زكاة «صدقة به على أبويه»(9:908).

وفي كشاف الاصطلاحات، قال التهانوي:كالصلاة وزنا وكتابة اسم من التزكية، وكلاهما مستعملان. وفي المفردات إنها في اللغة النموّ الحاصل من بركة الله تعالى. وفي الشريعة قدر معين من النّصاب الحولي يخرجه الحرّ المسلم المكلّف لله تعالى إلى الفقير المسلم الغير الهاشمي ولا مولاه مع قطع المنفعة عنه من كلّ وجه. فالقدر يتناول الصدقة أيضا. وقولنا معيّن يخرج الصدقة إذ لا تعيّن فيها. وقولنا يخرجه الحرّ المسلم المكلّف لأنّ شرط وجوبها الحرية والإسلام والعقل والبلوغ.

وقولنا إلى الفقير المسلم الغير الهاشمي ولا مولاه أي مولى الهاشمي يخرج الغني والكافر الهاشمي ومولاه، فإنّ دفع الزكاة إليهم مع العلم لا يجوز. وقولنا مع قطع المنفعة عنه احتراز عن الدفع إلى فروعه وإن سفلوا وأصوله وإن علوا، ومكاتبه ودفع أحد الزوجين إلى الآخر. ومعنى قوله من كلّ وجه أي شرعا وعادة فإنّ انتفاع الأب بمال الابن عند الحاجة جائز شرعا، وانتفاع الابن بمال الأب أو أحد الزوجين بمال الآخر جار عادة. وقيد لله تعالى لأنّ الزكاة عبادة فلا بد فيها من الإخلاص هكذا يستفاد من الدرر. وفي جامع الرموز أنّ الزكاة في الشريعة القدر الذي يخرجه إلى الفقير. وفي الكرماني أنّها في القدر مجاز شرعا فإنّها إيتاء ذلك القدر، وعليه المحققون كما في المضمرات انتهى. ويؤيّده أنّها توصف بالوجوب وهو من صفات الأفعال ويؤيّد الأول قوله تعالى وَآتُوا الزَّكاةَ «2» إذ إيتاء الإيتاء محال.

والأظهر أنّ الزكاة في الشرع يجيء بكلا المعنيين كذا في البرجندي. وهكذا لفظ الصلاة فإنّها في الأفعال المعهودة مجاز شرعا ولغة إتيانها وأداؤها.

وقد تطلق الزكاة شاملة للعشر وصدقة الفطر والكفارة والنذر وغير ذلك من الصدقات الواجبة كما يستفاد من جامع الرموز في فصل مصرف الزكاة. وقد تطلق الزكاة على التزكية كما ستعرف. وفي شرح القصيدة الفارضية الزكاة لغة الطهارة والنمو وشرعا طهارة مال بلغ النصاب بإخراج ما فضل عن الحاجة لانسداد خلّة الدلالي للكلمة من حقلها المعجمي إلى معنى جديد تطلبته التغيرات الثقافية والفكرية الحادثة في المجتمع العربي، وأقصد بهذا التغير الثقافي دخول الإسلام، وانتشاره في ربوع العالم، الأمر الذي دعا إلى استخدام معان جديدة لألفاظ، موجودة بالفعل، شأن بقية العلوم التي تحتاج إلى المصطلح الذي يعبر عن موضوعاتها(3:57,58).

وقد رتبنا الألفاظ المدروسة ترتيبا ألفبائيا يناسب ترتيب المعجم، فبدأنا بالحج ثم الزكاة ويليها الصلاة والصوم والوضوء، ومن ثم تتبعنا معاني تلك الألفاظ في المعجم العربي وفي كتب المصطلحات والعلوم الإسلامية، لنكشف ما وصلت إليه الكلمة في حقلها الجديد، وجدير بالذكر أن تلك الكلمات أضيفت وأسندت ووصفت بكلمات أخرى، وهذا التركيب أكسب الكلمة معنى جديدا، ومن الأمثلة التي وردت على ذلك التركيب، الحج المبرور، الذي عرفه الزمخشري أنه «رجوع الحاج زاهدا في الدنيا راغبا في الآخرة»(4:296) ، ومثال الصلاة المكتوبة واستخدام هذا التركيب بدلا من الصلاة المفروضة، والصلاة الكفارة، وغير ذلك من التركيبات التي حفل بها الكتاب.

**الحج:**

كلمة الحج ومشتقاتها، كاسم الفاعل الحاج، واسم المرة حجة بفتح الحاء، وردت في كتاب الزمخشري لتدل على الركن الخامس من أركان الإسلام وهو قصد الناس لبيت الله الحرام وإقامة الشعائر المرتبطة بذلك **(5:294).** وقد تغير معنى هذه الكلمة ليناسب الفكر الجديد الذي شاع في المجتمع العربي آنذاك، فأصلها كان قصد المكان والتردد عليه، وهكذا وردت الكلمة في المعاجم اللغوية.

**فقال ابن منظور في اللسان:** الحَجُّ: القصدُ. حَجَّ إلينا فلانٌ أَي قَدِمَ؛ وحَجَّه يَحُجُّه حَجّاً: قَصَدَهُ. وحَجَجْتُ فُلَانًا واعْتَمَدْتُه أَي قَصَدْتُهُ. ورجلٌ محجوجٌ أَي مَقْصُودٌ. وَقَدْ حَجَّ بَنُو فُلَانٍ فُلَانًا إِذا أَطالوا الِاخْتِلَافَ إِلَيْهِ؛ قَالَ المُخَبَّلُ السَّعْدِيُّ:

وأَشْهَدُ مِنْ عَوْفٍ حُلُولًا كَثِيرةً ... يَحُجُّونَ سِبَّ الزِّبْرِقانِ المُزَعْفَرا

أَي يَقْصِدُونه وَيَزُورُونَهُ. قَالَ ابْنُ السِّكِّيتِ: يَقُولُ يُكْثِرُونَ الِاخْتِلَافَ إِليه، هَذَا الأَصل، ثُمَّ تُعُورِفَ اسْتِعْمَالُهُ فِي الْقَصْدِ إِلى مَكَّةَ لِلنُّسُكِ والحجّ إِلى الْبَيْتِ خَاصَّةً؛ تَقُولُ حَجَّ يَحُجُّ حَجًّا. والحجُّ قَصْدُ التَّوَجُّه إِلى الْبَيْتِ بالأَعمال الْمَشْرُوعَةِ فَرْضًا وسنَّة.

أما في الاصطلاح الفقهي أخذت الكلمة دلالات مختلفة، فجاء في معجم الاصطلاحات الفقهية:

قال الحنفية: قصد موضع مخصوص- وهو البيت- بصفة مخصوصة في وقت مخصوص بشرائط مخصوصة.

وعرّفه المالكية: بأنه حضور جزء من عرفة ساعة من ليلة النحر، وطواف بالبيت سبعا، وسعي بين الصفا والمروة سبعا بإحرام، وأيضا: قصد البيت الحرام لأداء ما فرض عينا أو كفائيّا أو ما ندب. كذا في «أسهل المدارك» .

وقال ابن عرفة: ويمكن رسمه: بأنه عبادة يلزمها الوقوف بعرفة ليلة عاشر ذي الحجة.

وعرّفه الشافعية: بأنه قصد الكعبة للنسك**(6:550).**

وهكذا أخذت الكلمة دلالات أخرى غير الدلالة الحقيقية التي وضعت لها، بل الأكثر من ذلك أنها حين استخدمت كمصطلح اختلفت دلالته بالزيادة والنقصان باختلاف المذاهب الفقهية.

**الزكاة:**

وردت هذه الكلمة عند الزمخشري بمعنى الزكاة المفروضة التي هي ركن من أركان الإسلام(7:285) ، وكم حدث في كلمة الصلاة حدث هنا، فقد انتقلت دلالة هذه الكلمة من المعنى المعجمي الذي استخدمت به قبل مجيء الإسلام، إلى معنى آخر فرضه عليها

والحياة والرّبا، كذا في كليات أبي البقاء. فقيل الصلاة حقيقية لغوية في تحريك الصّلوين أي الأليتين، مجاز لغوي في الأركان المخصوصة لتحريك الصّلوين فيها، استعارة في الدّعاء تشبيها للداعي بالراكع والساجد في التخشّع وفي المغرب إنّما سمّي الدعاء صلاة لأنّه منها. والمشهور أنّ الصلاة حقيقة في الدّعاء لغة مجاز في الرحمة لأنّها مسبّبة من الدّعاء، وكذا في الأركان المخصوصة لاشتمالها على الدّعاء، وربّما رجّح لورود الصلاة بمعنى الدّعاء قبل شرعية الصلاة المشتملة على الركوع والسجود، ولورودها في كلام من لا يعرف الصلاة بالهيئة المخصوصة. وقيل الصلاة مشتركة لفظية بين الدّعاء والرّحمة [فيكون] «2» والاستغفار، وقيل بين الدّعاء والرّحمة فيكون الاستغفار داخلا في الدّعاء. وبعض المحقّقين على أنّ الصلاة لغة هو العطف مطلقا. لكنّ العطف بالنسبة إلى الله سبحانه تعالى الرّحمة وبالنسبة إلى الملائكة الاستغفار وبالنسبة إلى المؤمنين دعاء بعضهم لبعض فعلى هذا تكون مشتركة معنوية، واندفع الإشكال من قوله تعالى: إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ «3»، ولا يحتاج في دفعه إلى أن يراد به معنى مجازي أعمّ من الحقيقي وهو إيصال النفع. فالإيصال واحد والاختلاف في طريقه. وفي التاج الصلاة من الله الرّحمة ومن الملائكة الاستغفار ومن المؤمنين الدّعاء ومن الطّير والهوام التسبيح انتهى(13:1081).

**الصوم:**

المعنى الأصلي لهذه الكلمة هو مطلق الإمساك، أو الترك، أو التوقف عن الكلام، وقد أورد الزمخشري هذه الكلمة بالمعنى الشرعي المعروف، كما أنه ذكر مرادفا لها استخدم فيه مصطلحا إسلاميا آخر، فقال الصيام ، زكاة الجسد (14:282).

وفي اللغة، جاء في معجم الاصطلاحات والألفاظ الفقهية:»

قال الغزى: والصيام والصوم، مصدران معناهما لغة: مطلق الإمساك، يقال للساكت: «صائم» لإمساكه عن الكلام.ومنه قوله تعالى:. فَقُولِي إِنِّي نَذَرْتُ لِلرَّحْمَانِ صَوْماً فَلَنْ أُكَلِّمَ الْيَوْمَ إِنْسِيًّا [سورة مريم، الآية 26] سمى الإمساك عن الكلام صوما.

ويقال: «صامت الخيل» : إذا أمسكت عن السير، وصامت الريح: إذا أمسكت عن الهبوب.

قال أبو عبيدة: كل ممسك عن طعام أو كلام أو سير فهو: صائم.

والصيام: الإمساك والترك، فمن أمسك عن شيء ما قيل له:صائم.

ويقال: «صامت الشمس» : إذا وقفت في كبد السماء وأمسكت عن السير ساعة الزوال(15:350)

**أى: ممسكات عن العلف وغير ممسكات.**

**في الشرع:**

وشرعا: خصصه الشرع بإمساك مخصوص، وهو الإمساك عن الأكل والشرب والجماع نهارا مع النية، فصار الصوم عند إطلاقه ينصرف إلى الصوم الشرعي.

وهو عبارة عن ترك الأكل والشرب والجماع من الصبح إلى غروب الشمس بنية التقرب من الأهل، كذا في «الكافي» .

نقل الميداني من الحنفية: أنه هو الإمساك عن المفطرات حقيقة أو حكما في وقت مخصوص بنية من أهلها.

وهو الإمساك عن المفطر على وجه مخصوص.

وعرّفه المالكية: بأنه هو الإمساك عن شهوتي البطن والفرج من طلوع الفجر إلى غروب الشمس بنية قبل الفجر أو معه في غير أيام الحيض والنفاس وأيام الأعياد.

وقال الشافعية: هو إمساك عن مفطر بنية مخصوصة جميع نهار قابل للصوم من مسلم عاقل طاهر من حيض ونفاس. وقال المحتاجين به. وفي الحقيقة طهارة نفس بلغت حدّ الكمال بإفاضة ما فضل عن حاجتها من الفيض الربّاني على المحتاجين إليه.

وقد أخذت الكلمة معنى آخر في اصطلاح الصوفية، كما ذكر صاحب كشاف الاصطلاحات: الزّكاة: في اصطلاح الصوفية: ترك الدنيا، وتطهير النّفس من خطرات الغير(10:907).

**الصلاة:**

في الكتاب: وردت هذه الكلمة في الكتاب في عدة مواضع وقد ذكرها الزمخشري في حالتي الإفراد والتركيب، وكذلك في حالتي الاسمية والفعلية، وفي كل العبارات التي جاءت فيها الكلمة كانت تعني الصلاة المفروضة على المسلمين وبيانها خمسة فروض غير النوافل، كما استخدم لفظ «المكتوبة» مرادفا لها، كما جاءت الكلمة مركبة تركيبا وصفيا عبارة «صلاة خفيفة» و « الصلاة كفارة(11:268).

والصلاة الخفيفة أو التخفيف في الصلاة هو قراءة سور خفيفة حتى يكون أداء الصلاة بسرعة.

والصلاة ككلمة موجودة في اللغة قبل تشريعها بالمعنى المفهوم، إنما كانت تستخدم لمعان مختلفة حفلت بها المعاجم اللغوية، وإذا تتبعنا هذه المعاني سنجد أن:

- أصلها في اللغة: الدعاء بالخير لقوله تعالى:. «وَصَلِّ عَلَيْهِمْ». سورة التوبة، الآية 103 : أي ادع لهم.

وقال- عليه الصلاة والسلام-: «وصلّت عليكم الملائكة» [ابن ماجه 1747] : أى دعت لكم.

- وفي الحديث، قول النبي صلّى الله عليه وسلم: «إذا دعي أحدكم فليجب فإن كان صائما فليصلّ وإن كان مفطرا فليطعم» [الدارمي 2/ 143] : أى ليدع لأرباب الطعام.

- وقال الأعشى:

وقابلتها الريح في دنّها ... وصلّى على دنّها وارتسم

- أى: دعا وكبّر.

- وهي مشتقة من الصلوين، قالوا: ولهذا كتبت الصلاة بالواو في المصحف، وقيل: هي من الرحمة.

- والصلوات: واحدها: صلا، كعصا، وهي عرقان من جانبي الذنب، وقيل: عظمان ينحنيان في الركوع والسجود.

- وقيل: هما عرقان في الردف. وقال ابن سيده: الصلا: وسط الظهر من الإنسان ومن كل ذي أربع، وقيل: ما انحدر من الوركين، وقيل: الفرجة التي بين الجاعرة والذنب.

- وقيل: هو ما عن يمين الذنب وشماله.

- وقيل: من الصلى، وهو العظم الذي عليه الأليتان، لأن المصلي يحرك صلويه في الركوع والسجود، وقيل: لأنها ثانية لشهادة التوحيد كالمصلي من السابق في خيل الحلبة.

- وقيل: أصلها الإقبال على الشيء.

- وقال بعضهم: أصل الصلاة من الصلاء، ومعنى صلّى الرجل:

- أزال عن نفسه بهذه العبادة الصلاء الذي هو نارُ اللهِ الْمُوقَدَةُ (12:375,376).

<u>**وقال صاحب كشاف اصطلاحات الفنون:**</u>هي فعلة من صلى وإنّما كتب بالواو التي أبدل منها الألف لأنّ العرب تفخّم أي تميلها إلى مخرج الواو، ولم تكتب بها أي بالواو في غير القرآن. ثم هي اسم لمصدر غير مستعمل وهو التّصلية يقال صلّيت صلاة ولا يقال تصلية، مأخوذة من الصّلا وهو العظم الذي عليه الأليتان. وذكر الجوهري أنّ الصلاة اسم من التّصلية، وكلاهما مستعملان، بخلاف الصلاة بمعنى أداء الأركان فإنّ مصدرها لم يستعمل انتهى. وقيل أصل الصلاة صلاة بالتحريك قلبت واوها ألفا لتحرّكها وانفتاح ما قبلها، وتلفظ بالألف وتكتب بالواو إشارة إلى الأصل، مثل الزكاة

البعلي من الحنابلة: هو عبارة عن الإمساك عن أشياء مخصوصة في زمن مخصوص من شخص مخصوص بنية مخصوصة.

قال ابن عرفة: رسمه عبادة عدمية وقتها وقت طلوع الفجر حتى الغروب.

ثمَّ قال: وقد يحد بأنه: كف بنية عن إنزال يقظة ووطء وإنعاظ ومدى وصول غذاء غير غالب غبار أو ذباب أو فلقة بين الأسنان بحلق أو جوف زمن الفجر حتى الغروب دون إغماء أكثر نهاره(16:396,397).

**الوضوء:**

وردت هذه الكلمة بالمعنى الشرعي الاصطلاحي عند الزمخشري، أي الركن الذي يسبق الصلاة ويعد شرطا من شروطها، وقد كانت هذه الكلمة موجودة في اللغة قبل دخول الإسلام، ومن ثم كان سبب تغيرها نتيجة للتغير الثقافي الذي حدث في المجتمع العربي آنذاك.

ففي اللغة: الوَضُوءُ، بِالْفَتْحِ: الْمَاءُ الَّذِي يُتَوَضَّأُ بِهِ، كالفَطُور والسَّحُور لِمَا يُفْطَرُ عَلَيْهِ ويُتَسَحَّرُ بِهِ. والوَضوءُ أَيضاً: الْمَصْدَرُ مِنْ تَوَضَّأْتُ للصلاةِ، مِثْلُ الوَلُوعِ والقَبُولِ. وَقِيلَ: الوُضوءُ، بِالضَّمِّ، الْمَصْدَرُ. وحُكِيَ عَنْ أَبي عَمْرِو بْنِ العَلاءِ: القَبُولُ، بِالْفَتْحِ، مَصْدَرٌ لَمْ أَسْمَعْ غَيْرَهُ. وفي التَّهْذِيبُ: الوَضُوءُ: الْمَاءُ، والطَّهُور مِثْلُهُ. قَالَ: وَلَا يُقَالُ فِيهِمَا بِضَمِّ الْوَاوِ وَالطَّاءِ، لَا يُقَالُ الوُضوءُ وَلَا الطُّهور. قَالَ الأَصمعي، قُلْتُ لأَبي عَمْرٍو: مَا الوَضوءُ؟ فَقَالَ: الماءُ الَّذِي يُتَوَضَّأُ بِهِ. قُلْتُ: فَمَا الوُضُوءُ، بِالضَّمِّ؟ قَالَ: لَا أَعرفه(17:194).

وجاء في المصباح: وَضُؤَ الْوَجْهُ مَهْمُوزٌ وَضَاءَةً وِزَانُ ضَخُمَ ضَخَامَةً فَهُوَ وَضِيءٌ وَهُوَ الْحُسْنُ وَالْبَهْجَةُ(18:633).

وقد أخذت هذه المفردة دلالة أخرى عند الشيعة غير الدلالة الشرعية، فقال صاحب كشاف الاصطلاحات:» بالضم وتخفيف الضاد المعجمة في الأصل مصدر وضؤ الرجل إذا صار نظيفا حسنا نقل في الشرع إلى الطهارة المخصوصة لما فيه من النظافة، وقد يفتح الواو، والمشهور أنّه بالضم المصدر وبالفتح الماء الذي يتوضّأ به، وأنكر أبو عمرو بن العلاء الفتح مطلقا وأبو عبيد الضم مطلقا، كذا في بعض شروح مختصر الوقاية. وعند الصوفية عبارة عن إزالة النقائص الكونية وقد سبق في لفظ الصلاة. وعند الشيعة عبارة عن موالاة الإمام وقد مرّ»(19:1800).

ومما سبق نستطيع أن نؤكد أن التغير الدلالي ضرورة لغوية، وأن أسبابه الرئيسة هي أسباب فكرية تدل على التغير الثقافي في فكر الجماعة اللغوية الواحدة، والنماذج التي درسناها تدل دلالة واضحة على ذلك، وإذا ما حصرنا النتائج التي آلت إليها تلك الدراسة المصغرة سنصل إلى:

- التغير الثقافي من أهم أسباب التغير الدلالي.
- الكلمات التي أخذت معاني جديدة هي كلمات قديمة وموجودة في المعجم بمعان مختلفة.
- انتقال الكلمة من الحقل المعجمي إلى الحقل الاصطلاحي لا يتم إلا بوجود علاقة ومشابهة في المعنى العام.
- قد يأخذ المعنى اتجاهات مختلفة لدى الجماعة اللغوية الواحدة ذات الثقافة الواحدة، ويبدو هذا واضحا في اختلاف دلالة المفردات عند أصحاب المذاهب الفكرية داخل الثقافة الإسلامية، كما رأينا كيف اختلفت دلالة مفردة الوضوء عند كل من الصوفية والشيعة.

**عجارملا**


1. أحمد عارف حجازي – التغير الدلالي – بحث منشور في شبكة الألوكة، ص 51، 52

2. محمود فهمي حجازي – الأسس اللغوية لعلم المصطلح – الطبعة الأولى – 3991 م – دار غريب للنشر القاهرة – مصر ص 10.

3. أحمد عارف حجازي – التغير الدلالي – بحث منشور في شبكة الألوكة، ص 59،58،57

4. أبو القاسم محمود بن عمر الزمخشري-ربيع الأبرار ونصوص الأخبار-تحقيق عبد الأمير مهنا-الطبعة الأولى-1992م-مؤسسة الأعلمي للمطبوعات البيروت-ج2- ص 296.

5. أبو القاسم محمود بن عمر الزمخشري-ربيع الأبرار ونصوص الأخبار-تحقيق عبد الأمير مهنا-الطبعة الأولى-2991م-مؤسسة الأعلمي للمطبوعات البيروت-ج2- ص294: 296.

6. محمود عبد الرحمن عبد المنعم- معجم الاصطلاحات والألفاظ الفقهية -الناشر: دار الكتب العلمية – الطبعة الأولى -2003م-ج1،ص550

7. أبو القاسم محمود بن عمر الزمخشري-ربيع الأبرار ونصوص الأخبار-تحقيق عبد الأمير مهنا-الطبعة الأولى-1992م-مؤسسة الأعلمي للمطبوعات البيروت-ج2- ص 285.

8. أحمد بن محمد بن علي الفيومي - المصباح المنير في غريب الشرح الكبير - الناشر: المكتبة العلمية – بيروت - عدد الأجزاء: 2، ص254.

9. د. محمد حسن حسن جبل - المعجم الاشتقاقي المؤصل لألفاظ القرآن الكريم - مكتبة الآداب – القاهرة- الطبعة الأولى، 2010 م.-ج2، ص 908.

10. محمد علي التهانوي- كشاف اصطلاحات الفنون-مكتبة لبنان ناشرون-بيروت-1996م-ج1، ص 907.

11. أبو القاسم محمود بن عمر الزمخشري-ربيع الأبرار ونصوص الأخبار-تحقيق عبد الأمير مهنا-الطبعة الأولى-1992م-مؤسسة الأعلمي للمطبوعات البيروت-ج2- ص 268.

12. محمود عبد الرحمن عبد المنعم- معجم الاصطلاحات والألفاظ الفقهية -الناشر: دار الكتب العلمية – الطبعة الأولى – 2003-ج2، ص 375-376.

13. محمد علي التهانوي- كشاف اصطلاحات الفنون-مكتبة لبنان ناشرون-بيروت-1996م-ج2، ص1081 .

14. أبو القاسم محمود بن عمر الزمخشري-ربيع الأبرار ونصوص الأخبار-تحقيق عبد الأمير مهنا-الطبعة الأولى-1992م-مؤسسة الأعلمي للمطبوعات البيروت-ج2- ص 284،282.

15. جمال الدين ابن منظور الأنصاري الرويفعى الإفريقى (المتوفى: 711هـ)- معجم لسان العرب- الناشر: دار صادر – بيروت - الطبعة الثالثة - 1414 هـ-مادة صوم 12- 350.

16. محمود عبد الرحمن عبد المنعم- معجم الاصطلاحات والألفاظ الفقهية -الناشر: دار الكتب العلمية – الطبعة الأولى – 2003-ج2، ص 396-397.

17. جمال الدين ابن منظور الأنصاري الرويفعى الإفريقى (المتوفى: 711هـ)- معجم لسان العرب- الناشر: دار صادر – بيروت - الطبعة الثالثة - 1414 هـ-ج1،ص194.

18. أحمد بن محمد بن علي الفيومي - المصباح المنير في غريب الشرح الكبير - الناشر: المكتبة العلمية – بيروت - عدد الأجزاء: 2، ص633.

19. محمد علي التهانوي- كشاف اصطلاحات الفنون-مكتبة لبنان ناشرون-بيروت-1996م-ج2، ص 1800.

**Xojiakbar NURIDDINOV,**
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN*
*Faculty of Classical Oriental Philology*
*Teacher of the department Arabic language and literature al-Azhar*
*Email: hojiakbar8228@gmail.com*

# АРАБ ТИЛИДА МАЙЛ ШАКЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

# СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ НАКЛОНЕНИЙ НА АРАБСКОМ ЯЗЫКЕ

# COMPARATIVE ANALYSIS OF INCLINATIONS IN ARABIC

***Аннотация.*** *Ушбу мавзу ўзбек ва рус тилидаги илмий манбаларда ҳам тўлиқ ёритилиб берилмаганлиги, аксарият ҳолларда манбалар араб тилида ёритилган наҳв китобларида мавжуд бўлган, лекин ўзбек ва рус манбаларда бўлмаган қоидаларга эҳтиёж сезилади. Шундан келиб чиқиб, араб тилида ҳохиш-истак майлининг шакли ва унга оид семантик хусусиятларни араб манбалари асосида ўрганиш ва ўзбек тили билан қиёсий таҳлилини амалга ошириш тақоза этади.*

***Калит сўзлар:*** *наҳв, юклама, боғловчи, аниқлик майли, шарт майли, буйруқ майли, истак майли, кучайтирма майл*

***Аннотация.*** *Эта тема не полностью освещена в узбекских и русских научных источниках, и в большинстве случаев необходимы правила, доступные в грамматических книгах на арабском языке, но не в узбекских и русских источниках. Таким образом, необходимо изучить форму желательного наклонения в арабском языке, его семантические особенности на основе арабских источников и провести сравнительный анализ с узбекским языком.*

***Ключевые слова:*** *Нахв (грамматика арабского языка), частица, союз, определительное наклонение, условное наклонение, повелительное наклонение, изъявительное наклонение, усилительное наклонение*

***Abstract.*** *This topic is not completely covered in Uzbek and Russian scientific sources, in most cases there is a need for rules that are available in nahv (grammar) books whose sources are in Arabic, but not in Uzbek and Russian sources. Therefore, it is necessary to study the form of the subjunctive mood in Arabic and its semantic features based on Arabic sources and to carry out a comparative analysis with the Uzbek language.*

***Keywords:*** *Nahv (grammar of the Arabic language), particle, union, definitive mood, conditional mood, imperative mood, indicative mood, reinforcing the mood.*

Since the beginning of the development of the Republic of Uzbekistan as an independent state, significant changes have occurred in all areas of science and national culture. These changes were observed primarily in the process of analysis, generalization, and planning of work to be done in the future based on the requirements of the national ideology and the ideas of national independence. «The adaptation of our way of thinking to the spirit of independence, the rejection of one-sided limitation is one of the most important issues of our time of Spiritual rebirth».

In this regard, the following words of President Shavkat Mirziyoyev, expressing the confidence of young people, are also noteworthy: "We are all proud that our youth are rightfully becoming a decisive force today and tomorrow because they can take responsibility for the future of our country" [1:13].

The President also spoke about the implementation of state policy towards youth, which is the future of the country: "We will resolutely and without deviations pursue the state youth policy," he said. We will not only continue but also raise this policy to the highest level that we need today as our main priority [1:14].

Of course, these words do not remain dry, we, the younger generation, need to show ourselves and have deep knowledge. In this, we are helped by deep knowledge, education, and upbringing.

Language plays an important role in the development of any nation in communication with other nations. Language is not only a means of communication between people but also a great product of national culture, a reflection of the spiritual life of peoples and centuries of development.

Learning foreign languages simultaneously develops intelligence, thinking, imagination, memory, and vocabulary, as it requires not only a deep understanding of an oral idea but also the ability to perfectly and correctly express this idea in the native language. This can only be achieved through a comparative typological analysis of materials both in Uzbek and in a foreign language.

In the textbooks of Uzbek Arab scholars N. Ibragimov, M. Yusupov "Arabic grammar", A. Abdujabborov "Arabic language" and in Russian

Arab scholars A. Kovaleva, G.Sh. Sharbatova, V.E. Chagall, M.N. Merekin. Textbooks and manuals by F.S. Zaburova, such as "The Textbook of the Arabic Language", cover these topics in an approach to the grammar of the Uzbek and Russian languages.

However, the work of Mustafa Galaini **"جامع الدروس العربية"** contains a number of new and, at the same time, important rules that are not reflected in the above works.

Auxiliary words exempt independent words from grammatical expression or accompany affixes that change words [2:134]. This does not mean that independent words that do not have grammatical meanings in their structure are outside the grammar, they are in the grammatical system of the language as a group of words. As mentioned above, auxiliary words do not have a nominative function, because they do not name anything and show some grammatical meaning not related to the phrase in the sentence, indicating the relationship between the parts of speech (for auxiliary and connecting).

It is known that auxiliary words play an important role in the Arabic language. Since the number of verbs in this language is very small, the subject, the relation of the event to time, place, restriction, and various other relations are expressed mainly by auxiliary words [3:55]. In Arabic, a special aspect of auxiliary words precedes the word to which they refer, for example:

رفضت حورنسا الذهابَ معنا إلى السوق – *Khurniso refused to go to the market with us.*

In Arabic, the phrase إلى السوق means market. In the Uzbek language, this phrase is given using the conjugation of direction, and in the Arabic language, this conjugation is expressed using the auxiliary word إلى. This auxiliary word requires the next word to appear in the accusative case, that is, in the jar state, in other words, it is directed. They refer to the works of Russian, Uzbek, and Arabic linguists to study and systematize such control of auxiliary words.

Such views do not completely solve the problem, of course, relationships can also be expressed lexically.

The action that the verb conveys is the relationship between the action and the speaker to reality. In Arabic, there are five tenses of the verb: the time of the message (or execution), the form of the conditional tense, the time of the command, the time of desire, and the reinforcing time.

Another source of Arabic grammar gives the following definition of mood. Action, understood from a verb, is a category that expresses the relationship of action to reality.

There are five moods in Arabic verbs.

1. The indicative mood.
2. Conditional mood.
3. Imperative mood.
4. Subjunctive mood.
5. Increased inclination.

The indicative mood - indicates actions expressing one of the times [3-125].

From the above information on the moods of verbs, it is clear that there are five moods of verbs in Arabic. Only when they are called in Uzbek, there are some differences, that is, in some textbooks, this is called indicative, in others - communicative mood.

The subjunctive mood means ordering, asking, advising, prompting to do or not to do an action [4:152].

B.M. Grande divided the use of the subjunctive mood into ten points: in the first sentence - the particle أنْ, in the second - كي, in the third - لِ, in the fourth - كي، أن، لِ, in combination with negative particles لا, كيلا، لئلاَّ، ألاَّ، لأنْ، لكي, in the fifth with the particle لن, in the sixth - حتى, in the seventh - with the particle فـ, in the eighth - و, in the ninth - أو and, finally, in the tenth - إذا.

He then said that Arab literary scholars claim that these particles require Fatah after themselves.

B.M.Grande›s emphasis on the fact that the verb that comes with أنْ is in the fatha, that is, in the inclination of desire, that the verb that comes before أنْ is a verb expressing command, desire, desire, necessity, and danger, is also seen in Mustafa Galayini›s work. However, the difference is that in Mustafa Galayini›s work, the preposition أنْ comes or does not come, and when it comes, the next verb is read in the mood of desire or clarity, and the verb before is a verb in the sense of trust or suspicion. B.M.Grande If the verb before أنْ is not a verb in the sense of command, desire, want, necessity and danger, then the verb after أنْ or the past tense to express the past tense or the present-future tense to express the present-future tense He gave the following example, stating that:

أعلم أن جاء أخوك – *I know your brother is here.*

He also mentioned that the sentence can be in the form أنه جاء [5:161].

Mustafa Galaini said that it follows the verb meaning «next» (trust), if it goes, the next verb should be read in damma (in the indicative mood), and if it comes after the verb in the sense

of suspicion (subjunctive mood), the verb after n in the word fatha (in the indicative mood), it can also go, and we give the following example after the verb in the sense of trust after it is pronounced by dumma:

أَفَلا يَرَوْنَ أَلاَّ يَرْجِعُ إِلَيْهِمْ قَوْلاً – *Can›t they see that he can›t say a word to them?*

(Toha-89) states that the word أَلاَّ يَرْجِعُ means أَنَّهُ يَرْجِعُ, and that the verb أَنْ comes after the verb expressing suspicion, and that the next verb can occur in both fatha (subjunctive) and damma: وحسبوا ألا تكون فتنة he said that his verb has pronounced both fatha and damma.

Mustafa Galaini also gives the following example, saying that it is better to pronounce a verb in Fatah when there is no negation between the verb and the verb:

أحسب الناس أن يتركوا أن يقولوا ءامنًا وهم لا يفتنون

He says that this is equivalent to repeating a verb in Fatah or damma when there is negative conjunction between أَنْ and the verb. Mustafa Galaini also gives the following example, stating that a verb should be read in damma when قد، سين، سوف is between أَنْ and the verb:

ظننت أن قد تقوم – *I thought you might get up;*

ظننت أن ستقوم – *I thought you were standing;*

ظننت أن سوف تقوم - *I thought you were standing.*

However, B.M.Grande did not describe situations where the loads لا، قد، سين، سوف fall between أَنْ and the verb. Perhaps in the fourth chapter of this information, it is only mentioned that the verb coming after ألا، لئلا، كيلا، لكيلا is in the subjunctive mood.

In the case of لن, B.M. Grande also states that the verb is used in the future tense and that the verb represents the future tense, gives examples:

لن يفعل هذا– *"He will never do that"*,

لن أقدر على مكافأتك – *"I don't reward you at all"*.

Mustafa Galaini argues that لن is a particle that negates, desires, and the future tense, سين، سوف, which negates the verb of the future tense, as well as information contained not only in B.M.Grande, but also in many Arabic sources, i.e. cited as a combination of prepositions and becomes a letter that negates the future tense verb.

As for the preposition إذا, B.M.Grande also states that the verb that comes after him is in the future tense and has an inclination towards desire.

سأزورك – إذاً أكرمك – *"I will come to visit you - If yes, then I respect"*

غداً عطلة العيد – إذاً نذهب إلى صيد السمك – *"Day off tomorrow - let›s go fishing"* [5:161]. It is enough to provide basic and general information with examples.

Mustafa Galaini also provided this information in addition to the following:

The condition of إذا, which originally meant tanvin, has been dropped and replaced by tanvin, which has become a letter that teaches the present and future tenses.

Because, for example, when someone says to you, آتيكَ «I will come to you", إذن أكرمك means "then I will respect you", which means "I respect you if it happens". Or composed of إذن and أنْ. For example, if someone says, "I will visit you", "and you say", "I respect you", then it is in the form of "I respect you" [16:278]. There are three conditions for this letter to make the present-future tense verb desire.

1) This letter should come at the beginning of the sentence. There should be no word related to the next word before it. Otherwise, the next word may be a fragment of the word that came before it. For example:

أنا إذاً أكافئكَ – *"I›ll reward you if I do", or a conditional sentence, becomes the main premise. For example:*

إنْ تزرني إذن أزرك *If you visit me then it may be as if I am visiting you or in response to an oath, for example:*

والله إذن لا أفعل – It can be like, "By God, I won›t do it". If we quote إذن before the oath, then it is necessary to quote the verb willingly because it comes at the beginning of the sentence. For example:

إذن والله لا أفعلَ – It will be like, "I swear by Allah, I will not do it".

2) The verb that comes after إذنْ should be mainly in the future tense.

If you say to the person who says, إني أحبك "I love you", إذن أظنك صادقاً "I think you›re telling the truth", then you should read the verb in the dhamma, that is, in the sense of clarity. Because the verb stands in the present tense.

3) There should be nothing between the verb and the verb except the letter of oath and denial. For example:

يجيد الأغنياء بالمال في سبيل العلم – *To the one who says, "The rich are generous with their wealth in the way of knowledge".* إذن هم يقومون بالواجب – If you say, "Then they are doing their duty", you will have to quote the verb in the damma because you have used a word other than the letter of oath and negation إذن between لا and the verb.

Mustafa Ghalaini also describes the situations that occur when a preposition and a preposition occur between a preposition and a verb:

Ibn Usfur, on the other hand, said that the place between إذن and the verb can also be a noun with a preposition, إذن يوم الجمعة أجيئك – *"Then I will come to you on Friday"*. إذن بالجد تبلغ المجد – *"In that case, you will achieve greatness through action"* [16:280].

As for the كي download, both B.M.Grande and Mustafa Galayini have reported on this download to almost the same extent. Only Mustafa Galayini also states that the meaning of the verb that comes with كي is the same as the meaning of the masdar of that verb.

Above, we cited the data of both scientists on the four main particles that follow before the subjunctive mood.

It should be noted that the differences in the views of these two scientists on these particles are reflected not in the fact that the rules contradict each other, but in the narrowness or width of the illumination area. Mustafa Galaini gave more information on downloads than B.M. Grande. The reason is that Mustafa Galaini, what is the origin of each preposition, how did it become such a preposition, whether the preposition ال negation of the preposition and سوف، سين، قد between prepositions and verbs, prepositional nouns and prepositional pronouns retain their effect. gave details on this.

As for the rest of the particles and conjunctions that require a subjunctive mood, B.M.Grande, as we saw in the previous verbs, is limited to general information, and subsequent desire also depends on the omitted أنْ. Mustafa Galaini, on the other hand, took the أنْ particle as a separate topic and studied its use, and the fact that أنْ can be hidden after seven particles must be discarded after five particles and أنْ can be discarded. and the twelve required locations are discussed separately, each in detail. B.M. Grande, on the other hand, did not study the cases involving the أنْ particle. In particular, Mustafa Galaini cited all five cases where أنْ should be omitted.

In general, Mustafa Galaini gave detailed information on the use of the subjunctive mood, particles. BM Grande, on the other hand, is limited by the general rule.

As you know, everyone belongs to a certain culture, which includes national traditions, language, history, literature. International economic, cultural, and scientific ties have led to the interpretation of language as a means of reflecting culture. As E. Sapir points out, language is a guiding tool in the study of culture.

When studying a language, it is important to know not only words but also the culture, worldview, lifestyle, and customs of the country in which the language is being studied. Dreams are a reflection of the culture of an entire nation, a mirror of people›s feelings and their place in society.

## REFERENCE


1. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T .: O‘zbekiston, 2017. B. 13-14.
2. Xalidov B.Z. Uchebnik arabskogo yazika. -T.: O‘qituvchi, 1977. B.134.
3. Ibrohimov N.,Yusupov M. Arab tili grammatikasi. –T.:O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 1997. B. 55-125.
4. M.Mirzaev, S.Usmonov, I.Rasulov "O‘zbek tili", "O‘qituvchi", Toshkent-1970y., B.152.
5. Grande B.M. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitel'no– istoricheskom osveshenii – M.:1963. B.161.
6. Abdujabborov A. Arab tili. –T.: Toshkent islom universiteti. 2007.
7. Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim ma'nolarining tarjimasi. –T.: Toshkent islom universiteti. 2001. – 617 b.
8. Alouddin Mansur. Qur'oni karim. O‘zbekcha izohli tarjima. –T.: 2004. – 767 b.
9. Nosirov O., Yusupov M. "An–na'ym" arabcha-o‘zbekcha lug‘at. –T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti 2003. – 950 b.
10. Hasanov M., Abzalova M. Arab tili darslari. T.: "Nihol" nashriyoti. –2007.
11. Hikmatov A. «Ad durusun nahviya» qiyosiy tarjima matni. –T.: Movarounnahr. 2006. – 198 b.
12. Baranov X. K. Arabsko – russkiy slovar. –M.: Russkiy yazik. 1985. – 942 s.
13. Grande B.M. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitelno– istoricheskom osveshenii – M.: Vost. lit., 1998. – 594 s.
14. Kovalev A.A., Sharbatov G.Sh. Uchebnik arabskogo yazika. –M.: Vost.lit. 1998. -752 s.
15. Xolidov B.Z. Uchebnik arabskogo yazika. – T.: O‘qituvchi. 1981.– 654 s.


## SOURCES IN ARABIC:


16. الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. دار الغد الجديد. القاهرة-7002. الصفحة–095
17. حفني ناصف، محمد دياب، مصطفى طموم، محمد صالح. الدروس النحوية. دار العقيدة. مصر، الإسكندرية–7002. الصفخة–183
18. القرآن الكريم. مجمع الملك فهد لطباعة المصحف الشريف. المملكة العربية السعودية–3041هـ. الصفحة–026.

**Ўктам ШАКАРОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*
*Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси*
*катта ўқитувчиси, PhD*
*e-mail: o.shakarov@iiau.uz*

# РАҲБАР АХЛОҚИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

# СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ И ПРАВОВАЯ ОСНОВЫ ЭТИКИ РУКОВОДИТЕЛЯ

# SOCIO-POLITICAL AND LEGAL ETHICS OF THE LEADER

***Аннотация:*** *мазкур мақолада бошқарувни ташкил этишда ахлоқий тамойилларнинг ўрни ҳақида сўз юритилади. Жумладан, бошқарувни ташкил этиш ва унинг амалийлигини таъминлаш раҳбар ва ходимлар ўртасидаги ахлоқий муносабатларни мустаҳкамлайди. Бошқарув белгиланган ахлоқий қадриятларга асосланиши жамоада келиб чиқиши мумкин бўлган турли хил низо ва ихтилофларни бартараф этишнинг ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилиши билан бир қаторда адолатли бошқарувни таъминлашда муҳим восита эканлиги ҳақида сўз юритилади.*

*Шунингдек, раҳбарнинг ўз ходимларига нисбатан рағбат ва интизомий чораларни қўллаш тартиблари, жамоавий меҳнат самарадорлигини ошириш, ўзаро муносабатлар мувозанатини таъминлашнинг муҳим маънавий-тарбиявий воситалари ёритилади. Раҳбарнинг бошқарувни ҳамкорлик асосида ташкил этиш услуби такомиллашиб бораётганлиги, муаммолар ечими хусусида ходимлар билан мунтазам мажлислар ўтказиш, раҳбар ва ходимлар ўртасида очиқ мулоқот, ходимларнинг ташкилий вазифаларни ҳал этишда иштироки, бўлим ва бошқармаларга мустақил қарор қабул қилиш, моддий неъматларни тақсимлаш ваколатларини бериш, ишчиларнинг режалаштириш жараёнларида қатнашиш услублари ҳақида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар:*** *давлат, жамият, адолат, адолат концепцияси, регламент, бошқарув регламенти, ахлоқ, ахлоқий қадриятлар, раҳбар, раҳбар ахлоқи, танқид, рағбат.*

***Аннотация:*** *В этой статье рассматривается место моральных принципов в установлении регламента управления как важное средство обеспечения справедливости управленческой системы. Это также укрепляет нравственные отношения, поддерживаемые руководителями и работниками, способствует регулированию эмансипации и обеспечивает выполнение их действий. Управление, основывающяяся на установленных моральных ценностях может служить правовой основой для разрешения различных конфликтов.*

*В нем также освещаются процедуры руководителя по применению поощрительных и дисциплинарных мер в отношении его сотрудников, повышение эффективности командной работы и сбалансирование межличностных отношений в коллективе. Также, рассматривается совершенствование управления на основе сотрудничества, регулярных встреч с персоналом по решению проблем, открытости общения между менеджерами и сотрудниками, участия сотрудников в организационных делах, полномочия по принятию решений для отделов и управлений, распределения материальных богатств, участия сотрудников в процессов планирования.*

***Ключевые слова:*** *государство, общество, справедливость, концепция справедливости, регламент, управленческий регламент, мораль, моральные ценности, руководитель, этика руководителя, критика, поощрение.*

***Annotation:*** *This article discusses the place of moral principles in the establishment of management regulations as an important means of ensuring the justice of the management system. It also strengthens moral relationships supported by managers and employees, helps regulate emancipation, and ensures that their actions are carried out. Management based on established moral values can serve as the legal basis for the resolution of various conflicts.*

*It also highlights the manager's procedures for applying incentive and disciplinary measures to his employees, improving teamwork and balancing interpersonal relationships in the team. Also, improvement of management is considered on the basis of cooperation, regular meetings with staff to solve problems, open communication between managers and employees, employee participation in organizational matters, decision-making authority for departments and offices, distribution of material wealth, and employee participation in planning processes.*

***Keywords:*** *state, society, justice, concept of justice, regulation, administrative regulation, morality, moral values, leader, ethics of the leader, criticism, encouragement.*

Мустақиллик даврида собиқ иттифоқ тузуми томонидан яратилган бошқарув жараёнидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ва мафкуравий тартибларни ислоҳ қилиш барча соҳаларни қамраб олди. Бу борадаги ислоҳотларнинг қандай тартиб ва йўналишларда амалга оширилиши аниқ белгилаб берилди. Бу тамойилларнинг амалий ҳаётга татбиқ этилиши эса айнан раҳбарларнинг ахлоқий сифатлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлди. Чунки бугунги кунда ҳар қандай раҳбар ўзини ҳар жиҳатдан тарбиялаб олган бўлиши лозим. Бунинг учун нафақат унинг ижтимоий-сиёсий билимдонлиги балки инсонпарварлик сифатлари ҳам юксак бўлиши лозим. Зеро, жаҳон тажрибалари асосида шаклланган илғор бошқарув тизимида ҳам ахлоқ меъёрлари устувор аҳамият касб этган.

Раҳбар ахлоқини ривожлантирувчи ҳуқуқий асослар мамлакатда қабул қилинган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мансабдор шахс сифатида раҳбар фаолиятини тартибга солувчи асосий манба ҳисобланади. Асосий қонуннинг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” [1:3.] деб белгилаб қўйилган. Давлат ва халқ доимо ўзаро чамчарчас боғлиқ бўлиб, қаерда ҳокимият халқнинг қўлида бўлса, унга хизмат қилса ва унинг иродасини ифода этса, бу давлат демократик давлат сифатида эътироф этилади. Халқ манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш ҳамда фаровон турмуш кечиришини таъминлаш раҳбарнинг ўз вазифасига қандай ёндашишига боғлиқ. Шунингдек, 14-моддада “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” дейилади. Мазкур норманинг муҳим томони шундаки, давлат ўз фаолиятини қонунийлик принципи асосида амалга оширади. Қонунийлик принципи деганда, аввало қонунларнинг ва улар асосида қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади.

Бошқарув ва раҳбар ахлоқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда замон талабига жавоб берувчи бошқарув идора усуллари, кадрлар ахлоқий-касбий салоҳиятининг ўлчов мезонларининг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган **“Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари”[2.94]** аҳамияти катта албатта. Ушбу қоидаларнинг асосий мақсади давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматида суиистеъмолликларнинг олдини олишга қаратилган.

Қарорда белгиланишича, ушбу қоидалар эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат. Мазкур ҳужжатнинг эътиборли жиҳати шундаки, давлат хизматчиларининг фаолиятида қоидалар ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, давлат хизматчиларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Давлат органларида фаолият олиб бораётганлар мазкур қоидалар билан таништирилиши ҳамда унга риоя этиши шартлиги:

<u>биринчидан,</u> ўз ишига бўлган масъулиятини оширишга ундаса;

<u>иккинчидан,</u> ходимларнинг ўзаро муносабатларида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг ягона услуби эканлигидан далолат беради.

Масаланинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, давлат хизматчисининг мазкур қоидаларга риоя этиши касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланиши таъкидланган.

Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан:

– юқори профессионализм;

– софлик ва адолатда ўрнак бўлиши;

– давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим;

– у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги;

– шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак[2.94].

Раҳбар ва ходим муносабатларининг юқоридаги ахлоқ нормаларига асосланиши муҳимдир. Зеро, бошқарувда раҳбар ўз ходимларининг режаларини билиши, тўғри баҳолай олиши, шунингдек, билимлари ва хатти-ҳаракатларини кузатишдан иборат бўлган мулоқотнинг тўғри ташкил этилиши, биринчидан, ташкилотнинг кучлилигини таъминлашга катта ёрдам беради, иккинчидан, раҳбарга номуносиб иллатларнинг юзага келишига чек қўйиб, бошқаришни ҳам осонлаштиради. Раҳбар ўз ходимларининг мавжуд руҳий ҳолати ва хулқ-атворини ҳисобга олмаслик, баъзан раҳбар ва ходим ўртасида ихтилофларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун раҳбарнинг кескин эътирозлари, талаблари қанчалик қаттиқ бўлмасин, у вазмин, изчил ва холис бўлиши мулоқот самарадорлигини таъминлайди.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим [2:94], акс ҳолда бошқарув фаолиятида низо келиб чиқиши мумкин.

Раҳбар ўз фаолияти давомида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши, коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши, ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

Тажриба шуни кўрсатаяптики, ходимлар ўз меҳнат фаолиятидан қанчалик қониқиш ҳосил қилса, муҳит ҳам соғлом бўлади. Ортиқча зиддиятли муносабатларга ўрин қолмайди. Жамоада соғлом муҳитни вужудга келтириш борасида раҳбарнинг роли жуда катта. Агар у ахлоқий нормаларга амал қилиб, бундай муносабатни ходимларнинг кундалик меҳнат фаолиятида татбиқ эта олса, жамоада нафақат соғлом муҳит, балки ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори бўлади. Баъзан, раҳбарлар қаттиққўллик қилиш керак деган тушунча билан жамоадаги муҳитни таранглаштиради, асабийлик ҳолати вужудга келади, сурункали чарчоқ, ўзаро ишончсизлик, умидсизлик бевосита катта ихтилофларга олиб келади.

Бугунги кунда “айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳамда сифатли бажаришга салбий таъсир қилмоқда. Давлат хизматининг унификацияланган ҳуқуқий асослари, уларнинг мақомини белгиловчи ягона нормалар, давлат хизматчиларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари шакллантирилмаганлиги давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш имконини бермаяпти. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларини ижтимоий-моддий ҳимоя қилишнинг паст даражада эканлиги, юклатилган жавобгарлик даражасининг улар ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига мувофиқ келмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот жамғармасини шакллантиришнинг ягона тамойиллари мавжуд эмаслиги малакали кадрларнинг давлат хизматидан чиқиб кетиши ҳамда коррупциявий ҳолатлар, давлат томонидан ажратилаётган молиявий ресурсларнинг адолатсиз ва номутаносиб тақсимланиши учун шароит яратиши” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “**Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар** концепцияси” [3.979]нинг қабул қилинишига олиб келди.

Концепцияда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этишда қуйидагилар назарда тутилганлиги белгилаб қўйилди:

– давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан, ҳуқуқий мақоми, давлат хизматчиларининг классификацияси, хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ягона давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган органни ташкил этиш;

– давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг ва давлат хизматчилари малакасини оширишнинг махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш;

– давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суиистеъмолчилигини камайтириш имконини берадиган давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини яратиш;

– ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шаклларини жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш лозимлиги таъкидланган.

Албатта, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси бўлиши аниқ. Лекин ушбу самарадорликка эришишда қанақа механизмлардан фойдаланамиз? Бунда раҳбар ахлоқини белгилаб берадиган умумий сифатлар қандай бўлмоғи лозим? Шундай экан, раҳбарларнинг ахлоқий сифатларини ҳисобга олиш ёки аниқлаш нисбий ва мураккаб ёндашув, аммо муҳим жиҳат ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам ушбу йўналишдаги илмий изланишларни кенгайтириш, унинг механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки раҳбарнинг имтиёзларини кенгайтириш ҳали муаммо ҳал бўлди, дегани эмас. Бу жамиятдаги қатор ижтимоий омилларнинг уйғунлигига эришиш билан ҳам боғлиқ масала ҳисобланади. Аммо жамиятда шундай қатлам бўладики, уларнинг имтиёзлари бевосита Ватан, халқ тақдири билан уйғун келади. Кадрлар сиёсатининг моҳият-мазмуни ана шундай қатламнинг жамият ва давлат бошқарувига мос келишини таъминлашдан иборат.

Масаланинг ахлоқий жиҳатлари билан биргаликда унинг ижтимоий хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтиш муҳим. Жумладан, ҳар қайси даврда ҳокимиятга интилиш, унинг воситаларига эга бўлиш истаги сақланиб қолади. Бош масала мана шу интилиш ва истакларнинг қай даражада ахлоқийлиги ва қонунийлиги таъминланганлигидадир. Жамиятда ҳокимиятга интилиш ошкора, аниқ белгилаб қўйилган мезонлар ва талаблар асосига қурилмас экан, унга эришишнинг ноахлоқий, хуфёна кўринишлари сақланиб қолади. Давлат тизими асосларига катта зарар етказувчи тўрачилик, таъмагирлик, коррупция, порахўрлик каби иллатлар кучайиб боради. Шу ўринда рус олими П.Сорокиннинг “Одам эгаллаб турган вазифасига қанчалик номуносиб бўлса, у шунчалик даражада жамиятни муваффақият билан емиришга қодир” [4:424.], деб билдирган фикрлари кадрлар сиёсатининг мамлакат ҳаёти учун нақадар долзарб эканлиги тўғрисидаги қарашларимизни тасдиқлайди.

Шу ўринда раҳбар кадрларнинг салоҳият сифатларини аниқловчи ва белгиловчи механизмларни бошқарувнинг турли соҳа ва хусусиятларига мувофиқлаштирган ҳолда амалда жорий этишимиз зарурлиги кўриниб турибди. “...давлат хизматчисининг ахлоқи нафақат унинг муваффақиятларига, балки давлатнинг обрўсига ҳам кучли таъсир қилади” [6:8.], дейди А. Бегматов. Афсуски, мамлакатимизда, ютуқлар баробарида давлат бошқарувидаги раҳбар ходимларнинг турли даражада ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари учраб турибди. Мавжуд иллатларнинг ижтимоий сабабларини аниқлаш, уларни келтириб чиқараётган омилларни таҳлил этиш давлат ва жамият бошқарувининг айрим заиф томонларини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Давлат бошқаруви мунтазам

равишда таҳлил этиб борилиши ва унинг фаолият натижалари тегишли хулосалар билан мустаҳкамланиши лозим. Чунки жамият ривожи ва бугунги кунда қўйилаётган талаблар бизнинг ихтиёримиздан ташқари ҳар дақиқада ўзгариб турибди. Шундай экан, бошқарувни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб боришга эътиборни кучайтиришимиз зарур.

Раҳбар кадрларнинг касбий салоҳияти ва ахлоқий таснифлари борасида профессор М. Бекмуродовнинг таклифлари эътиборлидир. Жумладан, олим бошқарувда раҳбарлик лавозимларига номзодлар танлаш жараёнида бўлажак раҳбарнинг:

– воқеликка тизимли ёндашиши;

– муаммоларни умумлаштира олиши;

– имкониятларга реал баҳо бера олиши каби қобилиятларига эътибор қаратиш муҳим, дейди. Бозор иқтисодиёти ва миллий ўзликни англаш жараёнларида жамиятнинг турли социал гуруҳларига монанд, яъни ўзгараётган ижтимоий жараёнлар мазмунини ўзида ифода этган кадрлар танлаш сиёсатини изчил олиб боришга эътибор қаратади. Ҳозирги замон раҳбари миллий маънавият заминида мустаҳкам турувчи, халқ урф-одатларига хурмат билан муносабатда бўлувчи ва унга оқилона меъёрни қўллаб амал қилувчи, бу борада бошқаларга ибрат кўрсата оладиган фаолият юритувчи шахс бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Раҳбарлик лавозимларига босқичма-босқич, белгиланган муайян муддатлар доирасида тайёрлашнинг давлат тизимини ишга тушириш, лавозимларга номзодлар захирасини яратиш ва уларнинг ижтимоий мавқеларга эришиш жараёнлари мониторингини йўлга қўйиш каби таклифларни билдиради [7:15.].

Раҳбар кадрларнинг касбий салоҳияти ва ахлоқий сифатларини аниқлаш борасида изланишлар олиб борган профессор М.Куроновнинг тавсиялари мавзумизни тўлдиради. Жумладан, давлат томонидан кадрлар олдига қўйилаётган талаблар таҳлили раҳбар кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш, танлаш, жой-жойига қўйиш нуктаи назаридан қуйидаги хулосаларни беради:

– жаҳон бошқарув педагогикаси ва психологияси, меҳнат социологияси ютуқларини кадрлар сиёсатида қўллаш тажрибасини умумлаштириш;

– раҳбар кадрлар шахсий фазилатларининг замонавий ва истиқболли моделларини яратиш ва синаб кўриш;

– муайян мансаб, лавозим профессиограммалари (масалан, жамоа хўжалиги раиси, завод директори, туман ҳокими ва ҳ.к.) талабларини аниқлаш;

– юқоридаги (талаблари аниқланган) вазифа, лавозимларга номзодларнинг мослигини аниқловчи объектив мезонларни белгилаш.

– очиқ ва ёпиқ танловлар технологиясини ишлаб чиқиш каби илмий-амалий вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади [8:16.].

Олим бу йўналишдаги камчиликларнинг сақланиб келишига сабаб кадрлар сиёсатида технологик ёндашувларнинг йўқлиги, деб тўғри хулосага келади. Кадрлар салоҳияти ва фаолиятлари технологияларини белгиловчи ва профессиограммалар, бир томондан, кадрлар сиёсатида объективлик тамойилини таъминлашнинг ишончли қуроли бўлса, иккинчи томондан раҳбар кадрлар тайёрлаш технологик тизимида меъёрлаштирувчи, назорат қилувчи восита бўлиб хизмат қилади [9:150.].

Кўриб чиққанимиздек, кадрлар билан ишлаш амалиёти ва хизмат доирасидаги муносабатлар улар ўз профессионал фаолиятида амал қилиши лозим бўлган асосий ахлоқ нормалари тартибини ишлаб чиқишни талаб қилади. Мазкур нормалар бир вақтнинг ўзида замонавий раҳбарнинг умуминсоний ва хусусий-касбий сифатларини ифода этувчи қуйидаги ахлоқий мезонларни белгилайди:

*Биринчидан,* давлат хизмати раҳбардан ўзаро одиллик ва ростгўйликни талаб қилади. Бу ўз ўрнида раҳбарга тавсия этилган давлат хизматидаги лавозим ижросини таъминлашнинг ахлоқий ҳуқуқини беради. Ёлғон, виждонсизлик каби иллатлар бу нафақат раҳбарнинг заифлиги, балки давлат ташкилотига нисбатан келтирилган зиён демакдир.

*Иккинчидан,* раҳбар ходимларга нисбатан самимий эътибор ва эзгу муносабатда бўлиши лозим. Зеро, улар ҳар куни одамларнинг турли шикояти, муаммолари ва таклифларига дуч келади. Жамоада бағрикенглик, ўзаро тушуниш ва инсоний ҳурмат орқали ҳаракатлар ҳамда фолиятларни ижобий натижалар сари йўналтириш мумкин. Биринчи навбатда, раҳбар шундай илиқ ва самимий муҳитни яратишга амал қилиши керак. Акс ҳолда, ёвуз ниятли муносабатлар устуворлик қилади. Ўч олиш,

таъқиб қилиш, сиқиб чиқариш, тухмат қилиш ва ҳ.к.

*Учинчидан,* раҳбарнинг камтарлик ва самимийлик каби ахлоқий фазилатлари кибр, ўзини йўқотиш ва икки хил муносабатлардан холи қилади. Камтар инсонда ҳеч қачон ўзининг “мен”ини кўрсатиш зурурати туғилмайди ёки алоҳида ҳуқуққа ва қилинган ишлари учун имтиёзларга эга бўлиш илинжида бўлмайди. У бағрикенлик қилади, зарурий босиқлик ва вазминлик ҳолатини сақлай олади. Ўзининг меҳнатларига танқидий қарайди. Раҳбарнинг ўзини юқори тутиши, ортиқча ишонч, қўпол ва жизғанак бўлиши замонавий бошқарувга хос бўлмаган ҳолат деб ҳисоблаймиз.

*Тўртинчидан,* раҳбар мулоқотда илтифотли ва эътиборли бўлиши керак. Унинг мулоқоти, сўзи ва маърузалари жамоада ҳар қандай ихтилофларнинг олдини олишга хизмат қилиши лозим. Баҳс-мунозараларда босиқлик ва барқарорлик билан ўзини тутиб, мулоқотчини тушунишга ҳаракат қилиши муҳим. Агар у эшитишга тоқатсиз бўлса, сўзини эшита олмаса, тезда жаҳл қиладиган, қўпол ва ўринсиз жавоб қайтарадиган агрессив инсонларни профессионал раҳбарлар деб ҳисоблаб бўлмайди. Саволлар қанчалик танқидий бўлса, унга шунчалик илтифот билан жавоб қайтариш лозим [10:27.].

Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси таснифларини белгилайдиган яна бир қатор касбий хусусият қоидалари мавжуд. Улар хизмат субординацияси, очиқлик ва тенглик услубларидир.

*Хизмат субординацияси* – давлат хизматидаги муҳим ташкилий ва этикавий тартиблардан бири ҳисобланади. Субординация лотинча сўз бўлиб “тартибга солиш” тушунчасини беради. Бу хизмат интизомига асосланган кичикнинг каттага бўйсуниш тизимидир. Яъни, бу тартиб хизмат лавозими даражасига қараб, юқоридан берилган (раҳбар) топшириқларнинг қуйи лавозимдагилар томонидан ўз вақтида ижросини таъминлаб бериш демакдир.

*Очиқлик* – раҳбарнинг одамларга нисбатан очиқ, доимо мулоқотга, уларнинг муаммоларига, таклиф ва истакларини эшитишга тайёр бўлиши демакдир. Раҳбар вақтининг тиғизлигига қарамасдан ходимлари ва мурожаат қилганлар билан учрашишни ташкил этиши зарур. Бундай муносабатларни формаллаштириш раҳбарни ходимлардан ва жамоадан узоқлаштиради.

*Тенглик* – ахлоқий қоидаси мулоқот самарадорлигини оширишга, ходимлар ўртасида демократик муносабатларни қуришга қаратилади. Тенглик мулоқоти ходимлар томонидан ўз фикри ва ғояларини эркин билдириш, жамоада билдирилган таклифларни амалий ва соғлом муҳокама қилиш, инобатга олиш демакдир. Фикрлар қарама-қарши ҳолларда ҳам тўғри қарор қабул қилиши учун раҳбар кўролмаслик, бир-бирига нисбатан тоқатсизлик, “душман”лик кайфияти билан боғлиқ иллатларни бартараф этишга тайёр туриши лозим [11:514-515].

Шундай қилиб, хулоса қиладиган бўлсак, раҳбар кадрлар фаолиятини ташкил этишнинг восита ва услубларини жорий этиш, унинг малакавий талабларини белгилаш, кадрларнинг профессионаллашган даражасини такомиллаштиришга қаратилган давлат ташкилотлари, нодавлат тижорат корхоналари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахсларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштиришга қаратилган ташкилий ва амалий тадбирлар, тамойиллар, қарашлар ва билимлар тизимини ташкил этиш замонавий тенденциялар қаторига киради.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 3.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 94-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 37-сон, 979-модда
4. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – Москва: Политическая литература. 1992. –С.424.
5. Алимардонов Т.Т. Сиёсат ва ахлоқ. Тошкент: Фан, 2005
6. Бегматов А. Давлат хизмати одоби // Жамият ва бошқарув. № 3. 2004. –Б.8.
7. Бекмуродов М. Миллий менталитет ва бошқарув // Жамият ва бошқарув. 1998. № 4. –Б.15.
8. Қуронов М. Кадрлар ва йиллар синови //Жамият ва бошқарув. 2000. № 3. –Б.16.
9. Қуронов М. Раҳбарлик лавозимлари профессиограммалари ҳақида. Раҳбар ва ходим. –Тошкент: Академия, 1998. –Б.149-150.
10. U Shakarov. MORAL PRINCIPLES FOR ESTABLISHING RULES OF FAIR GOVERNANCE. The light of Islam 2019 (4), 27
11. Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. Москва: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2008. –С.514-515.

**Шалдарбекова Айша Бақташқызы**
*Кандидат философских наук,*
*старший преподаватель*
*Южно-Казахстанского университета*
*им. М. Ауезова, Шымкент,*
*Республика Казахстан*
*E-mail:* aishashaldar1975@mail.ru

**Спанов Мейирхан Жантаевич**
*Кандидат философских наук,*
*Доцент Южно-Казахстанского*
*университета им. М. Ауезова,*
*Шымкент, Республика Казахстан*
*E-mail:* meir_filosof27@mail.ru

# НЕЗАВИСИМЫЙ КАЗАХСТАН И ЕГО МЕСТО В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ

# INDEPENDENT KAZAKHSTAN AND ITS PLACE IN THE MODERN WORLD

***РЕЗЮМЕ:*** *Вот уже тридцать лет исполнилось со дня независимости Казахстана. Для полноценного понимания независимости, необходимо анализировать прошлое и настоящее, мы планируем перспективу в светлое будущее. За четверть века Казахстан поднял свою экономику, определил свою территориальность, прославился для всего мира в качестве мирного и дружелюбного государства. В результате принятия и осуществления на практике стратегического развития Казахстана 2030, были обеспечены долгосрочные цели и приоритеты развития в целях создания государства со стабильной экономикой. Проведение специализированной выставки EXPO-2017 свидетельствует, о том что в Казахстане постепенно развивается экономика и культура.*

*В данной статье анализируется место и роль Казахстана в современном мире. Кроме того Казахстан отвечает на вызовы глобального мира, так как существует некий иммунитет по обеспечению стабильности в регионе.*

***Ключевые слова:*** *XX век, глобализация и консолидация, современный мир, меняющийся мир, человеческий капитал, независимость, цивилизация, мораль, стратегия.*

***SUMMARY:*** *It has been the third decade since independence of Kazakhstan. For a full understanding of independence, it is necessary to analyze the past and present, we are planning a prospect for a bright future. For a quarter of a century, Kazakhstan raised its economy, defined its territoriality, became famous for the whole world as a peaceful and friendly state. As a result of the adoption and implementation of the strategic development of Kazakhstan in 2030, long-term development goals and priorities were achieved in order to create a state with a stable economy. The holding of the specialized exhibition EXPO-2017 testifies that in Kazakhstan the economy and culture are gradually developing.*

*This article analyzes the place and role of Kazakhstan in the modern world. In addition, Kazakhstan is responding to the challenges of the global world, since there is some kind of immunity to ensure stability in the region.*

***Key words****: 20th century, globalization and consolidation, modern world, changing world, human capital, independence, civilization, morality, strategy.*

Прошло немного времени с начала XXI века. XX век запомнился нам как особый период исторического развития, имеющий своеобразный облик и характер. Это то время, когда научно-технический прогресс, в котором человек вышел за пределы Земли, освоил космос и полетел в космос, развивался в прогрессивных темпах. Кроме того, это время, в течение которого происходили чрезвычайные обстоятельства угрожающие жизни, время сильных потрясений и испытаний. В течение века были беспрецедентные социальные опыты, а также духовный упадок человечества. Объяснение феномена XX века относится к 1900 году, когда Э.Гуссерль начал «Логические исследования» и завершил сравнительную работу Тарнаса «История западного мышления» 1991 года. Главная причина нашего сравнительного разговора в том, что мы и впредь будем снова и снова обращаться к опыту XX века с целью раскрытия секретов культуры мышления. Потому что именно в это время появились глубокомысленные философские, исторические, культурологические произведения. Среди них «Протестантская этика и дух капитализма» М. Вебера, «Процесс» Кафки, «Недовольство культурой «Восток масс» Х.Ортега-и-Гассета, «Охватская история» А.Тойнби, Каждый из перечисленных авторов по-своему оценил быт XX век, поэтому они не повторяли друг друга.

Авторитетное мнение выдающегося мыслителя Фридриха Ницше о том, что общение между миром и человеком изменились. Если до этого мир и человеческая жизнь были определены богом - прекрасной силой, которая

была выше, то теперь человек старался придать значение и себе, и миру. То есть «человек тьмы» Ф. Ницше стремился искать значение и для себя, и для других. Это очень хорошее стремление, но насколько успешный, плодотворный шаг. Этот вопрос был поставлен еще в древние века и на него также были поиски ответов. Размышляя о Божьей смерти, нобелевский лауреат Альбер Камю привёл идею абсурда. Человек его поступок, его окружающая реальность - все бессмысленно, бессмысленно. Жизнь человека - это собачья жизнь Сизифа, который не смог донести до вершины горы тяжкий камень.

В XX веке поток истории развивался в двух направлениях: первое - укрепление фундаментальных человеческих основ цивилизации, морали и культуры, второе - создание нового мира, коренным образом изменив прежний старый мир. Указанные направления были реализованы, согласованы, ни разу не опровергли друг друга. Это была Великая Отечественная война, когда фашистская Германия и СССР экспериментировали друг с другом. Затем началась долгая война.

XX век - период всестороннего развития человеческой цивилизации. В начале века М.Планк основал квантовую физику, Гуссерль предложил принципы феноменологии, заинтересовался генетикой Менделя, Эйнштейн создал теорию относительности, в России произошла русская революция. М.Ганди боролся за независимость своеобразным образом, в США прагматизм У.Джеймса был подавлен. Идеи Ф. Ницше развивали Б. Шоу, З. Фрейд, А. Бергсон и Г. Юнг. Дальнейшее углубление марксистской науки получили В.И.Ленин, Н.Бухарин, Л.Троцкий, И.Сталин. К середине века такая технологическая индустриальная тенденция была остановлена второй мировой войной. Война принесла всему человечеству духовную депрессию и кризис. К концу века развивается созидательное творчество народа, который выиграл войну, пришел в себя и стал реально укреплять свои силы. В 1991 году СССР распался и для многих стран началась новая страница исторического развития.

XXI век еще больше дополняет комплексные символы и символы XX века. Тем не менее, характерных особенностей нет. Самое главное и единственное - глобализация. Это одна из самых обсуждаемых тем. Этот термин был введён в науку в годы 1990 для описания сложности и многообразия современного политического мира.

Постиндустриальная эпоха, век информационной революции, техно-глобализация, часто используемая в современной литературе, возникла в тесном контакте с процессом глобализации.

Глобализация - это объективный интеграционный процесс взаимодействия и взаимодействия различных обществ в мировом масштабе. На всех исторических стадиях развития человечества происходили интеграционные процессы различных этносов, национальностей, народов. В мире всегда был поток интеграции, который отражался в этнических, национальных, государственных кругах. В практике исторического движения сложилось мнение, что мир, хотя и многогранен, но обладает равномерной силой единства и действия.

Развитие мира в конце XX - начале XXI века привело к усилению взаимосвязи международных связей, особенно в экономической сфере. Тесные связи, интеграционные процессы углубляют конкуренцию в странах и общественных отношениях. А там, где есть конкуренция, согласование и разногласия всегда сопровождаются. Общий интерес не может удалить разнообразие. Когда они углубляются в конфликт интересов и достигают предела своего развития, созревают различные трения.

«Мы являемся свидетелями резкого обострения конфликта между Западом и Востоком, Севером и Югом. Как бы то ни было, США и Запад, придерживаясь принципа полезности, не только захватили большую часть богатства мира, но и начали процесс глобализации, который был оснащен всеми достижениями науки и техники и теперь нацелен на идентификацию с человечеством на мягкой земле «(1, 6 cп), - отметил А.Нысанбаев.

В настоящее время наблюдается разделение мира, определяется структура и расположение сил, направленных на долгосрочный период, и каждое государство, региональная группа стран, крупные корпорации стремятся иметь как можно более эффективный и влиятельный регион. Соединенные Штаты и развитые страны Запада активно используют способы геоэкономического воздействия в

условиях глобализации. При осуществлении геоэкономического воздействия чаще всего наблюдается применение военно-политических факторов, сочетающихся с экономикой. Использование таких подходов усиливает негативные стороны процесса глобализации.

Чем глубже эта ситуация, тем активнее процесс противоположной унификации. Каждая нация и нация хотят сохранить свою специфику, не поглощаясь глобализацией. Каждый раз, когда влиятельные США и Запад проявляют силу, каждая нация стремится сохранить свою независимость. Это стремление будет и дальше углубляться.

XX век - особый этап для казахской страны в ее развитии. За сто лет казахский народ пережил несколько формаций и накопил беспрецедентный исторический опыт. Переходя из кочевого бекзатского быта в социализм, видя все его влияние, впитывая в себя хорошую и плохую сторону и вступая в рыночные отношения в начале XXI века. Казахский народ сформировался образованной, цивилизованной, квалифицированной нацией, несмотря на репрессии в эпоху социализма, проявившие меньшинство на своей территории и отталкиваясь от неисчерпаемой полноты тоталитарной системы.

Казахстан - страна, занимающая особое место в сердце Евразии. Поскольку на протяжении веков казахская земля была продолжателем различных империй и культур между Западом и Востоком, ее население также росло и становилось толерантным к чужой культуре и мнениям.

Все политические лидеры имеют возможность предвидеть будущее, находить единственный правильный путь и часто делают этоинтуитивно. Однако их видение процветающего будущего не ограничивается ожиданиями, а подкрепляется конкретными шагами на пути к работе и достижению их целей (5, 204 ст). Об этом свидетельствуют предварительные планы Н.Назарбаева на несколько лет

Н.Назарбаев в своем Послании «Стратегия Казахстан - 2050 - новый политический курс состоявшегося государства» обозначил десять вызовов XXI века.

«Первый вызов - ускорение исторического времени.

Историческое время набирает обороты. Мир стремительно меняется, и скорость происходящих изменений поражает человека «(2, 1 ст.). «К 2050 году Казахстан должен войти в тридцатку самых развитых стран мира. Конкуренция за место в клубе среди развивающихся стран будет жесткой. Осознавая, что место под солнцем предназначено только для самых крепких, наша нация должна быть готова к глобальному экономическому процветанию «(2, 1 ст), - заключил Президент.

Казахстан - государство, которое с момента обретения независимости приобрело большую международную известность. Внешняя политика казахского народа, основанная на гуманном, гуманном мировоззрении и патсифистской философии, вносит весомый вклад в безопасность Центральной Азии. Ярким подтверждением этого является управление организациями ОБСЕ, ОИС, ШОС. Кроме того, «Шелковый путь» принимал участие в реконструкции старого торгового пути, организовывал межрелигиозный диалог в Евразии, оказывал гуманитарную помощь Афганистану, участвовал в обсуждении иранской ядерной программы.

Казахстан как можно дольше действует в обеспечении стабильности и мира стран Центральной Азии. Казахстан стремится к тому, чтобы стать полноценным игроком, сочетая свою международную активность с собственной внутренней мощью, которая проявляется до сих пор.

В Послании Президент также обозначил основные направления экономической политики, направленные на эти цели. Для обеспечения единого экономического прагматизма глава государства предложил кардинально изменить наши сегодняшние взгляды и позиции. Отныне необходимо принять экономические и управленческие решения с точки зрения всей экономической целесообразности и долгосрочных интересов и определить новые рыночные ниши, в которых Казахстан может участвовать в качестве полноценного бизнес-партнера (2, 1 ст).

Путь к обеспечению огромной цели, поставленной Лидером нации, открывается только в том случае, если внутренняя и внешняя политика государства гармонизируют друг с другом. По мере углубления международного деления труда, дальнейшего развития процесса

глобализации в экономическом развитии стран значение внешних факторов повышается. Это единственная необходимость - внимательно следить за направлениями мирового экономического развития и определять механизмы его адаптации.

Современный мир - это новый мир. У него есть признаки, очень похожие на XX век, потому что это, с одной стороны, единый природно-исторический процесс, во-вторых, взаимосвязь, единство и порядок действий различных сил и интересов. Основываясь на масштабном труде доктора политических наук Наубета Калиева «Новый мир - какой мир?», мы отмечаем следующие основные признаки нового мира, то есть современного мира.

Во-первых, углубление взаимосвязей и взаимозависимости между странами и регионами. Ярким подтверждением тому является зависимость России от деятельности компании «Газпром» со всех европейских стран. В последнее время ведутся поиски путей избавления от этой зависимости.

Во-вторых, процесс глобализации углубляется, но от него отстают миллиарды людей. Например, если Центральная Европа чувствует тенденцию к глобализации, то подавляющее большинство жителей африканского континента вообще не в курсе этого, потому что они отстранены от этого процесса.

В-третьих, в мировом политико-экономическом пространстве развиваются массовые гиганты, которые становятся новыми центрами мировой политики. Например, Китай, Индия, Бразилия.

В-четвертых, стремление исламского мира занять свое место во всей мировой системе отношений, когда-то ставшей очагом культуры и научного развития. К сожалению, исламская религия в последнее время тесно связана с действиями нежелательных групп, угрожающих человеческой жизни, вызывая сомнения в ее истинных гуманистических, человеческих качествах. Разве в средневековом Арабском халифате интенсивно развивались медицина, химия, математика, философия, астрономия, оптика, жили такие гиганты, как аль-Фараби, Ибн Сина, Омар Хайям? Разве в то время в Западной Европе передовые мыслители подожгли огонь инквизиции, и не были в разгаре религиозных взглядов?

В эти дни именно эта ситуация повторяется в мусульманских странах. Мусульманские страны отстают от тех течений, которые склонны к слепому убеждению, ограничивают мышление в развивающемся направлении, и тех, кто их защищает, и зависят от немусульманских стран с точки зрения всех обстоятельств, необходимых для жизни.

В-пятых, формирование мощного Европейского Союза. Тем не менее, на фоне того, что произошло в Украине, было видно истинное лицо лидеров европейских стран. Казалось бы, есть основания утверждать, что демократия, права человека и принятие решений, полезных только своим интересам, имеют место и в Европейском Союзе.

В-шестых, Соединенные Штаты в одностороннем порядке оценивают свое место в сыпучем мире, которое постоянно меняется, и стремятся к мировой власти. Это, конечно, становится непонятным международному сообществу, вызывает возражения и беспокойство.

В-седьмых, активная роль Казахстана и России в международных политико-демократических процессах с каждым днем уточняется. Елбасы Н.Назарбаев призвал к включению Евразийского экономического союза в тройку лучших таких объединений до 2050 года.

Хотя Казахстан входит в евроазиатское пространство, двери в другие страны будут открыты. Для того, чтобы страна производила и продавала свою продукцию, нужен внешний рынок. Для этого, конечно, мы не отказываемся от торговых отношений с соседними странами. Уже сегодня Казахстан тесно связан с 12 регионами России. Наша цель - разъяснить народу процессы глобализации, ее закономерности. От этого Казахстан никогда не выиграет. Нам всегда нужна интеграция.

В-восьмых, наиболее сложная проблема обновленного мира - дефицит природных ресурсов, недостаточность альтернативных источников энергии «(3, 5 ст.). Вот эти вопросы и определяют ключевое значение современного мира. Можно согласиться с мнением Н.Калиева о том, что ведущая тенденция развития современного мира - глобализация, в рамках которой в настоящее время весь мир сталкивается с проблемами нового типа беспрецедентного принципа.

Глобальные вопросы охватывают все стороны жизни общества. Обобщая и обобщая концепции ученых, политиков, глав государств, находящихся на разных стадиях развития, пишущих об этом вопросе, возникает следующая группа глобальных вопросов:

– стремление сохранить мир и предотвратить войну;

– защита экологического равновесия, обеспечивая взаимовыгодность природной среды и общества;

– держать демографический процесс под постоянным контролем;

– использование энергетических и сырьевых ресурсов в соответствии с его земными объемами, продуманное и эффективное использование всех сторон природных возможностей в поиске различных источников энергии.

– обеспечение постоянно растущего населения необходимым продовольствием;

– профилактика оптимальной организации здорового образа жизни и укрепления здоровья;

– ликвидация неграмотности и совершенствование системы образования.

Данные вопросы общедоступны для всех стран. Кроме того, у каждой страны много вопросов своего характера.

«Из анализа трудов известных мировых политиков можно предположить, что они особо выделяют три основных критерия глобализации: 1) это постоянный исторический процесс; 2) укрепление универсального и гомогенизационного (однородного) облика мира; 3) открытость национальных границ. Универсальность здесь следует понимать как усиление ее общих признаков для всех стран, а гомогенизацию - как ее продвижение в сторону однородной структуры «. ( 3, 6 ст.), - сказал Н.Калиев. Ученый обобщает разумное мнение, что эта философия еще больше углубляет взаимосвязь отдельных, общих, исключительных обстоятельств, которые постоянно напоминают друг друга.

1,2 миллиарда населения мира страдают от голода с различными заболеваниями, более чем в три раза страдают от голода. Еще один важный вопрос в новом мире - по данным на 2020 год, более половины населения бедных регионов состоит из наиболее политически и социально уязвимого контингента - молодежи. 47% населения Азии, 57% населения Ближнего Востока и Северной Африки составляют молодые люди, а к югу от Сахары даже 70% населения региона составляют граждане в возрасте до 30 лет. По данным Центрального разведывательного управления США, перед странами, которые составляют большую часть населения молодежи, стоят очень острые социально-экономические проблемы, такие как Афганистан, Пакистан, Колумбия, Ирак, сектор Газа, Йемен. Это судьбоносный вопрос для всего человечества. А в этих странах нет никаких условий для полноценной интеграции молодежи с обществом. По мнению З. Бжезинского, молодые люди, раскаявшиеся в беззаконии и социальной неприязненности, станут самым кровопролитным противником нового порядка в мире, который собираются установить США. Именно молодежь стремится пополнить ряды различных террористических организаций. То есть, установление мира, социального согласия, формирование безопасной среды жизни в мире остается очень сложной задачей человеческого сообщества. Это еще одна горькая правда обновленного мира. - (3, 6 ст.) отметил Н.Калиев.

Если подумать об этих сведениях, возникнут следующие вопросы. Голодный человек болеет или даже умирает. Никто в этом не сомневается. Люди, страдающие лишним весом и ожирением в развитых странах, попадают в такие ситуации из-за низкого дохода. Ведь все минералы и полезные вещества, необходимые человеческому организму, находятся только в дорогостоящих натуральных продуктах. А многие питаются только легким хлебом, сахаром, фруктами, полуфабрикатами. Это, конечно, не гарантирует крепкого здоровья.

Мнение Н.Калиева о молодежи очень уместно. В Афганистане, Пакистане, Колумбии, Ираке не сложилась социально-духовная среда, которая привлекает внимание молодежи и удовлетворяет их духовно-культурным запросам. Дети, трудившиеся в молодом возрасте, растут жестоко, безжалостно. Конечно, нельзя сделать эту мысль односторонней абсолютной. Тем не менее, никто не исключает, что в правильном направлении могут развиваться только те дети, у которых успешно обеспечено детство. Здесь необходимо обратить внимание на то, что в воспитании детей есть два конца. Потому что среди молодежи передовых стран, где все хорошо организовано, очень много безжалостных, жестоких людей. Случаи

стрельбы, травли, которые часто повторяются в школах Соединенных Штатов Америки, свидетельствуют о том, что в этой стране также накопились проблемы воспитания детей.

Как мы видим, очень важным фактором является то, что у человека возник большой разрыв между общим, духовным, культурным, социальным развитием и экономическим развитием. Развитие индустриального производства нарушило спокойный, комфортный ритм, развитый в взаимозависимости. Экономический рост опережает общее развитие общества. Вчерашние экономически сильные страны сегодня стали аутсайдерами мировой экономики (4, 46 ст.). Неэкономический слой общества остался без внимания, созрел новый вид ценностей. То есть поступки, направленные на то, чтобы я пил, вдова, бедняга, вышли на передовой, и, как отметил Г.Маркузе, появился феномен одноразового человека.

Наряду с одномерным человеком много людей, которые понимают его однородность, занимаются универсальностью, творчеством. Законным результатом этого станет расширенный мир. Сейчас деловому человеку созданы все условия. Хорошо освоив свою профессию, ты отдашь себе глаза на то, что работа идет без остановок.

Ритм развития современного мира настолько быстрый, что сегодня не реализуемый бизнес может не понадобиться. Исследования о человеческом капитале, о которых в последнее время много говорят и пишут, вызваны такими высокими требованиями современности. Человек должен всегда быть готов жить и жить, не только сопровождая, но и сопровождая настоящее время и пространство, которое постоянно меняется и постоянно развивается. Для этого, помимо таких человеческих качеств, как гибкость, терпимость, терпимость, необходимо постоянно стремиться к получению образования и развивать профессиональный уровень. И только тогда это время в твоем доме, и ты сам в том же потоке времени.

При становлении Казахстана независимым государством перед ним стоял выбор. Потому что несколько путей развития развивались, и они раскрылись в своих возможностях. Первая - это модель либеральной демократии, широко распространенная в западной Европе . Он был основан на более продуманной рыночной экономике и личных интересах. Многие страны Запада выбрали этот путь и добились более хороших стандартов жизни. Второе - это модель быта, основанная на коллективных, коммунарных ценностях.

Это современная японская, корейская, китайская цивилизация. Аналогично и тюркские ценности. Тем не менее, Казахстан - это государство, имеющее свой исторический путь. Несмотря на наличие тюркской духовной основы, Казахстан - страна, которая выбрала евразийскую цивилизацию. За последние 200 лет пребывания в составе Российской империи в казахской степи назрела культура особой терпимости, безучастного отношения к различным течениям и воздействиям. В Евразии есть сочетание прошлого и сегодняшнего, кочевой цивилизации и западной культуры, исторического сознания народа и мирового цивилизационного творчества. Евразийская модель развития стала для казахстанского общества добровольным волеизъявлением.

Опора национальной культуры - это независимость страны, укрепление национального сознания, укрепление межэтнических и межконфессиональных отношений. Особое влияние на обновление Казахстана как страны, формирование собственного пути развития оказали национальные культурные традиции, духовный фактор, культура межэтнических отношений. В этой связи, безусловно, программа Елбасы по духовному возрождению нашего государства является очень достойной мерой.

## ЛИТЕРАТУРА


1. Нысанбаев А. Глобализация и проблема межкультурного диалого в 2-х томах, Алматы: Компьютерно-издательский центр Института философии и политологии МОН Республики Казахстан, 2004, 1.1. – 274 с.
2. Назарбаев Н. Қазақстан 2050: Бір мақсат, бір мүдде, бір болашақ. Қазақстан халқына жолдау // Ақиқат, 2014 №2 – 5-13б.
3. Қалиев Н. Жаңа әлем – қандай әлем? // Егемен Қазақстан, 2007 ж. 16 маусым 5-6 б.
4. Елемесов Р. Новые характеристики современного мира (В каком мире мы живем» // Вестник КазНУ. Серия международные отношения и международное право №2 (62) – 2013 – 45-49 с.
5. Қолқанов Н.Т. Политическое лидерство как субъект современных властных отношений. “Philosophy, culture of the turkic-speaking peoples: history, present and future mavzusidagi xalqaro online simpozium materiallari. Тошкент – 2020

**Мухтор НАЗИРОВ**
*ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ*
*Халқаро муносабатлар кафедраси ўқитувчиси, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*
*E-mail: m.nazirov@iiau.uz*

**Мейербек ЕРГАШБОЕВ**
*ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ*
*“Халқаро муносабатлар” йўналиши 3-курс талабаси.*
*E-mail: mrbk_ergashbaev@mail.ru*

# ИНСОН КАПИТАЛИ – УЧИНЧИ РЕНЕСАНСНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

# ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ – ПРОЧНЫЙ ФУНДАМЕНТ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА

# HUMAN CAPITAL – THE SOLID FOUNDATION OF THE THIRD RENAISSANCE

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада учинчи ренессанс пойдеворини барпо этишнинг Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидаги аҳамияти, инсон капиталини ривожлантиришнинг инновация ва билимларга асосланган иқтисодиётга ўтишдаги ўрни таҳлил қилинган. Хориж олимларининг тадқиқотлари, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, “билимлар жамияти”ни шакллантириш борасида мулоҳазалар юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *инсон капипали, ренессанс, иқтисодиёт, инновация, модернизация, таълим.*

***Аннотация.*** *В данной статье анализируется значение возведения основ третьего возрождения на новом этапе развития Узбекистана, роль развития человеческого капитала в переходе к экономике, основанной на инновации и знаниях. Рассмотрены исследования зарубежных ученых, опыт развитых стран и вопросы формирования «общества знаний».*

***Ключевые слова:*** *человеческий капипал, ренессанс, экономика, инновация, модернизация, образование.*

***Abstract.*** *This article analyzes the importance of building the foundations of the third Renaissance at a new stage in the development of Uzbekistan, the role of human capital development in the transition to an economy based on innovation and knowledge. The studies of foreign scientists, the experience of developed countries and the formation of a “knowledge society” are considered.*

***Key words:*** *human capital, renaissance, economy, innovation, modernization, education.*

XXI аср – катта илмий-техника инқилоби даври. Бугун ер, фойдали қазилмалар, жисмоний капитал эмас, янгилик, билим ва кўникмалар муҳим ресурслар ҳисобланади. Замонавий даврда таълим иқтисодиётнинг бир тармоғига айланиб бормоқда. Бу шароитда ишлаб чиқариш, фан ва технология соҳаларида янгиликлар яратиши мумкин бўлган шахс юқори баҳоланади. Давлатларнинг барқарор тараққиётини таъминлаш, уларнинг саноат рақобатбардошлиги ошишида, жаҳон бозори ҳамда иқтисодий ҳамжамиятида ўз мавқеини мустаҳкамлашда таълимнинг ўрни тобора ортмоқда.

Учинчи ренессанс пойдеворини барпо этиш ғояси нафақат мамлакат зиёлилари қатламининг кенгайиши, маънавий муҳит барқарорлашиши, балки иқтисодий ўсиш ва энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш учун заминларни мустаҳкамлаш ва изчил такомиллаштиришни тақозо этади. Бугун илм чўққига чиқса, у ўзига иқтисодиётни ҳам шерик қилади. Сабаби, постиндустриал жамиятга ўтишда интелектуал капиталнинг аҳамияти кескин ортади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан оммалашуви шароитида юқори рақобатбардошлик ва иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан давлатларнинг билим яратиш ва фойдаланишдаги самарадорлиги билан белгиланмоқда. Давлатларда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг сезиларли қисми янги билимларни ўзида мужассам этган соҳалар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Глобаллашув феноменини ўрганаётган кўплаб мутахассислар модернизация самарали бўлиши учун техник ва маданий компонентлар ўзаро алоқадорликда бўлиши муҳимлигини таъкидлашмоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация қилиш учун тегишли ижтимоий-маданий заминларни ҳозирлаш зарур. Зеро, инсон ўз ақлий-маданий

ва ижодий салоҳияти билан жамиятнинг технологик ривожланишига шароит яратувчи, ишлаб чиқарувчи кучдир. Масалан, ҳозирда Япония, Малайзия, Хитой ўз миллий-маданий матрицаларига таяниб, жуда кучли мавқега эга бўлмоқда.

Рус олими Л.Абалкин шундай ёзади: “Агар биз бугунги жаҳон амалиётини мамлакатларни ривожланиш даражаси бўйича тартибласак, улар инсон омили даражасида тартибга солинади. Бу тушунча одатда қуйидагиларни ўз ичига олади: умумий ва аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми, аҳолининг умр кўриш даражаси ва таълим даражаси. Бу кўрсаткичлар биргаликда амалда инсон капиталини ташкил этади. Мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатидан шунга қараб белгиланади. Шунинг учун АҚШ, Япония, Германия ва Хитойда ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларда бу параметрлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади”. [1: 3-9]

Дарҳақиқат, бугунги кунда жаҳон тараққиётини белгиловчи тенденцияларни ҳисобга олганда, инсон салоҳиятининг ошиши энг асосий омиллардан биридир. Шундай экан, инсон капитали иқтисодий қийматга эга бўлган инсоннинг билимлари, кўникмалари, қобилият ва рағбатлари захирасидир. У ҳам инсонга, ҳам жамиятга истиқболдаги даромад ва юксалиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодчи олим Т.Шульц фикрича, инсон капитали – бу инсон эга бўлган билим, кўникма ва қобилиятлар йиғиндисигина эмас, балки у:

биринчидан, бу шундай захираки, у ёки бошқа бир муҳитда инсон томонидан ижтимоий қайта ишлашга сарфланади ва меҳнат унумдорлиги ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўсишига имкон беради;

иккинчидан, тўпланган билим, кўникма ва қобилиятлар захирасидан мақсадга мувофиқ фойдаланишидир;

учинчидан, даромаднинг ошиши инсонни рағбатлантиради ва қизиқтиради ҳамда янги билим ва кўникмалар захирасини тўплаб, келажакда унумли қўллашга сабаб бўлади. [2: 73-74]

Таъкидлаш жоизки, технологик ривожланиш инсон капиталисиз, яшил иқтисодиёт технологик ривожланишсиз амалга ошмайди. Буларнинг барчаси бир-бирига занжирдек боғлиқ. Америкалик иқтисодчи, Нобель мукофоти совриндори Г.Беккернинг фикрича, инсон капиталини инвестициялаш қимматли қоғозларни инвестициялашдан бир неча баробар кўпроқ фойда келтиради. [3]

Дунё амалиётида инсон капиталига ажратиладиган сармоялар асосан умумий ва махсус таълим олиш, иш билан таъминлаш, касбий тайёргарлик, болаларни вояга етказиш ва бошқалар билан боғлиқ сарф-ҳаражатларни ўз ичига олади.

Инсон капитали ўз ҳолича юксалмайди. Бу ўринда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари асосий сармоядор сифатида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратадилар. Чунки, бу сармоя бир неча баробар фойда билан қайтади. Масалан, АҚШнинг Мичиган штатида ишлаб чиқилган мактабгача таълим дастурининг самарадорлиги шуни кўрсатганки, ҳар бир сарфланган доллар жамиятга 7 доллардан 12 долларгача қийматда қайтган. [4]

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, айнан 22 ёшгача ҳар томонлама камол топган, юксак билим ва салоҳиятга эга бўлиб шаклланган ёшлар жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси билан ушбу сармояни жамиятга 15-17 баробар фойда билан қайтаради. [5]

Ўзбекистон Республикасининг кучли интеллектуал ва ижодий салоҳиятини шакллантириш мақсадида таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларига муҳим сармоялар киритилмоқда. Эндиликда доно халқимизнинг “Бешикдан то қабргача илм изла” деган нақлини амалий ҳаёт фаолиятимизга кўчириш, мамлакатимизда таълимнинг узлуксизлиги принципини амалда рўёбга чиқариш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. [6: 88]

Аҳолини олий таълим билан қамраб олиш даражасининг юқорилиги илмий потенциалнинг ўсиши ва бандликни таъминлашда ўз ўрнига эга. Касбий кўникма ва нисбатан арзон ишчи кучи чет эл корхоналари эътиборга оладиган энг муҳим жиҳатлардир. Чунончи, олим ва тадқиқотчиларнинг етишиб чиқиши мамлакатимизда илмга асосланган “яшил иқтисодиёт” улушини оширишга ҳам ёрдам беради. Зеро, “Яшил иқтисодиёт” принципларини муваффақиятли эгаллаган давлатларда инсон капитали ривожининг юқори индексини кўриш мумкин.

Жаҳон иқтисодий форумининг 2017 йилдаги “The Global Human Capital Index” ҳисоботига кўра, Норвегия, Финляндия, Швейцария инсон капиталини ривожлантириш бўйича пешқадамдир. [7]

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон улкан табиий бойликларга эга. Аммо, ресурсларни ўзлаштириш ва ташқи бозорларга сотиш орқали тез ўзгарувчан коньюнктурага самарали мослашиш, халқаро ҳамжамиятда рақобатбардош бўлиш мушкул вазифа ҳисобланади. Бундай ҳолатда фақатгина ресурслардан оқилона фойдаланиш ва инновацион ёндашувлар орқали мақбул ечимларга келиш мумкин.

Ўзбекистон улкан ёшлар потенциалига эга мамлакатдир. Билимли ёшлар мамлакат бугуни ва келажагини таъминлайдиган етакчи куч ҳисобланади. Уларнинг билим ва кўникмаларини реализация қилиниши, янгиликлар билан бойитилиб борилиши зарур. Бу ўринда фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиши муҳим аҳамият касб этади.

Билим, ахборот ва технологиялар алмашинувини янада рағбатлантириш, фан, таълим ва иқтисодиёт интеграциясини чуқурлаштириб борилишида давлат муҳим роль ўйнаши мумкин. Зеро, истиқболда чин маънодаги “билимлар жамияти”ни барпо этиш орқали энг тараққий этган давлатлари қаторига кириш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, “билимлар жамияти” мамлакатимизда янги ренессанс учун мустаҳкам пойдевордир, деган қатъий фикрга келиш мумкин. Бундай жамиятнинг шаклланиши қуйидаги омиллар уйғунлигига боғлиқ:

– ҳар қандай соҳада муваффақият шарти сифатида билимнинг устуворлиги;

– муаммоларни ҳал қилиш, маҳсулот ва хизматларнинг янги турларини яратиш учун зарур бўлган билимларга доимий эҳтиёж мавжудлиги ва уларнинг қондирилиб борилиши;

– билимларни шакллантириш ва қўллаш тизимларининг самарали ишлаши;

– билимларга бўлган талаб ва таклифлар ўртасида ўзаро мувозанат мавжудлиги. Таклиф билимга бўлган талабни қондиришга ҳамда янги талаб ҳосил қилишга қаратилади.

– моддий маҳсулот ишлаб чиқарувчи тизимлар билан билим ҳосил қилувчи тизимлар уйғунлашиб, жамиятда самарали ҳамкорлик ўрнатиши.

Бу ўринда жамиятимизда “инсон таълим учун эмас, балки таълим инсон учун” деган ёндашув шаклланиши аҳамиятлидир. Фақат шу ҳолдагина давлат ва жамият ҳаётида таълим-тарбия тизимининг нуфузини ошириш мумкин. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, бўлажак интеллектуал миллат шаклланишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Давлатнинг ёшларга муносабати жамият тараққиёти даражаси, унинг очиқлиги, олдинга интилаётганлигининг кўрсаткичларидан биридир. Шунинг учун жамиятни бирлаштириш ва фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатида ёшлар масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлганлар аҳолининг 60 фоизини ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак, ёшлар жамиятга янги ғояларни ташувчи демографик гуруҳ сифатида мамлакатимиз тараққиётига ўзига хос хисса қўшади. Тараққиёт ғояси ва истиқболларини белгилаб олмаган, асосийси, ўзининг ёш фуқароларига кўнгилига йўл топа олмаган давлат ва жамият эса фаровон келажагини тасаввур қилиши қийин.

Айнан ёшлар жамиятнинг энг фаол қисми сифатида турли соҳаларда инновацион лойиҳалар ва технологияларни жорий қилишга кўпроқ мослашган бўлади ҳамда уларда ўз ҳаётини қуришга интилиш кучли бўлади. Уларнинг бу фазилатларидан умуммиллий манфаатларга мос тарзда фойдаланиш ҳар қандай мамлакатнинг ривожланишини жадаллаштириши муқаррар. Ислоҳотлар чуқурлашаётган бугунги даврда ёшлар мамлакатимизнинг юксалиш сари одимларига куч бағишлай оладиган аҳоли қатламидир.

Хулоса ўрнида, ҳозирги даврда инсон рессурслари шаклида капиталга эга бўлган давлатлар энг бой, фақат табиий хом ашёга таянадиган мамлакатлар эса ночордир, деган фикр билдириш мумкин. Билимсиз капитал қуришнинг иложисиздир. Миллат бойлигини ошириш учун, аввало, одамлар саводли бўлиши зарур. Замонавий дунёда, шу жумладан, Ўзбекистон жамиятида мустақил, ижодий тафаккурга қодир инсонга бўлган эҳтиёж ўсиб бормоқда. Инновацион тараққиёт ва интеллектуал миллатнинг шаклланиши яқин истиқболда ўз рўёбни топиши борасида

мамлакатимиз етарлича тажриба ва имкониятлар мавжуд. Шу нуктаи назардан ўзбек замини нафақат интелектуал қадриятларни қабул қилиши, балки уларни мустақил ишлаб чиқариш ва ривожлантириш учун учинчи ренесанснинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш ғояси кучли импульс бериши мумкин.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Абалкин Л.И. Использовать интеллектуальный и экономический потенциал для будущего России // Экономист. – 1999. –№8. – С. 3-9.
2. Рустамова Д.Ж. Инсон капиталига сарфланган инвестициялар самарадорлигини ошириш йўллари // Иқтисод ва молия. -2015. -№1. - Б. 73-74.
3. Беккер Г. Воздействие инвестиций в человеческий капитал. http://baguzin.ru/wp/?p=4752
4. Человеческий капитал: как убедить правительства инвестировать в людей. 12.07.2018. https://kun.uz/ru/10990834
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018
6. Назиров М.М. Президент мурожаатномасида ёшларга замонавий таълим-тарбия бериш ва уларни камол топтиришнинг стратегик вазифалари // Шарқ машъали. -2019. -№1-2. – Б. 84-94.
7. The Global Human Capital Report 2017. https://www.weforum.org/reports/the-global-human-capital-report-2017



**Maloxat Ergashevna AXMEDOVA**
*Toshkent tibbiyot akademiyasi*
*Pedagogika va psixologiya*
*kafedrasi dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi*


# MAHALLA VA OILALARDA MA’NAVIY-AXLOQIY MUHITNI TAKOMILLASHTIRISH TIZIMI

# СИСТЕМА УЛУЧШЕНИЯ ДУХОВНО-ЭТИЧЕСКОЙ СРЕДЫ В МАХАЛЛЯХ И СЕМЬЯХ

# SYSTEM OF IMPROVING THE SPIRITUAL AND ETHICAL ENVIRONMENT IN THE COMMUNITY AND FAMILIES


***Annotasiya:*** *Mazkur maqolada mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhitni va faollikni qaror toptirish, yosh avlodni voyaga yetkazishda aholining ma’naviy-axloqiy-psixologik ijtimoiy muhitini qaror toptirish asosida yot g`oyalarga qarshi kurashish, xalq tinchligini saqlash uchun kurashga jalb etish, o`z faoliyatini insoniyat, mahalla, xalq manfaatlariga yo`naltirish, har bir fuqaroni madaniy va ma’naviy fazilatlarini ijtimoiy muhit jihatdan qaror toptirish va ularning o`z huquqlarini bilishga erishish, kuchli, adolatli, huquqiy, demokratik jamiyat qurishga bo`lgan xohish-irodasini mustahkamlash muhim ekanligi ko’rsatib berilgan.*



***Kalit so’zlar:*** *mezon, mahalla, oila, barqaror ijtimoiy muhit, bilim, malaka, ko`nikma, ma’naviy-axloqiy muhit, ijtimoiy muhit, faoliyat, rivojlanish darajasi.*



***Аннотация:*** *В статье рассматриваются вопросы установления стабильной социальной среды и активности в махаллях и семьях, борьба с чужеродными идеями на основе решения духовной, нравственной и психологической социальной среды подрастающего поколения, а также вовлечение человечества в борьбу во имя мира, для того чтобы сосредоточить внимание на интересах общества, народа, определить культурные и духовные качества каждого гражданина с точки зрения социальной среды и добиться осознания своих прав, укрепить волю к построению сильного, справедливого общества.*



***Ключевые слова:*** *критерии, соседство, махалля, семья, стабильная социальная среда, знание, умения, способности, духовно-нравственная среда, социальная среда, активность.*

***Annotation:*** *The article discusses the issues of the establishment of a stable social environment and proactive participation in communities and families and the fight against alien ideas by addressing the spiritual, moral and psychological social environment of the rising generation, as well as the involvement of mankind in the struggle for peace, in order to focus on the interests of society and the people, to define the cultural and spiritual qualities of each citizen from the point of view of the social environment and to realize his rights, to strengthen the will to build the strong, just and democratic society.*

***Keywords:*** *criteria, neighborhood/community, family, stable social environment, knowledge, skills, abilities, spiritual and moral environment, social environment, activity, level of development.*

Mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi – bu, uning o`z maqsadini tanlash va unga erishishda yuqori darajada kuch-g`ayrat, shijoat, jo`shqinlik bilan faoliyat ko`rsatishi va mehnat qilishidir. Bu hol shaxsning bilim, kasb-malaka, mahoratiga ega bo`lib, jamiyat hayotida o`ziga munosib joyni erkin egallash, yuqori natija va samara bilan ishlashdir. Mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimining o`z mehnati, mahorati, ishbilarmonligi tufayli ko`pgina ehtiyojlarni qondira oladigan yosh avlodni voyaga yetkazishdir. Bunda aholining axloqiy-psixologik xususiyatlarini takomillashtirish tizimida asosan ma'naviy-axloqiy muhit rivojlana boradi. Mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimidagi rivojlanishining asosiy yo`nalishlari tahlili oila va mahalla ijtimoiy faolligining o`zaro aloqador bog`liq mezonlari tizimini va bu mezonlarning har biri bo`yicha biz tadqiq qilayotgan fazilatning rivojlanish darajasi tizimli omil ko`rsatkichlarni ajratish uchun nazariy asos bo`lib xizmat qiladi.

**Birinchi omil** – mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi faolligini anglanganlik darajasini xarakterlaydigan g`oyaviy, ma'naviy tasavvurlarning rivojlanganlanganlik darajasi.

Bu tasavvurlarning rivojlanish darajasini xarakterlovchi ko`rsatkichlar quyidagilar: ularninng real dunyoga adekvatlik darajasi, g`oyaviy-axloqiy tasavvurlarning to`liqligi va ularning anglanganligi. **Ikkinchi omil** – mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhitni va faollikni qaror toptirisning zarur komponentlari sifatida amaliy malakalarni egallash darajasi, amaliy bilimlar, malakalar va ko`nikmalar xarakteristkasi shu mahallaning ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitini namoyon bo`ladigan faoliyat mazmuniga bog`liq. **Uchinchi omil** – mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi motivatsiyasining rivojlanish darajasi. Ko`rsatilganidek, loyiha doirasida tadqiq qilinayotgan mahalla aholisining yoshi, jinsi, aniqliligi muhim ahamiyatga ega. Bu intilish rivojlanishining darajasi asosan oila va mahalalarning ma'naviy-axloqiy tarbiyalanganligini xarakterlaydi. Mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi g`amxo`rlik qilishga intilishning rivojlanish darajasini xarakterlaydigan ko`rsatkichlar sifatida quyidagilarni keltirish mumkin: atrofidagilarga nisbatan mehribonlik; mahalladagi to`y-marakalarda bir-birini qo`llab-quvvatlash; ijtimoiy topshiriqlarda tashabbuskorlik va hozirjavoblik; mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi; o`z oila a'zolari singari mahalla haqida qayg`urish va hokazo. **To`rtinchi omil** – mustaqillik va tashabbuskorlikning rivojlanish darajasi. Tashabbuskorlik, mustaqillik – bu insonning xulq-atvorining asosiy xarakteristkalari. V.V.Davidov, M.S.Kon, V.E.Komarovalar "inson" tushunchasini sub'ektlarning yaxlitligi, mustaqilligi, mustaqil faoliyatga qodirlik sifatida tavsiflaydi [2:98] Tashabbuskorlik mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimini tavsiflovchi maxsus komponent bo`lishi bilan birga zamonaviy insonning yuksak rivojlangan mustaqilligining ajralmas xususiyati hisoblanadi.

Mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi ko`rsatkichlari va asosiy ko`rinishlari sifatida quyidagilarni belgilash mumkin; mustaqillikni tushunish va unga intilishning mavjudligi; kelgusidagi mahalla faoliyatini rejalashtirish va shu asosda harakat qilish malakasi; mahallada yuklatilgan vazifalarni bajarishda qat'iylikning namoyon bo`lishi; o`z ishini o`zi nazorat, tahlil qilish va baholash qobiliyati. Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi – insonlarning, ijtimoiy guruhlarning, umuman, jamiyatning murakkab, tizimli, integral fazilati. Mas'uliyatlilik – mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimida irivojlantirish mezonlaridan biri hisoblanadi. Bunda oilalarning mas'uliyat tuyg`usi bilan yashashi, faoliyat mahsulini to`liq tasavvur qilgan

holda uning o`zi mahalla uchun nima yordam bera olishiini anglay olish qobiliyati rivojlanadi. Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi

**Ijtimoiy mezonlar.** Ko`rsatkichlari. **Ma'naviy-axloqiy faolligi:** oilaning ma'naviy-axloqiy maqomi, ma'naviy-axloqiy roli va ma'naviy-axloqiy funktsiyalari to`g`risida tasavvur; –o`zining ma'naviy-axloqiy vazifasini anglab yetish; oilaning yuqori darajadagi mustaqilligi; oilalarning ma'naviy-axloqiy tarbiyasi mahalla faoliyatida qatnashish tajribasi; ma'naviy-axloqiy o`z-o`zini takomillashtirish tizimi, o`z xulq-atvorini, kasbiy faoliyatini mazkur talablar bilan taqqoslash; oilalarning ma'naviy-axloqiy xulq-atvor tavsifi; unda komillikka intilib borishga maqsad va vazifalarning barqarorligi, ularni hayotining mazmuniga aylantirishi; oilaning ma'naviy-axloqiy faoliyatining ijodiy tavsifi; olada va mahallada o`zini ma'naviy-axloqiy fazilati bilan namoyon qilish usullari; oilalarning ma'naviy-axloqiy fazilatlarini takomillashtirish. [4:143] **Psixologik faolligi:** inson ruhiyatiga ta'sir etuvchi motivlar, ehtiyojlar, mayllar, o`z faoliyati va uning dinamikasiga ega bo`lgan munosabatning mavjudligi. [8:11] **Kommunikativ moslashuvchanlik:** boshqa insonlar bilan o`zaro aloqani hosil qilish va muvozanatda ushlab turish malakasi; empatiya va hamdardlikka bo`lgan layoqat; mehnat jamoasida hamkasblarga ijobiy ta'sir qiluvchi ma'naviy-axloqiy, ma'naviy-psixologik muhit va munosabatlarni hosil qilishga nisbatan ehtiyoj. **Kasbiy- mezonlar.** Ko`rsatkichlari: **Kasbiy-identifik faolligi:** ishdagi hamkasblar bilan insoniy, demokratik o`zaro munosabatlarni yo`lga qo`yishga bo`lgan ehtiyoj, zarur bo`lganda, ularga ko`maklashish va qo`llab-quvvatlash. Kasbi va faoliyatga ijobiy hissiy-baholovchi munosabat; kasbga nisbatan munosabatlar; tanlagan kasbi va o`z mehnatidan qoniqish hissi; ma'naviy-axloqiyfazilatlar, o`z-o`zini axloqiy jihatdan tartibga solish layoqati; shaxsiy jihatdan o`z-o`zini boshqarish; intiluvchanlik darajasi; o`zini sevgan kasbiga baxshida etish; dunyoqarash va ma'naviy ehtiyojlarning kengligi; muloqot metodi; ijodiy yondashuv; kasbiy malakalarni uzluksiz takomillashtirib borish; o`zini kasbi bilan mahallada obru orttirib borish jarayonining samaradorligi. Barqaror muhitning qonun-qoidalari va undan hosil bo`lgan ma'naviy-axloqiy foydali harakatlarni o`zlashtirishning yagonaligi. [2:149]

Ushbu vazifalarni tizimli amalga oshirishda mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy muhit faoliyati muhim o`rin tutadi. Chunki mahalla oldida turgan asosiy vazifalardan biri aholining huquqiy savodxonlik haqidagi bilimlarini, aqliy salohiyatini takomillashtirish bilan birga, ijtimoiy muhitni, madaniyatni takomillashtirish tizimidir.

Mas'uliyatni his qilgan fuqaro ishni doimo puxta rejalashtirib, uning oqibatlarini oldindan tasavvur qila oladi va zarur natijaga erishish uchun butun kuchi va salohiyatini mahallaga safarbar etishga qodir bo`ladi. Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi atrof-muhitga yondashuv, shuningdek, ijtimoiy munosabatlarni yo`lga qo`yish, ijtimoiy-ruhiy hodisalarga o`z munosabatini bildirish, milliy qadriyatlar mazmunini anglash, chuqur ma'lumotga ega bo`lish, g`oya va nazariyalar mohiyati bilan tanishish orqali hosil qilingan qarash, tasavvur, hissiyot va e'tiqodlar tizimidir. Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimining xilma-xil turlari, shakl va metodlarini amalga oshirish bilan oila va mahalalarda izlanish, taqdim etilayotgan materiallarni chuqur o`rganishga ehtiyoj, tashabbus, qiziqish va izlanishga turki beriladi. Mahallada faoliyat yuritayotgan mahalla moderatorlarida chuqur didaktik qobilyat rivojlangan bo`lishi kerak. Tushuntirish, ishontirish, taqqoslash, savollarga javob berish, ma'naviy-axloq haqida suhbatlar, "Yangi O`zbekistonda erkin va farovon yashaylik" shiori ostida mahallaning istiqbol rejalarini muhokama etish, ma'qullash yoki rad etish kabi metodlar mahalla fuqarolari ongiga qat'iy ta'sir etadi. Milliy an'analar, oilaaviy jipslik, bellashuv nazorat, jamoaviy fikr, mahalladagi o`zaro uyg`un kayfiyat, yig`ilish, erishilganlarni muhokama etish va baholash, mushkul vaziyatlarda mahaladagi kam ta'minlangan oilalarga yordam berish, aholini faollashtiradi.

Mahallada yoshlarni ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy rivojlantirishning samarali yo`llari, ilg`or usul va vositalaridan eng zarur indikatorlarni tanlab olish va ularga e'tibor berishga ehtiyoj bor. "Indikator (lotincha "indico" – "ko`rsataman, aniqlayman") – "biror jarayonning borishini yoki kuzatilayotgan ob'ektning holatini inson idrok etadigan qulaylikda aks ettirishdir". Shu ma'noda yoshlarni ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy indikatorlari muayyan omillar, mezonlar va yo`nalishlar majmuidan iborat [2: 132]

Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimida turli omillar, pedagog xodimlar bilan hamkorlik va bir qator mexanizmlarga murojaat qilish ham muhim o`rin tutadi. Mavjud ma'lumotlarning umumlashtirish asosida quyidagi metodik tizimlarni alohida mexanizm sifatida ajratib ko`rsatish imkonini beradi.

**Istiqbol mexanizmi** mazmuni muayyan samara beradigan ma'naviy-axloqiy fazilatlarni takomillashtirish, yangi g`oya, yangi fikr, xohish-istaklardan iborat. Bu mexanizm. aqliy tafakko`r bilan amalga oshiriladi. **Shukronalik mexanizmi**. Bu mexanizm mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimida yaratilayotgan islohotlarga, berilayotgan imkoniyatllarga shukronalik keltirish. **Fidoiylik mexanizmi**. Bu mexanizm mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi jarayonida muhim o`rin tutadi. Mahallaga moddiy yordam ko`rsatish, qiyin vaziyatga tushub qolgan oilalarga ko`ngilli yordam berish, mahalla maschit-madrasasiga o`z hissasini qo`shish va hokozo.

**Identifikatsiyalash** mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimining yana bir asosiy mexanizmidir. Identifikatsiya (lotincha tenglashtirish) –u qarshisidagi kishiga tenglashtirish ma'nosini anglatib, insonning o`zini xayolan suhbatdoshi o`rniga qo`yish orqali uning fikrlari va tasavvurlarini tushunishga intilishi. Identifikatsiya jarayonida inson xayolan o`zini o`sha fuqaro bilan qiyoslaydi. Identifikatsiya ob'ekti nafaqat real insonlar, balki tasavvurlardagi insonlar ham bo`lishi mumkin. Identifikatsiyaning to`liq, qisman, ongli, ongsiz turlari mavjud.

**Empatiya mexanizmi** boshqa odamlarning hissiy holatiga hamdard bo`lish. Boshqalarning muammolarini yengishga yordam berish hissiyotga boy shaxslarning ijtimoiylashuvida muhim ahamiyat kasb etadi.

**Harakatlarni bekor qilish mexanizmi** fikr, hissiyot, harakatlarni susaytirish uchun qo`llaniladi. Muammoli vaziyatlardagi oilalarda kechirim so`raganida, uning harakatlari kechirilishi va sof vijdon bilan harakat qila boshlashiga ishonadi. Ko`p insonlar shu tarzda komillikka erishadilar.

**Eksiztentsial bosim mexanizmi** – tilni o`zlashtirish va o`zaro munosabatga kirishganda kerak bo`ladigan ijtimoiy xulq-atvor me'yorlariga ega bo`lish. Taqlid– biror-bir "namuna"ga o`xshash uchun harakat qilish.

**Deontologik mexanizm-**aholi salomatligi uchun kurashayotgan shifokorlarning ma'naviy-axloqiy fazilatlari, muamola munosabatlari. Patsentlarga munosabati.

**An'anaviy mexanizm** inson tomonidan oila, atrof-muhit, jamiyatga, xos norma, qarash steriotiplarini o`zlashtirishni ko`zda tutadi. [7: 9]

Inson ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitda kamol topadi. Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimida moddiy va ma'naviy mavjudligi, uning fiziologik, psixologik rivojlanishi shaxsiy manfaatdorlik asosiga qurilgan.

| **Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy muhitni takomillashtirish tizimi** | |
|---|---|
| Amaliy metodlar | |
| Mahallani manzilli o`rganish | Namunali mahallar guruhi |
| Oilalarning tipologiyasi | Oilalarning kamolot darjasi |
| Mahallaga befarq oilalar | Mahalla bilan yaqin munosabatda |
| Ma'naviy-axloqiy kategoriyalar | Ma'naviy-insoniy fazilatlar |
| Mahallaning istiqbol rejasi | Amaliy yordamko`rsatish. |
| Mahallani moddiy-ma'naviy qo`llab-quvvatlash. | |

Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi, birinchi navbatda, ma'naviy-axloqiy muhit rivojlanish muhitini yaratishdan boshlanadi, bu jarayonga e'tibor berish tarbiyaviy jarayonda uning shakllari, samarali metod va vositalari sifatida quyidagilarni ko`rsatish mumkin:

1) Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi turlari sifatida mehnat, jamoaviy sharoit, estetik did va kasb, bilim egallash jarayonini belgilash mumkin.

2) Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimi shakllari va usullari: Manzilli adres bo`yicha oilalarga yaqindan ma'naviy-moddiy yordam berish.

Natijalarga erishish uchun qulay sharoitlarni yaratish lozim. Qulay sharoitga erishish uchun mahalla moderator quyidagi talablarga javob beradi, ya'ni axborot almashuvi bo`yicha ma'naviy-

axloqiy va ijtimoiy shaxsiy va rahbarlik qobiliyatiga ega bo`lishi lozim. Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimiga yo`naltirish uchun mahallaga biriktirilgan moderator o`zining bilim doirasidan oqilona foydalanib aholinig qaysidir bir qatlamini – ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy shaxsiy, kasbiy layoqatni takomillashtirish tizimi sharoitini yaratishga yaqindan turib yordam beradi. Amaliy metodlar sifatida turli faoliyat jarayoni, masalan ta'lim olish manbalari asosida shaxsiy kamolot rivojlanadi: vatanparvarlik tuyg`usi, estetik did, mehnatsevarlik, umuminsoniy fazilatlarga ega bo`lish kiradi. Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollik quyidagi jarayonda takomillashadi: ma'naviy-axloqiy va -ijtimoiy muhit, ijtimoiy munosabatlar, ehtiyoj, qiziqish, ruhiy tayyorgarlik, maqsad, rag`bat, faoliyat, ma'naviy-yuksalish. [4: 32]. Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish mexanizmlari. Ijtimoiy faollik umumiy madaniyatining muhim ko`rinishi bo`lib, uning shaxsiy hayoti, shuningdek, jamiyat taraqqiyoti uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Ijtimoiy faolligini quyidagilar belgilaydi Ijtimoiy bilimlarni o`zlashtirish darajasi. Ijtimoiy munosabatlar jarayonidagi ishtiroki darajasi. Ijtimoiy faoliyat ko`lami va mazmuni. [1:21]

Demak, mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimini ularning ijtimoiy borliqqa munosabati darajasi sifatida namoyon bo`lib, ma'naviy-axloqiy kamolotga erishishning muhim shartidir. Shunga ko`ra mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimini quyidagilar bilan belgilanadi:

1. Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimin ijtimoiy jamiyat rivoji hamda undagi mavjud mafkuraviy g`oyalarva huquqiy savodxonlik asosida rivojlanadi. [5:7]

2. Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimini ijtimoiy munosabatlar mahsuli bo`lib, ularning hayotiy kurash mazmunini belgilaydi.

3. Mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimini o`zida quyidagi shaxs sifatlari komponentlarini namoyon etadi: onglilik, layoqatlilik, ishchanlik, mustaqillik, tashabbuskorlik, tadbirkorlik, mas'ullik, vatanparvarlik, baynalminallik, insonparvarlik. Ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tizimini rivojlanishi muayyan individual fazilatlarning o`zaro aloqadorligi va mahallaning ijtimoiy-madaniy muhit darajasiga bog`liq bo`ladi. [2:114] Demak, xulosa qiladigan bo'lsak, yuqorida keltirilgan ijtimoiy jarayonlarda mahalla va oilalarda barqaror ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy muhitni va faollikni takomillashtirish tiziminini ta'minlash, mustaqil fikrlashini takomillashtirish tizimi, bevosita muloqotga kirishishga undash, o`z fikrini erkin bayon etishi uchun imkoniyatlar yaratish muhim ahamiyat kasb etadi va bu, o`z navbatida, ularning ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy faolligini takomillashtirish tizimi vositalarini aniqlash hamda o`ziga xos xususiyatlarini o`rganish zaruriyatini belgilaydi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR.


1. Egamberdieva N. Ijtimoiy pedagogika. – T.: Alisher Navoiy nomidagi O`zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2009. – 232 b.
2. Qahharova M.M. Ma'naviy-axloqiy muhit: Demokratik yangilanishlarning muammo va yechimlar. Monografiya. – T., 2008; - 178 b.
3. Qurbonboev M. Talabalar ma'naviy-ijtimoiy sifatlarilarini qaror toptirishning pedagogik asoslari (jamoalar asosida): diss.. ... pedagogika fanlari nomzodi. – T., 1998. –155 b.
4. Egamberdieva N. Madaniy-insonparvarlik yondashuv asosida talabalarni shaxsiy va kasbiy ijtimoiylashtirish nazariyasi va amaliyoti (Pedagogika oliy ta'lim muassasalari misolida): Ped. fan. dok. ... diss. – T., 2010. 332 b.
5. U. Shakarov. MORAL PRINCIPLES FOR ESTABLISHING RULES OF FAIR GOVERNANCE. The light of Islam 2019 (4), 27
6. Yakimanskaya I.S. Lichnostno-orientirovannoe obuchenie v sovremennoy shkole. – Moskva: Sentyabrь, 2000. – 112 s.
7. Malokhat Akhmedova, Primary Classes based on Media Technologies Represent an International Rating System for Teacher Control International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192 .
8. R. Melibaeva, M Komilova, F Iskanjanova, M Hashimova, Sh. Raupova; "PROBLEM BASED LEARNING AND ITS EFFICIENCY IN TEACHING PROGRESS" Journal of Advanced Researchin Dynamic and Control Systems, Volume 12, Issue 02-2020

**Жавоҳирхон СОБИРОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*
*Халқаро муносабатлар кафедраси ўқитувчиси*
*sjavohirkhon@iiau.uz*

# ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

# DEVELOPMENT OF INTEGRATION PROCESSES BETWEEN TURKIC-SPEAKING COUNTRIES

# РАЗВИТИЕ ИНТЕГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ МЕЖДУ ТЮРКОЯЗЫЧНЫМИ СТРАНАМИ

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг халқаро алоқалардаги роли ёритилган. Бундан ташқари, туркийзабон халқларнинг келиб чиқиши тарихи, маданияти, тили ва динининг яқинлиги ҳақида сўз юритилади. Мақолада Марказий Осиё мамлакатларини Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашидаги иштирокининг аҳамияти ва ташкилот доирасида интеграцион жараёнларга таъсири каби масалаларга доир фикр-мулоҳазалар баён этилган.*

***Калит сўзлар:*** *Туркий халқлар, Марказий Осиё, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши, Туркий кенгаш, интеграция, ҳамкорлик, Пантуркизм, демократия, кўппартиявийлик.*

***Аннотация:*** *В данной статье рассматривается роль Совета сотрудничества тюркоязычных государств в международных отношениях. Кроме того, упоминается о близости истории, культуры, языка и религии происхождения тюркских народов. В статье рассматривается важность участия стран Центральной Азии в Совете сотрудничества тюркоязычных стран и их влияние на интеграционные процессы в рамках организации.*

*Собировники русча номи ва аннотациясини алмаштирворинг*

***Ключевые слова:*** *тюркские народы, Центральная Азия, Совет сотрудничества тюркоязычных государств, Тюркский совет, интеграция, сотрудничество, пантюркизм, демократия, многопартийность.*

***Abstract:*** *The role of the Cooperation Council of Turkic-speaking states in international relations is considered in this article. In addition, there is the discussion of the history, culture, language and proximity of the origin of the Turkic-speaking peoples. The article discusses the importance of the participation of Central Asian countries in the Cooperation Council of Turkic-speaking states and their impact on the integration process within the organization.*

***Key words:*** *Turkic peoples, Central Asia, Cooperation Council of Turkic-speaking states, Turkic Council, integration, cooperation, pan-Turkism, democracy, multiparty system.*

Туркий халқларнинг келиб чиқиш тарихи милоддан аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Турк ҳоқонлиги, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар каби қадимги туркий давлатлар ўз даврининг энг қудратли салтанатларидан бўлган. Уларнинг таъсирида туркий тил ва турмуш тарзи кенг ёйила бошлаган, илм-фан, маданият ва санъат юксак ривожланган, кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Уларнинг улкан кашфиётлари, нодир асарлари нафақат туркий тилли халқлар, балки бутун жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Туркий халқлар ўртасидаги яқинлик нафақат муштарак маданият, тил, дин ва ўхшаш қадриятлар, балки қадимдан савдо алоқалари йўлга қўйилиб, ўзаро борди-келди, ҳамкорлик қилиб келингани билан ҳам боғлиқ. Бу ришталар собиқ иттифоқ даврида узилиб қолган, чекланган бўлса-да, аммо мустақиллик йилларига келиб қон-қардошлик туйғуси яна эски ўзанини топди. Собиқ иттифоқ таркибидаги туркий мамлакатларда миллий ўзликни англашга эътибор кучайди, тарихий анъаналар қайта тикланди, туркий тилли давлатлар билан ўзаро алоқалар фаоллашди.[10]

Туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарлари 1990 йилларнинг бошидаёқ тили, дили, маданияти ва диний эътиқоди умумий бўлган қардош халқларнинг тенг ҳуқуқли ҳамжамиятига асос солганлар. Туркий тилли давлатларнинг ҳамкорлик кенгаши (Туркий кенгаш) нинг асосий мақсади туркий тилли давлатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Уни ташкил этиш бўйича ташаббус Қозоғистоннинг собиқ Президенти томонидан 2006 йилда олға сурилган. Кенгаш таъсисчи давлатлари Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳисобланади. 2009 йилда Озарбайжоннинг

Нахичеван шаҳрида Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон бу дўстлик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтариш мақсадида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш ҳақида келишиб олди. Ташкилот фаолиятининг асосий принциплари 2016 йилда қабул қилинган Истанбул декларациясида белгилаб қўйилди. 2018 йил Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиши, унинг мавқеъини янги даражага олиб чиқди. Ташкилотда Туркманистон ва Венгрия ҳам иштирок этиб келмоқда.

Ушбу ташкилотдаги мамлакатимиз иштирокининг миллий манфаатларимизга қанчалик мос эканини Ўзбекистон Президентининг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитида сўзлаган нутқида қуйидагича таъкидлаган: "Туркий кенгаш доирасида ўзаро самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз. Ҳозирги босқичда унинг фаолиятида мамлакатимиз учун амалий жиҳатдан қизиқиш уйғотадиган йўналишлар бўйича иштирок этишга тайёрмиз".[9]

Туркий Кенгаши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Уставининг мақсадлари ва тамойилларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принциплари ва меъёрларига, шу жумладан суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик ва давлатларнинг халқаро эътироф этилган чегараларининг дахлсизлиги, шунингдек халқаро тинчлик, хавфсизлик ва яхши қўшничиликни ривожлантиришга содиқ бўлган ҳукуматлараро ташкилотдир. Шу билан бирга, аъзо давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик ривожлантиришга доимо интилади.

Туркий Кенгаш фаолияти тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, кенг ҳамкорликни ривожлантиришга, аъзо давлатларнинг умумий ривожланиши учун имкониятларни очишга қаратилган ташкилотдир. Гарчи ташкилот маълум бир мамлакат гуруҳини бирлаштирган бўлса-да, эксклюзив ёндашувни қўлламайди. Аксинча, туркийзабон давлатлар ўртасида чуқурроқ алоқалар ва бирдамликни ривожлантириш орқали Евроосиё қитъасида, айниқса Марказий Осиё ва Кавказда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун янги минтақавий восита бўлиб хизмат қилишига интилади.[5]

Умумий тарих, муштарак тил, ўзига хослик ва яқин маданият сингари тўртта устунда қурилган Туркий Кенгаш бу умумий хусусиятлар билан чекланиб қолмайди. Аксинча, бу икки томонлама ҳамкорликнинг мавжуд йўналишларини, масалан, аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодиёт, фан, таълим, транспорт, божхона, туризм ва бошқа турли соҳаларни минтақа манфаатлари йўлида кўп қиррали ҳамкорликка кенгайтиришга қаратилган.

Турк дунёси интеграциясининг ривожланиши барча туркий давлатларнинг давлатчилигини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шундай қилиб, туркий тилда сўзлашадиган мамлакатлар глобал сиёсий жараёнга сезиларли таъсир ўтказа олишади. Бундан ташқари, энди туркий тилда сўзлашадиган мамлакатлар биргаликда жиддий кучни англатади. Улар иқтисодиётининг ялпи ички маҳсулоти 1 триллион 150 миллиард доллардан ошади. Туркий Кенгаш аъзоларининг сони 160 миллион кишини ташкил қилади. Шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиё жуда катта тарихий ва маданий чегараларга эга. Худди шу ерда, туркий тилда сўзлашадиган халқларнинг катта қисми яшайди. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, минтақа 5 та постсовет мамлакатларидан ташқари, Мўғулистон, Ғарбий Хитой, Панжоб, Шимолий Ҳиндистон ва Шимолий Покистон, Эроннинг шимолий-шарқий қисми, Афғонистон, Россиянинг Осиё тайга зонаси жанубигача бўлган ҳудудлар киради. Ушбу ерлар туркий тилли давлатлар интеграцияси туфайли ўтмишда бўлгани каби тарихий давомийлик тамойилига риоя қилган ҳолда, жаҳон тарихида алоҳида ўрин эгаллаши мумкин бўлган катта иттифоқдош ўқини шакллантириш мумкин.

Албатта, туркий тилда сўзлашадиган мамлакатларнинг бирлашиши, Пан-Туркизм доктринасида кўрсатилганидек, Буюк Турон сингари ягона марказлашган ёки федерал давлат яратилмасдан амалга ошиши керак. Туркларнинг бирлиги қандайдир императорлик лойиҳасига, манфаатдор ўйинчиларнинг тегишли амбицияларини рўёбга чиқаришига йўл қўймаслик керак.

Замонавий даврда сиёсий пантуркизм ғоялари иккинчи даражага кўтарилмоқда. Бир қатор экспертларнинг фикрига кўра,

дастлаб, 90-йилларнинг бошларида Марказий Осиё мамлакатлари билан мустақилликка эришгандан сўнг Туркия ўз ғояларини олға суришни бошлаган. Кейин Анқара туркий кенгаш интеграциясини ривожлантириш учун, шу жумладан Марказий Осиёнинг туркийзабон мамлакатлари ҳамкорлик орқали иш олиб бориш кераклигини англади. Натижада Анқара 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Марказий Осиёга нисбатан икки томонлама ўзаро таъсирлар, кўп томонлама институтлар, иқтисодий алоқалар ва юмшоқ кучларнинг мураккаб комбинациясидан фойдаланган.[1]

Аҳолисининг аксарият қисми мусулмонлардан иборат бўлган ҳолда, дунёвий давлат қуриш йўлидан борган республикалар учун, ўзида секуляр демократияни муваффақиятли жорий қилган, шунингдек, кўппартиявийлик борасидаги ютуқлари билан турк модели жуда ҳам жозибадор кўринган эди. Шу сабабдан ҳам ўтган асрнинг 90-йилларида минтақа мамлакатлари раҳбарлари ривожланишнинг турк моделини қабул қилишга тайёр эканликларини билдирди. Афсуски, Анқаранинг умумий турк сиёсий ва иқтисодий ҳамжамиятини яратиш борасида ўз салоҳиятига ортиқча баҳо бергани тез орада аён бўлиб қолди, унинг бу соҳада етарли ресурсларга эга эмаслиги ойдинлашди, эндигина мустақилликка эришган туркий тилли давлатларга ваъда қилинган иқтисодий ёрдамни бера олмади. Натижада, турк модели минтақа етакчилари учун ўз жозибадорлигини йўқотди.

Туркиянинг асосий мақсади алоқаларни ривожлантириш ва Марказий Осиё билан яқинлашишни таъминлаш эди. Тижорат ва бизнес муҳим албатта, бироқ энг муҳими, маданий ришталарни сақлаш бўлган. Мустақилликнинг илк йилларида Туркия туркий халқлар орасида интеграцияни тарғиб қилиб, ўзига хос бир блок тузиш керак деган таклифларни қувватлади. Лекин Марказий Осиё республикалари мустақил давлат сифатида оёққа турар экан, ўзи танлаган йўлдан боришни хоҳлади. Интеграция эмас, суверенитет муҳим эди.

1996 йилдан кейин Туркия туркий тилли республикалар билан муносабатни қайта ташкил қила бошлади. Энди бу сиёсат реал сиёсий воситалар ва узоқ муддатли ҳисоб-китоблар билан таъминланган эди. Муносабатларнинг иккинчи босқичида пантуркизм сингари пафосли ғоялардан воз кечилган бўлса-да, минтақа давлатлари билан кўп қиррали муносабатларни ўзига хос этно-лингвистик асосда ривожлантириш тамойили сақлаб қолинди. Бунинг ёрқин исботи – туркий тилли давлатлар Кенгашининг таъсис этилганлигидир.

Туркий кенгашга аъзолик Ўзбекистоннинг туб манфаатларига тўла жавоб беради. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида нафақат маданий-маънавий алоқалар, балки савдоиқтисодий муносабатлар ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Ўзбекистон нафақат ташкилот доирасида, балки, бошқа давлатлар билан ҳам бўлган муносабатларини йўлга қўйишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик тарафдори эканини кўрсатмоқда. Бир томонлама манфаатларга хизмат қилувчи ташкилотлар келажаги йўқлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Маданий-тарихий алоқалардан ташқари, туркий тилли давлатларнинг иқтисодий-сиёсий интеграция учун имкониятлари чекланганини тан олиш лозим. Хусусан, савдо алоқаларини ривожлантириш Кенгаш низомида алоҳида қайд этилган. Унда “Савдо ва сармоялар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, товарлар, капитал, хизматлар ва технологияларнинг ҳаракатланишини енгиллаштириш учун божхона ва транзит жараёнларини, молиявий ва банк операцияларини янада соддалаштириш” масаласига алоҳида урғу берилган.

Туркий давлатларнинг аксарияти ўзи учун устувор саналган бошқа давлатлар ва интеграцион бирлашмалар билан муносабатларни ривожлантиришга кўпроқ аҳамият бермоқда. Бир сўз билан айтганда, туркий давлатлар сиёсий элитаси бу Кенгашда иштирок этишни бошқа ташкилотлар доирасидаги самарали фаолиятига муқобил вариант сифатида кўраётгани йўқ. Бу яқин келажакда ҳам ўзгармас сиёсат бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо ташкилотнинг ривожланиши туркий тилли давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаши билан бир қаторда, ушбу давлатлар ўртасидаги савдо муносабатларини эркинлаштиришга имкон яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Туркий тилли давлатлар билан алоқаларни Марказий Осиё минтақаси доирасида ривожлантириш, минтақа давлатларининг ўзаро ҳамкорлик муносабатларини шакллантириш Туркий Кенгаш фаолиятининг асоси ва барқарор истиқболи бўлиши мумкин. Минтақа давлатларининг Туркий Кенгашда иштирок этиши минтақавий интеграцион жараёнларни тўлдиради ва бу жараённи янада фаоллаштиришга хизмат қилади. Интеграцион жараёнлар бир томонлама манфаатга қаратилмасдан, балки, ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни кўзлаши ташкилот истиқболини белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. BENG, P. (2008). Turkey's Potential as a Soft Power: A Call for Conceptual Clarity. Insight Turkey, 10(2), 21-40. Retrieved December 28, 2020, from http://www.jstor.org/stable/26328672
2. Berdiyev, B. (2020). Central Asia: International Relations as a Factor of Regional Stability and Integration. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(10), 118-122.
3. Muhammadsidiqov, M. (2018). The Influence of "religious factor" on Ethno-Political and Confessional Conflicts in Muslim Countries. The light of Islam, 2018(1), 18.
4. Nazirov, M. (2016). Some thoughts on the study of the evolution of political processes in Uzbekistan in 1989-1991. The Strategies of modern science development: Proceedings of the XI International scientific-practical conference, North Charleston, USA. CreateSpace, 60-65.
5. Şahin, Köksal & Candan, Gökçe. (2018). Scientific productivity and cooperation in Turkic world: a bibliometric analysis. Scientometrics. 115. 10.1007/s11192-018-2730-x.
6. Sentralnaya Aziya. Geopolitika i ekonomika regiona. – M.: Institut strategicheskix otsenok i analiza, 2010.
7. Sobirov, J. Participation of Uzbekistan in The Cooperation Council of Turkic Speaking States. Scientific Collection «InterConf», (39): with the Proceedings of the 8th International Scientific and Practical Conference «Science and Practice: Implementation to Modern Society» (December 26-28, 2020). Manchester, Great Britain: Peal Press Ltd., 2020. 1851
8. Sobirov, J. (2020). International Relations Between Turkic Speaking States. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(12), 144-149. https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume02Issue12-22
9. http://old.uza.uz/oz/society/turkiy-tilli-davlatlar-amkorlik-kengashi-zaro-ishonchga-yana-17-09-2019
10. https://www.s-cica.org/page_ol/ccts12/

**Mirsulton Batirovich KADIROV**
*Military-Technical Institute of National Guard of Uzbekistan, doctor of philosophy PhD, docent, Senior lecturer of the Department of Humanities and Social Sciences.*
*mirsulton@list.ru*

# FACTORS DETERMINING THE DEVELOPMENT OF THE GLOBAL PARADIGM OF CIVIL SOCIETY

# ГЛОБАЛ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ПАРАДИГМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

# ФАКТОРЫ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ РАЗВИТИЕ ГЛОБАЛЬНОЙ ПАРАДИГМЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

***Annotation:*** *Analytical aspects of factors of civil society development in the context of globalization of international politics are considered. The article also discusses the paradigmatic features of the globalization of the development of civil society, its historical genesis as a complex socio-political phenomenon, the principles of categorization of levels related to socio-economic development; the means and methods of development of civil society in our country are highlighted in the definition of theoretical and methodological aspects of the dialectical unity.*

***Keyword:*** *illusions of social necessity, the paradigm of globalization, global norms, civil society institutions.*

***Аннотация:*** *Мақолада халқаро сиёсатдаги глобаллашув шароитида фуқаролик жамиятининг ривожланишидаги омиллари таҳлилий жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек макола да фуқаролик жамиятини ривожланишинг глоббалашув парадигмал хусусиятлари унинг мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида тарихий генезисини, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ даражаларини туркумлаштириш тамойилларини; мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш воситалари, услублари диалектик бирлигининг назарий-методологик жиҳатларини аниқлашга алоҳида ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *ижтимоий зарур иллюзия, глобаллашув парадигма, глобал меъёрларни, фуқаролик жамият институтлари*

***Аннотация:*** *Рассмотрены аналитические аспекты факторов развития гражданского общества в контексте глобализации международной политики. В статье также рассматриваются парадигматические особенности глобализации развития гражданского общества, ее исторический генезис как сложного социально-политического явления, принципы категоризации уровней, связанных с социально-экономическим развитием; в определении теоретических и методологических аспектов диалектического единства выделены средства и методы развития гражданского общества в нашей стране.*

***Ключевое слово:*** *иллюзии социальной необходимости, парадигма глобализации, глобальные нормы, институты гражданского общества*

Neither the descriptive part nor the normative part of the theory of global civil society has a dominant tradition: debates about which schools and institutions should be included in it, and which aspects of it should be encouraged, promoted as the most important and useful. The competition of ideas and the desire to universalize this or that idea hidden behind them make it possible to study global civil society as an ideology in the tradition of the Frankfurt School of Critical Theory. We also use Hambers' method of ideological criticism to determine the superior interpretations and assessments of the possibility of asserting civil society as an influential and global "socially necessary illusion."

The formation of the ideology of a global civil society is taking place according to several plans at once: Proponents of the role of "socially necessary illusion" promote the idea of a "third-generation", while theorists analyze the idea of the communicative principle of harmonization of global norms. It is necessary to analyze which of the competing definitions is superior and how much content it acquires as an ideology. In the context of globalization, the process of changing the traditional foundations of the concept of civil society is an important aspect of modern social relations. This indicates the emergence of a new paradigm of civil society – globalization (1:16).

Further development of the regulatory framework of civil society institutions, non-governmental non-profit organizations, taking into account the impact of globalization, will prevent such negative consequences as their threat, falling into the financial trap of foreign organizations, withdrawal, negative impact on their activities from abroad. According to Tursunov, "the advantages

of globalization benefit not only politicians, big business, financial groups, but also criminal groups and international terrorism in the pursuit of their interests" (2: 51).

It is known that the task of "developing strategic measures to make full use of the positive aspects of the globalization process and reduce its negative effects" is provided for in the Declaration adopted on the occasion of the 50th anniversary of the United Nations. United Nations (UN) documents include making the process of globalization a positive factor for all the peoples of the world. Means of comprehensive action have been identified to accomplish this task. It was stressed that these actions are in the interests of developing countries and should be carried out in cooperation with them. Also, the process of globalization requires every citizen to get rid of the complications of the past, to think anew, to determine the future, to be constantly on the lookout.

Former UN Secretary-General Ban Ki-moon stressed the need to pay special attention to the serious threats of globalization in human life, saying that "they can be combated only through cultural diversity, the development of science" (3:2007). The Secretary-General stressed that terrorism, ethnic cleansing, discrimination, and other crimes against humanity are the most tragic tragedies of today. About the issue of "universal governance", it is necessary to emphasize, in particular, the daily activities of the UN, the impact of the development of international standards on civil society. Participation and collaboration based on these methods of influence; participation in world politics and dialogue on political issues; influencing the activities of global intergovernmental organizations.

Ensuring the participation of civil society institutions in world politics today and organizing a wide-ranging dialogue on political issues, including issues of human rights, gender, racism, social justice, and the environment on the UN agenda; to arouse the opinion of the world community, to organize political pressure if necessary; Organizing dialogue and consultations with UN units; participation in international conferences and forums; influence public policy at the national and regional levels; the application of new approaches in daily activities, the promotion of new information and knowledge, and so on. Influence of civil society institutions on the activities of world intergovernmental organizations Participate in discussions on the "new global architecture"; Participate in UN reform activities; Direct participation in the UN administration, etc.

For Uzbekistan, too, emerging trends in determining the characteristics of the system of civil society institutions at the global level have some influence. We believe that in the context of globalization for Uzbekistan, it is expedient for civil society institutions to assimilate and strengthen only the positive features of the development trends of these institutions in foreign countries. The head of state has developed a specific strategy to address the negative aspects, which are: to ensure the competitiveness and sustainable development of civil society; raising the socio-political, cultural, and environmental culture of citizens; bringing the activities of civil society institutions in the implementation of state reforms to a high level of quality through effective socio-political and socio-economic means; preservation, development, and transmission of mental, specific historical traditions and values in civil society to future generations; strengthening the system of civil society institutions in the protection of national interests, and others.

Civil society is manifested in connection with its practical character, although at the same time it does not encompass a certain idea and ideology, a reality with a clear basis. Because such a form of self-institutional governance is interpreted, on the one hand, as a specific area of social relations and a method of subjective satisfaction of interests, allowing free choice of personal freedom, type, and the subject of interaction. On the other hand, it develops as a social system that allows one to approach a specific event from the point of view of a specific "strong and independent person". For example, "In the United States, the first formal institutions of civil society functioned as religious associations, schools, and social groups that provided security and order in the home. In Western Europe, on the other hand, civil society institutions have manifested themselves in the economic sphere, operating as independent market organizations of new and old types, formed based on previous associations and corporate associations. In Germany, the specific activities of civil society institutions were reflected in the guild,

which in due time was established as the first form of self-defense and specific influence of artisans and merchants on urban governance. In turn, the Italian cities of Florence, Padua, and others formed themselves as guild-townsmen (4:608).

Civil society institutions currently operating in developed Western countries exercise control over the state in the context of democratic political activism. At the same time, the influence of political parties and the activity of self-governing institutions are growing. That is, individual freedom is valued as the highest value. For example, in the United States, Great Britain, and Australia, this principle does not allow the state to interfere in the life of civil society.

The contribution of the non-profit sector to the development of society is recognized in Western countries based on cooperation policy. After that, the general plans of the parties and a concrete action plan for the implementation of the principles of cooperation by state and public associations using practical mechanisms will be developed. Therefore, such a policy of cooperation is usually strengthened as a result of joint efforts and negotiations between the two sides. They take many forms: for example, bilateral formal agreements, ie agreements between the UK government and civil society, "de facto" agreements adopted by the government as state programs (Croatian Cooperation Program) or Parliament (Estonian Civil Society Development Concept), or unilateral statements (state strategy for Hungarian civil society) expressing the obligations of the parties.

The agreements and statements between the UK government and civil society are very important for both the third sector and the public sector itself. They allow, firstly, to give civil society organizations serious support for their activities, that is, to expand their spheres of activity in the interests of society, and secondly, to enable the state to successfully carry out its tasks through such partnerships, including dialogue and partnership with civil society. The key to such a successful partnership policy is the guarantee of mutual interest, based on respect and trust in "the goals and objectives of the other party". However, it is natural for these organizations to take the initiative in negotiating cooperation with non-governmental organizations and adopting a political document. But in Croatia and Hungary - for example, the government is also interested in this issue, and it is expected that it will be the initiator of the process and its successful completion.

In this sense, the adoption of a political document on cooperation alone is not enough. That is why Article 15 of this agreement states: "It is called' the starting point, not the end'. The contract is called a "process" (Smith, 2004). This emphasizes that both parties are interested in the negotiation process, even if the agreed text cannot be adopted. Such relationships are formed based on meetings, constructive discussions, active cooperation, as well as mutual concessions and aspirations to understand each other. However, for both the non-profit sector and the government, the adoption of a document that was considered legally binding and specified clear deadlines for the fulfillment of obligations was the most viable option. But even the process of meetings, discussions, negotiations itself - if it results in improved mutual understanding with government agencies - proves that they will benefit more than expected.

In English-speaking political science, the debate over the problem of civil society is gaining momentum. In particular, the term "global civil society" as a high-demand term does not have a personal meaning. On the one hand, it means the reality in which transnational civic values are beginning to emerge, that is, a "legal association outside national borders" (6). Political free-thinkers, on the other hand, acknowledge that it is based on observation: for them, civil society is a normative project, and the term itself is used to cover "humanity's ability to develop institutions that reflect universally validated and entrenched norms in real discourse" (7: 31-56) designed.

Typically, most scholars distinguish three traditions of defining civil society - active, neoliberal, and postmodernist (8:152). In the 1970s, the term civil society was coined simultaneously, without mutual consent, in two regions - Latin America and Western Europe. He successfully described the attempts to create an autonomous social space in the first case in the context of authoritarianism - military dictatorships, and in the second case in the context of the communist order. The idea of civil society is to self-organize the relationship between society and the state without changing the state in both contexts, to create

institutions that are not subordinate to the state, inviolable. In North America, Western Europe, and India, such an understanding of civil society was later described as a "new policy," or "anti-politics," an environment in which citizens interacted outside political ideologies and parties to democratize rather than seize power in the traditional sense. In this definition, personal autonomy, formed in 1968 during the protests against state institutions, is the main subject of the "new" social civil society, which does not interfere in the private daily life of the state.

The second tradition of civil society is described as neoliberal. It is mainly related to the ideas of the "third sector" that developed in the United States in the 1970s and 1980s. The concept of a third, or nonprofit sector (joint) is aimed at understanding and encouraging the existence in the States of a whole class of organizations that are not controlled by the state and the market, but play an important role in coordinating the work of both. This view of civil society follows the ideas of the French political scientist Alexis de Tocqueville of association (organization), and it is also associated with a neoliberal orientation to the minimization of state powers. The main members of civil society, according to this view, are non-governmental organizations - associations focused on professional values, in need of "protection" and formed to provide humanitarian assistance to lower categories of citizens. Such organizations are more flexible than public organizations, they are innovative and efficient and therefore can assume certain functions of the state by providing socially important services.

Apart from Western Europe and North America, the structures of civil society in the traditional sense are less developed even in large cities, and at the same time, there are a large number of religious associations and clans that do not depend on the state and form autonomous social spaces, areas of alternative power and administration. Although such groups are not always voluntary or represent more than a mechanism of social subordination (including women), the postmodernist view suggests that civil society should not be divided into western "positive" and eastern "negative" but should be used objectively, taking into account cultural variations.

In conclusion, in the context of globalization, the more civil society develops its members, the more diverse the associations that represent and protect the interests of groups and individuals, the more opportunities there are for the democratic development of the state. At the same time, the more democratized the political system, the greater the chance that civil society will develop.

**LIST OF USED LITERATURE.**

1. Mavlonov J.Yo. Fuqarolik jamiyatiga oid zamonaviy kontseptual diskursning asosiy yo'nalishlari (ijtimoiy-falsafiy tahlil). Avtoreferat. «AKADEMIYA NOSHIRLIK MARKAZI» DUK, 2017.
2. A.Tursunov. Globallashuv xavfsizlikni ta'minlash // Jamiyat va boshqaruv. T:, 2005.- № 3.
3. Pan Gi Mun. Poslanie po sluchayu Mejdunarodnogo Dnya terpimosti. 16 noyabrya 2007 goda G'G' Veb-cayt Organizatsii Ob'edinenno'x Natsiy – www.un.org.
4. Ashin G.K., Kravchenko S.A., Lozannskiy E.D. Sotsiologiya politiki. Sravnitelno'y analiz rossiyskix i amerikanskix politicheskix realiy: Ucheb. posobie dlya vo'sshix uchebno'x zavedeniy. – M.:: Ekzamen, 2001.
5. Smith, M.E. (2004), Europe's Foreign and Security Policy: The Institutionalization of Cooperation, Cambridge: Cambridge University Press.
6. Soper, Steven C. Building a Civil Society: Associations, Public Life, and the Origins of Modern Italy (2013)
7. Pollock, Graham. "Civil Society Theory and Euro-Nationalism," Studies In Social & Political Thought , Issue 4, March 2001, pp. 31–56.
8. Buryak V.V. Globalnoe grajdanskoe obhestvo i setevo'e revolyutsii. – Simferopol: DIAYPI, 2011.

**Гулбахор АЗИМОВА**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчи*

# ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА ЎРНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

# МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ РОЛИ ОТЦА В ВОСПИТАНИИ ДЕТЕЙ

# METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF THE STUDY OF THE ROLE OF THE FATHER IN THE UPBRINGING OF CHILDREN

*Мазкур мақолада миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ўзбек оиласи, ундаги маънавий муҳит, ўзаро муносабатлар, фарзанд тарбияси ва унда отанинг намунаси, ота сиймоси, маъсулияти, вазифаси, мажбурияти, оталик туйғуси, бурчи масалаларига тўхталиб, ҳозирги кунда ёш йигитларни соғлом ва мустаҳкам оила қуришга тайёрлашнинг асосий ижтимоий, миллий, маънавий, ахлоқий, тарбиявий омиллар бўйича ёндашувлар тадқиқ этилган.*

***Таянч сўзлар:*** *ўзбек оиласи, оилавий муносабатлари, оилавий тарбия, ота намунаси, ота сиймоси, миллий, маънавий, ижтимоий, ахлоқий муҳит*

*В данной статье рассматривается узбекская семья, основанная на национальных и общечеловеческих ценностях, ее духовное окружение, взаимоотношения, воспитание детей, пример отца и его образ, ответственность, задачи, обязанности и его честь. Основываясь на этих терминах, в сегодняшние дни проведены исследования в социальной, национальной, духовной, нравственной, а также воспитательной области , для того чтобы эти молодые люди были готовыми строить здоровые и устойчивые семьи.*

***Ключевые слова:*** *узбекская семья, взаимоотношения в семье, семейное воспитание, пример отца, образ отца, национальная, духовная, социальная, нравственная среда*

*This article examines the Uzbek family, based on national and universal values, its moral environment, relationship, and child's education, example of father and his role model, responsibility, tasks, duties and his honor. Nowadays, bulk of researches are conducted, based on these terms, that covers social, national, moral, and also educational fields, in order to young men would be ready to build healthy and constructive families.*

***Keywords:*** *Uzbek family, family relations, family education, example of a father the model of a father, national, social, moral environment*

Муҳтарам Президентимиз “Оила кичик Ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, Ватан тинч бўлади” деган фикрларида катта фалсафа бор. Оилаларнинг тинчлиги албатта оиладаги маънавий муҳит барқарорлигига боғлиқ. Оиладаги маънавий иқлимнинг ижобий бўлиши ота-онанинг маънавиятига боғлиқ. Агар ота-оналар юксак маънавият эгалари бўлса, бундай оилада тарбияланаётган фарзандлар бахтли ва баркамол шахс бўлиб камол топиши муқаррар.

Ҳар бир оиланинг ўзига хос маънавий муҳити мавжуд. Бу муҳитнинг соғлом ва маънан етуклиги оила боши бўлган ота-онанинг педагогик-психологик саводхонлик даражасига, иймон-эътиқодига боғлиқ. Оила деб аталмиш сирли кўрғонда миллатимиз давомчилари бўлган фарзандлар тарбияланар экан, уларни комил шахс сифатида шаклланиши учун оила дастлабки маънавият ўчоғи бўлмоғи лозим.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев Абдурауф Фитрат бобомизнинг ёш авлод тарбияси ҳақидаги қуйидаги фикрларини изоҳлаб: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”[1;-295б]

Оила инсоннинг дунёвий саодатини таъминловчи қўрғондир. Жамият оиладек муқаддас даргоҳга ҳаётининг равнақи, даражаси, сифати кўп холларда оиланинг қай даражада ҳаётга қобиллигида намоён бўлади. Жамият оилаларнинг мажмуидир. Шундай экан, жамиятнинг ҳоли билан оиланинг ҳоли бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра жамиятдаги норасоликлар тўғридан-тўғри оилага ёхуд оиладаги иллатлар тўғридан-тўғри жамиятга ўз таъсирини ўтказади. Ҳар бир ажралиш, ҳар бир заҳил ранг, кўзи маъюс бола, ҳар бир ёлғиз эркак, ҳар бир кўзида ёш бўлган аёл жамиятнинг дардидир. Агар оила ҳалол-пок бўлса, тинч бўлса, жамият мустаҳкам, турмуш фаровон бўлади. Аллоҳ Таоло эркак кишини

жисмоний ва руҳий жиҳатлари билан оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратган. Аллоҳ Таоло эркак кишига оиладек муқаддас даргоҳга раҳбар бўлиш вазифасини юклаб, Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган: "Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб-Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилган ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир" (Нисо сураси 34 ояти).

Эркак кишининг энг катта бурчи ўз қарамоғидагиларнинг ўзгаларга қарам бўлиб қолишларига йўл қўймаслигидир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида: "киши ўз қарамоғидагидарини нафақасиз ташлаб қўйиши унинг қаттиқ гуноҳкорлигига кифоя қилади", деб марҳамат қилганлар.

Марказий Осиё халқларининг оиладаги шахслараро муносабатлар хусусидаги қарашлари, фикр-мулоҳазалари Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий сингари мутафаккирларнинг асарларида ўз аксини топган. Хусусан, Фаробийнинг фалсафий таълимотида маърифатли энг яхши ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган ота-онагина баркамол, маърифатли фарзандларни вояга етказиши эътироф этилган.

Оиладаги маънавий иқлимни аввало она шакллантиришга маъсул бўлса, оиланинг ижтимоий, иқтисодий масалаларига оталар маъсул саналган. Кўп оилалардаги энг катта муаммолар оилада отанинг йўқлиги, оилада ота таъсирининг пастлиги, отанинг ўз вазифасини бажармаслиги, оилани қадрламаслиги, фарзандлар тарбияси билан шуғулланмаслиги, қадриятларни тан олмаслиги, фақатгина ўзини ўйлаши, оиладаги муаммолар билан мутлақо қизиқмаслиги натижасида юзага келмоқда. Айниқса, тез-тез учраб тураётган ижтимоий ҳаётимиздаги вояга етмаганлар ва аёллар жиноятчилигини асосида ҳам оталарни, эр кишини оиладаги таъсирини, маъсулиятини йўқлигида кузатамиз. Ота оилада, тарбияда, фарзандлари ҳамда турмуш ўртоғи билан ўзаро муносабатида ҳам, ўзини тутишида ҳам, жамиятдаги ўрнида ҳам доимий назоратчи, баҳоловчи ва тартибга солувчи функцияларни бажаради. Ота таъсирида вояга етатган ўсмир йигитлар ўз хулқини бошқариш, ижтимоийлашув жараёнида меъёрдан оғмаслик, ўз ҳаёт йўлини тўғри режалаштириш каби онгли тизимни кўрамиз. Ота таъсири етишмайдиган ўсмирларни аксарида эса оила аъзолари билан келишаолмаслик, зиддиятли муносабатларни тез-тез тушиб қолиш, ўзидан қониқмаслик каби салбий ҳолатларни намоён бўлаётганини кузатамиз.

Пайғамбаримиз САВ жуда кўп ҳадиси шарифларида тарбия масалаларига алоҳида тўхталиб, ота-она фарзанд тарбиясида қанчалик маъсулиятли эканлигини таъкидлаб ўтганлар. Хусусан "Ота ўз фарзандига гўзал одобдан афзалроқ бойлик қолдиролмайди " (Имом Термизий ривояти), "ўғилларингизга сувда сузишни, камонда отишни, қизларингизга эса касб-хунарни ўргатинглар" (Имом Байхақий ривояти) каби ҳадисларда оилада ота-онанинг бурч ва маъсулиятлари нақадар юксак эканига ишора қилнади.

Хусусан Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билиг" асарида: "Отанинг иш-амали ўғлига сингса, унинг хулқида жилвагар бўлади. Болани терғаб-назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди" деган фарзанд тарбиясига оид фикрлар билдирилган. [3;-50б]

Замонавий ёшларнинг эхтиёжлари бугунги кунда бир хилликни касб этмайди. Агарда аввалари ўқув, касбий ва оилавий фаолият бир-бирига тўсқинлик қилмаган бўлса, яъни ёш йигит бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиб, ҳам ишлаб ва оилани қуришга имконияти бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу имконият чекланганини кузатамиз. Айниқса йигитларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрланишларида ота образининг аҳамияти улкан эканлигини таъкидлаш лозим. Ота оилада фақатгина моддий таъминотчи эмас, балки, маънавий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан намуна вазифасини ҳам ўтайди. Одатда ҳукум ўтказа олувчи инсонларга тақлид қилиш шахс психологияси учун хос хусусият ҳисобланади. Болага ғамхўрик қилиш ҳам ота-оналарда ўз ота-онасига тақлиди асосида юзага келади. Боланинг тақлид қилиш ҳоларини рағбатлантириш шарт эмас. Фақат у ёки бу харакатларини тўғри ёки нотўғри эканини назорат остига олиш керак холос. Шу маънода бугунни оталари ана шундай намуна бўла оляптми, деган ҳақли савол келади. Оталарни маънавияти, садоқати, оиласига, Ватанига,

миллатига ғамхўрлиги рисоладагидайми? Бугунни оталари замон билан ҳамнафас фарзанд тарбиялашга тайёрми? Мана шу саволлар бўлғуси оталар учун дастурил амал бўлиб хизмат қилиши лозим.

Йигитларни мустақил оилага тайёрлашда улардаги инсоний фазилатлар, ақл билан иш юритиш, хўжалик ишларини бошқара олиш, ота сифатида таъсирга эга бўлиш, оила бошлиғи сифатида тасаввурларини мукаммаллиги оталар томонидан баҳоланадиган, шакллантириладиган нозик масалалардир. Шу маънода бугунги жамиятни энг катта ютуғи бўлган оилаларни баркамоллаштиришда, замонавий оилаларни мустаҳкамлигини таъминланишида энг катта маъсулият оталарга юкланишини йигитларга тушинтириш, тарбиялаш зарур бўлмоқда.

Ҳар бир отанинг маъсулияти ва фахри, армон-у изтироби, қувонч-у ташвиши бўлади. Маъсулияти ва фахри-қобил фарзанд одобида; армони бераолмаган тарбиясида; изтироби ноқобил фарзанд хулқида ҳамда беҳудаги ўтказган умрида намоён бўлади. Қувонч-у ташвиш эса, умуман унга зурриёт ато этилгани билан белгиланади.

Оталик туйғуси – инсон қалбидаги иймонлиликнинг намоён бўлишидир. Фарзанд кўриш осон, лекин унга ҳақиқий ота-маънавий раҳномо бўлиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Шу ўринда адибимиз Абдурауф Фитратнинг: “Оиладаги энг оғир вазифа бола туғилганидан кейинги фарзанд тарбиясидир”[5;-55б] деган фикрлари жуда ўринлидир. Фарзандни дунёга келтириш оталик, эркаклик бурчининг фақат бир томонидир. Фарзандларга отанинг панд насиҳатлари эмас, балки қилган ишлари юриш-туришлари ҳам ибратдир. Оталик меҳри инсон қонига, томирига, хужайрасига сингиб кетган маънавий қадриятдир.

Отанинг оила ва фарзандлар олдидаги бурч ва мажбуриятлари ҳақида гапирганда, энг аввало қуйидаги икки атаманинг изоҳига эътибор қаратишимиз лозим. Улар тарбия ва таълим сўзларидир. Бу икки термин тилимизда кўпинча “таълим-тарбия” шаклида ишлатилсада, лекин маъно жиҳатидан аввал тарбия кейин эса таълим бўлиши мақсадга мувофиқдир. Сабаби, “тарбия” сўзи арабча “робба” феълидан олинган бўлиб, ўстирди, зиёда қилди, риоясига олди, раҳбарлик қилди ва ислоҳ қилди маъноларини билдиради. [8;-355 б] Демак, бундан кўринадики, ота энг аввало фарзандига унинг яратувчиси ким эканини, болага бу дунёга кимлар воситасида ва нима мақсадда келганини тушунтириб, ўргатиб бориш лозим. Фарзанд секин аста ақлини таний бошлаганидан сўнг эса, унга таълим бериб илм йўли орқали билимлари бойитиб борилади. “таълим” сўзи ҳам араб тилидан олинган бўлиб, “билим олмоқ” ва “ўрганмоқ” деган маъноларга эга.

Хусейн Воиз Кошифийнинг: “Имкон борича болага таълим-тарбия беришга интилиш лозим, токи у ижобий хусусиятларни ўзлаштирсин ва ярамас ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин” [7;-27б] Донишманд халқимиз ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб, тарбиянинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин” ёки “Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл” каби мақоллар воситасида сингдириб келган, шундай экан, оилаларда комил фарзандлар камол топиши учун ота тарбия ва таълимни ўз ўрнида ўргатиб, англатиб бориши лозим.

Унсур ал-Маъалий Кайковус ҳам ўзининг “Қобуснома” асарида фарзанд тарбиясига доир ўзининг дурдона фикрларини келтириб ўтади: “Эй фарзанд, агар фарзандинг бўлса, анга яхши от қўйғил, нединким, отадан фарзанд ҳақларидан бири унга яхши от қўймоқдир. Яна бири улдурким, фарзандни оқил ва меҳрибон дояларга топширғайсан. Суннат қилур вақтида, суннат қилғайсан, қудратинга лойиқ тўй-тамоша қилғайсан, ҳамда ўқишни ўрғатғайсан. Буларни билғондан сўнг, агар раият (халқ) бўлсанг унга ҳунар ва касб ўргатгайсан. Буларни билғондан сўнг шиноварлик, яъни сувда сузмакни ўргатғил. Бас керакдурким, ҳар турли фазл ва хунарни фарзандингга ўргатгайсан, то оталик шафқатин бажо келтирмиш бўлғайсан. Киши бошига на иш тушарин билмағусидур, фазл ва ҳунар ишга ярағусидир ” [4;-82б]

Оиланинг мураккаб масалалари, оталар ва болалар ўртасидаги муносабатларнинг чуқур ва ҳақиқий илдизларини аниқлаш, ўзаро келишмовчиликлар сабаб ва оқибатларини реал таҳлил эта билиш, шу билан янги авлод руҳига аждодлар олдидаги бурчи ҳамда маъсулиятини англата олиш энг долзарб масалалардан саналади.

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг

асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Ушбу муқаддас масканнинг устуни, қўрғони отадир.

Шахснинг келиб чиқиши, миллати, дини ҳамда жамиятда тутган мавқеига боғлиқ бўлмаган маъсулиятли касб бу оталик касбидир. Оталар ўз болаларининг тарбияси учун жамият олдида маъсулдирлар. У маънавий етук ва жисмоний баркамол фарзандни жамиятга етказиш учун энг асосий жавобгар шахсдир. Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда “маъсулият эркакникидир!” деб таъкидланади.

Оила аъзоларининг, айниқса отанинг аҳлоқий-маънавий етуклиги фарзанд камолида энг зарур ва муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Оила болаларни келажакдаги комил инсон сифатида шакллантирувчи, эр-хотинликка, шунингдек оилавий ҳаётига тайёрловчи мактабдир.

Фарзандларимиз – жамиятнинг кўзгусидир, уларнинг қалбига хамма нарсадан кўра шахсий ўрнак кўрсатиш кучли таъсир этади. Оталарнинг кўрсатадиган ибрати эса уларнинг қалбида бошқа инсонларнинг ўрнагига қараганда мустаҳкамроқ из қолдиради.

“Одамийлик сабоқлари” асарида: “Отанинг оиладаги салмоғи жуда катта. Отасизлик - бу сўз оилада эркакнинг болалар тарбиясига таъсири йўқлигини англатади. Шунинг учун донишмандлар, битта ота юз нафар ўқитувчидан устун туриши мумкин, деб бекорга айтмаганлар. Зеро, яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайди. Халқимизда шундай нақл бор: той кишнайди, аммо аравани от тортади”, - бу фикрлари билан устозимиз Эркин Юсупов оталарнинг фарзанд тарбясидаги ўрнини беқиёслигини кўрсатади. [9;-123б]

Ота фарзанднинг илк устози бўлиб, унинг идеали ҳисобланади. Бола тарбиясининг асоси отанинг қаттиққўллиги ва онанинг меҳрибонлигидадир. Бола ота-онанинг бутун фаолиятидаги ҳаракатларини ибрат билиб онгига жойлаб, улғайгач, уларни ҳаётга жорий этади.

Буюк муаллим Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда: “бугунги ўғриликка юз тутган, фирибгар ва хулқи ёмон кимсалар кеча тарбиясига эътибор берилмаган болалардир!” Тарбиядаги биргина камчилик келажакда тузалмас хатоларга олиб келади. Бу оғир жароҳатдан кўпроқ оталар озор чекадилар. Чунки фарзанд тарбиясидаги нокислик учун кўпроқ оталар жавобгардирлар. “Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядир” [6;-37 б] Отанинг ўз фарзанди тарбиясига беъэтиборлиги экилиб парваришсиз қолган ниҳолнинг келажакда мева бермай, қуриб қолиши кабидир. Зеро оталар оиланинг меҳнаткаш ва заҳматкаш боғбонларидирлар.

Шу нуқтаи назаридан ота фарзандлари билан кўпроқ гаплашиши, уларнинг қалбига қулоқ солиши, дардини билиши, муаммоларини ечимида кўмакдош бўлиши, улар билан ишлашга кенг эътибор қаратиши, айниқса турли мафкуравий таҳдидларга ва бошқа ёд ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни, фаол ҳаётий позицияларини шакллантириши лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, фарзанд тарбияси ҳар қандай замон ва маконда ҳам давлат ва жамият аҳамиятига молик бўлган устувор масала ҳисобланган. Биз жамиятдаги соғлом муҳитни оилаларга боғлиқлигини унутмаслигимиз даркор. Шундай экан, бу борада ҳар бир ота-она ўз бурчи ва маъсулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда, Ватан манфаатлари нуқтаи назаридан фаолият олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Донишманд халқимизда “болага отадан ибрат, онадан меҳру мухаббат даркор” деган ҳикматли нақл бежиз келиб чиқмаган.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.**


1. Мирзиёев Ш.М.Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.- Тошкент.:Ўзбекистон, 2017, -295 б.
2. Қуръони Карим. А.Мансур изоҳли таржимаси, Нисо сураси, 34-оят.
3. Юсуф Хос Хожибнинг “Кутадғу билиг” Тошкент, Чўлпон 2017 йил, 50 бет
4. Қобуснома. Унсурулмаолий Кайковус. Т.:“Мерос”., 1992,-82 б.
5. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Т.: “Маънавият”,1998,-55б.
6. Абдулла Авлоний.Танланган асарлар.Т.: “Ma’naviyat” 2009,- 37 б.
7. Соғлом авлод – бизнинг келажагимиз. Тошкент.:Абу Али ибн Сино.,2000. -27б.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. Т., “Hilol-Nashir”, 2019. -355 б.
9. Эркин Юсупов, Фозилжон Исмоилов. Одамийлик сабоқлари.Т., “Шарқ”,1997,-123 б.
10. “Фарзанд тарбиясида отанинг маъсулияти, вазифаси ва мажбурияти: муаммо ва ечим” Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами Тошкнт.2018.

**Mukhtor NAZIROV,**
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN*
*PhD in political sciences*
*m.nazirov@iiau.uz*

**Javlon ASQAROV,**
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN*
*2nd-year master's student*

# AFGHAN FACTOR IN THE FORMATION OF A STABLE POLITICAL ENVIRONMENT IN CENTRAL ASIA

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОР СИЁСИЙ МУҲИТ ШАКЛЛАНИШИДА АФҒОН ОМИЛИ

# АФГАНСКИЙ ФАКТОР В ФОРМИРОВАНИИ СТАБИЛЬНОЙ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СРЕДЫ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

***Abstract:*** *This article analyzes the factor of Afghanistan in the processes of ensuring the stability of the political environment in Central Asia and increasing the potential of regional development to a new level, international initiatives of Uzbekistan in this field. Also, consistent development of good-neighborly relations between Uzbekistan and Afghanistan is revealed based on the Strategy of Action for the five priority development directions of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021.*
***Keywords:*** *Central Asia, Uzbekistan, Afghanistan, security, development, stability, good-neighborhood, the Kabul process.*

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада Марказий Осиёда сиёсий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда минтақавий тараққиёт салоҳиятини янги даражага кўтариш жараёнларидаги Афғонистон омили, бу борадаги Ўзбекистоннинг халқаро ташаббуслари таҳлил қилинади. Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларининг изчил ривожланиши очиб берилди.*
***Таянч иборалар:*** *Марказий Осиё, Ўзбекистон, Афғонистон, хавфсизлик, тараққиёт, барқарорлик, яхши қўшничилик, Қобул жараёни.*

***Аннотация.*** *В статье анализируется афганский фактор в обеспечении стабильности политической среды в Центральной Азии и выводе потенциала регионального развития на новый уровень, а также международные инициативы Узбекистана в этой сфере. Также выявлено последовательное развитие добрососедских отношений между Узбекистаном и Афганистаном на основе Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы.*
***Ключевые слова:*** *Центральная Азия, Узбекистан, Афганистан, безопасность, развитие, стабильность, добрососедство, Кабульский процесс.*

During the years of independence, ensuring security in the Central Asian region and resolutely combating any threats to its stability has become one of the most important directions of Uzbekistan's foreign policy.

The security and stability processes in Central Asia have a complex structure that is evolving in the form of serious threats and new development opportunities at the national, regional, and global levels. First of all, this is manifested in the growing scale of threats such as drug trafficking, illegal arms trade, and international organized crime, international terrorism, extremism.

Today, these threats are directly related to the turbulent situation in Afghanistan. The roots of this tension began with the withdrawal of the Soviet military contingent, the emergence of the Taliban, and the seizure of power, following the 2001 terrorist attacks in US cities.

This circumstance is characterized by a complex military-political situation in modern Afghanistan, which is connected, on the one hand, with the lack of effective dialogue with the Taliban, who have sufficient supporters and a strong position, and, on the other hand, with an increase in the possibility of creating various terrorist groups in the country, since production and illegal trafficking drugs continue to rise.

The fact that the majority of the Afghan population remains in a difficult social situation and the ineffectiveness of the international community's efforts to rebuild the country's economic infrastructure has led to the large-scale cultivation and production of drugs by ordinary Afghans.

In turn, this situation can not only be financial support to international terrorism and a serious factor destabilizing the situation in Afghanistan

but also have a significant impact on the formation of an unstable socio-political environment in the adjacent Central Asian region.

In this context, it is becoming increasingly clear that the sustainable socio-economic development of the Central Asian region can be guaranteed only if peace and stability are achieved in Afghanistan.

It is known that from the very first days of independence, Uzbekistan has advocated the gradual reconstruction of this country, tired of war and conflict, advancing the idea that peace in Afghanistan can not be established by military means within the framework of many influential international organizations.

As early as 1993, at the 48th session of the United Nations General Assembly, the First President I. Karimov called on the world community to unite in resolving the Afghan problem. Also, at the 50th session of the UN General Assembly in 1995, the 1996 meeting of the Organization for Security and Cooperation in Europe, the 2000 Millennium Summit of the UN General Assembly, and the 65th session in 2010, Uzbekistan discussed alternative peaceful ways to resolve this issue. the question of finding was raised. [5]

It was noted that Uzbekistan's international initiatives should seek ways to achieve peace and stability in Afghanistan, first of all, through the cessation of hostilities, the implementation of socially oriented projects with the support of the world community, the solution of the most acute socio-economic problems. This, of course, required the coordination of the efforts of all forces interested in the stabilization and reconstruction of Afghanistan and the achievement of consensus within the country.

In 1995, an international seminar on regional security issues in Central Asia was held in Tashkent through the efforts of Uzbekistan, and in 1999, during the first meeting of the UN-sponsored 6 + 2 Afghanistan Group in Tashkent, the two Afghan warring parties gathered around a table and exchanged views.

The 6 + 2 Contact Group is an initiative of Uzbekistan to establish a dialogue between all internal forces in Afghanistan for peace and stability under the auspices of the United Nations. The group also includes Afghanistan's neighbors (Iran, China, Pakistan, Tajikistan, Turkmenistan, and Uzbekistan), the United States, and Russia.

It should be noted that the 6 + 2 dialogue group was the only international mechanism that worked in 1997-2001 to resolve the situation in Afghanistan through peaceful negotiations. The Tashkent Declaration on the Basic Principles for the Peaceful Settlement of the Conflict in Afghanistan, adopted by the member states in 1999, served as a real basis for negotiations between the main opposition parties, became an official document of the 54th session of the UN General Assembly and the Security Council.

After a major terrorist attack in New York on September 11, 2001, a long-running counterterrorism operation in Afghanistan by US-led international coalition forces failed to achieve its ultimate goal, which was to achieve peace on the suffering Afghan soil.

This underscored the need for constructive dialogue on the path to peace between the conflicting internal forces in Afghanistan.

At the NATO / Euro-Atlantic Cooperation Council summit in Bucharest in April 2008, Uzbekistan stressed the impossibility of resolving the Afghan problem by military means alone. Also, a proposal was made to re-launch in the format of the "6 + 3" group. [4:313-317]

This initiative has aroused great interest in the world political community. Many countries around the world are coming to practical conclusions, realizing that the Afghan problem cannot be solved by military means alone.

Analyzes show that economic, financial, social, and humanitarian assistance under the auspices of the United Nations can help the Afghan people, regardless of their ethnicity, views, and ideology, to reach an internal compromise. Respect for their traditional, cultural, and religious values is crucial in this process.

It is known that mutually beneficial cooperation of all countries, first of all with neighboring countries, is reflected in the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 as the main goal of our country's foreign policy. Issues such as a well-thought-out, mutually beneficial, and practical foreign policy, transforming the Central Asian region into a zone of stability, sustainable development, and good neighborliness have been identified as priorities. In the recent past, historic steps have been taken in these directions. [9]

Thanks to the initiative, strong political will, and efforts of President Shavkat Mirziyoyev, and due to his political will, a significant increase in the level of mutual trust in the Central Asian region has

been achieved. As the Uzbek leader noted, "We will continue the political path aimed at strengthening the peace and security of Uzbekistan, which is based on the idea that the Uzbek people need peace and prosperity." [6:19]

The role and importance of neighboring Afghanistan in the strategy of the peaceful foreign policy of the Republic of Uzbekistan are incomparable. In 2017, Uzbekistan participated in various international and regional conferences on Afghanistan, including the expanded Moscow meeting (April), the "Admission Process" (June), the Conference on Regional Economic Cooperation on the Islamic Republic of Afghanistan (Ashgabat, November), Heart - Istanbul Process" (Baku, November-December) and the International Dialogue Group (Oslo, December). [2]

In his speeches at international forums President Sh. Mirziyoyev put forward proposals to stabilize the situation in Afghanistan and involve the country in the process of strengthening peace and good neighborly relations in Central Asia.

In particular, the Tashkent International Conference held on March 26-27, 2018, created a platform for direct dialogue on the Afghan issue and launched an ongoing process in this regard. [1]

In his speech at the conference, President Sh. Mirziyoyev said that Uzbekistan supports the Afghan government to start direct talks with the Taliban based on "no preconditions and no threat of violence". He noted that Uzbekistan is ready to create all conditions for the organization of such talks at any stage of the peace process on its territory.

As the Uzbek leader noted, "... the main condition for the peace movement, in our opinion, is the development and implementation of a single comprehensive peace program for Afghanistan, agreed primarily at the regional and global levels." [8]

Indeed, in the regular dialogue between all conflicting internal forces in Afghanistan without pre-determined conditions and requirements, without varying degrees of pressure, the parties listen to each other, thereby providing an opportunity to gain a deeper understanding of the situation and elements of consensus.

Such dialogues can serve as a starting point for reconciling the parties on troubled Afghan soil, resolving internal conflicts, and achieving peace and stability.

In our opinion, one of the main ideas of the Tashkent conference was that the active participation of Central Asian states together with other interested countries in the restoration and peace-building and creative work in Afghanistan is a requirement of the time.

In this regard, President Sh. Mirziyoyev noted that "the security of Afghanistan is a guarantee of security of Uzbekistan, stability, and development of the entire vast Central and South Asian region."

It should be noted that the stable balance in Afghanistan will also have a positive impact on neighboring countries. In this context, it is appropriate to see Afghanistan not as an area of unrest and tension, but as a country whose potential for deepening regional cooperation has not yet been fully realized. The humanitarian sector also plays a key role in efforts to rebuild Afghanistan.

Today, in Afghanistan, where 71 percent of the population is under the age of 30, a very large generation has grown up who have experienced the intensity of the war that has been going on for almost 40 years. [3]

Some experts say this will be one of the biggest obstacles to stability in Afghanistan.

On the other hand, on the contrary, this part of the Afghan people is tired of war and has a strong desire for peace and social well-being. In this sense, it can become a leading force and support for the creative work of the majority of the Afghan people in their country. To this end, it is possible to convey the human nature and enlightenment of Islam to the younger and middle generations, to open modern educational opportunities for them based on the principle of "enlightenment against ignorance."

In this regard, the initiative of the Uzbek leader to establish a special international fund to support education in Afghanistan is relevant. The reason is that we believe that the idea of "not leaving such a troubled country to future generations" can be widely promoted in the Afghan society only through enlightenment, which will serve to raise the spirit of national unity and mutual understanding among the Afghan public.

In recent years, Uzbekistan's multifaceted bilateral relations with Afghanistan have become more active. The Republic of Uzbekistan promotes the establishment of peace and stability in the neighboring country, the restoration and development of its economic, transport, and energy infrastructure, and vocational education. For example, the amount of electricity supplied by

Uzbekistan to this country is growing from year to year, the country has completed the construction of a 75-kilometer railway Termez - Hairatan - Mazar-i-Sharif.

The official visit of the President of Afghanistan Ashraf Ghani to Uzbekistan on December 4-6, 2017 opened a new page in bilateral relations. Most of the more than 20 documents signed during the visit are of strategic importance not only for Afghanistan and Uzbekistan but also for the whole region.

Of particular note are the agreements reached by Uzbek specialists on the construction of the Mazar-i-Sharif-Herat railway and the new Surkhan-Puli Khumri power transmission line. For example, the Mazar-i-Sharif-Herat railway will increase Afghanistan`s transit capacity in the development of regional trade and economic cooperation between the countries of Central and South Asia and the Middle East, making it a unique bridge country. The Durkan-Puli Khumri transmission line will play an important role in meeting the electricity needs of the capital Kabul and the northern regions, improving the lives of the Afghan people, and returning to the path of peaceful development.

In 2018, positive changes are taking place in the social and humanitarian spheres. As a symbol of Uzbekistan's friendly attitude to Afghanistan and its readiness to continue to help the Afghan people, a special education center for Afghan citizens has been established in Termez this year. [10]

Also, in January 2018, 25 buses, 3 tractors, and trailers were presented to the people of Afghanistan on behalf of the President of the Republic of Uzbekistan in Hairatan. [7]

In general, the neighbors of Afghanistan are interested in the establishment of peace and stability in Afghanistan. In this regard, Uzbekistan, located in the "heart" of Central Asia, realizes its responsibility to strengthen peace and stability in the region, based on the principle of "Peace of the neighbor – you are peace."

Uzbekistan's foreign policy is aimed at establishing peace and stability in Afghanistan. Relations between the two countries are aimed at strengthening the spirit of good neighborliness and brotherhood, its further strengthening through active trade and economic ties, consistent implementation of major projects in the transport, infrastructure, and humanitarian spheres.

It should also be noted that Uzbekistan's foreign policy is aimed at promoting the inclusion of Afghanistan in the process of regional development in Central Asia.

In conclusion, the trend of interstate partnership in the spirit of mutual respect, friendship, and good neighborliness, formed by the efforts of Uzbekistan in the Central Asian region, is an important factor in ensuring the stability and development of the region.

We are convinced that this factor will help stabilize the situation in Afghanistan and the future, it will become not only a historical and civilizational, but also an integral part of Central Asia.

## REFERENCES:


1. Abdullaziz Komilov: Afg'onistondagi murakkab vaziyatga yechim topish bo'yicha oz bo'lsa-da umid bor. 27.03.2018. Available at: http://uza.uz/oz/politics/abdullaziz-komilov-af-onistondagi-murakkab-vaziyatga-echim-t-27-03-2018
2. Afg'oniston bo'yicha Toshkent deklaratsiyasi qabul qilindi. 27.03.2018. Available at: http://uza.uz/oz/politics/af-oniston-b-yicha-toshkent-khal-aro-konferentsiyasi-deklara-27-03-2018
3. Ashraf G'ani: Afg'oniston Markaziy Osiyoning bir qismiga aylandi. 27.03.2018 Available at: https://kun.uz/news/2018/03/27/asraf-gani-afgoniston-markazij-osiening-bir-kismiga-ajlandi
4. Karimov I.A. (2008). Mamlakatni modernizatsiya qilish va iqtisodiyotimizni barqaror rivojlantirish yo'lida. - T. 16. - Tashkent: O'zbekiston.
5. Karimov I.A. (2001). Vatan ravnaqi uchun har birimiz mas'ulmiz. - T. 9. - Tashkent: O'zbekiston.
6. Mirziyoyev Sh.M. (2017). Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. - T.: O'zbekiston.
7. O'zbekiston Prezidenti nomidan Afg'oniston xalqiga 25 avtobus, 3 traktor va tirkama texnika topshirildi. 11.01.2018 http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-nomidan-af-oniston-khal-iga-11-01-2018
8. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Afg'oniston bo'yicha "Tinchlik jarayoni, xavfsizlik sohasida hamkorlik va mintaqaviy sheriklik" mavzusida o'tkazilgan xalqaro konferensiyadagi nutqi. "Xalq so'zi" gazetasi, 2018 yil 28 mart. №59-60 (7017-7018).
9. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni. "Xalq so'zi" gazetasi, 2017 yil 8 fevral.
10. Xush kelibsiz, afg'onistonlik do'stlar! 21.01.2018. Available at: http://uza.uz/oz/society/khush-kelibsiz-af-onistonlik-d-stlar-21-01-2018

**Сирожбек Ҳабибуллаевич СУЛТАНОВ**
*Ташкент давлат транспорт университети таянч докторанти*

# ЖАМИЯТДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

# ПРОЦЕССЫ И ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ В ОБЩЕСТВЕ

# PROCESSES AND CHARACTERISTICS OF FORMING SOCIAL JUSTICE IN SOCIETY

***Аннотация:*** *Жамиятда ижтимоий адолатнинг мавжудлиги кишиларнинг ўзларини идентификациялашнинг давомийлигига ва улар фаолият кўрсатаётган атрофдаги ижтимоий ва моддий дунёнинг барқарорлигига ишончини кучайтиради. Ижтимоий адолат тамойиллари давлатнинг инновацион ислоҳоти учун консенсус асоси бўлиб хизмат қилади. Замонавий кўп миллатли ва турли маданиятларга эга жамиятнинг барқарор шаклланишини, турли даражадаги маданиятлар, этник ва диний гуруҳлар ва халқлар ўртасида оқилона мулоқот майдонини таъминлайди.*

***Калит сўзлар:*** *Ижтимоий адолат, жамият, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар, фуқаролик жамияти, ижтимоий ҳимоя.*

***Аннотация:*** *Существование социальной справедливости в обществе является гарантией непрерывности самоидентификации людей и стабильности окружающего их социального и материального мира, в котором они действуют. Принципы социальной справедливости служат консенсусной основой для инновационной реформы государства. Она обеспечивает устойчивое формирование современного многонационального и культурно многообразного общества, пространства рациональной коммуникации культур разных уровней, этноконфессиональных групп и народов.*

***Ключевые слова:*** *Социальная справедливость, общество, социально-экономические процессы, гражданское общество, социальная защита.*

***Abstract:*** *The existence of social justice in society strengthens people's confidence in the stability of their self-identification and the stability of the social and material world in which they operate. The principles of social justice serve as the basis of consensus for innovative government reform. It ensures the sustainable formation of a modern multi-ethnic and multicultural society, a rational space for communication between different levels of cultures, ethnic and religious groups and peoples.*

***Key words:*** *Social justice, society, socio-economic processes, civil society, social protection.*

Тарихий эволюция натижасида адолатнинг бир қатор механизмлари яратилган ва шакллантирилган. Жумладан, инсоният тарихий тараққиётида ижтимоий адолат ижтимоий-сиёсий муносабатларини ташкиллаштирувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи маънавий-ахлоқий, маъмурий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этган. Шу боисдан ҳам ижтимоий адолатни ривожлантиришнинг регулятив асослари бўлган ҳуқуқий қонунлар, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолияти ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлган. Масалан, ўз даврида ислом фалсафасининг асосчиси ҳисобланган Абу Наср Форобий ижтимоий адолатнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб шундай ёзади: «Маданий жамият ёки маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод ҳамма тенг бўлади, кишилар ўртасида ижтимоий фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар... Аммо баъзи шаҳар (ёки мамлакат)лар бўладики, уларда бутун халқнинг фикри–зикри, ақл-идроки бойлик тўплаш, мол-дунё орттиришга қаратилган бўлади. Улардан чиққан раҳбарлар ҳам раҳбарликни мол дунёни кўпайтиришда деб биладилар. Шунинг учун ҳам улар эрта-кеч мол дунё тўплаш ҳаракатида бўладилар. Бундай раҳбарларнинг қўл остида ишлаган шаҳар халқларида турли бузуқ одатлар, шаҳвоний нафс, ҳасад, бир-бирларини талаш, душманлик, низо-жанжаллари пайдо бўлади. Ана шундай шаҳар халқларидан хислатлари, майллари турлича бўлган авлод туғилади" [1:190-191]. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий адолат категориясининг тарихий генезисини, ривожланиш босқичларини фалсафий мазмунини ижтимоий-сиёсий муносабатлар

контекстида таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятда ижтимоий адолатнинг мавжудлиги “кишиларнинг ўзларини идентификациялашнинг давомийлиги”га ва улар фаолият кўрсатаётган атрофдаги ижтимоий ва моддий дунёнинг барқарорлигига ишончини кучайтиради. Ижтимоий адолат тамойиллари давлатнинг инновацион ислоҳоти учун консенсус асоси бўлиб хизмат қилади. Замонавий кўп миллатли ва турли маданиятларга эга жамиятнинг барқарор шаклланишини, турли даражадаги маданиятлар, этник ва диний гуруҳлар ва халқлар ўртасида оқилона мулоқот майдонини таъминлайди. Ижтимоий адолат тизими фуқароларга муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиш билан бир қаторда жамият бошқарувида умумбашарий тамойиллар устуворлигини таъминлайди. Фақат инсонпарвар ва адолатли жамиятгина ижтимоий заиф ва ҳомийлик остидаги гуруҳларни ҳимоя қилиш, ҳаётдаги қийинчиликларни енгиб ўтиш, фуқароларнинг бирдамлиги ва одамларнинг тўлақонли ҳаётини сақлаб қолиш учун етарли ҳаёт шароитларини таъминлай олади. Шунинг учун ҳам Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг «Аҳлоқи Муҳсиний» асарида инсонларнинг адолатли ҳаёт кечиришга ундаган: «Агар адолат ҳимоя қилинмаса, заиф ва кучсиз одамлар йўқолиб кетади. Модомики, заифлар қирилиб кетар экан, кучлилар ҳам омон қолмайди, чунки кишилар турмуши бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Хулласи калом, халқнинг аҳволи адолатсиз яхшиланмайди»[2:68]. Умуман, Воиз Кошфий инсонларни жамият ҳаётини барқарор ривожланиши учун адолат тамойилларига қатъий риоя қилишга чорлаган. Зеро, бугунги кунда ҳам алломанинг ижтимоий адолат ҳақидаги фалсафий, аҳлоқий қарашлари катта аҳамият касб этади. Зеро, фаол фуқаролик жамияти ва кучли давлатнинг самарали ўзаро алоқаси одил жамият асосларини мустаҳкамлаш, одамларда ҳуқуқий онгни, фуқаролик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Саноат ривожланган мамлакатларда ижтимоий сиёсат кўп тармоқли бўлишига қарамай, барча ҳолларда бу ижтимоий адолат тамойилларини амалга оширишни назарда тутади. Уларни амалга ошириш замонавий кўп маданиятли, самарали ва ҳамжиҳатлик жамиятини, цивилизациялар, маданиятлар, миллатлар ва давлатлар ўртасида тенглаштирилган ўзаро мулоқот майдонини яратишга ёрдам беради.

Ижтимоий адолат ижтимоий барқарорлик ва инновацион ривожланишни таъминлайди. Бундан ташқари, айрим минтақаларда улар этник-маданий ва конфессионал хусусиятларига кўра фарқ қилади. Ижтимоий адолатнинг ривожланиши илмий, иқтисодий ва маданий тараққиётга, хусусий мулк институтларини ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашга ва иқтисодиётнинг бозор ислоҳотларини янада ривожлантиришга ёрдам беради. Бундай вазифалар ижтимоий адолат тамойилларини мунтазам равишда ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганишга бўлган эҳтиёжни оширади. Шунингдек, одил судловнинг функциялари ва омилларини, одил судлов масалаларининг жамоат онгида акс этишининг ўзига хос хусусиятларини, минтақавий жамиятнинг шаклланиши ва ривожланишидаги ижтимоий адолатнинг ўрни ва аҳамиятини назарий жиҳатдан англашга катта ёрдам беради. Шу боисдан ҳам улуғ бобокалонимиз Амир Темур ўз «Тузукларида»: “...Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим. ...Улуғларини ва шараф - эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим” [3:118] деб таъкидлайди.

Замонавий ижтимоий-фалсафий фанлар тизимидаги асосий муаммо жамиятда ижтимоий адолатни қўлга киритиш одатда давлатда мавжуд бўлган маданий ва тарихий шарт-шароитларнинг муҳим натижаси сифатида қаралади, аммо қисман адолат давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинган ғоявий-мафкуравий танловлар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий қарорлари натижаси ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Мунис Хоразмий бу ҳақида шундай ёзган эди: «адолат тантана қилган мамлакатлардагина ҳукмдор билан халқ ўртасида ишонч, ҳурмат, келишувчилик бўлиши мумкин» [4:33].

Ижтимоий адолат - бу жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий неъматларни яратиш, тўплаш ва тақсимлаш хусусияти, шунингдек фуқаролик жамияти, одамлар, бизнес ва давлат

идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида, кундалик онгда мавжуд бўлган инсонларнинг давлат тизими ривожланишининг тарихий ва маданий хусусиятлари билан белгиланадиган қадрият ва ғоялар тизимидир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»[5:632] номли китобида «адл – адолат, одиллик, ҳаққонийлик, тўғриликдир. Адл турмоқ, ҳақиқат томонида турмоқ, ҳаққоний бўлмоқ, ҳаққоний иш тутмоқ демакдир, деб изоҳланган. Адолатсиз, ҳаққониятсизлик билан иш тутувчи, адолатни поймол этувчи, адолатдан йироқ, адолатсиз одам»[6:632] деб ёзилган. Дарҳақиқат, адолат ўзига хос нормалар ва қонунлар шаклида ижтимоий аҳамият касб этади.

Ижтимоий адолат жамиятда беқарор иқтисодий, маданий ва сиёсий муносабатларни барқарорлаштиради, барча ижтимоий субъектларни, уларнинг индивидуал фарқларига қарамай, етарли даражада тенг улушларни ёки давлат органлари томонидан тақдим этиладиган иқтисодий қайта тақсимотларда мужассамланган индивидуал равишда тақсимланадиган имтиёзларни, шунингдек давлат мафкурасини, маданий таъминотини таъминлайди. Чунки «Адолат шахс ва ижтимоий гуруҳлар имконияти ва талаблари, ҳуқуқлари ва фаровонлигининг меъёрини, турли синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, маънавий - маданий воқеаларга муносабатни характерловчи ижтимоий онг тушунчаси» [7:15] да ўз ифодасини топади.

Ижтимоий адолатнинг муҳим асослари унинг субъектив, кундалик ва мураккаб табиатида намоён бўлади. Бу жараёнда субъективлик ижтимоий ҳимояланмаган гуруҳлар ва шахсларнинг миллий бойликни тақсимлашда ўз улушини олиш ёки кўпайтириш учун фаол чоралар кўриш зарурати билан боғлиқ. Ижтимоий адолатнинг мураккаблиги унинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги нақадар муҳимлиги билан алоҳида ажралиб туради. Балки жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий соҳалари ривожига тизимли таъсир кўрсатиши билан ҳам характерланади. Ижтимоий адолат барча ижтимоий қатламларнинг, шу жумладан васийлар ва маргинал гуруҳларнинг асосий манфаатлари ва кундалик эхтиёжларини қондиришга асосланади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида: «Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга» [8:185] деб таъкидланган.

Жамиятда ижтимоий адолатнинг мавжудлиги мавжуд ижтимоий-иқтисодий, сиёсий зиддиятларнинг кескинлигини ва бойлар билан камбағаллар ўртасидаги, барча асосий сиёсий ва иқтисодий гуруҳлар ўртасидаги бўшлиқларининг моҳиятини юмшатади. Ижтимоий адолат фуқароликни ғоявий жиҳатдан мустаҳкамлашга, замонавий ижтимоий тизим доирасида давлат органлари, бизнес ва фуқаролик ташкилотлари ўртасидаги муносабатларда маънавий-ахлоқий асосларни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўз даврида Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асарида адолатли меҳнат қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш масалалари ҳам атрофлича ёритилган: «Саййидлар, уламо, машойих, фузаро, акобир ва ашрофларни азиз тутсинлар. Кадхудолар, калонтарлар, деҳқонлар ва экин майдонларига ишлов берувчиларни кўнгилини хушнуд этиб, ўзларига қаратсинлар. Раиятни умид ва қўрқинч орасида сақласинлар. Гуноҳлари ва қилмишларига яраша жарима солсинлар. Менга бўйсунган мамлакатларнинг саййидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари, хилватда ўлтирувчини суюрғол, вазифа ва маош (нафақа) билан сийласинлар. Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз шол-кўрларга нафақа белгиласинлар. Мударрислар ва шайхларига бирон вазифа берсинлар» [9:97].

Ижтимоий адолат ижтимоий тараққиётнинг маданий контекстига ва, аввало, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлиб, унинг асосини шаффофлик, муроса қилишга тайёрлик, шериклик ва инсоннинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ташкил этади. Бу давлат идораларига бизнес ва фуқаролик ташкилотлари билан биргаликда йирик иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий масалалар бўйича мувофиқлаштирилган қарорларни ишлаб чиқишга кенг имкон беради. Ижтимоий адолат туб тарихий ўзгаришлар даврида асосий сиёсий, этник ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги

кескин зиддиятларни келишув асосида ҳал қилиш натижасида шаклланади. Фуқароларнинг жамиятни адолатли ёки адолатсиз деб қабул қилиши онгли давлат қурилиши ва миллий мафкуранинг тан олинишига боғлиқ. “Миллий ғоя бўлса, мақсад ойдинлашади. Эзгу мақсадлар эса, ҳар бир кишини сафарбарликка даъват этади, жамиятни янада бирлаштиради. Ўз миллий ғояси, миллий мафкурасига эга бўлган давлат мустаҳкам, қудратли ва обод бўлади” [10:473].

Мафкура ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ташаббусларни амалга оширувчи давлат томонидан ҳам, нодавлат субъектлар ва маҳаллий жамоалар томонидан ҳам асосий ижтимоий муаммоларни самарали мақсадли ҳал этиш учун маънавий-ахлоқий асосларни ишлаб чиқишга хизмат қилади. «Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириш» [11:203] имкониятларини шакллантиради. Зеро, мафкуранинг умумий объекти инсон ва унинг онгли, ақлли, идрокли хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, яшаш тарзи, муомаласи, ахлоқ-одоби, урф-одатлари бўлиб, улар маълум маънодаги тушунчаларда ўз аксини топади. Бундай ижтимоий-ақлий, руҳий жараён, ўз навбатида, ҳар шахснинг, индивиднинг миллати, ирқи, насаби, дини, эътиқодига қарамасдан инсон сифатида эъзозлаш адолатли ижтимоий тузумнинг бош мезони ҳисобланади. Бундай адолатли ижтимоий ҳаёт фақатгина бир миллат ёки халққа мансуб бўлмасдан, балки жаҳон халқлари учун яратилган озод, эркин шарт-шароит ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида миллий менталитетни умуминсоний қадриятлар билан узвий диалектик боғлиқ ҳолда олиб қараш лозимлигини ҳаёт тақозо этмоқда.

Замонавий жамиятда ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш учун юқори даражадаги коррупцияни енгиб ўтиш керак бўлади. Бу эса глобал пандемия шароитида самарали иқтисодий рақобат ва ижтимоий-иқтисодий модернизацияни таъминлайди. Давлат томонидан коррупцияга қарши кураш чоралари мулк ҳуқуқи ва шартномавий мажбуриятларни қонунчиликда мустаҳкамлаш, мулкдорлар, акциядорлар ва менежерларнинг функционал ролларини аниқ қонунчиликда тақсимлаш, ахборот шаффофлигини ошириш, ғоявий ва маънавий ва ахлоқий барқарорликни, шунингдек, жамиятдаги иқтисодий тизимининг инвестиция жозибадорлигини ўз ичига олади. Ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги модернизация жараёнлари натижасида юзага келадиган минтақавий зиддиятларни ҳал қилиш адолатли жамият қурмасдан туриб амалга ошмайди, бу ўзаро муросага келишиш, бағрикенглик, шериклик ва келишув асосида барча минтақавий субъектлар томонидан мувофиқлаштирилган ва конструктив жамоат ҳаракатларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам адолатли, инсонпарвар жамиятни барпо этиш жараёнида фуқароларни умуммиллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаб вояга етказиш энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу – кишилик жамияти тараққиётининг объектив қонуниятларидан келиб чиқадиган ҳақиқатдир.

Минтақавий даражадаги тенглик танқислигини бошқарув тизимлари фаолияти сифатини ошириш, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш орқали бартараф этиш керак. Ижтимоий адолат нафақат индивидуал конфессия ёки этник гуруҳлар даражасида, балки барча субъектлар даражасида ҳам одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш, шунингдек, ижтимоий онгда мавжуд бўлган ижтимоий адолат тўғрисидаги маънавий-ахлоқий ғояларни ривожлантириш орқали янада мустаҳкамланади.

Хуллас, ҳозирги даврда мамлакат миқёсида ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни олиб бориш ва улар асосида ривожланган фуқаролик жамияти ва қонун устуворлиги шаклидаги барқарор институтларнинг шаклланиши ижтимоий адолат тамойилларини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш зарурати билан бевосита боғлиқдир. Ижтимоий адолат ижтимоий барқарорликни ва жамиятнинг инновацион ривожланишини таъминлайди. Шу билан бирга, ижтимоий адолат қандай қилиб барча ижтимоий субъектларни тенглаштиришга эмас балки одамларга тегишли бўлган даромад ва мулк ўртасидаги иқтисодий фарқларни уларнинг

қобилияти, индивидуал ҳаракатлари ва касбий натижалари билан қандай боғлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, ижтимоий адолат кишиларнинг маънавият ва ахлоқ меъёрларига мос келадиган жамиятдаги баъзи умумий қабул қилинган тамойилларни баҳолаш ва улардан фойдаланиш асосида ўзларига муносиб бўлган нарсаларни олишларини англатади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри»-Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993, 190-191 бетлар.
2. Кошифий Ҳ. «Аҳлоқи Муҳсиний». Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фонди, инд. 3020 (форс тилида) «Адолат» боби
3. Темур тузуклари. Форсчадан Соғуний А. ва Караматов Ҳ.тарж.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. Б.118.
4. Тошқулов Ж. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1996, Б.33.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2 томлик, Ж. I, Маъруфов таҳрири остида З.М., М.: "Рус тили" нашриёти. 1981, Б.632.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2 томлик, Ж. I, Маъруфов таҳрири остида З.М., М.: "Рус тили" нашриёти. 1981, Б.632.
7. Фалсафа: Қомусий луғат. Т.: «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004. Б.15.
8. 8. Инсон ҳуқуқлари. Тошкент, Ўзбекистон, 1997. –185-б.
9. Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. ЎзФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Б.Аҳмедов таҳрири остида. Тошкент, Ғафур Ғулом нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. –97-б.
10. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз.- Т.: Ўзбе кистон, 2000. Ж. 8. Б. 473.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура-Т.: Ўзбекистон Ж. 1. 1996. Б. 203.



**Жахонгир Мансур ўғли ИБРАГИМОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси Дин психологияси йўналиши 2-курс магистранти*

**Мансур Мовқи ўғли ХОЛМУРОДОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси Дин психологияси йўналиши 4-босқич талабаси*


# АМИР ТЕМУР ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

# THE IMPORTANCE OF THE AMIR TEMUR`S PRINCIPLES OF GOVERNANCE

# ПРАКТИЧЕСКАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ПРИНЦИПОВ УПРАВЛЕНИЯ АМИРА ТЕМУРА


***Аннотация:*** *Мазкур мақолада ўзбек миллатининг буюк намоёндаси ва жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг ўз қўл остидаги ходимларни саралаш, вазифа топшириш ва маълум бир лавозимга тайинлашда амал қилган қоидалари ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга масалани тўлиқроқ ёритиш мақсадида кўп йиллик тажрибага асосланган ҳолда "Темур тузуклари" асарида ворисларига бу борада берган маслаҳатларидан ҳам ўз ўрнида фойдаланилади.*



***Таянч иборалар:*** *Амир Темур, менежмент, бошқарув психологияси, HR, ходимлар танлови, рекруитмент (recruitment), бошқарув тамойиллари, дин психологияси.*



***Annotation:*** *This article deals with the rules of the great representative of the Uzbek nation and the commander and statesman Amir Temur, who left an indelible mark on world history, in the selection, assignment and appointment of his subordinates. At the same time, in order to shed more light on the issue, based on many years of experience, the book "Temur's Statutes" uses the advice given to his successors in this regard.*



***Key words:*** *Amir Temur, management, management psychology, HR, personnel selection, recruitment, management principles, psychology of religion*



***Аннотация:*** *В статье рассматриваются уставы великого представителя узбекского народа, полководца и государственного деятеля Амира*

*Темура, оставившего неизгладимый след в мировой истории, в выборе, назначении и назначении своих подчиненных. В то же время, чтобы пролить больше света на этот вопрос, основанный на многолетнем опыте, книга «Устав Темура» использует советы, данные его преемникам по этому поводу.*

***Ключевые слова:*** *Амир Темур, менеджмент, психология управления, HR, подбор персонала, рекруитмент (recruitment), принципы менеджмента, психология религии*

Барчага маълумки, Соҳибқирон Амир Темур ўз фаолиятини кичик ёлланма аскарлар гуруҳига бошчилик қилиб, ўзаро курашаётган мўғул хонларига хизмат қилишдан бошлаган. Фаолиятининг якунида эса дунёни тебратган енгилмас саркарда ва улкан империянинг асосчиси сифатида ўз замонининг энг йирик шахси даражасида бўлган. Жаҳон тарихида ва бугунги кунда ҳам мазкур сиймога нисбатан икки хил қараш мавжуд бўлиб, баъзилари уни Тамерлан (Темур ланг) ёвуз қонхўр сифатида тасвирлашга интилишса, иккинчи томон уни фақат ижобий сифатларини кўрсатиб, буюк иншоотлар меъмори, адолат пешвоси ва мўғуллар истилосида таназзулга учраган савдо-сотиқ алоқаларини тиклаган шахс сифатида ёритишга интилишади. Бошқарув психологияси учун Амир Темур фаолиятидаги муҳим жиҳат бу Амир Темурнинг қандай қилиб ўз атрофига қобилиятли инсонларни йиғганлиги ва қайси усуллар билан уларнинг садоқат билан унга хизмат қилишларига эришганлигидир. Чунки инсон қай даражада қобилиятли бўлмасин ёлғиз ўзи ҳеч қандай натижага эриша олмайди. Шу сабабдан ҳам кучли бошқарувчилик қобилиятига эга бўлган инсонлар ўз атрофида қобилиятли инсонларни йиғишади ва мазкур қобилиятларни ўз фойдасига ишлатиш йўлини топишади. Албатта бугунги кунда хам ахамялийлик жихатидан бу долзарб масаладир. Негаки мувоффақиятга эришаётган ва ўз йўлида илдам харакат қилаётган қайси бир жамоани кузатманг бу ўша жамоадаги психологик муҳит ва ходимлар салоҳиятига бевосита боғлиқлигини кўрасиз. Шу боис раҳбардан ҳар бир ходимга нисбатан ўта зийраклик билан ёндашишни талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда: «Бугун раҳбар хато қилишга ҳаққи йўқ» [3:7] аслида раҳбар адолатпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик воситасида намоён бўлади дейди ўз қайтномасида. Амир Темур эса ўзининг “Темур тузуклари” асарида бошқарувчининг индивидуал-психологик хусусиятларини қуйидагича таърифлайди: “Тажрибамда кўрилганким, азми қатий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки, тажрибали бир киши минглаб кишига иш буюради” [1:14]. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг бу ҳақида айтган фикрларини ёдга олсак: Биз олдимизга қандай мухим вазифа қўймайлик, қандай ҳаётий муаммони ечиш заруруяти туғулмасин гап охир оқибат ўша ходимлар ва яна ходимларга бориб тақалаверади. Ва бу сўзларнинг қанчалик ҳақиқатлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди [4:36-37].

Тарихий манбалар шуни кўрсатадики, Амир Темур ўз фаолияти мобайнида ҳар бир лавозим эгасини танлашга алоҳида эътибор қаратган. Шу билан бирга хизматига олган мутахассисларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам жиддий ёндашган. Шу боис биз дастлаб аҳамият қаратишимиз лозим бўлган жиҳат Соҳибқирон давлат бошқарувининг тузилмавий таркибидир. Бу борада Амир Темур қуйидаги фикрларни билдиради: “Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Уни ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи, деб ҳисобладим” [2:67]. Амир Темур биринчи тоифа вакиллари сифатида саййидлар, уламо, шайхлар ва фозилларни назарда тутган ва уларни доимо ўзига яқинлаштирган ва кўнглини олишга интилган. Бунга мисол қилиб мажлисларда Соҳибқирон ўзининг ўнг томонида доимо мазкур тоифа вакилларини ўтиришларини белгилаб қўйганларини айтиш мумкин. Иккинчи тоифа – бу ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар, сергак ва кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишилардир. Темур бу тоифа вакилларининг суҳбатларидан тажриба ҳосил қилиш учун фойдаланган. Учинчи тоифа – дуогўй кишилар, Темур улар билан хилватда суҳбат қуриб, кўнглидаги мақсадини айтиб,

дуо тилашни одат қилган. Тўртинчи тоифа – амирлар, сарҳанглар ва сипоҳсолорлар бўлиб, ҳарб ишларида уларга таяниб, улар билан маслаҳатлашган ҳолда иш кўрган. Бешинчи тоифа – ҳарбийлар ва бошқарувчилар бўлиб, Темур ҳар иккисига бир кўз билан қарашга интилган. Ҳарбийлардан чиққан баҳодирлар, довюракларга махсус фахрли ўтоға, қамар ва таркаш тақдим этиб, мартабаларини кўтариш амалиётини йўлга қўйиш баробарида, ҳар эл ва мамлакатнинг улуғларини бошлиқ-оқсоқолларини қадрлаб, уларга совға-саломлар бериш йўли билан хизматларидан фойдаланган. Олтинчи тоифа – ақлли, тажрибали, энг ишончли кишилар бўлиб, улар асосида хос мажлис уюштирилар ва айни шу тоифа вакиллари билан яширин ишлар, махфий сирларни муҳокама қилинган. Еттинчи тоифа – вазирлар, бош котиблар, девон муншийлар (хукмдор буйруқларини ёзувчи)дан иборат бўлиб, иқтисодий ва ташкилий ишлар улар ёрдамида бошқарилган. Улар ҳамиша мамлакат тўкинчилиги ва ободчилиги учун масъул бўлганлар. Саккизинчи тоифага ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар (астрономлар) ва муҳандислар кирган. Амир Темур уларни салтанат корхонасига ривож берувчилар деб ҳисоблаган. Тўққизинчи тоифа – муҳаддислар, пайғамбаримиз алайҳиссалом авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилучилар (тарихчилар) ҳамда қиссахонлар бўлиб, Темур улардан Пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтган подшоҳлар тўғрисидаги хабарларни, давлатларининг қандай сабабларга кўра завол топганини сўраб суриштирган. Ҳар қайсисининг қиссалари эшитиб, тажриба орттирган. Ўнинчи тоифа – машойихлар, сўфийлар, Худони таниган орифлардан иборат. Темур уларнинг хизматида бўлиб, охират фойдаларини олдишга ҳаракат қилган. Ўн биринчи тоифа – хуранмандалр бўлиб, сафарда ва ҳазарда қўшин учун керак яроқларни ҳамда бошқа нарсаларни тайёрлаб беришга масъул бўлишган. Ўн иккинчи тоифа – ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчилари, мусофирлари ҳамда савдогарлардан иборат. Темур улардан турли мамлакатлардан хабар келтириб турувчи маълумот манбаи сифатида фойдаланган. Кўриниб турибдики соҳибқирон Амир Темур давлат ишларида фақат ўзининг билимларига таяниб ёки хукумдорлигидан фойдаланиб мамлакатни хоҳлаганича идора етмаган, аксинча атрофида уламолару-фуқаҳолар олимлар, меморлар, баҳодир саркардалар, узоқни кўра олиш қобилятига ега бўлган билмли кишиларни жамлаган.

Амир Темур бирор масала юзасидан қарор чиқармоқчи бўлса, албатта соҳа билимдонларинг бу борасидаги фикрларини ўрганган. Қолаверса у ўтмишдаги хатоларни такрорламаслик мақсадида ўзидан олдинги хукумдорларнинг ишларидан тажриба сифатида фойдаланган. Эътиборга молик жихати орадан қарийб 650 йил ўтишига қарамасдан Амир Темурнинг давлат тутуми аҳамиятли жихатидан бугунги кунда ҳам долзарбдир. Албатта, ҳозирга келиб Амир Темур томонидан тузилган ўша ўн икки қатлам айнан мавжуд эмас, негаки бугунги кунгача бу лавозимлар ва қатламларнинг аксарияти бошқача моҳият ва кўриниш касб етган. Буни биз вазирликлар, қўмиталар ва турли ҳил давлат идоралари мисолида кўришимиз мумкин. Лекин ўзгаришлар қандай бўлишидан қатъий назар идораларда етакчилик қилаётган раҳбарларнинг Амир Темур санаб ўтган сифатларга эга бўлиши меҳнат жамоаларида иш самарадорлигини ошириши хизмат қилади.

Бошқарув тизими ҳақида сўз юритганимиздан кейин навбат, ана шу тизимнинг маҳсулдор бўлишини таъминловчи асосий категория адолалилик қоидасига келди. Амир Темур давлат тутумининг асосий тамоили адолат эканлиги бугунги кунда “Куч адолатдадир” шиори орқали барчага маълум ва машҳур. Амир Темурнинг ўзи эса бу тамойилнинг аҳамиятини ҳаётий тажрибасида бўлган воқеа орқали қуйидагича таърифлайди: “Султон ҳар нарсада адолатпарвар бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар тутсин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Аммо агар вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди. Чунончи, амир Ҳусайннинг золим вазири бор эди. У сипоҳу раиятга ноҳақ жарималар солар эди. Орадан кўп вақт ўтмай ўша ноинсоф вазирнинг шумлигидан амир Ҳусайннинг салтанат уйи ҳароб бўлди”. Адолат мезонини ўзига бош дастурул амал қилиб олган Амир Темур унга нафақат ўзи амал қилган балки қўл остидагиларни ҳам бу борада қаттиқ назорат

қилган, ҳатто ўз фарзандларини ҳам аямаган. Чунки, у адолатсизлик муқаррар таназул эканлигини ўзидан олдинги ҳукумдорлар мисоли ва устозларининг ўгитлари ёрдамида чуқур англаб етган эди. Бу ҳақида ўзининг “Темур тузуклари” да устозининг қуйидаги ўгитларини эслаб ўтади: “Пирим менга ёздиким: Худонинг ва пайғамбарининг ҳукмига амал қилгин, расулуллоҳнинг зуриётига ёрдам бер, Тангрининг неъматларидан еб, яна унга ва унинг пайғамбарларига душманлик қилган подшоҳларни Оллоҳнинг мулкидан чиқар. Парвардигорнинг мулкида адолатли иш тутгилким, шундай демишлар: Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди” [1:64]. Дарҳақиқат, юқорида айтилган ҳикматнинг исботини темурийзодаларнинг кейинги тақдири ўларок англаб олиш қийин эмас, яъни мамлакат тақдиридан ўзининг ҳавои нафсини устун қўйган ва халқнинг ҳолидан ҳабарсиз хукумдорларнинг юрутган сиёсати секин-аста ушбу қудратли мамлакатнинг тақдирини таназзулга олиб келди. Психологларнинг фикрларига кўра жамоанинг кучлилиги жамо аъзоларининг руҳияти, кайфияти ва ўзаро аҳиллига боғлиқ. Буни биз ижтимоий психологик ҳусусиятнинг раҳбар фаолиятига ва худди шу ҳолатнинг жамоа руҳиятига акс тасири десак адашмаган бўламиз.

Амир Темур ўз атрофида доно вазирларни йиғиш билан чекланмасдан, кези келганда тўғри сўзни айтиб, муаммони оқилона хал этишда ўз илми ва тажрибасидан фойдалана олишлари учун мартабаларини кўтариб, ҳурматларини бажо келтирган. Чунки, Темур агар олимлар ҳукмдорга ўз фикрини айтишдан кўркса, хукмдорнинг хатолари кўпайиши ва бундан душманлар унумли фойдаланиши жуда яхши билган. Ўз вазирларига берган бундай эркинлик ва ваколат ўрта асрлардаги адолатли бошқарувнинг ҳақиқий намунаси эди десак, муболаға қилмаган бўламиз. Бу сўзларимизнинг исботи сифатида Амир Темурнинг ушбу сўзларини келтиришни лозим деб билдик: “Пирим менга ёзмишларким: “Абулмансур Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни: 1) (ўзинг билан) кенгаш; 2) (бошқалар билан) машварату маслаҳат айла; 3) хушёрлигу мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чиқар; 4) эҳтиёткор бўл. Чунки, кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишларию айтган гаплари хато бўлган жоҳил кимсага қиёслаш мумкин; [1:73]. Ўзинг билан кенгаш деркан бундан мурод устози унинг ўзига нисбатан талабчан ва қилган ишларини сарҳисоб қилишга ва бир вақтнинг ўзида маслаҳат олгину аммо ҳукмни ўзинг қабул қил нақлида ўгит берган эди. Умумий қилиб айтганда устози уни мулоҳазакор юритадиган фаолиятини олдиндан ва ундан кейн ҳам таҳрирлашга чорлаган эди. Биламизки психология фанида ўз-ўзини кузатиш деган тушунча мавжуд бўлиб, бунинг маъноси акс эттириш, ўзининг ички дунёсини билишга интилиш ёки ўз руҳиятининг тубига кириб боришга уриниш демакдир. Ҳар доим бошқа одамларни яхширок тушуниш учун аввало ўзини билиш, ўз мотивлари, қарашлари, ҳиссиётларини ва турли воқеаларга нисбатан ўз муносабатларини англаш лозимдир. Кўриниб турибдики, Темурнинг устози тилидан янграётган мазкур ҳикматлар ҳар замон ва маконда раҳбарлик лавозимида фаолият олиб борувчи инсон учун кундалик амал қилинадиган қоида бўлиб хизмат қила олади. Бу сўзларимизга исботни ҳар бир инсон истаса ўз атрофида кечаётган узоқни ўйламай ёки шахсий манфаатни барча нарсадан устун қўйиш натижасида миллионлар сарфлаб қурилган бинонинг бироз муддатдан кейин бузилиши мисолида кўра олади, истаса тарихга назар ташлаб, Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг буюк аллома Нажмидин Кубро ва ўғли Жалолиддин каби бир қанча инсонларнинг Чингизхон билан курашга бутун қўшинни жалб этиш кераклиги борасида берган маслахатларини эшитмасдан, фақат ўз манфаатини кўзлаган ҳолда чиқарган нотўғри қарори натижасида нафақат ўзи балки бутун давлатнинг заволига сабабчи бўлганлигидан кўриб, тушуниб олиши мумкин.

Амир Темур истеъдодли шахсларни қўллаб-кувватлаш борасида хам бугунги кундаги раҳбарларга ибрат бўлиб хизмат қила олади. У Тўхтамишхон билан бўлган урушдаги воқеани эслаб: “Тобон баҳодир Тўхтамишхон билан бўлган урушда (от солиб), ғаним байроқдорига етиб олди ва душман байроғини ерга тушурди, ўзи бир неча жойидан яраланди. Ҳасадчилар ва шу қаҳрамонликка даъвогарлар унинг бу

хизматини мендан яширмоқчи бўлдилар. Лекин мен уни (инъомдан) ҳоли қолдириш инсофдан эмас, деб билиб, Тобон баҳодирга амирлик мартабасини бердим. Сўнгра унга иззат-икром кўрсатиб, байроқ тақдим этдим" [1:118], бу билан Амир Темур тақдирлашнинг юксак намунасини кўрсатиб берган.

Малумки бошқарув ва менжмент психологиясида ходимларни руҳлантириш уларга рағбат эълон қилиш орқали уларда ишчанлик кайфияни пайдо қилиш асосий компонент сифатида ўрганиб келинмоқда. Мутахасисларнинг тадқиқотларига кўра рағбатлантиришдан келадиган асосий манфаат бу қийин вазиятдан осонлик билан чиқиш ёки ходимларнинг ишлаш салоҳиятини яъни уларда жасорат, қатъият, ишонч, илҳом ва умидни кучайтиришга хизмат қилишидадир. Амир Темур эса ўз даврида бу тамойилларни бошқарув фаолиятида амалий жиҳатдан қўллай олган сиймо сифатида биз учун намунадир.

Ха "раҳбар яхши бўлса, эл тузар, раҳбар ёмон бўлса, эл тўзар" дейди доно ҳалқимиз. Базан раҳбарлик курсиси субектив сабабларга кўра бебурд, лоқайд, нодон, идроксиз ва кибрли одамларга ҳам насиб қилади. Бу тоифадаги раҳбарлар лавозимда турганда-азиз, ундан тушганда орикча одамга айланади. Ундайларни халқ бағридан итқитади, ундан қутулганига шодланади чунки у мансаб пиллапоясида халқнинг фойдасига эмас аксинча заволига хизмат қилади. Соҳибқирон Амир Темур эса хар жиҳатдан етук бошқарув услуби билан бугунги раҳбар кишиларга ибратдир. Бу сўзларни такрорлар эканмиз яна беихтиёр ёдимизга турк халқ мақоли тушади: "Ҳақиқатли бекнинг хайбати тоғ кабидур, лекин тоғ каби юки бордир елкасида, кўтара олмаган остида қолур ва беклар ўчоқ кабидур атрофини иситар лекин ўзи ёнур, бу ўтга бардош бера олмаган кул бўлур".

Шу ўринда эътиборингизни яна бир холатга қаратмоқчимиз. Психологларнинг такидлашларича, раҳбар хоҳлаган вазифасини ишончли ходимларига ишониб топширши мумкин, лекин хеч қачон инсоний муносабатларни бундай топшириб бўлмайди яни унинг ўзи ҳар бир ходими билан бундай муносабатни амалга оширмоғи керак. Хуллас, жамоага раҳбарлик қилиш катта санъат. Раҳбар устоз, мураббий раҳбар-миллат тарбиячиси абадиятга дахлдор шахс. Унинг машаққатли меҳнати ўлароқ келажагимиз ворислари камол топиб боради. Демак, раҳбар фаолиятига қаратилган эьтибор ватан тақдирига қаратилган эътибордир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Амир Темур. Темур тузуклари. – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2013.
2. Аҳмад Муҳаммад. Амир Темур – буюк саркарда ва соҳибқирон. –Тошкент: Азон китоблари, 2020.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатий тартиб-интизом ва шаҳсий жавобгарлик хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. Zamin.uz
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

**Гулчехра Неъматовна НАВРЎЗОВА**
*Бухоро муҳандислик-технология институти Ижтимоий фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори*

# ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ МУҲАММАД ПОРСО ҲАҚИДА

# ХОДЖА ИСМАТ БУХАРИ О МУХАММАДЕ ПОРСО

# KHOJA ISMAT BUKHARI ABOUT MUHAMMAD PORSO

***Аннотация:*** *Мақолада Темурийлар даври мутафаккири Хожа Исмат Бухорий (1365-1436) нинг ҳаёти маънавий мероси ва "Девон"идаги қасидаларининг иккитасида Нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаси Хожа Муҳаммад Порсо (1348-1420) ҳақида берилган тавсиф таҳлил этилган. Мақолада Ҳожа Исмат Бухорийнинг Аҳмад Карамий томонидан тўпланган Хожа Исмат Бухорий "Девон"ининг тўла нашри илк маротиба илмий таҳлилга киритилган.*

***Таянч иборалар:*** *Хожа Исмат Бухорий, Темурийлар даври, "Девон", қасида, Хожа Муҳаммад Порсо, Нақшбандия, тариқат, солик, маърифат, суннат.*

***Аннотация:*** *В статье анализируется жизнь и духовное наследие мыслителя Ходжи Исмата Бухари (1365-1436) проживавщий в период Тимуридов и описание Ходжи Мухаммада Порсо (1348-1420), великого представителя секты Накшбанди, в двух его касидах в его "Деван"е. В статье впервые в научный анализ включена полная редакция "Девона" Ходжи Исмата Бухари составленная Ахмадом Карами. На основе анализа Касиды раскрывается общественно-политическая и просветительская значимость накшбандийских идей Ходжи Исмата.*

***Ключевые слова:*** *Ходжа Исмат Бухари, период Тимуридов, "Деван", касида, Ходжа Мухаммад Порсо, Накшбанди, тарикат (путь), идущий по пути суфиев, просвещение, сунна.*

***The summary:*** *The article analyzes the spiritual heritage of the Timurid thinker Khoja Ismat Bukhari (1365-1436) and the description of Khoja Muhammad Porso (1348-1420), a great representative of the Naqshbandi sect, in two of his poems in Devon. In the article, the full edition of Khoja Ismat Bukhari's "Devon" compiled by Ahmad Karami was included in the scientific analysis for the first time. Based on the analysis of the Qasida, the socio-political and enlightenment significance of the ideas of Hoja Ismat Naqshbandi was revealed.*

***Keywords:*** *Khodja Ismat Buxoriy, Timurids period, "Devon", Khodja Muhammad Porso, Naqshbandi, tariqat, enlightenment, circumcision.*

Ўзбекистон тарихида Иккинчи Уйғониш даври ҳисобланадиган, жаҳон тамаддуни тараққиётида муносиб улуш қўшган Темурийлар даврининг икки мутафаккири Хожа Исмат Бухорий ва Хожа Муҳаммад Порсо ўзларидан бой маънавий мерос қолдирганлар ва ҳозирги кунда Учинчи Ренессанс-Уйғониш даври пойдеворини қуришда уларнинг илғор тажрибасини ўрганиш яхши самара беради.

Бухорои Шарифда таваллуд топган ва Темурийлар даврида яшаган икки мутафаккир Хожа Исмат Бухорий ва Хожа Муҳаммад Порсо ҳаёт йўллари ва маънавий меросларининг аҳамияти ҳозирги кунда жуда юксак эканлиги тан олинмоқда. Темурийлар даврининг мутафаккири, шоир, мударрис Хожа Исмат Бухорий ҳаёт йўли ва маънавий мероси ҳақида илк тадқиқотлар олиб борилмоқда. [1:48, 4:47-48, 7:113, 8:84, 9:10-13, 19:52, 20:137-150] Хожа Исмат Бухорийнинг "Девон"ини кирил алифбосига ўгириб нашр эттирилганлиги бу тадқиқотларнинг энг катта натижасидир. [15:464] "Девон"да Хожа Исмат Бухорийнинг 79 қасида, 470 ғазал, 53 рубоий, мусамматот, таркиббанд, мухаммас, муқаттаот, абёти пароканда, баҳри таъвиллари жой олган. Бу "Девон" Теҳронда Аҳмад Карамий томонидан тартибга келтирилган энг мукаммал нусха асосида тайёрланган. [3:589]

Хожа Фахриддин Исматуллоҳ ибн Хожа Масъуд Исмати Бухорий XIV асрнинг иккинчи ярми XV асрнинг бошларида яшаб ижод этган забардаст шоир ва мутафаккирдир. У 1365-1374 йилларда Бухорода дунёга келган ва 1426-йилда оламдан ўтган.[15:3] Муборак қабри Бухорода жойлашган бўлиб, ҳозирги кунда Хожа Исмат Бухорий номли обод зиёратгоҳдир. Хожа Исматнинг оталари Хожа Масъуд Бухоро шаҳрининг эҳтиромга сазовор шахсларидан бўлган. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий шундай таъкидлаган: "Ва дар хиттаи Бухоро обову аждоди Хожа Исмат мардумони бузург ва фозил будаанд. Ва падари ў Хожа Масъуд аз акобирони Бухорост".[12:544]

Мазмуни: “Бухоронинг энг юқори қисмида Хожа Исматнинг авлоду аждодлари улуғ ва фозил инсонлар бўлганлар. Унинг отаси Хожа Масъуд Бухоро акобирларидан эди”. Хожа Исмат Бухорий Бухорода ибтидоий илмни олган ва тарих, шеър, аруз ва бошқа адабиётнинг ўзига хос сирларини ўрганиб, шоир сифатида машҳур бўлган. Шунинг учун Темурийлар саройига таклиф этганлар. У Амир Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғли Султон Халил тарбияси билан шуғулланган ва тезда шоиру мударрис сифатида обруй қозонган. Доктор Забеҳуллоҳ Сафо маълумоти бўйича Амир Темур вафотидан кейин Халил Султон тахтга ўтиради Хожа Исмат Амир Темур вафотига бағишлаб марсия ёзадики, бу ҳаммага мақбул бўлади:

Эй фалак, хиргоҳ вайрон кун, ки Султон ғоиб аст,

Тахт гӯ, бар хок биншин, ки Сулаймон ғоиб аст.[13:508]

Мазмуни:

Эй фалак, хиргоҳни вайрон қил, Султон ўлди ғойиб,

Тахт айтгин сен тупроққа ўтир, Сулаймон ўлди ғойиб.

Тадқиқотчи Раъно Раупова Хожа Исмат Бухорийнинг Амир Темурга бағишланган марсиясининг Салоҳиддин Тошкандийни “Темурнома” асарида ўзбек тилидаги нусхаси борлигини аниқлаган. [8:74] Марсияда Амир Темур қуйидагича улуғланган:

Давлатда ким Сулайман, фитратда чун Афлотун.

Ҳикматда эрди гўё Луқмон ўлди ғойиб. [14:327]

Бу мисралар кўрсатадики, Хожа Исмат Бухорий Амир Темур мол-мулки ва давлатини Сулаймон пайғамар мулки билан қиёслаган. Шу Билан биргаликда Амир Темур фитратини антик даврнинг машҳур файласуфи Платонга ўхшатган. Дарҳақиқат, Платон устози Сукротни жуда эъзозлаган ва асарларида у кишининг ғояларини очиб берган. Амир Темур ҳам устозлари Амир Кулол, Шамсуддин Кулол, Зайниддин Тойибодий, Сайид Баракаларни жуда эъзозлаган ва “Темур тузуклар”ини улар ўгитлари асосида ёзган.[10:36] Бу фактлар далолат берадики, Хожа Исмат Бухорий бир томондан Қуръони каримни жуда яхши билган, шунинг учун ҳам Амир Темурни Сулаймон пайғамбар ва Луқмони Ҳаким билан қиёслай олган. Иккинчи томондан антик давр фалсафасини кучли билган, Темурийлар саройи кутубхонасидаги асарлар билан таниш бўлган ва Амир Темурни файласуфлар “Биринчи устоз деб тан олган Платон билан қиёслай олган”.

Хожа Исмат Бухорий Халил Султон тахтдан тушгандан кейин икки йил Мовароуннаҳр шаҳарларида бўладилар. Мирзо Улуғбек Самарқанд тахтига чиқганидан кейин Хожа Исматни таклиф этади. Хожа Исмат Улуғбек даврида ҳам сарой шоири, мутафаккир ва мударрис сифатида фаолият юритган.

Хожа Исмат маънавий меросида қасидаларнинг ўрни каттадир. У ёзган қасидаларнинг асосий қисми Султон Халил Мирзо ва Мирзо Улуғбекга бағишланган. “Девон”ни таҳлил этиш жараёнида биз Хожа Исмат Бухорийнинг Хожа Муҳаммад Порсони мадҳ этиб ёзган икки қасидаси борлигини аниқладик. Хожа Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асарида ёзилган сўнгсўзда ҳам бу фикр мавжуд. [2:107]

Хожа Муҳаммад Порсо номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорий (1348-1420) Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси, Нақшбандия таълимотини назарий ва амалий ривожлантирган, Порсоия йўналишига асос солган ва жуда кўп асарлар муаллифи бўлган машҳур шахсдир. У кишининг ҳаётига оид тадқиқотлар мавжуд. [5:104-106, 6:176, 11:7-10-16, 17:44,18:324] Аммо уларда Хожа Муҳаммад Порсо ҳақида ёзилган Хожа Исмат Бухорийнинг қасидалари таҳлил этилмаган.

Хожа Муҳаммад Порсо ҳақида “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”, “Нафаҳотул унс”, “Рашаҳоту айнил ҳаёт”, “Туҳфатуз зоирин” ва бошқа манбаларда маълумотлар келтирилган. Хожа Исмат Бухорийнинг “Девон”идаги 77 ва 78 рақамли қасидалар Хожа Муҳаммад Порсога бағишланган. 77 – рақамли қасида “Дар ситоиши Хожа Муҳаммад Порсо” деб номланади ва 52 байтдан иборат. “Девон”да бундан кейинги қасида “Ва лаҳу фий мадҳиҳи” – “Яна унинг мадҳида” деб номланади ва қўлёзманинг 126-бетида киритилган. Аммо “Девон”ни кирилчага ўгирилган нусхасида 78-қасиданинг номи “Дар ситоиши Хожа Шамсуддин” деб хато ёзилган. Таржимонларнинг бундай

деб номланишига сабаб қасидани ичида бу номнинг мавжудлигидир. Холбуки қасида тўла Муҳаммад Порсога бағишланган бўлиб 51 байтдан иборат. Муҳаммад Порсога бағишланган биринчи қасидада Шамсиддин Муҳаммад деб ёзилган мисрада пайғамбар Муҳаммад с.а.в назарда тутилган бўлиб, бу комил инсонни Шамсуддин, яъни диннинг қуёши деган маънода тавсифланган.

Офтоби шаръи Шамсуддин Муҳаммад гуз дараш,

Мебаранд аҳли саодат мояи як ахтари. [16:128]

Мазмуни:

Шариат қуёши Шамсуддин Муҳаммад унинг асосидир,

Саодат аҳли ундан шу юлдуздан тарқалган нур мояси – асосинигина оладилар.

Бу мисралар орқали Муҳаммад Порсонинг эшигидан саодат аҳли бўлган кишилар фақатгина диннинг қуёши бўлган Муҳаммад пайғамбар с.а.в шариатининг қимматбаҳо моясинигина топадилар, яъни Порсодан шариатга зид нарса тополмайдилар, деб Хожа Исмат Муҳаммад Порсога тавсиф беряптилар. Бу тавсифдан маълум бўладики, Хожа Муҳаммад Порсо Хожагон ва Нақшбандия таълимотига садоқатли бўлиб, улар каби суннатга мувофиқ амал қилганлар.

Муҳаммад Порсога бағишланган қасиданинг иккинчисида ҳам Хожа Шамсуддин Муҳаммад номи ёзилган. Бу ерда Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айнул ҳаёт” асарида баён этилган. Улуғбек даврида Муҳаммад Порсони ҳадисга доир билимини аниқлаймиз деган воқеадаги Шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий номи тилга олинган. У Мирзо Улуғбек замонида Самарқандга келиб муҳаддисларни санатлари ҳақидаги билимларни аниқлаган. Ҳасадчи олимларнинг туҳмати билан Ҳожа Муҳаммад Порсони Бухорога чақириб уни билимини синаганлар ва унинг руҳий камолот даражасидан ҳайратга тушганлар. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган Хожа Исмат Бухорий Муҳаммад Порсога бағишлаб мадҳияларини ёзган. Шунинг учун бўлса керак Хожа Исмат қуйидаги мисраларни ёзган:

Гў, сари таслим бар хоки жанобу Хожа неҳ,

Тождореро, ки бошад завқи соҳибафсари. [15:183]

Мазмуни:

Айт, таслим бошини Хожа жанобининг тупроғига қўй.

Қайси тождоргаким юксак мартабага эришиш завқини кўрмоқчи бўлса.

Бу мисралар билан Хожа Исмат Бухорий: эй тождор, яъни шоҳларни маърифат аҳли, яъни Муҳаммад Порсо каби инсонларга бош эгиб уларни илмидан баҳраманд бўлгандагина халқ эътирофига сазовор бўлишини таъкидламоқда.

Хожа Муҳаммад Порсо мадҳ этилган биринчи қасида:

Эй, бар арбоби талаб, расми валоятгустари,

Чашм бар ту, чунки хатми русул пайғамбари.

Мазмуни:

Эй талаб арбобига валоят тартибини ёйувчи,

Ҳаммани кўзи сенда, чунки пайғамбарлар келиши хатм бўлган.

Бу мисралар билан Хожа Исмат Бухорий Эй талаб арбоблари авлиёуллоҳ наздида валий деб топилган зот, барчанинг кўзи сенга тикилган, чунки энди пайғамбарлар келмайди. Пайғамбарлардан кейин тўғри йўлни кўрсатувчилар булар валийлардир. Шунинг учун валийлар орасида энг таниқлиси сен бўлганинг учун ҳаммани кўзи сенга қадалган, деб Муҳаммад Порсони валийсифат табаррук зот сифатида эътироф этмоқда.

Карда нури раъят аз илмул яқин кавнайнро,

Зарра-зарра сўйи хуршид ҳидоят раҳбари. [15:182]

Мазмуни:

Сенинг йўлинг нури илмул яқиндан икки оламни,

Қуёш каби ёритиб, зарра-зарра унга томон ҳидоят этади.

Хўжа Исмат Бухорий бу мисралари орқали Муҳаммад Порсо яратган йўл, яъни Баҳоуддин Нақшбанд ғояларини ривожлантириб ёзган асарлари Хуросонда асослаган Нақшбандиянинг Порсоия тармоғи инсонлар қалбини ёритиб, уларни икки оламда саодатли бўлишни ҳидоят этадиган тасаввуфдаги энг олий илм яқин, яъни шаку шубҳасиз ишонч илми билан баҳраманд этади, деб таъкидламоқда. Дарҳақиқат, Муҳаммад Порсодан бой маънавий мерос қолдирган. Ундан қуйидаги асар ҳозирги кунгача сақланган: “Фаслул хитоб васлил аҳбоб”, Шарҳи “Фусусул ҳикам”, “Тафсир”, “Арбаъун ҳадис”, “Маносиқул ҳаж”, “Рамзул ақтоб”,

“Таҳқиқот”, “Маҳбубийя”, “Ал-фусул ас-ситта”, “Масъалату халқил афъол”, “Рисола дар таҳқиқи замон ва макон”, “Рисолаи қудсия”, “Ақоид”, “Рисолаи кашфия”, “Рисола дар одоби мурид”, “Мухтасари таърихи Макка”,”Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор”, “Муқаддима ли-жомиъ ул-калим”, “Ҳафтоду ду фирқа”, “Этиқодот”, “Аз анфоси қудсияи машойихи тариқат”, “Шарҳи “Фиқҳи Кайдоний”.

Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросининг инсон камолотида жуда катта аҳамятга эга эканлигини Хожа Исмат Бухорий қасидасида қуйидагича тавсифлайди:

Бо вужудат инсу жон беминнати жон зиндаанд,

К-аз раҳи тадқиқ оламро ту жони дигари. [15:182]

Мазмуни:

Сенинг вужудингдан барча инсонлар ва жонли мавжудотлар жоннинг миннатисиз тирикдирлар,

Ҳақиқат юзасидан агар айтсак, сен бутун олам учун ўзинг жонсан.

Хожа Исмат шунинг учун Хожа Муҳаммад Порсони таърифлаб, қуйидаги гўзал мисра орқали фикрини баён қилган:

Нақшбанди сунъ зеботар зи ту сурат набаст.

Мазмуни:

Бутун борлиқнинг Нақш боғловчи Мусаввири, яъни Оллоҳ сендан гўзалроқ нақш боғламади. Бу ғоя орқали Муҳаммад Порсо илоҳий моҳиятни акс эттирувчи гўзал хилқат эканлиги бадиий ифодалаган.

Мурдагони маъсиятро дода лутфат зиндаги,

Тўтиёни маърифатро карда нутқат шаккари.

Мазмуни:

Гуноҳларга ботиб қалби ва руҳи ўлган кишилар сени лутфинг туфайли тириладилар,

Маърифат, яъни Оллоҳни танитадиган илм тўтилари, яъни воизларига сени нутқинг мазмун бағишлаб, “шаккари” яъни ширин ҳаётбахш қилади.

Хожа Исмат Бухорий Бухорои Шарифни азалдан эъзозлаб Фохира номи билан аталишига сабаб Муҳаммад Порсо каби улуғ инсонлар эканлигини таъкидлаб қуйидаги тавсифни қасидасига келтиради:

Эй Ҳумоюнравзаю Фирдавсқадр аз мажлисат,

Фохира дорад бар ақсоли мамолик фохири. [15:183]

Мазмуни:

Эй боғдаги Ҳумоюн ва Фирдавс каби қадрли, сени мажлисларингдан,

Фохира барча мамлакатларнинг фахрига айнди.

Хожа Порсо ўтказадиган мажлислар ҳадис, фиқҳ, калом, Қуръон моҳиятини ёритувчи тасаввуфга оид йиғинларини жуда ҳам машҳур бўлганлиги ва натижада Бухорои шариф аҳли бутун мамлакатларга машҳур бўлиб, Фохира номи билан эътироф этишини таъкидламоқда.

Соликони роҳи ирфонро ту Иди аъзами,

Зоирони Каъбаи жонро ту Ҳажжи акбари.

Мазмуни:

Маърифат соликларига Ийди аъзам Сен ўзинг,

Жон Каъбаси зоирларига Ҳажжи акбар сен ўзинг.

Муҳаммад Порсо тасаввуф йўлидан Ҳаққа етиш талабида бўлган соликлар учун Иди аъзам эканлигини уқтириб, мусулмонлар учун энг улуғ ҳайитлар файзу футуҳи ва савоби билан Муҳаммад Порсонинг суҳбатларини қиёслайди. Жон каъбаси, яъни инсон қалбини зиёрат қилишни истовчи ҳар бир талаб аҳли учун Муҳаммад Порсонинг суҳбатлари илму маърифатини Ҳажжи акбар билан тенглаштиради. Дарҳақиқат, тасаввуф аҳли учун кўнгил каъбасини зиёрати буюк Ҳаж саналади.

Хожа Исмат Муҳаммад Порсо ишини давом эттирган Абу Наср ҳақида ўз қасидасида қуйидаги мисраларни ёзган:

Ҳафиз-ул-милла Абу Наср он, ки дар хурди чу ту,

Карда анвори ҳақоиқро басар рӯ мазҳари.

Мазмуни:

Ҳофизу-ул-миллат Абу Наср худди ўзинг кабидир,

У ҳақиқат нурларини юз кўзи билан зоҳир этади.

Бу билан Абу Наср отасига садоқатли ва шу йўлнинг асосчиси эканлигини кўрсатади.

Хожа Исмат Бухорий нақшбандиёна йўл ва маърифат назариётчиси ва амалиёт соҳиби бўлган Муҳаммад Порсони маҳд этиб, унинг дийдори билан мамлакат аҳли тинч ва хотиржамликда яшаб зулматдан қутулиши, вайроналикдан фориғ бўлишини таъкидлаб, шундай ёзади:

Барои дасти Фиръавни жаҳолат чун Калимуллоҳ,

Мазмуни:

Жаҳолат қўли Фиръавн учун у Калимуллоҳ.

Бу мисра орқали Хожа Исмат Бухорий жаҳолатни Фиръавнга қўлига ўхшатиб, ундан қутулиш йўлини Калимуллоҳ, яъни Мусо пайғамбар кўрсатгани каби Муҳаммад Порсо халқни жаҳолатдан қутқариб маърифатли қилишини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам уни кейинги мисраларда Имом Аъзами Соний деган ном билан улуғлайди.

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

Хожа Исмат Бухорий Темурийлар даврида яшаган мутафаккир, шоир, мударрис бўлиб, ўзидан жуда бой мазмунга эга “Девон”ни мерос қолдирган.

Хожа Муҳаммад Порсони тавсифловчи Хожа Исмат “Девон”идаги икки қасида қуйидагилардан далолат беради:

Хожа Исмат Бухорий қасидаларида фақат шоҳу султонларни мадҳ этиш эмас, балки долзарб ижтимоий-сиёсий ва маърифий масалалар кўтарилган.

Хожа Исмат Валий Бухорода туғилган ва Бухоро заминида вужудга келган Хожагон ва Нақшбандия таълимотидан жуда яхши хабардор бўлган.

У ўз даврида яшаган Баҳоуддин Нақшбанд шогирди, тасаввуф фиқҳ тафсир ҳадис илмларига доир жуда кўп асарлар муаллифи Нақшбандия шаҳобчаси асосчиси, Абу Наср каби фарзандни тарбиялаган ота бўлган Муҳаммад Порсони жуда яхши билган унинг маънавий меросини ўрганган ва қобилятини эътироф этиб, бу қасидаларини ёзган.

Муҳаммад Порсога бағишлаб ёзилган Хожа Исматнинг қасидалари унинг камолот даражасини тавсивловчи муҳим манбадир.

Умумий хулоса қилиб айтганда Хожа Исмат Бухорийнинг “Девон”и Темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ва маънавий муҳитини тадқиқ этиш муҳим манбадир.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Бобокалонов С., Раупова Р. Хожа Исматулло Бухорийнинг маънавий мероси. Бухоро: “Бухоро”, 2009. 48 б.
2. Гадоев С. Сўнгсўз. /Хожа Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. (Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималари). Таржимон А. Болтаев. Т.: Movaraunnahr,2020. 104-108-б.
3. Исмати Бухорои Девон. Аҳмад Карамий тартибга келтирилган. Теҳрон: Толори китоб, 1366 ҳ. й. 589 б.
4. Наврўзова Г.Н., Раупова Р.Хожа Исмат Бухорий Ишқнинг инсон камолотида ўрни хусусида.// Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети. Тошкент: 2010. -№2-б.47-48.
5. Наврўзова Г. Н. Серқирра илм ва фаолият соҳиби / Етти пир ва Етти авлиё (адабий-бадиий, маърифий тўплам). Бухоро: “Бухоро вилоят босмахонаси” МЧЖ нашриёти, 2019. 104-106-б.
6. Намозов Б. Хожа Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти. Т.: “MUMTOZ” нашриёти 2015. 176 б.
7. Раупова Р., Бобокалонов Р. Хожа Исмат Бухорий фалсафий-тасаввуфий қарашлари. Бухоро. 2017. 113 б.
8. Раупова Р.С. Хожа Исмат Бухорий-Темурийлар даври ва мутафаккири. Илмий рисола. Бухоро: “Дурдона”, 2020. – 83 б.
9. Raupova R.S. KHOJA ISMAT A PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF BUHARI’S LITERARY HERITAGE. Journal of Cristical Reviews. Malaysia, 2020. – P. 10-13.
10. Раҳмонов С.М. Амир Темурнинг тасаввуфга муносабати // Имом Бухорий сабоқлари. Самарқанд: 2018-№1. 34-36-б.
11. Садриддин Салим Бухорий. Хожа Порсо/ Уч авлиё. Бухоро: Бухоро, 2009. 7-16-б.
12. Самарқандий Давлатшоҳ. Тазкирату-ш-шуаро. Хўжанд: Ношир 2015. 544 б.
13. Сафо Забеҳуллоҳ. Таърихи адабиёти Эрон. Теҳрон:1366 ҳ.й. 565 б.
14. Тошкандий, Салоҳиддин. Темурнома. – Т.: Чўлпон, . 335б.
15. Хожа Исмат Бухорои. Девон. Душанбе: Истеъдод, 2020.- 464 б.
16. Хожа Исмат Бухорий Девон қўлёзма Болтаев Абдураимнинг шахсий кутубхонаси. 128-в.
17. Холмўминов Ж. Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий. Ҳаёти ва фалсафий – ирфоний мероси. Т.: “Tafakkur tomchilari”, 2020. 44 б.
18. Холмўминов Ж. Ваҳдатул вужуд фалсафаси ва Нақшбандия таълимоти ( Ибн – ал-Арабий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдураҳмон Жомий қарашлари асосида). Т.: “Yangi nashr” 2020. 324 б.
19. Қораев Т. Хўжа Исмат Бухорий. Бухоро: 1990. 52 б.
20. Қораев Т. Хожа Исматулло Бухорий. / Танланган асарлар. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. 137-159-б.

**Нурулло ТУРСУНОВ,**
*Термез давлат университети доценти*

**Отабек НАЗАРОВ,**
*катта ўқитувчи*

# НАВРЎЗ БАЙРАМИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТОМОНИДАН НИШОНЛАНИШИ ТАРИХИ

# ИСТОРИЯ ПРАЗДНИВАНИЯ НАВРУЗА НАРОДАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

# HISTORY OF CELEBRATION OF NAVRUZ BY THE PEOPLES OF CENTRAL ASIA

***Аннотация:*** *Мақолада, ёритилган Марказий Осиё халқлари ҳаёти ва ўтмишида муҳим ўрин тутган зардўштийлик динининг йил фасллари билан боғлиқ байрамлари, айниқса, Наврўз байрамида ўтказиладиган удумлар ва маросимлар халқимиз анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар ва улар билан боғлиқ урф-одатлар аксариятининг асл моҳияти ва мазмуни бугунги кунда унутилган бўлсада, лекин улар ҳанузгача исломий кўринишда ёки у билан ўзаро уйғунлашиб одат, анъана сифатида яшаб келмоқда.*

***Калит сўзлар****: Наврўз, янгиланиш, удум, маросим, анъана, байрам, тақвим, йил, маданият, этнос, халқ, деҳқон, таом, ширинлик, қозон.*

***Аннотация:*** *Освещенной в данной статье зороастризм в своё время играло важное значение в жизни и быту народов Центральной Азии. Особое место в этом отводилось народным праздником, в частности- «Празднику Навруз», где ярко проявилось обряды и традиции народов данного региона.*

***Ключевые слова:*** *«Навруз» - «новые день», обновление привички, традиции, обряд, праздник, календарь год, культура, этнос, народ, крестьянин, пища, сладость, котёл.*

***Annotation:*** *According to the article, the celebrations of the Zoroastrian religion, which played an important role in the life and history of the peoples of Central Asia, in particular, the rituals and ceremonies of Navruz, are the traditional religious beliefs of our people in the traditional way of life. However, they still live in the form of Islam or in harmony with it. This shows that the national customs and traditions of our people have a long history. Navruz is a part of the Uzbek people's ethno-national worldview, formed over a long history. Navruz is a part of the Uzbek people's ethno-national worldview, formed over a long historical period of traditional calendar ceremonies, the geographical environment in which this or that ethnos lives, its way of life, social relations, traditional culture and other ethnic layers.*

***Keywords:*** *Navruz, renewal, tradition, ritual, holiday, calendar, year, culture, ethnos, people, farmer, food, sweets, kazan.*

## Кириш

2009 йилнинг 30 сентябридан Наврўз байрами ЮНЕСКОнинг инсониятнинг номоддий буюк мероси сифатида рўйхатга олинди. Мазкур рўйхат турли халқларнинг асрлар давомида аждодлардан ўтиб келаётган урф-одатлари ҳамда анъаналарини, миллий, маънавий қадриятларини ўз ичига олган. Бу ҳолат номоддий маданий мерос ва унинг дунё маданиятида тутган ўрнини янада теранроқ англашга ҳамда маданий хилма-хилликни ҳам ҳурмат қилиш асносида турли халқларнинг ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2010 йилда бўлиб ўтган 64-сессиясининг кун тартибига 49-рақам билан киритилган “Жаҳон маданияти” масаласи ҳам муҳокама этилган ва “Наврўз халқаро куни” номли махсус резолюция қабул қилинган. Унинг лойиҳаси бўлса БМТ Бош Ассамблеясига Ўзбекистон, Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғистон, Тожикистон, Туркманистон, Эрон, Туркия давлат делегациялари томонидан таклиф қилинган эди. Шундай қилиб, БМТ нинг Бош Ассамблеяси резолюциясига биноан 21 март БМТ қароргоҳида ҳам, жаҳон миқёсида ҳам башариятнинг боқий айёми-Халқаро Наврўз куни сифатида кенг нишонланмоқда. БМТ нинг бу резолюциясида баҳор айёмини ўзининг миллий байрами сифатида тантанали нишонлайдиган барча мамлакатларга Наврўзнинг асл тарихи, айёмнинг турли-туман урф-одатлари ҳамда расм-русумларини кенг тарғиб-ташвиқот қилиб, бошқа миллат ва халқлар вакилларини ҳам ғоятда шукуҳли байрамнинг улуғ тарихи, мазмун-моҳияти ва

аҳамияти билан доимо яқиндан таништириб бориш бўйича махсус тавсияси ҳам берилган эди. Ушбу Резолюцияда, шуниингдек, қайд этилишича, Наврўз 3 минг йилдан зиёд Марказий Осиё ва Кавказ, Қора денгиз ҳавзаси, Яқин Шарқ, Болқонда ва бошқа минтақаларда тантанали тарзда нишонланади. Бош Ассамблея БМТ ига аъзо-давлатларни Наврўзнинг тарихи ҳамда анъаналарини ўрганиш ва ушбу билимларни халқаро ҳамжамиятнинг орасида татбиқ этиш, хусусан, унинг тегишли ихтисослашган муассасалари, Фондлар ва дастурларига, асосан, таълим, фан ҳамда маданиятга доир масалалари бўйича, манфаатдор халқаро ва турли минтақавий ташкилотларга Наврўз байрами нишонланадиган давлатларда ўтказиладиган тадбирларда фаол равишда қатнашишни ҳам тавсия этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 19 февралидаги “2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги муҳим қарорининг 1-бандида “Наврўз байрамини пойтахт Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг марказларида, барча шаҳар, туман ҳамда қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида жудаям юқори даражада ўтказишга қаратилган ташкилий...., маданий-маънавий тадбирларнинг режасини ишлаб чиқиш” масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилганди. Яъни, Наврўз юртдаги 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари бўлмиш якка-ю ягона Ўзбекистон халқининг умумий шодиёнаси, асл миллий байналминал айёми ҳисобланади.

**Тадқиқотга қўлланилган услублар**

Мақолани ёзиш жараёнида илмий тавсифлаш, тарихийлик, холислик, даврийлик, кетма-кетлик, қиёсий таҳлил, изчиллик каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Илмий моҳияти**

Бугунги кунда Наврўз байрамининг ғоявий мазмун-моҳияти, биринчидан, халқимизнинг энг юксак меҳнат фаолияти билан чамбарчас боғланиб келган орзу-интилишларини, дунёқарашини ва инсонларни табиатнинг узвий бир бўлаги сифатида намоён этиб келмоқда. Иккинчидан, халқимизнинг турмуш тарзи, миллий руҳи, халқ санъатининг ажойиб шакллари ва турлари, турли мусобақалар билан диққат-эътиборни ўзига жалб этувчи ушбу байрам халқнинг маънавий турмушини бойитиш, англаш ҳамда халқимизнинг асрий анъаналарини асраб-авайлаш ва сақлашга холис хизмат қилмоқда. Учинчидан, Наврўз байрамини тантанали ўтказиш маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашда, уларнинг дунёқарашини шакллантиришда ҳамда миллий ўзликни англашда катта аҳамият касб этади.

**Асосий қисм**

Инсоният тарихида умумхалқ байрамларидан бири бу-Наврўз ҳисобланади (1:280-282, 6:10, 23:34-39, 4:2.). Айниқса, Наврўз-Марказий Осиё халқлари ҳаётида анъанавий маданиятнинг ажралмас қисмидир. Наврўз-шамсий тақвим бўйича Янги йилнинг бошланиши, ҳаётнинг рамзий жиҳатдан янгиланишидир. Мазкур байрам асли қадимий деҳқончилик тақвими билан боғлиқ бўлиб, Ернинг шимолий ярим шарида баҳорги кеча билан кундуз тенг келган кунлари 20-21 мартда бошланади. Бу пайтда катта бозорларда савдо-сотиқлар уюштирилган, ялпиз, кўк пиёз ва бошқа кўкатлар солинган турли таомлар тайёрланган. Тантана ва ўйин кулгилар билан пишириладиган сумалак ризқ-рўз, мўл-кўлчилик рамзи бўлиб, уни тайёрлашда барча бирдек иштирок этишган ва у пишгач ҳаммага тарқатилган (19:211-212, 7:106.). Наврўз халқимизнинг қадимий байрамларидан бири бўлиб, 3, 4-5 минг йиллик тарихга эгадир (12:4-5). Бу байрам нафақат Ўрта Осиё, қолаверса, Яқин Шарқ мамлакатларида ҳам нишонланиб келинган. Зардўштийлик динида муқаддас диний байрамлардан бири сифатида нишонланган (5:45). Наврўзнинг байрам сифатида қадимдан нишонланиб келинаётганлиги, унинг хусусиятлари ҳамда у билан боғлиқ бўлган расм-русумлар ҳақида Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”, Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит турк”, Умар Хайём “Наврўзнома”, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” каби асарларида тўхталиб ўтганлар.

Деҳқонлар Наврўзни ерга ишлов бериб, экин экиш мавсумининг бошланиши, баҳорги тенг кунлик деб катта байрам қиладилар.

Шунингдек, “ҳамал” ойи киради, “ҳамал ойи аъмал ойи” ёки “ҳамал кирди аъмал кирди” дейилиб катта тантана қилинган (21:123). Наврўз қадимий тақвим ҳисобида Фарваридин ойининг (1:253-258) бошланишига, яъни 22 мартга тўғри келади. 22 мартни қадимги Шарқ халқлари туркий тилда “Йилбоши” (“Наврўз”, “Навсаржи”), форсийда “Наврўз” (“Янги кун”) деб номлаганлар (1:18).

Наврўз айёми деҳқонлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Чунки дастлабки деҳқончилик юмушлари Наврўз тантаналари билан бир пайтда бошланган. Омоч-бўйинтуруқлар, молаларни созлаб, тахт қилганлар, отлар совутилган, аравалар тузатилиб ишга ярокли ҳолга келтириб қўйилган. Асосий ишчи кучи ҳисобланган ҳўкизлар яхши парваришланиб, улар ер ҳайдашга олиб чиқилган. Шу боисдан ҳам ўрта асрларда Бухорода бу деҳқончилик байрамини “Наврўзи кишаварзан”- “Деҳқонлар наврўзи” дейдилар. Бухоро деҳқонлари (йил кунлари) ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар (2:99-100). Ушбу кун деҳқонлар далага қўш чиқариб, ерга дастлабки уруғни қадаганлар. Ер кундуз куни бўлса шимолга, кечаси эса жанубга қараб ҳайдалган (11:84). Бутун Ўзбекистонда эрта баҳорда бошланадиган деҳқончилик ишларидан лойқа ўтириб қолган арик-зовурларни тозалаш, уларни янги мавсумга тайёрлаш алоҳида эътибор талаб қилади. Сурхондарё, Қашқадарё ва Зарафшон водийсида лой тутиш, Хоразмда қазув маросимлари ўтказилган. Лой тутиш маросимини ўтказиш қуйидагича бўлган: бирор киши арик қазувчилар олдидан ўтиб қолса, унинг қўлига кетмон ёки белда лой тутқазганлар. Келган киши уни лой билан олишга мажбур бўлган. Шунда у ўзининг бирор ҳунарини кўрсатиб қутилиб кетади, ёки ҳашарчиларга зиёфат беришга мажбур бўлади, ё белгиланган жойнинг ариғини қазиб беради. Агар айтилганлардан бирортасини бажара олмаса, у белгилаб берилган ердаги ариқни қазиб, сўнг ўз йўлига кетиши мумкин (8:197).

Баҳорги деҳқончилик юмушлари бошланиши арафасида Бобо Деҳқон ва у билан боғлиқ урф-одатларга қатъий амал қилинган ҳамда унинг руҳий қувват беришига ишонганлар. Маҳаллий аҳоли Бобо Деҳқонни тўғри сўз, бировнинг ҳақидан хазар қиладиган, ҳалол меҳнат билан яшайдиган, деҳқонларнинг ҳосилига қут-барака берувчи деҳқончиликнинг пири, у ҳамиша тонг саҳардан туриб меҳнат қиладиган кишиларга мадад беради деб ҳисоблаганлар. Умуман олганда ушбу культ Марказий Осиёнинг деҳқончилик асосий хўжалик машғулоти бўлган халқлар орасида маълум ва машҳур бўлиб, ўзбекларда Бобо деҳқон, Деҳқон буво, тожикларда Бобои Деҳқон, Хўжа деҳқон, Хўжа Абдулла деҳқон, қорақалпоқларда Дийхан-бобо, туркманларда Баба-дайхан номлари билан ифодаланган (18:230, 15:181-183, 7:103, 3:65).

Илк баҳор байрамида Ажам подшоҳлари барча замонларда иложи борича дастурхонни яхшироқ безатишни одат қилганлар. Турли шўрвалар, қовурмалар, ҳар хил ҳолва, ичимлик ва мевалар байрам қатнашчиларига тортиқ қилинган (22:18). Тарихий маълумотларга қараганда, ўз даврининг афсунлари: “Наврўз” куни тонг отганида биров гап гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак хушбўй мум тутатса, бу кўп касалликларга шифо бўлади”, дейишган (1:254).

Қадимда Наврўз келганлигини қаландарлар аниқлашган. Бунга сабаб шуки, қаландарларни ёвуз кучларга қарши курашувчи авлиёлар деб билишган. Қаландар Наврўз келганлигини аниқлагач, қўлига катта патнис олиб, унга турли мевалар, ширинликлар ва ўсимлик гулини солиб, кун ботишидан бир соат олдин амир (Бухоро амири) олдига борган. Қаландар амирга мурожаат этиб: “Улуғ амирим, эртанги кундан Наврўз бошланади. Буни халққа эълон қилишга изн берсангиз”, деб айтади (17:36). Амир ижозат бергач, шу кечасиёқ барча шаҳар ва қишлоқларда жарчилар “Наврўз келди” деб жар солишган. Наврўз бир ой давомида байрам сифатида нишонланган. Байрамнинг биринчи ўн беш кунлигида ҳеч қандай экин-текин ишлари қилинмаган. Наврўзнинг иккинчи асосий қисми қишлоқларда давом этган. Ушбу кун ҳар бир хонадоннинг барча оила аъзолари бир жойда тўпланишган. Тунда барча оила вакиллари ошқозонни тозалаш мақсадида қуритилган ўрик, яъни ғўлун солиб қайнатилган сувдан ичишган.

Сурхон воҳасида Наврўзга бағишланган “Сумалак базми” маросими ўтказилган.

Сумалак намозхон аёллар томонидан Наврўзга 7-9 кун қолганида буғдойи сараланиб, ўстирилган. Майсаси унгач, шу аёллар томонидан пиширилган. Пишириш жараёнида қўшиқ, ўйин-кулги қилинган. Наврўз байрами арафасида “Йилбоши оши”, “Йил айрилиш оши” маросимлари ҳам ўтказилган. Наврўз кунлари арафасида қишлоқ оқсоқоллари кенгашиб, бир кунни белгилаганлар. Ёши улуғ бир киши бош бўлиб, қишлоқ аҳлини йилбоши ошига чақирган. Албатта, йилбоши далада, қишлоқ четида ўтказилган. Бу маросимга ҳар ким имкониятидан келиб чиқиб, қозонда кескан ош, гунггула ош, гуруч ош, жўхори ош каби таомларни пишириб келганлар. Бошқа аёллар нон, пишириқ, дастурхон кўрпа-тўшаклар олиб келишганлар. Элдан дуо олмоқчи бўлганлар, яъни фарзанд тилаб, янги хонадон олган, деҳқончилиги яхши бўлсин деб ният қилган кишилар қора қозонини ошга тўлдириб келганлар. Бадавлат, намозхон уч-тўртта ёши улуғ аёллар қўлига чўмич олиб, мазкур таомларни тарқатишганлар. Охирида қишлоқ оқсоқоллари томонидан дуо қилинган (21:124-125).

Расм-русумлар ва Наврўз байрамининг маъноси: тани соғлик, фаровонлик, ижодий муваффақият, рўзғор мўл-кўллиги, юқори ҳосилдорлик, бахт ва иқбол тилаш, тилаклар, истаклар билдиришдир. Ўтмишда Наврўз байрами кунларида оилаларда, маҳаллаларда баҳс-можаролар, ўзаро келишмовчилик каби масалаларга барҳам берилган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, Наврўзи олам ва унинг келиб чиқиш тарихи ҳақида кундалик матбуот саҳифаларида, илмий-оммабоп журналларда, кенг маънода тарихий манбаларда баён этилмоқда. Наврўз бу баҳор, она ер бағрида уйғониш, тириклик гуркираб жонланган табиатдаги янги кун-Наврўз туйғуси билан янада халқ онгги, турмуш тарзи кенгроқ ифодаланмоқда.

Табиат билан инсон ўртасидаги муносабатни уйғунлаштирувчи Наврўз байрами тарихи жамият тараққиётининг жуда қадимги босқичларига бориб тақалади.

Шарқ ёзма манбаларида Наврўзнинг қадимийлигига ишора этувчи бир қанча ривоятлар мавжуд. Айрим маълумотларга қараганда, Наврўз қадимги эронликларда аҳамонийлар давридан (милоддан аввалги 558-330 йиллар) бошлаб одат тусига кирганлигини таъкидланади. Жумладан, Наврўз ҳақида Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Қонуни Маъсудий” ва “Мунажжимлар санъатидан бошланғич тушунчалар” (қисқача “Ат-Тафҳим”) асарларида ҳамда Умар Хайёмнинг “Наврўзнома” рисоласида ёзиб қолдирилган.

Беруний Наврўз тарихи ҳақида ..шундай ёзади: “Эрон олимларининг баъзиси у кунни Наврўз, деб аташининг сабаби шуки, Жамшид (Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сида келтирилишича, қадимги Эрон подшоларидан бири) подшоҳ бўлгач, мажусийлар динини янгилади ва ана шу янгиланиш эълон қилинган кун “Наврўз”- “янги кун” деб аталди. Наврўз эронликлар зижлари бўйича ўтмиш замонларда, улар йилларини кабисали қилган вақтларида Қуёшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. [Энди] у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунича, ҳайвонларда [шаҳват] қўзғалишидан то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этган вақтга келади. Шунинг учун наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган” (1:253).

Наврўз байрами фақат Эрон халқлари учун хос анъана эмас. Бу байрам Эрондан Шарқий Туркистонгача, шимолда Кавказ ва Қозоғистондан жанубда то Шимолий Ҳиндистонгача қадимдан кенг нишонланган. Наврўз Ўрта Осиё халқлари учун ҳам қадимий тарихий анъанадир. Ахир Наврўзнинг энг мукаммал илмий тавсифи ўртаосиёлик олим Абу Райҳон Беруний асарларида қайд этилиши ҳам бежиз эмас. Наврўзнинг Ўрта Осиёда байрам қилинишини Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобининг “Сўғдийлар ва хоразмликлар ойларидаги ҳайитлар” бобида таърифланган (1:279-286).

Беруний ёзганларидан шу нарса маълум бўладики, дастлаб, эронликлар ҳам, Ўрта Осиё халқлари ҳам йил ҳисобини бир хил, яъни Қуёш тақвими асосида олиб борганлар ва Янги

йил киришини бир вақтда нишонлаганлар. Кейинчалик, кабисани ҳисобга олишдаги ҳар хиллик оқибатида бу ҳисобга беш кун фарқ пайдо бўлган. Йил давомида келадиган ўн икки ойнинг номлари ҳам эронликлар ва сўғдийларда ҳар хил номланган. Масалан, эронликлар йилнинг биринчи ойини фарвардин деб атасалар, сўғдийлар уни навсард, хоразмликлар бўлса навсоржи дейишган. Ўрта Осиёлик олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида ёзишича, Варахша (Бухородан 30 километр узоқликда жойлашган қадимги шаҳар) ҳар йилнинг охирида йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи кун Наврўз-Янги йил байрамини кутиб олган. Буни "Деҳқонлар наврўзи" деб атаган. Бухоро деҳқонлари йил ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар, деб ёзади Наршахий. Умуман олганда, Наврўзни ҳар бир жойнинг географик ўрни, иқлим шароитига қараб, асосан баҳор келганда, бироқ ҳар хил вақт (пайт) да кутиб олинган (2:95-100).

Демак, Наврўз тақвим удумлар жумласига киради. Ривоятлардаги "ҳамал", "бурж", "йил боши" ёки "Янги йил" тушунчалари бевосита Ер ва унинг Қуёш тизимидаги ҳаракатига, вақтни белгилашига бориб тақалади. Қуёш ўзининг йиллик ҳаракати давомида икки марта олам экваторини (23 градус 27 минут бурчак билан) кесиб ўтади. Биринчиси, 21 март оқшоми содир содир бўлади ва бу пайтда баҳорги тенг кунлик ҳолати кечади. Иккинчиси эса, яъни кузги тенг кунлилик 23 сентябрга тўғри келади. Шу икки кунда кечаси ҳам, кундузи ҳам баравар 12 соатдан бўлади. Қуёш олами экваторидан юқорига ўтган дақиқадан эътиборан Еримизнинг шимолий ярим шарида баҳор фасли бошланади. Жанубий ярим шарида эса куз дохил бўлади. Қадимги Юнонистон, Рим, Миср ва Ўрта Осиё халқлари йил фаслларини белгилаш ва тақвим тузишда Қуёшнинг коинотдаги худди шу ҳаракатини асос қилиб оладилар (13:9).

Наврўз байрами бобокалон шоиримиз Алишер Навоий назмидан ҳам ўрин олган. Унинг "Садди Искандарий" достонида Наврўзнинг байрам қилиниши айтилган:

Ки бу сув эрур олам афрўз ҳам,<br>
Хусусан эрур фасли Наврўз ҳам (14:12).

Фирдавсийнинг "Ҳамал буржига кириб қолганда офтоб" деган мисрасига эътибор берайлик(14:13-18), ҳамал баҳорнинг биринчи ойи, унинг бошланиши ҳозирги вақтга тўғри келади. Дарвоқе, Наврўздаги тун-кун тенглиги тушунчаси Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" асарида ажаб бир шоирона муболаға, шу билан бирга чуқур илмий мулоҳаза билан назм этилганки, ўқиб таҳсин айтасан киши:

Васли аро, кўрдим, тенг эмиш бўй-ю сочи,<br>
Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди Наврўз.

Наврўз баҳор, деҳқончилик, ризқ-рўз, табиат байрами, эл-юрт хурсандчилиги, бир сўз билан айтганда, давр, замон билан бирга яшаб келган қадимий анъана бўлиб, деҳқончилик, баҳор байрами сифатида ўтказилиши асрлар давомида сақланиб келинган.

Наврўз байрамининг қадимдан сақланиб, ривожланиб бориши ўзига хос удумлари борлиги ва улар ҳар ерда шарт-шароитларга қараб турлича бўлган. Фақат айтиш мумкинки, халқнинг байрамона ясаниб, маълум бир жойга (сайилгоҳга) тўпланиши, хилма-хил таомлар тайёрлаши, қўшиқлар айтиши, турли-хил ўйин-кулги, беллашувлар ўтказилиши Наврўзнинг асосий удумларидан ҳисобланади. Худди шундай удумлардан яна бири бу халқимизнинг қадимий анъанасига кўра, наврўз байрами ҳут ойининг охирги кечаси 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси оила даврасида ўтказиладиган қозон тўлди удуми билан бошланган. "Қозон тўлди" соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир хонадон аҳли ўз имкониятига яраша тансиқ таомлар (кўпинча, палов), кўкат сомса, бўғирсоқ тайёрлайдилар. Шунингдек, ўтган аждодлар ҳақига "ис" чиқарадилар. Ана шу "ис" ёғи билан қўшга қўшиладиган ҳўкизларининг шохлари мойланган. "Шох мойлар" удуми эрта баҳорда, асосан, Наврўз кунлари ўтказилиб, деҳқончилик тақвимига кўра душанба, чоршанба, ёки жума кунларидан бирига тўғри келиши лозим бўлган. "Шох мойлар" ўзбек ва тожик халқлари орасида кенг тарқалган (3:133-134). Кўз тегмасин деб ҳўкизларнинг шохига, буйинтуруққа зиғир ёғи суртилади, шунинг учун ҳам бу сайил "шохмойлар" деб юритилган (16:183). "Қозон тўлди" оқшомида тайёрланган таомлар ва пишириқлар қўни-қўшниларга, қариндош-уруғларга ҳам улашилган. Келаётган йил баракали келсин, рўзғоримиздан кут аримасин деган ниятда ҳамма идишлар сувга

тўлдириб қўйилган. Шу оқшомда кечаси билан кўпчилик бўлиб сумалак ва ҳалим ҳам пиширилган. Бу таомларнинг қозони эртасига очилган (10:81).

Муқаддас қозон культи ва ундан наврўз байрами таркибидаги маросимларда қут-барака тимсоли сифатида кенг фойдаланиш анъанаси қорақалпоқ ва тожикларга ҳам маълум бўлганлиги Л.С.Толстова томонидан қайд қилинган (20:121-123).

"Қозон тўлди"-боболаримизнинг эзгулик ва ҳақиқат илоҳаси Ашадан мўл ҳосил, тансиҳатлик, эл-юрт фаровонлиги, барака тилаш мақсадида ҳар йили наврўз арафасида жамоанинг муқаддас қозонларида йилбошининг севимли таомларини пишириш анъанаси асосида пайдо бўлган қадимий удумдир (9:2).

Умар Хайём ушбу байрам тўғрисида шундай дейди: "Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди" (22:17).

Маҳмуд Қошғарий бу байрам ҳақида: "Наврўз байрами халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир", деган эди. Байрам деганда нимани тушуниш мумкин, илмий адабиётларда бирор-бир муҳим ижтимоий воқеа, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш байрам деб тушунилган.

Наврўз айёмидаги табиат ҳусни жамолини Садриддин Айний ўз "Эсдаликлар" ида жуда хўб тавсифлаган: "Кузда сепилган буғдой ва арпалар ҳамда беда ердан тўрт энлик ўсиб чиққан, ариқ бўйларидаги майсалар ерни кўрпадай қоплаб олган. Чўл ушбу дамларда ўзига хос дилрабо ва оромбахшлидир. Гўё Наврўз киришига чўлга яшил бахмалдан пойандоз тўшалгандай... Хулоса, еру-осмон ранглар жилоси билан мафтун, табиат авж уйғонишда".

Ўрта Осиё халқлари дунёқарашида Наврўз байрами асрлар давомида кишилар турмуш тарзига сингиб кетган анъана, удум ва қадрият ҳисобланади. Шу сабабдан, наврўз сўзининг ўзи ҳам кундалик ҳаётда кўп маротаба қўлланишини учратишимиз мумкин: Наврўз кишининг исми. Масалан, Тошкент шаҳри ҳокими Бароқхонни (вафоти 1556 йил) Наврўз Аҳмадхон ҳам дейишган; Ҳаётимизда Наврўз билан боғлиқ сақланиб келинаётган анъаналардан бири янги туғилган болаларга Наврўз исмини қўйиш одатидир. Лутфийнинг ажойиб асарларидан "Гул ва Наврўз" достонида Фаррух шоҳнинг ўғли шу куни туғилгани учун унинг оти Наврўз деб қўйилган. Ҳозир ҳам Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида Наврўз куни туғилган бўлса асосан ўғил болаларнинг, Фарғона водийсида эса кўпинча қиз болаларнинг исми Наврўз қўйилади (8:196). Наврўз, Наврўзбулоқ-жой номлари; Наврўзгул-кўп йиллик ўсимлик; Наврўзи бузург-мусиқий куй номи.

Наврўз байрами-башарият ва маданиятнинг энг қадимги таркибий қисми бўлган номоддий маданий меросга киради. Буларга: халқ маросими ва байрам (мусиқа, шеърият, томоша, рақс санъати, анъанавий ҳунармандчилик) ларнинг барча турларини киритиш мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда, БМТ 2010 йил 23 февралдаги қарори билан 21-мартни "Халқаро Наврўз куни" деб тан олди. Ўзбекистон ҳудудида ҳам ҳар йили 21-22 март кунлари Наврўзни байрам қиладилар. Наврўзда қишлоқ ва шаҳар маҳаллаларида байрам дастурхони ёзилади. Халқ хонанда ва ашулачилари ўз санъатларини намойиш этадилар, томоша усталари (дарбозлар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар, масхарабозлар, аскиячилар), рақкос ўйинчилари (яккахон ва гуруҳли рақслар), халқ анъанавий ўйинлари (кўпкари, кураш, хўроз, қўчқор уруштириш) ижро этилади.

Республикамизнинг Сурхондарё вилоятининг Бойсун-номоддий маданий мерос макони, Бухоро "Шашмақом", Фарғона водийсининг Катта ашула қўшиқ жанри ҳамда умуммиллий Наврўз байрами ЮНЕСКО томонидан "Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси дурдоналари" сифатида тан олинган.

Мамлакатимизда маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. 2009 йил февралида "Катта ашула" лойиҳаси Япониядаги АССИ конкурсида "Номоддий маданий меросни тиклашнинг илғор тажрибаси" АССИ–ЮНЕСКОнинг Осиё–Тинч океан маданий Маркази мукофотига сазовор бўлди. 2009 йил ноябрь ойида Токушимада (Япония) "Катта ашула-Ўбекистоннинг қўшиқчилик мероси" тақдимоти бўлди ва у сазовор бўлган АССИ (Япония) нинг Олтин медали ҳамда дипломи топширилди.

Хулоса қилиб айтганда, зардўштийлик динида йил фасллари билан боғлиқ байрамлар, айниқса Наврўз байрамида ўтказиладиган удумлар ва маросимлар халқимиз анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар ва улар билан боғлиқ урф-одатлар аксариятининг асл моҳияти ва мазмуни унутилган бўлсада, исломий кўринишда ёки у билан ўзаро уйғунлашиб одат, анъана сифатида яшаб келмоқда. Бу эса, бир томондан, халқимиз миллий урф-одатлари ва анъаналари узоқ тарихий асосга эга эканлигидан далолат беради. Наврўз байрами ўзбек халқи этномиллий дунёқарашида анъанавий тақвимий маросимларнинг узоқ тарихий давр давомида шаклланиб, у ёки бу этнос яшаган географик муҳит, унинг хўжалик турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлари, анъанавий маданияти, этник қатламлари ва бошқа бир қатор омиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. –Б.280-282; 1990.
2. Абу Таҳирхожа ва бошқ. Самария/Абу Тоҳирхожа. Бухоро тарихи/ Наршахий. Шажараи Хоразмшохий/ Баёний. Фарғона тарихи/ Ибрат./ Тарихий эссе.–Т., Камалак, 1991.
3. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.–Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.
4. Аширов А. Наврўз удумлари // Сирли Олам.2001.№3–4.
5. Бойц М. Заростриййцы. Верования и обычаи.–М.: Наука, 1987.
6. Бўриев О. Наврўз тарихидан лавҳалар.–Т., 1990
7. Джахонов У. Земледелие таджиков долины Сох.–Душанбе, 1989.
8. Жабборов Исо. Ўзбек халқи этнографияси.–Т.: Ўқитувчи, 1994.
9. Жўраев М. “Қозон тўлди”-қадимий удум // “Фидокор”, 2003, 20 март.
10. Жўраев М. Миф, Фольклор ва адабиёт.–Т., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2006.
11. Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида “шох мойлар” ёки “биринчи қўш” удуми //Ўзбекистон худудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар.–Т., 2006.
12. Мирзаев Т., Жўраев М. Асрларни мунаввар қилган байрам Наврўз.–Т.: Фан,1992.
13. Нарзиқулов А. Деҳқон, боғбон ва чорвадор тақвими (календари). Ҳижрий-шамсий 1370 йил.–Т.: Меҳнат, 1991.
14. Наврўзи олам бугун. –Т.: Ўзбекистон, 1989.
15. Рахимов М.Р. Земледелие таджиков бассейна р. Хинтоу в дореволюционный период.–Сталинабад, 1957.
16. Раҳмонов Ф.Ш. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одатлари ва маросимлари (XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошлари). Тарих фанлари номзоди дисс.–Т., 2001.
17. Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. –Л.: Наука, 1978.
18. Саримсоқов Б. Ўзбек фольклори очерклари.–Тошкент, 1998. Т.1.
19. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма.–М.,1969.
20. Толстова Л.С. Исторические предания Южного Приаралья.–М.: Наука, 1984.
21. Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси.–Тошкент: “Yangi nashr”, 2015.
22. Умар Хайём. Наврўзнома.–Т., “Меҳнат”, 1990.
23. Қорабоев У.Ҳ. Ўзбек халқи байрамлари.-Т.: Шарқ, 2002.

**Ziyodilla ZINATULLAYEV**
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,*
*Lecturer of Department of Islamic History and Source Studies IRCICA* ziynatullayev90@mail.ru

# ТУРК ҲОҚОНЛИГИ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ДИНЛАР ВА УЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ

# RELIGIONS PRACTICEED IN CENTRAL ASIA DURING THE TURKISH KAGANAT PERIOD AND THEIR INFLUENCE ON THE GOVERNANCE SYSTEM

# РЕЛИГИИ, ПРАКТИКОВАВШИЕСЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ПЕРИОД ТЮРКСКОГО КАГАНАТА, И ИХ ВЛИЯНИЕ НА СИСТЕМУ УПРАВЛЕНИЯ

***АННОТАЦИЯ.*** *Ислом кириб келиши арафасида Марказий Осиё турли халқлар ва маданиятларнинг ассимиляция жараёнлари фаол кечган ҳудуд бўлиши билан бир қаторда минтақада турли дин ва таълимотлар чуқур илдиз отган эди. Мазкур эътиқодлар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда катта таъсирга эга бўлган. Мақолада Марказий Осиёнинг исломгача бўлган даврдаги қадимги динлари ва бошқарув тизими бирламчи манбалар ва илмий адабиётлар асосида ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *зардуштийлик, буддавийлик, настурийлик, Марказий Осиё, Аҳамонийлар, Буюк ипак йўли, Ғарбий Турк ҳоқонлиги, ябғу, қора будун.*

***ABSTRACT:*** *On the eve of the arrival of Islam, Central Asia was a region where there was an active assimilation of various peoples and cultures, and various religions and beliefs were deeply rooted in this region. These beliefs have had a great impact on the socio-political life of society. Based on primary sources and scientific literature, the article describes the ancient religions and the system of government in Central Asia in the pre-Islamic period.*

***Key Words:*** *zoroastrianism, buddhism, nestorianism, Central Asia, Ahamonids, Great Silk Road, Western Turkic Khanate, Black Budun.*

***АННОТАЦИЯ.*** *Накануне прихода ислама, Центральная Азия была регионом, где происходила активная ассимиляция различных народов и культур, и в этом регионе глубоко укоренились различные религии и вероубеждения. Эти убеждения оказали большое влияние на социально-политическую жизнь общества. В статье на основе первоисточников и научной литературы описаны древние религии и система управления Центральной Азии в доисламский период.*

***Ключевые слова:*** *зороастризм, буддизм, несторианство, Центральная Азия, Ахемениды, Великий Шелковый путь, Западно-Тюркский Каганат, ябгу, кора будун.*

VI-VII асрларда Турк ҳоқонлиги ҳудудида яшаган халқлар турли диний ғоялар таъсирида бўлган. Деярли ҳар бир уруғ ёки қабила ва халқнинг ўз дини бўлган. Шу боисдан турк қабилаларида кўп ҳудолик кенг тарқалган.

Турк ҳоқонлиги даврида ҳам Ўрта Осиёда анимизм ва шаманизм мавжуд эди. Шунингдек, ота-боболар руҳига сиғиниш ҳам туркий халқлар ўртасида X асрга қадар кенг тарқалган диний тасаввур бўлиб қолган. Бу ақида руҳ ўлмайди, у нариги дунёда ҳам яшайди деган тасаввурларга асосланган. Бундай тасаввурлар қадимий туркийлар ҳаётида ғайриоддий амалиётларни келтириб чиқарган. Масалан, 576 йилда Истами ҳоқоннинг дафн маросимида унинг ўғли отаси миниб юрган отларни, шу билан бирга тўрт ҳарбий асирни унинг руҳига курбон қилган. Айрим манбаларда ўша давр воқелигига тўғри келмайдиган шубҳалик маълумотлар ҳам келтирилади. Улардан бири Муқан Ҳоқон вафоти билан боғлиқ. Муқан ҳоқон вафот этгач, унга “қолдирилган кун”да хизмат қилиш учун 20000 киши қурбон қилиниб, бирга кўмилгани хабар қилинади [8:105].

Ҳоқонлик аҳолисининг аксарияти бу даврда тангричилик – кўк-осмон билан боғлиқ, азалий – Ашина даври эътиқодида бўлган. Қолаверса, туркийлар тангричилик, зардуштийлик ва буддавийликда яратувчига бўлган умумий эътиқодни тушунишган. “Буғут ёдгорлиги”да ҳам, Урхун битикларидаги каби ҳоқон ўз вазифасига кўра Тангри ва халқ ўртасидаги воситачи эканлиги таъкидланади. Чунки, туркларнинг умумий диний эътиқоди йигирма йил (535-555) ичида уларни қабилалар иттифоқига бирлаштириб, кудратли давлат тузишларига имкон берган эди. VI асрнинг

70-йилларида Турк ҳоқонлиги халқлари ҳаётига зардуштийлик ва буддавийлик каби динларнинг кириб келиши ҳамда улар ҳаётидан ўрин олиши диний ва миллий бағрикенгликдан ўзга нарса эмас эди [7:53].

Юқорида баён этилган эътиқодлардан ташқари, VI-VII асрларда туркий халқлар орасида зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, маздакийлик, тангричилик каби диний таълимотлар, шунингдек, настурийлик дини ҳам анчагина кенг тарқалган.

Бу даврда Марказий Осийда айниқса зардуштийлик кенг тарқалган бўлиб, у Сосонийлар Эронида амал қилган зардуштийликдан фарқланган. Эронда зардуштийлик расмий давлат дини мақомида, қатъий талаблар асосида ривожланган. Марказий Осиёда эса, унга диний толерантлик туфайли амал қилинган [7:50].

Қадимги Хоразмда вужудга келган зардуштийлик аҳамонийлар, африғийлар ва сосонийлар салтанатида давлат динига айланади. Бу империялар милоддан аввалги VI асрдан эрамизнинг VII асригача деярли ўн уч аср давомида Яқин ва Ўрта Шарқнинг жуда катта қисмида хукронлик қилган[5:64]. Узоқ йиллар давомида давлат дини сифатида амал қилиб келинган зардуштийлик дини жамиятнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида, шу билан биргаликда давлат бошқарув тизимида чуқур илдиз отганлиги боис, ислом кириб келгач маҳаллий халқларнинг ўз динидан воз кечиши осон кечмаган.

Исо Жабборов “Буюк Хоразмшоҳлар давлати” номли китобининг “Қадимий Хоразмшоҳлар давлатининг ҳомий авлиёлари ва маъбудалари” қисмида зардуштийлик дини ҳақида атрофлича маълумот бериб, машҳур диншунос Мери Бойснинг қуйидаги фикрини келтиради; “Эроннинг (антик Хоразмнинг ҳам – И.Ж) ҳокимияти зардуштийликка улкан обрў-эътибор келтирди ва унинг таълимотидаги айрим энг муҳим жиҳатлар яҳудийлик, насронийлик, ислом динлари ҳамда гностик мазҳаблар томонидан ўзлаштирилди. Шарқда зардуштийлик буддавийликнинг шимолий варианти ривожига таъсир кўрсатди” [5:64]. Албатта Мери Бойс бу фикрини ўзининг узоқ йиллик изланишларига таянган ҳолда айтган бўлиши мумкин. Лекин юқорида санаб ўтилган яҳудийлик, насронийлик ва ислом динлари самовий динлар бўлиб, уларга нозил қилинган китобларда бир-бирини тасдиқ этувчи маълумотлар зикр этилган. Қолаверса, яҳудийлик дини милоддан аввалги XIII асрда Мисрда Рамзес II ҳукмронлиги даврида яъни Зардушт яшаган даврдан (Зардуштийлик анъанасига биноан унинг ҳаёт даври эрамиздан аввалги VII аср охири VI аср бошларига тўғри келади) анча аввал вужудга келган. Шунингдек, насронийликда ҳам, исломда ҳам оташпарастликка ўхшаш маросимлар ёки ўликнинг офтобда қуритиб, баъзида ўликни итларга едириб, сўнг суякларини махсус идишларга (остадон) солиб кўмиш каби одатлар мутлақо йўқ. Абу Райҳон Беруний ўзининг “Осор ул-боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарида Зардуштни “каззоб” яъни сохта пайғамбар деб атайди [2:238].

Шунга қарамай зардуштийлик жамият ижтимоий ҳаётига катта таъсир кўрсатган ва узоқ йиллар давомида давлат дини даражасида бўлиб келган. Зардуштийлик турли минтақаларда турлича ривожланган. Эрон зардуштийлари билан Марказий Осиё зардуштийларининг эътиқодида ўзига хос фарқлар бўлган.

VII-VIII асрларда аҳолининг кўпчилик қисми зардуштийликнинг Марказий Осиёдаги турига сиғинган. Бунга мисол тариқасида қуйидаги маълумот асос бўлади. Хитой манбаларининг бирида Самарқанд атрофида яшовчи 200 оила ҳақида сўз юритилиб, уларнинг вафот этган кишилари қандай дафн қилингани ҳақида шундай дейилади: улар сайҳон бир жойга қўра қуриб, унга итларни қамаб қўядилар ва ўлган кишиларнинг мурдасини шу қўрага ташалайдилар. Сўнг уларни суякларини йиғиб олиб, ерга кўмадилар. Бу урф-одатлар Страбон ва Юстин томонидан қайд этилган, анча аввал яшаган оташпарастларнинг урф-одатига ўхшайди: улар келтирган маълумотда юқорида келтирилган маросим зардуштийларнинг дафн маросими бўлиб, бунда шундай фарқ борки, эътиқодли зардуштийларнинг суякларини лойдан ясалган махсус тобутга – остадонга (оссуарийга) солиб кўмар эдилар [10:182].

Исломга қадар Фарғонанинг пойтахти бўлган Косон ҳақида Ал-Масъудийнинг ёзишича, Ковус исмли подшоҳ қурдирган Ковусон номли ибодатхона бўлган, унинг

биноси ғаройиб кўринишли эди. Унда одамлар қуёшга ва самовий жисмларга ибодат қилганлар ҳамда бино ичидаги махсус ўчоқда муқаддас олов доимий тарзда ёниб турган [3:249].

Минтақада тарқалган диний эътиқодларидан яна бири буддавийлик бўлган. Кушонлар давридан бошлаб Марказий Осиёнинг жанубий минтақаларида, асосан шаҳарларда, савдогарлар ўртасида буддавийлик кенг ёйила бошлади. Турк ҳоқонлигига қадар Марказий Осиё (Бактрия ва Парфия) буддизмнинг Хитойга тарқалишидаги транзит ҳудуд вазифасини бажарган. Буддавийлик кенг тарқалган ҳудудлардан бири Шарқий Туркистон эди. Хитой манабаларига кўра, 713 йилда у ерда 5358 монастир ва 126100 роҳиб рўйхатга олинган [7:52].

Исломдан олдинги даврда Қува шаҳрида икки бинодан иборат буддавийлик ибодатхонаси мавжуд бўлиб, уларнинг эшиклари алоҳида жойлашган. Ибодатхонага кираверишда отларнинг ва соқолли маъбудаларнинг ғоят катта ҳайкали бўлиб, унинг пешонасида одамнинг бош суяги тасвирланган. Ибодатхона биноларида будда пантеони худоларининг лойдан ишланган ранг-баранг ҳайкалчалари ҳам топилган. Яна Хитой манбаларида Кушония шаҳрида (Каттақўрғон яқинида) VII асрда бир ибодатхона бўлиб, унда шаҳар ҳокими ҳар куни эрта тонгда қандайдир расм-русумлар ўтказган; "бу бинонинг шимол томонидаги деворда хитой императорларининг, ғарб томонидаги деворда эрон ва рим подшоҳларининг, шарқ томонидаги деворда турк ва ҳинд ҳокимларининг расмлари бўёқ билан ишланган" [10:185]. Бу каби маълумотлар Марказий Осиёда тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик жуда кенг ривожланганидан далолат беради.

Муқан (553-572) ҳоқоннинг укаси Тагпар (572-581) буддавийликни қабул қилиб, монастирлар қурилиши ва буддавийларнинг каноник асарларини таржима қилинишига ҳомийлик қилган [11:333].

VII асрнинг 30 йилларида Сюань Цзян Самарқандда бўш ётган иккита будда ибодатхонасини кўрган. Бироқ VII аср бошларида Сўғдда буддавийлик сусайган бўлса, бошқа районларда – Фарғона ва Тоҳаристонда буддавийлик ёдгорликлари ҳали ҳам борлиги аниқланган [10:182].

Арабларга қадар Марказий Осиёда настурийлик дини ҳам тарқалган. Самарқанд, Бухоро ва Чочга настурийлик 412-720 йиллар орасида тарқалиб, епископия ва митрополия каби диний муассасалар ташкил этилган. Христианлар ўз динлари тарғиботидан ташқари, ҳукумдорларнинг саройларида табиб, олим ва тадбиркор сифатида ҳам давлат ишларида фаол иштирок этишган. Фақат араблар фатҳи бу анъанага барҳам берди [7:55].

VI асрда Марказий Осиёда гарчи суст ва тасодифий суратда бўлса ҳам, настурийлик дини тарқалишда давом этган. Феофилакт Симокаттада ва Феофан Византийскийда Баҳром Чубин қўшинидаги баъзи бир туркларнинг пешонасида бут аломати бор эди деган жуда қизиқ маълумотлар сақланиб қолган. Оналар фарзандларини касалликлардан сақлаш ниятида ёш вақтида уларнинг пешоналарига шундай аломатларни чизган [10:182].

Дастлаб Турк ҳоқонлигида христиан тарғиботи жуда оз натижа берди. Турклар ўз дунёқарашларини давлат тамоили даражасига кўтардилар, аммо кейинчалик ҳоқонликни қулаши, қирғиндан омон қолганлар орасидаги уруш мафкурасидаги умидсизлик христиан тарқиботчиларига қўл келди [4:271].

Ибн Ҳавқалнинг берган маълумотларига кўра: "Самарқандга қарашли аш-Шавдор рустоқида насронийлар тўпланадиган ибодатхона бўлиб, у ерда уларнинг ҳужралари, чиройли ва озода уй-жойлари бор. Мен у ерда ал-Ироқ насронийларидан бир неча кишини учратдим. Улар бу ерни қулай жойлашганлиги сабабли танлаганлар, ва унинг алоҳидалиги ҳамда соғлом иқлими сабаб бу ерга кўчиб келганлар. Ибодатхонанинг вақф ерлари бўлиб, баъзи одамлар ўзларини бутунлай шу ишга бағишлаганлар. Бу ер ас-Суғднинг бошқа ерларига қараганда анча баландда жойлашган бўлиб, Вазкарда деб аталади" [6:62]. Ибн Ҳавқалнинг берган маълумотларига қараганда настурийлик дини Мовароуннаҳрдан Сомонийлар даврида ҳам баъзи ҳудудларда ўз аҳамиятини йўқотмаганини кўришимиз мумкин.

Насронийлик Дашт туркларининг авлодлари қарлуқ ва басмил уруғлари орасида XIII асргача сақланиб қолган. Шунингдек, кейинчалик шарқда уйғурлар орасида масихийлик пайдо бўлди.

Эрон ҳудудида V – VI асрларда мавжуд бўлган маздакийлик ҳаракати ва мафкураси Марказий Осиёга кенг тарқалган. Маздакийлик ҳаракатига жалб этилган аҳоли (кадиварлар – ерсиз қарам зироатчилар) Бухорода исён кўтариб йирик ер эгаларининг ҳовли-жойларига ҳужум қилиб, вайрон қилганлар ва ерларни тортиб олганлар. Ўзларини яъни ер эгаларини эса қувғин қила бошлаганлар. VI асрнинг 80 йилларида Бухорода маздакийлик ҳаракати авжига чиқади. Бухорода рўй берган кўзғалондан Абохон (Абруй) устамонлик билан фойдаланади. Абруй исёнчиларнинг ёрдами билан 585 йили Пойканд шаҳрини эгаллаб ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлди. Ҳокимиятни қўлга олгандан сўнг у Бухорони қаттиққўллик билан идора қилишга киришади [9:142]. Абруйнинг зулмидан азият чеккан деҳқонлар ва бойлар Бухородан қочиб, Туркистон ва Тароз яқинида бир шаҳар қуриб уни Ҳамукент деб атадилар, чунки Бухородан қочиб кетган тоифанинг раиси бўлган бир катта деҳқоннинг исми Ҳамук эди. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида келтирилишича; “Ҳамук” деб, Бухоро тилида гавҳарга айтилади, “кет” эса – шаҳар, яъни Ҳамукет “Ҳамук – гавҳарнинг шаҳри” демакдир. Бухоро тилида катта одамни “ҳамук”, яъни фалончи гавҳар дейдилар [1:91].

Бухородан асосан бой ва зодагонлар қочиб кетган бўлиб, шаҳарда қолганларнинг аксарини камбағал ва бечоралар ташкил этарди. Улар ўзларининг қочиб кетган саркардаларига одам юбриб, Абруйнинг зулмидан қутқаришини сўрадилар. Шунда Ҳамукетдаги саркардалар турклар подшоҳи Қоражурин (Қорачўрин) хузурига ёрдам истаб боришади. Подшоҳ ўз ўғли Шери Кишварни катта қўшин билан Бухорога юборди. Шери Кишвар Бухорога келгач, Бойкандда Абруйни тутиб, асирликка олади. Сўнг унинг буйруғи билан бир катта қопни қовоқ ари билан тўлғизиб, Абруйни ўша қопга соладилар ва у қоп ичида ўлади. Шери Кишварга бу вилоят ёқиб қолиб, отасига хат юборади ва ундан бу вилоятни талаб қилиб, Бухорода туриш учун рухсат беришини илтимос қилади. Турклар ҳукмдоридан: “у вилоятни сенга бағишладим”, деган жавоб келгач, Шери Кишвар Ҳамукентга одам юбориб, “Бухородан қочиб кетган кишиларни ортга қайтариш ва қайтиб келганларнинг ҳар бири амирнинг яқин кишиларидан бўлиши” ҳақида буйруқ берди. Бухорога қайтиб келган гуруҳ орасида битта катта деҳқон ҳам бор эди, у қадимий деҳқонзода ва кўп даромадли ерларга эга бўлгани учун уни “Бухорхудот” дер эдилар ва Бухорода қолган кўплари унинг кадиварлари ва хизматкорлари эди. Шери Кишвар Бухоро шаҳристонини қурдирди ҳамда бир неча қишлоқларни бино қилди. Хитой подшоҳининг қизини келин қилиб Бухорога олиб келганларида унинг жиҳозлари орасида Хитойдан бир бутхона олиб келдилар ва уни Ромитонга ўрнатдилар [1:92]. Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дастлаб Марказий Осиё буддавийликнинг Хитойга тарқалишида транзит вазифасини ўтаган бўлса, кейинчалик қуда-андачилик орқали яна минтақага қайтиб, чуқур илдиз отиб борган ва жамиятнинг ижтимоий ҳаётида катта ўрин эгаллаган.

Марказий Осиёда мавжуд бўлган динлар орасида монийлик ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу таълимотнинг асосчиси Моний бўлиб, у III асрда Эронда яшаган. Моний мажусийлик, христианлик ва санавия (иккиланувчилар) мазҳабларини билган. У пайғамбарликни даъво қилган кишилардан ҳисобланади. Бу ҳақида Абу Райҳон Беруний ўзининг “Осор ул-боқия” асарида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Моний ўзининг Шопур ибн Ардаширга атаб ёзган “Шопурақон” номли китобининг бошида: “Ҳикмат ва яхши амалллар доимо (худонинг) элчилари вақти-вақти билан келтириб турганларнинг ўзидир. Бир замон у (ҳикмат ва яхши амаллар) Буд исмли элчи орқали Ҳиндистон мамлакатига, бир замон Зардушт орқали Эрон заминига ва бир замон Исо арқали Мағриб юртларига юборилган. Сўнгра бу охирги асрда мен Монийга – ҳақиқий худонинг элчисига – шу ваҳий туширилиб ва шу пайғамбар келтирилиб (мен орқали) Бобил заминига юборилди”, – деган. Яна асарда келтирилишича, Моний йигирма икки ҳарфдан фойдаланиб тузган инжилида ўзини Исо Масиҳ хабар берган “Форақлит” ва “пайғамбарларнинг муҳри” деб кўрсатган [2:241].

Моний ўз таълимотида ҳайвон сўйишни ва унга озор етказишни, олов, сув, ўсимликларга зиён етказишни – энг очиқ сўз билан – ҳаром қилган. Моний мазҳабининг тақводорлари ва зоҳидлари ўзларига фарз қилган қонунларни тузган. У қонунга кўра, бечораликни ихтиёр

этиш, шахватлардан юз ўгириш, узлуксиз рўза тутиш, имкони борича садақа бериш, бир кунлик таом ва бир кунлик кийимдан ортиғини ўзига ҳаром қилиш, жинсий алоқани тарк этиш, халқни даъват қилиб йўлга солиш учун доимо дунё кезиш шарт қилиб қўйилган. Улар ўзларининг эргашувчиларига ўз мулкининг 1/10 ни садақа қилиш, умрининг еттидан бирида рўза тутиш, биргина хотин билан чекланиш, даъватчиларга ғамхўрилик каби бошқа расм-русумларни фарз қиладилар [2:242].

Марказий Осиё аҳолиси ислом динини қабул қилгач, монийлар шиа ва исломия мазҳабларига таъсир этган [7:58]. Берунийнинг ёзишича, монийлар асосан ислом дини таъсиридан узоқ бўлган ўлкалардан паноҳ топган.

VII ва VIII асрларда бутун Осиё турли динлар тарқалган ҳудудга айланди. Ғарбда ислом, шарқда буддавийлик, шимолда эса Эрон ҳудудидан сиқиб чиқарилган настурийлик ва монийлик динлари кенг тарқалди.

VII аср бошларида Марказий Осиё иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалди, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо жуда тез суръатлар билан ривожланди. Минтақа халқлари турли динларга эътиқод қилсада, ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечирарди. Хитойдан Византиягача бўлган савдо йўлида Бухоро, Самарқанд, Чоч(Тошкент), Қошғар, Турфан каби шаҳарларда савдогар ва деҳқонларнинг хотинлари учун тилла тақинчоқлар ясалган. Лекин бу фаровонликнинг барчаси Суғднинг Турк ҳоқонлигига бўйсуниши натижаси эди [4:111].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёга ислом дини кириб келиши арафасида минтақада кўплаб диний эътиқодлар ва таълимотлар кенг ёйилган бўлиб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни анчагина юқори бўлган. Баъзи таълимотлар давлат дини даражасигача кўтарилган ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга бевосита катта таъсир кўрсатган. Бу даврда Марказий Осиё ҳудуди Турк ҳоқонлиги таркибида бўлсада, 15 га яқин майда мустақил давлатчаларга бўлиниб кетган эди. Шу боис ҳар бир ҳудудда турли эътиқодий қарашлар мавжуд бўлган. Масалан Хоразмда бир неча асрлар давомида амалда бўлиб келган зардуштийлик таълимотига амал қилинса, Суғд ва Фарғонада савдогарлар орқали кириб келган буддавийлик таълимоти кенг ёйилган эди. Бундан ташқари ўлкада настурийлик, кўктангричилик, монийлик, маздакийлик каби таълимотларга ҳам эътиқод қилинган. Юқорида санаб ўтилган эътиқодий қарашлар ўлка халқлар ҳаётидан чуқур ўрин олганини, араблар Марказий Осиёни фатҳ этиб, ислом динини олиб киргач, маҳаллий халқларнинг барчаси исломни қабул қилишига қарийб бир ярим асрга яқин вақт кетганидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, “Камалак” 1991.
2. Абу Райҳон Беруний. Осор ул-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар). /Тарижимон А.Расулов. Масъул муҳаррирлар: И.Абдуллаев ва О.Файзуллаев/. Т. “Фан” 1968.
3. Абул Аббос Аҳмад ибн Йаҳйо ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. Хуросоннннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. Тошкент: ТошДШИ, 2017.
4. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. Кристалл, 2003.
5. Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати: (Қадимий тарих саҳифалари) //Масъул муҳаррир: С.К.Камолов/. – Т.: Шарқ, 1999.
6. Ибн Ҳавқал. Мовароуннаҳр/Ибн Ҳавқал; араб тилидан тарж., изоҳлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, – 2011.
7. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Монография. – Т.: ART-FLEX, 2010. – 220 б.
8. Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Шарқ. 2013.
9. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент. “Шарқ”, 2001.
10. Ўзбекистон ССР тарихи. II том. Бош таҳрир ҳайъати: Р.Х.Аминова ва бошқ. (Масъул муҳаррир Я.Ғ.Ғуломов). Т., “Фан”, 1970.
11. History of civilizations of Central Asia. Volume III The crossroads of civilizations: A.D. 250 to 750 Editor: B. A. Litvinsky Co-editors: Zhang Guang-da and R. Shabani Samghabadi. Multiple History Series UNESCO Publishing. 1996.

**Zokir Toirovich RUSTAMOV**
*Head of the Department,*
*Institute of Forecasting and Macroeconomic Research*
*zokir.toirovich@mail.ru*

# БОЛШЕВИКЛАРНИНГ XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА ИСЛОМ ДИНИГА ҚАРШИ КУРАШИ

# АЛГОРИТМЫ ВЫДЕЛЕНИЯ ПРИЗНАКОВ ОБЪЕКТА НА ИЗОБРАЖЕНИИ В ВОПРОСЕ ИДЕНТИФИКАЦИИ ЛИЧНОСТИ

# ALGORITHMS FOR EXTRACTING FEATURES OF THE OBJECT FOR THE PROBLEM OF PERSON IDENTIFICATION

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада болшевикларнинг Туркистон халқларининг ислом динига бўлган қарашлари, эътиқоди ва шариатдаги мавқейини пасайтиришга қаратилган сиёсий ҳаракатлари акс этган.*

*Ярим асрдан кўпроқ вақт ичида дин арбобларининг таъқиб остига олиниши, масжид ва мадрасаларнинг ёпилиши, диндорлар, диний адабиётлар ва маънавий таълимни тугатиш, динга нисбатан муттасил совет тузуми тазйиқи остида бўлган даври ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *Совет ҳукумати, Туркистон, Шарқ, болшевиклар, вақф мулклари, ҳукумат, қўзғалон, руҳонийлар, диндорлар, мусулмонлар, инқилоб, озодлик ҳаракати, масжидлар, ислом дини, ислоҳотлар, атеизм.*

***Аннотация.*** *В статье предложены алгоритмы выделения признаков при идентификации личности на основе изображений ушных раковин. Изображения, полученные на первом этапе этих алгоритмов, фильтруются с помощью фильтра Габора. На втором этапе с помощью методов главных компонентов и статистических показателей выделяются характеристические признаки изображений ушных раковин. Разработанные алгоритмы могут быть использованы при организации программных комплексов различного вида, направленных на решение задачи классификации объектов, представленных в виде изображений.*

***Ключевые слова:*** *Советское правительство, Туркистан, Восток, большевики, благотворительный фонд, правительство, восстание, священники, верующие, мусульмане, революция, движение за свободу, мечети, религия ислам, реформы, атеизм.*

***Annotation.*** *This article reflects the Bolsheviks' political actions aimed at undermining the views, beliefs, and status of the Turkestan peoples in Islam.*

*For more than half a century, the persecution of clergy, the closure of mosques and madrassas, the end of the clergy, religious literature and spiritual education, and the period under constant pressure from the Soviet regime on religion have been covered.*

***Keywords:*** *Soviet government, Turkestan, East, Bolsheviks, foundation property, government, uprising, priests, believers, Muslims, revolution, liberation movement, mosques, Islam, reforms, atheism.*

Октябр инқилоби ғалаба қозонгандан сўнг болшевиклар собиқ чор империяси ҳудудларини янги қурилаётган Совет Иттифоқи таркибида сақлаб қолишга зўр бериб ҳаракат қилган эдилар. Кейинчалик ислом Совет Иттифоқидаги иккинчи йирик конфессияга айланди. СССРда Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Озарбайжон, Шимолий Кавказнинг бир қатор автоном республикалари ва автоном вилоятлари, Волга ва Урал минтақалари (Татар ва Бошқирд АССР) аҳоли таркибига кўра асосан мусулмонлардан иборат эди.

1917 йилда болшевиклар ҳокимият тепасига келганидан кейинги дастлабки йилларда уларнинг диний сиёсати ўз йўналишини бир неча бор ўзгартирди. Умуман олганда, диний сиёсат изчил равишда марксистик мафкура билан мос келмайдиган динни йўқ қилишга қаратилган эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида болшевиклар мусулмонларга гўёки хайрихоҳлик билан ёндашдилар [1:111]. Аслида бу муносабат янги давлат ички ва ташқи сиёсий вазиятининг мураккаблиги, ҳокимиятнинг четка ҳудуд мусулмон мамлакатлардаги мўртлиги ва болшевикларнинг дунё инқилобини Шарқнинг мусулмон мамлакатлари сари кенгайтириш мақсадлари сабабли эди.

Давлат Думасининг мусулмон депутатлари 1917 йил март ойи ўрталарида Петроградда Умумроссия мусулмонлари конгрессини тайёрлаш мақсадида мусулмон жамоат арбобларининг йиғилишини ташкил

қилдилар [2:11]. Мажлис Петроградда Россия мусулмонларининг Муваққат Марказий бюросини тузишга қарор қилди. 1917 йил 17 мартда ушбу Бюронинг биринчи йиғилиши бўлди. 1917 йил 1-11 май кунлари эса Москвада Бюро томонидан ташкил этилган Бутунроссия мусулмонлари қурултойи бўлиб ўтди. Конгресс 900 делегатни бирлаштирган бўлиб, улардан деярли учдан бири таниқли уламолардан иборат эди. Қурултойда 30 кишилик Бутунроссия мусулмонлар кенгаши сайланди ва кенгаш ўз навбатида ўзининг ижроия қўмитасини тузди [3:115].

Конгрессда мусулмонларнинг янги Россияга федерал ёки унитар тартибда боғланиши масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Федерация тарафдорлари (Озарбайжон, Туркистон, Қозоқ вилоятлари, Қрим ва Башкирия вакиллари) миллий-худудий мухторият, унитар тузилма тарфодорлари (Волга татарлари ва Шимолий Кавказ делегатлари) эса фақат маданий ва миллий мухториятни ёқлаб чиқдилар. 1917 йил 7 майда Конгресс делегатларининг кўпчилик овозлари (446 овоз) федерация учун берилган бўлса, 271 овоз унитар тузилишга берилган.

Шундай қилиб, Бутунроссия мусулмонлар кенгаши 12 кишидан иборат Ижроия қўмитаси (Икомус)ни сайлади ва Муваққат ҳукуматдан мусулмонларга тегишли бўлган барча масалаларда фақат у билан «Россиянинг бутун мусулмон дунёсининг ягона сиёсий маркази» сифатида ўзаро алоқада бўлишларини сўради. 1917 йил май, июл ойларида Ижроия қўмитаси давлат лавозимларига тайинлаш учун ўз номзодларини тақдим этди. Лекин бу Муваққат ҳукумат томонидан гарчи "рўйхат" сўралган бўлсада амалга оширилмади. Шунга қарамай Муваққат ҳукумат Корнилов қўзғолонини бостиришда Бутунроссия мусулмонлар кенгашидан ёрдам сўраган ва кенгаш вакиллари қўзғолонга қўшилган «ёввойи бўлинма» ни тўхтатишган эди. 1917 йил 22 сентябрда миллий ташкилотлар делегатлари йиғилишида Бутунроссия мусулмонлар кенгашига "парламент қошидан" атиги 4 та ўрин ажратилди. Шундан сўнг 1917 йилнинг кузида Бутунроссия мусулмонлар кенгаши аъзоларининг катта қисми умумроссия мавзуларида фаол ишлашни истамаслигини билдирди [2:14-22].

Бутунроссия мусулмонлар кенгаши учун қийин бўлган мана шу вақтларда 1917 йил 16-23 апрелда Шўрои ислом конгресси бўлиб ўтди, унда Муваққат ҳукуматга ишонч билдирилди [4:100]. Лекин ўз мавқеига номуносиб ҳаракатлари билан тезда эътибордан қолди. Масалан, 1917 йилда Шўрои исломнинг Махсус комиссияси мусулмон амалиётида бир қатор ислоҳотларни таклиф қилди: калимани рад этиш, маҳр ҳажмини камайтириш, унаштиришни бекор қилиш ва юзни очиш маросими [5:592]. Натижада 1917 йил июн ойида уламолар Шўрои исломдан чиқиб, Шурои Уламани яратдилар, уларнинг кўпчилик аъзолари эса панисломизм тарафдори бўлиб, Туркистоннинг Россиядан ажралиб чиқишини қўллаб-қувватладилар [4:100].

1917 йил 22 июлда Қозонда учта Бутунроссия конгресси (ҳарбий, мулла ва генерал) иштирокчиларининг қўшма йиғилишида Европа, Россия ва Сибир мусулмонларининг миллий-маданий автономияси эълон қилинди ҳамда Миллий парламент ва Миллий маъмурият (ҳукумат), шунингдек, Россия мусулмонларининг маданий ва миллий мухториятини амалга ошириш бўйича Коллегия ташкил этилди. Ўша вақтларда ушбу барча органларни Икомус аъзоси С.Мақсудов бошқарган эди.

Инқилобий воқеалар диний ташкилотлар раҳбариятининг ўзгаришига олиб келди - олдинги режимга содиқ раҳбарлар раҳбарлик лавозимларидан четлаштирилди. Муваққат ҳукумат даврида диний асосда ҳарбий қисмлар тузила бошланди. Армияда алоҳида мусулмон бўлинмаларини тузишга 1917 йил 18 сентябрда Муваққат ҳукумат томонидан рухсат берилган ва ўша йилнинг 11 октябрида Қозон, Уфа ва Симферополдаги учта захира полкни «мусулмонлаштириш» бошланиши тўғрисида Бош штаб бошлиғининг буйруғи берилган [6:43]. Лекин содир бўлган октябр инқилоби ушбу режаларни амалга оширишга тўсқинлик қилади [2:19].

Россиянинг Ўрта Осиё протекторатида Муваққат ҳукумат жадидлар ислоҳотларини рағбатлантирди. Бу аслида Бухоро амири ва Хива хони хоҳишига қарши қилинган эди. 1917 йил 28 мартда Муваққат ҳукумат Ташқи ишлар вазирлигига Бухоро амирига ислоҳотлар

тўғрисидаги манифестни эълон қилишни тавсия этишни буюрди. Амир иккиланиб турган бир вақтда, 1917 йил 3 апрелда: «ислоҳотлар тўғрисидаги манифестни дарҳол эълон қилишни амирга таклиф қилиш» тўғрисида қарор қабул қилинди. Манифест 1917 йил 7 апрелда эълон қилинди ва унинг матни тахминан Бухоро шаҳридаги рус резиденти Александр Миллернинг версиясига мослаштирилди. Хива хонлигида ёш хиваликлар тез орада Бухоро модели асосида худди шундай манифестни туздилар ва улар буни амалда рус ҳокимиятининг аралашувисиз амалга оширдилар [7:323].

1929 йилгача Совет ҳукуматининг исломга муносабати, масалан, рус православ черковига қараганда анча яхши эди. Бунга тактик мулоҳазалар сабаб бўлди болшевиклар инқилобни мусулмон Шарқи мамлакатларига экспорт қилишга интилдилар. Шунга кўра совет ҳокимияти дастлабки йилларда мусулмон ҳудудларида баъзи муллаларга овоз беришга, шариат судларининг фаолияти, мусулмон мактабларини очиш, мусулмон журналларини нашр этиш ва ҳажга имкон берди. Биргаликда яшаш ҳар доим ҳам тинч бўлмаган: 20 йилларда маҳаллий диндорлар ва мусулмон руҳонийларини таъқиб қилиш ҳоллари бўлган. 1928 йилга келиб, мусулмон руҳонийларига берилган имтиёзларнинг муҳим қисми бекор қилинди ва масжидлар ёппасига ёпила бошланди. Ислом дунёсида хусусан, Туркистонда фуқаролар уруши мана шу асосда бошланган эди.

Бутунроссия мусулмон мухолифати ҳаракати мана шундай қилиб ўз фаолиятини тўхтатди.

Шу вақтларда Туркистонда мусулмон давлатини яратишга уринишлар бўлди. Лекин, бу урунишларнинг барчаси қисқа муддатли бўлиб, болшевиклар томонидан тугатилган. 1917 йил 26-29 ноябр кунлари (9-12 декабр) Қўқонда Қўқон автоном республикаси ва болшевикларга қарши ғазовот эълон қилинди. 1918 йил феврал ойидаёқ ушбу мухторият Қизил Армия томонидан мағлубиятга учратилди [4:104-105]. 1917 йил 13 декабрда Қрим татарлари Қурултойи «Қрим татарларининг асосий қонунларини» ва Қрим Халқ Республикасининг яратилишини тасдиқлади. Ушбу мухторият тахминан бир ой давом этди. 1918 йил январ ойида Қримда Совет ҳокимияти ўрнатилди, у Қрим Халқ Республикасини тугатди ва унинг тарафдорларига қарши бир қатор репрессив чораларни кўрди. 1919 йил сентябрда Шимолий Кавказ амирлиги эълон қилинди (Чеченистон ва Доғистон ҳудудида Ислом давлати), у тахминан олти ой давомида мавжуд бўлиб, 1920 йил март ойида тугатилди. 2-Бутунроссия мусулмонлари ҳарбий конгресси (Қозон, 8 (21 январ) - 18 феврал (1918 йил 3 март)) РСФСР таркибида Идел-Урал давлатини (бутун Уфа вилояти, Қозоннинг бир қисми, Симбирск, Самара, Оренбург, Перм, Вятка вилоятлари) тузиш тўғрисида қарор қабул қилди ва унинг учта вазирлик (маънавий, таълим ва молия) ва иккита қўмитадан (ҳарбий ва ташқи ишлар) иборат «Миллий Идара» (Миллий маъмурият) қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларини шакллантириш. Ушбу мухторият болшевиклар томонидан деярли дарҳол бекор қилинди [8:63].

1919 йил августда Туркистон мусулмонлари лашкарбошиси Мадамин Бек Қирғизистон жанубидаги рус кўчманчиларидан келган деҳқонлар армиясининг қўмондони К. Монстров билан болшевикларга қарши иттифоқ тузди [9:106-107]. Бу отрядларнинг барчаси қизил бўлинмалар томонидан мағлубиятга учради ва 1920 йилда Туркистон ҳудудида Совет ҳокимияти ўрнатилди.

ХХ-асрнинг 20-йилларида Совет мусулмонларини битта маънавий марказ атрофида бирлаштириш ОГПУнинг Шарқий бўлими туфайли амалга оширилмади, у Марказий мусулмонлар маънавий идорасидан «шарқий республикалар» маънавий идоралари автономияси учун ҳаракатни ташкил қилди. Ушбу сиёсат натижасида ЦДУМ Марказий Осиё ва Қозоғистон маъмуриятлари устидан назоратни йўқотди. 1928 йилда Совет Қозоғистон ЦДУМнинг юрисдиксиясини тарк этди [10:93-95].

1920 йилларнинг биринчи ярмида Совет ҳукумати шариат судларининг ваколатларини чеклаб қўйди. 1921 йилда никоҳ ва оилавий масалалар, шунингдек, барча жиноий ҳуқуқбузарликлар юрисдиксиядан чиқарилди [11:33]. Бундан ташқари, шариат судлари ҳукумат маблағларидан маҳрум қилинди. Шундай қилиб, 1927 йилга келиб улар батамом тугатилди.

1920 йилнинг биринчи ярмида ҳокимият вақфларни қонунийлаштиришга мажбур бўлди. Бухоро ҳукуматининг 1920 йил 20 октябрдаги қарори билан вақф мулки Маориф Назоратига ўтказилди. Бироқ, вақфларни рўйхатдан ўтказиш фақат 1925 йилда, ТАССР таркибига кириб бўлгандан кейин бошланган.

Вақфлар Туркистон Автоном Совет Сотсиалистик Республикасида қонунийлаштирилиши керак эди, бу ерда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1922 йил 28 декабрдаги фармони билан Туркистон Республикасининг Бош Вақф Бошқармаси ташкил этилди. Ўрта Осиё вақфлари жуда катта эди ва улардан олинган даромад асосан таълим эҳтиёжлари учун ишлатилган. 1923-1924 йилларда фақат Туркистоннинг учта вилояти (Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё) ҳудудида вақф мулки 1923-1924 ўқув йилида 491 796 олтин рубл миқдорида даромад келтирди, шундан 65% таълимга сарфланди. Ушбу учта минтақада вақф ерлари 183397 танобни ташкил этган. Шунга қарамай, 1920 йиллари ўрталарида Ўрта Осиё вақфлари нафақат мактабларни, балки масжид ва мозорларни ҳам сақлаш учун даромад келтиришни 1927 йилга қадар давом эттирдилар [12:145-149].

1920 йилларнинг охирида исломнинг ёшларга таъсирини сусайтириши керак бўлган бошқа муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Умумий мажбурий ҳарбий хизматни жорий этиш асосий воқеа бўлди. Совет ҳукумати 1928 йил 3 июлда СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши «Ўрта Осиё республикалари, Доғистон АССР ва Шимолий Кавказдаги тоғли халқларни ҳарбий хизматга чақириш тўғрисида» қарор қабул қилгандан сўнг, мусулмон ёшларини Қизил Армия сафига мажбурий равишда чақиришни бошлади [13:13]. 1920-йилларда Совет ҳукумати яна бир ўзи учун муҳим ислоҳотни амалга оширди, бу мусулмон халқларининг алифболарини арабчадан лотинга ўтказиш стратегияси эди. Бундан кўзланган бир қанча мақсадлар бор эди. Шулардан бири ислом дини таъсирини йўқ қилиш, СССР мусулмонларининг хорижий ислом дунёси билан маданий алоқаларини тубдан узиш бўлганди [10:93]. Шу мақсадда ёзувнинг алмаштириш, уни «диний тарғибот воситасидан ижтимоий тараққиёт воситасига» айлантириш сифатида тақдим этилди [14:1541]. Мусулмон халқлари бунга қарши муносабатлар билдирдилар. Унга жавобан Совет ҳукумати уларни миллатчиликда, аксил инқилобий интилишларда ва диндорлар тарафини олишда айблади ва кўплаб мусулмон аҳолили ўлкаларда намуна учун қатағонлар ташкил қилди [15:131].

1930 йилларнинг охирига келиб, ташқи сиёсатда мусулмон руҳонийларига имтиёзлар бериш зарурати йўқ бўлиб кетди, чунки СССР 1938 йилда Саудия Арабистони билан муносабатларни тугатиб, Жидда шаҳридаги консуллигини ёпди. СССР ва қўшни давлатлар мусулмонлари ўртасидаги алоқаларни камайтириш, шунингдек СССРга хорижий мусулмонлар оқимини чеклаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

1938 йилнинг бошида СССРда Эрон, Афғонистон ва Туркиянинг консулликлари ёпилди Чет эллик мусулмонлар 1930 йилларнинг охирларида Совет ҳокимиятига таҳдид сифатида қабул қилинишни бошладилар. 1930-йилларнинг бошларида СССР билан чегарадош мусулмон ҳудудларида Совет мусулмонлари муҳожирлигининг ихчам яшаш жойлари мавжуд эди, улар 1930 йилларда Совет махсус хизматлари Советларга қарши ишларда ва ҳатто СССР ҳудудида панисломистик қўзғолонларни тайёрлашда айбланган. 1944 йилги ахборот-таҳлилий шарҳида 1930 йилларнинг бошларида фақат Афғонистоннинг шимолий ҳудудларида СССРдан камида 4 миллион мусулмон муҳожирлари яшаганлиги таъкидланган. Бошқа бир маълумотда 1930 йилларнинг бошларида Шинжон ва Афғонистонга қочиб кетган собиқ совет мусулмонлари миллионга бориши таъкидланади [16:108]. Ушбу кўчишларнинг катта қисми 30 йилларнинг бошларида коллективлаштириш натижасида шаклланган эди.

Ўша пайтларда СССРдаги деярли барча масжидлар ёпилди. Шунингдек, совет мусулмонлари қонуний равишда чет элга кўчиб кета олмадилар. 1930 йилларнинг бошларида Совет ҳукумати барча фуқаролари учун чет элга саёҳат қилишни деярли бутунлай ёпиб қўйди. 1932 йилда СССР бўйлаб 478 та кўчиш учун ариза берилган (шундан 259 та ариза қондирилган). 1932 йил октябрда Совет ҳукумати Совет

фуқароси (агар у «меҳнат элементи» бўлса) чет элга бориши мумкинлигини, агар чет элдаги қариндошлари Торгсинга 500 олтин рубл пул ўтказмасини амалга оширсалар рухсат берилишини қонунийлаштирган. «Ишга олинмаган элемент»нинг кетиши учун 1000 та олтин пул қўйиш талаб қилинган. Диндорлар «меҳнатга яроқсиз элемент» га тегишли эди. 1933 йилда СССРдан кўчиб кетиш учун 1249 та ариза берилган, шундан 804 та ариза қондирилган [17:319-320]. Шундай қилиб, совет мусулмонлари мусулмон мамлакатларида доимий яшашга кетиш учун қонуний имкониятга эга эмас эдилар.

Шу билан бирга, атеизм сиёсати, масжидларнинг ёпилиши ва руҳонийларга қарши қатағонларга қарамай, СССРда 30 йилларнинг охирларида аҳолининг катта қисми ўзларини диндор деб танитганлар. 1937 йилги аҳолини рўйхатга олиш шуни кўрсатдики, ислом Совет Иттифоқида иккинчи ўринда қолди. СССР Марказий статистика бошқармаси бошлиғи Владимир Старовскийнинг 1955 йил 20-декабрдаги эслатмасига биноан, 1937 йилги аҳолини рўйхатга олишда 16 ёшдан катта 8,3 миллион киши ўзини «Муҳаммад» деб таништирган [18:71-74].

1929 йилда эса мусулмон руҳонийлари ва диндорларнинг ҳуқуқларини кескин чеклайдиган бир неча қоидалар пайдо бўлди. Энг муҳими, Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси ва СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1929 йил 8 апрелдаги барча диний ташкилотларга тааллуқли бўлган ва 1990 йилларнинг бошларига қадар амал қилган Фармони эди. Тарихчи М. Одинцовнинг сўзларига кўра, ушбу Қарор аслида диний ташкилотларни қандайдир «резервация»га айлантирган. 1929-1930 йиллардаги кампания, асосан, узоқ муддатли атеистик тарғиботга қарамай, СССРда жуда кўп имонлилар бўлганлиги ва руҳонийлар кўплигидан келиб чиққан. 1929 йил майдан бошлаб диний ташкилотлар ишлари бўйича асосий орган Пётр Смидович бошчилигидаги СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми ҳузуридаги Култ масалалари бўйича доимий комиссия эди. Лекин, 1934 йилда Комиссия расман бекор қилинди, аммо унинг ваколатлари дарҳол ўша Смидович бошчилигидаги янги органга - СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми ҳузуридаги Култ масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий комиссияга ўтказилди.

1930 йил бошида Комиссия маҳаллий ҳокимият органларига имтиёзлар берди. 1930 йил 6 февралда Комиссия барча мазҳабдаги диний биноларни ёпиш тартибини ўзгартирди: бундан буён диний бинони ёпиш тўғрисида якуний қарор вилоят ва вилоят кенгашлари томонидан қабул қилинди. 1929-1930 йилларда Совет маҳаллий ҳокимияти илгари православларга қараганда камроқ таъқиб қилинган мусулмон диний ташкилотларига қарши ҳужум бошлади. Энди мусулмонларни таъқиб қилиш бошқа эътиқод вакилларига қараганда кучлироқ бўлди. Смидович М.Калининга йўллаган хатида [19:184-203]. “Барча мусулмон диний ташкилотлари бутунлай йўқ қилиниш ва ер юзидан йўқолиб кетиш арафасида. Мусулмон динидаги аҳвол бошқа култларга қараганда ёмонроқ, аммо, умуман олганда, бу характерлидир барча култлар учун намуна”, деб ёзган эди.

Ўзбекистонда ислом фактори 1930 йилдаги антисовет ҳаракатида катта рол ўйнаган. Мажбурий коллективлаштиришга қарши чиққан маҳаллий фермерлар кўпинча диний талабларни ҳам илгари суришган. 1930 йил феврал ойида кўплаб деҳқонлар (турли қишлоқлардан 3,5 минг кишигача) Қўқонга юриш қилдилар. Ўзбекистонда коллективлаштиришга қарши оммавий норозилик намойишлари иштирокчиларининг сони 1930 йил 77200 киши; 1931 йилда 13908 киши; 1932 йилда эса 1085 кишини ташкил этган эди. Ўзбекистондаги мажбурий коллективлаштиришга қарши қуролли отрядларида мусулмон руҳонийларнинг вакиллари бўлган. Масалан, Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг қуролли отрядида (Наманган, Янгиқўрғон ва Косонсой ҳудудларида фаолият юритган) 33 та мусулмон руҳонийлари вакиллари бўлган.

Масжидлар ва руҳонийларнинг вайрон қилиниши Исломга қарши курашнинг мафкуравий усулларидан фойдаланиш билан бирлаштирилди. СССР мусулмон халқларининг араб ёзувини лотин алифбосига, сўнгра кирилл алифбосига алмаштириш 30-йилларнинг муҳим воқеаси бўлди. 1929 йил 7 августда СССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ

Комиссарлари Кенгашининг «СССРнинг араб ёзма тили халқларининг янги лотинлаштирилган алифбоси тўғрисида» ги Фармони чиқди, бу араб ёзувига асосланган ёзувни йўқ қилди. Тарихчи С. Ш.Казиев ушбу ислоҳот натижасида СССР мусулмон халқлари исломнинг хорижий маданий марказлари ва уларнинг ислом анъаналари билан боғлиқ тарихий маданий меросидан узилиб қолганлигини таъкидлайди [19:315].

1936-1939 йиллар совет мамлакатида катта қатағон террори бошланди ва исломни терор қилиш яна давом этди. Катта қатағон террорида, қатағон тўлқини мусулмон руҳонийларига тушди, улар айниқса шафқатсиз ва бутун мамлакат ҳудудини қамраб олдилар. Катта террордан олдин расмийлар йирик диний ташкилотларнинг бўлинишини рағбатлантириш тактикасини қўлладилар ва ажралиб чиққан ташкилотларнинг руҳонийларини содиқ деб ҳисобладилар. Катта террор пайтида ҳокимиятнинг тактикаси анъанавий диний тузилмаларни ҳам, улардан ажралиб чиққан ва ҳокимиятга содиқ бўлганларни ҳам шафқатсизларча йўқ қилишга ўзгаради [19:218].

Катта террорнинг бошланиши билан репрессиялар мусулмонларнинг Марказий маънавий идорасига тушди. НКВД ходимлари мусулмон руҳонийларига қарши жиноий ишларни тўқиб чиқдилар [15:583-584].

Мусулмонларнинг маънавий раҳбарлари ишларига хос бўлган нарса панисломизмда айблаш эди. 30йилларда Совет махсус хизматлари ходимлари барча совет мусулмонларининг бирлигини тарғиб қилувчи диний раҳбарларни панисломистлар деб белгиладилар.

1937-1938 йилларда Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистонда мусулмонлар муҳожирлари ва Япония разведкаси билан боғлиқ бўлган гўёки «Советларга қарши панисломист террористик-қўзғолончи ва жосуслик-саботаж ташкилоти» аниқланган [17:105-106]. Лекин, ушбу иш бўйича айбланган 267 кишидан 231 таси Жанубий Қозоғистондан, қолганлари Ўзбекистондан бўлгани айтилади. Ушбу иш натижасида ташкилотчилар деб ҳисоблаган иккита диний арбоблар - ўзбек Юсупхон Умартўраев ва қозоқ Алкен Дангирхўжаев 1937 йилда отиб ташланган [20:293].

Катта террор пайтида ҳокимият репрессия пайтида руҳонийларсиз қолган масжидларни яна оммавий равишда ёпишни бошлади. Ёпиш тўғрисида қарорлар махсус комиссиялар йиғилишларида қабул қилинган. Шу билан бирга, ҳар бир ёпиқ масжид учун алоҳида иш очилган. 1938 йил апрелда Красиков комиссияси тугатилди ва дин билан боғлиқ барча масалалар СССР НКВД ихтиёрига берилди [19:216]. Комиссиянинг тугатилиши билан диндорлар, ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва диний биноларнинг оммавий ёпилишига йўл қўймасликка ҳаракат қилган сўнгги давлат органларидан айрилдилар.

Катта террор даврида атеистлар ташвиқоти, шу жумладан мусулмонлар яшайдиган жойларда кескин кучайтирилди [16:148-149]. 30 йилларнинг охирида атеизмнинг яна бир омили - Қизил Армия сафларида мажбурий хизматни кучайтирадиган бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди. 1938-1939 йилларда Қизил Армияда экстерриториал хизмат принципи жорий этилди, чақирилувчилар яшаш жойларидан ташқарида хизмат қилишди. Бу эса мусулмон ҳудудларидан чақирилувчиларнинг деярли мусулмон аҳолиси бўлмаган жойларда хизматга юборилишига олиб келди. Ўз навбатида, мусулмон бўлмаган хизматчилар мусулмон ҳудудларига юборилди. 1938 йилда Ўрта Осиё ҳудудидан 17825 киши армияга чақирилган бўлса, улардан фақат 1800 нафари Ўрта Осиё ҳарбий округида хизматда қолган холос [20:198].

1930 йилларнинг охирида ҳокимият маҳаллий аҳоли сиёсатини чеклаб, руслаштиришга ўтди. Ўша пайтга келиб, атеистик тарбия СССР мусулмон халқларининг маданий изоляциясига олиб келиши аниқ бўлди. Бунга 30-йилларнинг охирига келиб рус тилини мактабларда мажбурий ўқитишни ташкил этиш дастури қўшилди. Натижада, 30-йилларнинг охирларида мусулмон аҳолини советлаштиришнинг янги жараёни бошланди. Маҳаллий аҳоли даврида ҳукумат мусулмонлар учун миллий тилларда атеистик мактаб таълими яратди. 1930 йилларнинг охиридан бошлаб таълим атеист бўлиб қолди, лекин асосан руслаштирилди: миллий мактаблар сони қисқартирилди, қолганлари эса рус тилини мажбурий ўқитишни бошлади. Бу мусулмон ёшларнинг советлар атеистик олий ва ўрта

касб-ҳунар таълими тизимига қўшилишини осонлаштирди.

Шундай қилиб, Россия империясининг барча мусулмон халқлари 70 йилдан кўпроқ вақт давомида динга нисбатан муттасил совет тузуми тазйиқи остида бўлди. СССРнинг барча мусулмон халқлари расмий атеизм шароитида уч авлодни ўстиришга мажбур бўлишди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.**


1. Арапов Д. Ю. Записка Восточного отдела ОГПУ «О мерах борьбы с мусдуховенством» (1926 г.) // Восток. Афро-Азиатские общества: история и современность. - 2008. - № 5.
2. Исхаков С. М. Предисловие // Великая российская революция 1917 года и мусульманское движение. Сборник документов и материалов. - М.; СПБ: Институт российской истории РАН; Центр гуманитарных инициатив, 2019.
3. Исхаков С. М. Ибрагим Ахтямов и Юлия Попова: из жизни социал-демократов Южного Урала и Поволжья // Вестник Оренбургского государственного педагогического университета. Электронный научный журнал. - 2017. - № 3.
4. Белоглазов А. В. Влияние ислама на политические процессы в Центральной Азии: учебное пособие. - Казань: Издательство Казанского университета, 2013.
5. Абашин С. Н. Советский кишлак. Между колониализмом и модернизацией. - М.: Новое литературное обозрение, 2015.
6. Исхаков С. М. Создание отдела по делам национальностей при Комитете членов Всероссийского учредительного собрания и его деятельность // XX век и Россия: общество, реформы, революции. - 2017. - № 5.
7. Почекаев Р. Ю. Губернаторы и ханы. Личностный характер правовой политики Российской империи в Центральной Азии. XVIII - начало XX вв. - М.: Издательский дом Высшей школы экономики, 2017.
8. Юнусова А. Б. Деятельность муфтия ЦДУМ России Р. Фахретдинова по сохранению исламского вероучения в большевистской России // Проблемы востоковедения. - 2009. - № 2.
9. Хайруддинова Э. М. Всекрымские съезды мусульман Крымской АССР (1923-1925) // Учёные записки Крымского федерального университета имени В. И. Вернадского. Исторические науки. - 2012. - Т. 25. - № 2
10. Гусева Ю. Н. Мрачное эхо «Дела ЦДУМ»: «Цепь Корана» и репрессии против мусульманской элиты в СССР (1940 год) // Новый исторический вестник. - 2017. - № 2.
11. Сулаев И. Х. Мусульманское духовенство Дагестана и власть: история взаимоотношений (1917-1991). Автореферат дисс… доктора исторических наук. - Махачкала: Б.и., 2010.
12. Мирбабаев А. К вопросу о вакуфах Таджикской АССР (1924-1929 гг.) // Учёные записки Худжандского государственного университета им. академика Б. Гафурова. Гуманитарные науки. - 2010. 18.
13. Слепушкин Г. П. Атеистическое воспитание воинов Красной Армии в 1921-1941 гг. (на материалах Северного Кавказа). Автореферат дисс… канд. ист. наук. - М.: Б.и., 1992.
14. Бочкарёва А. С., Емтыль З. Я., Хотина Ю. В. Создание национальной письменности как фактор советизации Северного Кавказа (к истории адыгской интеллигенции) // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. - 2015. - № 111.
15. Емтыль З. Я. Опыт взаимодействия советской власти и мусульманского духовенства Северного Кавказа в культурно-просветительской сфере в начале 20-х гг. XX в. (по материалам адыгских народов) // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. - 2017.
16. Гусева Ю. Н., Бегасилова Ж. А. Дело о «панисламистской повстанческой организации» в Средней Азии 1940 г. // Российская история. - 2018.
17. Осокина Е. А. Алхимия советской индустриализации: время Торгсина. - М.: Новое литературное обозрение, 2019.
18. Старовский В. Н. О численности верующих в СССР и их распределении по религиям по переписи 1937 года. Документ хранится в РГАЭ. Ф. 1562. Оп. 33. Д. 2990.
19. Одинцов М. И. Русская православная церковь накануне и в эпоху сталинского социализма. 1917-1953 гг. - М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2014.
20. Бернстейн С. Воспитанные при Сталине. Комсомольцы и защита социализма. - М.: Политическая энциклопедия, 2018.

**Анвар Аиджанович ХУДОЯРОВ,**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди*
anvarxudoyorov111@gmail.com

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

# ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ, МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ И ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

# THEORETICAL, METHODOLOGICAL AND ORGANIZATIONAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF PILGRIM TOURISM IN UZBEKISTAN

**Аннотация.** *Мазкур мақолада зиёрат туризми ривожланишининг назарий-методологик асослари хамда ташкилий жихатлари кўриб чиқилган бўлиб унда сохани ривожлантиришда кластерли сиёсат ва интеграциялашган маркетинг концепцияси илгари сурилган. Натижада халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан зиёрат туризми соҳасида алоқалар ўрнатиши, мамлакатимизга туристлар оқимининг кириб келишини кўпайтириш, туристлар хавфсизлигини таъминлашни тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий механизм тавсия этилган.*

**Таянч сўзлар.** *кластер, зиёрат туризми, диверсификация, тадбиркорлик, стандарт, хамкорлик, тажриба, хуқуқий асослар, хавфсизлик, хуқуқий-иқтисодий база.*

**Аннотация.** *В статье рассматриваются теоретические и методологические основы также организационные оспекты развития паломнического туризма, что способствует продвижению концепции кластерной политики и интеграционного маркетинга в развитии отрасли. Связи с международными организациями и зарубежными странами в области туризма, увеличивает поток туристов в нашу страну, создает все условия для туристов, повышает качество и культуру услуг.*

**Ключевые слова.** *кластер, поломнический туризм, диверсификация, предпринимательство, стандарт, партнерство, опыт, правовая база, безопасность, правовая и экономическая система.*

**Annotation.** *This article discusses the theoretical and methodological foundations of the development of pilgrimage tourism, which promotes the concept of cluster policy and integrated marketing in the development of the industry. One of the important factors in the development of tourism in our country is peace, stability, mutual understanding and solidarity.*

**Keywords.** *Claster, tourist, tourism, diversification, entrepreneurship, standard, partnership, experience, legal framework, security, legal and economic system.*

Ўзбекистон ўзининг бой маданий ва маънавий мероси, меъморий ва тасвирий санъати, тарихий обидалари билан ҳамда кўплаб дунёга таникли машҳур ва буюк аждодларимиз дунё олимлари ва сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда. Бу ўз навбатида халқаро туризм индустриясида ўзимизга хос ўрнимиз ва нуфузимизни кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш борасида Республикамиз Президентининг ташаббуслари билан Ўзбекистонда илк бор 2019 йил 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум ўтказилди. Форум доирасида Малайзия муфтийси Перлис Моҳд Асри бин Зайнул Абидин Ўзбекистоннинг фахрий зиёрат туризм элчиси этиб белгиланди. Бу ўз навбатида миллатларни, халқларни, динларни ўзаро хамжихатликга, иноқлик ва бағрикенгликка чақиради. Соханинг ривожланишида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Таҳлилларига кўра зиёрат туризмининг жахон иқтисодиётидаги ўрни, ижтимоий-иқтисодий ахамияти тадқиқ этилган бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тавсифловчи назарий ѐндашувларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Таъкидлаш жойизки 2019 йил 5-январда 2019-2025-йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси, ҳамда 2019 йил 18 июль куни “Туризм тўғрисида” ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти туризмни изчил

ривожлантириш истиқболлари бағишланган йиғилишда “Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта” – деб таъкидлаган эди. Глобал иқтисодий инновацион ўзгаришлар шароитида зиёрат туризмининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жойижки, Республикада зиёратгоҳлар турли идоралар тасарруфида бўлганлиги сабабли бугунги кунга қадар тегишли ягона реестр таркибига киритилмаган. Зиёратгоҳлар “диққатга сазавор жойлар» деган атама билан белгиланган ва улар муайян ҳуқуқий ва идоравий бошқарув асосларига эга эмас. Таҳлилларга кўра республикада зиёратгоҳларни ягона идоравий бошқарув механизмини ва тегишли реестр тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур илмий иш тадқиқоти натижасида сохани ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш зиёрат туризмини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда, тизимлар назарияси ва тизимли ѐндашувларни тадқиқ этиш асосида зиёрат туризми ривожланишининг ўзига хос тизимли хусусиятлари белгиланган ҳамда зиёрат туризмининг тизимли ѐндашув асосидаги такомиллаштирилган ташкилий-иқтисодий механизм таклиф этилиб, унинг асосий таркибий қисми сифатида интеграциялашган маркетинг концепцияси хамда зиёрат туристик кластерни шакллантириш таклифи назарий-методологик жиҳатдан асосланган ва уни шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилган. “Туризм” “Зиёрат туризми”, “Диний туризм” атамасига берилган илмий таърифлар унинг моҳиятини ёритишда: “Туризм” “Зиёрат туризми” “Диний туризм” атамасини талқин этишда “талаб” нуқтаи назаридан ҳамда “таклиф” нуқтаи назаридан ёндашилганлиги белгиланди.

Бу борада Халқаро Туризм Академияси вице-президенти М.Б.Биржаковнинг фикрига кўра, “Туризм бу: биринчидан, туризмнинг аниқ мақсадлари асосида туристлар томонидан амалга ошириладиган саёҳатларнинг ўзига хос оммабоп шакли, яъни туристнинг фаолияти шакли; иккинчидан, ушбу саёҳатларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш бўйича туристик фаолиятдир. Туристик фаолият эса туризм индустрияси ва унга алоқадор тармоқ корхоналари томонидан амалга оширилади” [ 4:113.]деб таъкидлаб ўтилган.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизда соҳанинг етакчи мутахассислари ва олимларидан бири Н.Тухлиевнинг бу борадаги: “Туризмни талаб ва таклифнинг комплекс тизими сифатида кўриб чиқиш мумкин, [5:176.]деган фикрига қўшиламиз ҳамда “туризм” “зиёроат туризми” “диний туризм” тушунчасини “талаб ва таклифнинг тизимли уйғун бирлиги” нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таҳлил натижалари “зиёрат туризми” тушунчасини талаб ва таклифнинг уйғун бирлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш уни тармоқлараро мажмуа тузилмаси негизида шакилланадиган очиқ ижтимоий-иқтисодий тизим сифатидаги характерини тўлиқ изоҳлаб беради. Жахон туризмида мусулмонларнинг дунё бўйлаб турли мақсадларда, зиёрат қилиш, диний ибодатларни адо этиш (хаж ва умра), ризқ излаш ва бошқа сабаблари билан саёҳат қилишлари сайёхлик сохасида ўзига хос ёндашув ва стандартларга асос солинишига туртки бўлди.

Бу борада, соха мутахасислари мусулмонларнинг диний талабларидан чекланмаган холда турли сабаб билан саёҳат қилишларини барча учун бирдай бўлишини таъминлашда қандай номланиши устида фикр билдирилган. Турли атамалар тавсия этилди: зиёрат туризми, исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм, ҳалол туризм ва хаказо.

Мутахасислар томонидан юқорида келтирилган тегишли атамалар мақсадни тўла қамраб олмаслиги билан муоммоли жихатлари намоён эди. Мисол учун оладиган бўлсак зиёрат туризми дейилганда аксарият мусулмонлар фақат хаж ва умра зиёратларини назарда тутадилар, ислом туризми ва диний туризм эса шопинг, саёҳат, дам олишни каби жихатларни қамраб олмайди, мусулмонлар томонидан амалга ошириладиган барча саёҳат

ҳам тўлалигича шаръий бўлмаслиги мумкин ва ҳоказо.

Халқаро туризмда мусулмонлар учун қулай саёҳат фақат диний мақсадлар билан, диний сабабларни ёки мусулмон мамлакатларни саёҳат қилиш назарда тутилмайди. Балки у саёҳатларнинг диний амаллари ва талабларини тарк этмаган холда саёҳат қилишга қулай бўлган мухитни билдиради.

Зиёрат туризми кўпчилик тадқиқотчилар томонидан диний туризмнинг бир тури сифатида қаралади. Хусусан, А.В. Бабкин, М.Б. Биржаков, Т.Т. Христовлар диний туризмнинг иккита асосий турини: зиёрат туризми ва ўрганишга оид экскурцион йўналишдаги диний туризмни ажратиб кўрсатади. А.В. Бабкиннинг фикрича, диний туризм муқаддас жойлар, диний марказларга бораётган туристларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг эхтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган фаолият тури ҳисобланади. Зиёрат туризми эса, бирон бир динга эътиқод қилувчи кишиларнинг тавоф қилиш мақсадида муқаддас жойларга бориши деб қаралади. [6:152.]

Л.В. Байлагасов ва М.И. Гоппалар зиёрат туризмига кенгроқ тушунча сифатида қарашади. Уларнинг фикрича, зиёрат туризми нафақат дин билан боғлиқ, балки машҳур кишилар қабри ёки уй музейини бориб кўриш, уларни хотирлашни ҳам ўз ичига олади. [7:182] Айрим олимлар диний ва зиёрат туризмини айнанлаштиради. Масалан, М.А. Винокуровнинг таъкидлашича, диний туризм (зиёрат туризми) муҳим диний маросимларда иштирок этиш учун сафарга чиқиш, диний ёдгорликлар ёки бошқа динлар тарихи ва маданияти билан танишиш мақсадидаги турлар, шунингдек, мутахассисларнинг дин масалалари билан боғлиқ илмий сафарларини кўзда тутади. [8:69] К.А.Мазин “турист” ва “зиёратчи”, “туризм” ва “зиёрат” тушунчаларини айнанлаштириш нотўғри деб ҳисоблайди. Зиёратни туризм сифатида қарашга умуман қўшилмайди [9:86.] Лекин туризм фаолият тури сифатида зиёрат тушунчаси ва унинг моҳиятидан фарқ қилмайди.

“Ўзбекситон Республикасининг туризм тўғрисидаги Қонунида тур муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат деб таърифланган. Ушбу таърифга асосан зиёрат ҳам тур дейиш мумкин”.[11:59]

Бизнинг фикримизча, зиёрат туризми муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, улуғ аждодларимизга эхтиром кўрсатиш, уларнинг ўтмишдаги ҳаёти ва яратган маданий-маърифий ҳамда тарихий мероси билан танишиш, уларни хотирлаш, шунингдек, диний ва дунёвий маросимларда қатнашиш мақсадида амалга ошириладиган сафарларни ўз ичига олади.

Диний туризм ва зиёрат туризми бир-бирига жуда яқин тушунчалар бўлсада, бизнинг фикримизча, улар орасида айрим фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Диний туризм бевосита дин билан боғлиқ одатлар, тадбирлар, маросимларга қатнашиш, сиғиниш, тавоф қилиш, турли амалларни бажариш ёки уларни ўрганиш мақсадида амалга оширилса, зиёрат туризми умуман дин билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг қабрини нафақат ислом динига эътиқод қилувчилар, балки бошқа динга мансуб ватандошларимиз ҳамда хорижликлар ёки умуман ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар ҳам зиёрат қилишади.

Таъкидлаш жоийзки, мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантиришда ислом динининг ўрни беқиёс. Ўзбекистон - ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк уламолар камол топган ва ижод қилган табаррук замин. Зиёрат инсонларнинг муқаддас жойларга ўз жони ва танини, руҳиятини соғайтириш, яқинларини дуо қилиш ва ўз иймон-эътиқодига содиқликни намоён этиш мақсадида сажда қилиш, сиғинишга интилишидир. Зиёрат туризми диний туризмнинг бир тури бўлиб, турли дин намояндаларининг ўз динидаги муқаддас жойларга зиёрат мақсадларини амалга ошириш учун сафар қилишни назарда тутилади.

Диний туризм – ҳаёт мазмунини англаш, қилган гуноҳларидан кечирим сўраш, руҳий хотиржамлик, ўтган қариндош-уруғлар ҳаққига дуо қилиш, диний эътиқодни намойиш этиш, миннатдорчилик билдириш, айрим руҳий ва жисмоний хасталиклардан холи бўлишни назарда тутади. Диний туризмда кишиларнинг диний эътиқодига қараб имкон қадар қадамжоларга саёҳат қилиш зарур бўлса, зиёрат туризмида бундай саёҳат ихтиёрий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2016-йил 2 декабрдага ”Ўзбекистон Республикасининг туризм сохасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чор-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5326 сонли фармонларида олдимизга қўйилган тегишли вазифалар асосида зиёрат туризмини ривожлантиришнинг самарали ташкилий-иқтисодий услуби сифатида зиёрат туризм кластерни хамда интеграциялашган маркетинг концепциясини шакллантириш таклифи назарий-услубий жиҳатдан асослаб берилган ҳамда унинг таркибий тузилмаси ишлаб чиқилган.

Халқаро микёсидаги мавжуд назарий, амалий ва услубий ёндашувларни тадкиқ этган ҳолда Ўзбекистонда зиёрат туризми кластерини шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилди.(1-расм) Биринчи босқич ўз ичига зиёрат туризми кластерини шакллантиришнинг ғоявий моделини олса, иккинчи босқич уни шакллантиришнинг лойиҳавий моделини яратад. Натижада кластерли ёндашув асосида зиёрат туризмини ривожлантириш концепцияси шакилланади.Кластерлар, жумладан, зиёрат туризми кластери ўзига хос инновацион тизим бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг самарали ривожланиши, унинг рақобатбардошлигини ошириш, фан, тълим, кадрлар тайёрлаш тизими ва бизнес ўртасида ҳамкорликни кучайтириш учун асос бўлади.




**1-расм. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган зиёрат туристик кластерининг тузилмавий модели.**

Таълим институти туризм кластер шаклланишида муҳим аҳамиятга эга ижтимоий институт бўлиб, тадбиркорлик субъектларини малакали кадрлар билан таъминлайди. “Ўзбекистонда зиёрат туризми кластерларини ташкил этиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад юртимизнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ресурс ва инновация салоҳиятидан фойдаланган ҳолда сифатли рақобатбардош тур маҳсулотларимизни жахон бозорларига олиб чиқишдан иборат.” [10:48.]

Ўзбекистонда зиёрат туризми бозорини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг ташкилий иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари борасидаги тадқиқот натижаларига кўра бугунги кунда сайёҳлик индустрияси иқтисодиёти давлатнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий алоқалар ва муносабатлар субъекти, айнан бу муносабатларни тартибга солиб турувчи бўғин сифатида намоён бўлмоқда. Натижада сайёҳлик индустриясининг ривожланиши, аввало, бугунги кунда ташқи муҳитни замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган даражада тартибга солиб туриш тизимининг такомиллашувини белгилаб беради.




**2-расм. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда зиёрат туризми ресурсларининг ягона реесторини ривожлантириш механизми.**

Зиёрат туризмининг мураккаблиги, уни тартибга солиб турувчи тизимнинг кўпқирралигини изоҳлаб, мазкур тизимни шакллантириш ва такомиллаштиришда тизимлар ва бошқарув назариясини инобатга олишни белгилайди.

Мазкур илмий иш тадқиқоти натижасида сохани ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш орқали масаланинг ечими тавсия этилди(2-расм). Бу эса, юртимизда зиёрат туризми ривожланиши учун улкан имкониятлар эшигини очади.

Зиёрат туризми бозори ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш тизими мураккаб полииерархик тузилмавий кўринишда бўлиб, вертикал ва горизонтал тузилмалар йиғиндиларсидан иборат. Мазкур тизим фаолиятининг моҳиятини англашда тузилманинг вертикал ва горизонтал кесимлари манзилли ўрганиб чиқилади.




**3-расм. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий-ижтимоий механизми.**

Ўзбекистонда зиёрат туризми бозорининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш тизимининг горизонтал кўринишини ўрганиш натижасида унинг таркибида тизим тузилишидаги қуйидаги тизимларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

мутахассис-кадрлар тизими; илмий-технологик тизим; институционал тизим; коммуникатив тизим; функционал-тузилмавий тизим.

Мазкур тизимлар Ўзбекистонда зиёрат туризмини қўллаб-қувватлаш ва ривожланишини тартибга солиш механизмларининг асосий бўғинлари сифатида ўрин эгаллайди.(3-расм)

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида зиёрат туризми соҳасини тартибга солиш тизими маълум даражани ўзида мужассам этган ташкилий тузилмалардан таркиб топган. Таҳлилларга кўра зиёрат туризми бозорининг ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг стратегик мақсади миллий туризм маҳсулотларининг сайёҳлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган рақобатбардош туризм комплексини вужудга келтириш орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий такомиллашувига қаратилган.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й.
2. “Ўзбекистон Республикасини туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” PF-5611, 05.01.2019y.
3. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонига илова.
4. Биржаков М. Б. Введение(2007) в туризм: изд. 9-е, перераб. и доп.СПб.: Издательский дом «Герда», 2007. - 576 с.
5. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. (2008)Основы безопасности в туризме.Т.: Гос.науч.изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 367 с.
6. Бабкин А.В. (2008)Специальные виды туризма. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. – 252 с
7. Байлагасов Л.В., Гоппа М.И.(2016) О классификации паломнического туризма // Международный научный журнал «Символ науки», - 2016, - №10. - 192-194 с
8. Винокуров М.А. (2004)Что такое туризм? // Известия Иркутской государственной экономической академии. – 2004. – № 3. – С. 19-24.
9. Мазин К.А.2009) Паломничество и религиозный туризм: сравнение сквозь призму тысячелетий // Современные проблемы сервиса и туризма. – 2009. – № 4. – С. 8-24.
10. Худояров А.А.(2020) Ўзбекистонда зиёрат туризми бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. – Тошкент: Complers Print, 2020. 250б
11. Жиянов Ў.П.(2020) Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожланиш имкониятлари. “Ислом тафаккури” илмий-маърифий, диний-маданий, ахборот нашри. – Тошкент, 2020. Махсус сон. – Б. 58-62. (август)
12. hhttps://uzbektourism.uz/uz/newsnews/
13. http://uza.uz/oz/tourism/zbekistonda-ziyerat-turizmi-2018-yilga-nazar-27-12-2018
14. https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=992

**Беҳзодбек Икромбекович СОИПОВ**
*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги*
*Дин ишлари бўйича қўмита бўлим бошлиғи*

# ДИНИЙ ВА СИЁСИЙ МЕЗОНЛАРНИНГ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ВА ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

# THE IMPORTANCE OF RELIGIOUS AND POLITICAL CRITERIA FOR SOCIAL SUSTAINABILITY AND DEVELOPMENT

# ЗНАЧЕНИЕ РЕЛИГИОЗНЫХ И ПОЛИТИЧЕСКИХ КРИТЕРИИ НА РАЗВИТИЕ И СТАБИЛЬНОСТЬ ОБЩЕСТВА

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, юртимизда диний соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистонда бағрикенглик сиёсатининг эволюцияси, конфессиялараро соғлом муносабатларни қарор топтиришнинг устувор вазифалари каби бир қатор масалалар таҳлил қилинган.*

*Шунингдек, виртуал таҳдидлар авж олаётган ҳозирги шароитда ёшларимизда мафкуравий иммунитетини шакллантириш, диний мазмундаги материалларни тарқатишнинг услуб ва воситалари ҳамда бу борада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган нормалар ҳақида маълумот берилган.*

**Калит сўзлар:** *бағрикенглик, диний бағрикенглик, ахборот хуружи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, Ҳаракатлар стратегияси, «исламофобия».*

***Annotation:*** *This article analyzes a number of issues such as tolerance, interethnic harmony, reforms in the religious sphere in our country, the evolution of the policy of tolerance in Uzbekistan, the priorities for healthy interfaith relationships between denominations.*

*It also provides information on the formation of ideological immunity of our youth in the current situation of virtual threats, methods and means of distribution of religious materials, as well as the norms established by the legislation of the Republic of Uzbekistan.*

***Keywords****: Tolerance, Religious Tolerance, Information Attack, Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, Action Strategy, "Islamophobia".*

***Аннотация:*** *В данной статье проанализированы ряд вопросов, таких как толерантность, межнациональная дружба, основные задачи установление здоровых отношении между конфессиями, проводимые в религиозной сфере реформы в нашей стране, эволюция политики толерантности в Узбекистане.*

*Также предоставлена информация об формировании идеологического иммунитета нашей молодежи в современных условиях усиления виртуальной угрозы, о способах и средствах распространения материалов религиозного содержания обозначенные, а также нормах обозначенных в законодательстве Республики Узбекистан.*

***Ключевые слова:*** *толерантность, религиозная толерантность, информационная угроза, Уголовный кодекс Республики Узбекистан, Стратегия развития, «исламофобия»*

Бугунги кунда "электрон дунё" турли сиёсий кучлар учун ўзларининг террористик, экстремистик ташвиқотлар ва ғоялари, ўз қарашларини оммага тарғиб қилиш, ҳар хил жиноий тўдалар фаолиятларини амалга ошириш йўлида асосий қурол сифатида фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай салбий кучларнинг глобал тармоқда ўзларининг мафкуравий майдонларини яратиб, интернетда кенг қамровли ахборий террор – "электрон жиҳод" олиб бораётгани, глобал ва минтақавий хавфсизликка нисбатан янги таҳдидлар, муаммолар пайдо қилаётганлари дунё мамлакатлари олдида виртуал таҳдидларни олдини олиш ва бартараф этиш заруратини юзага келтирмоқда. Жиноят қонунчилиги бўйича диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини билан йўғрилган материалларни намойиш этиш мақсадида сақлаш,Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244[1]-моддаси 1-қисми билан, уларнинг хар қандай кўринишда тарқатиш мазкур модданинг 2-қисми билан, Интернет жахон ахборат тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатилса, ушбу модданинг 3-қисми билан оғирроқ жиноят сифатида жавобгарликка тортилади[4].

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан стратегик ҳамкорлиги, бир томондан, минтақавий муаммоларни ҳал қилишга, мамлакатнинг глобал жараёнларда фаол иштирок

этишига кўмаклашмоқда. Иккинчи томондан эса, ички ва ташқи сиёсатни либераллаштириш муаммоларини юзага келтирди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини, айниқса минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида кечаётган жараёнлардаги дадил ҳатти-ҳаракатлари, мамлакатда ички сиёсий ҳаётнинг фаоллашувини намоён этмоқда. Бундай шароитда турли йўналишда фаолият олиб бораётган йирик трансмиллий корпорациялар, алоҳида ташкилот, ҳатто террористик гуруҳларнинг виртуал ахборот имкониятларидан ғаразли мақсадлардан фойдаланишга бўлган уриниши тобора кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон Фармони билан тасдиқланган – 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг – Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар деб номланган бешинчи устувор йўналишида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш масаласи алоҳида йўналиш сифатида белгиланиб, бунда ёшлар онгига таъсир кўрсатувчи виртуал таҳдидларнинг олдини олиш, ёшларда ахборот маданиятини юксалтиришга қаратилган давлат сиёсатини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Сиёсий жараёнлар ва институтлар нуқтаи-назардан сиёсий барқарорлигига диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг таъсирини олдини олиш борасида турли сиёсий тадқиқот марказлари ишини мувофиқлаштириш, давлатлар ўртасида ўзаро сиёсий ахборотлар алмашиш, ўзаро мустаҳкам алоқага эга бўлиш долзарб аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам ҳозирги мураккаб кескин ғоявий курашлар ва турли мафкуралар тўқнашувлар, «демократия» ёки турли диний таълимотлар шиорлари билан ниқобланган ёвуз ғояларни сингдиришга интилиш кучайиб бораётган бир шароитда дунёвий бошқарув тамойилларига оқилона муносабатда бўлиш, илм-фан, техника ва технологиялар ютуқларидан самарали фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида виртуал технологияларни самарали жорий этилиши эркинлик, демократия, халқ ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқаришни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга кенг имконият ва шароит яратиб, аста-секинлик билан ахборотлашган жамиятни стратегик йўналишларини белгилаб олишда фундаментал аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида виртуал тизимдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиш ва унинг фойдали манбалари асосида ўз дунёқарашини кенгайтириш, ғаразли маълумотларни инкор эта билиш идрокини, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ҳам тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан ҳам ҳар бир ёш маълум бир кўникма ва билимларга, диний ва дунёвий илмларни моҳиятини тушуна олиш қобилиятига эга бўлиши, дунёда кечаётган сиёсий ва иқтисодий жарёнларга бефарқ бўлмаслиги талаб этилмоқда. Бундай муаммоларга дуч келмаслиги учун ҳар бир фуқаро айниқса ёшлар, ўзининг тақдири, келажаги олдидаги маъсулиятни чуқур ҳис қилиши, иккинчидан, Ватани ва халқи олдидаги бурчи унутмаслиги керак.

Динлар асл моҳиятига кўра, эзгулик ғоясига асосланади ва тинчлик, яхшилик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни поклик, ҳалоллик, меҳр-шафкат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатига нисбатан одилона, оқилона муносабатда бўлиш, доимо яхши, савобли ишларни амалга оширишдан иборатлигини кўрсатиб ўтади. Хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишларининг замирида юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида катта тажрибалари ётади. Ҳар бир диннинг моҳияти турлича изоҳланса-да, унинг асосида ишонч, эътиқод, адолат, тинчлик ва яхшилик туйғуси ётиши деярли барча жамият аъзолари томонидан тан олинади. Шунингдек, бугунги кунда мавжуд мураккаб мафкуравий вазият ёшларимизда мафкуравий иммунитетини тарбиялаш ишларини янада фаоллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Ҳозирги куннинг

вазифаси ёшларимизда келажагимизга бўлган ишончни, мустақил, ижодий фикрлашни шакллантириш, Ватаннинг тақдирига масъуллик ҳиссини янада юксалтириш кабилардан иборатдир. Шунингдек, бизга ёт бўлган одатлар ва қарашларга нисбатан собит эътиқодни, иммунитетни яратишдир. Турли анъаналарга, миллий қадриятларга, диний ва сиёсий мезонларга эга бўлган одамлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги конструктив ўзаро ҳамкорликнинг қарор топиши жамият барқарорлигига ва тараққиётига хизмат қилади.

Маълумки, ҳар бир жамият ва давлат барқарор тараққиётининг муҳим омилларидан бири диний бағрикенглик тамойилининг фуқаролар онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин олганлиги, конфессиялараро соғлом муносабатлар қарор топганлиги ҳисобланади. Айниқса, ушбу омил полиэтник давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки конфессиялараро муносабатлар жамиятимиздаги миллатлараро муносабатлар характерига, жамиятимизнинг «таҳдидбардошлик салоҳияти»га жиддий таъсир қилувчи омилдир. Зеро, «полиэтник бирликларнинг таҳдидбардошлик салоҳияти жамиятда миллий тотувликнинг таъминланганлик даражасига боғлиқдир» [2: 10]. Миллий тотувликнинг қарор топиши эса диний бағрикенглик тамойилининг жамият аъзолари қалбида чуқур илдиз отишига алоқадор.

Ҳозирги даврда республикамиздаги турли миллат вакилларининг миллий ўзлигини англаши айрим ҳолатларда диний ўзликни англаш жараёни билан чамбарчас боғланиб кетаётганлигини эътиборга олиш муҳим. Шу ўринда «Дин ва этноснинг ўзаро алоқадорлиги этнос (миллат) ва диннинг параллел ривожланишида, диний ва миллий ўзига хосликнинг айнанлаштирилишида яққол намоён бўлади» [3: 21-22], - деган фикри асослидир.

Диний мазмундаги ахборотларни тарқатаётган сиёсий кучлар томонидан асосан иқтисодий қийинчиликлар, аҳоли моддий аҳволининг оғирлашуви, сиёсий кучларнинг қутблашуви каби муаммолардан фойдаланиш, инсониятни тўғри йўлдан чалғитишда эътиқодсизликка йўналтириш, маънавий қашшоқлашув ва руҳий инқирозни ҳосил қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бу масалани ўрганиш қанчалик долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. Шу боис жаҳон миқёсидаги халқаро тажовуз, таҳдид ва хуружларга нисбатан пассив кузатувчи бўлиб туриш мумкин эмас ва унга қарши илмий, амалий-ташкилий, маънавий-маърифий, тарғибот ишларини фаол олиб бориш ва бу курашда ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшларни фаол иштирок этишга чақириш бугунги куннинг зарурий шарти бўлиб, фуқаролик жамиятини барпо этиш ва унинг келгуси тараққиёт йўналишини белгилаш учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳозирги даврда жамият сиёсий барқарорлигига таҳдид солаётган террорчилар яширин ҳолда фаолият юритмоқда ва ўз қароргоҳлари жойлашган муайян давлат ҳудуди билан чегараланиб қолмасдан, улар аллақачон кибер оламга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, халқаро миқёсда террорчи ташкилотлар ўз сафларини кенгайтириш ҳамда мақсадларига эришишда интернетнинг сўнгги имкониятларидан фойдаланмоқдалар. Шу йўл билан террорчилик ҳаракатлари, мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот бериш, ўз ғоя ва мафкурасини омма орасида тарқатиш билан бирга интернет фойдаланувчиларига ахборот-психологик таъсир ўтказиш, одамлар ўртасида ваҳима уйғотиш, террорчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун маблағ йиғиш, заҳарли моддалар, портловчи восита ва қурилмалар ҳамда уларни тайёрлаш технологияси ҳақида маълумот бериш, террорчилик ташкилоти сафига янги аъзоларни қабул қилиш каби ҳолатларни кузатилаётганлиги бу муаммони ўрганиш қанчалик даражада долзарблигини кўрсатиб турибди.

Жамият сиёсий барқарорлигини таъминлашда ҳар бир эътиқодли инсоннинг ибодатга бўлган эҳтиёжини қондириш устувор аҳамият касб этади ва буни давлат тегишли диний ташкилотлар - масжид, мадраса, черков, ҳудудий диний назорат бўлимлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали тартибга солади, назорат қилади. Агар ҳар бир мамлакатда диний ғоялар тарғиботи давлат манфаати юзасидан тўғри йўналтирилмас экан, айни улар воситасида

жамиятда ёт унсурлар пайдо бўлиши, бузғунчи ғоялар кириб келиши, хатто хаос ёқасигача олиб келиши мумкин бўлади. Чунки дин ўзига хос сиёсий институт ҳисобланади. Бу мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ҳам муҳим. Шунинг билан бир қаторда виртуал таҳдидлар авж олаётган ҳозирги шароитда нафақат диний эътиқод балки шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ёлғон маълумотларни тарқатиш, тухмат қилиш, ҳақорат қилиш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш ҳамда вирус ва бошқа зарарли дастурлар, қонунга зид ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш, электрон хатларни оммавий тарқатиш (спам), хакерлик ҳужуми, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалари рақами ва банк реквизитларини ўғирлаш (фишинг ва фарминг) ҳамда бошқа турли ҳуқуқбузарликлар тобора ошиб бормоқда.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин, дунё сиёсатида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бугунги кунда дунё мамлакатлари янги жўғрофий-сиёсий вазиятларда, глобаллашув, халқаро терроризм ва экстеримизм, наркобизнес, кескин ахборот курашлари шароитларида ривожланмоқда. Америкадаги “Symantec” компаниясининг ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги “Norton Report” ҳисоботига кўра, ҳар йили дунё бўйича 400 миллиондан ортиқ интернет фойдаланувчиси кибержиноятчилар ўлжасига айланмоқда. Виртуал жиноятчилар ўзларининг бундай хатти-ҳаракати билан 110 миллиард доллардан зиёд молиявий зарар етказмоқда. Айни шу йўналишдаги муаммоларнинг олдини олиш учун йилига 270 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфланмоқда. Бугунги кунда интернетда тарқатилаётган бу каби маълумотларнинг 80% Яқин Шарқ ҳудудларида фаолият юритаётган террорчи ташкилотларга тегишлидир. ОАВ маълумотлари таҳлили ҳамда жабрланувчиларнинг иқрорларига кўра, радикал ғояларнинг тарқатилиши ва ташкилотга ёллаш ҳаракатларининг аксарияти Facebook, ВКонтакте, Twitter, Youtube каби ижтимоий тармоқларда амалга оширилмоқда. Бу эса турли ривожланган давлатлар фуқароларида исломофобияни шаклланишига олиб келмоқда.

«Исламофобия» термини 1997 йили британиянинг Раннимейд Траст (RunnymedeTrust) тадқиқот маркази профессори Гордон Конуэй (Gordon Conway) нинг «Исламофобия – ҳамма учун таҳдид» номли маърузасидан кейин кенг ишлатиладиган бўлди. Бундай ғаразли виртуал таҳдиддан кўзда тутилган асл мақсад аён: биринчидан, давлат ва унинг раҳбариятини, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларни обрўсизлантиришга уриниш; иккинчидан, ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги борасида аҳолида шубҳа туғдириш, ҳокимиятга нисбатан ишончсизликни пайдо қилиш ва ҳатто “аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилувчи давлатда демократик жамият қуриб бўлмаслиги ва бу борадаги уринишлар ёмон оқибатларга олиб келиши” билан одамларни қўрқитиш; учинчидан, мамлакатдан инвесторларни чўчитиш, мамлакатда гўё демократик тамойилларга зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйилаётгани ҳақида сафсата сотиш билан дунё сиёсий ва ишбилармон доираларида Ўзбекистонни салбий бўёқларда кўрсатиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу боисдан ҳам жамият сиёсий барқарорлигини таъминлаш мақсадида сўз эркинлиги ва плюрализм тамойилларини бузмаган ҳолда, виртуал таҳдидларни олдини олишнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш доимо устувор аҳамият касб этади. Айниқса, ҳозирданоқ келажак авлоднинг маънавий-ахлоқий ва ахборот маданиятини юксалтириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жамиятимизда шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун авваломбор, тарихан шаклланиб келган диний ва дунёвий билимларнинг асосини ташкил этувчи анаъаналар, миллий қадриятлар, удум ва маросимларга алоҳида эътиборни қаратишимиз даркор. Бу эса, ҳар бир шахснинг жамиятдаги объектив ва субъектив омилларга таянишини тақозо этиб келади. Бу омиллар ҳамиша шуни талаб этадики, “ўз халқи миллий қадриятини бошқа миллат қадриятларига тескари қўймаган ҳолда ва, аксинча, бошқа миллат маънавиятини

чуқур ҳис қилиш даражасига ўсиб чиқса ва ўз миллий қадриятини бемалол ва беминнат намойиш этиш имкониятига эга бўлса, миллий муносабатларда дўстона иқтисодий ва маънавий мулоқотдан ўзга ният бўлмаса, ана шунда турли миллатларнинг маънавиятини ифодаловчи умумбашарий қадриятлар ўсиб бораверади" [1: 116].

Жамият сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатаётган виртуал таҳдидларнинг энг хавфлиси – давлат сиёсатини таъминлашга халақит бераётганларидир. Чунки агар шахсга салбий таьсир тор доирадаги одамларни қамраб олса, давлат ва жамиятга таъсир кўрсатувчи виртуал таҳдид бутун бир мамлакат, халқ тинчлигини хавф остига қўяди. Бу жуда катта ва жиддий муаммодир, шунинг учун ахборий таҳдидларни турли талқинларга қараб тадқиқ қилиш талаб этилади. Бундай таҳдидларга қарши курашнинг яхши йўлларидан бири – мамлакат ўзини ўзи ахборот билан таъминлашидир. Албатта, бундай ахборот тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлиши шарт, акс ҳолда жамият аъзолари янада хорижий манбаларга мурожаат этадилар ва бунга ҳеч ким тўсиқлик қилолмайди. Аслида ички худудни ахборот билан етарли даражада таъминлаш унча ҳам қийин эмас, чунки бугунги кунда ахборот технологиялари жуда кенг ишлатилмоқда ва ахборот тарқатадиган субъектлар мамлакатнинг ҳамда дунёнинг турли бурчакларидан хоҳлаган маълумотларни олиб мамлакат ичида оқилона баҳолаган ҳолатда тарқатиши мумкин. Фақат ушбу ишда лоқайдлик ва ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарур. Бизга маълумки, дастлаб 1990 йилларнинг бошларида жамиятни бошқаришнинг марказлашган тизимидан демократия ва бозор иқтисодиётига ўтиш йўлига ўтган собиқ Совет Республикалари, Шарқий Европанинг кўплаб давлатлари жиддий қийинчиликларга дуч келдилар. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар суръатларининг ортиши натижасида ички сиёсий беқарорликнинг кучайиши, шунингдек, мавжуд конституциявий нормаларни янги воқеликка мослаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш долзарб аҳамият касб этган.

Алоҳида қайд қилиш керакки, етарли билим, малака, хаётий тажрибага эга бўлмаган, ўз тарихи, аждодларининг кимлигидан беҳабар, соддадил, ишонувчан ёшларнинг бугунги кунда бузғунчи ғоялар тузоғига тушиб қолаётганини алоҳида эътироф этишимиз мумкин. Ҳозирда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида диний қадриятларнинг ҳамда турмуш тарзини издан чиқаётганлигини кузатишимиз мумкин бўлади. Энг ёмони бундай харакатлар натижасида одам ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларидан йироқлашиб лоқайд ва манқуртга айланиб бормоқда. Бунинг учун аввало барча динларнинг объектив мавжудлигини, барча жамиятга таҳдид солмайдиган динларнинг яшашга хаққи борлигини, кимлар учундир кераклигини тан олиш, ўзаро бир-бирларини инкор қилмасликлари лозим. Аммо бундай сифатлардан махрум ягона диндаги турли радикал ҳаракатлар жамият муаммоларни фақат муайян диний тафаккур воситасида, ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бошқа барча кучларни инкор қилган ҳолда ҳал қилмоқчи бўладилар.

Умуман олганда, жаҳондаги замонавий миллий давлатчилик моделларининг ўзига хослиги энг аввало, биринчидан, жамиятда хукмрон бўлган диний дунёқараш меъёрларининг жамият сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётига таъсири билан, иккинчидан, уларнинг техника иқтисодий тараққиёт даражасининг юксаклиги билан ва учинчидан, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг жадал тараққий этиб бориши билан белгиланади. Шунингдек, бугунги кунда ахборот оқимининг тезлашуви, турли сиёсий кучларнинг ҳар хил мафкуравий воситалар орқали дунёда ўз таъсир доирасини кенгайтиришга уринишлари Марказий Осиё минтақаси ва жаҳондаги тичлик барқарорликка таҳдид солиб келмоқда ҳамда миссионерлик, прозелитизм, диний экстремизм ва фундаментализм каби зарарли ғоя ва мафкураларнинг амалий фаолияти ҳамда хатти-ҳаракатларида намоён бўлмоқда. Натижада Ўзбекистон ва Марказий Осиё худудида турли хил дунёвий ҳамда диний ғоя ва мафкураларга таянган давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашиб, давлатчилигимиз, хавфсизлигимиз тинчлик- барқарорлигимизга таҳдид туғдирди. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги тинчлик-тотувлик,

барқарорликка таҳдид солган омиллардан бири бу миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари бўлиб, бу ҳаракатлар муайян сиёсий кучларнинг стратегик геополитик мақсад ва манфаатларини ўзида ифодалаган ҳолда пайдо бўлиб, фаолият олиб боришга ҳаракат қилди. Миссионерлар ва прозелитларнинг асосий мақсади диний эътиқод эмас, балки сиёсий мақсадлар бўлиб, бу мақсадлар стратегик сиёсий манфаатлар билан уйғун тарзда боғланиб кетади. Айни пайтда буюк давлатчилик шовинизми, агрессив миллатчилик, ирқчилик, миссионерлик, прозелитизм, диний экстремизм, фундаментализм каби зарарли ғоялар бугунги кунда халқаро майдонда муайян сиёсий, диний гуруҳлар, ташкилотлар томонидан геосиёсий, геостратегик мақсадларни амалга ошириш, ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказиш воситасига айлантириб борилмоқда.

Хуллас, биринчидан, динлар асл моҳиятига кўра, эзгулик ғоясига асосланади ва тинчлик, яхшилик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни поклик, ҳалоллик, меҳр-шафкат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатига нисбатан одилона, оқилона муносабатда бўлиш, доимо яхши, савобли ишларни амалга оширишдан иборатлигини кўрсатиб ўтади. Хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишларининг замирида юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида катта тажрибалари ётади. Ҳар бир диннинг моҳияти турлича изоҳланса-да, унинг асосида ишонч, эътиқод, адолат, тинчлик ва яхшилик туйғуси ётиши деярли барча жамият аъзолари томонидан тан олинади. Иккинчидан, бугунги кунда мавжуд мураккаб мафкуравий вазият ёшларимизда мафкуравий иммунитетини тарбиялаш ишларини янада фаоллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Ҳозирги куннинг вазифаси ёшларимизда келажагимизга бўлган ишончни, мустақил, ижодий фикрлашни шакллантириш, Ватаннинг тақдирига масъуллик ҳиссини янада юксалтириш кабилардан иборатдир. Шунингдек, бизга ёт бўлган одатлар ва қарашларга нисбатан собит эътиқодни, иммунитетни яратишдир. Турли анъаналарга, миллий қадриятларга, диний ва сиёсий мезонларга эга бўлган одамлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги конструктив ўзаро ҳамкорликнинг қарор топиши жамият барқарорлигига ва тараққиётига хизмат қилади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Т., “Шарқ”, 2001, 116-бет.
2. Пахрутдинов Ш, Назаров Н. Миллий тотувлик – таҳдидбардошлик омили.-Т.: //  «Jamiyat va Boshqaruv» журнали, 2005. № 3,. 10-бет.
3. Хўжамуродов И.Р. Проблема формирования национального (этнического) сомосознания узбекского народа и влияние на него Ислама. Автореф. дисс. доктора филос. наук .-  Т.: 1994. –с.21-22
4. http://auz.uz/news/diniy-ekstrimizim-va-terrorizim-bilan-boglik-zhinoyatlarni-oldini-olish

**Самариддин Қаршибой ўғли ИСОҚУЛОВ,**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги мутахассислиги магистранти*
samriddinisaqulov@gmail.com

# ШАХСНИНГ АХБОРОТ ТАҲДИДЛАРИДАН ПСИХОЛОГИК ЎЗ-ЎЗИНИ ҲИМОЯЛАШИ

# ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ САМОЗАЩИТА ЛИЧНОСТИ ОТ ИНФОРМАЦИОННЫХ УГРОЗ

# PSYCHOLOGICAL SELF-PROTECTION OF THE PERSON FROM INFORMATION THREATS

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада шахсни ахборот хуружларидан ўз-ўзини қандай қилиб психологик жиҳатдан ҳимоялай олиши, ўз-ўзини психологик ҳимоялаш турлари, ахборот хуружлар пайтида ахборотни тўғри таҳлил қила олиши, шу билан биргаликда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш орқали шахсни мустақил фикрлашга ўргатиш, ахборот таҳдидлар шароитида шахсни тўғри яшашга, ватанпарварлик ва халқсеварликка ўргатиш ҳақида маълумотлар келтирилган.*

***Таянч сўзлар.*** *Ахборот, ахборотлашув, глобаллашув, мафкуравий иммунитет, ижтимоий муҳит, ахборот хуружи, ҳимоя механизми, ахборот коммуникация.*

***Аннотация.*** *В статье рассказывается, как психологически защитить человека от информационных угроз, виды самозащиты, умение правильно анализировать информацию при информационных атаках, а также научить человека мыслить самостоятельно, культивируя идеологический иммунитет, правильно жить перед лицом информационных угроз, информация по обучению патриотизму и патриотизму.*

***Ключевые слова.*** *Информация, информатизация, глобализация, идеологический иммунитет, социальная среда, информационная агрессия, механизм защиты, информационная коммуникация.*

***Abstract:*** *This article is devoted to how individuals can protect themselves psychologically from information threats, types of psychological self-protection, analyzing information correctly in the process of information threat, as well as, teaching an individual to think independently by developing ideological immunity, teaching individuals to live in an appropriate way and patriotism.*

***Key words:*** *Information, globalization, ideological immunity, social environment, information threat, protection mechanism, information communication.*

## КИРИШ

Бугунги давр инсоният босиб ўтган барча тараққиёт босқичлари билан солиштирилганда ўзининг шиддатли ва жадал кечаётганлиги билан фарқ қилмоқда. Мутахассислар бу тезкор даврни «оммавий ахборотлашув» ёхуд «глобаллашув асри» деб аташмоқда. Боиси ер юзининг қайсидир бир чеккасида юз берган воқеадан бир неча сония ичида бутун дунё аҳли хабар топмоқда. Бу эса шубҳасиз матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли нечоғли ошиб бораётганидан далолат беради. Шу жиҳатдан айтганда, ҳар қандай матбуот жамиятда юз бераётган воқеа ҳодисалар, ўзгаришлар, янгиланишларни тўлалигича, холис ва ҳаққоний акс эттирмоғи керак.

Ўз вақтида Ҳиндистоннинг таниқли сиёсий арбоби Махатма Ганди шундай ёзган экан: Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман. Бу сўзларни бугунги информацион хуружлар ва турли хил маълумотларнинг турли йўллар билан мамлакатимизга, умуман, бошқа мамлакатларга ҳам кириб келиб, у ёки бу минтақада асрлар мобайнида шаклланган қадриятлар, урф-одатлар, эътиқод шаклларига ва тарбия услубларига салбий ёки ижобий таъсири жараёнлари маъносида қўллаш ҳам мумкин.

Тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратмоқдаки, бу ўз навбатида ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ривожланишига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни тез ўрганиб олиш каби иқтидорини рўёбга чиқишига, хориж мамлакатларга

бориш, улар билан алоқалар ўрнатиш, дунё стандартлари бўйича олий ўқув юртларида тахсил олиш имконини берди. Ана шу алоқалар туфайли миллий меҳмоннавозлик ва саҳоват анъаналари янада ривожланди. [ 4:65]

Бундай алоқаларнинг кенгайиши ҳақиқий маънавий ва маданий қадриятларни муносиб баҳолаш имконини берди. Ҳозирги ёшлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам учраган кинони кўриб, дуч келган маза-матраси йўқ китобларни ўқиб кетаётгани йўқ. Атайлаб юртимизга олиб келинаётган ғарбнинг сунъийлаштирилган санъатидан, кенг истеъмолдаги маданиятидан норозилик сезилиб турибди. Бундай маҳсулотнинг илгариги ман этилган неъматга хос лаззати, жозибадорлиги деярли қолмаган. Ҳозирги кунда хорижнинг маданий қадриятларидан фойдалинишга анча жиддий ва танлаб ёндашиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда. Лекин оммавий ахборот воситалари орқали тинимсиз маълумотлар қуюлиб келаётган шароитда шахсга ахборот таҳдиди ҳам, атайлаб уюштирилаётган мафкуравий тажовузлар ҳам бор. [2:250]

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари ва истиқболли ғояларидан келиб чиқиб, ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси онги ва қалбида ахборот иммунитетини ҳосил қилиш муҳим ва долзарб аҳамият касб этган вазифаларимиздандир..

Психологияда эгоцентризмнинг бир қанча турлари - билишга оид, аҳлоқий ва коммуникатив эгоцентризмлар фарқланади. Жумладан, бошқаларга бирор бир маълумот бериш жараёнида уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимасликда намоён бўлади. Замонавий информацион хуружларнинг муаллифларида айнан шу каби эгоцентризм кузатилади ва улар ўзларига ўхшаш фақат ўз манфаатинигина кўзлайдиган шахс онгини қамраб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам шахсга ахборотлар таҳдиди шароитида шахсни тўғри яшашга, ватанпарвар ва инсонпарвар бўлишга, эркин фикрли бўлишга ўргатиш орқали уларда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш энг долзарб психологик ҳимоя зарур. Психологик ҳимоя бўлиши учун шахсда мустақил фикр бўлиши лозим. [1:38] Зеро, ўргатиш бир томонлама жараён бўлмай, у «педагог-тарбияланувчи» мулоқоти тизимида кўпроқ тарбияланувчининг фазилатларига боғлиқ. Бундай мураккаб ишни ташкил этишда ҳар бир ижтимоий тоифа ёки шахснинг индивидуал психологик ҳусусиятларини инобат олиш зарурати социология ва ижтимоий психологияда исботланган. Масалан, агар турли хил шахслардан иборат кичик бир гурухни яхлит гуруҳ деб оладиган бўлсак, уларнинг барчаси билан бир вақтда, бир хил эффект билан ишлаш ва шу орқали уларнинг мустақил тафаккурини ўстириш, соғлом эътиқодини тарбиялашнинг иложиси йўқ. Иккинчидан, бир гуруҳ учун мақбул ва самарали деб ҳисобланган услубни бошқасида ҳам айнан жорий этишга уриниш бундай шароитларда тескари самара бериши мумкин. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун ўз мустақил фикрига эга бўлмаган шахслар билан ишлашда қуйидагиларга эътиборни қаратиш даркор:

Биринчидан, хулқ-атвордаги хатоликлар энг аввало фикрлаш тарзидаги хатоликларнинг оқибати бўлгани учун шахснинг негатив фикрлаш тарзининг схемасини ўзгартириш лозим.

Иккинчидан, фикрлаш тарзига таъсир кўрсатиш учун тушунтириш услубларини, тарбия методларини ўзгартиришлари лозим. Яъни, илгари, юқори тонларда, директив оҳангда, бирон-бир шахсга нисбатан, ўзини устунроқ олиб, катта роли билан мулоқот қилинган бўлса, энди тенгма-тенг, демократик оҳангда, босқичма-босқич хатти-ҳаракатларни биргаликда таҳлил этишга ўтишлари лозим.

Учинчидан, шахснинг ўз-ўзини идрок қилишини, ўзига бўлган баҳосини ўзгартириш, яъни, шахсни ижобий ишларга йўналтириш орқали ўзига бўлган ишончини ўзгартиришга эришиш керак.

Психологик манбалардан яна шу нарса маълумки, шахснинг мустақил фикрлаши унга берилган таълим-тарбия билан боғлиқ бўлиб, таълим жараёнида жорий этилган тартибларда бюрократияни минималлаштирилиши керак [3:650]. Чунки эски таълим тизими ўқитувчининг айтганини, у ёзган маруза матнини айнан кўчириб ёзиб келиш, айтиб беришни талаб қиларди. Бу холат мияни автоматик ишлашга, зомби каби ёдланган бир хил қолипда бўлишга ўргатади, бундай мияда албатта ўзига хос вакуум хосил бўладики, бу вакуумга кейинчалик бошқа ёт ғоя ва

тушунчалар жуда тез сингади, чунки мия деярли тормозланган, ҳар қандай бошқача хабар унинг миясига осон кириб олади. Давр педагоглардан, раҳбарлардан ўз иш услубларини ўзгартириш, мулоқот қобилиятларни такомиллаштириш талаб қилмоқда. Бу унинг таъсир кўрсата олиш хислатининг самарали бўлишини талаб этади. Бу эса бевосита шахсда мустақил, эркин тафаккурнинг ривожланиши учун реал замин бўлади.

Шахснинг шаклланиб бориш жараёнида турли ёмон таъсирлардан асрашда аҳлоқий қадриятлардан фойдаланиши ва бунда аҳлоқий таъсир кўрсатиш технологиясидан оқилона ўз фаолиятида жорий эта олиши лозим бўлади [6:33]. Аҳлоқийликка ўргатиш, аҳлоқан ва маънан юксак бўлиш, умуман тазйиқни, куч ишлатишни рад этади. Маъмурий тазйиқ шахсни ёт таъсирлардан асраб қололмайди. Бунинг ягона йўли –шахсни шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган таълим жараёнининг узидаёқ у билан муносабатда гуманистик тамойилларни жорий этиш, эркин фикр алмашиниш муҳитининг яратилишидир.

Ахборот коммуникацияси жараёнида шахс онгига таъсир этаётган ёт ғояларга қарши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишдан аввал шахснинг ижтимоий хулқ-атворини ўрганиш лозим. [7:46]. Ижтимоий хулқда кўзга ташланадиган энг муҳим ҳолатлардан бири ташвишланиш, нималардандир чўчиш ва шу туфайли ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишга интилиш ҳисларининг намоён бўлишидир. Чунки агар психологик ҳимоя ҳолатининг моҳиятидан келиб чиқиладиган бўлса, бу – шахс ички кечинмаларини ифодаловчи шундай ҳолатки, унда одам ички руҳий муътадилликни асраш учун ўзидаги хавотирланиш, қўрқув ва хадиксирашларини босишга, улардан халос бўлишга интилади. Психологик ҳимоя – шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик дискомфортни бартараф этишга хизмат қилади. Шундай ҳолатларда одам одатда шахслараро муносабатларда ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб қолади. Психологлар ҳимоя механизмларига одатда қуйидагиларни киритадилар:

– очиқ ҳис-кечинмаларни босиш, кўрсатмасликка уриниш;

– проекция – ўзидаги ҳиссиёт ва кечинмаларни ташқи объектларга кўчириш орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришга мойиллик;

– идентификация – ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини қўйиш орқали қадриятларни рад этиш ёки танқидсиз ўзлаштириш;

– регрессия – илгари ҳаётида, масалан, ёшлигида бўлиб ўтган қайсидир воқеларга қайтиш, уларнинг яхши ва маъқулларини яна хотирада тиклаш ва хулқда қайтариш орқали ўзида психологик ҳимоя ёки оқловни ташкил этиш;

– ёлғизланиш-жамиятдан ўзини олиб қочиш, ўзидаги ўзгаришларни бошқаларга билдирмасликка интилиш, бунда шахснинг фаолияти пассив тус олади;

– рационализация – мулоҳаза ва фикр юритиш орқали ўзида ҳимоя инстинктларини пайдо этиш;

– конверсия- мулоқотдаги қандайдир тўсиқлар ёки барьерларни олиб ташлаш учун кутилмаган усулларни қўллаш, масалан, хавотирли информацияни юмористик билан алмаштириш йўли. [8:33]

Ахборот хуружлари вазиятида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилишини бошқаришда айрим жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим. Биринчидан, ҳар бир инсон учун мустақил фикр зарурлиги юқорида таъкидлаб ўтилди. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

Иккинчидан, шахс турли хил ёт ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда миллий ғурурни тинимсиз тарбиялашимиз ва бунда ҳар бир фан предмети ва тарбиявий мулоқотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Масалан, хар йили нишонланадиган қатор тантаналар маълум маънода шахсда миллий ғурурни уйғотади. Жумладан, Маъмун Академияси ва унинг нима учун айнан Ўзбекистон худудида ташкил этилганлигига фуқароларнинг эътиборини қаратиш ва уларни очиқ фикр алмашинувига чорлаш шахсда миллий ғурурни уйғотади.

Учинчидан, миллий ғурури бор инсонда имон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу қадриятлар Интернет ва

ахборотлар оламида адаштирмайдиган компас ролини ўйнайди. Бир рус олими таъкидлаганидек, интернет шундай ўрмонки, унда компассиз юриб бўлмайди.

Шахс ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўлларини ҳар бир инсонга етказиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун қуйидагиларни ёдда тутиш лозим:

а) аслида атайлаб таъсир этишга мўлжалланган хабарни шахс дарров қабул қилмайди. Чунки, биринчидан, унда илгаридан психологик ҳимоя мавжуд ва иккинчидан, ҳар қандай янги нарсанинг сингиб кетишида муайян ахборот тўсиқлари ҳам бўлади.

б) бундай шароитларда учинчи шахс таъсири эффекти рўй беради. Унинг маъноси – шахс бу хабарга ҳамма ишонаверсин, менга таъсир қилмайди‖ деб ўйлайди, лекин маълум маънода шу фикр таъсирида у ахборот таъсирига тушиб бўлган бўлади ва бу фикрни ўз миясида ҳаёлидан ўтказади;

в) шахснинг ишончтирувчи чақириқларга мойиллиги юқори бўлади, масалан, реклама орқали етказилаётган хабарларга инсон кўпроқ ўч бўлади. 90% оналар айнан реклама қилинган товарларни болаларига харид қилиб олиб беради. Ахборот оламида ёшлар катталарга нисбатан ҳимояланмаганлар тоифасига киради.

г) шахс баъзи бир хабарларнинг асл мақсади аслида маълумот бериш эмас, балки ишонтириш эканлигини тушуниш керак. Одамнинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг турли хабарларга ишонқирамай муносабатда бўлиши ҳам юқори бўлади. Лекин хабарга ишонқирамай қараши шахснинг уни қабул қилиши ёки қилмаслигини билдирмайди. Яъни, агар шахсга бу ахборот манбаига ишонманглар, улар атайлаб ёлғон маълумот бермоқда дейилса, бу нарса уларнинг шу турдаги ахборотни қабул қилмасликларини кафолатламайди.[8:33]

## Хулоса

Шахс ахборот психологик хавфсизлигини ижтимоий жиҳатларини ўрганиш ва шахсга таъсир қилувчи турли хил тахдидлар ва унинг онгини ўз манфаатлари йўлида ўзгартиришга қаратилган чақириқларнинг олдини олишнинг илмий-техник хамкорлик асосида самарали механизмларни шу жумладан, психологик химоя механизмларини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Бундай механизмларни яратишда мамлакатимизда замонавий фан ва технологиялар ривожланишининг устувор юналишини аниқлаш билан хамоҳангликда шахс ва уни хаётини қамраб олган барча ижтимоий институтлар, ижтимоий гурухларни ва унда шахснинг фаолиятини чуқур ўрганиб, ижтимоий жиҳатдан таҳлил қилиб, шахснинг дунёқараши, фикрлаш оламини кенгайишига, унда эркин ва теран фикрлаш фазилатларини намоён бўлишига хизмат қилувчи механизмларни шахсни қамраб олган ижтимоий институтлар ва ижтимоий гурухларда шакллантиришни назарда тутади.

Бугунги дунёда ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни унинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бораётганлигини, ахборот соҳасидаги глобаллашув алоқа воситаларининг ривожланиши, глобал ахборот тармоқларининг яратилиши, кўп соҳаларнинг компьютерлаштирилишида намоён бўлаётганлигини, айтиш мумкинки, жамиятнинг глобал ахборотлашуви илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзагини ташкил этмоқда, бошқача айтганда, ахборот тараққиётнинг бош омилига айланиб улгурганлигини гувоҳи бўлдик.

Шундай экан, ахборот маконининг глобаллашуви шароитида шахс ахборот психологик хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Демоқчимизки, айниқса, ёш ўспиринларнинг ўргимчак тўридан фойдаланишини доимо кузатиб бориш лозим. Акс ҳолда, ундаги баъзи маълумотлардан руҳий таъсирланиш баъзи салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

## АДАБИЁТЛАР.


1. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. Т.: “Шарқ”, 2000. 231 Б.
2. Бжезинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и его геостратегические императивм. - М.:“Международные отношения”, 2000. 178 С.
3. Брандман Э.М. Глобализация и информационная безопасность общ,ества. Монография. - М.: ГПИБ, 2007. 412 Б.
4. Грачев Г.В. Информационно-психологическая безопасность личности: состояние и

возможности психологической защиты – М.: 2002. 217 С.
5. Ишмухамедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик. – Т.:2004. 164-Б.
6. Кастельс М. Новые индивидуальные масс-медиа // “Свободная мысль”, 2006. 457 С.
7. Козин Н.Г. Вызов или ответ ислама // “Свободная мысль”. - 2007, №1. 380 С.
8. Колобов О.А., Ясенев В.Н. Контртерроризм и информационная безопасность в современном мире. Монография. – Нижн. Новгород: Нижегород университети нашри, 2014. 322 Б.
9. Умаров Б.М. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Ўкув қўлланма. Т.: 2013. 250-Б.
10. Ярочкин В. И. Информационная безопасность. Учебник для студентов ВУЗов М.: Фонд «Мир», 2003 – 640 С.

**Анваржон Абдужабборович МАХКАМОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом акадесияси*
*Замонавий ахборот коммуникация*
*технологиялари кафедраси, PhD*

# ШАХСНИ ҚУЛОҚ ЧАНОҒИ ТАСВИРИ АСОСИДА ТАНИБ ОЛИШДА БАҲОЛАРНИ ҲИСОБЛАШ АЛГОРИТМЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

# ПРИМЕНЕНИЕ АЛГОРИТМОВ ВЫЧИСЛЕНИЯ ОЦЕНОК К ЗАДАЧЕ РАСПОЗНАВАНИЯ ЛИЦА НА ОСНОВЕ ИЗОБРАЖЕНИЙ УШНЫХ РАКОВИН

# APPLICATION OF ESTIMATES’ CALCULATION ALGORITHMS TO THE PROBLEM OF PERSON IDENTIFICATION ON THE BASE OF EAR IMAGES

*Ушбу мақолада шахсни қулоқ чаноғи тасвирининг идентификацион белгиларини аниқлаш учун бир нечта алгоритмлардан фойдаланиш ёндашуви келтирилган. Бу алгоритмларнинг тасвирдаги идентификацион белгиларни аниқлашга йўналтирилган параметрлари қийматини ўзгартириш орқали бир нечта ўқув танланмалар шакллантирилади. Олинган ўқув танланмалар сифати тимсолларни аниқловчи баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари ёрдамида баҳоланади. Ҳар бир ўқув танланма учун баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари параметрларининг созланган натижалари келтирилади.*

***Калит сўзлар**: қулоқ чаноғи тасвири, идентификацион белгиларни аниқлаш алгоритми, контур чизиқлари, тимсолларни аниқлаш, баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари, ўқув танланма, ўқитиш, таснифлаш, сифат функционали.*

*Приводится подход использования некоторых методов для определения идентификационных признаков изображений ушной раковины лица. Определяются некоторые обучающие выборки посредством изменения значений параметров, идентификационных признаков в изображении этих алгоритмов. Оценивается эффективность полученных обучающих выборок с помощью*

*алгоритмов вычисления оценок. Приводятся результаты настройки параметров алгоритмов вычисления оценок для каждых обучающих выборок.*

***Ключевые слова**: изображения ушных раковин, алгоритм определения идентификационных признаков, контурные линии, распознавание образов, алгоритмов вычисления оценок, обучающая выборка, обучение, классификация, функционал эффективности.*

*The approach for using some methods to determine the identification features of images of the ear of person is given in this paper. Some training samples are defined by changing parameters values, identification features in an image of these algorithms. The effectiveness is evaluated on obtained training samples using the algorithms for calculating estimates. The results of parameter settings of algorithms for calculating estimates are presented for each training samples.*

***Keywords**: ear images, algorithm for determining identification features, contour lines, pattern recognition, algorithms for calculating estimates, training sample, training, classification, functional efficiency.*

**Кириш.** Маълумки, айни вақтларга келиб кириш тизимларини бошқариш, ахборотларни химоялаш диний-маърифий соҳаларда ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Айниқса диний-маърифий соҳалардаги кириш тизимларини бошқаришда шахсни тасвири асосида ва шахсий ID рақамларидан фойдаланиб келинмокда. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, қулоқ чаноғи тасвири асосида шахсни таниб олишга асосланган тимсолларни аниқлаш масалаларини ечиш учун кўплаб усул ва алгоритмлар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири қисман прецедентлик тамойилига асосланган баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларидир (БҲА) [1:4]. Ушбу алгоритмлар синфи бўйича кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, шунингдек уни амалий масалаларда қўллаш, зарурий хулосалар чиқариш ҳамда танланган амалий масалага мослаштириш вазифаларини амалга оширишни талаб этилади.

Ушбу мақолада мазкур алгоритмлар синфини шахсни қулоқ чаноғи тасвири асосида таниб олиш масаласини ечишга қўлланилиши қаралади. Қулоқ чаноғи тасвири асосида шахсни таниб олиш масаласи хозирги кунда оммалашиб бораётган технологиялар сирасига киради. Шахсни қулоқ чаноғи тасвири асосида таниб олиш икки босқичда амалга оширилади; биринчидан шахсни қулоқ чаноғи тасвиридаги идентификацион белгиларни аниқлаш ва маълумотлар базасини ташкил этиш, иккинчидан эса маълумотлар базаси қийматлари асосида янги киритилаётган тасвирни қайси синфга тегишли эканлигини БҲА ёрдамида аниқлашдан иборат.

Қулоқ чаноғи тасвиридаги идентификацион белгиларни аниқлаш, белгилар аниқлашнинг геометрик усуллардан бири ҳисобланган “Ellips” алгоритми ёрдамида амалга оширилади. “Ellips” алгоритми ёрдамида белгиларни аниқлаш контур чизиқлари ажратилган тасвирда амалга оширилади [4:9]. Шахснинг бир неча ҳолатда олинган қулоқ чаноғи тасвирининг қийматлари бир объект сифатида ўқув танланма жадвалига киритиб борилади. Шакллантирилган ўқув танланма (эталон жадвал) асосида ўқитиш ва таснифлаш масаласини ечишда қисмий прецедентлар бўйича БҲАдан фойдаланилади.

**Масаланинг қўйилиши.** $T_{nml}$ кўринишидаги ўқув танланма жадвали берилган бўлсин. Бу жадвалдаги синфлар $l$ та $S_j$ шахсни ифодалайди. Барча синфлардаги тасвирларнинг (объектларнинг) умумий сони $m$ та ва уларнинг белгилари сони $n$ тадан иборат бўлиб, уларни қуйидагича ёзиб олинади:

$$S_j = (\alpha_{1j}, \alpha_{2j}, \ldots, \alpha_{jn}),\quad \alpha_{ij} \in X_i,\quad S_j \in \{S\},$$

$$i = 1,2,\ldots,n,\quad j = 1,2,\ldots,m.$$

$T_{nml}$ ўқув танланмани баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари ёрдамида ўқитиш ва синфларга ажратиш масалаларини ҳал қилиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилиши зарур:

– шахснинг қулоқ чаноғи тасвиридаги идентификацион белгиларини “Ellips” алгоритми ёрдамида аниқлаш;

– БҲА босқичлари бўйича таянч тўпламлар тизими, параметрлар ва уларнинг қийматларини эталон жадвални ўқитиш ёрдамида аниқлаш;

– белгиларни аниқлаш алгоритми ёрдамида аниқланган белгилар сони турлича бўлган ҳолларда олинган ўқув танланма сифатини баҳолаш [8:14].

**Қулоқ чаноғи тасвиридаги белгиларини аниқлаш алгоритми.** Қулоқ чаноғи тасвиридаги геометрик белгиларни аниқлаш

алгоритми қуйидаги кетма – кетликлар асосида амалга оширилади.

Контур чизиқлари ажратилган қулоқ чаноғи тасвирини бир нечта тенг бўлакларга бўлиш, ушбу бўлаклар марказида жойлашган эллипслар ҳосил қилиш, ҳар бир эллипсларнинг радиуслари олдинги эллипс радиусларидан бир ёки бир неча пикселга катта бўлади, ҳосил қилинган эллипслар контур чизиқлари билан кесишадиган нуқталари сони ва ҳар бир эллипсларнинг контур чизиқлари билан кесишадиган нуқталари орасидаги масофалар ҳисобланади. Бундан ташқари белгилар аниқлашнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида контур чизиқларининг сўнгги нуқталари сони ва уларнинг координаталари ҳамда контур чизиқларининг иккига бўлиниш нуқталари сони ва уларнинг кординаталари ҳам белгилар вектори сифатида олинади[3:6, 12:14].

Улар асосида шакллантирилган белгилар вектори қуйидаги $S_j$ умумий вектор кўринишида бўлади:

$$S_j = (\alpha_{1j}, \alpha_{2j}, ..., \alpha_{jn}),$$

бу ерда, $\alpha_{1j}, \alpha_{2j}, ..., \alpha_{jn}$ - ҳар бир эллипслар билан контур чизиқлари кесишадиган нуқталари ва эллипсларнинг контур чизиқлари билан кесишадиган нуқталари орасидаги масофалар йиғиндиси.

1 - расмда геометрик белгиларни аниқлаш учун қулоқ чаноғи тасвирини бир нечта бўлакларга бўлинган ва ҳар бир бўлакларда бир нечтадан эллипслар ҳосил қилинган намунаси келтирилган:



a b

1-расм. a - контур чизиқлари ажратилган тасвир; b - эллипслар ҳосил қилинган тасвир.

Янги киритилаётган шахснинг қулоқ чаноғи тасвиридаги белгилар келтириб ўтилган усулда аниқлаб олинса, шартли равишда уни $S$ каби белгилаб олинади. Унинг маълумотларини ўқув танланма маълумотлари билан яқинлик даражаларини текшириш учун $S$ вектор қийматларини мос равишда $S_j \in T_{nml}$ объектлар билан қиёсланади.

Янги объектни таниб олиш сифатини яхшилаш учун $T_{nml}$ ўқув танланманинг барча объектларини БҲА ёрдамида ўқитиш ҳамда унинг параметрлари қийматларини аниқлаш лозим. Бу вазифа қуйидаги олти босқичда амалга оширилади:

1. **Таянч тўпламлар тизими.** Дастлабки босқич таянч тўпламлар тизимини шакллантириш, яъни *A* алгоритм бўйича объектларни уларнинг $\tilde{\omega}$-қисм белгилари бўйича қиёсловчи таянч тўпламлар деб аталувчи тизимни аниқлашдан иборат. Бунда $k = \tilde{\omega}$ параметри киритилади ва $k = 1,2,...,n$. Бу ерда эталон жадвалнинг маълумотлари асосида $k$ нинг энг мақбул қийматини аниқлаш керак бўлади. Бу эса белгиларнинг қисм тўпламлари асосида баҳоларни ҳисоблаш жараёни сарфини камайтириш учун хизмат қилади.

2. **Яқинлик функцияси.** Бу босқичда $S_j$ ва $S_q$ объектларнинг $\tilde{\omega}$-қисмлари, яъни $\tilde{\omega}S_j$ ва $\tilde{\omega}S_q$ устида қиёслаш ишлари олиб борилади. Ҳамда $\tilde{\omega}$-қисмнинг салмоғини ҳисоблаб борувчи статик $v_1(\tilde{\omega})$ массив ҳосил қилинади. $\tilde{\omega}S_j$ ва $\tilde{\omega}S_q$ қаторлар орасидаги яқинлик функцияси $r(\tilde{\omega}S_j, \tilde{\omega}S_q)$ орқали белгиланиб, уларнинг «ўхшашлик» даражасини аниқлаш (белгилар мантиқий қийматларни қабул қилганида) қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$r(\tilde{\omega}S_j, \tilde{\omega}S_q) = \begin{cases} 1, \text{ àãàð } \tilde{\omega}S_j = \tilde{\omega}S_q \text{ á¢ëñà}, \\ 0, \text{ àãàð } \tilde{\omega}S_j \neq \tilde{\omega}S_q \text{ á¢ëñà}. \end{cases}$$

а)

Объектнинг белгилари тасодифий қийматлардан иборат бўлганда яқинлик функцияси қуйидаги кетма-кетликда аниқланади:

б ) $\widetilde{\omega}S_j = (\alpha_{1j}, \alpha_{2j}, ..., \alpha_{kj})$ , $\widetilde{\omega}S_q = (\alpha_{1q}, \alpha_{2q}, ..., \alpha_{kq})$ ва $\varepsilon_1, \varepsilon_2, ..., \varepsilon_k$ (белгилар учун ўрнатилган бўсағалар), *e* (белгилар сонининг яқинлиги учун ўрнатилган бўсаға) мусбат сонлар берилган бўлсин. Қуйидаги тенгсизликнинг бажарилмаганлари сонини $\widetilde{\rho}(S_j, S_q)$ каби белгиланади: $|\alpha_{1j} - \alpha_{1q}| \le \varepsilon_1, |\alpha_{2j} - \alpha_{2q}| \le \varepsilon_2, ..., |\alpha_{kj} - \alpha_{kq}| \le \varepsilon_k$

ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$\widetilde{\rho}(S_j, S_q) = \begin{cases} 1, \; àãàð \, |\alpha_{ij} - \alpha_{ij}| \ge \varepsilon_i \; á¢ëñà, \\ 0, \; àãàð \, |\alpha_{ij} - \alpha_{ij}| < \varepsilon_i \; á¢ëñà \end{cases}$$

Унда яқинлик функцияси қуйидагича ҳисобланади:

$$r(\widetilde{\omega}S_j, \widetilde{\omega}S_q) = \begin{cases} 1, \; àãàð \; \widetilde{\rho}(S_j, S_q) \le \varepsilon \; á¢ëñà, \\ 0, \; àãàð \; \widetilde{\rho}(S_j, S_q) > \varepsilon \; á¢ëñà. \end{cases}$$

**3. Бу босқичда фиксирланган таянч тўплам қаторлари бўйича баҳоларни ҳисоблаш амалга оширилади.**

а) ташқи параметрлар мавжуд бўлмаса, унда

$$\widetilde{\omega}\tilde{A}(S, S_q) = r(\widetilde{\omega}S, \widetilde{\omega}S_q)$$ бўлади;

б) ташқи параметр $\gamma_1(S_q)$ _ $S_q$ қаторларининг муҳимлик даражаси берилган бўлса, унда

$$\widetilde{\omega}\tilde{A}(S, S_q) = \gamma_1(S_q) \cdot r(\widetilde{\omega}S, \widetilde{\omega}S_q)$$

бўлади;

в) $\gamma_1(S_q)$ параметрдан ташқари $\gamma_2(S_q)$ параметр – $S_q$ ишончлилик даражаси берилган бўлса, унда

$$\widetilde{\omega}\tilde{A}(S, S_q) = \gamma_1(S_q)\gamma_2(S_q) r(\widetilde{\omega}S, \widetilde{\omega}S_q)$$

бўлади.

4. **Фиксирланган таянч тўплам бўйича бир синфнинг баҳоларини ҳисоблаш**. Белгилашларнинг оддийлиги учун $T_{nml}$ жадвалнинг $S_1, S_2, ..., S_m$ қаторлари тегишли бўлган $K_1$ синфнинг баҳосига қараймиз.

$$\widetilde{\omega}\tilde{A}(S, S_1), \; \widetilde{\omega}\tilde{A}(S, S_2), \; ..., \widetilde{\omega}\tilde{A}(S, S_{m_1})$$

катталиклар ҳисобланган бўлсин. Синф учун баҳо қуйидаги кўринишда ҳисобланади:

$$\tilde{A}(\widetilde{\omega}) = \sum_{q=1}^{m_1} \widetilde{\omega}\tilde{A}(S, S_q)$$

5. **Таянч тўпламлар тизимлари бўйича** $K_u$ **синфнинг баҳоси**. $\Omega_A$ таянч тўпламлар тизимини қараймиз. $T_{\widetilde{\omega}} \in \Omega_A$ нинг ҳар бир элементи учун барча $\tilde{A}_u(\widetilde{\omega})$ баҳоларнинг йиғиндиси $S_j$ объектнинг $K_u$ синфга берган $\tilde{A}_u(S_j)$ баҳоси ҳисобланади:

$$\tilde{A}_u(S) = \sum_{T_{\widetilde{\omega}} \in \Omega_A} \tilde{A}_u(\widetilde{\omega})$$ ;

6. **Қарор қабул қилиш**. Бу босқичда *A* алгорит бўйича объектнинг қайси синфга тегишли эканлиги бўйича якуний қарор қабул қилинади.

а) Оддий ҳал қилувчи қоида - объектни максимал овоз бўйича синфга тегишли бўлиши қуйидагича аниқланади:

$$\alpha_u^A(S_j) = \begin{cases} 1, \; \tilde{A}_u(S_j) > \tilde{A}_i(S_j), \; u = i = 1,2,...,l, \; u \ne i, \\ 0, \; àêñ \; õîëäà. \end{cases}$$

б) Янги объектларда, ўқув танланмадаги объектларга ўхшамайдиган объектларда ёки икки ва ундан ортиқ синфларнинг чегараларида жойлашган объектлар учун «эҳтиёткор» қарорларни қабул қилишда икки бўсағавий параметрлар киритилади:

$$\alpha_u^A(S_j) = \begin{cases} 1, \quad \tilde{A}_u(S_j) > \tilde{A}_i(S_j) + \delta_1, \; ,êè \\ \quad \tilde{A}_u(S_j) > \delta_2 \sum_{i=1}^{l} \tilde{A}_i(S_j), á¢ëñà, \; u = i = 1,2,...,l, \; u \ne i, \\ 0, \; àêñ \; õîëäà. \end{cases}$$

бу ерда $\delta_1, \delta_2$ -овозлар орасидаги фарқ учун ўрнатилган бўсаға, $\delta_1, \delta_2 \ge 0$ алгоритмнинг параметрлари ва улар одатда мутахассислар томонидан берилади.

$\alpha_u^A(S_j)$, $u = 1,2,...,l$ векторнинг қийматлари 0 ва 1 дан иборат бўлиб, $m \times l$ ўлчовли натижавий жадвални ташкил этади. Агар $\alpha_u^A(S_j) = 1$ бўлса, $S_j \in K_u$ , агар

$\alpha_u^A(S_j)=0$ бўлса, $S_j \notin K_u$ ёки агар $S_j$ объект бир нечта синфга овоз берса, яъни $\alpha_u^A(S_j)=1$ ва $\alpha_i^A(S_j)=1$ бўлса, $S_j$ объектни синфларга киритиш бекор қилинади[5].

Ўқитиш ва таниб олиш сифатини яхшилаш $\varphi(A)$ сифат функциясининг қийматларини топиш орқали амалга оширилади. Бу функциянинг қийматлари қуйидагича аниқланади:

$$\varphi(A)=\begin{cases}1, \sum_{u=1}^{l}\alpha_u(S_j)=1\\ 0, \text{àêñ õîëäà}\end{cases}$$

$K_u$ синф бўйича аниқланган хатолик $Q^A(K_u)=m_u-\varphi_u(A)$ формула ёрдамида ҳисобланади.

БҲАнинг $\{A\}$ алгоритмлари тўплами ва уларда фойдаланиш мумкин бўлган параметрлар мажмуаси ҳамда уларнинг қийматларини аниқлаш [2] да кенгроқ ёритилган.

**Тажрибавий тадқиқотлар.** Тажриба тадқиқотлари ўтказиш учун турли вақтларда олинган турли кўринишдаги 4 та шахснинг қулоқ чаноғи тасвирлари олинди. Ушбу тасвирлардан белгилар аниқлашнинг "Ellips" алгоритми ёрдамида белгилар сони турлича бўлган 5 та ўқув танланма жадвали ҳосил қилинди. Шаклантирилган ўқув танланмаларда $l=4$ синфнинг $m=262$ объектлари мавжуд бўлиб, улар мос равишда $n=48$, $n=72$, $n=84$, $n=96$ ва $n=120$ белгилардан иборат.

1-жадвалда синфлардаги объектлар сони мос равишда $m_1=63$, $m_2=65$, $m_3=74$ ва $m_4=60$ кўринишда келтирилган.

*1-жадвал.*

| Синфлар | ФИО | Объектлар сони |
|---|---|---|
| 1 | *Жумаев Т.* | 63 |
| 2 | *Маҳкамов А.* | 65 |
| 3 | *Мирзаев Н.* | 74 |
| 4 | *Раджабов С.* | 60 |
| **Жами** | | **262** |

1-жадвал. Ўқув танланмадаги синфларнинг объектлари миқдори

**Натижалар**. ПРАСК-2 дастурий мажмуада МБ шаблонлари асосида шакллантирилган ўқув танланма жадваллари «SHQTT» маълумотлар базасига жойлаштирилди. Ўқув танланма жадваллари асосида ўқитиш жараёни амалга оширилди. Ўқитиш жараёни натижалари 2-жадвалда келтирилган. 2-расмда эса ўқитиш жараёнида олинган натижалардан бири келтирилган.



**2-расм. Ўқитиш жараёни натижалари ойнаси**

2-расмда ПРАСК-2 мажмуаси воситасида $n=48$ бўлганда олинган натижа ойнаси келтирилган. $S_j$, $j=1,2,...,m$ объектни $K_u$ синфга берадиган $\tilde{A}(K_u)$ овозлари нормаллаштирилган ва ўқув танланмада ўз синфига етарлича овоз бера олмаган объектлар сони ҳам келтирилган.

*2-жадвал.*

| Белгилар сони | Синфлар бўйича хатолик | | | | Умумий хатолик | Умумий эпсилон қиймати | Ўқитиш сифати % | Сарфланган вақт (с) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | *К1* | *К2* | *К3* | *К4* | | | | |
| 48 | 0 | 3 | 5 | 4 | 12 | 3 | 95,42 | 27 |
| 72 | 1 | 0 | 3 | 4 | 8 | 8 | 96,94 | 40 |
| 84 | 4 | 0 | 6 | 7 | 17 | 14 | 93,51 | 46 |
| 96 | 1 | 1 | 11 | 7 | 20 | 13 | 92,36 | 52 |
| 120 | 0 | 1 | 3 | 4 | 8 | 10 | 96,94 | 63 |

**2-жадвал. Олинган натижаларнинг умумий кўриниши**

2-жадвалдаги натижалардан кўриниб турибдики, белгилар сони $n = 2$ ва $n = 120$ бўлган ўқув танланма жадвалларида ўқитиш натижалари бир хил 96,94 фоиз аниқликда бўлди, аммо уларни ўқитиш учун сарфланган вақтлари ҳар хил. Назорат объектларини таниб олиш учун кам вақт сарф қилиб аниқлиги юқори бўлган ўқув танланма жадвали ( $n = 2$ ) олинди.

Кейинги ишларда олинган барча ўқув танланма жадваллари бўйича улардаги мавҳум яъни ўқитиш жараёнида ўз синфига етарлича овоз бермаган объектлар гуруҳини камайтириш; идентификацион белгиларни аниқлашнинг бошқа алгоритмларини ишлаб чиқиш ва уларни келтириб ўтилган белгиларни аниқлаш алгоритми билан қиёслаш ишларини бажариш керак бўлади.

Бундан ташқари ушбу ишда БҲА параметрларининг мақбул қийматларини топиш масаласи ҳам қаралмаган. Ушбу масалани ҳал этиш таниб олиш сифатини оширади, аммо дастурий ва техникавий воситаларнинг фойдалилик коэффицентининг пасайишига олиб келади. Шу боис БҲА параметрлари қийматлари (масалан, $\varepsilon, \varepsilon_i$) оддий ҳисоблаш усуллари ёрдамида аниқланган. Кейинги ишларда параметрларни берилган ўқув таналанмаларга мослаштириш вазифаларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.


1. Кухарев Г.А. Биометрические системы: Методы и средства идентификации личности человека. – СПб.: Политехника, 2001. – 240 с.
2. Журавлев Ю.И., Камилов М.М., Туляганов Ш.Е. Алгоритмы вычисления оценок и их применение. Ташкент, Изд-во «Фан», 1974. –С 119.
3. Камилов М.М., Худайбердиев М.Х., Хамроев А.Ш. Баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларининг сифат функцияси ёрдамида параметрларни аниқловчи умумлашган алгоритмларни қуриш. Кимёвий технология. Назорат ва бошқарув. Халқаро илмий-техникавий журнал. – Тошкент, 2011, № 2(38). – С.62-69.
4. Фозилов Ш.Х., Маҳкамов А.А. Қулоқ тасвиридаги идентификацион белгиларни ажратишнинг геометрик усули // «Информатики ва энергетика муаммолари», Ўзб.журнали, 2007, №3, 12-16 б.
5. Фозилов Ш.Х., Маҳкамов А.А. Шахсни таниб олиш масаласида қулоқ контурини ажратиб олиш усуллари // «Информатика ва энергетика муаммолари», Ўзб.журнали, 2006, №5,15-17б.
6. Fazilov, S. X., Mahkamov, A. A., & Jumayev, T. S. (2018). Algorithm for extraction of identification features in ear recognition. In Информатика: проблемы, методология, технологии (pp. 3-7).
7. Фазылов, Ш. Х., Мирзаев, Н. М., & Мирзаев, О. Н. (2009). Об одной модели модифицированных алгоритмов распознавания типа потенциальных функций. Математические методы распознавания образов, 14(1), 200-203.
8. Jumayev, T. S., Mirzayev, N. S., & Makhkamov, A. S. (2015). Algorithms for segmentation of color images based on the allocation of strongly coupled elements. Studies of technical sciences, (4), 22-27.
9. Жумаев, Т. С., Мирзаев, Н. С., & Махкамов, А. С. (2015). Алгоритмы сегментации цветных изображений, основанные на выделение сильносвязанных элементов. Исследования технических наук, (4), 22-27.
10. Жумаев Т.С. Биометрик технологияларда қулоқ чаноғи тасвирига қўйилган талаблар ва уни таҳлили // Доклады Республиканской научно-технической конференции «Современное состояние и перспективы применения информационных технологий в управлении», Джизак, 5-6 сентября 2016 г., с.396-400.
11. Маҳкамов А.А. $k$ яқин қўшнилар усули асосида қулоқ чаноғи тасвирининг геометрик белгилари бўйича шахсни таниб олиш алгоритмлари // ТАТУ хабарлари: – Тошкент, Ўзб.журнали, 2011.– № 2. 65-68 б.
12. Маҳкамов А.А., Мадолимова Д.Ж. Қулоқ чаноғи тасвирини характерловчи белгилар ёрдамида шахсни таниб олиш алгоритмлари // «Информатики ва энергетика муаммолари», Ўзб.журнали, №1 2018.-49-55 б.
13. Mirzayev, N. M., Radjabov, S. S., & Zhumayev, T. S. (2008). O parametrizatsii modeley algoritmov raspoznavaniya, osnovannyh na otsenke vzaimosvyazannosti priznakov. Problemy informatiki i energetiki, 2-3.
14. Mirzayev, N. M., Radjabov, S. S., & Jumaev, T. S. Isolation of characteristic features of facial images in personality recognition problems. Neurocomputers and their application.-2016.-S.

**Турдали Саминжонович ЖУМАЕВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*
*Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кафедраси, PhD*
*turdali240483@gmail.com*

# ШАХСНИ ТАНИБ ОЛИШ МАСАЛАСИДА ТАСВИРДАГИ ОБЪЕКТ БЕЛГИЛАРИНИ АЖРАТИШ АЛГОРИТМЛАРИ

# АЛГОРИТМЫ ВЫДЕЛЕНИЯ ПРИЗНАКОВ ОБЪЕКТОВ НА ИЗОБРАЖЕНИИ В ЗАДАЧАХ ИДЕНТИФИКАЦИИ ЛИЧНОСТИ

# ALGORITHMS FOR EXTRACTING FEATURES OF THE OBJECT FOR THE PROBLEM OF PERSON IDENTIFICATION

**Аннотация:** *Ушбу мақолада қулоқ чаноғи тасвири асосида шахсни таниб олиш масаласида белгиларни ажратиш алгоритмлари таклиф этилган. Ушбу алгоритмларнинг биринчи босқичида берилган тасвирлар Габор фильтри ёрдамида фильтрланади. Иккинчи босқичида бош компоненталар усули ва статистик кўрсаткичлар ёрдамида қулоқ чаноғи тасвиридан характерловчи белгилар ажратиб олинади. Ишлаб чиқилган алгоритмлар тасвирлар кўринишида берилган объектларни таснифлаш масаласини ечишга йўналтирилган турли кўринишдаги дастурий мажмуаларни ташкил этишда қўлланилиши мумкин.*

**Калит сўзлар:** *биометрия, рақамли тасвир, таниб олиш, қулоқ чаноғи тасвири, белгиларни ажратиш, фильтр, Габор фильтри, Гаусс функцияси, бош компоненталар усули, статистик кўрсаткичлар усули*

**Аннотация:** *В статье предложены алгоритмы выделения признаков при идентификации личности на основе изображений ушных раковин. На первом этапе этих алгоритмов исходные изображения фильтрируются на основе применения фильтра Габора. На втором этапе с помощью методов главных компонент и статистических показателей выделяются характеристические признаки изображений ушных раковин. Предложенные алгоритмы можно применять при создании программных комплексов для классификации объектов, заданные в виде изображений.*

**Ключевые слова:** *биометрия, цифровые изображения, обработка изображений, распознавание, изображения ушных раковин, выделения признаков, фильтр, фильтр Габора, функция Гаусса, анализ главных компонент, статистических показателей.*

**Abstract:** *The feature extraction algorithms for person identification based on ear images are proposed in this article. In the first stage of the algorithm original images are filtered by applying Gabor filter. In the second stage characteristic features of ear images are extracted using principal components analysis and statistical parameters. The proposed algorithms can be used for creating software systems for the classification of objects given in the form of images.*

**Keywords:** *biometrics, digital image, image processing, recognition, ear image, feature extraction, filter, Gabor filter, Gauss function, principal components analysis, statistical parameters*

Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлар, қулоқ чаноғи тасвири бўйича шахсни таниб олишга асосланган биометрик тизимлар яхши истиқболга эга ва уларни бошқа шу каби тизимлардан бир қатор афзалликлари мавжудлигини кўрсатди [1].

Техник қурилмаларнинг маълумотларни қабул қилиш хусусияти ва суратга олиш мобайнидаги ёруғлик даражалари каби омиллар тасвир сифатига турлича таъсир қилиши мумкин. Агар тасвир сифати ёмон бўлса, уни яхшилаш зарур. Чунки, сифатли бўлмаган тасвирларда белгиларни ажратиш ва таниб олиш самарали амалга ошмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам шахсни таниб олиш масаласида тасвир сифатини яхшилаш зарур.

Сўнгги вақтларда Габор фильтрларига катта эътибор қаратилмоқда, чунки ушбу фильтрлар ҳам фазовий, ҳам частотавий соҳаларда ўзларининг оптимал локаллаштириш хусусиятларига эга эканликларини кўрсатдилар [2,3]. Габор фильтрларидан жуда кўп соҳаларда, жумладан, текстурани сегментация қилиш, тасвирлардаги объектларни ажратиш, ҳужжатлар таҳлили, тасвир чегараларини аниқлаш, кўз қорачиғи асосида идентификация қилиш, тасвирларни кодлаш ва ифодалаш каби соҳаларда кенг фойдаланиб келинмоқда [4].

***Ишнинг мақсади***. Габор фильтри ёрдамида фильтрланган қулоқ чаноғи тасвирини характерловчи белгиларини ажратиш ва улар асосида таниб олиш масаласини ечишдан иборат.

***Масаланинг қўйилиши.*** Фараз қилайлик, $\{T_1,...T_i,...,T_m\}$ $m$ та қулоқ чаноғи тасвири берилган бўлсин. Бу ерда $T_i = \left\| t^i_{x,y} \right\|$ бўлиб, $t^i_{x,y}$ тасвирнинг $(x,y)$ координатали нуқтанинг ранг қиймати, $x$ ва $y$ мос равишда тасвирнинг эни ва бўйидаги нуқталар сони.

***Масалани ечиш усули:*** Габор ва Гаусс фильтрларининг модуляциясини маълум бир частота ва йўналишдаги синусоидал текислик сифатида қаралади ва у қуйидагича ифодаланади:

$$h(x,y) = g(x,y)s(x,y)$$

бу ерда $s(x,y)$ - комплекс синусоида, $g(x,y)$ - эса икки ўлчамли Гаусс функцияси. Комплекс синусоида ва икки ўлчамли Гаусс функцияси қуйидагича ифодаланади:

$$s(x,y) = e^{-j2\pi(u_0x+v_0y)}$$

$$g(x,y) = \frac{1}{\sqrt{2\pi\sigma}} e^{-\frac{1}{2}\left(\frac{x^2}{\sigma_x^2}+\frac{y^2}{\sigma_y^2}\right)}$$

Икки ўлчамли Габор фильтрини қуйидаги кўринишга ёзиш мумкин:

$$h(x,y) = e^{-\frac{1}{2}\left(\frac{x^2}{\sigma_x^2}+\frac{y^2}{\sigma_y^2}\right)} e^{-j2\pi(u_0x+v_0y)}$$

Фильтрнинг частотавий характеристикаси қуйидагича ҳисобланади:

$$H(u,v) = G(u-u_0, v-v_0)$$

$$H(u,v) = 2\pi\sigma_x\sigma_y\left[e^{-2\pi^2[(u-u_0)^2\sigma_x^2+(v-v_0)^2\sigma_y^2]}\right] =$$

$$= \frac{1}{2\pi\sigma_u\sigma_v} e^{-\frac{1}{2}\left[\frac{(u-u_0)^2}{\sigma_x^2}+\frac{(v-v_0)^2}{\sigma_y^2}\right]}$$

бу ерда $\sigma_u = \frac{1}{2\pi\sigma_x}, \sigma_v = \frac{1}{2\pi\sigma_y}$.

Гаусс функцияси $(u,v)$ частотавий соҳани $(u_0,v_0)$ га силжитишни амалга оширади. Шундай қилиб Габор фильтрини частотавий соҳада $(u_0,v_0)$ га, яъни координаталар бошидан $\sqrt{u_0^2+v_0^2}$ масофага ва йўналиши $\tan^{-1}\frac{u_0}{v_0}$ га силжитилган Гаусс функцияси сифатида қараш мумкин. Юқоридаги иккита формуладаги $(u_0,v_0)$ Габор фильтрининг фазовий соҳадаги марказий частотаси деб аталади. $\sigma_x, \sigma_y$ параметрлар Гаусс қобиғининг X ва Y йўналишлар бўйича стандарт четланишларидир ва улар фильтр частотавий чизиғи кенглигини белгилаб беради. 1-расмда бир хил частотадаги, бироқ турли бурчаклардаги чизиқлардан ташкил топган тасвирлар учун Габор фильтрининг натижалари кўрсатилган. Шуни кўриш мумкинки, ўзгариш ҳам $\theta$ бурчак йўналишида бўлганда $\theta$ йўналишдаги фильтрнинг соҳадаги жавоби ҳам кучли бўлади. Бу ҳолда оддий текислашдан кейинги бўсағалаш амалини бажариш тасвирни тўртта йўналишдаги чизиқларга мос келувчи тўртта соҳага ажратиш учун етарлидир. Тасвирни $(u_0, v_0, \sigma_x, \sigma_y)$ параметрлар билан аниқланган Габор фильтри орқали ўтказиб тасвирдаги энергияси $(u_0, v_0)$ фазовий частота нуқтасига яқин жойга жамланган барча компоненталарни оламиз.



**а)**



**б)**

**1-расм. а) Берилган тасвир; б) Габор фильтри-нинг 0, 45, 90 ва 135 йўналишларга мос бўлган оддий чизиқлар учун қўллаш натижалари**

Тасвирни характерловчи белгиларни самадорлигини баҳолаш бош компоненталар ва статистик кўрсаткичлар асосида қулоқ чаноғи тасвирини характерловчи белгиларини ажратиш алгоритмлари билан биргаликда Габор филтри қўллаш орқали амалга оширилган ва олинган натижалар 2-расмда келтирилган. Бунда таниб олиш $k$-яқин қўшнилар усулида амалга оширилди.




2-расм. Габор филтрини тасвирни таниб олиш масаласида самарадорлиги

***Усулни тажрибавий тадқиқоти.*** Таклиф қилинган алгоритмлардан фойдаланиб амалий масала ечиш учун Delphi тилида қулоқ чаноғи тасвирининг белгиларини ажратиш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурнинг функционал имкониятларини текшириш мақсадида 40 та кишининг қулоқ чаноғи тасвирларини характерловчи белгиларини ажратиш масаласи ҳал этилди. Бунда ҳар бир синф (шахс) учун 20 та қулоқ чаноғи тасвири олинди.

***Хулоса.*** Қулоқ чаноғи тасвири асосида шахсни таниб олиш масаласида белгиларни ажратиш алгоритмлари таклиф этилган. Мазкур белгиларни ажратиш алгоритмлари модели бошланғич тасвирларнинг Габор фильтрига асосланган тасвирдаги объектни характерловчи белгиларини бош компоненталар усули ва статистик кўрсаткичлар асосида қулоқ чаноғи тасвирини характерловчи белгиларини ажратишга асосланади. Ишлаб чиқилган алгоритмлар тасвирлар кўринишида берилган объектларни таснифлаш масаласини ечишга йўналтирилган турли кўринишдаги дастурий мажмуаларни ташкил этишда қўлланилиши мумкин.

Ушбу алгоритмлар натижалари таҳлиллари шуни кўрсатадики, белгилар сони кам бўлганда Габор филтрини қўллашдан олинган натижа Габор филтрини қўлламасдан олинган натижадан самаралироқ бўлди. Белгилар сони кўп бўлганда аниқлик даражаси бир мунча юқори, бироқ ушбу белгиларни ҳисоблаш мураккаб бўлади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Жумаев Т.С. Биометрик тизимларда тасвирни характерловчи белгиларини ажратиш алгоритми//“Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари” ёш олимлар, тадқиқотчилар, магистрант ва талабаларнинг Республика илмий-техник анжумани – Тошкент, 2013. I-қисм. 108-110 б.
2. Jain A., Bhattacharjee S., “Address block location on envelopes using gabor filters,” vol. 25, no. 12, 1992.
3. Jain A., Ratha N., Lakshmanan S., “Object detection using gabor filters”, Pattern Recognition, vol. 30, pp. 295-309, 1997.
4. Weldon T. P., W. E. Higgins, and D. F. Dunn, “Gabor filter design for multiple texture segmentation,” Optical Engineering, vol. 35, no. 10, pp. 2852-2863, Oct. 1996.
5. SX Fazilov, AA Mahkamov, TS Jumayev Algorithm for extraction of identification features in ear recognition // Информатика: проблемы, методология, технологии, 3-7
6. Jumaev Turdali Saminjonovich, Mahkamov Anvarjon Abdujabborovich (2020). Algorithm for extraction of identification features in ear recognition. international journal of innovations in engineering research and technology, 7(5), 216-220
7. Jumayev T. S., Mirzayev N. S., Makhkamov A. S. Algorithms for segmentation of color images based on the allocation of strongly coupled elements // Studies of technical sciences. – 2015. – №. 4. – С. 22-27.
8. Jumaev Turdali Saminjonovich, & Mahkamov Anvarjon Abdujabborovich. (2020). Human personal identification algorithms from the image of the ear. International Engineering Journal For Research & Development, 5(6), 5. https://doi.org/10.17605/OSF.IO/DZMCP
9. Saminjonovich Jumayev Turdali, Irgashevich Alimjon Dadamuhamedov. (2020). Creation of

electronic programs on the sanctuary of al-Hakim al-Termizi. The Light of Islam: 1(30). Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss1/30

10. Saminjonovich, J. T., Irgashevich, A. D. (2020). Creation of electronic programs on the sanctuary of al-Hakim al-Termizi. The Light of Islam, 2020(1), 215-222.
11. Махкамов, А. А., Даминов, О. А., & Мирзаева, С. Н. Алгоритмы предварительной обработки изображения лица при идентификации личности человека.
12. Махкамов, А. А. (2015). Алгоритмы идентификации личности человека по изображению ушных раковин. Исследования технических наук, (4), 28-32.
13. Жумаев Т. С., Мирзаев Н. С., Махкамов А. С. Алгоритмы сегментации цветных изображений, основанные на выделение сильносвязанных элементов // Исследования технических наук. – 2015. – №. 4. – С. 22-27.
14. Мирзаев О.Н., Махкамов А.А., Даминов О.А. Модель выделения геометрических признаков изображений ушных раковин при идентификации личности // Информационные технологии, системный анализ и управление – ИТСАиУ-2012 / Сборник трудов X Всероссийской научной конференции молодых ученых, аспирантов и студентов. – Таганрог: Издательство Южного федерального университета, 2012 –Т.3. – 180-183 с.
15. ТС Жумаев, НС Мирзаев, АС Махкамов Алгоритмы сегментации цветных изображений, основанные на выделение сильносвязанных элементов // Исследования технических наук, 22-27
16. Фазылов Ш.Х., Мирзаев Н.М., Махкамов А.А. Выделение геометрических признаков изображений ушных раковин / XI всероссийская научная конференция «нейрокомпьютеры и их применение» 19 марта, 2013 г, Москва.
17. Махкамов, А.А. (2015). Алгоритмы идентификации личности человека по изображению ушных раковин. Исследования технических наук, (4), 28-32.
18. Фозилов Ш.Х., Жумаев Т.С., Маҳкамов А.А. Қулоқ тасвирларидан контур чизиқларни Канни усулида ажратиб олиш // Республиканская научная конференция “Современное состояние и пути развития информационных технологий” Ташкент-2008. 181-184 с.

**Алимжон Иргашевич ДАДАМУҲАМЕДОВ**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*
*Замонавий ахборот коммуникация технологиялари*
*кафедраси катта ўқитувчиси*

# МАЪЛУМОТЛАРНИ РЕПЛИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ (ДИНИЙ МУАССАСАЛАР МИСОЛИДА)

# ПРОБЛЕМЫ РЕПЛИКАЦИИ ДАННЫХ (НА ПРИМЕРЕ РЕЛИГИОЗНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ)

# PROBLEMS OF DATA REPLICATION (ON THE EXAMPLE OF RELIGIOUS INSTITUTIONS)

***Аннотация***. *Ушбу мақолада тақсимланган серерларда маълумотлар базаси ахборотларининг ишончлилигини таъминлаш ва оптимал тақдим этиш масаласида натижалари келтирилган. Кўпгина тармоқ технологиялари ва серверлар ўртасидаги маълумотларни узатиш ва тақсимлаш каби масалалар ўрин олган. Чунки серверлардаги маълумотларни репликация қилиш, маълумотлар базаларини масштаблаш усулларидан бири. Ушбу техник маълумотлар базаси серверидан маълумотлар доимий равишда бир ёки бир нечта бошқа серверларга (нусхалар деб номланган) кўчирилиши (такрорланиши) дан иборат.*

***Таянч иборалар:*** *тақсимланган ахборот тизими, маълумот базаси, репли-кация, сўровлар интенсивлиги, телекоммуникация тармоғи, хавф-хатар, lan, tas-ix, виртуал олам, рақамли технология.*

***Аннотация.*** *В данной статье представлены результаты с точки зрения обеспечения надежности и оптимального представления информации базы данных на распределенных серверах. Существуют такие проблемы, как передача и распределение данных между многими сетевыми технологиями и серверами. Потому что репликация данных на серверах - это один из способов масштабирования баз данных. Этот метод заключается в постоянном копировании (дублировании) данных с сервера базы данных на один или несколько других серверов (называемых копиями).*

***Ключевые слова:*** *распределенная информационная система, база данных, репликация, интенсивность запросов, телекоммуникационная сеть, риск, lan, tas-ix, виртуальный мир, цифровые технологии.*

***Annotation.*** *This article presents the results in terms of ensuring the reliability and optimal presentation of database information on distributed servers. There are problems such as transferring and distributing data between many network technologies and servers. Because replicating data on servers is one way to scale databases. This method consists of continuously copying (duplicating) data from a database server to one or more other servers (called copies).*

***Keywords:*** *distributed information system, database, replication, query intensity, telecommunication network, risk, lan, tas-ix, virtual world, digital technology.*

***Кириш.*** Давлат ва диний соҳа муассасаларининг марказлашган ва тақсимланган маълумотларни сақлавчи ва қайта ишловчи тизимини яратиш орқали ташкилотнинг ИТ-инфратузилмаси марказлаштирилган ва виртуализация қилинган ҳолда юқори самарадорликка эришиш мумкин. Яъни, барча маълумотлар битта компьютер кластерига йиғилади, сўнгра мантиқий бўлимларга (виртуал машиналар) бўлинади ва фойдаланувчиларга берилади. Шу тарзда, ташкилотнинг умумий аппарат ресурсларидан турли хил вазифалар учун фойдаланиш мумкин. Статистикадан кўриниб турибдики, тақсимланган серверлар шунга ўхшаш аппарат платформалари даражасида ишлашни намойиш этмоқда. Репликация масалаларини амалга ошириш жараёнида ИТ-инфратузилманинг мураккаблигини пасайтиради, уни бошқариш имкониятини оширади ва мавжуд ресурслардан фойдаланишни оптималлаштиришга имкон беради. Тақсимланган серверлар ва булут моделидаги тежашга умумий вақтга нисбатан самарали фойдаланиш орқали эришилади. Марказлаштириш ва тақсимлаш туфайли оптималлаштириш ҳам мумкин – информацион технологияларидаги менежмент сифати ошади, тизим маъмурлари сони камаяди.

Маълумотларни марказлашган ҳолда сақлашнинг тармоқ технологиялари ва воситаларидан кенг фойдаланиш сўнгги бир неча йил ичида дастурий маҳсулотларни яратиш ва ривожлантиришга ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш учун дастлабки шартларни яратди [1:5].

Ўзбекистондаги диний таълим муассасалар ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясида рақамлаштириш мақсадида марказлашган сервер тизимлари жорий этилди. Серверлар ўзаро ишлашида ва маълумотларни ўз вақтида йетказиш учун жараёнларни текшириш вақтида катта муаммоларга дуч келинди. Яъни маълумотлар ўз вақтида сервер томонидан қайта ишланиш жараёни пасайиб кетганлиги кузатилди. Серверларнинг вилоятлар кесимидаги умумий жойлашув схемаси (1 – расм)




**Серверларнинг умумий жойлашув схемаси (1 –расм)**

Диний таълим марказ ва муассасаларининг тармоқ ичида жуда кўп сонли компьютерлардан биргаликда фойдаланиш натижасида кўп ҳолларда ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш мақсадида тармоққа қатнашадиган компьютерлар ўртасида функционал тақсимотни жорий етиш мумкин. Бундай мауммоларни бартараф этиш учун репликация масалаларига мурожаат этиш лозим.

Репликация (лотин тилида replico қайтараман) - бу маълумотлар базасининг асосий сервердан бир ёки бир неча серверларга маълумотларнинининг юбориш ва такрорлашдир. Асосий сервер master деб номланади ва

қолганлар slave деб номланади. Маълумотлар базаси файлларида тақдим этилган маълумотларга бир вақтнинг ўзида кириш кўп фойдаланувчилар томонидан тез-тез талаб этиларди ва ушбу файлларни умумий тармоқ ресурсида сақлашнинг афзаллиги кўриниб турарди [2:2].

Репликация маълумотлар базаларини катталаштириш методларидан биридир. Бу метод битта маълумотлар базаси серверидаги маълумотларни доимий равишда бир ёки бир неча бошқаларга (репликация деб аталади) нусхалашдан иборат. Дастур барча сўровларни қайта ишлаш учун битта ўрнига бир нечта серверлардан фойдаланиши мумкин. Бу эса юкни бир сервердан бир нечтасига тарқатиш имконини беради. **(2-расм)**




**(2-расм) Маълумотларни бошқа серверга тақсимлаш**

Маълумотлар репликацияси билан ишлашнинг иккита асосий ёндашуви мавжуд:

- Репликация Master-Slave;
- Репликация Master-Master.

Бу ёндашув битта бирламчи маълумотлар базаси серверини ажратади, бу эса Master деб аталади. Маълумотлар барча ўзгаришлар (ҳар қандай MySQL INSERT/янгилаш / сўровларни ўчириш) унда содир бўлади. Master-Slave доимо Master шаклида барча ўзгаришлар нусхасини олади. Маълумотларни ўқиш сўровлари (Select requests) иловадан қул серверига юборилади. Шундай қилиб, Master server маълумотлар ўзгаришлар учун масъул бўлган, ва қул ўқиш учун масъул бўлади. **(3-расм)**




**(3-расм) Master-Slave**

Репликациянинг бу тури афзаллиги сиз бир неча slave фойдаланишингиз мумкин. Одатда, битта master билан ишлаганда 20 **slave** серверларидан кўп фойдаланмаслик керак. **(4-расм)**




**(4-расм) Репликациянинг афзаллиги.**

Кўпинча «Master-Slave» репликацияси кўпинча маълумотларни кўчириб олиш учун ишлатилади. Бундай ҳолда, Мастер Сервер дастурнинг барча сўровларини кўриб чиқади. Slave сервер пассив режимда ишлайди. Аммо Master муваффақиятсиз бўлган тақдирда, барча операциялар Slave-га ўтказилади. Master-Master репликация схемасида жараёнида маълумотларни ўқиш ва ёзиш имконияти мавжуд: **(5-расм)**




**(5-расм) Master-Master репликация схемаси**

**Масаланинг қўйилиши.** Маълум вақт мобайнида тизимда қабул қилинган сўровлар тўпламини кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, 11 та сервер вилоят вакиллиги кесимида ўрнатилган бўлсин. Сўровлар одатда тасодифий вақтда тизимга келганлиги сабабли, сўровлар оқими ҳақида гапиришимиз мумкин. Оммавий хизмат кўрсатиш тизимларида «оқим» бирин-кетин содир бўладиган ҳодисалар кетма-кетлигини назарда тутади. Қолган қисмларга параллел равишда ишлайдиган дастурий таъминотнинг бир қисми сифатида каналнi белгилаш учун хизмат канали атамаси ишлатилади, чунки кўрсатилган тизимда сервер дастурларига киритилган ипларнинг асосий вазифаси - бу келиб тушган навбат сўровларга хизмат кўрсатишдир[10:12].

Бу вазифа шароитида сўровлар оқимини палма оқими деб ҳисоблаш мумкин, чунки кўп сонли оқимлар бир вақтда ишловчи мижоз иловалари билан кирувчи server навбатидаги сўровлар қабул қилинган моментлар орасидаги интерваллар бир-биридан мустақилдир. Битта иш станциясидан келиб чиққан сўровлар учун, албатта, жўнатиш вақти ўртасида муайян муносабатлар мавжуд: масалан, фойдаланувчи маълумот сўраган бўлса, маълум бир вақтдан кейин маълум бир эҳтимоллик билан вақт - **т**, бу ерда - **у** таҳрир маълумотларни сақлаш учун сўров юборади. Бироқ, серверга кирувчи оқимни шакллантириш жараёнида содир бўладиган кўплаб мустақил боғланиш ва сўровлар бирлашганда, битта иш станциясидан сўров олиш интервалларининг ўзаро боғлиқлиги умумий фонга нисбатан аҳамиятсиз бўлади. Кўриб чиқилаётган тақсимланган ҳисоблаш тизимида серверга келаётган сўровларнинг кирувчи оқими тизим фойдаланувчиларининг ишчи станцияларидан келаётган кўплаб мустақил сўров оқимларининг йиғиндисидир[3:4].

Сўнгги ифода тизимда буюртмалар бўлишининг ўртача вақтини ҳисоблаш имконини беради. Юқоридаги ифода минимумга интиладиган конфигуратцион параметрлар тўплами оптимал деб ҳисобланади.




Серверларнинг вилоятлар кесимидаги умумий жойлашуви.

| № | Вилоят вакиллиги |
|---|---|
| | Тошкент шаҳри |
| | Андижон вилояти вакиллиги |
| | Бухоро вилояти вакиллиги |
| | Жиззах вилояти вакиллиги |
| | Қашқадарё вилояти вакиллиги |
| | Навоий вилояти вакиллиги |
| | Наманган вилояти вакиллиги |
| | Самарқанд вилояти вакиллиги |
| | Сурхондарё вилояти вакиллиги |
| | Фарғона вилояти вакиллиги |
| | Хоразм вилояти вакиллиги |

***Масалани ечиш усуллари.*** Масалани ечишда экспанентал қонун ва бўлакларга бўлиш алгоритмларидан фойдаланиб ишлаш тезлини баҳолаш назарда тутилади. (расм-6)

| № | Сервер номи | Фойдаланувчилар сони |
|---|---|---|
| 1 | Сервер1 | 100 |
| 2 | Сервер2 | 55 |
| 3 | Сервер3 | 52 |
| 4 | Сервер4 | 38 |
| 5 | Сервер5 | 32 |
| 6 | Сервер6 | 21 |
| 7 | Сервер7 | 11 |
| 8 | Сервер8 | 10 |
| 9 | Сервер9 | 8 |
| 10 | Сервер10 | 12 |
| 11 | Сервер11 | 22 |
| | Умумий нагрузка | 361 |

**(расм-6) Серверларга тушаётган умумий нагрузка.**

11 та серверга тушаётган умумий нагрузка 361 бўлмоқда. Биз барча серверларнинг умумий ҳолатини яъни тушаётган нагрузкани оптимал ҳолатга келтирдик. Юқоридаги берилган алгоритм асосида $\overline{T}=\overline{T_d}+\overline{T_0}=\frac{\overline{r_d+1}}{\mu_d}+\sum_{i=0}^{N}\rho_i\frac{\overline{r_i+1}}{\mu_i}$ умумий тақсимланиш нагрузкаси ҳисобланди.

| | | |
|---|---|---|
| p | умумий интенсивлик | 361 |
| μ | сервер интенсивлиги | 72,2 |
| λ | ўртача интенсивлик | 26 |
| μ1 | 1-ёрдамчи сервер | 26 |
| μ2 | 2-ёрдамчи сервер | 26 |
| μ3 | 3-ёрдамчи сервер | 26 |
| μ4 | 4-ёрдамчи сервер | 26 |
| μ5 | 5-ёрдамчи сервер | 26 |
| μ6 | 6-ёрдамчи сервер | 26 |
| μ7 | 7-ёрдамчи сервер | 26 |
| μ8 | 8-ёрдамчи сервер | 26 |
| μ9 | 9-ёрдамчи сервер | 26 |
| μ10 | 10-ёрдамчи сервер | 26 |
| μ11 | 11-ёрдамчи сервер | 26 |

Серверларга тушаётган нагрузкани бошқа серверларга тақсимлаш блок схемаси. (7-расм)




**7-расм. Серверларга тушаётган нагрузкани бошқа серверларга тақсимлаш блок схемаси.**

***Тажрибавий тадқиқот натижалари.*** Репликация тизимининг тўғри ишлаши учун иккита тугун ўртасида ўтказилиши керак бўлган маълумотлар массивини аниқлаш учун тўғри ишлайдиган алгоритм талаб қилинади. Ушбу алгоритм репликация тизимларининг асосий хусусиятларидан биридир ва репликация тизимининг тезлиги ва ишончлилиги тўғридан-тўғри қайси алгоритм танланганига ва унинг қандай амалга оширилишига боғлиқ. Юқорида келтирилган алгоритмлардан фойдаланиб амалий масалаларни ечиш учун Paython дастурлаш муҳитида тақсимлаш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурнинг функционал имкониятларини текшириш мақсадида 11 та серверниң имкониятлари имитацион ҳолати текширилди[6:7].

Танланган 11 та серверниң имкониятлари белгиларнинг самарадорлиги ушбу белгиларга асосланган серверни тенг тақсимлаш ва уни оптималлаштириш ва озгина вақт ичида маълумотларни серверлар кесимида тақсимлаш имконига эришилди. Олинган натижалар таҳлили асосида тасдиқлаш мумкинки тизимнинг белгиланган параметрларида барқарор ишлайди. Тизимда буюртма бўлишининг ўртача давомийлиги 6 секундни ташкил қилади.

**Хулоса**

Шундай қилиб, тақсимланган ахборот тизимларининг ҳар хил “нуқта”- ларда сақланаётган маълумотларини оптимал тақдим этилишида репликация усулларини қўллаш самарали ҳисобланади. Шу билан бирга, репликация ахборотларнинг ишончлилигини ошишига олиб келади – бир жисмоний сервер ёки хотира майдони ишдан чиққанида ундаги маълумотнинг нусхаси ТАТ нинг бошқа хотира майдонларида сақланади ва йўқотилмайди, унга мурожаат бўлганида маълумот бошқа хотира майдонидан тақдим этилади.

Репликация маълумотларнинг ортиқча бўлиши ва нусхаларини синхронизация қилиш харажатлари эвазига тарқатилган тизимнинг ишончлилигини оширади. Репликация учун ишлаш ва ишончлилиги билан ажралиб турадиган бир нечта ёндашувлар мавжуд. Таклиф этилаётганларнинг энг жозибали

томони, келишув алгоритмига асосланган ҳолда статемачине репликациясидан фойдаланган ҳолда, юз фоиз таъминловчи вариант ҳисобланади. Хизмат маълумотларини сақлаш нархининг сезиларли пасайиши. Ушбу ёндашув билан ўзгаришлар ҳақида маълумот тўпланмайди, чунки маълумотларнинг мавжуд версиялари ҳар доим таққосланади. Жадваллар синхронлаштирилади, бунинг учун талаблардан бири ўзгаришларнинг тарихини сақлаб қолишдир. Мавжуд маълумотлар базасини ўзгартириш талаб қилинмайди, ҳеч бўлмаганда мавжуд жадваллар ўзгартирилмайди. Маълумотлар базаси администраторининг доимий иштироки ва ўзгаришларни тўплаш тизимини бошқариш талаб қилинмайди. Агар муаммолар пайдо бўлса, унда фақат аниқ белгиланган дақиқаларда, тизимни тиклаш (тизимни синхрон ҳолатга келтириш) тез ва махсус харажатларсиз амалга оширилади.

### АДАБИЁТЛАР


1. Таненбаум Э.,Ван-Стеен М. Распределенные системы. Принципы и па-радигмы.Спб.: Питер,2003.877с.
2. Нишонбоев Т. Сервисга йўналтирилган тақсимланган тизимлар (мо-нография). Фан ва технологияларни ривожлантириш маркази типографияси 2017 (300 б.).
3. Нишонбоев Т. Дастурий конфигурацияланган тармоқлар” .Ўқув қўл-ланма. (Грифли). Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ типографияси. 2017 (186 б.)
4. Nishanbayev, T.N., Abdullayev, M.M., Maxmudov, S.O. The model of forming the structure of the ‘cloud’ data center. International Conference on Information Science and Communications Technologies: Applications, Trends and Opportunities, ICISCT 2019
5. Белоусов В. Е.. Алгоритмы репликации данных в распределенных систе-мах обработки информации. Инт мат: http://diss.rsl.ru/diss/05/0591/050591031 pdf.
6. Белоусов В,Е. Особенности построения системы массового обслужи-вания в рамках среднего уровня распределенной системы обработки информа-ции» // Системный анализ, управление и обработка информации: науч.-тех, сборник статей: 2005 год, вып. № 1, - Пенза, ПГУ, 2005,- с. 23-31
7. Башарин Г.П, и др. Анализ очередей в вычислительных сетях: теория и методы расчета / Г.П.Башарин, П.П.Бочаров, Я.Н.Коган. - М.: Наука, 1989.-336 с.
8. Irgashevich, D.A. (2019). Development of national network and corporate networks (in the case of Tas-IX network). International Journal of Human Computing Studies, 1(1), 1-5.
9. Irgashevich, D.A. (2020). Development of national network (tas-ix). ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), 144-151.
10. Дадамухамедов, А. И. (2017). РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ СЕТИ И КОРПОРАТИВНОЙ СЕТИ (НА ПРИМЕРЕ СЕТИ IX). Актуальные научные исследования в современном мире, (3-2), 133-137.